

# ОТАЖОН ТОГОН



# БЕГОНА



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKİSTON»  
2015

УЎК: 821.512.161-3

КБК 84(5Тук)

Б 45

**Тоғон, Отажон.**

Б 45    Бегона: роман / таржимонлар: М. Сапаров,  
М. Аҳмад. Тошкент: «O'zbekiston», 2015.  
424 6.

ISBN 978-9943-28-355-8

УЎК : 821.512.161-3  
КБК 84(5Тук)

*Адабий-бадиий нашр*

**БЕГОНА**

Роман

Туркман тилидан *Машариф Сапаров ва  
Музaffer Аҳмад таржимаси*

Муҳаррир *А. Бобониёзов*

Рассом *С. Фармонов*

Бадиий муҳаррир *У. Сулаймонов*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова, Б. Каримов*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусаххих *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.

Босишга 2015 йил 5 ноябрда рухсат этилди. Офсет қоғози.

Бичими 84x100<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Kudriashov» гарнитурасида оғсет

усулида босилди. Шартли босма табори 21,2.

Нашр табори 19,61. Адади 3000 нусха. Буюртма № 15-525.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

© Отажон Тоғон, 2015

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2015

ISBN 978-9943-28-355-8

## Муаллиф ҳақида

Отажон Тоғон 1940 йилнинг 15 майида Туркманистоннинг Мурғоб туманида дехқон оиласида туғилди. Отаси Тоғон Аваз 1943 йилда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлади. Отажон қишлоғидаги мактабда ўрта маълумот олгач, бир неча муддат жамоа хўжалигида хизмат қилади. У 1960 йилда Москвадаги А.М. Горький номидаги Адабиёт институтига қабул қилинади. Ўқиши даврида ҳарбий хизматга чақирилади. Хизматдан қайтгач, яна ўқишини давом эттиради. Институтни тамомлагандан кейин уни Москвадаги Ёзувчилар уюшмасига туркман адабиёти бўйича маслаҳатчи қилиб ишга олиб қолишиади. Бу лавозимда у 1993 йилгacha хизмат қилади. Отажон Тоғон 1993 йилда Туркманистонга қайтади.

Бугунги кунда туркман насрининг таниқли вакили бўлган О. Тоғон илк ижодини назмдан бошланган. У туркман тилида нашр этилган иккита, рус тилида чоп қилинган битта шеърий китобнинг муаллифидир. О. Тоғоннинг «Сарахс қалъаси», «Соқов фаришта», «Ёлғизлик», «Уруш қачон тугайди?», «Урушдан сўнгги уруш» сингари ўндан зиёд китоблари туркман тилида эълон қилинган. Унинг «Сарахс қалъаси» романи ўқувчилар орасида ниҳоятда машҳур бўлди. Бу роман туркман ва рус тилларида икки бор нашр этилган. Болгар ўқувчилари ҳам уни ўз она тилларида ўқишиган. О. Тоғоннинг бир қанча асарлари тожик, озарбайжон, қирғиз, немис, эстон, ўзбек, молдован ва белорус тилларида чоп қилинди.

О. Тогон асарлари асосида «Тентак», «Бобоқам-барнинг қайтиши», «Қисмат» каби бадий фильмлар суратга олинган. Унинг «Қайнона», «Подачи», «Энг сулув қиз», «Севги ҳақи учун» сингари пьесалари туркман саҳнасида кўп йиллар давомида узлуксиз ўйналди. О. Тогон туркман ўқувчиларини жаҳон адабиёти билан яқиндан ошно этишда ҳам салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, Э. Хемингуэйнинг «Алвидо, қурол!», Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», В. Шукшиннинг «Ойдин кечадаги сухбат» асарларини, Х. Гуломнинг «Тошболта ошиқ» комедиясини, шунингдек, рус, украин, ўзбек шоирларининг кўпдан-кўп шеърларини моҳирлик билан туркман тилига ўгирди. Улар ўқувчилар томонидан қизгин кутиб олинди.

«Бегона» романни ва шу роман асосида ёзилган сценарий бўйича суратга олинган бадий фильм ёзувчининг номини дунёга танитди.

О. Тогон рус-туркман адабий алоқаларининг мустаҳкамланишидаги юксак хизматлари учун 1991 йилда «Россия Федерациясида хизмат кўрсатган маданият ходими» ва «Туркманистонда хизмат кўрсатган санъат ходими» унвонларига муюссар бўлди.

## Сўзбоши ўрнида

Тарихий воқеаларга асосланган «Бегона» романнода бундан 150 йил аввал туркманлар қўлига асир тушган француз капрали Гулибеф де Блоквилнинг ғаройиб драматик қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Отажон Тогоннинг ушбу романни аниқ тарихий ҳужжатлар асосида яратилган. Блоквил қисмат шамоли туфайли туркман тупроғига қадам қўйган илк француз ҳисобланади. Бу ҳақда у «Туркман диёридаги ўн тўрт ой асирилик» номли даҳшатли воқеаларга бой кундалигини битади. Туркман қишлоғининг пастқам жойидаги қоронги кулбада ўтказилган 420 кун қўрқинчли туш каби унинг хотирасидан мангу ўрин олади.

Ижодий изланишларда омад Отажон Тогонга кулиб боқди. У 1989 йил Парижда бўлганида, тасодифан Блоквилнинг ҳаёт бўлган якка-ёлғиз қариндоши билан учрашиб қолди. Кўп миллионли Парижнинг 16-кварталида яшаётган 80 яшар Жак Блоквил қариндоши Гулибеф Блоквилнинг ҳаётига тегишили, ҳатто, шу вақтгача тарихчиларга ҳам номаълум бўлган қатор воқеаларни, ашёвий далилларни туркман ёзувчисига айтиб беради. Натижада француз капралининг қисмати борасида туркман тилидаги тарихий романнинг илк нусхаси юзага келади.

... 1860 йилда Эрон давлати туркманларнинг севимли шаҳри Марвни босиб олишга тайёргарлик ишларини олиб боради. Эрон қўшини навкарлари билан туркманлар диёрига боришга ҳукумат томонидан махсус чақирилган олий билимли француз Блоквил Марв атрофидаги сугориладиган ерларнинг харитасини тузиши лозим эди. Марв тупрогига қадам босишдан олдин барча европаликлар сингари у ҳам ўз хавфсизлигини олдиндан таъминлашга ҳаракат қиласди, яъни, мабодо туркманлар қўлига асир тушгудек бўлса, уларнинг қўлидан сотиб олинishi тўғрисида Эрон шоҳи Насриддиннинг расмий мўхри билан тасдиқланган шартномани тузади. Эронликлар бу урушда енгилади. Блоквил асир тушив, зиндонга ташланади. Бироқ шоҳ Насриддин ҳам берган сўзидан тониб, уни сотиб олишдан бош тортади. Асирикдан қутулиш йўлида жони ҳалак Блоквилнинг ҳам, қимматбаҳо асир эвазига улкан тўлов олиш умидида хомтама бўлган туркманларнинг ҳам Эрон подшолигига юборган хабарлари ҳеч қандай самара бермайди. Илмли французни Эрон тарафидан пул тўлаб озод қилишни ҳеч ким истамайди. Юз берган виждонсизлик натижасида аянчили тутқунликнинг муддати чўзилаверади. Шундай қилиб, Блоквил «ўзлариники» учун ҳам, бегоналар учун ҳам бегона бўлиб қолади. Туркманлар учун эса у табиийки, босқинчи душман эди.

Йигирма саккиз яшар капрал умрининг 14 ойини Марвнинг Қўнғир қишлоғида асирикда ўтказишга мажбур бўлади. Бу ерда у қисматнинг ниҳоятда озири синосларига, ҳақорату камситишларига дуч келади.

Блоквилнинг қийинчилклар билан ўтказаётган умргузароғлигига яна бир кутимаган хавф таҳдид солаётганди. Унинг «хўжайини» Эгамуроднинг форс тилини билгани учун француз билан туркманлар ўртасида тилмошлиқ қилиб юрган жияни Оқморол

оғироёқ бўлиб қолади. Блоквил билан Оқморол ўртасида бошқачароқ муносабат бор бўлса керак деб юрган «хўжайин» туркман қизининг номусига теккани, ислом шариати қонунларини бузгани учун бандини ўлдирмоқчи бўлади. Бироқ ёмонлик билан яхшилик ёнма-ён яшайди деганларидек, асирдан ўч олинишига саноқли дақиқалар қолганида дунёга келадиган гўдакнинг ҳомийлари пайдо бўлиши ва уларнинг мардлиги Блоквилни ўлимдан олиб қолади.

Шу тариқа, Парижнинг аристократ йигити Марвдаги туркманлар орасида энг билимдон ва илмли кишига айланади. Айниқса, чорвадор туркманлар унга барча нарсани биладиган қудратли одам сифатида муносабатда бўлишади. Асир француз ўзи истамаган ҳолда беморларга нажот элтувчи дуогүй муллага, оғир касалларга шифо берувчи табибга айланиб қолади. Узок-узоқ туркман қишлоқларидан дуоталаб хасталар унинг ёнига нажот истаб кела бошлийди. Айниқса, норасида гўдаклар, ёш болаларга у ниҳоятда ёқиб қолади. Блоквил ўз ҳаракатлари билан катта ва кичикнинг тилини баравар топишга муваффақ бўлади. У эринмасдан туркманларнинг тилини, урф-одатларини синчковлик билан ўрганади. Блоквил туркманларга қанчалик сидқидилдан хизмат қилмасин, бирон кимса уни бандиликдан озод этишини хаёлига ҳам келтирмайди. Қайтанга, айримлар уни асир бўлган уйдан ўғирлаб, бошқа бир бойга қимматроқ пулга сотиш ҳаракатига тушиб қоладилар. Асир французнинг от ўғирлаб, Афғонистонга қочиш орзуси ҳам амалга ошмайди. Унинг «хўжайини» ниҳоятда ҳушёр. Француз ҳожат учун борган жойида ҳам «хўжайин»нинг ўткир никоҳидан қочиб қутулолмайди.

Шундай қилиб, туркманларнинг «фаранг мулла»си ўзиникилар учун ҳам, бегоналар учун ҳам бегоналигича қолади. Аммо, у эзгу умидлардан воз кечмади. Ҳатто, у инсонийлик даражасини

сақлашнинг энг қийин ҳолатларида ҳам инсон деган номни баланд туттди. Одамгарчиликни ҳеч вақт эсдан чиқармайди. У ўз умрининг, чорвадор туркманлар ҳаётининг маъносини чуқурроқ англашга интилади. Ожизларга ҳамиша ёрдамга шай туради. Теварак-атрофидаги шароитни ўрганади. Ўзга халқнинг ҳаёт тарзи ва асрий маънавий қадриятларига кўрсатган эҳтироми туфайли Блоквил бегоналар қалбида ҳам, душманларда ҳам одамийлик муносабатлари ва инсоф-диёнат туйгуларининг уйғонмогига туртки топа олди...

Үлкаи аъзам деярлар бу Марви шоҳи жаҳон  
Барчалар даъво қилиб ўтган замондир бу замон,  
Хонгечен кандинда кўрдим, оқди сел ўрнига қон,  
Бошга бош айлар талаш рустамсифат, ҳайдарнишон,  
Қилганим хайру дуо, кўнглим анинг мастонидир.

**Мулланафас**

*Қожорлар сулоласи ҳукм сурган даврда  
бўлиб ўтган барча воқеаларнинг ичидা  
энг фожиалиси – Марв жангидир.*

## **Сайд МУҲАММАД Али ал-ҲУСАЙНИЙ**

### **1**

Нимқоронги зинданнинг эшиги ғижирлаб чала очилди-да, қора жундор қўл кичкина ёғоч товоқни ичкарига сурди. Эшик яна ғижирлаб ёпилиб очилганда ёғоч товоқ ёнида энди кафтдаккина зофора нон билан бир бош пиёз пайдо бўлди. Булар асирнинг тушлик овқати эди.

Ҳар сафар товоқ келтирилиб қўйилиши билан бурчак-бурчакда ётган қовоқлар орқасида уя қурган сичқонларнинг «чий-чий»и бошланади. Зинданда ётган асир бу чийиллашларнинг овқат ҳиди билан боғлиқлигини яхши билади. Худди шу лаҳзаларда зиндан «соҳиби»нинг аҳволи тузукроқ бўлса, у оёғини сал қимирлатади. Оёғидаги кунда эса бу пайтда ёқимсиз бўғиқ қисирлайди ва шу ондаёқ сичқонларнинг «чий-чий»и ҳам таппа ўчади.

Жониворларнинг чийиллашлари бу гал ҳам кучая бошлади. Бироқ зинданнинг бир бурчагида от устига ёпиладиган жулдур ёпқични икки қаватлаб, оёқларини бир-бирига ёқар-ёқмас чалиштириб ўтирган асир анча вақт сичқонларга эътибор бермади. Сўнг у тиззаси устидаги катта дафтарни ён томонга ташлади-да, эшик тирқишидан тушган ёруғроқ жойда турган товоққа назар солди ва хўрлиги келиб инграб юборди: «Жаноб капрал! Жаноб капрал! – деди ўзига-ўзи, – мунақа ювиндини сен итинггаям бермасдинг-а...».

Ростдан ҳам у бунақа овқатни ўзининг ов тозисигаям раво қўрмасди. Ахир ўзи эмасмиди, оп-поқлиги кўзни қамаштирадиган кўйлаклар кийиб, Парижнинг энг қимматбаҳо ресторонларида овқат-

ланиб юрган одам! Бугун эса шу одам оқсусыклиқдан бандига айланиб, ит ҳам емайдиган ювиндини сабрсизлик билан кутиб ўтиrsa-я?! Мана, зиндонга келтириб ташлаганларигаям бир ой бўлиб қолса-да, нуқул ейдиган-ичадигани ўша ёвғон-у, бир парча зорора нон. Асири бу овқатнинг номини ҳам билиб олди. Уни «уноши» дейишаркан. Ажабо, ҳамма «оғабек» деб парвона бўладиган асосий хўжайин Эгамурод қўнғирнинг оиласи шундан бошқа овқат ейдими-йўқми?! Манави дафтарига сурат чизишдан ёки хотира ёзувларини қоралашдан зериккан пайтларида асирининг эшик тирқишидан ташқарига назар ташлашдан бошқа юмуши ҳам йўқ. Ташқаридан эса бир-бирига яқин қилиб тикланган ўтов, лойдан қурилган битта улкан ўчок кўзга ташланади. Шу ўчоқни босиб ётган қора қозонда нима пишса, уч ўтовга ҳам, асири ётган сомон кулба — зиндонга ҳам ўша овқатдан кириладилар.

Марвнинг шимолидаги Қўнғир қишлоғида жойлашган зиндондаги бу асирининг номи Жорж Блоквил. Ислам-шарифини тўлиқ билишни истайсизми, унда эслаб қолинг: Жорж Анри Гулибеф де Блоквил, Франция фуқароси. У Марвга бостириб келган Эрон қўшинлари сафида эди, мана, асири тушиб бир ойдан бери шу «қаср»да оёғини чўзиб ётибди. Ўзикку қожорга, туркманга ўхшаган ери йўқ, кумушранг соchlари елкасигача ўсиб тушган, шунинг учун бўлса керак, туркманлар қўлига тушган бу асири ҳақидаги гаплар овулдаги каттаю кичик орасида тарқалганди. «Қўнғирнинг уйида фаранг банди бор», деган гап оғиздан-оғизга ўтиб, мана, эндиликда Блоквил деган ном унутилди-да, «фаранг асири» деган лақабга эга бўлди-қолди. Нафақат лақаби, балки қариндошларининг бой одамлар эканлиги ҳам айтилди. Бу хабар оғиздан-оғизга ўтиб, туркманлар орасида кенг тарқалди. «Уни асирилкдан қутқариш учун қариндошлари мингта қулнинг баҳосини тўлашга ҳам рози эмишлар!» — дейишарди кўп одамлар

оғизларидан суви оқиб. Шунинг учун бўлса керак, Эгамурод қўнфур ўзининг чекига тушган бу асирга ноёб хазина каби қарайди, асирни қариндошларига сотиб, бойиб олишни орзу қиласди. Блоквилнинг оёғига урилган кунданинг калитини ҳам мудом ёнида олиб юради. Кунда, ҳатто, Блоквил ёзиши учун ҳожатхонага борганида ҳам ечилмайди.

Блоквил 1860 йилнинг 3 октябрида Сайдносир қабристони ёнидаги боғ ичидаги қўлга тушган эди. Қачон, қаерда, ким қўлга туширганини у сира унутмайди. Қўлга тушиб, у туркманлар томонидан уркалтак-суркалтак қилинмаган бўлса-да, шундан буёғига кун ҳисобини йўқотиб қўйди. Куни нимаси, сал бўлмаса ой ҳисобини йўқотар ҳолга келиб қолди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Блоквил 12 ноябрда 28 ёшни тўлдириши керак эди. Хў-ў-п, бугун неchanчи сана? Ноябрнинг тўққизими, ўними? Балки, айнан шу бугун ўн иккинчи ноябрdir? Шу бугун у йигирма саккиз ёшга чиққандир-у, ўзи туғилган кунидан ўзи бехабар ўтиргандир? Туғилган кун эмиш-а, туғилган кун?! Туғилган бўлса нима, шу кунни манави уноши ва пиёзни еб нишонлайдими? Ундан кўра, ўтган йилги туғилган кун зиёфатини ёдлаб ўтиргани минг бора афзал эмасми? О, Сена дарёсининг соҳили... Қирғоқ-қа тақаб қурилган гўзал ресторон... Блоквилнинг дўст-ёронлари, кетворган жононлар тўпланишган эди, ўша дамда. Йўқ, яхшиси эста олмагани тузук. Йигирма ети ёшини жононларнинг шўх кулгилари, гулгун қадаҳлардаги шароб ёғдулари ила нишонланган бўлса, йигирма саккиз ёшини... Манави бесўнақай кунданинг ёқимсиз шиқирлаши-ю, сичқонларнинг чийиллашлари остида нишонламоқда. Устига-устак, жаноб капралнинг ҳали йигирма тўққизинчи ёшига етиб бориши-бормаслиги гумон бўлиб турибди. Бошига ҳар хил кўргиликлар тушиши мумкин. Блоквилни Эгамурод қўнфурдан ўғирлаб кетиб, мўмайгина пулга сотиб юборишни ўйлаб юрганлар қанча! Бу ахволда

шу кунинггаям шукур қилиб ўтираверганинг маъқул, шекилли.

...Капрал товоқдаги уношини хўриллатиб ичди-ю, юзини буришириб, худди қуриб қолгандай қапишиб ётган елкаларини қоқиб қўйди. Сўнг ёнидаги ғадир-будур ёғоч устунга суюниб, уч-тўрт маротаба елкасини суркаб қашинган бўлди. Ўзиям қат-қат кирлаб кетган шекилли, кийимлари орасида уйқудан уйғонган битларми, сиркаларми ғимир-ғимир ҳаракатга тушди. Сўнгги марта қачон тўшини яланғочлаб ювинди экан? Буг кўтарилиб турган ҳовурули Европа ҳаммомлари қаерларда қолди? Бу бечора капрал ўша қайноқ сувларга яна қайта етиша оладими-йўқми?! Ё мана шу битлар, сиркаларга ем бўлиб, ёт ўлкалардаги қайнаб ётган қумлар орасида жон берадими?!

## 2

*Шоҳ «Ироқ, Озарбайжон, Эрон ва Хуросон вилоятларидағи қожорлар уруғидан ва бошқа элатлардан 25 минг сарбоз, 10 минг от-эшак, 2 минг ҳұнарманд ва савдогарларни ишинг»  
деб фармон берди.*

**Мұхаммадризо ОГАХИЙ**

1860 йилнинг 14 июнь куни юзига ҳайбатли шер шакли заррин иплар билан тўқилган байроқларини ҳилпиратган Эрон қўшини Сарахс воҳасидаги Тажан дарёсини кечиб ўтди.

Ялтироқ безаклар, олтин-кумушлар ила безатилган оқ от устидаги шаҳзода Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг юзи важоҳатли эди. Шундай бўлса-да, хиёл жилмайиб, ёнидаги отлиққа юзланиб гап отди:

— Жаноб Блоквил, сиз бугунги санани ёдда туting...

— Мен ҳам худди шу ҳақда ўйлаб тургандим, жаноб... — Блоквил шундай деди-ю, шаҳзоданинг гапини маъқуллаб бош силкиб қўйди. — Бугунги

сана минг саккиз юз олтмишинчи йил июнь ойининг ўн тўртингчи куни!

— Бу сизнинг ҳисобингизча шундай. Бизнинг ҳижрий ҳисобимизда эса минг икки юз етмиш еттинчи йил бўлади. Фарқи нима? Барибир, сиз бу тупроқка қадам қўйган биринчи европаликсиз. Шундай эмасми?

— Биринчи европаликманми-йўқми, буни билмадим-у, аммо биринчи француз эканлигим аниқ!

Ҳамза Мирза бошқа сўз демади. Ўзини бу тупроққа оёқ босаётган биринчи француз деб билган Блоквил эса от устида гавдасини сал тиклаб олди. У туркман тупроғида тез орада рўй берадиган жанглар тарихининг асл сабаблари билан унчалик қизиқмасада, анча-мунча гаплардан хабардор эди. Машҳад этагидаги Ёқутқалъадан кўп сонли лашкар бўлиб чиққанларидан буён ўтган бир ой вақт мобайнида икки одамнинг боши бир жойда қовушса, Марв юриши ҳақида гап кетарди, яъни Хурросон ва бутун Эроннинг туркман заминига муносабати ҳақида баҳс очиларди. Тўғри, Блоквил бу сиёsatдаги турли воқеалар ҳақида ҳеч қачон хурросонлик катхудолар билан очик мунозарага киришган эмас, зеро, бу борада унинг ўз қарашлари бор. Яна ҳам тўғрироғи, у бегона бир юртнинг фарзанди бўлганлиги сабабли ҳам баҳслашаётганлар тўдасига тўғри бўлса, тўғри деб, нотўғри бўлса, нотўғри деб айтишни хоҳларди. Масалан, Марвга юриш бошлаш арафасида Эроннинг қилган ҳийлалари сиёсий номардлик эканини у яхши англаб етди. Хурросон сартиб-губернатори билан Султон Мурод Мирза Эрон ҳукумати номидан саксон нафар обрў-эътиборга эга бўлган туркман оқсоқолларини маслаҳат баҳонаси билан Машҳадга чақириб, барчасини зинданга ташлаши, албатта, сиёсий ҳийлагина эмас, балки туркманлар олдидаги уларнинг ожизлиги эди. Марвга ҳужум қилиш олдидан мўътабар оқсоқолларни асир олиш билан эронийлар, туркманларни бошсиз-етакчисиз

қолдирдик, деб ўйлашмоқда. Эронийларнинг ўйлашларича, ақлли-фаросатли оқсоқоллардан маҳрум қилинган элатни енгиш ва тиз чўқтириш осон амалга ошадиган иш-да...

Эрон қўшинларининг туркманлар диёрига бостириб киришидаги асосий баҳона оломончилик (бой ўлжа олиш учун ўзга юртларга қилинадиган босқин) билан боғлиқ эди. Блоквил ушбу баҳонани ҳам икки нафар тенг кучли даъвогарнинг ўзаро келишмовчилиги деб ҳисоблайди. Эрон томонининг даъвосича, туркманларнинг, хусусан, така туркманларнинг Хуросон шимолидаги вилоятларга тез-тез босқин уюштириб турганликлари ушбу юришга сабаб бўлди. Бу аслида асоссиз эмасди. Туркманлар босқинга чиқиб, Хуросоннинг қишлоғу туманларини талардилар. Худди шунингдек, эронликлар, хусусан, хуросонликлар ҳам туркманлар сингари Сарахс, Марв, Ахалга босқин уюштириб, қишлоқларни талаб кетишарди. Бироқ, Эрон сиёсатининг орқа томонида бошқа бир асосий мақсад яширинган эди. У ҳам бўлса – эронликлар босқин баҳонасида Мурғоб дарёси бўйидаги туркманларни узил-кесил тобе қилиш ёки уларни Балх, Хива, Бухоро томонларга кетишга мажбур этишдан иборат.

Бу билан улар ўзларининг қадим ерлари ҳисобланган Марв заминини Эрон ҳисобига осонгина кўшиб олмоқчи эдилар.

Аммо юзага келган шароитга диққат қилинса, босқинчилик баҳонаси йирик давлат аҳамиятига эга бўлган ишни амалга ошириш учун бошлашга бир сабаб бўлди, холос. 1860 йилларга қадар Эроннинг Кавказдаги мулки бўлган ўн еттига шаҳарнинг, Ҳирот, Афғонистон, Белужистондаги ҳадсиз-чегарасиз заминнинг қўлдан кетиши Насриддиншоҳга тинчлик бермасди. У ҳар қандай арзимас сабабни баҳона қилиб, қўлдан чиқиб кетган бойликларнинг ўрнини тўлдиришни ўйларди. Кавказ ёки Шарққа ҳаракат қиласа, оёғи уриб синдирилишини билган

шоҳ мақсадини осон йўл билан — пуштипаноҳио ҳомийиси йўқ ожиз ўлка бўлган Марвни босиб олиш билан амалга ошироқчи эди. Илк ҳаракатда Марв олинса, Кўктепа, кейин бутун Ахал воҳасини қўлга олиш енгил кўчарди. Бугунги босқинчилик ҳийласининг эртанги фойдаси ана шундай орзулар билан боғлиқ...

Жорж Блоквил бу сиёsatни яхши биларди. Эроннинг қўлга киритиш учун ҳаракат қилган жойларига жаҳоннинг энг кучли давлатлари ҳисобланган Россия ҳам, Англия ҳам кўз тиккан эди.

Машҳаддан чиққанларидан буён эронликлар ҳар қанча таъкидламасинлар, Блоквил туркман тупроғида қон тўкилмаслигига ишонмайди. Ўзи ҳам ҳарбий киши бўлганлиги учун эронликлар ўттиз уч тўп билан мунча қурол-аслаҳани олиб саҳро сайлига чиқмагандир деб ўйларди. Шу сабабли Блоквил бу босқин ўзи учун нохуш якунланиши ҳам мумкин деб хавфсиарди. У бу хавфнинг нима билан боғлиқ бўлишини кўз олдига келтира олмаса-да, дилни хира қиласидиган фурсатнинг яқинлашаётганини ички бир туйгу билан сезаётган эди. Начора, у бу замин учун бутунлай ёт одам эди. Форслар билан қиёслаганда ҳам капрал бу тупроқдан жуда узоқ-узоқларда униб-ўсган. Шунинг учун бу заминни қуруқ бутаю янтоқ қоплаб ётган бўлса-да, кенг заъфарон саҳронинг истаган пастқам жойида ногоҳон хавф илк бор эронликнинг эмас, фарангликнинг оёғидан олиши мумкин деган фикр унинг миясидан кетмасди.

Хуллас, номаълум хавфнинг рўй бериши тасодиф бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, Блоквилнинг туркман заминига оёқ босишининг ўзи тасодиф эди. У Париждан Техронга келгач, хизмат қилишга ният қилганди. Аммо ҳарбий йўналишдаги ўринларнинг барчаси банд бўлгач, у яна Парижга қайтишни маъқул билди. Техрондан жўнашга ҳозирлик кўриб юрганида, 1860 йилнинг март ойи охирларида, Эрон

шоҳи Насриддин ўз вакили орқали унга кутилмаган хабарни етказди. Блоквилга туркманлар диёрига отланган қўшин билан Марвга бориш таклиф қилинди.

Блоквил қадимий Марв ҳақида, Бухоро, Хива, Самарқанд тўғрисида кўп маълумотларни ўқиб, кўп нарсаларни билиб олганди. У Шарқни ўз кўзи билан кўришни олдиндан ҳавас қилиб юради. Шу сабабли шоҳ Насриддин таклифини дарҳол қабул қилди.

Эрон раҳбарларига ҳам айни Блоквил сингари ҳарбий саводли мутахассис зарур эди. У Эрон қўшини билан Марвга бориб, шоҳ Насриддиннинг алоҳида топширигини, эронликларнинг қўлидан келмайдиган зарур юмушларни бажариши, Марв заминининг алоҳида муҳим жойларини, ариқканалларнинг, сугориш иншоотларининг жойлашувини харитада акс эттириши, зарур ўринларда сурат қилиб чизиши лозим эди.

Топография бўйича билимдон ҳисобланган Блоквилнинг ёнида Париждан келтирилган ва харита чизища ишлатиладиган зарур асбоб-ускуналари, суратга оладиган аппаратлар бор эди. Шунинг ўзи унинг Марвга бориш таклифининг юзага келишига сабабчи бўлди.

Жорж Блоквил бу асосий топшириқдан ташқари, ҳарбий экспедицияда муҳбирлик вазифасини ҳам бажариши лозим топилди. Ҳарбий юриш янгиликларини Европага етказиб туриш ҳам унга юклатилди. Бу нарсалар саводли офицернинг осонгина қилиши мумкин бўлган оддий иши эди. Қолаверса, қожор қўшинларининг ҳаракати эронликларнинг эмас, балки европалик бегона шахснинг сўзи билан дунёга тарқатилса, ёлғон ҳам чин сўзга айланиши турган гап.

Шоҳнинг таклифини қабул қилган Блоквил ўз жонининг ҳам хавфсизлигини ўйлайдиган ҳушёр европалик эканлигини эслатиб, шундай деди:

— Агар мени туркманлар асирга олишса, озод бўлишимнинг кафолатини бера оласизми?

Марвга кетиш шартларини келишиш учун юборилган шоҳ вакили бурнини жийирди.

— Сизни ниҳоятда фаросатли, билимли одам дейишганди, жаноб...

— Мен сизга ақл-фаросат тўғрисида савол берётганим йўқ. Саволимни тушунмаган бўлсангиз, уни такрорлашим мумкин.

— Саволни такрорлашга ҳожат йўқ. Ҳеч кимнинг асир тушмаслигига, биронта навкарнинг бурни қонамаслигига менинг ўзим кафил бўлишим мумкин. Марвга йигирма икки минг сарбоз билан ўттиз уч тўп жўнатиляпти-ку, ахир, жаноб...

— Мен тўп овозини кафолатнома деб қабул қила олмайман. У қуруқ бир товуш...

Тажан дарёсидан ўтилгандан сўнг ҳам шоҳ вакили билан ораларида бўлиб ўтган сухбатни Блоквил эслаб, нима бўлганда ҳам Франция давлатининг Техрондаги элчихонаси расмий дафтарига қайд қилдириб, Эрон давлати муҳри босилган ҳукумат кафолатномасини олганини яна бир бор ўзича маъқуллаб қўйди.

Блоквил фолга ҳам, тушда кўрган ҳодисаларга ҳам мутлақо ишонмасди. Бироқ Насриддин шоҳнинг вакили билан учрашгандан сўнг, ҳув бирда кўрган тушини ҳеч эсидан чиқара олмади. Қизифи шуки, бу тушни яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам йўйиб бўлмасди... Блоквил тушида бирор туп ниҳол кўкармайдиган нотаниш юртга борганмиш. У теварак-атрофига ҳайрон қолиб қараб турганида, олдидан бир тўда қора аёл ер остидан чиққандай пайдо бўлибди. Уларнинг айримлари қип-яланғоч, баъзилари эса кўйлагини кекирдагигача шимаришган. Қора аёлларнинг кўриниши ғалати, ҳаракатлари қатъий. Улар Блоквилга ҳужум қилишармиш. Аммо, Блоквил қочиб яширинадиган пана жой тополмайди. Новча капрал бу жангари аёллардан қочиб қутулолмайди.

Яланғоч жангарилар Блоквилни ушлаб, унинг қулоғини, бармоқларини ғажий бошлишади. Блоквил шундай ҳолатда ҳам ўзининг ҳарбийлигини эсга олиб, кураш майдонида душман мерганининг ўқидан ўлмай, яланғоч аёлларнинг ўткир тишларидан ҳалок бўлишига ачиниб турган эмиш...

Тушга нималар кирмайди, ёмонлар нима демайди? Блоквил бу ҳолатни руҳи чўккан ҳолда эсга оларди. Гёё уни олдинда қўрқинчли бир тақдир кутиб тургандай эди. Шу сабабли Марвга жўнашларидан олдин шоҳ билан ўзи ўртасида тузилган кафолатноманинг расмийлаштирилганини яна бир бор тўғри иш деб ҳисоблади. Чунки тушга ҳар хил ҳодисалар киргани каби, турмушда ҳам кутилмаган ногоҳоний воқеалар рўй бериши эҳтимолдан холи эмас-да.

Кўп сонли қўшинга етакчилик қилиб бораётган Ҳамза Мирза олд томонда кўринган тепаликка қараб от солди. Отнинг орт туёқлари остидан кўтарилиган чанг-тўзон кафтдай кенг майдонда из қолдириб борарди.

Қарши томондаги баландликка чиқиб, қуроласлаҳалари билан илгарилааб келаётган қўшиннинг ҳаракатини тепадан туриб кузатишни хоҳлаган Ҳамза Мирза бир маромда чопиб бораётган аргумофининг жиловини тортмади. Жазирама ёз фаслининг қайноқ қозонида қовурилиб, сарғайиб сомон бўлаёзган кўкатлар от туёқлари остида ҳазин овоз чиқариб эзиларди. Бедов отининг бир маромда чопиб боришига қувониб, бафбақалари ҳам силкиниб ўйнаётган саркарданинг қулоғига қуриган майсанинг қисирлаган овозлари ҳам ёқимли эштиларди.

Бир кучанишда шаҳзодани тепалик устига олиб чиққан от эгасининг қалбидаги туйфуларни билгандай орқасига қайрилиб, думларини силкитганча пишқириб турди-қолди.

Жанубдан қўй подаси сингари илгарилааб келаётган қўшиннинг изи кўринмасди. Намсиз туп-

роқдан кўкка ўрлаган оқиш тўзон кўтарилиган жойидан узоқлашишни истамаган каби қўшиннинг тепасида пастак булутлардай осилиб турарди. Сонсаноқсиз қўшин ва қурол-аслаҳага тикилган Ҳамза Мирза ҳайратиданми ёки қувонганиданми бошини чайқаб қўйди.

Жорж Блоквил алоҳида ҳурматга сазовор киши сифатида кўп вақт қўшин йўлбошчилари ёнида бўларди. Бу сафар ҳам у саркардага яқин одамлар билан биргалиқда Ҳамза Мирзанинг орқасидан қолмай тепаликка етиб келди. Шаҳзоданинг ҳаракатларини кўргач, нима учун шундай қилганининг сабабини сўради:

— Жаноби олийлари! Нега бошингизни чайқаяпсиз? Бирор нарсадан кўнглингиз тўлмадими?

Ҳамза Мирза кулумсираб қўйди-да, дилидагини яшириб ҳам ўтирумай деди:

— Топганини еб ўтиравермай, ўз бошига балони сотиб олган чорвадор туркманлар ҳақида ўйлаяпманда, жаноб капрал!

Блоквил шаҳзодага яна бир савол бермоқчи бўлди. Аммо, отларини елдай учириб келган тўрт нафар суворийнинг баландликда пайдо бўлиши навбатдаги саволга «тўсиқ» қўйди.

Келганлар ичida Маҳмуд Мирза Аштианий билан Ҳасан Алихонлар ҳам бўлиб, улар икки бўлакдан иборат Хурсон қўшинларининг асосий саркардалари ҳисобланишарди. Учинчиси ўрта бўйли, бақувват, қорни катта, бурама мўйловли Мирза Муҳаммад Қўвам ад-Давла эди. Туркманлар уни «Қора сартиб» (генерал) дейишар эмиш. У қўшиндаги барча қурол-аслаҳага масъул. Бу сартибни Ҳамза Мирза ўзига энг содик сарбоз сифатида ҳамиша яқин олиб юради. Тўртинчи отлик эса оддий навкар эди.

Ҳамза Мирза қўлидаги қамчиннинг сопи билан кумуш қопланган эгарнинг бўртиб чиққан жойига секин уриб қўйди. Бу ҳаракати билан, хозир мен сизларга бир нарса айтаман, демоқчи бўлганлигини

қўшин раҳбарларининг барчаси тушунди. Машҳаддан чиққанларидан бўён юрилган йўл ва бирга ўтказилган вақт Блоквилни ҳам қожорларнинг кўп қилиқларидан боҳабар қилиб қўйган эди. У ҳам айтиладиган гапни кута бошлади. Шу вақт Блоквилнинг оти бир жойда турмай, типирчилай бошлади.

Ҳамза Мирза унга эътибор бермади. Аммо шаҳзода олдида ўзини унинг хос кишиси сифатида кўз-кўз қилишни яхши кўрадиган Қора сартип:

— Отингни боққанмисан, жаноб Блоквил? — деб қўйди.

Ҳеч кимда гапи қолиб кетишини истамайдиган ва Қора сартипнинг нима мақсадда гап отганини яхши англаған Блоквил:

— Ҳа, жаноби олийлари, — деди. — Аммо бу ҳайвон-да, жим тургиси келмаяпти.

Бирдан хаёлига, бу жавобнинг шаҳзодага хуш келмаслиги мумкин, деган фикр келди.

Қора сартип яна ўзини кўрсатмоқчи бўлди.

— Айтганингни қилмайдиган бўлса, жиловини маҳкам тут, шунда ютасан!

Блоквил бу гал ҳам сартипнинг коса тагида ним коса мазмунидаги сўзига мос жавоб қайтарди:

— Ўзи тушунмаса, жиловидан маҳкам тутганингдан нима фойда?

Ҳамза Мирза айтмоқчи бўлгани бошқаларга эмас, фақат Қора сартибга тааллуклидай, унинг юзига қараб гапирди:

— Кечани шу ерда ўтказсак керак, сартип. Энди то Марвга боргунча олдимииздан сув чиқиши номаълум. Дарёдан узоқлашмай туриб...

Қора сартиб шаҳзоданинг ҳам сўзини бўлиб ташлади:

— Бўш идишларнинг барчаси аллақачон лиммолим тўлдирилди, муҳтарам шаҳзодам!

Сартибининг ўқи нишонга тегди. Ҳамза Мирза эса сўзи бўлингани учун фазабланмадиям. Қайтанга, у сартибининг айтганларини бошини қимиirlатиб маъқуллади.

Саркарданинг одамларни йифиб айтмоқчи бўлган фикри – дам олиш учун тўхташ маслаҳати экан. Буйруқни эшитиб, ҳар ким ўзи бажариши лозим бўлган юмушга кетаётганларида, узокдаги икки қора уйга ва унга томон бораётган қўй сурувига тикилган Ҳамза Мирза:

— Бугун кечқурунги овқатга туркманларнинг барра қўзичоғи насиб этадиганга ўхшайди! — деди. — Ана у сурувни кўряпсизларми?

Бу сафар Қора сартип бошқалардан олдин тилга кирди:

— Лочиннинг ризқи ҳамиша ўзи келар эмиш, муҳтарам шаҳзодам!

Шаҳзода хиёл қулумсиради-да:

— Лочин деганинг ким экан у ўзи, сартип? — деди.

— Бу ерда сиздан бошқа лочин йўқ.

Блоквилга сартибининг ялтоқланиши ёқмади. У юзини қарама-қарши томонга ўгириди. «Тавба, шарқликларнинг тилёғламалигини қаранг-а! Эркак одам ўзи сингари эркакка хушомад қиласди-я? Ўзиям, кўзбўямачилик билан қилигини намоён қиласди-я!»

Сартиплар, сарҳанг (полковник)лар, жонпаналар (танмаҳрамлар, хос соқчилар) шаҳзоданинг изидан от чоптиришганларида, Блоквил ҳам уларга қўшилишга мажбур бўлди.

### 3

Озғин, узун бўйли қария билан ўн-ўн икки яшар ўспирин ёнбошларига белги қўйилган жуфт қора ўтов томон молларини ҳайдаб бормоқда. Оёғида эски чорик, юзи қуёш тафтида тобланган ўспирин булбул сингари хуш оҳангда ҳуштак чаларди. Узун бўйли, озғин қария эса боланинг «сайроғи»дан ҳузурланиб, бошини қўйи солганча молларнинг изидан секин қадам ташлайди.

Етиб келган бир тўда отликقا кўзи тушган қария тўхтади-да таёғига суюнди. У Кўвшутхон томонидан

чўпон отарларига махсус юборилган чопарлардан юрт бошига оғир хавф-хатарлар тушаётганлигини эшитган, лекин кўринган бу отлиқлар худди ўша эронийлардир деб асло хаёлига келтирмас эди. Чунки содда чўпон юрт устига қўшин тортиб келаётган ёв одамларининг сен-мен йўқ, кундуз куни ёмғирдан кейин чиқсан қўзиқорин сингари бирданига оёғи остидан чиқишини етти ухлаб тушида кўрибдими? Бундан ташқари, туркманлар: «Қўвшутхон Хурросон томонларга хуфиялар юбориб, қожорларнинг Марвга қачон юриш қилишлари хабарини олдиндан билиб олган экан» деган миш-мишлар ҳам тарқалган эди. Саксон нафар оқсоқолнинг Машҳадга — маслаҳатга чақирилганидан ҳам чўпончўлиқлар хабардор. Буларнинг бари эл-юрт қалбида хотиржамлик уйғотган эди.

Кекса чўпон дастлаб келаётган отлиқларни Кўвшутхоннинг чопарлари бўлса керак, деб ўйлади. Сўнг ўйланди: «икки қора уйли чорвадорга шунча чопарни ким ҳам юборсин?»

Отлиқлар анча яқинлашганларидан сўнг, уларнинг бу теварак-атроф одамлари эмаслиги кийим-бошларидан маълум бўлди. Қария ушбу кун катта бир ёвузлик гувоҳи бўларман деб ўйламаган эди. Ёшулли ўзини йўқотмади, келаётганларга билдирамасдан, қўлинини тескари қилиб, болага бир нарса узатди.

— Ма, буни олиб қўй, қўзичофим!

Ёшуллининг узатгани, чақмоқтош эди. Олов ёқишида ишлатиладиган чақмоқтошни маҳкам тутган бола ўзига маълум тепалик томон тойчоқдай елиб кетди. Ўспирин ўт-ўланлар орасида фойиб бўлгач, кўп ўтмай жазирама ёз фаслининг дим ҳавосида пайдо бўлган қуюқ қора тутун осмонга тикка кўтарилди.

Теварак-атрофдаги сукунатни бузиб келган отлиқлар чўпоннинг олдида жиловни тортилар. Улардан ҳеч ким қарияга тангри саломини ҳам бермади. «Салом — худонинг ҳақи» деб овозини чиқармай ичидагапирган қариянинг ўзи:

— Ассалому алайкум, худонинг яхши бандалири! — деб гап бошлади.

Ёшулли тангри саломининг жавобини кутса-да, от устидагиларнинг бирортасидан садо чиқмади.

Қамчисининг кумуш югуртирилган сопи билан қора этиги қўнжига аста уриб турган Ҳамза Мирза осмонга қаради. Ёшулли унинг осмонга кўтарилилган тутунни кўрганини фаҳмлади.

Шаҳзода нима учундир паст овозда гапирди:

— Соқолингдан уялмасдан яна салом берасанми?

Келганларнинг оғзидан эшитилган дастлабки сўз уларнинг димоғдор шахслар эканлигини ошкор этди.

— Салом худонинг ҳақи-да...

Чўпонга айёrona назар ташлаб турган Қора сартип бирданига мазахомуз тиржайди.

— Олов ёқиши ҳам худонинг хоҳишими, чол?!

— Э, нима эди, ҳа, ҳа... — деб минфирилаб турган қария энди дарров ўзини қўлга олди. — Шу, бола ўйинқароқ ўйнаётib олов ёққанга ўхшайди. Набирам тушмагур чақмоқтош билан олов ёқишини яхши кўради-да, жаноби олийлари.

— Олов яхши нарса-да, тўфрими, чол?! Туркманлар «Ўт-олов — жон ҳузури» дейишадими? — Ҳамза Мирзанинг товушидаги кесатик оҳангига қаҳразаб билан қоришиб чиқди.

Қария от устида сўз отган икки нафар отлиқнинг раҳм-шафқатдан жуда узоқ одамлар эканлигини фаҳмлади. Тақдирин аллақачон ҳал қилинганини сезган бўлса-да, қария сухбатни чўза бошлади.

— У тентак набирам кеча ҳам ўт ёқди...

— Кечаке ҳам ўт ёқди, дегин! — Қора сартиб бурнини жийириб қўйди-да, яна давом этди. — Чўлда нима кўп — ўт-ўлан кўп, ёқаверинглар! Бироқ Қўвшутхоннингга айтиб қўй: туркманинг бугун тутадиган товуфининг патини Ҳамза Мирза кечаке юлиб қўйган экан, де! Тушундингми? Қўвшутхоннинг одамлари бутун Қорақум сахросини ўтга берсалар

ҳам энди бу тутундан фойда йўқ! Ўз тутунинг кўзингни кўр этади, — Қора сартиб Блоквилга юзланди. — Бу тутуннинг маъносига тушундингми, жаноб Блоквил?

Блоквил қадимдан қўлланилиб келаётган бу сирнинг маъносини тушунган бўлса-да:

— Унча тушунмадим, — деб мингирилади.

— Туркманлар олов ёқиб, унинг тутуни орқали хавфнинг яқинлашиб келаётгани тўғрисида ўз одамларига хабар берадилар. Анави тепаликка чиқиб, бироз қараб турсанг, Марв томондан ҳам шунга ўхшаш тутун осмонга кўтарилади. Олов тутуни — чорвадорларнинг чопари! Энди тушундингми?

— Тушундим, жаноби олийлари!

— Бироқ, сарбозларимиз Кўвшутхоннинг қўшигига чўпон тутунидан олдин етиб боражак! Бу ҳақда мен сенга кейинроқ батафсил гапириб бераман.

Тутун томонга яна бир марта назар ташлаган Блоквил, энди қилган қилмиши учун ўсмирнинг бошини олишга буйруқ беришса керак, деб ўлади.

Сўзга қўшилмай турган шаҳзода французнинг ўйлаганларини олдиндан билгандай чўпонга қараб:

— Сен билан teng бўлса эди, чақмоқтош билан олов ёқканнинг чотини айириб, ўзи ёқсан оловига ташлаган бўлардим. Бироқ... — деди-да, сўнг яна сўзида давом этди. — Сенда ҳам катта гуноҳ йўқ. Чунки сен хонингнинг буйругини бажардинг. Биз буни тушунамиз. Аммо Кўвшутхон Сарахсада ёқтирган ўтининг оташига Марвда ўзи куяди, албатта. Мана шу олов уни дўзах ўти бўлиб ёндиради. Тушунарлимиси?

Саволга жавоб бериши керак бўлган одамдан ўз вақтида садо чиқмагач, Қора сартиб:

— Тушунарли, жаноби олийлари, тушунарли! — деганини ўзи билмай қолди.

Ҳамза Мирза хиёл кулумсираб қўйди.

Бунинг оқибати бехайр бўлишини англаб етган чўпон ҳам тўсатдан ўзига келгандай:

— Тушундим, хон ҳазратлари, тушундим! — деди жон ҳолатда. Шундан кейин чўпон отлиқларни бир-бир назардан ўтказди. Ювош отнинг устида ўтирган сап-сариқ одамнинг қожорлардан эмаслигини фаҳмлади. «Бу одам бошқа бир ҳалқдан бўлса керак» деган фикрни қўнглидан ўтказди.

Чўпоннинг Блоквилга ҳайрон тикилиб қолганини кўрган Қора сартиб:

— Хўш, чўпон, бу сариқвойнинг кимлигини билмоқчимисан? — деди.

Чўпон соддагина жавоб қайтарди.

— Билиш у ёқда турсин, мен бу меҳмоннинг қайси ҳалқ вакили эканлигини, ҳатто аниқлаб ҳам ололмадим.

— Фарангистон деган жойни эшитганмисан?

— Фарангларданми? Фарангистон. Ҳа, қулоғимга чалингандай бўлувди.

— Эшитган бўлсанг, бу одам ўша юртдан келган.

Қария чўпон Блоквилнинг узун қўнжли чиройли этигига, чеккалари тугмаланган тўппонча филофига, кўкраклари тугмаланган кийимиға дикқат билан қараб чиққач, нигоҳи яна унинг этигидаги тўхтади. Этигининг қўнжига, пошинасиға қайта-қайта қарап экан: «Астағфирулло, у бу этикни қандай қилиб кияр экан-а?! — деб ҳайрон қолди. — Ёки оёғида шу турган ҳолда тикишармикин?»

— Ҳой, ана у қўринган қўша уй сеникими? — деб, гапга қўшилмай турган шаҳзода савол берди.

— Ҳа, меники.

— Бу мол-қўйлар ҳам сеникими?

— Моллар хўжайнинники. Мен чўпонман.

Бу гапларни эшитган Қора сартиб тиржайди:

— Туркман меҳмондўст бўлади, деб эшитганмиз.

Гапга тушунган қари чўпоннинг лаблари пир-пирлаб учла бошлади.

— Жуда тўғри, туркман меҳмондўст ҳалқдир, хон оға. Бироқ, туркман ўз ўчоғига меҳмонни салом-аликдан кейин чақиради...

Қора сартиб қариянинг берган саломига ўзларининг алик олмаганини эслади. Аммо энди «ваалайкум» деб айтишни эп кўрмай:

— Қачон учрашганда ҳам, салом-аликнинг қолиб кетадиган ўрни йўқ, — деди. — Уйингга бораётганимизда ҳол-аҳвол сўрашармиз...

Чўпон уйига томон меҳмонларни истар-истамас бошлаб кетди.

Бир тўда отлиқ новча чўпоннинг орқасидан йўлга тушди.

Улар ён-атрофи баланд қилиб кўтарилиган, оғиз томонига юлгун шохалари кўндаланг ташлаб қўйилган қудуқ ёнига борганларида, қудуқдан туйқус сакраб чиққан йигит ҳаммани чўчишиб юборди. Келаётганлар эс-ҳушини йиғиб улгурмасданоқ, у:

— Ота, набиранг зўр эканми? — деб қичқирди.

Кутилмаган отлиқларни энди кўрган йигит бироз ўзини йўқотиб турди-да, ёқасиз кўйлагининг этагини пастга тортиб уст-бошини тўғрилади ва уларга салом берди. Йигит устарада сочини қиртишлаб, бошига тоза дўппи кийган, ориқ, бироқ соғлом, бақувват, келишган эди.

— Ўғлингми? — сўради Қора сартиб чолдан.

— Ҳа, ўғлим. Каттаси, — деб қария мағрур жавоб берди-да, соддадиллик билан гапда давом этди. — Мамматжон. Келиним ҳам яқиндагина уйидан қайтиб келди. Агар худо умр берса, бу ўғлимдан ҳам яна бир набира кўрсан, дунёдан армонсиз ўтар эдим. — Бирдан чўпон фамгин оҳангда сўзлай бошлади. — Бу ўғлимдан ҳам катта фарзандим бор эди... Бояги ўт ўйнаб юрган набирамнинг дадаси... Умри қисқа экан. Худойим қайтиб олди. Аммо худодан норози эмасман. Рўзфорим тинч, қунимиз ўтиб турибди...

Чўпоннинг шукрони сўзларини тинглаган Ҳамза Мирза: «Бу ёруғ дунёда бир умр қора меҳнат қилиб, шу билан ўзининг ўтган умридан рози бўлиб кетадиганлар ҳам бор-ов! Тавба! — деди ўзича.

— Хўш, бу одам шунча йил яшаб, узоқ умр кўриб,

ҳаётдан қандай лаззат олди экан?! Эрта туриб бирорларнинг молини яйловга ҳайдаган, кечқурун изига қайтган. Бутун умри қорин ташвиши билан ўтади. Дунёда нақадар гўзал иморатлар борлигини ҳам, бу иморатларда жоду кўзли, оқбилак жононларнинг мавжудлигини ҳам билмайди. Бу дунёдаги бой-бадавлатлар нима ташвишда-ю, бу нотавон чол нима ташвишда? Ҳар ким экканини ўриб, ўз қунидан рози бўлиб ўтаверар экан-да...»

Худди шу пайт чўпоннинг: «Келиним ҳам яқиндагина уйидан қайтиб келди» деган хабарини тасдиқлагандай, чап томондаги ўтовдан чиқиб келган қўли сувқовоқли, енглари шимарилган гўзал бир келинчак барчанинг диққатини ўзига торти.

Келинининг нокулай вақтда ташқарига чиққанини фаҳмлаган бўлса-да, оққўнгил қария бу пайт ҳеч қандай ёмон фикрни хаёлига келтирмаётган эди...

#### 4

Кунчиқар томон энди-энди бўзара бошлади. Дунёда ўзларидан бошқа жонивор йўқдай, оқшом чоғидан чор атрофга тинмай «вақ-вақа» қўшигини таратаётган қурбақаларнинг овози ўчди. Дунё осудалик қўйнига чўкди. Чўкди-ю, аммо энди Гулжамолнинг уйқуси қочди. Ҳали йигирма ёшга тўлмасданоқ турмушнинг аччиғига тўйган, муҳаббатнинг соҳир лаззатидан энди-энди tota бошлаган навжувон гўзал ўз тақдирни борасида ўйланиб, хаёлга ботиб ётарди. Гулжамол — така туркманлари орасида ном чиқарган машҳур Тўра сўқи<sup>1</sup>нинг қизи, ундан ҳам машҳурроқ Хонқелди сўқининг синглиси. Бечора жувон жуда эрта тул қолди — эри Аннааваз Сарахс шаҳрида Мадаминхон босқини пайтида ҳалок бўлганди. Тўра сўқининг барча қариндош-уруғлари, шулар ичида Чебшек ботир Қурбонменгли ўғли ҳам бир кўчим

---

<sup>1</sup> Сўқи — ўғур, кели.

(кўчиб юрган овул) бўлиб, Қўвшутхонлар хонадонига қўшни ҳолда Марвнинг кунботар томонида, Мурғоб дарёси ёқасида ўтов тиккан эдилар.

Үйқуси қочган Гулжамол бундан бир ҳафта аввал туғилган қўзичноқни эслаб ирғиб ўрнидан турди. Бечора қўзичноқнинг онаси ўша куни – қўзиси дунёга келган қуниёқ оламдан ўтган эди. Гулжамол туртиниб-суртиниб ташқарига чиқди. Курбақаларнинг қуриллашлари қушларнинг хушовоз сайроғи билан алмаша бошлаган пайт. Осмон бўзара бошлаган олақоронғи лаҳзаларда сирли қўринаётган чор атроф қушлар сайроғи остида янада гўзаллашиб бормоқда.

Оқ ўтовнинг четига суяб қўйилган сувқовоқни елкалаган Гулжамол қўра томонга юриб кетди. Бир ҳафтанинг ичидаги одам қўлига ўрганиб қолган қўзичноқ ўз меҳрибонининг ҳидини олиб, дарров оғил оғзига келди.

Юлғундан девор айлантириб қурилган оғил ичидаги Гулжамолнинг бурнига урилган чўп-хашак ҳидини саҳар шамоли аллаёқларга ҳайдаб кетди-да, ўрнини соғ, тоза ҳаво билан алмаштириди. Гулжамол етим қўзига сут ичириб ўтирган пайтда, қўзи ҳуркакланиб бир силкинган эди, қўлидаги қўзани ташлаб юборишига салгина қолди. Узок-узоқлардан, кунчиқар томондан туёқ товуши эшитилди. Учта от Қўвшутхоннинг уйини кўзлаб чопиб келаётган суворийларнинг қанақа отлиқ эканлигини билиб бўлмасди. Марв томонларда ҳали аzon товуши эшитилмаёқ уйкудаги одамлар устига келаётган бу отлиқларнинг чопиши яхшиликка эмасди. Ё шум хабар билан, ёки эса ёмон бир ният или келаётганликлари аниқ.

Шундай хаёлга толган Гулжамол қўзичноқка ичирман деган сутнинг бармоқлари орасидан сириқиб ҳашагу қумалоқлар устига тўкилаётганини сезмай қотиб қолди. Она устига қонмаган қўзичноқ энди

Гулжамолнинг сут таъми гуркираётган бармоқларини ялаб тамшанди. Гулжамол буниям сезмади. Юлгун шохларидан тикланган девор ораларидан жон ҳолатда ташқарига тикилди, учиб келаётган суворийларнинг ким эканлигини англашга уринди.

Отлиқлар Хонбобонинг уйи томон оқиб бораётганлиги аниқ, зеро ўба<sup>1</sup>га келтирилаётган ҳар қандай шошилинч хабар, энг аввало, Хонбобога етказилишини Гулжамол билади.

Аммо бу гал Гулжамолнинг тахмини тўғри чиқмади. Суворийлар Кўвшутхоннинг ўтови олдида ҳам тўхтамадилар. Улар Хонбобонинг туққантуғишганлари тиккан ўтовлар ёнидан ҳам елиб ўтди. Оғил ёнидан ҳам чопиб ўтдилар-у, Гулжамолнинг акаси Хонгелди сўқининг бўсағасига бориб етдилар. Гулжамол шундагина ўртада келаётган суворийнинг палакками ё тўнга алланимани ўраб, от устига кўндаланг ётқизиб олганини англашандай бўлди.

Отлиқларнинг яхшигина қуролланиб олган аскар эканлиги аниқ эди. Улар Хонгелди сўқининг эшиги олдида паст овозда фўнфир-фўнфир қилишди-да, нари кетдилар. Гулжамол уларнинг овозларини эшилди-ю, аммо нима деб гаплашганларига тушунмади.

Хонгелди сўқининг уйидан нарида фақат Чебшек ботирнинггина ўтови бор, охирги уй, шу билан Хонбобонинг кўчаси тугайди.

Отлиқлар Чебшек ботирнинг оқ ўтови олдига бориб, келтирилган юкни эшикдан ичкарига қаратада гурсиллатиб отиб юбордилар-да, ўбанинг орқа томонидан айланиб, отларини лўкиллатиб кетишиди. Демак, суворийлар шошилинч равишда келиб-кетмоқдалар. Суворийлар бош кийимларини кўрган Гулжамол булар туркманлар эмаслигини англади. Ажабо, кимлар экан-а?

Гулжамолни ҳайрон қолдирган яна бир нарса – кўчадаги итларнинг хурмайтгани эди. Итлар, худди сеҳрлангандай, овоз чиқармасдилар. Бошқа пайт

---

<sup>1</sup> Ўба -- овул, қавмдошлар макон тутган жой.

бўлса-ку, уясига қараб бораётган кирпининг овозига ҳам вовуллаб ўбани бошга қўтарадиган итлар бу гал ими-жимида қафасларига уриб кетган, сас чиқармай пусиб ётарди. Йўқ, суворийлар анча нарига кетиб бўлганларидан сўнггина, Чебшек ботирнинг кўппаги бош қўтариб бир-икки марта вовуллаган бўлди, холос.

Ажабо, бемахалда келиб, ўбадаги итларнинг журъатини парчалаган куч нима экан? Отлиқлар нима учун шошиб келдилар-у, шошиб кетиб қолдилар? Улар кимлар ўзи? Гулжамол бу саволларига жавоб топа олмасди.

Отлиқлар келтирилган юкни Чебшек ботирнинг эшигидан ичкари отиб юборгандаридан бир қоп ўтин ташлангандай гурсиллаган овоз эшитилди – у нима бўлди экан? Гулжамолнинг боши қотди. Албатта, Чебшек оға ўтинга зор одам эмас. Унинг оқ ўтовининг бир томонида саксовул поялари тоғдай бўлиб уюлиб ётибди. Қолаверса, Чебшек оға ўтинга зор экан, ўтинни нима учун кундуз куни келтирмайди? Кейин, бир қоп ўтин деб, учта давангирдай йигитнинг овора бўлиб юришини қандай тушунмоқ керак? Айтгандай, эшигининг олдига гурсиллатиб ўтин ташласалар, Чебшек оға нима учун уйғониб ташқарига чиқмади? Нега отлиқларга «Кимсизлар?» демади?

Шу хил жавобсиз саволлар сал бўлмаса Гулжамолни эсанкиратиб қўяёзди. Бу кўрган нарсаларини у, албатта, ёмонликка йўйгиси келмаётганди. Бироқ, бироқ... Нима бўлганда ҳам... У ҳушёрликни қўлдан бермай, отлиқлар кетган йўлга синчиклаб назар солди. Бўзараётган тонг олахиралигида суворийлар аллақачон Кўвшутхоннинг ўбасидан чиқиб, қорасини ўчирган эдилар.

Гулжамол сутқовоқни оғил оғзида қолдирди-да, илдам юриб кетди. Қорни сутга тўймай қолган етим қўзичоқ ўзининг очлигини билдиromoқчидай зорланиб маъради. Гулжамол бу зорланишни эшитмади. Тўғрироғи, у ҳозир қўзининг маърашига қулоқ

солгудай аҳволда эмас эди. У тўппа-тўғри Чебшек оғанинг уйи томон кетди.

Оқ уйнинг эшиги томон боришга ҳайиқиб турди-да, ўтовни айланиб ўтиб, кўзанак<sup>1</sup>ка яқинлашди:

— Келин эже!<sup>2</sup>

Ичкаридан аёл кишининг овози келди. Гулжамол кўрқиб-уялиб яна сас берди:

— Чебшек оғам уйдамиди, келин эже?

— Сенмисан, Гулжамол? — энди хотинининг ўрнига овоз берди Чешбек ботир. — Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик, оға, — чайналди Гулжамол ётган одамларни уйғотиб юборганидан иззаланиб. — Ҳали учта отлиқ келиб, эшигингизга нимадир ташлаб кетгандай бўлди, чамамда...

Бу гапни эшитган Чебшек ботир шу заҳоти кўзанак ёнида пайдо бўлди.

— Нима дединг-а, Гулжамол?

«Тавба, шу орада тўнини кийиб олишга улгурганини!» — ҳайрати ошди Гулжамолнинг.

— Ҳозиргина эшигингизга бир нима ташлаб кетишиди, Чебшек оға...

— Овозинг кўзанакдан келиб тургач, мен эшик томонга ўтмаган эдим, синглим, — деди-да, Чебшек ботир орқага бурилди. Лекин эшикка етиб боргач, қилган ҳаракатларини «ботир» деган лақабига муносиб бўлмас, деб ўйлади. У эшик олдига бордида, худди аждархонинг куйругини босиб олгандай сапчиб орқага чекинди. Қирқ беш ёшга чиқиб, қанча уруш-савашларда қатнашган, неча-неча ёғийларнинг калласини сапчадай узиб ташлаган ботирнинг ичига ҳозир, шу лаҳзаларда қалтироқ кирган эди. У ўзининг ожизлигини ҳис этди, зеро, эшиги олдида қўли қиличили душман эмас, балки одам суюклари тиқилган қоп ётарди. Ўтов орқасидан Гулжамолнинг:

<sup>1</sup> Кўзанак — ўтовнинг дарчаси.

<sup>2</sup> Эже — ўзидан катта ёшли аёлларга ишлатиладиган сўз (она, янга, кеннонӣ маъноларида келади).

— Нимага тўхтаб қолдингиз, Чебшек оға? — деган овозини эшитгач эса, қалтираб товуш чиқарди:

— Айланиб ўтиб... уйга кир, синглим!

Оқариб ётган суюкларни, тўнтарилиб ётган бош чаноғини кўрган заҳоти гап нималигини тушунган ботир ўзини тутиб олди. У Гулжамол етиб келаман дегунча тезлик билан эгнидаги тўнини шартта ечди-ю, бир қоп суюкнинг устини ёпди. Бундай қабиҳ иш кимнинг қўлидан келиши мумкин? Бу суюклар ўзининг қайсиdir баҳтиқаро бўлган қариндошиники эканлиги аниқ, аммо қай бириники экан? Ботир яшин тезлигига фикр юрита бошлади. Биринчи саволнинг жавоби: бу разил иш — душманларнинг иши. Зоро, душмансиз одам йўқ, айниқса, Чебшекка ўхшаган от устида қилич ўйнатадиган ботир одамнинг душмани кўп бўлади. Бироқ, ҳозир ўйланиб турадиган вақт эмасди. Гулжамол ичкари кирап-кирас Чебшек ботир ундан:

— Кимлар эканини билдингми, синглим? — деб сўради.

— Фира-ширада танимадим, оға.

Учта отлиқ тонг қоронғисида уйингга келиб, эшигингдан қай бир қариндошингнинг жасадини ташлаб кетиши — ботир учун энг оғир, масхара бир иш. Бу — одамни шарманда қилишнинг охирги, энг ваҳший чораси ҳисобланади. Кимdir иккинчи бир одамни ёмон масхара қилмоқчи бўлса, унинг қай бир қариндошингнинг мозорини ковлаб, суюкларини эшигига келтириб ташлайди. Агар бир уругни, қабилани ёки бутун бир элни масхара қилмоқчи бўлсалар, суюкларни элхоннинг — халқقا ота бўлиб ўтирган оқсоқолнинг эшигига элтиб отишади.

Бундай қабиҳ юзқораликдан кейин гавдасида жони, томирида номус-ори бўлган одам қўлига эгри қилич тутиб, қасос олиш чорасига шартта киришиб кетиши керак. Шундай қилмаган одам эл ичидা расво бўлиб қолади, беномус деб, латта деб ном олади. Бундай қабоҳатчиликлар кўпинча кўшни

юртлар орасидаги ўч олишларда қилинар, туркман уруғ-қабилалари, тийра-тоифалари орасида сан-манга борилганды ҳам бу каби хунук ишга қўл урилмасди.

Бундан беш йил муқаддам Сарахсда Мадаминхон босқинининг машаққатларини бошдан кечирган, 1858 йил Марвга кўчириб келинганидан буён ҳам қожор босқинчилари билан тез-тез тўқнашиб турган такаларнинг кўрмаган азоби қолмади. Улар қилич товуши, замбарак овозиу яралангандарнинг нола-фарёдига ўрганиб қолган эдилар. Уларнинг бугунги авлодлари орасида гавдадан узилган каллани кўрмаганлари ҳам деярли йўқ. Аммо Чебшек ботирнинг эшигига ташлаб кетилган суюк хон кўчасидаги одамларни хавотирга солиши аниқ, зеро, душман ҳеч маҳал қариндош рақибининг эшигига ўзига яқин кўрган одамнинг суюгини келтириб тўқмайди-ку. Бунинг учун хор қилинмоқчи бўлган рақиб томоннинг қариндош-уруғлари ётган мозор излаб топилади.

Буларнинг бари етиб келаётган улкан бир хавфдан дарак бермоқда эди. Шунинг учун ҳам Чебшек ботирнинг уйи атрофига тўпланган халойик оғир ўйга ботиб қолди. Уларнинг ҳар бири Чебшек ботирнинг тўнининг остидаги суюкларни ўзининг дунёдан ўтган қайсиdir бир қариндошиники деб ўйларди. Бу тўн остидан ҳар кимга ҳам ўз қариндошининг безовта руҳи сарфайиб-мунгланиб қараб тургандай эди. Балки, суюклар гапираётгандай эди. «Мени нега бунчалар хор қилдинглар? Мени қабримдаям тинч ётқизмаяпсизлар-ку! Мозорим оёқ ости қилинди, сизларда ор-номус дегани борми ўзи?» — деяётгандай эди. Чебшек ботирнинг уйи атрофини қуршаб олганлар худди хорланиб, оёқ ости қилинган қариндошларининг жанозасига йиғилгандай маъюс-маҳзун эдилар.

Тўпланганларнинг олдида турган бир мўйсафид икки тирсагини кучоқлаб ўйлананаётган Кўвшутхон томонга назар ташлади-да:

— Тонг отиши олдидан уч нафар суворий жануб томонга қаратада от суриб кетаётган экан. Ора узоқ бўлгани учун кўзим унчалик кўролмади, аммо-лекин улар бу теваракнинг одамларига ўхшамасди. Ўшанда кўнглим бир титроқдан жимирилаб кетган эди, — деди.

Хонбобо буни айтмасанг ҳам биламан дегандай, оғир хаёлга толди.

Чебшек ботир ҳозир суворийларни ўйламас, дунёдан ўтган қариндошларини бирма-бир кўз ўнгидан ўtkазар, бу суюклар қайси бириники эканини билмоқчи бўлиб, бош қотирмоқда эди.

Кўвшутхон Чебшек ботирнинг фикрини уққандай:

— Келганлар ўбага нотаниш бўлгани учун ҳам эшикларни алмаштирган шекилли, Чебшек ботир, — деди. — Ҳеч ким бу билан фақат менинг мозорим оёқ ости қилинди, деб ўйламасин. Бу гал барча туркманларнинг мозори оёқ ости қилинди...

Кўпчилик одам илкис титраб-қимирилаб кетди. Ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Яна Кўвшутхоннинг ўзи гап бошлади:

— Эшик алмаштирган бўлса, келганлар бу туроқнинг одамлари эмаслиги аниқ. Бу балонинг ҳиди баланддан келаяпти...

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман, — деди Чебшек ботир бош силкиб.

Бош хон билан ботирнинг бу хил сўзларини эшиштан одамлар, энди нима дер эканлар дегандай, уларнинг оғзига кўз тутди.

Кўвшутхон муҳим бир гапни айтмоқчи бўлгандай теваракка оғир кўз ташлади, жим кузатиб турди, сўнг йўталиб олди-да, гап бошлади:

— Бу қариндошимизни Хўжаабдулла қабрис-тонига дағн этамиз, қавмдошлар!

Ерда ётган тўнга кўз тикаркан, қатъий қилиб буюрди:

— Оқсоқолларни йифинга чорланг!

Ҳамма Хонбобонинг гапига бўйсунди.

... Ўтвдан чиқиб, отлиқларга кўзи тушган келин шу заҳоти алланечук ҳовлиқиб, дарров изига қайтди. Аммо қисқа фурсатда келинни бошдан-оёқ кузатиш учун меҳмонларга шунинг ўзи етарли эди, улар келиннинг бўлиқ билаклари ѿшаҳло қўзларига мафтун бўлганча қараб қолдилар...

Ҳамза Мирза отидан сакраб тушди-да, нима учундир ёш йигитга қўл узатди. Салом-алиқдан анча вақт ўтиб кетганидан кейин қилинган бу хатти-ҳаракат атрофдагиларга эриш туюлди. Бунчалик қиммат баҳо кийимдаги одам билан кўришиб кўрмаган Маммат эса ҳафсала билан қўшқўллаб кўришди. У ўзини ҳар қанча дадил тутишга уринмасин, кўришайтиб қўллари қалтираб кетди.

Шаҳзода ўзини унугтандай ахволда эди. Унинг сиртдан билиниб турган ясама ҳаракатлари қариянинг кўнглига хавотир солди. Кечагина келинига ота уйида бир-икки кун меҳмон бўлиб келишга рухсат берган эди. Келини хурсанд бўлиб эрта ё индинга жўнаб кетишини билдирган эди. «Аттанг, эртага, индинга деб юрмасдан шу бугун йўлга чиқаверса бўлмасмиди, — деб ўзини ўзи койиди қари чўпон. — Йўқ, тақдирдан қутулиб бўлмас экан, афсус... Айтгандай, ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ, кўрганингни ёмонликка йўяверасанми, ахир...»

Тансоқчиларнинг бири отдан тушди-да, саркарданинг отининг жиловини қўлга олди. Шаҳзода сув олинадиган қудуқни биринчи бор кўраётгандай, бўржоқ (буга, дарахт) шохини ушлаб қудуқ тубига тикилди. Қудуқнинг чуқурлигига ҳайрон қолдими-бошқами, лабини тишлаб бош чайқади. Меҳмонлар келганида ҳар сафар отасининг ёнида қўл қовуштириб турадиган йигит бу сафар ҳам қариянинг юзига боқиб:

— Нима хизмат, ота? — деди.

Уйига яқин-йироқдан меҳмонлар келгудай бўлса, қариянинг ўзи олдга тушиб, ўғлига «уни қил, буни қил» деб кўрсатма берарди, ўзи эса меҳмонларни

уйга бошлаб кетарди. Бу сафар эса күнгли бир нарсаны сезгандай, негадир меҳмонларни уйга таклиф қилмади. Аксинча, у уй олдида турганларни нима биландир чалғитиб, ўтовга киритмасдан изига қайтариб юбориш учун тайсаллана бошлади. Ҳозир шу лаҳзаларда қария тўсатдан келиб қолган отлиқларни ҳам, ташқарига чиқиб қолиб келганларга юзини кўрсатган келинини ҳам, қўл қовуштириб «хизмат, ота?» деб турган ўғлини ҳам, ҳаттоқи ўзини ҳам ёмон кўриб кетди. Кўзига ҳамма нарса ёмон кўринмоқда – тўз-тўзонлардан нари юксак-юксакларда чарақлаб турган қуёш ҳам, теварак-атрофда ўтлаб юрган моллар, қўйлар ҳам – ҳамма-ҳаммаси.

Оқшом уйқуга кетаётиб дунёдан ўтган аёлини ўйлаб ётган эди. Кампири унга: «Оқсоқол, нега бунча хафа кўринасиз?» – дегандай бўлди. Қария эса унга: «Эй кампир, мен нега хафа бўлайин? – дер эмиш ўзича. – Ўғил десам дейишга арзигулик ўғлим бор, келин десам арзигулик келиним бор. Кўлим етмай турган бир армоним – сен. Сендан жудо бўлиб қолганим алам қиласяпти. Буям нима, фалакнинг ишидир-да. Мен шу ҳолимдан шикоят қиласидиган бўлсам – куфр кетган бўларман», – деб хаёлан жавоб берди чўпон...

Бугун бомдод намозини ўқиган қария эшик оғзида ўз иши билан куймаланиб юрган келинига кўз остидан назар солди. Кўнглида келини анчагина тўлишиб қолгандай, кийган кўйлаклари ўзига жуда ярашиб тургандай кўриниб кетди. Чехрасига табас-сум юргурган қари чўпон ўзича кўнгли хушланиб, муртини силаб қўйди, бўйи бир газ ўсгандай бўлди.

Ҳозир эса у қийин бир аҳволда, хавотирга тушиб, гавдаси чўкиб турарди. Хаёлидан ўтаётган нохуш фикрларни нари ҳайдаб, улардан қутулмоқчи бўлди, аммо бунинг иложини топмади. У аҳволини теваракдагилардан яшириш учун нимадир гап қотмоқчи бўлди. Аммо бирон-бир сўз тилига келмади. Нима бўлганда ҳам, чўпон оға бевақт келган

мехмонларни уйга таклиф қилишдан ўзини тийди. «Айб бўлса бўлсин. Шу гуноҳ бўладиган бўлса, бўлақолсин. «Битта ёзиқ айб учун эр ўлмас», дейдилар. Буларни ўз оғзим билан уйга чақирмайин, қолган ёғини Яратганинг ўзи ўнгласин!..»

Кутимагандада қудук томон юрган шаҳзода отининг ёнига қайтиб келди-да, бирдан Қора сартибга юзланди:

— Оловнинг тутуни ўт ёқсан одамнинг ҳам кўзини ачиштиради. Шуни чўпоннинг ёдидан чиқмайдиган қилиб қўйинг, сартиб! Йўқса булар бизни роса туширдик деб ўйлайдилар!

Қора сартиб худди шундай буйруқ берилишини олдиндан билгандай тез-тез жавоб берди:

— Буйруғингизни айтганингиздан ҳам аъло қилиб бажараман, марҳаматли шаҳзодам! Сиз хотирингизни жам қилиб, бемалол ўз ишингиз билан бўлаверинг!

Ҳамза Мирза отланди. У ёнидаги навкар ва тансоқчилари билан анча нарига кетгунча Қора сартиб қаддини букиб, ҳурмат ила таъзим бажо қилиб турди.

Кеттганларнинг чанги босилгандан сўнг ҳам қари чўпон эшик оғзида турганларни уйга таклиф қилмади. Аммо ҳукмдор шаҳзодадан эркин харакат қилмоққа маҳсус буйруқ олган Қора сартиб энди бу ерда ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб қолганини кўрсатмоқчи бўлгандай, чўпоннинг уйи томон бетакаллуф босиб бора бошлади. Унинг ёнидаги навкарлар ҳам Қора сартибга эргашдилар.

Қора сартиб боя келин кириб кетган эшикка етиб келди-да, тўхтади. Тўхтагани ҳам яхши бўлди, йўқса қария унинг олдини тўсиб олган бўларди.

Ранги бўзариб кетган чўпонни кўрган сартиб ўзининг кимлигини танитиб қўймоқчи бўлди.

— Мени Мирза Муҳаммад Кўвам ад-Давла дейдилар, қария, эшитгандирсан номимни?

Қари чўпон сартибнинг юзига тикилиб-тикилиб қаради.

— Йўқ, эшитмаган эканман, тангри бандаси.

Мирза Мұхаммад қариянинг бу гапидан сўнг ўзини ҳақоратланғандай ҳис қилди, кўзи ола-кула бўлиб норози оҳангда:

— Қора сартибни ҳам эшитмаган бор эканда?! — деди.

— Буни биламан, — деб жавоб берди қария юраги тирналиб.

Қора сартиб деган Эрон саркардасининг номи туркманлар орасида ростдан ҳам таниқли эди. У бағритошлиги, шафқат билмас золимлиги билан донг чиқарган эди.

— Бугун сурувингнинг ярми билан видолашасан, қария!

Бошқа бир пайт бўлгандами, қария бу донғи дунёга кетган, туркманларни вайрон этиш учун ана келармиш-мана келармиш деб овозаси қулоқни тешган саркарданинг номини эшитган заҳоти довдираб қолган бўларди, аммо бу гал бундай бўлмади.

— Сурувнинг ярми дейсанми? Ярми эмиш, Оллоҳ насиб этса, ярми эмас, ҳаммасини ҳам ейсан.

— Оллоҳ насиб этмаган бўлса, йўлимизни сенинг уйингга қаратча буармиди?!

— Буниям Яратганинг ўзи билади.

Қора сартиб «шап-шап» деб турмай, «шафтоли» дейишни маъқул кўрдими, қарияга юzlаниб:

— Қани, унда уйга бошла! — деди.

Энди чўпон кутилмагандан дадиллик билан тилга кирди:

— Кирмоқчимисан, юр буёққа! Боримизни баҳам кўрамиз. — Чўпон ўнг томондаги бошқа эшикка ишора қилди. — Тўрга сиққанингиз тўрда ўтирасиз, сифмаганингиз бошқа жойда.

Чўпоннинг гапини билиб турган сартиб:

— Туркманнинг «Софинч — ўнгдан, қувонч — чапдан» деган гапиям бор-а, оға? — деди.

— Бу гапни туркманлар кўз учганда айтади, хон оға.

Кора сартиб бу хатосини тан олмасдан тузатиб қўймоқчи бўлди.

— Кўз бўлмаса оёқ ҳам нодуруст ҳаракат қиладида. Бу иккисини алоҳида қўйса бўлмас.

— Буям тўғрику-я! — деб қўйди қария кўнглидағи гапга тескари бўлсаям, зўравонга ён босгандай.

Кора сартиб ўз ўқини нишонга теккан, деб ҳисоблади.

— Туркман тупроғида илк бора дуч келган икки уйнинг чапдаги эшигига кирмай, ўнгдагисига кирсак — қўнглимизга шубҳа оралайди-да...

Анчадан бери ўзларининг обрўий учун вазиятдан фойдланишни кўзлаётган қожорлардан бири гапга қўшилди.

— Биз ҳам чапдаги уйга кирмай, ўнгдагига кирсак, туркман мақолини ҳурмат қилмаган бўламиз.

— Кўнгилда эса шубҳа-гумон пайдо бўлади, — деди сартиб аввал айтганларига урғу бериб.

— Гумон имондан айиравмиш, — деб чўпон яна мақол келтирди, сўнг айтган сўзи меҳмоннинг қаҳрини келтириб қўймаслиги учун гапни якунлаган бўлди. — Оқ юрак билан қабул қилинган уйда гумон нима қилсин.

Барибир, бўлиб ўтаёган гаплар қарияга оғир ботди. Ёмон бир воқеа бўлишини сезгандай, теварак-атрофга бир кур назар солди.

Учи-поёни йўқ саҳрода ҳимоя бўлгудай бирон нарсага кўзи тушмади. Чўпоннинг бутун оиласи, хонадон душман қамали ичиди эди. Оиланинг бу ҳалқа ичиди қолиб кетиши ҳам ёки омон чиқиши ҳам тангрининг ихтиёрида.

— Биз меҳмонларни «соғинч — ўнгдан» бўлгани учунгина бошқа уйга таклиф қилаётганимиз йўқ, бу эшик — аёл, бола-чақалар кириб-чиқадиган эшик.

Кора сартиб гапни чўзиб турмади. У «ҳали шунақами?» деган маънода бош силкиди-да, ўтов энгисисига<sup>1</sup> қўл юборди.

---

<sup>1</sup> Энгси — ўтов эшиги олдидағи ёпинчик гиламча.

— Ичида аёл киши бўлган уйнинг энгисисига қўл чўзмоқ айб бўлади, хон оға! — Қариянинг овози таҳдидли янгради. — Мусулмончиликни ёддан чиқарманг!

«Хон оға» деб қилинган мурожаатда ялиниш оҳанги ҳам аниқ янграган бўлса-да, сартиб шафқат қилиб турмади. У бир қўли билан ҳамон энгсини тутиб турар экан, атрофига қўз ташлади-да:

— Хуросон қизларини отга босиб олиб келиш туркман учун айб саналмас эди, — деди. — Энди Эроннинг мингбоши саркардаларининг бири кирчир гиламингга қўл узатса, айб саналадиган бўлиб қолдими?

Бу гапдан кейин қари чўпон энди ҳамма хатти-харакатлар бефойда эканлигини тушунди. Энди тиз чўкиб ёлвориш — босқинчилар олдида ожизлигини билдиради, холос. Саҳройи майдонда эркин ўсган мағрур инсон бошқа бирорвинг олдида тиз чўкмоқни ўзи учун ор деб билди.

— Менинг мана шу кир-чир гиламим ҳам бошқа уйларнинг тилла дарвозасидан покизадир, — деди титраб чўпон.

Қора сартиб энди бу гал нима учундир мулоим оҳангда гапирди:

— Биз сенинг молу дунёнгга зор эмасмиз. Менинг битта чўнтағимдаги танга сенинг бутун уйингни, молқўранг билан бирга сотиб олишимга етади. Уйингга салом бераётib, эҳтиёт юзасидан ичкарига бир назар ташлаб қўймоқчиман.

Қария енгил тортди. Кўнглида ёмон фикр уйғотгани учун шайтонни лаънатлади.

Энгси кўтарилиб, чўпон билан сартиб ичкарига кирдилар. Ҳар эҳтимолга қарши икки тансоқчи ҳам бошлиқлари изидан ўтовга кириб, эшик ёнида турдилар. Маммат ҳам отасини ёлғиз қолдирмай деб уларга эргашди.

Кўнгли алланенидир сезиб, ичкарига кирган заҳоти эски кийимларини кийган келин ўтовнинг

тўрида латта-путтага ўраниб ўтирган экан, ўранган чопони кўзигача тортилгани сабабми, этак томони кўтарилиб қолган, келиннинг оппоқ оёқлари «мен бўёқдаман!» дегандай, кирганларнинг эътиборини тортди. Буни кўрган Қора сартибининг оғзи сувланиб кетди.

Ичкарига кирмай, ташқаридаги сарбозлар ёнида турган Жорж Блоквил ўтов ичида қанақа ҳаросат<sup>1</sup> юз беришини кўз олдига келтиролмасди. У ёнидаги сарбозларнинг бирига юзланди:

— Сартиб ўтовга нима учун кириб кетди?

Бута учига туяқумалоқ ёпишгандай узун бўйли, озғин, калласи хумдай сарбоз орсиз илжайди.

— Нега кириб кетганини билмайсизми? У ерда зўр томоша бўлади ҳозир! — Сарбоз сув оқа бошлаган оғзини шапиллатди. — Худди мен томоша қиласдиган ўйин бўлади-да! Аттанг, сартиб бўлмагандамиди...

## 6

— Келиннинг юзини кўрсак бўладими, хўжа? — деб сўради сартиб ичкарида.

Чўпон вазиятга мос келгудай жавоб ахтариб тураркан, унинг ўйлаётгандари топилмай туриб, ўғли ҳайқириб юборди:

— Келиннинг юзини кўриш мумкин эмас, хон оға!

Аввалдан кўнглига келган ишни бажариш учун бир баҳона тополмай турган сартиб учун Мамматнинг бу гали бир тутатқи бўлди.

— Буни сендан сўраб ўтирмасдан бажо этсак, нима дейсан, йигит?

Бошга келиб йиқиламан деб турган балодан қандай қутулишни ўйлаб турган чўпон ўғлига фазабкорона қараб кўйди.

— Ёш бола қизишаяпти-да, хон оға. Албатта, келиннинг юзини кўриш мумкин...

---

<sup>1</sup> Ҳаросат — ёмон, хунук иш, мудҳишлик.

— Ота!!! — деб ҳайқирди яна Маммат чолнинг сўзлари хато эканини гап оҳанги ила билдириб қўймоқчи бўлиб.

Вазиятга қараб иш тутмаса, келиннинг юзини кўриш тугул, бу ҳайвон ундан минг баттар ишни қилишдан ҳам тоймаслигини тушуниб турган қариянинг ҳозир ўғлидан жаҳли чиқди. «Йўқол, гум бўл! — демоқчи бўлди у. — Менинг атайин шундай қилаётганимни тушунмаяпсанми, болам?!»

Қариянинг сўзларида, ҳаракатларида ҳам қаҳр, ҳам ёлвориш сезиларди. Қайнотасининг бир айтганини иккинчи марта айттирмай дарҳол бажаришга ўрганган келин ўрнидан қўзғалмадиям.

— Келиннинг қулоғи карми? — сўради Кора сартиб болаларча гумроҳлик билан.

Баданига ўт теккан каби азобга тушган Маммат сартибга қараб юрди. Тансоқчилар йигитни ўраб ола бошлидилар. Қария ҳам шиддат билан қўлини қўтарганича худди урмоқсидай сартибга қараб юрди. Аммо унинг шапалоги сартибга эмас, Мамматнинг юзига тушди.

— Бу йилги чумчуқ ўтган йилги чумчуқقا «чирқ-чирқ»ни ўргатадиган бўлиб қоптими? — деди у титраб. Сўнг келинига юзланиб, паст овозда деди: — Ўғилжайрон, қизим, қайнотанг сенинг номусга қолишингни истаб тургани йўқ. Айтилганни бажо қил.

Ўғилжайрон бу гал вазиятга бўйин суниб, бери айланди-да, аста юзидан ёпинчиини олди...

Келинини уялтираслик учун юзини тескари буриб турган қария бирдан пичоғини суфуриб олиб ҳужум қилмоқчи эди. Қария нима воқеа рўй бераетганини англамай қолди. Келинининг «вой!» деган овози, Мамматнинг сўкингани қулоғига эшитилди. Орқага қайрилиб, ерда чалқанчасига ағдарилиб ётган ўғлини ва чап қўлини авайлабгина тутиб турган сартибни кўрди. Сартиб келинга яқинлашиб қўл чўзган заҳоти Ўғилжайрон унинг

билагини тишлаган, Маммат сартибнинг устига ташланганда эса, шу ердаги тансоқчиларнинг бири Мамматни уриб йикитган эди.

Шу лаҳзаларда бўлмағур воқеаларнинг бўлиб ўтганига қилинган эҳтиёт ҳаракатларнинг бекор кетганига ўкинган қари чўпоннинг жавоҳир сопли пичоги ҳам нишонга тегмади. Чолнинг қўлига тепки тегди-ю, жавоҳир сопли пичоқ учиб бориб туйнукдан осилиб турган саночнинг қиррасига тегиб қайтдида, ўчоққа келиб санчилди. Чолнинг боши гангид, юраги томоғига тиқилгандай бўлди. Оғзи иссиқ қонга тўлганини туди. Бироздан кейин ўзига келганида, ўғли билан ёнма-ён ерда ётганини англади. Чиқиб қочишининг ўнғайнини тополмай турган келини эса бутун вужуди ила қалт-қалт титради.

Ичкарида аллавақтгача сукунат хукм сурди. Ташқарида турган сарбозлар уйни ўраб олган эди.

Ҳам ўзига, ҳам ўғлига ўқталган ханжарларга кўзи тушган қария энди фишт қолипдан кўчганини билди. Кўлидан бирор иш, тилидан бирор гап келмайди. Шу пайтгача баракат тўлиб-тошиб келган, эндиликда бахтиқароликдан туйнугигача қорайиб кетган уйда худо деб ётмоқдан бошқа чора қолмаган эди.

Орага тушган совуқ сукунатдан хунук бир қабоҳат ишнинг ҳиди келиб турарди. Чап қўли фажиб ташланган Қора сартиб бир қадам ортга чекинди-да, довдираганидан рўмолини ёпинишни ҳам унуган Ўғилжайронни кўздан кечирди. Келиннинг пастки лабида қон юқини кўргач, бояги оғриқлар қайта ёдига тушгандай:

— Мен сенинг писта каби дудоқларингни қон ялаган қанжиқнинг оғзидаи қилиб қўяман ҳали... урғочи қашқир бўласан ҳозир... — деб вишиллади. Сўнг тансоқчиларга юзланди. — Манавиларнинг қўлларини боғланг, ҳақиқий бекзодалар нима иш қилишларини бир кўриб қўйсинглар!.. Ўзларинг ҳам лаззатланинглар!..

Қора сартиб берилган буйруғи сүзсиз бажа-рилишига ишонган ҳолда әшик томон юрди. Күзанак томон бориб-келиб турган Блоквил Қора сартибга күзи тушган ҳамоно унга қараб юрди.

— Энди бу ерда нима бўлади, жаноб?

Болаларча берилган саволдан сартибнинг баттар тумшуғи осилиб кетди.

— «Бекзодалар томошаси» нималигини билмайсанми? — деб тўнфиллади сартиб.

Блоквил кўзларини пирпиратиб, ҳайрон бўлиб турди, «Бекзодалар томошаси» нима эканлигини англаб олишга, таг-тагига етишга уриниб кўрди, бўлмади. Қайта сўрашга эса уялди.

— Эшитганман-у, маъносига тушунмас эканман, жаноб. Нормандияда ҳам, Парижда ҳам бу каби томоша йўқ.

— Ҳозир барига тушуниб оласан! — деб сартиб фалати ишшайди-да, томошанинг бошланишини бетоқатланиб кутаётганини яширмасданоқ, Блоквилга тушунтира бошлади. — Ҳалиги келин менинг қўлимни тишлаб олди. Ишонмасанг, мана, қара. Бу билан у улуғ мартабали сартибнинг шаънини ерга урди. Бу қилмиши учун энди ҳар ким келинни ўзи хоҳлаган кўйга солади.

Бўлаётган воқеаларга европача одоб-ахлоқ нуқтai назаридан эътибор бераётган Блоквил ўзини яна тушунмаётганга олди.

— Бунақа эмас-ку, жаноб. Аксинча, чақирилмаган ҳолингизга, уйга бостириб кириш билан ўзингиз аёл кишининг шаънини оёқ ости қилдингиз-ку, ахир!

— Эҳеҳей! — Қора сартиб бош силкитиб ҳай-қирган бўлди. — Сен, жаноб, кўп нарсани биласан-у, аммо оз нарсани тушунар экансан. Ҳалиям мен одамгарчилик қиласайман. Сен Ҳамза Мирзанинг кимлигини биласанми?

— Биламан. Насриддиншоҳнинг жияни, сон жиҳатдан энг катта қўшиннинг саркардаси.

— Бўпти-да, мен унинг буйругини бажаряпман-ку.

— У сизга аёл кишининг номусини булға дедими?

Қора сартиб баланд осмонда ҳанузгача тарқалиб улгурмаган тутун изларига ишора қилди.

— Ановини кўряпсанми?

— У бошқа нарса, жаноб.

— Бошқа нарса эмас! Мана шу тутун учун буларнинг барчасини тўплаб, бошини кессам ҳам кам...

Жавобдан қаноат ҳосил қилмаган Блоквил жим қолишга мабур бўлди.

Капрал билан сартиб «бекзодалар томошаси» тугагунча иккови икки томонда айланиша бошладилар. Оғзи шалтоқи Қора сартиб ҳам жимгина кезарди. Улар ташқарида кезиб юрар эканлар, ўтов ичидан келиннинг даҳшатли фарёди эшитилганда Блоквил беихтиёр ўтов томонга кўз юборди ва кўзларига ишонмай қотиб қолди: қари чўпон билан ўғлининг қўллари танғиб боғланган, сарбозлар эса қип-яланғоч келиннинг атрофида... «Мана сенга мусулмончилик! Булар ўзларича Европани бузуқи деб ҳисоблайдилар. Мана сенга аҳлоқи пок бўлган мусулмон дунёсининг ҳалоллиги!»

Франциянинг, Европанинг катта-катта шаҳарларида кўп нарсаларни ўз кўзи ила кўрган, кўп нарсаларни эшиитган Блоквил ҳозирги бўлаётган шармандали воқеани ақлига сифдира олмади. Шаъни булфанаётган инсонларни ўйлаб жони ачишиди. Аммо, ҳозир унинг қўлидан ачинишдан бошқа ҳеч нарса келмасди. Афсуски, саркардаларга буйруқ беришга Блоквилнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун ҳам у чидаёлмасдан яна Қора сартибининг олдида пайдо бўлди.

— Бу ёққа юринг-чи, сартиб! — деб Блоквил кўзанакдан нари кетгиси келмай турган сартибни қўлидан тутган ҳолда судраб кетди. Бўлган воқеани кўриб, ҳалиям ўзига келолмаётган фараанг айни шу лаҳзаларда шундай саволнинг ўрни эмаслигига қарамасдан, Қора сартибга ғазабкорона боқиб:

— Сиз туркманларни жуда кучли душман деб биласизми? — деди.

Кора сартиб беш-олти қадам жойгача жавоб бермай борди.

— Тўп билан қаршисига чиқадиган даражадаги душман эмас улар. Мен шуни биламан.

— Ундай бўлса бунча машаққатлар чекиб, ўттиз уч тўпни судраб келишдан маъни нима эди?

— Бу бир сиёсат, жаноб. Сен ўзинг ҳарбий одамсан-ку, тушунарсан. Насридиншоҳнинг мисдан ясалган мушти қанақалигини булар ҳам бир билиб қўйсин-да!

— Сиёсат, денг-а?

— Худди ўзи.

— Бундан бошқачароқ сиёсат қилинса бўлмасмиди, ахир? Айтайлик, такаларнинг хонини Насридиншоҳнинг ёнига чақириб гаплашилса...

Ўнг қўлининг шаҳодат бармоини кўтариб олган Коря сартиб Блоквилнинг гапини эшитгиси ҳам келмай, чўрт узди-да:

— Сакро ба масжид че кор? (Масжидда итга нима бор?) — деди.

Блоквил сартиб фикрига қўшилмаслигини англатиш учун ҳам гап ташлади:

— Агар бошқа туркман қабилалари такаларга ёрдамга келса, нима қиласар эдинглар?

Сартиб капралнинг галига кулгиси келгандай маънода ёқимсиз илжайди.

— Туркманнинг қабилалари итнинг ахлати каби кўп! Кўп нарсани эса битта жойга жамламоқ қийин бўлади. Энг яхши томони шуки — туркманларнинг оғзи ҳеч қачон бирикмайди. Бизга худди шу нарса керак. Агар худо сенга минг йил умр берса-ю, минг йилдан кейин келиб қарасанг, ўшандаям туркманларнинг оғзи бирикмаганини кўрасан.

— Нимага асосланиб бундай деяпсиз?

— Сабаби, туркманлар мағрур халқ. Жуда мағрур. Мағрурлик эса нодонликдан келиб чиқади. Ақлли одам ҳеч қачон мағрурлик қилмайди.

— Ақлли одамларнинг содда-бебаёв бўлишларини ўзим ҳам кўп марта учратганман, жаноб. Бу гапнингизда жон бор.

Гапларим билан фаранг одамни қойил қолдирдим деб ўйлаган сартиб яна товушига зўр берди:

— Марҳаматли Ҳамза Мирза ижозат берса, мен туркманларнинг солир деган қабиласи устига чопар юборган бўлардим...

— Нима мақсадда?

— Мақсад шундайки... «Морро бо дасти душман бояд қашд!» (Илонни душман қўли билан ўлдирмоқ лозим)

— Со лир деганингиз ҳам душманингиз бўлса, улар сизга хавф солаётган илонга қарши чиқармиканлар?

Қора сартиб Блоквилга қаҳр билан қаради.

— Ҳамма гап иккала илоннинг ҳам қуйругини билдирилмасдан босища! Мана шуни улдалай олсанг, иккала илон бир-бирини чақиши аниқ. Қайси бири бошқасидан чаққонроқ чақади — бунинг бизга аҳамияти йўқ. Одам дегани шундай ваҳший, улдабуронки, ҳатто, икки аждарҳони ҳам бир-бирига қайраб солади.

Қора сартиб айтганлари ростлигига Блоквил ишонди — унинг қўлидан ҳамма нарса келади. Мисол — сартибнинг ўзи.

Чўпоннинг уйидан чиқиб келаётган сарбозларга кўзи тушган сартиб:

— «Бекзодалар томошаси» тугади, шекилли, — деди. — Энди кетаверсак ҳам бўлар.

Чиқиб келаётган сарбозларни кузатар экан Блоквил анқайиб қолди — улар гўё ҳеч қанақа жирканч иш қилмагандай бемалол илжайиб келишарди. Қари чўпон билан Мамматнинг ҳамон боғлиқ ётганини кўрган Блоквил сартибга юзланди:

— Рухсат берсангиз бандиларнинг қўлини бўшатсам, жаноб?

Сартиб фаранг одамга қараб ишшайди:

— Сенинг ҳам кириш ниятинг бор экан-да? Шариатда шарм йўқ дейдилар. Афсус, энди у ерда сенинг кўнглингга ёқудай таом қолдимикан?

Блоквилнинг овози қалтираб чиқди:

— Кечирасиз, мен бунаقا ифлос ўйинларда иштирок этишга ор қиласман.

— Майли, бандиларни бўшатгинг келаётган бўлса, бўшатақол, капрал, бўшат! — сартибнинг овози янграб чиқди. — Бир одам боғлайди, иккинчиси эса ечади — ҳаётнинг қонуни шу...

Блоквил ўтов ичига кирди-ю, қўли боғлик бандиларнинг юзига қарамасликка интилиб, тўрга ўтди. Ўғилжайрон устини ёпишга ҳам ҳоли келмай бехуш ётарди. Блоквил келиннинг йиртилиб кетган кўйлагини ердан олиб, унинг устини ёпиб қўйди. Сўнг чўпоннинг ёнида чўккалаб, қўлини ипдан бўшатишга уринди. Маҳкам танғиб ташланган ипни ечиш осон эмас эди, шунинг учун Блоквил ёнидан пичоини олди-да, кесиб ташлади. Қўли ипдан бўшаган қария Блоквилга аянчли назар билан боқди. Чолнинг нигоҳида чексиз алам ва хўрлик изларини кўрган Блоквил:

— Ман ба ин дахл надорам (Менинг бунга алоқам йўқ), — деди титраб-қақшаб.

Блоквил Мамматни ҳам озод қилиш учун бурилганида ўнглаб бўлмас ёмон бир кўргулик юз берганини англаб, даҳшатдан қотиб қолди. У йигитнинг қўлларидан ипни кесиб ташлаганда бечора йигит шилқ этиб нари тушди. Блоквил уни қўлтиғидан тутиб турғизмоқчи бўлган эди, аммо энди бу ҳаракатлари бефойда эканини билди. Фаранг одам Мамматнинг томогини тутиб томирини текшириб кўрди. Йигит ўлиб қолган эди. Боя Ўғилжайронни сарбозлар ечинтираётгандаёқ мудхиш шармандалик тоғи остида эркаклик шаъни, ор-номуси поймол бўлган баҳтиқаро йигитнинг номусдан жони чиқиб кетган эди...

Кўвшутхоннинг тахмини тўғри эканлиги таклиф қилинган оқсоқоллар йигилиб улгурмаёқ аён бўлди. Эронийлар кўшини қачон, қаерда Тажан дарёсидан кечиб ўтганлиги ҳақида хабар келиб етди. Устига-устак, чопар келтирган хабарга кўра, қожор аскарларининг сони икки баробар кўпроқ эди.

Хайҳот, Кўвшутхоннинг тахмини тўғри чиққанлиги ҳам бежиз эмас. Пишқириб ҳайбат отиб турган Эрон охири ёрилибди-да... Бош хоннинг хузурига тўпланган оқсоқоллар, катхудолар маслаҳатни шундоқ пишилдилар – ўба одамларини гурух-гурухга бўлиш, кимларда қурол-аслаҳа камлигини, чўлга жўнатишга тўғри келгудай бўлса, кимлар сув, кимлар озиқ-овқат фамлаши кераклигини аниқлаш зарур эди. Мол-кўчини душман қўли етмас жойларга яшириш ишлари билан кимлар шуғулланиши кераклиги, бари-бари гаплашиб олинди.

Сарахс ва Марв шаҳарлари оралиғида мавжуд бўлган қудуқларнинг захирасини аниқлаш ҳам ўта муҳим ишлардан бири эди. Кўвшутхон ҳали душман саваш майдонига кирмай турибок, душманинг оёғига болта уришни ўйлаётган эди. Шунга кўра, Тожкўк сардор бошчилигида босқинчиларга дастлабки зарбаларни уюштирувчи гуруҳ тузилди.

Сарахс билан Марв оралиғида келаётган душманга куч-мадор бағишлийдиган қудуқлар сони кўп. Шулардан иккита серсув қудуқни ишдан чиқариш вазифаси Бозирган устага топширилди. Бозирган уста бу ерларга Марв такаларининг эски ўтиrimли отамакони Бешқалъадан уч йил муқаддам кўчиб келган эди. Аввалдан номи машҳур бўлган уста бу ерга кўчиб келганидан кейин харидори кўпайгандан-кўпайди, номи янада кенг тараалди. Бозирган уста Эронда асир бўлиб юрганида ўргангани – «занталоқ» деб аталмиш қилич ясади. Устанинг

ўзига қолса-ку, асирикдаги ҳаёти, ҳунар ўрганиши борасида ҳеч кимга тиш ёриб, оғиз очгиси келмайди. Уста «бедананинг уйи йўқ...» қабилида умр кечириб келар, бор-йўқ бойлиги бир туяга юк бўлар-бўлмас кўч-кўрони эди. Бу кўч-кўроннинг ҳам ярми — темирчилик анжомлари.

Уста Бозирганинг яна бир ҳунари бор. У дала-тузнинг, тоғ-тошнинг гиёҳларидан, баъзи қурт-қумурсқаларни йифиб юриб, шулардан заҳар тайёрларди. Қилич ясадиган устага заҳарнинг нима кераги бор, дерсиз? Ҳамма гап шунда-да, уста ясаган қиличларига ана шу заҳардан сурин, дам беради — ана энди бу зулфиқорнинг баҳоси осмонда деяверинг.

Устага Марвдан ташқаридағи икки қудуқнинг кўзини беркитиб, сафдан чиқариш вазифаси топширилди. Уста ўзига ёрдамчиларни тўплаб олди, бири чўлнинг баланд-пастини беш бармоқдай биладиган Эсон чўпон, иккинчиси Қорамурт ботир ва унинг ўн уч яшар ўғли Шомуроджон эди.

Сарахс йўлига чиқаётганларга бошли қилиб белгиланган уста Бозирганинг ўзи асли «ичимдагини топ» дейдиган одам бўлганлигиданми, ёки каттаю кичикнинг хаёли келаётган ёфийда бўлганлигиданми, то манзилга етиб боргунларича тўрт ҳамроҳнинг биронтаси лом-мим деб оғиз очмади. Шунинг учун йўл ҳам узундан-узоқ бўлиб туюлди. Вазиятнинг ўзи кўнгилга хавотир солаётган бир пайтда ҳеч кимнинг гапиргиси келмаётган эди.

«Ана, келаяпти» деган улкан қўшин ҳақиқатан ҳам туркман тупроғига қадам қўйган бўлса, йўлни кузатиш учун олдинга юборилган айғоқчилар гуруҳи мана ҳозир олдингдан чиқиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бозирган уста бошлиқ қилаётган бу туркманларнинг нимаси бор дерсиз, ёнпичноқ, битта белкурак, битта болтадан бошқа ҳеч вақолари йўқ. Шуниси яхши, мабодо йўлда душман айғоқчилари учраб қолса, туркманларни ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ, деб ўйлади. Қуролланиб чиққанида нима, қирғинбарот

деб келаётган оғир қўшинга қарши шу тўрттагина туркман нима ҳам қиласди? Йўқ, яхиси буларни ўтин-чўп теришга чиқсан бечоралар деб ўйлаганлари майқул.

Худо ёрлақади, шекилли, қўшқудуққа етиб келгунларича йўлда ҳеч ким учрамади.

Тинчлик маҳаллари ҳам бу йўлларда от тезаги қуриб қолмас, яъни у ёқ-бу ёққа қатнайдиган қўйлар тез-тез ўтиб туарар, энди эса, қожор қўшини бу томонга қараб сарҳад ошганларидан кейин, ёв қадам босиши мумкин бўлган ерлардаги барча чорва моллари йироқ-йироқларга олиб кетилган эди. Қизик, одамсиз кенг саҳро ютаман дегандай, янада хавфхатарли тус олган эди.

Қўшқудуқнинг атрофида, ҳатто, чивин ҳам йўқ, жимжитлик. Эсон чўпоннинг айтишича, саҳро билан чўлнинг кўшилган ерида қайнаб чиқсан қудуқнинг бошида сдам бўлмаслиги мумкин эмас. Қачон келсанг бирон чўлиқ мешини сувга тўлдириб турган, ёки чўпон молларини сугораётган бўлади.

Бу сув манбалари «қўшқудуқ» деб аталса-да, асли уларнинг ораси бир чақиримча бор. Келганлар йўлга яқин қудук тепасида дам олган бўлдилар-у, дарров ишга киришдилар.

Қудуқни кўмиш шарт бўлиб қолганда, туркманлар уни биратўла сув чиқмайдиган қилиб кўмиб ташламасдилар. Ҳаммасининг йўли бор, қудук кўзи эҳтиётлаб бекитилади, ер билан теп-текис қилинади, бегона одамлар келса шу ерда қудук бордир деб ўйламайдигандай қилиб кўздан яширилади. Мақсад – душманнинг қудуқдан фойдаланишига йўл қўймаслик. Бу жуда қадим замонлардан бери давом этиб келаётган қоида. Душман яксон қилингандан кейин қудук яна излаб топилади, эҳтиётлаб қудук кўзи очилади, яна ўша томчиси олтинга teng бўлган оби ҳаёт ер юзига олиб чиқилади.

Шомуроджон ҳориб келган отларни сугоргунча, катталар бир қучоқ-бир қучоқ саксовул териб

келдилар. Шундан сўнг уч одам битта куракда алмашлаб тинмасдан ишлашди. Қудук ичига қум, тупроқ, чўп-чаланг тушмаслиги учун барча эҳтиёт чоралари кўрилиб, қудуқнинг оғзига боя келтирилган саксовулдан кўприк қилиб босилди. Сўнг қудук кўмиб ташланди. Уста Бозирган билан Корамурт ботир қудуқни кўмиб бўлгунча, Эсон чўпон билан Шомурод яна бир қучоқдан саксовул тўплаб келтирдилар. Уста пешонасидаги терни артаркан, ўтинга қараб чамалади:

— Йигитлар, бу оз бўладими дейман-ов... Мен новларни йиқитгунимча сизлар яна ўтин йифиб келинглар.

Орадан анча вақт ўтиб, оғзи бостирилиб кўмилган қудук ҳам, йиқитилиб бир четга ташланган новлар устига ҳам саксовул босилди, кўздан яширилди. Шундан сўнг иккинчи қудуқка қараб кетишди.

Иккинчи қудук кўмилмаслиги керак — уни заҳарлашга буйруқ берилган эди. Уста Бозирганинг бу гурухга бош қилиб юборилишининг асосий сабаби ҳам мана шу.

Умуман, туркманлар қудук заҳарламоқчи бўлсалар, бу ишни бир тўрва арпа билан ҳам бажараверишлари мумкин, битта оттўрва арпани қудуқка ташласалар бас — қудуқ сувини оғизга олиб бўлмай қолади. Бироқ уста Бозирган бу йўлни бироз енгилроқ ҳисоблагани учун, у қудуқка тўкилган арпа устига сичқон ҳам ташламоқчи бўлди. Сичқон топиш керак деган гапни эшитган Эсон чўпон устанинг юзига ажабланиб боқди.

— Сен ўзи ростдан ҳам устамисан, ёки ҳазиллашаяпсанми?

Уста ҳам, ўз навбатида, чўпонга чимирилиб қаради:

— Ҳозир ҳазиллашадиган вақт эмас-ку, Эсон!  
— Мен ҳам шунга ҳайрон бўляйпман-да.  
— Ҳайрон бўл, бўлма, ҳозир сичқон топмасак бўлмайди.

— Чўлда ҳозир сичқон нима қиласи, уста? — деди Эсон чўпон уста Бозирганинг ўйлаб топган гапидан ҳайрон бўлиб. — Ҳозир чўлда илон топса бўлар, юмронқозиқ топса бўлар, аммо сичқон тополмайсан...

— Юмрон топса бўладими, ахир?

— Топса бўлади, — ишонч билан гапирди чўпон. — Чўлнинг қаерида ўт-чўп мўл бўлса, юмрон ўша ерда-да, уста.

Уста Бозирган ўзи кўтариб келган қопчанинг оғзини очиб, ичиаги бор-йўқ арпани қудуққа тўқдиди, сўнг юмронқозиқ излашга киришдилар.

Қудуқ теварагида юмрон ёки бошқа жониворлар кезиб юриши аниқ. Мана шундай маҳлуқлар тушиб, сувни ифлослантирмаслиги учун, қудуқнинг оғзига чўпонлар баланд секи (ғов, тўсиқ) ҳам ясаб қўйишади. Сабаби, қудуқ ичиага юмрон ёки сичқон тушиб ўлса, бу сувни ичиб бўлмайди. Ўлик юмрон ёки сичқон қудуқ ичида қолса, бу қудуқ энди вабо тарқатувчи маконга айланади. Шунинг учун ҳам қудуққа сичқон ёки юмрон тушиб кетганини билган одамлар сувни сўнгги томчисигача қудуқдан ташқарига тўкиб ташлайдилар. Жониворнинг ўлиги қудуқдан чиқариб ташланмагунча, молга бу ердан сув берилмайди.

Кўп ўтмай қудуққа ташланадиган юмронқозиқ ҳам топилди. Эсон чўпон саксовул остида ётган юмронқозиқнинг бошини дарров мажақлади.

Худди шу фурсат саксовуллар орасида юмрон излаб юрган Шомуроджоннинг чинқириғи янгради. Унинг фарёди шундай аччик эдик, бутун саҳро титраб кетгандай бўлди. Уч киши уч томондан унга қараб чопди.

Шомуроджоннинг ёнига энг биринчи бўлиб Қорамурт ботир етиб келди. Ўғлининг аҳволини кўрган отанинг ўзи ҳам сал бўлмаса жигарпорасининг ёнига йиқилиб қолаёзди. У саксовулзор ичида ёнбошлаб ётган ўғлини кўтариб олишга кучи етмай, орқасига қайрилиб худога илтижо қилаётган каби икки қўлини фалакка даст кўтарди-да, изма-из етиб келган устага қараб фарёд тортиб юборди:

— Бахтим қаро бўлди, уста, бахтим қаро бўлди!  
Худойим мени икки қўллаб урди!

— Нима бўлди, нима бало келди?

Корамурт ботир жавоб бермади, нима бўлганини уста билан чўпон ўз кўзлари билан кўрдилар. Қўрққанидан ранги чўлнинг сап-сариқ қумига менгзаб қолган ўғлондан бир қадам нарида даҳшатли малла илон қочишни хаёлига ҳам келтирмай, ўзи қилган ишидан хурсанд бўлгандай bemalol ётарди.

— Қаерингни чақди? Қани, кўрсат-чи! — ҳар доим туюдай шошилмай юрадиган, шошилмай гапирадиган устанинг шошиб қолгани бу гал овозидан ҳам билинарди. — Бўтам, кўрсат, оёғингни чақдими?

Эсон чўпон қўлидаги белкурак билан илоннинг бошини мўлжаллаб урди. Ер юмшоқ эди, аммо ўткир белкурак илоннинг бошини чирт узиб тушди. Илоннинг гавда қисми боши билан ўзининг алоқаси йўқдай, қўйруғи тинмай чирпиниб, ваҳшат ила харакатланарди. Илоннинг чирпиниб ҳайбат отишига ҳеч ким, ҳатто, унинг калласини узиб ташлаган Эсон чўпон ҳам эътибор қилмади.

— Хонавайрон бўлдим, Бозирган! Бахтим қора бўлди, Бозирган! Шу чўл унга мозор бўладими? Энди нима қиласман, гапирсанг-чи, Бозирган!

Шомуроджоннинг ёнида чўккараб ўтирган уста Корамуртнинг оғзини ҳаво билан ёпмоқчидай, қўлини ёйиб силкиди.

— Шарманда аёлларга ўхшаб намунча дод-вой соласан? Жим бўл! Уялсанг-чи! Йифи-сиғидан нима фойда?! Қаерингни чақди, бўтам, ўзинг қўлинг билан кўрсат-чи!

Шомуроджоннинг қўли чап оёғининг болдирида тўхтади. Бозирган уста болакайнинг почасини тиззасигача шимармоқчи бўлди. Аммо, тор қилиб тикилган поча боланинг шишиб кетган болдиридан нари ўтай демасди. Уста икки қўлини тиззасига тираб, Шомуроджоннинг тепасида турган Эсон чўпоннинг белидаги оқ соп пичоқни қинидан

суғуриб олди-да, иштон почасини узунасига кесиб юборди.

— Қаттиқ чақдими, Шомуроджон? — қалтирай-қалтирай сўради Қорамурт ботир юраги ачишиб.

Уста Бозирган Шомуроджоннинг болдирига кўз юбориб, қўли билан силаб, кузатиб чиқкунига қадар Қорамурт ботир бу саволини бир неча марта тақрорлади. Аммо Шомурод ҳам, Бозирган уста ҳам жим эди.

— Шунақаям савол бўладими? — жаҳли чиқди Эсон чўпон. — Илон чаққанидан кейин қаттиқ-юмшоги бўлар эканми? Саволинг қурсин сенинг. Бирорвга «фалончи ўлибди» деб хабар беришса, «ростдан ўлибдими?» деган экан...

Содда чўпоннинг «ўлим» сўзини тилга олгани Қорамуртни эсанкиратиб ташлади. Гўё бу сўз ҳозир ўғлининг аҳволига доир айтилганда сезилди. Уста ҳануз қўйруғи чирпиниб ётган баҳайбат илонни кузатар экан, секин бош чайқаб шивирлади:

— Даюс, ўзиям илонмисан-илон экан-ов! Нораста болакайни топиб чаққанини қара-я...

«Нораста» сўзини эшитиб, Қорамурт ботирнинг ичини ит талагандай жимиirlаб кетди. Негаки бу сўз эрта нобуд бўлган гўдакка ёки бевақт хазон бўлган болакайга айтилишини биларди. Ботир худди оёғи қуйган товуқ сингари типирчилаб сакрай бошлади.

— Бас қил-да, бу ёққа кел!

Бозирган устанинг амри ботирга ўқ теккандай таъсир этди, у бошини эгиб устанинг ёнига келди.

— Илон чаққан жойга қара-чи, яраси каттами? — деб сўради уста ҳамон жони ачишаётган Қорамурт ботирнинг юзига тикилиб. Ботир «йўқ» дегандай бошини чайқади.

Уста ўнг қўлининг бош бармоғи ила оқ сопли пичоқнинг дамини синааб кўрди, сўнг пичоқни учтўрт марта қумга тиқиб-тиқиб олди.

— Биринг болакайнинг оёғига мин, иккинчинг унинг қўлларини қаттиқ ушла, қимирламасин!

Эсон чўпон болакайнинг оёғига, Қорамурт ботир эса қўлларига ёпишди.

— Бисмиллахир роҳманир роҳийм!

Чўпон пичоининг ўткир тифи болакайнинг оёғини тилиб ўтди. Аввалгисидан ҳам қаттиқроқ чинқириб юборган Шомуроджон тойчадай энтикиб ўрнидан тўрт оёқлаб туришга интилди, аммо устидан босиб ётган оғир юк унинг оёққа туриб кетишига йўл бермади. Ўғлон вужуд-вужудини титратиб юборган оғриқни чинқириқ ила чиқариб юбормоқчи бўлди. Бутун чўлни бола фарёди тўлдириб юборди, аммо яранинг оғриги пасаймади.

Ўткир пичноқ илон оғиз солган ерда яна бир из қолдирди. Ишини битирган уста пичноқни чўпонга узатди. Уста энди чўк тушиб ўтирганича олдинга эгилди-да, текис кузалган соқолини селкиллатиб Шомуроджоннинг оёғидаги ярага оғзини босиб сўра бошлади. Сўрди, бошини кўтариб ён томонга тупурди, сўрди, бошини кўтариб тупурди, Сўнг яна...

Ниҳоят уста Бозирган сўнгги маротаба тупуриб олгач, кўйлагининг енги билан оғзини артди. Қорамурт ботир билан Эсон чўпон энди уста нима қиласкан дегандай, унга қараб қолишиди.

Уста тиззалаф туриб, иштонбогини ечди, кучанди, хихлади, пешоб қилмоқчи бўлди, буни бажаролмагач, бўғриқиб сўкинди:

— Э воҳ, лаънати, керак пайтида оқмайди!

Сўнг ҳе йўқ, бе йўқ, Шомуроджоннинг иштонини ечди.

— Сал тикла ўзингни!

Оғриқ пасайгандан сўнг сал-пал ўзига келиб олган ўғлон иштони ечилганини кўриб, уялганидан жон ҳолатда икки қўллаб уят жойини бекитди.

Уста Бозирган Шомуроджоннинг қўлини уриб юборди.

— Уяляпсанми? Топдинг уяладиган пайтни! Булбулим учиб кетади деб қўрқаяпсанми? Оббо,

сенинг шу шамширингни кўриш учун иштонингни ечдимми? Болажоним-ов, қани оёғингга қаратиб чоптириб юбор, сий дедим!

Уста болакайнинг олдига қўш ҳовучини тутди. Атрофдагиларнинг тикилиб турганини, ўзга бир киши шундоққина олдига кафтини тутиб турганини кўргач, бола баттар уялди.

— Сий дедим сенга! Бўлмаса ҳозир булбулингни кесиб оламан! Ана... ҳа, баракалла, болам!

Уста ҳовучидаги пешоб билан болакайнинг болдиридаги ярани ювиб ташлади. Сўнг эса... Яна бир ҳовучидаги пешобни оғзига олиб, танглайини чайиб ташлади.

— Энди ўбага қайтаверсак ҳам бўлар, йигитлар. Эсон ботир, сен бояги топган юронни қудуққа ташлаб кел. Ҳой, хон йигит, тур, қани, опич менга...

## 8

*Юмонқозиқ ва илон инидан чўлнинг юзи  
илма-тешик бўлиб кетган эди. Отлар,  
туялар шу чуқурчаларга оёқ тиқиб тиззаларини  
синдириб оларди. Гун жуда бесаранжом ўтди,  
сувсиз қолган ва қувватсизланган молларнинг  
икки минга яқини шу кеча жон берди.  
Бу аҳвол эртаси куни ҳам давом этди.*

**Сайд Мухаммад Али ал-ҲУСАЙНИЙ**

*Туркманинг найзага санчилган калласидан  
қон томчилар, узун соқоли шамолда ҳилтиради.  
Юзи қилич изидан мўматалоқ бўлиб кесилиб кетган,  
яра босган, аммо шунга қарамасдан  
унинг нуроний, донишманӣ одам бўлганлигини  
англаб олиш мумкин эди. Унинг чеҳрасида  
заҳарханда кулги қотиб қолган эди.*

**Жорж Блоквил хотираларидан**

Минг саккиз юз олтмишинчи йил июлида туркман чўли ўз қудратини намоён қила бошлади.

Шаҳзода Ҳамза Мирзанинг Марвга қайси йўлдан юриш қулай бўларкин, деган саволига Қора сартиб

маҳаллий табиатнинг шароитига қараб эмас, балки «ўзим кўрсатган йўлдан босиб борамиз», деб жавоб қайтарди. Сартибнинг фикрича, қадимдан карvon қатнайдиган йўл хавфли эмиш, чўлнинг ичи билан юрилганда эса тез етиб бориш мумкин. Бу йўлни шаҳзоданинг ўзи ҳам ўйлаб қўйган эди: бештаўнта туркман ҳужум қилиб қолса, ўзларига ўзлари қилади — бу бир. Иккинчидан, чўлнинг ичи билан юрилса — вақтдан ютиш мумкин, учинчидан, озиқовқат ҳам кам сарф бўлади. Аммо чўлистоңнинг ҳам ўзига яраша синовлари бор — шулардан бири, мана энди бошланаётган жавзо олови.

Бошидан оёғигача етти-саккиз чақиримгacha чўзилиб юриб кетаётган қўшиннинг сув захираси сахрого кирганларидан сўнг — учинчи куннинг ўртасида тугади. Мана энди, уч кундан бери Блоквилни хавотирга солиб келаётган чўл жавзоси ўз ҳукмини юрита бошлади.

Ҳар куни камида беш-олти фарсаҳдан йўл босамиз, деб мақтанишган сартиблар бу масофани уч кундаям ўтолмагач, дамлари ичига тушиб кетди. Карvon йўли узоқларда қолиб кетган, ҳарорати фалакка кўтарилиб турган қумда юриш эса кун-кундан қийинлашмоқда. Яssi пашмоқ (бошмоқ, товон)ли туялар-ку, ҳеч нарса қўрмаган-билмаган бўлиб юриб кетавераркан-у, бироқ от, эшак, ҳачирлар қумда қадам босай демасди. Устига оғир юк юклangan ҳайвоннинг тўйиноғи қумга худди болға билан урилган михдай ботиб кетади, бечора ҳайвон безовталаниб типирчилайди. Жумла-жаҳон ўт олгандай иссиқ. Одамлар ўзларини гуриллаб ёнаётган ўчоқнинг бошида, йўқ, ўша ўчоқнинг ичидагандай сезади. Қўшиннинг у ер-бу ерида уч-тўрттадан сарбоз, молқора қувватдан кетиб йиқила бошлагач, Ҳамза Мирза энди чўл ичидаги ҳар ким ўзи билганича жон арасин деб буйруқ берди.

Ҳаммадан бурун тақир ер топиб чодирини тикиб олган Жорж Блоквил энгисини кўтариб

кўйиб ташқарини кузатиб ўтиради. Уни илк бор ҳайратга солган нарса, чўл-биёбонда япроқ ёзиб, дарахтга ўхшаб ўсиб турган ўсимликлар бўлди. Мана, Блоквилнинг қоқ манглайида панжасини қумга тикиб турган ўжар (саксовул) бутасининг юзи тарам-тарам ёрилиб кетибди. Блоквил бу ёғочни иссиққа тоб беролмай қўтирир очган бир дараҳт деб ўйлади. «Бу дунё дўзахнинг ўзгинаси. Дўзах бўлгандаям, олови ҳеч ўчмайдиган дўзах бу! Шу чўлнинг ичида яшаётган одамларнинг чўлу биёбонда кўп меҳнат қилиб кун кўраётганига қувониш керак эмасми? Буларнинг чидами, мардлиги, меҳнатини бутун дунёга намуна қилиб кўрсатиш керак эмасми? Ахир улар шундай шароитда яшаб келаётганлари учун ҳам ҳурматга арзийдилар-ку...»

Умрида илк маротаба чўлнинг қумуш қумлари орасига тушган, яшил Европанинг тоза ҳавосидан симириб юрган одам, мана, Қорақумнинг ўртасида ўтириб, тап-тақир дунёга ҳайрон тикилмоқда. Тақирликнинг эни-бўйи уч юз қадамдан ошмайди, ундан нарида яна бепоён қумликлар бошланади. Ажаб, шамол қай томондан эсмасин, тақирнинг юзи шу заҳоти қум билан қопланарди. Барибир, чўлда шунча майдоннинг супурилгандай тап-тақир бўлиб ётиши фаранг йигит учун фалати туюлди. Блоквил бунинг сабабини Ҳамза Мирзадан ёки Қора сартибдан сўраб олса ҳам бўларди, аммо бу шарқликларнинг берадиган жавоби олдиндан маълум: «Бу — тангрининг иши, жаноб». Бунақа жавоб эса фарангни асло қаноатлантирумасди. Ҳаммаси Яратганинг хоҳиш-иродаси эканини Блоквил жуда яхши билади, бироқ мана шу тақир ер қандай қилиб тақирлигича қолаверар экан — фаранг мана шуни билгиси келади.

Блоквилни ҳайрон қолдирган яна бир нарса — тақирликларнинг салгина фурсат ичида жанг майдонига айланиши эди. Яъни, қўшин таркибидаги сарбозлар қилич яланғочлаб эмас, балки курак кўтарганларича тақирликда тўпланиб олиб, ўлим

билан юзма-юз туриб жанг қиласылар — қудук қазиідилар. Бу шундай жангки, қаердан келаётганинг, қаерга бораётганинг сүраб ўтирилмайды, яроқсиз ёвуз душман — чүлга қарши жанг қиласан ҳозир, қазиган тақирилікден сув чиқса — тирик қоласан, сув чиқмаса — жон топширасан. Сени аяб турадиган катта холанг йўқ бу ерда. Шунинг учун ҳам сарбозлар сал тақири жой топилса бўлди, ҳеч кимдан ҳеч нарса сүраб ўтирмай, ҳар ким ўз-ўзича қудук қазишга киришиб кетаверадилар.

Албатта, четда туриб кузатган одамгагина бу «жанг» кулгили туюлиши мумкин. Аммо чодирдан чиқиб, «жанг»га қўшилган Блоквил кўнглида кулгига ўрин қолмади. Чўл деган тилсиз ёв ўзининг нақадар маккор, нақадар шафқатсиз эканини фарангга дарров тушунтириди-қўйди. Фаранг энди қудук деган сўзга ҳам дарров тушунади, зоро, мана шу қазилаётган чукурдан ҳозир сув чиқмаса — тамом, сарбозлар кирилади-кетади...

Блоквил бундан ҳам даҳшатли яна бир воқеа бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйланарди. Саркардалар ва катхудолар учун эҳтиёт қилиб олинадиган захира сув бор. Буни сарбозлар ҳам билади. Агарда шу тақирида ҳозир сув чиқмаса ўлим билан юзма-юз турган сарбозлар захира сув учун бир-бирига қарши исён кўтариб, туркманларга ўқталадиган қиличларини шу ердаёқ қиндан чиқаришлари ҳам мумкин.

Мабодо шундай бўлса, қуролининг қудратини дунёга намойиш қилиш учун Насриддин шоҳ Марвга маҳсус йўллаган парижлик капрал Жорж Анри Гулибеф де Блоквил бечоранинг ҳоли не кечар экан? Европа газеталари сахифаларида Эрон сарбозларининг душман билан бўлган савашда кўрсатган қаҳрамонликларини васф этиш ўрнига, бир тулум (меш) ёки бир митара (фляга) сувни талашиб сардорларига қилич солғанларини ёзишадими?

Шу саволларнинг жавоби борасида ўйланаркан, Блоквил қудук қазаётган сарбозларни кузатаётib

яна ўйланди: «Йўқ, мен асло бунақа қилолмайман. Бу бечора сарбозларда нима гуноҳ? Булар ризк-рўзини шу йўлда териш учун ёлланган қуллар-ку, ахир. Нима, анови кўринган олтмиш яшар қария билан ўн беш яшар ўғлон қон тўкишни ҳавас қилиб бу ёқларга келдими? Бечораларнинг биргина гунохи бор — бу уларнинг қашшоқлиги. Қашшоқлик туфайли булар сарбозликка ёлланган, мана энди ўлимга бораётирлар... Ана, фош қилиш қўлингдан келса, шуларни ёз. Аммо, бу ҳақда ёзиб бўладими? Менинг ўзим ҳам мана шуларнинг бириман-ку, ахир. Буларнинг аҳволи меникidan оғирроқ. Булар шахмат пиёдаси каби эрксиз одамлар. Шахмат пиёдалари ҳам шоҳни, вазирни қўриқлайман деб ҳамиша ҳалокатга дуч бўладилар. Энг сўнгги пиёда ҳалок бўлмагунча, шоҳ асир тушмайди...»

Ростдан ҳам тубконнинг тубида — Сарахс билан Марв оралиғидаги дўзахдай чўлистон ичидаги ҳозир шахмат ўйинига ўхшаш ўйин бўлаётир. Шўрлик пиёдалар — сарбозлар шоҳнинг, вазирнинг боши учун жонларини фидо қилишга тайёр. Улар қудуқни ҳам шундай мажбурият юки остида қазимоқдалар. Бечоралар бу гал Қорақумнинг бешафқат панжасидан омон қолишса, эртага Марвга етиб борганларида яна шу оғалари учун азиз бошларини гаровга қўяжакларини билмайдиларми? Эҳ, шахмат ўйини ана шунақа ўйин, шоҳнинг шарафини асраш учун эртами-кеч бошни тикишга пиёдалар шай турмоғи керак. Шу маънода уларнинг мол-қорадан фарқи кам, ахир.

Наридан эсган оловли шамол ичидаги Қора сартиб пайдо бўлганда, Блоквил «Ана, шахмат пиёдаларининг вазири!» деб кулди заҳархандалик билан. Мирза Мухаммад Кўвам ад-Давланинг бу ўт-олов ичидаги бекор пайдо бўлмагани, саркардалар чодирини ташлаб, бекор бу ёққа келмаганини фаранг капрали тушунди. Блоквил Қора сартибининг танадан жудо қилинган, тап-тақир қилиб қирилган каллани

соқолидан тутиб келишига назари тушгандаёк шундай фикрга келган эди. Бу сафар у нақ Ҳамза Мирзадан буйруқ олиб келаётгани аниқ. Блоквил Ҳамза Мирзани жасур одам деб билар, лекин унинг ҳарбий маҳоратига унчалик юқори баҳо бермасди. Сарбозларнинг руҳини кўтармоқ учун тўғри келган баҳонаи сабабдан мана шундай фойдаланиб қолишни истарди бу одам.

Гап шундаки, Қора сартиб кўтариб юрган калла Блоквилга кечаги воқеани эслатди. Ўтган оқшом туркманлар билан енгил бир тўқнашув бўлиб ўтди. Тўғри, саркардалар чодири ўрта-орада тикилгани сабабли, қўшиннинг бу томонида жойлашган Блоквил нариги томондаги жангга ўзи гувоҳ бўлгани йўқ. Атрофдагилардан эшитганига кўра, қўшиннинг бир чеккасидан чопиб ўтган отлик туркманлар бир неча сарбозни яралаб, беш-олтитасини асир олиб кетган эдилар. Сартибининг қўлидаги калла — ўша тўқнашувда қўлга тушган туркманники бўлса керак.

Қорақумнинг ҳоври Эрон қўшинларини Марвга етмасдан қириб тугатмоқчи бўлгандай қиздирап, иссиққа чидамли эронликларнинг ўзлари бунақа иссиқ илгари ҳеч маҳал, ҳеч қаерда бўлмагандир, деб ўйлардилар. Дўзах тафтини илк бора ҳис қилган Блоквилнинг ўзи эса, қуёш йўлидан адашиб, ерга томон силжиб келиб қолган бўлса керак, деб ўйлай бошлади.

Эрон сарбозлари сувсизлиқдан азобланиб қирила бошлади. Ўлим хавфи бошқаларни ҳам хавотирга солиб қўйган эди, қизилбош<sup>1</sup>лар лаҳза танаффус қилмасдан, тинмай қудук қазимоқда эди. У ер-бу ерда уч-тўрт қулоч чуқурликда намли қум чиқиб қолар, лекин бу ҳали сув дегани эмас-да.

Блоквил ўз чодирига яқин жойда қазилаётган қудук ёнида намли қумга маъюс боқиб турган

<sup>1</sup> Қизилбош — кийган бош кийимининг рангига кўра, Эрон қўшинларига туркманлар томонидан берилган умумий ном (таржимонлар изохи).

сарбозлар ёнига борганида, бир қари сарбоз зобитнинг белидаги митара (фляга)га имо қилди:

— Жаноб, бир ютум сув бермасанг, томофим қақраб кетяпти...

Қари сарбознинг умид назари ила боқиб турган нигоҳини пайқаган Блоквил ҳозир «йўқ» дейиши билан воҳеа бошқача тус олишини билди-да, белига боғланган митарани ечиб, сарбозга узатди. Ичи бўшаб қолган митара худди «менда сув йўқ» дегандай тарақлаб кетди. Уларнинг атрофини ўрай бошлаган ҳамма сарбознинг ҳафсаласи пир бўлди.

Қари сарбоз энди Блоквилнинг тўппончасига тикилди. Блоквил энди у тўппончамга ҳавас қилаяпти деб ҳайрон бўлди-да, сарбозга:

— Ўзинг шундай бир аҳволдасан-у, тағин тўппонча сенга нимага керак бўлиб қолди? — деди.

— Мени тушунмадинг, жаноб... — лаблари ёрилиб-ёрилиб кетган сарбоз зўрға гапирди. — Менга раҳминг келсин, бир яхшилик қил, жаноб, мени... отиб ташла! Зора шу қартайган чоғимда ташналиқ азобидан кутула қолсан!..

— Ўлмоқчи бўлсанг, ўзингда ҳам қурол бор-ку, ахир...

Сарбоз бош чайқади.

— Ўзини ўзи ўлдирмоқ оғир гуноҳ саналади, номардлик бўлади. Бундай қилсан, худо мени кечирмайди.

— Агар сени отиб ўлдирсан, худо мени кечирадими?

— Шафқат юзасидан... раҳминг келганидан ўлдирсанг, худо хуш кўрар балким... Ҳатто, гапиришгаям ҳолим келмаяпти, жаноб... Отақол, мана гўрим ҳам тайёр — қари сарбоз оёқларини судраб қазилаётган чуқур олдига келди.

Блоквил қари сарбознинг ҳаракатларини кузатди: бечора, ҳозир йиқилса-ю, намли тупроққа учиб бориб бағрини босиб жон топширса... Аммо бунақаси мумкин эмас-да. Қари сарбоз чўнтагидан

кир-чир рўмолини олиб ёзди-да, иссиқ қум аралаш ер тагидан чиққан намчил тупроқни панжасига тўлдириб, рўмол орасига сола бошлади. Сўнг рўмолнинг тўрт учини бирластириб, сузмахалта қилиб, ичидаги тупроқни сикा бошлади. Тупроқ эзилиб, рўмол тагида бир-икки томчи сув пайдо бўлди, шекилли, сарбоз рўмолга лабини тегизиб тамшанди. Кўзларини ғалати сузиб, пичирлади:

— Шифо кардам (маза қилдим).

«Шифо кардам...» эмиш, — бош чайқади Блоквил. — Дудофингга теккан нам ичингга етиб боргунча «шифо кардам»инг учиб кетди-ку, бечора!..»

Қорақумнинг тепасида жавзо қуёши ҳамон аямасдан олов ёқар, пастдан қум олов қайтарар, гўё бутун олам мана шу иссиқда қоврилаётгандай эди. Олов ҳоврига чидамай қоврилаётган қизғимтил қумдан аллақандай бир ёқимсиз куюк ҳиди келади. Қазилаётган намчил тупроқ сарбозлар ўртасида талаш бўлмоқда, у ер-бу ерда сарбозлар нам тупроққа бағир босиб, оғиз уриб, юзини буркаб думалаб ётарди.

Рўмолидаги нам тупроқни қумга тўкиб ташлаган қари сарбоз яна Блоквилнинг қаршисида пайдо бўлди. У фарангистонликнинг митарасига қайта кўз ташларкан, ялиниб-ёлворди:

— Жаноб, шу идишингни менга берсанг-чи!

Бу гал Блоквилнинг аччиғи келди. Нима, ишонмаяпсанми суви йўқлигига деб жеркиб ташламоқчи бўлди. Аммо ташналиқдан йифлай деб турган сарбознинг ҳозирги аҳволини тушуниб, фикридан қайтди.

— Очиб ичини кўрмоқчимисан, сарбоз?

— Бу гал мен сендан сув эмас, митаранинг ўзини сўрайпман.

Блоквил сарбознинг нима мақсадда идишини сўраётганини тушунмади. Шунга қарамай, у сарбозга сўраганини берди.

— Ҳозир шундай аҳволда ҳеч нарсани айб қилиб бўлмайди, жаноб, — деди қари сарбоз жон ҳолатда

ҳовлиқиб, митаранинг оғзини очаркан. Фаранг капрал энди сарбозни хижолат қилмаслик учун кўзини четга олиб қочди. Аммо сарбоз ростдан ҳам уялиб тургудай аҳволда эмас эди, у митаранинг тагида қолган сув томчисининг бор-йўғини бошига кўтарди-да, идишни эгасига қайтарди:

— Оллоҳ ёрлақасин, биродар!

Блоквил ачинганидан йифлаб юборай деди.

— Керак бўлиб қолар, ёнингда тураверсин!

Сарбоз бош силкиб, французга миннатдорлик билдириди.

Блоквил ёндираётган қуёш остида энди ортиқ туролмаслигини сезди. Унинг ҳам лаблари қуриб қолган, ютинганида томоғи ёрилиб кетай дерди. У чодирига юриб кетди.

## 9

Юрди-ю, тўхташга мажбур бўлди.

Тўртта оёғини ҳар томонга қаратганича ётган туюнинг агрофида уймалашиб турган сарбозларнинг лаблари, ияк ва яноқлари қирмизи қонга бўялганди. Орқасини ўгириб олган яна бир сарбоз эса туюнинг бошини қучоқлаб олганича ғалати ҳаракатлар қиласди. Уларнинг ёнига яқинлашган Блоквил туюнинг чаноғидан бўртиб чиққан кўзларига назари тушгач, ҳайвоннинг ўлганини билди. Ўлган туюни бўғизлаган сарбозлар унинг қонини ичиб, ўз ташналигини қондирмоқчи бўлишган экан.

Шарт-шароитни фаҳмлаган фаранг йигит бу ердан тезда чодирига томон кетди.

Блоквил чодирига қараб юрар экан, улкан саксовул соясида чўл ўсимликлари томирини чайнаб ўтирган яна бир гурӯҳ сарбозларни кўриб тўхтади. Унинг тахминича, ташқарига улоқтирилган заҳотиёқ нами буғга айланадиган тупроқни юзга суртгандан кўра, майда буталар томирини чайнаш анча фойдали эди.

Чодирида сув йўқлигини билган Блоквил ҳам икки дона ўсимлик томирини қўлига олди. Бироқ у иштаҳасига қарши томирни ҳар қанча чайнамасин, оғзида ёқимсиз таъмдан бошқа нарса сезмади. Шундай бўлса-да, ташналик хавфли эди. Бу хавф эса иштаҳанг билан ҳисоблашмай, томир чайнашга инсонни мажбур қиласади.

Томир чайнаб ўтирган Блоквил нақ ёнбошидан ўтган бўлса-да, чодиридан беш-олти қадам узоқлиқда ерга тиқилган ходани кўрмай қолганига ҳайрон бўлди. Ё очга найза боғланган бўлиб, найза учига эса Қора сартиб кўз-кўз қилиб соқолидан тутганча кўрсатган туркманинг кесилган қора калласи санчиқлик эди.

Блоквил каллани синчилаб кўздан кечирди. Ўқ туркманинг орқа томонидан кириб, манглайдан чиқсан эди. Найзанинг ўткир учи ҳам манглайдан тешиб чиқсан ўқ ўрнидан кўриниб турарди. Эронлик навкарларга қожорларнинг қаҳрамонлиги намунаси сифатида намойиш қилиб қўйилган найза учидаги туркманинг соқоли шамол эсган пайтларда ҳилпираб қоларди. Гавдадан кесиб олинган бошнинг жилмайганга ўхшаган юзини кўздан кечирар экан, Блоквил: «Бош эгаси файрат-шижоатли одам бўлганга ўхшайди. Юзидан ҳам ақлли, фаросатли одам эканлиги кўриниб турибди», дея фикр юритди.

Найзага санчилган бошга инсон шаклини берган юз, дарҳақиқат тиржайганича қотиб қолганди. Жазира маънанинг чўлдаги кенг майдонни эгаллаган тақир устида уймалашиб ер қазиб, сув излаб юрган сарбозларнинг ҳолатини юқоридан бироз қузатган ҳар бир кимсага ҳам бечора сарбозларнинг ҳоли кулгили туюлиши мумкин. Чунки жонини ўлимдан сақлаб қолиш учун инсоннинг ўзи истамаган ҳолда қилаётган ҳар бир хатти-ҳаракати четдан қузатган, ҳаттоқи, мана шу жонсиз калла учун ҳам ниҳоятда қизиқ-да...

Қўвшутхоннинг ҳовлисидаги баҳайбат жуфт балх тутнинг улкан майдонни эгаллаб турган

соясида бошланган ҳарбий кенгаш ҳозиргина тамом бўлди. Ҳар уруғнинг катхудоси, навкару кўнгилли йигитларнинг қурол-яроғ билан таъминланишига масъул ботирлар, умумий қўшинга жавобгар бўлган оқсоқоллар улуғ хон олдида ҳисобот бердилар, ўз навбатида, хон томонидан маъкул деб топилган маслаҳатни ҳам эштиши.

Ушбу маслаҳатга Бозирган уста ҳам таклиф қилинган эди. Бироқ кенгаш тамом бўлгунча унинг номини тутган ҳам, ундан ҳисобот сўраган ҳам бўлмади. Ҳар қандай тасодифий одамнинг аввалдан махсус хабар юборилиб, улуғ хон ҳовлисида бўладиган маслаҳатга чақирилавермаслиги аниқ.

Одамлар ўринларидан туришгач, уста Бозирган ҳам оёқ кийимини кия бошлаган эди, хоннинг мулозимларидан бири ёшгина йигит устанинг қулоғига «хон келяпти» деб шивирлади.

Махсус шивирлашнинг маъносига бирданига тушунмаган уста:

— Келаётган бўлса, хоннинг йўлини бекитмайлик, йигит, — деб икки-уч қадам ортга чекинди.

Шу пайт уч-тўрт нафар ҳамроҳлари билан яқинлашган Қўвшутхон салом берди-да:

— Уста Бозирган, биз сиз билан кўришмоқчи эдик, — деб қўлини устага узатди.

Бозирган уста улуғ хонни ҳанузгача яқиндан кўрмаганди. Олдинги сафар учрашганларида хон от устида ўтириб сўзлашганди. Бу гал тикка юзма-юз бўлганлари учунми, ҳеч қачон ҳеч нарсадан чўчиш нима эканлигини билмаган Бозирган уста шошиб қолди. Бўйи, гавдаси устаникidan анча пакана бўлса-да, улуғ хоннинг назари қандайдир важоҳатли эди. Шу сабабли уста, улуғ хондан беш-олти ёш катта бўлса ҳам, оқсоқол сифатида соғлик-омонлик сўрашмоқча уялди. Хон — хон бўлганлиги учун ҳам, ҳозир унинг важоҳати устани яхшигина довдиратиб қўйди.

— Уста Бозирган, ҳол-аҳволларингиз яхшими?  
— Худога шукур, хон оға! — деди ҳовлиқиб уста.

— Файрат қилинг, уста! Бу гал душманнинг кучи ниҳоятда хавфли, уста! Агар ёрдамчи керак бўлса, ўзингиз хоҳлаганингизча олинг! Фақат талаб қилсангиз бўлди, одамларимиз тайёр!

Бозирган уста улуг хоннинг кўпчилик ичидан ўзини танлаб ажратиб, ҳол-аҳвол сўрамоғининг сабабини мана энди фаҳмлади, уста бажараётган ишнинг аҳамиятини хон яна бир марта таъкидла-моқчи эди.

— Кеча-кундуз тиним билмай ишлайпмиз, хон оға! Болғамизнинг овозаси ҳали нақ Хурсонгача етиб боради, худо хоҳласа!

Устанинг охирги гапи кўпчилик санъаткор-ларники сингари муболагали жаранглади.

Бозирган уста билан бош қимирлатиб хайрлашган Кўвшутхон чекка-чеккага ўтиб суҳбатлашаётган оқсоқоллар томонга қараб юрди.

Улуг хоннинг кўпчилик ичидан танлаб саломлашмоғи, ҳол-аҳвол сўрашиши уста Бозирганга қаратилган шунчаки ҳурмат-мурувват эмасди. Улуг хоннинг бу ҳаракати устанинг елкасига жуда катта масъулият юклади. Уста ҳам буни яхшигина фаҳмлаб олди. Шу сабабли у хон ҳузурида кўп турмай ҳам уй, ҳам иш дўкони бўлган манзилига тезроқ бориш ниятида йўлга тушди.

## 10

*Айтди Кўвшут – ул бу элга хон эрди<sup>1</sup>,  
Нафақат хон, элга жонажон эрди.*

**АБДУСАТТОР ҚОЗИ. «Жангнома» асаридан**

Эл-юрт тинч-фарофат пайтларида ҳам Кўвшутхоннинг ёнида ҳамиша одам кўп бўлар, хавф ортган маҳалларда эса унинг атрофида жиловдорлар,

<sup>1</sup> Абдусаттор қозининг ушбу сатрлари 1972 йилда Отакўпак Мерган билан мулоқот вақтида ундан ёзиб олинди (муаллиф изохи).

тансоқчилар сони ортарди. Яқин-йироқдан келиб қолган күпчиликнинг орасида ҳар эҳтимолга қарши хоннинг жонини асраш лозим кўринарди. Шунга қарамасдан, Кўвшутхон от парваришига навбат келганда хон эмас, сайис бўлиб кетар, отини суғоришни ҳам, эгарлашни ҳам, охурга ем ташлашни ҳам ҳеч кимга ишонмасди. Бир гал уни телпаги билан отининг бўйини силаб турганини кўрганлар бор. Хуллас, хоннинг бу дунёда энг яхши кўрган завқли оромижон ўйини — шахмат ва от парвариши эди. Тўғри, сўнгги вақтларда шароит оғирлашиб, тинч ҳаёт хавф остида қолганлиги боис, хон шахмат ўйинидан бироз четлашди, лекин отлар ҳамон унинг жону тани.

Бу сафар ҳам кун оққан бир маҳалда отининг ёлига қўл тегизишга вақт топган хон дарё томонга жўнади.

Мол-қора сув ичадиган кенг гузар хоннинг ўйидан икки юз қадам нарида эди. Гузардан ўттиз-кирқ қадам беррида эса, улкан тўранғи дарахти соҳилга соя ташлаб турарди. Кўм-кўк баргларга беланган дарахт Мурғоб дарёсига энгашиб сув ичиб турар, шу ҳолатида тўранфининг ўзиям каттакон бир жониворга менгзаб кетар, дарахтнинг сояси эса иссиқ кунлари одамсиз бўлмасди. Худди шу дарахт кўланкасида катта-катта одамлар мук тушиб шахмат доналарини тикадилар тош отиб ўйнайдилар.

Бугун ҳам бош хон от чоптириб бораркан, тўранғи соясида ўйин ўйнаётган беш-олти нафар тиниб-тинчимас болалару катталарни кўрди. Улар ўйинга шунчалар қизиқиб кетган эдиларки, она Ватанга улкан ёғий қўшини босиб келаётгани ҳам уларнинг хаёлига келмасди. Шахматчилар учун дунёда шовқин ҳам йўқ, жанжал ҳам. Барча йифилганларнинг эътибори тақир ерга ёйилган шахмат матоси устида бўлиб ўтаётган икки тарафлама доналар жангига қаратилган. Шунинг учун ҳам сояга йифилганлар Кўвшутхоннинг келиб турганини билмай қолдилар. Агар хоннинг оти пишқирмагандами, унга ҳеч ким

қарамаган бўларди. Салом-алик ҳам қисқагина бўлди. Кела-сола шахмат ўйинига тикила кетган хон эса йифилганлар ўзига эътибор бермаётганини сезмадијам.

Шахмат матосининг бир томонидаги тўрт нафар одам дона суроётган асосий ўйинчи ёшуллини қўллаб-қувватламоқда эди. Уларга қарши бир ўзи ўйнаётган одамнинг номи эл ичиде Омон саёқ деб номланса ҳам, уни ёнидагилар ҳурматлаб Омон оға деб чақиришарди. Яна бир номи Омон банги, уни нашавандлиги учун шундай деб чақиришар, аммо шахмат ўйинидаги туфма истеъоди учун бу бангининг ҳурмати улуф эди. Шахмат дастурхони ёйилиб, доналар тикилганда унга teng келадиган ўйинчи бу яқин атрофда топилмас, такалар ичиде энг катта шахматчиларнинг бири ҳисобланган Кўвшутхон ҳам Омон саёқнинг олдида кўпинча изза чекиб қолар, кўли паст келарди.

Чеккадан қараб, шахматчилар ўйинини кузатиб турган хон ўйин хумори бошланмасдан туриб бу ердан нари кетмоқ учун йўлида давом этди.

Хоннинг жўнаганини кўрганларнинг бири:

— Хон оға кетворди-я, — деди ёнидагиларни огоҳлантиргандай.

Ҳеч ким индамаса ҳам, Омон саёқ фудранди:

— Хон кетворди, дедингми?.. Қани, юр, юр. Кетса нима бўпти? Кўвшутхон сизлар каби аҳмоқ бўлмагани учун ҳам жўнаворди. Омон саёқ ўйнаётган жойда бошқалар обрў борида жўнаб қолишади-да. Мана сизлар, бешаланг битта бўлиб, бас келишнинг уддасидан чиқолмай ўтирибсизлар-ку. Кўчинглар-ҳов, қани!

— Кўчинглар эмиш. Кўчганда қўлингдан нимаям келарди?

— Кўлимдан нима келишини вазиrint қўл кўтариб асир тушганда биласан, қараб тур!

... Хон отгузарга етиб борган чофида тутган ҳассаси ўзидан ҳам узун бўлган бир букри кампир Кўвшутхоннинг йўлини тўсди.

Хон салом берди. Кампир алик олди.

Хон ўтиб кетмоқчи бўлди, аммо кампир бунга йўл бермади.

— Сен Кўвшутхон эмасмисан, йигит?

— Худди ўзиман, хўш, хизмат?

— Хизматдан олдин бир дуо қилиб қўяй сени.

Олдимдан худди қуёшдай чиқдинг-ку, болам! — Тапур-тупур ўтирган кампир топган гапини бир-бирига улаб дуо ўқий бошлади. Унинг дуо деб ўқиётгандари ичидаги Куръони карим оятлари ҳам бор, олқишилар ҳам бор, ниятлар ҳам бор. У такалар устига хавф келаётган бир паллада бош хонни ўзи билганича дуо қилмоқда эди.

— Энди, сен хон болам, менинг арзимга қулоқ тут. — Кампир инқиллаб ўрнидан турди-да, хондан оладиган қарзи бор одамдай жаврамоққа бошлади. — Сен улуғ элнинг хони бўладиган бўлсанг, менинг сигиримни топиб бер! Хон бўлган одам фарибурабога меҳрибонлик қиласди. Бу қандай давр ўзи, қандай замона бу? «Файри рақибинг бўлмаса, бободошинг ўғирласа-я?! Яна, атрофда ёйи отлиқлари хавф солиб турган бир пайтда-я? Шу мусулмонликка сиғадими? Хон бўлсанг сен шу саволимга жавоб бер, қани!

Кўвшутхон кулишни ҳам, қаҳрланишни ҳам билмай деди:

— Сигиримни ўғирлаган сен, демоқчимисиз?

— Сендан кўраётганим йўқ, аммо... ўғирлик ёмон нарса-да, болам.

— Нимаям қиласардик. «Йўл эгрисиз бўлмас, эл ўгрисиз бўлмас».

— Тўғри, болам, тўғри. Лекин, «жони ёнган тангриниям қарғайди» деган гап ҳам бор-да, хон. Куни кеча бузоқлайман деб турган сигиримни олиб кетишиди, болам. Неварадаримнинг оғзига сут-қатиқ тутаман деб, кўз тикиб ўтирган эдим-а, ҳай аттанг. Теварак-атрофдан сўраб-сурештиридик, аммо дараги чиқмади. Сендан нажот истаб келдим, хон болам!

— Ўзингиз кимсиз, она? Қайси ўбадансиз?

— Қора Аҳмаднинг ўбасиданман, болам. Букри Омонсултон деса, мени танимаган одам йўқ! Эл ичидан бандай бечоралар гилам тўкиб, тара (урчук) йигириб ном чиқаради, мен эса буқрилигимдан ном чиқардим. Буқрилигимни ёдламасанг, отамнинг исмини айтсанг ҳам танимайдилар, болам!

— Кимданdir гумон қилаяпсизми? Гумонингиз кимдан?

— Эл ичидан ўғри изласанг, отинг иснодга қолади, хон болам, шуни билиб қўй... — ҳамон жаварарди кампир.

Хон кампирнинг қулоғи оғир бўлса керак, деб тахмин қилди.

— Айтганингиз тўғрику-я, лекин феъли озган бир қарғанинг қағиллагани билан қиш тушавермайди-да.

— Қиш тушмаса тушмас, аммо қарға қағилладими — энди буёғига эзгуликка умид қилиб бўлмайди... Бугун-эрта бузоқлайман деб турувди-я!

— Буёнини боя айтдингиз, она. Гумонингиз кимдан деб сўраяпман.

— Гумон, гумон дейсан, хон болам. «Гумон имондан айиради», деган гап бор. Аммо айтсан айтақолай. Шомми сайис, Омон жалай деганлари бор, шуларнинг биттасидан шубҳам бор. Омон нашаванд дейдилар-ку. Сигирим боғланган ерда шу одамлар бўлган эмиш. Шомми сайис эса: «Сигиринг ростдан ҳам ўғирланган бўлса, Омондан кўравер», деди. Ҳовва-да, паст одам ўзини карликка солдими, ундан ҳамма нарсани кутса бўлади. Нима дейин, хон болам, тикилмадими — тўн эмас, тутилмадими — ўғри эмас...

Кўвшутхон энгагини силаб турди-да, кампирга сўнгги сўзини айтди:

— Она, сиз бу ўт-иссиқнинг ичидан овора бўлиб юрманг-да, ўбага қайтинг. Мен суриштириб кўрай...

— Суриштириб юрма, хон болам, сигиримни топиб бер.

— Сигирингиз топилсин-топилмасин, эртага бир хабарини етказамиз, она.

Жавобдан қониқмаган бўлса-да, кампир хон билан хайрлашди. У узоқлашар экан, ҳамон жаврагандан-жаврамоқда эди.

Отини сугориб, изига қайтган Кўвшутхон яна тўранги соясини мўлжалга олиб келаркан, бу гал у шахмат завқидан эмас, Омонсултон кампирнинг шикоятидан ичи ёниб келмоқда эди. Хон тўранги соясига етиб келганида сўнгги дов тугаган эди. Ўйинда ким ютиб чиққанини сўраб ўтириш шарт эмас, Омон саёқнинг оғзи қулоғида.

— Хон оға, манави пишмай қолган хомакларнинг ҳолидан хабар олмоққа келяпсизми? — деди у хурсанд ҳолда.

— Хомаклар пишадиган пайтиям келиб қолар, саёқ, — деди Кўвшутхон ҳайбат билан. — Пиёданг фарзинга чиққандай қувонасан, тинчликми?

— Бунисини сўраб турмай билиб оларсиз, хон оға. Шахмат ўйинида Омон саёқни енгадиган мард такалар ичидаги топилармиди?!

— Тан олиш керак, шахматда сенга тенг келадигани йўқ, бу борада тангри сенга жуда сахийлик қилиб юборибди... Бу ердагиларни кўзга илмайсан, шундайми? Узок-узоқларга бориб ҳам шахмат ўйнаб келяпсанми?

Мактоб сўзлардан Омон саёқ кўкка учиб кетай деди.

— Яқинда Ахалга бориб келдим, хон оға. Қариндошларимникига. Келганимга бир ҳафта бўлди.

— Ахаллик қариндошларингнинг рўзи-рўзфори қалай ўтаяпти экан, тузукми?

— Тузук, хон оға, кунлари ўтиб турибди. Аммо менинг боришимдан улар хурсанд бўлди деёлмайман.

— Нима учун экан?

— Камида Бомигача яшаётган қирмиз тўнли такалар орасида шахмат ўйинида Омон саёққа тенг келадигани топилмади-да!

— Бунчалик бўлмагандир. Битта-яримтасига ютизгандирсан-ов...

— Рост айтяпман, хон оға. Устига-устак, мен уларни гапда ҳам енгіб чиқдим!

— Ол-а! Шунисини сал ошириб юбордингми дейман-да, саёқ! — Құвшутхон сал ишонмаётгандай гапирди. — Улар шахматда ютқизишлари мүмкіндір-у, аммо гапда ҳеч кимдан енгилмайдилар. Бутун Құктепа томонларда ҳеч кимга гап бермайдиган Ёмғир чакакка үхшаганлар ҳамон бор, ахир!

— Ёмғир бўладими, қор бўладими, ҳеч бири менга бас келолмайди! — мақтанди Омон саёқ.

Унинг ҳозир ҳеч кимни гапиртирулаб лақиллаб ўтириши хон оғанинг шубҳасини оширди. Банги одам кўкнорисидан тортиб-тортиб келган шекиллида. Шунинг учун ҳам Құвшутхон ўз мақсадини сир тутиб, кўпроқ саёқни гапиртиргиси келди.

— Ахаллик оғайниларни гапда енгіб келдим, де! Оббо, азамат-э, омад дегани бир келса, келаверар экан-да!

— Нимасини айтасиз, хон оға, менинг омадим чопганидан-чопди! — Оғзидан сув оқиб мақтана кетди Омон саёқ. У худди олдида хон эмас, гиёхванд улфати турғандай авжига минди. — Нималар бўлди, деб сўранг-чи, хон оға!

— Нималар бўлди?

— Шахматда ютқизган оғайнилардан бири аламини олмоқчи бўлдими, менга қараб: «Омон оға, Ахалдан Марвга кўчган қариндошларимизнинг ҳаммаси намоз-тоатни ташлаб, савдо-сотиқقا бош уриб кетибди-ку!» — деб қолди. Мен унга, йўқ, ундоқ эмас, бундоқ деб шунча гапирдим, аммо у сира ён бергиси келмади. «Рост, шундай деб эшилдик, деди у, сизлар бозор кунлари савдо-сотиқдан бўшамай, қўл тегмай, ҳатто, ўликни ҳам кўммай кўяётган эмишсизлар». Йўғ-э, дедим мен, нималар деяпсан, ундоқмас ахир, бундоқ дедим. Қани энди ён берса, гапдан қолай демайди. «Бозор куни бир марвлик одам бандаликни бажо қилган экан, шу куни майитни қабристонга элтадиган одам топилмай,

уни душанба куни жойлабдилар. Гувоҳим бор», деб роса валақлади. Қарасам, сира бош берадиган эмас. «Ай, қариндош, дедим мен унга, аниқ бозор куни ўлмоққа вақт топган экан, билгинки, бу одам асли марвлик эмас!» дедим. Шундай деган эдим, ахаллик қариндошлар қаҳ-қаҳ уриб кула бошладилар.

Омон саёқнинг гапидан сўнг тўранғи соясида йифилганлар ҳам қаҳ-қаҳ уриб қолдилар, буларнинг кулгиси ахалликларнидан кам эмасди.

— Ахал нари турсин, сенинг довинг Марвда ҳам кучли, омадинг бу ёқларда ҳам юришганидан-юришяпти, — дея кулгига қўшилди Кўвшутхон.

— Тўғри айтасиз, хон оға! Омадим ҳамма жойда чопаверади. Мени хон ҳам енга олмайди, бек ҳам. Ишонмасангиз, келинг, шахмат дастурхони атрофида синааб қўра қолинг ўзингиз.

— Биз мақтасак, ўзингдан кетиб қолма, саёқ, — деб Кўвшутхон от жиловини ёнидаги йигитнинг қўлига тутқазди. — «Бор мақтанса — топилар» дейдилар. Ахал узоқда бўлгани билан, мана, шахмат доналари дастурхонда турибди. Қани, омадимизни бир синааб кўрайлик-чи!

— Синааб кўринг, хон оға, синааб кўринг! — деди Омон саёқ чаққонлик билан доналарни шахмат дастурхони устига тера бошлади.

— Қушдай учаман деб турибсан-а, қани, учганингни бир кўрайин! — деб Кўвшутхон ҳам дастурхоннинг иккинчи томонидан чордана қуриб ўтириб олди. — Учолмай қолсанг, хафа бўлиш йўқ, саёқ!

— Хафа бўлмайман, хон оға.

— Шу гапинг гапми, ахир?

— Омон саёқ икки сўзлайдиган йигитлардан эмас, хон оға!

... Шахмат ўйини қанчалик тез бошланган бўлса, доналар ҳам шунчалик камая бошлади. Омон саёқнинг бир пиёдасини ортиқ демасак, ўйин тенгматаңг бораётган эди. Саёқнинг асл нияти рақибини

енгиш эмас, балки унинг ҳамма доналарини бирмабир «еб», сўнг осонгина мот қилиш эди. Шу мақсадда Омон саёқ энди Кўвшутхонга шоҳ бериб, турта бошлади.

Омон саёқ (Омон банги) деб донг таратган бу одам факат дона суришдангина лаззатланмай, ўйин маҳали тилининг ҳузурини кўрадиган эзмалардан. Шахматда калласи қизиб — бир роҳатланса, ўйин мобайнода гапира-гапира рақибининг миясини қоқиб қўлига беради — шу билан икки роҳатланарди. Саёқ бу гал ҳам тинмай гапирав, қўли доналарда, тили — гапда эди. Гап билан бўлиб, Омон саёқ бир пайт шоҳига ҳужум бошланганини сезмай ҳам қолди.

— Шоҳингни олиб қоч, саёқ! — овози янгради хоннинг.

— Шоҳимни олиб қочайми? Сиз ўзи ким бўлиб Омон саёқнинг шоҳига «кишт» деяпсиз, хон бўлибми? Менга шуни айтинг, Кўвшутхон бўлиб менинг шоҳимга кишт беряпсизми?

— Ҳа, Кўвшутхон бўлиб.

— Кўвшутхон бўлганда ким бўлибсиз ўзи? Сиз агар Кўвшутхон бўлсангиз, мана мен Омон саёқман! Кочдим, қойилмисиз?

— Яна кишт! Қоч!

— Қоч деяпсизми? Хон оға «қоч!» деса, қочмоқ керак, йигитлар. Қочганда нима, қочганда қайфургудай юки борми Омон саёқнинг? Қочаман-да, кетаман. Майдон кенг.

Атрофдагилар шахматчиларнинг ҳар галги валақлашларига ўрганиб қолганликларидан ҳозирги гапларга ҳеч эътибор бермай, ўйиннинг боришини томоша қилмоқдалар.

Кўвшутхон яна саёқнинг шоҳини таъқиб қила бошлади.

— Оғир юким йўқ, дедингми, саёқ, тўғрисини айт! Шоҳ! Қани, энди қаерга қочаркансан...

— Яна қочдим. Омон саёқ ҳеч қачон ёлғон гапирган эмас. Сўққабошлигимни билиб шоҳ бераяпсиз-да.

Нима бўлса фарибга бўлсин экан-да... Кишт деган сўзингиз тугадими?

— Менинг киштим тугайдиган киштлардан эмас, саёқ. Кишт! Бўғоз сигири бор одам ҳам ўзини фарибман дейдими? Яна қоч, кишт!..

— Кочдим! Бўғоз сигир деганинг тонгда бузоқлади-ку, хон оға...

— Бўғоз сигири шу бугун бузоқласа-ю, бу одам фарибман, бечораман деб ўтирса-я! — Шоҳни олиб қочиш учун чангллаган Омон саёқнинг бармоқлари титрай бошлади.

— Бўғоз сигири бузоқлади, дедимми мен?

— Сўзингнинг камини қўймадинг... Кишт!..

— Сигиримнинг бузоқлашини сиз қаёқдан била қолдингиз-а?

— Ҳаммасини биламан!.. Кишт!.. Омон саёқ икки гапирмаслигини ҳам биламан. Яна қочишингга тўғри келади, саёқ. Қоч!

Ўйиннинг хумори билан бўлиб, ортиқча гапириб юборганини Омон саёқ шундагина тушунди. Тушунди. Аммо, энди кеч бўлганди. У шоҳини панжаси орасида қаттиқ сиқиб туар экан:

— Сиз ютдингиз, хон оға! — деб бошини чангллади. — Бу гал сиз зўр чиқдингиз.

Кўвшутхон шахмат дастурхонидан кўз узмай ўтиаркан:

— Мен эмас, ҳақиқат зўр чиқди, саёқ! — деди.

Томошибинлар гап нимадалигини ҳамон тушунмай, ўйинчиларни қўллаб-куватлаш учун далда бермоқда эдилар:

— Омон, бўш келма!

— Хон бўлганда нима, бир эзиб ташла!

— Отанг тирилиб келса ҳам, ўйин пайтида сийлаб ўтирма!

— Сен ҳам кишт берадиган йўлини топ, саёқ, аяма!

— Кучингни кўрсат-да, ахир!

Омон саёқ гап-сўзларга эътибор ҳам қилмай, хонга мунгли боқди-да, сўнг фалати илжайди.

— Бундай эмас, саёқ. Бу гал икковимиз «ҳам зиёратни бажо қилдик, ҳам тижоратни». Сен яхшиси ҳалиги айтган сигирни бузоги билан қорақмадлик Омонсултон букрининг уйига элтиб ташла, суюнчи-сига оғиз (увуз) сутини ичиб кел.

Шахмат ўйинининг хумори, бугунги шунча мақтovларнинг лаззати охирги бир гап билан бурнидан булоқ бўлиб чиқсан Омон саёқ энди ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришга мажбур эди.

— Оғир юкни ортиб ташладингиз-ку, менга, хон оға!

— Эҳ-хе, сен бунақа юкларнинг кўпини тортгансан, саёқ.

— Йўқ, хон оға, бу галгиси жуда оғир келяпти.

— Оғир ботса ҳам борасан, саёқ. Залолатнинг ярмидан қайтмоқ ҳам баҳт. Бориб, «Қўвшутхон юборди», дейсан. Шундай қилсанг, юкинг енгиллашади, саёқ. Ёнингга яна бир-икки йигитни ҳам қўшиб юбораман. Якка юргандан икки-уч киши бўлиб юрган яхши.

Шахмат дастурхонини тўрт буқлаб қўлтиғига урган Омон саёқ:

— Бу гал ютқизгандаям чув тушиб ютқиздим! — деди титраб-қақшаб. — Ўйинчи ўз ҳаддини билса яхши экан. Умрбод эсдан чиқмайдиган қилиб сабоқ бердингиз, хон оға! Гуноҳимни ўтинг бир гал... Ҳар дуч келган одамдан ҳам хон сайланавермаслигига шу гал жуда қаттиқ ишондим лекин.

— Ютқизганини тан олиш ҳам ҳамма одамнинг қўлидан келавермайди, — деб бош силкиди Қўвшутхон. — Шунинг ўзи ҳам сенда инсоф борлигини кўрсатиб турибди. Энди бундан буёғи шугина виждонингни сотиб қўйма, саёқ...

Ўйин-ўйин, деб бошланган имтиҳоннинг асл маъносини тушуниб олган Омон саёқ энди хоннинг юзига қарай олмади. Энди саёқнинг қаршисида ўтирган одам — оддий шахматчи эмас, хон эди, Қўвшутхон эди...

Йигирма кун деганда Сарахс билан Марв орасидаги йўлни мاشақкат билан босиб ўтган Эрон кўшинлари 1860 йилнинг олтинчи июль кунида Кўшк ўбаси ёнидаги Пўрсиқалъа деган қўрғонча ёнида тўхтаб, истеҳком қурдилар. Марв воҳасининг замини тўла эгаллаб олингунича Пўрсиқалъа асосий истеҳком ўрни бўлиб туриши керак эди.

Борган жойида кўрган нарсасининг бари билан қизиқиб юрган Жорж Блоквил бу ўба (қишлоқ)нинг номи нима учун «Кўшк ўба», деб аталишига ҳеч тушуна олмади. Ажабо, теварак-атрофда соялагудай на бир-икки дараҳт бўлмаса, на яқин-йироқда баланд-баланд иморатлар кўринмаса, бу ерларнинг номини нима учун «кўшк» деб аташган экан? Ёки ёнидаги уйлардан юксаклиги ила фарқланиб турган, пахсадан тикланган масжид шундай аталганмикан? Элдаги-юртдаги иншоотларга ном беришда одамлар янгилишмас, ахир. Балки табиат ёвузикларидан зада бўлиб кетган одамлар бу жойларни киноя билан «кўшк» («оромгоҳ») деб аташгандир?

Тоғ йўлининг баланд-пастликлари тугаб, Наврўзободдан чиққанларидан буён буларни таъқиб қилиб келаётган чўлистан манзаралари Блоквилнинг роса тинкасини қурилди. Пўрсиқалъанинг атрофларидағи бирмунча кўк-яшил майдонлар ҳам Блоквилнинг хира кўнглини ёрита олмагач, француз дарров ҷедирига кириб кетди. У ёндафтарию йўл ҳаритасини очиб қўйиб, «Пўрсиқалъа», «Кўшк ўба», «Самандик» деган ёзувларни ёзгач, қоронфи тушар-тушмасданоқ тўшагига чўзилиб ухлади-қолди.

Эрталаб тонг саҳарда у аллақандай ҳайбатли сўкиниш, бақириқ-чақириқлардан уйғониб кетди. Блоквил ётган чодир ёнига келиб олган Кора сартиб ёнидаги сарбозларни бор овози билан сўкмоқда эди.

Блоквил қулогига эшитилган бақириқлардан англағани шу бўлдики, тунда қожорлар кўшинига

аралашган туркманлар яна сарбозларни ўқقا тутибди. Түгри, сиёsat-хайбат юзасидан қилинган бу кичкинагина ҳужумни ҳужум деб бўлмас, катта қўшин деярли зарар кўрмаган, аммо... кўрмайсизми, мана, уч нафар сарбоз ўқقا учиб, тўнкарилиб ётибди. Қора сартибнинг сўкинишлари рост бўлса, туркманлар икки нафар қожор сарбозини ҳам асир қилиб олиб кетган эмиш.

Қора сартиб шусиз ҳам қўли остидаги сарбозларни роса сўкиб-койиб юради. Буниси энди устига-устак бўлибди-да. Қора сартиб ёнига келиб турган французни кўргандан кейин ҳам бақиришни бас қилмади: – Нима бўлибди дейсанми, лашкарларимиз оғзига чўп солиб ўлчамоқчи бўлган туркманлар яна тегиб-қочиб, калака бошлаяптилар-да...

Қора сартиб ич-ичидан ёғилиб келаётган заҳарли сўзларини ёнидаги полковникларнинг бири «Ферахон» деб номланмиш полкнинг бошлиғи Ҳусайн Алихоннинг юзига пуркамоқчи эди. Аммо Ҳусайн Алихон Насриддиншоҳнинг нақ ўзига яқин ҳарбийлардан эканлиги ёдига тушди-ю, нигоҳини унинг қошида ер чизиб турган полковникка қадади. Шундай қилиб, Ҳусайн Алихон эшитиши керак бўлган сўзлар шу ерда ҳозир-нозир бўлиб қолган саркарда Шоҳсувон Бағдодийга «насиб» қилди.

– Туркманлар бизнинг уйқимизни бузишга кўрқади, дердинг. Ҳатто, ўн фарсах нарида туриб акса уролмайди, дердинг. Ана, керак бўлса! Сен чодирингда мулойимгина бўлиб туш кўриб ётганингда, улар келиб сарбозларингни отиб кетибди-ку! Бу Эрон лашкарини беобрў қилиш эмасми? Бу марҳаматли шоҳимизнинг бизга бўлган ишончини пучга чиқариш эмасми? – Ногоҳон, шоҳни ёдга олиб қўйган Қора сартиб Блоквилга қаради-да, овозини пасайтирди. – Бу шармандали хабар мана шу чодирдан нарига ўтмаслиги керак, тушундингларми?!

Танбех эшитаётганлар Қора сартибнинг нима демоқчи бўлганлигини дарров англаб етдилар –

Блоквилнинг чодиридан уч чодир нарида Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг қароргоҳи жойлашган эди.

Шу билан тунги нохуш воқеага боғлиқ чора белгилаш мажлиси тугади.

Қора сартиб Блоквилга имо қилиб:

— Уни қара, жаноб! — деди-да, қўли билан кунботар томонни кўрсатди.

Кунботар томонда беҳад-бепоён қамишзор майдон Блоквилнинг кўз ўнгидага ястаниб ётарди. Баъзи бир жойларида ҳозиргина от туёғи теккандай из кўриниб турса-да, қамишзорга инсон қадами тегмаганлиги аниқ, деб ўйлади француз.

— Туркманлар шу қамишзор ичи билан келганлар, яна шу ердан изга қайтганлар, — деди Қора сартиб. Бу тушунтириш билан у гўё ҳеч кимнинг ақли етмайдиган сирни очаётган саркардага ўхшаб кетди. — Бизнинг сартибу сарҳангларимиз эса бу борада ўйлаб ҳам кўрмаганлар. — Эндиgi айтмоқчи бўлган хабари ўзининг қўл остидаги лашкарбониларига тегишли бўлса ҳам, Блоквилга юзланиб, буйруқ оҳангига гапирди: — Нонуштадан сўнг қамишзорга ўт қўямиз, жаноб, кечкурунги овқатга ов гўшти еймиз худо хоҳласа...

Кун найза бўйи кўтарилиганда юзларча сарбоз қамишзорга кириб, уч томондан ўт қўйдилар. Кўп ўтмай олов ҳалқа ичидаги қолган қамишзорни қора тутун қоплади. Ёнаётган қуруқ қамишларнинг чарсчурс овози баъзидаги худди милтиқ отилгандай сас берар, бу тараққа-турук чакалакзор ичидаги қолган жониворлару қуш-қумурсқаларнинг зор-зор чирқиляшига қоришиб, Кўшк ўбаси билан Самандик ўбаси оралигидаги бепоён осмон жаҳаннам қуюни ичидаги қолди. Пастдан бурқираб кўтарилаётган қопқора тутун шамолсиз ҳавода тарқала олмай, жизғанак осмон остида тобора сиқилиб бормоқда эди.

Қора сартиб бошчилигидаги беш-олти саркарда, ўттиз-қирқ нафар сарбозлар қамишзорнинг ўт

күйилмаган томонида жамландилар. Улар инсон күли ила яратилган дўзахга томошабин эдилар.

Бурқираган қоп-қора ўт-тутун ичидан, энг аввало, семизгина бир қуён сакраб чиқди. Аммо бир ажалдан қочиб чиқсан жонивор иккинчи ажалга чап беролмай, беш-олти милтиқдан отилган ўқларга бирин-кетин учиб, бошдан-оёқ қирмизи қонга бўялганича думалаб тушди.

— О, бу қуённинг оғиз теккудай гўшти қолмади, шекилли, — дея янграган овози эшитилди Қора сартибининг.

Блоквил Қора сартибининг боя: «Кечқурунги овқатга худо хоҳласа ов гўшти еймиз», деган сўзига мана энди тушунди. У яна бир нарсани англаб етгандай бўлди: қамишзорга фақат қуён ушлаш учунгина ўт берилмагани аниқ, бу ерда ҳали рақиб туркманлар бекиниб ётган бўлиши ҳам мумкин. Ҳа, қамишзорга ўт кўйишдан Қора сартибининг асосий мақсади мана шу эди! Ахир ўтган тунда лашкаргоҳда ухлаб ётган сарбозларни тиғдан ўтказиб кетган туркманлардан ҳали қасос олинмади, алам ҳам!

Томошабинларнинг бири қоп-қора тутуннинг осмонга тик ўрлашига анграйиб қараса, бошқа бири оловнинг тобора кенгайиб, теварак-атрофдаги ўт-ўлан борми, ҳўл-куруқ шох-шабба борми, барини аждарҳо сингари ямлаб ютишига қулоқ тутарди. Блоквил эса, ўз бошини муқаррар ажалдан кутқариш учун пир-пирлаб учиб-учолмаётган, бу дунёга ўт кўйиган нокасларни чирқиллаб қарғаётган чумчуқни кузатмоқда эди. Ачиниб ерга боққан Блоквилнинг кўзи тўсатдан ўнг оёқ этагига ҳолсизгина тармашаётган полапон қушга тушди. Қип-қизил гўшт ҳолатидаги бу жонивор ҳали учишни ҳам эплаб ўрганмаган, шунинг учун ҳам на қочиши, на жон асрашни билмай типирчилаётган бир жиш — полапон эди. Агар фаранг одам ҳозир ўнг оёғини салгина олдинга қўзғатса борми, жонсиз типирчилаётган жиш ўзидан юз маротаба, минг

маротаба оғир бўлган этиқ остида қолиб, мажак-мажақ бўлиб, тупроққа қоришиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Блоквил одамларнинг боши устида учеб-учолмай, қўниб-қўнолмай пир-пирлаётган чумчуқнинг нега чирқиллаб юришига энди тушунди. Бечора қуш ўз тилида ҳали қанот чиқармаган полапон – боласини қутқаришларини сўраб одамларга ёлвормоқда, фарёд уриб раҳм-шафқат қилишларини сўрамоқда эди. Аммо қамишзорда ваҳшийлик ила қиёмат-қойим яратган одамлар ҳозир бу қушнинг, бу ожиз маҳлуқнинг зор-илтижосига тушунмас, тушунсалар ҳам бечора жониворга ҳимоя қўлини чўзишни истамас эдилар.

Блоквил энганиб, типирчилаётган жиш-полапонни қўлга олди-да, беш-олти қадам нарида турган икки сарбознинг бирини ўз ёнига чақирди.

– Хув анави тепаликни кўряпсанми? – сўради у сарбоздан қоп-қора тутун орасида кўзга чала-хира кўринаётган шўр-оқиши дўнгликка ишора қилиб.

– Кўраяпман, оғабек! – бош эгиб жавоб қайтарди сарбоз.

– Бўлмаса, мана шу жониворни ўша дўнгликка қўйиб кел!

Кўшинда унвони ўзидан катталарнинг айтганини бажаришга ўрганиб қолган сарбоз полапонни кафтига олди-да, дўнглик томонга лўкиллаб чопиб кетди. Блоквилга ҳам, тутун ичига кириб кетган сарбозга ҳам ҳеч ким аҳамият бермади. Шундан сўнг одамлар боши узра чирқиллаб учеб юрган қуш ҳам кўздан йўқолди.

Қамишзор ичида олов ҳалқаси сиқиб келгани сайин, ҳалқа ичидағи шовқин-фалаён ҳам қучайгандан-қучайиб борарди. Шовқин қучайгани сайин милтиқлар ҳам зўр бериб «сайрай» бошлади. Сарбозу сартибларнинг овози, шод-хуррамлиги чексиз эди. «Ажабо, бу одамлар намунча бераҳм, ёвуз бўлмаса-я, – ҳайрон бўлиб алангларди фаранг

капрали. — Улар бир-бирини отиб ўлдирадилар, жониворларни қурбон қиласылар, тинч яшаётган қавмларни ўққа тутиб түзгитиб юборадилар-у, яна устига-устак, бу қылган ёвузылларини бир-бирига гапириб, мақтанадилар ҳам...»

Дархакиқат, ҳуванави ёқда қориндор бир сарбоз олдидан чиқиб қолган қүённи төпіб қулатиб, қүйруғидан юқорига күтарди-да, бошқа мерғанлар устидан хахолаб кула бошлади.

Шу пайт күтилмаганда қамишзор ичидан отилиб чиққан ёввойи түнгиз Блоквил томонға қараб чопиб қолди. Оралық унча узоқ бўлмагани учун у ўзига қараб чопиб келаётган даҳшатли ҳайвонни, аввало, кўрганидан кейин ҳам бироз вақт түнгизнинг тутаб турган елкасини томоша қилиб, пайтни ўтказиб юборди. Елкаси тутаб, олов аччиғига чидамаётган ёввойи ҳайвон эса Блоквилни мўлжалга олганича ўқдай отилиб кела бошлади. Француз кўркқанини билдирамаслик мақсадида шошилмай тўппончасини филофдан чиқариш учун қўл юборди. Аммо тўппонча филофидан чиқмади, түнгиз эса бу орада анча яқин келиб қолган эди. Блоквил энди ўзини йўқотиб қўйди. Кочиб қутуладиган чора ўйлаб, атрофга аланглади. Қаёққа ҳам қочсин? «Кўркқанга қўша кўринар», деганлари шуми — түнгизнинг оғзидан чиқиб турган икки озиқ тиши худди қўша ханжар каби ялтиллаб, ҳозир фарангнинг қорнини ёриб ташлайдигандай эди. Ишонган тўппончаси керак маҳалда филофидан чиқмай панд бергач, энди Блоквил ўзини батамом йўқотиб, талмовсираб, ёрдам кутиб атрофига олазарак боқар экан, аллақаёқдан тўппончанинг варанглаган овозини эшилди. Бироқ бу ўқ ҳам нишонга тегмади, шекилли, түнгиз ҳамон учиб келмоқда эди. Атроф-теваракдаги сарбозлар ҳайҳайлалганича воқеанинг қандай тугашини кутмоқда эдилар. Энди Блоквил билан тўнгизнинг ораси тўрт-беш қадамтина қолган эди, фарангни ёввойи тўнгизнинг тигидан кутқариб қоладиган ҳеч умид-чора йўқ эди. Кимдир ошкора фарёд тортиб юборди.

Кўрқанидан оёғигача терлаб кетган фаранг жонидан умидини узиб ўтириб қолди. Кўз олдини бир зумда қоронгилик босди: у энди на кўкка ўрлаётган қоп-қора тутунни, на лов-лов ёнаётган оловни, на узоқдатиккайиб турган масжид минорасини кўрар, чониб келаётган тўнғизнинг қиличдай ўткир тишлари баданимнинг қаерига ёриб киаркан деган фикрга қаттиқ берилиб, чўккалаб қолган эди.

Блоквил энг сўнгги дақиқаларда кимнингдир қилич ялангочлаб орага кирганини пайқагандай бўлди-ю, кўзларини юмганича ҳушидан кетди. Шу лахзада ўзига келди: тепасида Қора сартиб хаҳолаб кулар, унинг ялангоч қиличидан тўнғиз қони аралаш ёғ томчилар, икки қадам нарида эса сеп-семиз бузоқдай ёввойи тўнғиз чўзилиб ётарди.

— Энди сенга ўлим хавфи йўқ, жаноб, жонинг омон қолди!

Блоквилнинг тили жавоб қайтаришга ярамади, фўлдиради, нима деганига ўзиям тушунмади.

— Қаттиқ қўрқиб кетдингми дейман-да?!

Бу гал Блоквил одам тушунадиган тилда гапирди:

— Кўрқмадим десам, худонинг олдида ёлғон сўзлаган бўламан, сартиб. Кўрқдим! Ҳам қўрқдим, ҳам ўлиб-тирилдим. Миннатдорман...

## 12

Нафас мулла такаларнинг ёзи уруғига мансуб анҳорининг кўпригига қадам қўйганида, икки қурбақа бир-бирининг сайроғини тинглаётган каби навбатма-навбат қуриллай бошлади. Шоир мулла бу ажиб сайроқдан рухланиб, жилмайиб қўйди: «Қурбақалар ҳам одамзодни хижолатга солар эканми?..»

Кечак эшитган гапи яна эсига тушиб, кўнгли ёришди. Нима бўлган эмиш, Ҳамза Мирза Қора сартибининг маслаҳатига кириб, Кўвшутхонга ё хат йўллаган, ё элчи юбориб, қурбақаларнинг жим бўлишини буюрибди эмиш. Сабаби, Мурғоб дарёси

бўйига чодир тиккан шаҳзода соҳилда вақир-вуқур сайрашаётган қурбақаларнинг овозидан безор бўлибди эмиш. Албатта, бу гап энди урушмоққа қандайдир баҳона тополмай турган одамнинг гапи, кучи ерга-кўкка сифмай бораётган қўшиннинг бошлиғи гапирса, шундай гапиради-да. «Бир ками, қурбақаларни тутиб ўлдириб юришимиз қолувди...» Шоир иштонларини дарёда тиззаларигача қайириб олган йигитлар, соқоллари кўксини қоплаган мўйсафидларнинг дарёга тўр ташлаб, қурбақа овлаб юришларини кўз олдига келтириб яна илжайиб қўйди. «Бунаقا шартни ким кўрибди-ю, ким эшишибди? Билаги зўр одамда инсоф бўлса, яхши экан. Очлик нима едирмас, тўқлик нима дедирмас? Хаёлига нима келса, айтса айтгандир-да. Ҳар қандай миш-миш гап ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди-ку, ахир...»

Эрон қўшинлари орасида Марв жангини дунёга ёйиб бораётган, ўзи ҳам бир неча тилни биладиган бир фаранг одам борлигини Нафас мулла олдин ҳам эшитганди. Демак, шаҳзоданинг қурбақаларнинг овозини ўчириш ҳақида буйруқ бериб бош хонга хат юборгани ёки элчи йўллагани ҳам рост бўлса керак. Балки шаҳзода шундай буйруқ бериш билан туркманларни жумла-жаҳонга масхара қилмоқчи бўлгандир? Вой ҳазилкашлар-эй, валлоҳ-биллоҳ шаҳзода туркманлар олдига шунаقا шарт қўйди ҳам дейлик. Унда, Қўвшутхон унга жавобан нималар дер экан? Халқининг ор-номуси учун куйиб-пишиб юрган Қўвшутхон ҳам бир нималар дер, ахир. «Овчи қанча йўл билса, тулки шунча йўл билар», деган гап борку...

Кўприқдан ўтган ерда ўнгга бурилмоқчи эди. У ҳали бурилмасдан туриб, анҳор ёқасидан йўлда от суриб келаётган уч суворийга кўзи тушди. Олдинда йўртиб келаётган отлиқнинг қўлида оқ матога ўралган нимадир бор. Шоир отлиқларни кўрган заҳоти, уларни Ҳамза Мирзанинг Қўвшутхоннинг устига йўллаган элчиларими, деб ўйлади. Келаётганлардан

тезроқ ўтиб кетиб, йўлда ушланиб қолмаслик мақсадида шоир отининг жиловини силкиди.

... Кўєшутхоннинг оқ уйи ёнида Нафас мулланинг олдидан чиққан ҳам, отини тутгани ҳам одам бўлмади. Тўғри, ҳозир жиловингни тутиб, келганингга яраша обрў-иззат ила қабул оладиган замон эмас. Душман Самандиқ қишлоғининг кунчиқар томонида жойлашиб олганини каттадан-кичик ҳамма билади. Бола-чақа, қари-қартанг, аёл-қизларнинг бари аллақачонлар Мурғоб дарёсининг оёқ томонига — Қораён томонга кўчирилган эди. Марв теваракларида ҳали бу каби халқ кўп тўпланган жамоат йўқ ҳисоби.

Нафас мулла таблаларда боғловда турган отларни кўриб, хоннинг ҳузурида кимлардир бор эканлигини тахмин қилди. У отини қозиқقا тангиб, уйга кирганида эса қилган тахминининг рост чиққанини билди. Дарҳақиқат, ичкарида Тожкўқ баҳодир, Карим хўжа, Панжибой, Ортиқ арсари ва Чебшек ботирлар ҳозиру нозир эдилар.

Ортиқ арсари деганлари сариқдан келган, дудоқлари қалин, хушбичим йигит. У шу ерлик Каримхўжанинг дўсти. Ўзи ҳам бундан кўп йиллар бурун Марвга кўчиб келган қорабеклардан.

Меҳмонлар билан бирма-бир қўл олишиб кўришар экан, шоир кўнгли ҳузур топгандай бўлди. Зеро, бўсағада уч ойлик еб-ичарини фамлаб келган душман ётган бир вақтда, бу ерда йифилганларнинг, асосан, Кўвшутхоннинг чехраси осойишта кўринарди. «Ростдан ҳам, устимизга ёғий келди, деб қора кийиниб, мотам тутиб ўтирмоқдан фойда йўқ. Хон омон — эл омон...»

Шоир ўзининг келиши билан бу ерда тўпланганларнинг сухбати бўлинганини сезди. Соғликомонлик сўрашилди. Шундан сўнг Чебшек ботир билан Ортиқ арсари эл-элатнинг кайфияти борасида ҳисобот бердилар. Уларнинг айтишларича, Қораён томонга — қум этагига кўчирилган халқнинг учдан икки бўлаги аллақачон кўзланган манзилга етиб

борганлар. Шундан сўнг уларга тегишли озиқ-овқат, ичимлик сувнинг ҳисоботи сўралди.

Асосий гаплар тугади деб чамалангач, Қўвшутхон Панжибойга юзланди:

— Бой оға, мол-қоралар омонми? Афғон юрти мол-ҳол сақлаш учун жуда қулай дейишади. Ўтга-чўпга ҳам, ем-хашакка ҳам бой эмиш...

Хоннинг бу сўзлари бойдан бошқа меҳмонлар учун тушунарсиз эди. Боя, меҳмонлар кириб келганида, ҳамма одам бир-бири билан сўрашди, ҳол-аҳволлар айтиб ўтилди. Энди нима, гап-гурунг тугаб, қўзғаладиган пайт бўлиб қолган бир вақтда қайтадан ҳол-аҳвол сўрашилмоғи, яна бунинг устига денг, мол-ҳолга боғлиқ саволлар берилмоғи, бу гапларни Афғон юрти билан боғлаб сўралгани меҳмонхонада ўтирганлар учун ҳақиқатан ҳам тушуниксиз бир ҳолат эди.

Аммо Панжибойнинг ўзи хоннинг бу каби саволларини ўринсиз ҳисобламади. Хоннинг саволи ҳам, нималар билан қизиқаётгани, нима мақсадда бу гапларни сўраётгани ҳам бежиз эмас шекилли.

Дарҳақиқат, хон бекорга савол бераётгани йўқ. Эл ичида, ҳаттоки, мана шундай жадалли-ташвишли кунларда ҳам эски гина-кудуратларни ёдга олиб, кўпчилик ичида ёлғон сўзларни яйратиб, қалбаки маълумотлар тарқатиб юрадиган фаламислар ҳамиша топилади. Шундай айғоқчи одамлардан биттаси Панжибой барча мол-қораси, қўй-қўзиларини Афғонистон томонга ҳайдаганини, ўзи ҳам яқин кунлар ичида шу томонларга кетмоқчи эканини хонга етказган эди. Албатта, Қўвшутхон «ақли қулоғида» бўлган хонлардан эмас. Аммо шунга қарамасдан Панжибой ҳақидаги бу хабарга ишонди. Сабаби, Панжибойнинг чўпон-чўликлари подаю сурувларни Омоншоҳдан кунчиқар томонларга қаратса ҳайдаганларини кўрган одамларга ишонмаслик мумкин эмасди. Хуллас, бойнинг кўчаётгани аниқ — ҳамма овул-ўбалардаги одамлар кунботар

томонга қочаётган бўлса, Панжибойнинг моллари кунчиқар томонга кетган эди.

Панжибой ёши бир жойга бориб, куч-куввати қоча бошлаган бўлса ҳам, худога шукур, ҳали ақл-фаросати ўзида бўлган мўйсафид эди. У анча вақтгача жим ўтиридан-да, сўнг хонга юзланди:

— Фуқаро учун ҳуббулватан (ватан танлайдиган, ҳаёт-мамоти ҳал бўладиган) даври келди, хон.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, бой. Фуқаро одам тупроғи ва ўзини ҳимоя қилса, бой одам уч нарсанинг

— ҳам яшаётган тупроғининг, ҳам саломатлигининг, ҳам бойлигининг ташвишини қилади.

— Сизга ёлғон хабар етказибдилар, хон.

Ўтирганлар ичидаги фақат Тожкўк сардоргина бунақа астарли гапларнинг маъносига оз-моз тушунарди, сабаби, хоннинг қулоғига етиб келган гаплардан сардор ҳам хабардор эди, қолаверса, Панжибой ўзининг қалин суруви ичидан юз элликта қўйни ажратиб, Қораёп томонга ҳайдатганини биларди. Ўша юз элликта қўй Панжибойнинг кўчишга мажбур бўлган фарибу ғурабога атаб қўйган садақа моллари эди. Албатта, юз элликта қўй мингларча оч-афтода одамлар учун урвоқ бўлмасди. Аммо эл бошига оғир кун тушганда шу мол-қора ҳам ҳарна эди-да. Тожкўк сардор жим ўтирган қўйи гапнинг давомини кутди.

— Одамдан одамнинг фарқи бор, хон, — гапида давом этди бой. — Агар тупроқка бўлган муҳаббат тарозига қўйилса эди, Панжибой ҳеч қачон ютқизмасди.

Бу гап очиқдан-очиқ айтилмагандага Қўвшутхонга, унинг эгаллаб турган мартабасига тегиб кетиши аниқ эди. Шунинг учун хон дарров жавоб қайтарди:

— Ҳамма нарсани ўлчаб кўрадиган пайт алла-қачон етди. Бироримиз мен бойман деб ўзимизни элдан ажратсак, бироримиз мен бекман деб ўзимизни қирга олиб қочсак, у ҳолда биз яхши муштланмаган ҳамирдай тандирга кирмасданоқ оқиб тушамиз-ку, бой.

— Ҳақ гапни айтдингиз, хон ҳазратим. Ким яшайман деса яшайверсин-у, аммо Панжибой ватансиз яшаёлмайди. Панжибайнинг куч-қуввати Сарахсда қолган бўлсаям, аммо қалби шу ерда, ўз жойида, хон. Эр қартаяр, аммо ор қартаймайди.

Панжибой бир пайтлар Мадаминхонга қарши от ўйнатиб чиққанлардан эди, шуни ёдга солмоқчи, шу билан ёши етмишга яқинлашиб қолганини, энди қиличга ёпишишга кучи етмаслигини ҳам билдириб қўйгиси келарди.

Буни тушунган Кўвшутхон сал пасайди:

— Бу гапларни ҳамма билади, бой. Мен бу ҳақда гап очмоқчи әмасман.

— Бу ҳақда сиз гап очмаган бўлсангиз, мана, мен гап очдим, хон, — дея Панжибой оғир таяниб зўрға кўтараётгандай икки қўлига тираниб ўрнидан турди. — Кўп чиранган уялиб қолар, дейман. Мен кета қолай.

Кўвшутхон у билан келишолмаслигини билса ҳам, бойнинг айтганларини такрорлади:

— Кўп чиранган уялиши турган гап, лекин ҳозир чирапишадиган әмас, жипслашадиган пайт етди, бой! — деди.

Панжибой эшик томон йўналар экан:

— Аввало, Оллоҳ ажалга сабр берсин, — деб ғудранди. — Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини эса бошга келган балодан қутулиб олгач аниқлаймиз. Насиб этса, ҳали яна кўришамиз.

Хайр-хўшни омонат қилиб чиқиб кетган бойнинг изидан қараб қолган Тожкўқ сардор бош чайқади-да, хонга юзланди:

— Сал қизишиб кетдингизми дейман, хон?

— Алвираган хотин эрига «ота» дейди, деган гапни эшитганмисан, сардор?

— Ҳамма алвираса ҳам, сиз алвирманг, хон, — гапга қўшилди мулла Нафас. — Улуғ элнинг бошида турган одам ўзини йўқотса, элнинг қуввати қочар эмиш.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма гўё сардорнинг гапини тасдиқлаётгандай эди.

Эшик олдида пайдо бўлган йигит қожорлардан элчи келганини хабар қилди.

— «Эшикдан мўралаган жайроннинг икки кўзидан бошқа айби йўқ», — деб Кўвшутхон яна мақол ишлатди. — Келсин, кўрайлик-чи, нима гап экан? Эҳтимол, феълларидан қайтгандирлар?

— Ассалому алайкум! — деб кириб келди очик юзли, қора мўйловли хушсурат одам. У ичкарига киргач, орқасидан келаётган пакана, тиқмачоқдай йигит эшик олдида тўхтади. Уларни дарров таниган мулла Нафас келаётиб йўлда учратган уч қожорнинг биттаси ташқарида от жиловини тутиб қолгандир деб ўйлади. Кўвшутхон келганларни ўтиришга таклиф этди.

Элчилар кўрсатилган жойга ўтиб ўтирдилар.

Иккала томоннинг ҳам ўзини бемалол кўрсатишга ҳаракат қилаётгани шундоққина билиниб турарди. Зеро, икки тараф ҳам ичдан ҳадиксираб турар эди. Икки дунё — икки хил кайфиятда, бир-бирига қарама-қарши ҳолатда вазиятнинг давомини кутмоқда — элчи нима хабар келтирди-ю, элчи келтирган шартларнинг мазмуни амалга ошадиган ишмикан ўзи?

Такалар хонини худди шулар қизиқтираётганини билган элчи ўзига топширилган юмушни бажо қилишга киришди.

Қожорлар эски, аввалдан маълум гапларни қайта орага солмоқда эди, уларнинг шартига кўра, шу учта гапнинг бирини танлаш керак: такалар ё бус-бутун Эрон тобелигига ўтсинлар, ёки Марв тупроғини тарқ этсинлар, ёки саваш майдонига чиқсинлар! Такалар Эрон шоҳининг қўли остига ўтмасликлари аён; улар юргани тарқ этиб ҳам кетолмайдилар, чунки қўчиб борадиган бошқа ерлари йўқ; жанг майдонига ҳам кира олмайдилар, зеро, бунга кучлари ожизлик қиласди — буларнинг барини Насриддиншоҳ

яхши билади. Бу шартларга бериладиган жавоб ҳам аввалдан маълум. Ҳозир әлчилар бошқа бир гапни олиб келганлигини Кўвшутхон ҳам, бошқа ўтирганлар ҳам яхши тушунарди.

Қожор әлчиси туркман хонининг берадиган жавобига ажабланиб турмади, қайтанга «бизлар ҳам худди шу жавобни кутган эдик!» дегандай, вазмин бош силкиди.

— Кечирим чоғи розилашсангиз ўзингизга ҳам яхши бўларди, әлчи. Тинч ўтирган худо бандаларининг устига босиб келиб, «ўтирган кулбангдан чиқиб кет!» дейиш — кечиримлилик эмас. Биз ўз тупроғимизни ташлаб, ҳеч қаерга кетолмаймиз.

Элчининг жавоби кескин янгради:

— Бу тупроқ ҳеч қаҷон туркманларники бўлган эмас, хон!

— Бизда «илон қумни қизғанибди» деган гап бор. Эронда кум қаҳат нарса әмаслигини ҳам биламиз.

— Буни биз ҳам биламиз. Лекин Марв тупроғи асли Эронга тегишли эканини сиз ҳам билсангиз керак?!

— Тангри тупроғини даъво қилгудай, сизнинг қўлингизда ҳам худо муҳри босилган кафолатнома йўқ, әлчи. Лекин шунга қарамай, сизнинг шартингизни биз бошқа бир шарт билан алмаштирасак деган ниятдамиз.

— У қанақа шарт экан?

Кўвшутхон ҳозир айтадиган гапи ҳамманинг қўнглидаги ният эканини тасдиқламоқчи бўлгандай, теварагига бир-бир кўз ташлаб чиқди-да, сўнг гап бошлади:

— Биз Эрон қўшинига йигитларимиздан бериб туришга розимиз. Майли, йигитларимиз Эронда навкар бўлиб хизмат қилсинлар. Биз томондан Хуросон йўлида ҳам ҳеч қаҷон талончилик юз бермаслигига кафил бўламиз.

Элчи Кўвшутхоннинг айтганларини менсимаган оҳангда:

— Биз ўз шартларимизни айтмоқقا келган эдик, — деди.

— Шартларни сиз эмас, биз қўямиз!

Шу билан эронликларнинг асосий талаби яна бир маротаба тушунарли бўлди. Элчи эса, аввалги айтганлари озлик қилгандай, хонга қараб:

— Марҳаматли Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг begunoҳ туркман болаларига раҳми келаётир, — деди.

Элчининг бу сўзларида раҳм-шафқатдан учқун ҳам йўқлигини аллақачон сезган Қўвшутхон:

— Марҳаматли Ҳамза Мирзанинг туркман болаларидагуноҳ йўқлигини тушунгани яхши, албатта, — деди. — Лекин begunoҳ бола-чақа устига тўп судраб келиш, меҳрибонликка кирмаслигини ўзингиз ҳам биласиз.

Элчи нима учундир хоннинг сўзини бу гал жавобсиз қолдирди. Ҳал қилинмай келаётган ма-салани энди қилич ёрдамидагина ҳал қилиш мумкин.

Элчи турли мавзуларда гурунг қилиб ўтири, аммо қурбақали шартни тилга олмасди. Демак, бу эл ичида гарқалган ҳазил гап. Шунинг учун ҳам бу борада гап очиб қўйиб, хоннинг юрагига бехуда ҳадик солмаганига мулла Нафас суюниб қўйди.

— Элчини кузатиб қўйинглар! — деди Қўвшутхон буйруқ оҳангиди. — Бош имомимиз (хон бу ерда ҳазрат Алини назарда тутиб гапирди) бошқа бўлгани билан, худоимиз биттадир. Худо ёринг бўлсин, элчи, яхши бор!

Чебшек ботир элчини кузатиб қўйиш учун ташқари чиқди-ю, ичкарида қолганлар чукур сукутта толдилар. Бу сукут — такалар боши устига келиб қолган балодан қутулиш йўли йўқлигини англатарди.

Қўвшутхон хўрсинди.

— Мана, сариқ<sup>1</sup>лар билан ҳам шундай аҳволда қолдик. Бир-биримиздан сув қизғандик, қум қизғандик. Ахалликларнинг юки ҳам енгил эмас,

<sup>1</sup> Сариқ — қабила номи.

ўзларига етарли. Арсарилар дарё бўйини омон сақласалар катта гап. Ёвмутларга хабар етиб боргунча, фишт қолипидан кўчган бўлади. Ёвмутлар тезда етиб келгандаям, жанозангнинг еттинчи куни оят ўқимоққа келар...

Хоннинг сўнгги сўzlари ўтирганларни бир газ чўқдириб юборди, оғир таъсир этди.

— Насриддиншоҳда раҳм-шафқат деган нарса йўқ экан-ку! — деб юборди Каримхўжа ичидаги қайнар келаётган норозиликни ташқарига чиқарар экан. — Оз эканимиз гуноҳимизми, ахир! Кўшни бўлиб ўтирибмиз-ку!

Каримхўжанинг айтганлари жавобсиз қолди. Кўвшутхон аввалига сўник илжайди, аммо юзи, барибир, темирдай қорайди.

— Сен ичингдаги гапларни айтяпсан, Каримхон. Насриддиншоҳнинг нияти тузук бўлса эди, така билан сариқни уруштириб қўймасди. Насриддинда раҳму шафқат бўлсайди, сариқ билан салир<sup>1</sup>ни уруштириб, ёв қилиб қўймасди. Насриддиннинг қалби қора! Шунинг учун уни Насриддин деб эмас, Ҳасратдин деб айтаверсаям бўлади. Агар унинг нияти тузук бўлса эди, ҳамма туркманлар ўзаро тил топишиб кетардик. Туркманларнинг бадбахтлигига асл сабаб, ўзини бегоналарга боғлаб бериб қўйганида. Дуч келган одам бизни бир-биrimizга қарши қайрайди. Оғзи бирикмаган элга йўлбошли бўлиш осон эмас. Ҳар биrimiz ҳар тарафга тортгимиз келади. — Кўвшутхон Ортиқ арсарининг юзига аламли қаради. — Мен нотўғри айтяпманми, Ортиқбек?

Аввалбошдан гапга қўшилмай ўтирган Ортиқ арсари хоннинг гапини жавобсиз қолдирмаслик учун нимадир демоқчи бўлди.

— Ай, бизлар бир хон ёнига келган банда бўлсак...

Ортиқ арсарининг гапи Кўвшутхоннинг жаҳлини чиқариб юборди.

<sup>1</sup> Салир — қабила номи.

— Сен бегонасирайверма! Бегона эмассан, арсари. — Хоннинг кўзлари сузилди. — Сен туркманнинг энг яххисисан... Ана, кўряпсанми нималар бўлганини? Туркманнинг уйини бузадиган нарса — бегонасираш! Туркман яхлит гавда бўлиши керак! Ҳар бир уруғ ана шу яхлит гавданинг бир аъзоси. Така туркман ўзини четга олса — ўша гавданинг бир аъзоси майишгани. Арсари ўзини четга олса — гавданинг яна бир аъзоси камаяди. Ёвмут, сарик, салирлар ҳам айрилса, бу гавда қўлсиз, оёқсиз, кўзсиз бўлиб қолади-ку...

Кўвшутхоннинг айтганларини хаёлида мулоҳаза қилиб ўтирган Ортиқ арсарининг кўз олдида мудҳиш бир воқеа жонланди. Айниқса, хоннинг сўнгги айтганлари ана ўша даҳшатли воқеа устига яна ваҳима қўшди.

— Кўлсиз, оёқсиз, кўзсиз гавда кимга ҳам керак? Ўтирган бир юмалоқ пажмурда гавда у! Кўчадан ўтган ҳар бир бадфеъл кимса бу ожиз бечорани оёғининг учи билан тепиб ўтаверади... Ўз суягимизни бегона ҳисобласак — ҳалок бўлганимиз. Душманга бўйин эгамиз, қозондаги насибамизни бегоналар еб кетади. Хўш, эндиям ўз кўзимизни ўзимиз ўяверамизми, арсари? Ўз қўлимизни ўзимиз кесаверамизми, ахир?

Ортиқ арсари ва бошқалар ҳам бош хоннинг куюниб айтганларини юракдан маъқулладилар...

Мехмонларни кузатиш учун Кўвшутхон ҳам уйдагиларга қўшилиб ташқарига чиқди. Энг сўнггида хайларашган Нафас мулла бўлди.

Хон шоирнинг маъюс юзларига қаради-да, зўрмазўраки жилмайди.

— Фам чекма, мулла! Қожор тўрининг овози ўчса, туркман дуторининг овози баланд янграйди. Чунки бизнинг ниятимиз ўзимизга ҳақ.

Шоир ҳам хоннинг зўрмазўраки ҳаракатини маъқуллаб, унинг кўнглини кўтарган бўлди:

— Инишооллоҳ, шундай бўлади, хон! Тўп овозини ўчириш — сиздан, соз овозини кўтариш — биздан. Халқ шуни кутаяпти.

Улар кулумсираб хайрлашдилар, хоннинг ҳам, шоирнинг ҳам қулоқлари остида мусиқа овозлари эмас, душман тўпларининг гумбурлаши эши-тилаётгандай, ҳозирча бу товуш дуторнинг нозик овозини босиб кетаётгандай эди.

Ўйига томон бурилган хон Гулжамолнинг яқинлашиб қолганини сезмай ҳам қолди. Гулжамолнинг кўзига хоннинг кайфи чоғ кўринди.

— Омонмисан, Гулжамол, соғлиқларинг яхши-ми? — саломлашган бўлди хон мулойим оҳангда. — Ҳалиям янги қишлоққа кўчмадингларми?

Хоннинг «янги қишлоқ» дегани Қораёп эди. Гулжамол буни тушунди. Шунинг учун ғамгин овозда:

— Биз эртага пешиндан сўнг жўнамоқчимиз, — деди.

— Нима қиласдик, асалим. Шароит шунга мажбур қилмоқда. Насиб бўлса, ҳадемай эски жойларимизга қайтиб келамиз! — Сир билдирамасликка ҳаракат қилса-да, хоннинг ҳам овози қувноқ одамнинг товушига ўхшамади. — Уйга боравер, янганг ўша ерда.

— Мен, Қўвшут ота, сизнинг ёнингизга келгандим. Бир ўтинчим бор. Ҳозир шу хоҳишими сиздан бошқа одам бажара олмайди...

«Ўтинч» сўзи хонни ўйлантириб қўйди. Шундай хавфли фурсатда аёл киши хондан нима сўраши мумкин? Кўчиш учун от-уловми? Ёки кўч-кўронни кўтаришга кўмакчи керак бўлдимикан? Хоннинг бу хил тахминлари ҳам нотўғри чиқди. Бундай юмушларни бажараман деса қариндош ҳам, оға-ини ҳам Гулжамолда бор. Унда яна нима ўтинч?

— Гапиравер, қўлимиздан келадиган иш бўлса...  
— Менга иккита қилич керак!

Гулжамолнинг бу илтимоси хонни баттар ўйлантириб қўйди.

— Бирданига икки қилични нима қиласан, қўзичноғим? Ҳар қўлингга бирини олмоқчимисан?

— Бири менга бўлса, яна бири Узукжамол қўнғирга! У ҳам жиянларидан хабар юборибди. Ҳозир бундай илтимос ила бирор олдига борган билан, ким ҳам ишингни битириб беради? Бундай одамни тополмайсан! Чунки қурол ўзларига ҳам етмай турибди...

Узукжамол ёки Узан қўнғир деб ном олган бу келинчак ҳақида Кўвшутхон кўп эшишган эди. Ўзи Узан қўнғирни кўрмаган бўлса ҳам, уни эсласа, алп кўринишили бир аёл кўз олдига келади. Манаман деган эркакдан ҳам кучли, паҳлавон келбатли бу келин ҳақида йигитлару ёш ўспириналар орасида «асов буқаларни ҳам исталган жойда жиловлаб ташлайди», деган овозалар юради.

Кўвшутхон кулумсираб бошини қимиirlатди.

— Илтимосинг шу бўлса, яхши экан. Қилич қаҳат бўлса-да, бунинг иложини қиласиз. Мен Бозирган устанинг олдига одам юбориб кўрай-чи...

## 14

Кўвшутхоннинг хузуридан чиққанидан кейин ҳам ҳаяжонини босолмаган Панжибой отига минса-да, от бошини қаерга буришни билмай, эгарнинг устида карахтланиб ўтириди. Эгасидан «буйруқ» бўлмагач, от ўрганган одати бўйича ўзига таниш йўлдан юра бошлади.

Дунёдан бехабар одам сингари эгар устида ўйга чўмган Панжибой бўлиб ўтган воқеа ҳақида фикр юрита бошлади: «Бу дунёning чалкашликларига ҳайрон қолади одам! Ўрт тинч пайтларда ҳаммаёқни ёлғон-яшиққа тўлдириган туҳматчилар бошга бало ёғилаётган вақтда ҳам тилларини тиймас эканлар. Ахир юрт хавфсизлиги — ҳар бир ватандошнинг

хавфсизлиги-ку! Кечқурун ётиб, эрталаб туриштurmаслиги гумон бўлган вақтда арзимаган нарсалар учун ҳам бош қотириш шартмиди, ахир? Яна дeng, алғов-далғов даврда тухмат сўзларга бало борми? Ундан ҳам ёмони – эл-юртни олға етаклайдиган хонлар ҳам бу тухматни ҳақиқат деб топганига, нима дейсан? Тўғри, хонлар ҳам, саркардалар ҳам эл-юрт ичидан чиқади. Бироқ, раъияти орқа-олдига қарамай қўзғалаверадиган юртнинг хони ҳам, сардори ҳам аслига тортар экан. Гўё ҳаммалари бир гўр...»

Панжибой ўз ўбасига қайтиб келганда уйининг олдида боғланган оқ отни кўриб, Қораёпга мол ҳайдаб кетган чўпонини қайтиб келдимикан, деб ўйлади. Уйига яқинлашганда бу отнинг чўпон миниб кетган от эмаслигини аниқ билди.

Панжибойнинг эшиги олдида боғланган от Корамуртники бўлиб чиқди. Унинг ўзи эса уй соясида бойнинг келишини кутиб ўтирган экан.

Уйига яқинлашган бой отининг жиловини тортишга улгурмасданоқ, Қорамурт:

— Ассалому алайкум, бой оға! — деб унинг олдига елка учириб пешвоз чиқди.

Қорамуртнинг баланд янграган овозини эшишиб уйдан югуриб чиқкан узун оқ кўйлакли ўспирин болакай бой отининг жиловидан тутди.

Бой алик олиб, қўл беришиб кўришгач, рўпарасидаги шоп мўйловли одамга бошдан-оёқ назар солди.

— Мен сени танимайроқ турибман, яхши йигит?

— Танимасангиз, худо хоҳласа танишамиз-да, бой оға! — Мехмон қора шоп мўйлови тагидан оппок тишларини ялтиллатиб табассум қилди. — Тўғрисини айтсам, бой оға, мен ўзим таниқли одам эмасман. Исмим Отақари. Чўлда одамларнинг молини боқиб юргандим. Ўзингиз яхши биласиз, бой оға, эгалари молларини олиб кетишиди. Ишсиз қолдим. Шунда бир танишим «Панжибойнинг ҳузурига бориб кўр»

деб маслаҳат берди. Бирор юмуш берармикансиз, деб келавердим, бой оға.

Панжибай уни яхшилаб кўриб олмоқчи бўлгандаи, Қорамуртга яна бошдан-оёқ назар солиб чиқди. Бундан ўзгача маъно чиқарган Қорамурт ўнгайсизланди.

— От миниб, қилич солиша олмагандан кейин, ҳозир элнинг бирор корига ярармиканман деб, сизни қора тутиб келавердим-да...

Панжибой тўғри сўзли, ишонувчан одам эди. Чўпонликни эплаб юрган одам бўлса, ундан энди, нима сабабдан отга чиқиб, қилич чопа олмаслигини сўраб турсинми? Қайтанга, «шундай деб турган экан, бирор гап бордир-да» деб кўя қолди. Бўлмаса, Қўвшутхоннинг бундан икки ҳафта олдин юрга ёйган фармони бўйича, ёш чўпон-чўлиқларгина эмас, балки ёши ўтган чўпонлар ҳам яйловдан ўбага қайтиб, эл-юрт билан бирга душманга қарши тайёрланиши лозим эди. Қорамурт-ку, от минолмайдиган, қилич ўйнатолмайдиган қари чол эмас. Лекин айтганини қиласидиган йигитлардан кўринади. Панжибой:

— Бошқа бир пайт бўлгандами, Панжибойнинг эшигидан қуруқ кетмасдинг, яхши йигит, бироқ... — деб сўз бошлиган эди, бу гаплар Қорамуртнинг ҳафсаласини пир қилди. Аммо бойнинг гапи ҳали тамомланмаган эди, яқинлашиб келиб қолган яна бошқа бир отлиқни кўриб, унинг гапи бўлинди. — Ана, Ўрозменгли ҳам қайтиб келяпти!

— Ўрозменгли деганингиз ким ўзи? — қизиқсинди Қорамурт.

Ўрозменгли — Панжибойнинг бош чўпони. У бойнинг юрга тухфа қилган мол-қўйларини Қора-епга ташлаб келмоқда эди.

Эшигига келган одамни меҳмон қилмай қайтаришга ўрганмаган бой бош чўпонининг қайтиб келганига хурсанд бўлиб, қора мўйловли меҳмонни ҳам ичкарига таклиф қилди. Бу таклиф ота-боболардан қолган яхши урф-одатлардан четга чиқмаслик

учун қилинаётган ҳаракат эди. Тўғрисини айтганда, ҳозир бойнинг уйида оёқ узатиб ястаниб ўтиришга ярайдиган кўрпача-гиламнинг ўзи йўқ. Ёв қўлига ўлжа бўлиб тушмасин учун гилам борми, қимматбаҳо кўрпа-тўшак борми – бари хотин-қизларга қўшиб Қораёпга жўнатилди. Мана энди, меҳмоннинг олдига чиқариб қўядиган нарсанинг ўзи йўқ даражада. Бой уйга чорланган меҳмонлардан кечирим сўрагандай хижолатли илжайди.

– Уйга кириб бир-икки оғиз гаплаша қолайлик девдим... Кўча-кўч билан бўлиб, ўзларингга маълум, шу...

– Э-э, бой оға, ҳозир бунинг ҳеч уяладиган ери йўқ, хотиржам ўтирадиган пайтми ахир... – Панжибойнинг ишончини қозониш ниятида Қорамурт бош чўпондан ҳам олдин гап ташлади. Унинг сўзлари бойга хуш ёқиб кетди. «Ўзинг биларкансан-а, ҳаммасини!» дегандай фўлдиради. Ўрозменгли чўпон ҳам ўз кўнглидагиларни айтиш билан Қорамуртнинг гапларини тасдиқлаган бўлди:

– Меҳмонлар билан чақчақлашиб ўтирадиган вақт эмас, бой оға. Рухсат берсангиз, мен ҳам кийим-кечагимни олсам-да, йўлга тушаверсам... Мол-қорага биргина Тойли оғанинг ўзи қараб қолди.

– Ўғлонлар-чи, қайтишмадими? – Бой савол берди. – Икковингизгаям энди роса енгил тушмаса керак.

– Хабар қилинган куниёқ уларни орқага қайтардик... Айтганингиздай, икки одамга осон эмас экан, бироқ начора, кўрпага қараб оёқ узатаверамизда.

– Бу меҳмоннинг исми Отакари экан, – Панжибой Қорамурт томон қўл силтади. – Ўзи олдин қўй боқиб юрган экан... Балки буниям ўзинг билан олиб кетарсан? Шунча молга қараш қийин. Икковингизданам ёш кўринади бу.

Ўрозменгли чўпон Қорамуртга диққат билан тикилди. Танимади.

— Ўзингиз биласиз, бой оға, — деди. — Албатта, икковимиздан кўра учовлон бўлганга не етсин? Машқул десангиз, биз билан юраверади.

Сухбат қисқа бўлди-ю, Қорамурт Панжибой сурувининг изида юрадиган уч чўпоннинг бирига айланди.

— Моллар қаерда ҳозир? — сўради Панжибой бош чўпондан.

— Чилбурчга томон жўнатганман, бой оға. Бизлар етиб боргунча, улар ҳам етиб қолар...

«Биз» деган сўз ичида мен ҳам борман деб ҳисоблаган Қорамурт тилини тийиб туролмади:

— Чилбурч бўлса, кечгача етиб борармиз, ахир?

Ўрзмёнгли чўпон Қорамуртга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Бироқ, индамади. Бош чўпоннинг нимага индамай қолганини бойнинг ўзи шундай билдириди:

— Чилбурчга, иним, кечгача етиб боролмайсан. Йўл узоқ. Эртага етиб борсанг ҳам катта гап.

Гапи ўтмай қолган Қорамурт яна тилини тийиб туролмади:

— Отларни қичаб ҳайдаймиз-да...

Унинг тахминий сўзи яна тасдиқ топмади. Чунки отларни каттиқ чоптириб ҳайдаганда ҳам, барибир, кечга яқин Омоншоҳ манзилига, ярим кечагина Чилбурчга етиб бориш мумкин эди.

Шу билан сухбат якунланиб, бу мавзуга бошқа қайтилмади. Панжибой буйруқ берди:

— У ёқларга душман оёғи етиб бормаса керак. Мабодо душман ҳидини сезгудай бўлсангиз, молларни дарҳол юқорига ҳайданглар!

Ўрзмёнгли чўпон нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, бироқ ўйланиб қолди, сўнг хотиржамлик билан:

— Чилбурчдан юқорида тап-тақир чўлдан бошқа ҳеч нарса йўқ, бой оға, — деди. — Бу ишимиз сал фалати бўладими дейман-да...

— Нимаси фалати бўлади?

— Молларни қирғинга бериб қўямизми, деб қўрқаман.

— Мен ҳам шуни ўйлаипман, Ўрозменгли.  
Ўзларинг омон қолсангиз яхши эди.

Ўрозменгли «Бой оға нима деяпти, а?» дегандай  
Қорамуртга қаради.

Бу гал ҳам Қорамурт бош чўпоннинг кўнглидаги-  
дай гап тополмади. Ўрозменгли чўпон энди «моллар  
юқорига қараб ҳайдалса, қирилади», деган фикрини  
яна такрорлади. Шунда Панжибойнинг овози  
газабкорона янгради:

— Менга деса, қирилсин, қирилиб кетсин!  
Қожорларнинг томоғидан ўтиб, белларига куч-қувват  
бўлгандан кўра, ўзимизнинг чўлда чириб кетганлари  
маъқул, тушундингларми?!

## 15

Бозирган уста шу чоққача кечирган ҳаётида  
деярли барча балоларни кўрганди. Бугун эса яшаган  
умрини яна бир марта чамалаб чиқди-да, бало-  
кулфатлар ичида энг ифлоси — туҳмат балоси  
бўлса керак, деган тўхтамга келди. Аммо, энди гап-  
сўзларни ковлаштириб ўтирмади. Шундай қилса,  
гап-сўзлар ўз-ўзидан камайиб, эсдан чиқиб кетади,  
деб ўйлади. Лекин воқеалар у ўйлаганча бўлмай,  
уста ҳақидаги миш-мишлару фийбатлар борган сари  
кўпая бошлади.

Касб-корига, ҳунарига тил теккизишмаса,  
офизларига нима келса гапиришса, Бозирган уста  
ўзини ҳозиргидай камситилган, хўрланган деб ҳис  
қилмасди. Ҳунарига тил теккизган туҳмат ўроқ  
ўткирлаш ёки бел дасталаш билан боғлиқ бўлса-да,  
у ҳозиргача шу галдагидай изза тортмаган эди. Ўроқ  
нобоп ўткирланса ёки бел қийшиқ дасталанса —  
ҳеч кимнинг бошига охирзамон ағдарилмасди-я.  
Ўтмас ўроқ билан ўт йифиш — машаққат, ёки  
қийшиқ дастага ўрнатилган белкурак ҳам тутишга  
ўнгайсизлигини ҳамма билади. Шундан келиб  
чиқиб устадан норози бўлганлар озгина ғиди-биди  
қилади-ю, йўлига кетади.

Бу сафар эса уста Бозирганинг хунарига тил теккизишди! Гўёки унинг касбига нўноқлиги — Ватанга хиёнат қилиш билан баробар бўлди-қолди. Корамурт томонидан тарқатилган хабарга кўра, уста Бозирганинг ясаган қиличлари ҳақиқий қурол эмас эмиш, одамларни чалғитадиган ўйинчоқ қиличлар эмиш! Темири қиёмагача тобланмай, меъёрида сув берилмай ясалган ушбу қиличлар билан урушга борсанг — қўлинг яроғсиз жангга киргандай бўласан эмиш!

Бундай гап-сўзлар кучайгандан-кучайди. Аслида уста Бозирганинг бундай фалати «бевафолиги»га, эл-юртига садоқат кўрсатолмаслигига ҳам сабаблар бор: Эронда устанинг ўн саккиз ёшлардаги ўғли асирикда яшар эди. У эронлик сарбозлар билан биргаликда Марвга ҳам келган. Бу дегани — Бозирган уста қожорлар билан яқин алоқада. Қожорлар енгса, уста ўғлининг такаларга йўлбошли қилиб юборилишидан умид қиласди. Энди ҳам уста тутқин бўлиб турган ва Оллоҳ берган ёлғизгина фарзандига қарши кўтариладиган қилич ясасинми? Буни тасаввур қилиб бўладими?

Ана энди, шунақа миш-мишлар қулогига етган одамларнинг оғзи эллик бўлиб, тухмат қозонини қайнатишлиари — куракда турмайдиган гап бўляяпти-да.

Хаётда ҳайрон қоладиган воқеалар кўп бўлади. Яхши бир одам тўғрисидаги ҳақиқатни эл-юртга ёймоқчи бўлиб қанча ҳаракат қилма, бундан ҳеч қандай натижа чиқмайди. Айтган мақтовинг айтилган жойида қолиб кетади. Бироқ қандайдир бир одам ҳақида ёлғон-яшиқ сўз тарқатаман десанг, марҳамат, бундан осон иш йўқ. Халойиқ бу сўзнинг тухмат эканлигини билса ҳам, дарров лақقا тушиб эл-юрт ичига ўзи гарқатади. Ажабо, кўпчилик яхши гапдан эмас, балки ёмон гаплардан лаззат олар экан-да?! Одамларга сира тушуниб бўлмайди...

Худди шунингдек, Корамуртнинг Бозирган уста тўғрисида айтган бир оғиз ёмон сўзи ҳам оғиздан

офизга ўтиб, бирпасда чиппа-чинга айланди. Натижада нима бўлди, денг? Нима бўларди, мана энди айфоқчи ҳам Бозирган уста, хоин ҳам Бозирган уста! Ҳамманинг оғзида шу гап: қожор қўшинларининг қачон Марвга хужум қилишини мана шу Бозирган уста билади!

Шу зайлда ҳамма нарсани юрагига яқин олган бу содда одам ўзини ўзи қийнаб қўйди. Маъносиз сўздан маъно излайвериб, тухмат билан ҳақиқатни ажрата олмай, елкасидаги зил юк оғирлашгандан-оғирлашди.

... Устанинг диққат-эътибори устахонанинг чап томонидаги қўй-қўзига мўлжалланган сиртмоқقا оғди. Уни бундан икки ҳафта олдин Эмрали чўпон тез ясад беришни буориб кетганди. Ўзи эса уни эрта ёки индин олиб кетаман деб ваъда берган. Бироқ, у буюртмасини сўраб ҳалигача келмади.

Уста буниям ўзи ҳақида тарқалган миш-мишлар билан боғлиқ деб ўйлади. Ўзи содда, устига-устак, мусичага ҳам озор бермайдиган уста ҳеч кимни хафа қилгиси келмайди. Бироқ туга «ҳайт» демоқдан, қўйга «қурай» дейищдан бошқа нарсани билмайдиган аллақандай бир чўпон ҳам ўзи буюрган нарсасини сўраб келмагач... Кунда бир неча бор устанинг ёнига келиб кетадиган, гоҳ-гоҳида гўё қулогига илингтан гап-сўзларни қайта-қайта такрорлайвериб одамнинг жонига тегиб кетадиган қўшни Аннажамол кампир ҳам икки кундан буён эшикни қоқмаяпти. Ёки у ҳам...

Ташқаридан хонага кимдир кириб келди. Бу Аннажамол кампирнинг ўн яшар набираси Ҳақназар эди. Уч кунда бир марта нон ёпадиган кампир ҳар гал Бозирган устага илинганини ўз қўли билан олиб келарди. Кампир ҳар гал кўрикнинг ёнбошига яхшилаб ўринашиб, бир қанча гап-сўзларни қалаштириб ташларди. Фаривотадан бошлаб Шўртепагача барча қишлоқлардаги янгиликларни бирпасда устанинг олдига ёйиб ташларди.

Бугун эса, мана, Аннажамол кампир ҳам ўзи келмай, нонни набирасидан юборибди... Ана, сенга керак бўлса! Садағанг кетай, Қорамурт!..

Боланинг саломига алик олган уста унинг юзига қарамай, мингирилаб сўради:

— Момонг нима учун қорасини кўрсатмаяпти, полвон?

— Момомнинг иши жуда кўп, Бозирган бобо!

— Бу баҳонани ўзинг ўйлаб топдингми ёки момонг шундай деб айтгин дедими?

— Момомнинг ўзи айтди, мен ҳам айтяпман.

Душман бостириб келаётган эмиш, бобо...

— Уни момонг айтмаса-да, биламиз. Яна нима гап-сўзлар бор?

— Бошқа гап йўқ.

— Гап-сўз бўлиши керак, полвон, айниқса... момонг мен ҳақимда нима деяпти?

— Кимни кўрса, қожорлар тўғрисида галиради. Бошқа гап-сўзни эшитмадим.

Бозирган уста ўзи ҳақида қанақа гаплар борлигини билмоқчи бўлиб, болага турли-туман сўроқлар бериб, бошини айлантириб юборди. Аммо ўзи кутган натижа чиқмади. Бунинг устига бола:

— Кўвшутхон, «чўлга сингишимиз лозим» деганиш, — деб сўз йўналишини яна душман босқини билан бэғлади. — Момом қопларни тайёрламоқда, гўшт қовуришни бошлади.

— Қовурдоқни кўпроқ олсин... Момонг бечора чўлда оч қолиб кетмасин тағин!

Устанинг илмоқли сўзи болага ёқмади. У қизариб, бўлиқ юзини тескари қаратди.

— Очдан ўлмаганингда ҳам, чўлга кетиладиган бўлса, керак бўлиб қолади-да, Бозирган бобо. Улуг хон ҳам кўпроқ озиқ-овқат олинглар деганиш.

— Сенинг момонгга шундай дебдими?

— Момомга ҳам, бошқа кишиларга ҳам.

— Тушунарли. Яна нима гап бор?

— Бошқа гап йўқ. Момом сизга нон бериб юборди.

- Уни айтмаганингда ҳам, билиб турибман.
- Тескари қараб турибсиз-ку, қандай қилиб билдингиз?
- Иссиқ ноннинг ҳиди бурнимга урилса, қандай билмай, болам-а?

Бола қўлидаги дастурхонни ўнг чеккага қўйгач, Бозирган уста унга қайрилди:

- Момонгга, «Бозирган бобом «Оллоҳ баракасини берсин», деди», — деб айтгин, хўпми.
- Хўп.
- Бошқа нима гап бор?
- Қожорлар Пўрсиқалъа деган жойга ўрнашибди. Энди бизлар томонга ҳужум қилишар эмиш.
- Бу хабаринг янгилик эмас. Қожорлар юртимизни олиш учун бостириб келадилар, Пўрсиқалъада сасиб ётмас.

Ўғлон билан устанинг ўртасига эшикка ўрнатилган матоҳ тушди. Бола кетгач:

«Тилнинг туккан тугунини тил ҳам кесмайди, қилич ҳам чопмайди. Сен менга қиласиганингни қилдинг-да, Қорамурт!» — деб уста ўз-ўзи билан сўзлаша бошлади.

Шу вақт ташқаридан от туёфининг товуши эшитилди. Уста яна жонланди: «Қандай хабар келтиришди экан-а?».

Номини билмаса ҳам, эшикдан кирган йигитни уста дарҳол таниди. У Қўвшутхоннинг ҳузурига борганда устанинг қулоғига «хон келяпти!» деб шивирлаган йигит эди. Келган йигитнинг юзи хотиржам, кўриниши осуда. Демак, ҳеч қандай шум хабар йўқ. Шундай бўлса-да, уста нотинчланди.

- Қандай хабар келтирдинг, полвон?
- Хабар, уста оға... — деб йигит бироз талмовсиради. — Мени Қўвшутхон юборди.
- Қанақа хизмат билан?
- Икки дона қилич берсин деди.
- Икки дона?
- Ҳа, шундай.

Бу хабар ҳам устанинг устидан оғир юк бўлиб босди. «Шу пайтда хонга икки дона қилич нима учун керак бўлди экан? Нега энди иккита?» Икки қилични бир-бирига уриб, уларнинг ҳақиқийлигини текширмоқчи бўлаётган Кўвшутхон устанинг кўз олдида жонланди. «Қорамурт ифлос, қиладиганингни қилдинг-ов! Гапинг хоннинг ҳам қулоғига етган бўлса...»

— Бир эмас, уч эмас, фақат икки қилич келтир деб хон нимани назарда тутди экан, полвон?

— Буни мен билмайман, уста оға. Ўзи ҳам енгилроғини сайласин деди. Бунинг сабабини ҳам билмайман.

— Ҳа-а... — деган уста, сўнгги жавобдан ҳам ўзи учун ёқимсиз маъно чиқармоқчи бўлди.

Бозирган уста хоннинг буйруғини бажариш учун сув берилган қиличлар ичидан иккита енгилроғини танлашга киришди.

## 16

Шу кун — бир минг саккиз юз олтмишинчи йилнинг ўн еттинчи июлида, асрдан сўнг бўлиб ўтган маслаҳатни Кўвшутхон катта жанг олдидан бўладиган охирги кенгаш деб ҳисоблади. Умуман, бу кенгаш такалар учун энг охирги кенгаш бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг туркманлар олдига кўйган шартларини барча билган бўлса-да, Кўвшутхон яна бир марта баён қилди.

Улуғ хон ўз сўзини шундай тамомлади:

— Биз учун кетишга йўл, киришга тешик йўқ. Бундан ташқари, ҳар «кўч!» деганга бош эгиб, қора уйни туяга юклайверадиган бўлсак, туядан тушмай яшашимизга тўғри келади...

Кимдир шу пайт:

— «Эгилган бошни қилич кесмас» деган нақл ҳам бордир, хон! — деди.

Бу луқма Кўвшутхонга ёқмади. У, кимдир бирор бунга жавоб берса керак, деб атрофига назар ташлади. Ўтирганлардан садо чиқмади. Шу сабабли хоннинг ўзи сўзлашга мажбур бўлди.

— Манглайимиз ерга теккунгача эгилиб кўрдик. Бироқ бошимизни омон сақлаймиз, деб ундан ҳам пастроққа эгилаверсак, орқамиз очиладиганга ўхшайди. Агар шундай қиласидиган бўлсак, шармҳаёсиз қизилбош орқамизга ўтмоқчи. Ёки «номард бўлай, соғ бўлай» деб шунга ҳам рози бўлайликми?

Луқма ташлаган одамнинг юзи қизариб кетди. Бироқ, нафасини чиқармади. Унинг ичидаган гапларни Кўвшутхоннинг ўзи баён этди.

— Охирги шартга сен ҳам рози эмаслигингни қип-қизил бўлган чехранг айтиб турибди, полвоним!.. Энди эгилишга йўл қолмади. Асосий мақсад — ёвга қарши туриш! Ё она заминни тарк қилиб, йўлдаизда қирилиб кетишимиш, ёки тик туриб курашга отланишимиз шарт...

Улуғ хоннинг охирги таклифини кенгашчилар қўллаб-куватлашди. Бироқ, унинг халқни қалъадан ташқарига чиқариб қўйиб саваш қилиш фикри мунозарага сабаб бўлди. Кўвшутхоннинг фикрича, одамларни қалъага қамаб қўйиб уруш қилиш маъқул эмас. Унинг бу гапига жанг кўрган оқсоқоллар қарши чиқишиди.

Энг аввало, Шолха ботир ўз фикрини баён этди. Кўнғир баҳодирларидан бири бўлган Шолха ботир ёш бўлишига қарамай, от устида қилич солишиб, жанг қилишнинг ҳадисини олган, ўз айтганини амалга оширадиган, шунинг учун ҳам «ботир» лақабини олган кўрқмас йигит эди. У ҳали ўттизига ҳам кирмаган, аммо ёш бўлишига қарамай кўнғир оқсоқолларига маъқул бўлган, айтгани айтган, дегани деган йигит эди. Ботир бу гал ҳам фақат ўз номидан эмас, балки барча қўнғирлар томонидан туриб гапирди.

Шолха ботир ўз сўзини:

«Барибир, Яратган эгам ажалга рўбарў қилмайдиган бўлса, сувсиз чўлда шаҳид бўлгандан кўра, Қораёп қалъасининг ичидаги ўлган яхши эмасми, хон оға?» — деган сўзлар билан тамомлади.

Кўвшутхон Шолха ботирга тик қараб ўтирганга ўхшаса-да, пинҳоний назари теварак-атрофда эди. У ёшулли, ёши кичикларнинг бир гуруҳи Шолха ботирнинг айтганларини бош қимирлатиб тасдиқ қилаётганини кўрди. Бу ҳолат ҳам улуғ хонни ҳайрон қолдирмади. Чунки у ўзининг чўл-саҳрого чекиниш фикрини кўпчиликнинг маъқулламаслигини олдиндан билар эди. Аммо, ҳозиргача бу ҳақда Шолха ботир сингари ўз фикрини шарт-шурт айтган одам бўлмаганди.

— Қалъада қолсак ҳам бу сафар бизга оёғимизни узатиб ўлиш насиб этмайди, ботирим. Душманнинг бу галги нияти ўта хавфли. «Ўлсанг қабринг кенг бўлсин» деган нақлга амал қилсак яхши бўлармикин деган фикрдаман...

Кўвшутхоннинг сўнгги сўзига урғу бериб жим қолмоғи ўзларини зўрға тутиб ўтирганларнинг сабр косасини тўлдириб юборди...

Бундай маслаҳатларда ўз номидан бўлсин, уруғ-қабиласи номидан бўлсин, ҳар ким ўз фикрини ўртага ташлашга ҳақли эди. Бу борада бирор-бировга ҳеч нима демас, қалбида нима бўлса шу фикр айтилар ва шу эшитиларди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Чўққи соқолли ориқ қария йўталиб олди-да:

— Хон оға, боя сўзингиз ичидаги сиз яна «қумни қизғанамиз», дедингиз. Биз яна илон сингари кумнинг ичига сингиб кетамизми?

— Бу борада яна қандай маслаҳатингиз бор эди? — деб Кўвшутхон унинг фикр-мулоҳазаларини тинглашга ўзининг тайёрлигини билдириди.

— Қожорларга ер керак бўлса, ўзимиздан ортигини берайлик бўлмаса. Бошимизни favfo-жанжалдан озод қилсак бўлди эмасми? Худога шукур, туркманнинг қуми кўп, ахир. Шунга қандай қарайсиз?

— Уни мен маъқул билмайман, оғам. Оқсоқоллар ҳам уни қўйлашмайди деган фикрдаман.

— Нега, нима учун?.. «Ёмондан бўйингни сотиб ол-у, қоч» деган нақл бор, ахир!

— Бундай нақл бор, аммо «Ёмонга яқинлашма, яраси юкар» деганларини ҳам эшигтганмиз. «Тўрт дарвеш бир гиламга сифади, икки сulton бир юртга сифмас» дегани ҳам бор. Насриддиншоҳ кенг юртини ўзига тор ҳисобламоқда. Аслида бу — бир баҳона. Гап ана шунда...

Чўққи соқол оқсоқол аввалдан бўлиб ўтаётган сұхбатга диққат бермаётган эдими, ёки диққат берсана, гапнинг мағзига тушунмаётганмиди, ҳар ҳолда, у энди айтганларидан қайтгандай:

— Ундей бўлса, у бизни қўрқитмоқчи бўлаётган экан-да? — деб қўйди.

— Қўрқитмоқчи бўлаётгани йўқ, оғам. Хужум қилиб келаяпти. Ана шуниси ўйлантиради одамни...

Қариянинг сўнгги саволи ёш боланинг сўзига ўхшади.

— Демак, сиз шундан қўрқяпсиз?

Қўвшутхон оғир сукутга чўмди. Теварак-атрофдагилар хон бу саволга қандай жавоб қайтарар экан деб қулоқларини динг қилишди.

Ўринсиз бўлса-да, тўсатдан хон кулиб юборди.

— Мен сизга нима деб жавоб берсан экан-а, оғам? «Хон хондан қўрқади. Катта хон хотинидан қўрқади» дейдилар. Таваккалчилик — яхши одат. Бироқ қўрқмайман деб чекинмай туриш — қўзли қўрнинг ишига ўхшайди.

Чўққи соқолнинг бошқа тарафга оғиб кетган гап мавзуси яна Шолха ботир бошлаган ўша мақсадга қайтди. Жуни ич томонга қаратиб тикилган чўгирамали одам сўзлай бошлади.

— Шолха ботир айтганини биз ҳам маъқуллаймиз, хон оға. Шу қирқ ёшимнинг teng ярмини қумда ўтказдим. Ҳозир ҳам молларга дадамни қўйиб хузурингизга келганман.

Кўвшутхон қошларини ўйнатиб олди.

— Гапингнинг пўсткалласини айт! Бўлмаса такаларнинг бу гурунги қожор бостириб келгандаям тугамайди.

— Гапнинг пўсткалласи, хон оға, чўл-саҳрони мана мен биламан. Ажалнинг устига бориб омонатни топширгандан кўра, жон оладиганинг ўзи устимизга келаверсин. Саҳрода ҳозир энг қаттиқ иссиқ давр бошланди. Бу иссиқ бола-чақани омон қўймайди. Саҳро беҳад шафқатсиз. Шунча халққа ичимлик сувни қаердан оламиз? Олдимиз қиши фасли эмаску, ахир. Қумга кирганимиз — одамларни кўра-била ўлимга юбориш билан баробардир, хон оғам.

Кўвшутхон яна йифилганларни кўздан кечирди. Чўпон сўзини маъқуллаганлар Шолха ботир тарафдорларидан ҳам кўп эди. Шу сабабли у темирни қизифида босиши учун тез-тез гапира бошлади.

— Ҳомийнинг ғазабли шапалоги бегонанинг ширин тилидан ёқимлидир, эй такалар! Коракум — туркманнинг ғазабли қариндоши, қаҳрли ҳомийсидир. Ўзидан кучи устун бўлган душман билан рўбарў бўлган туркманнинг ҳомийси ҳам, қариндоши ҳам шу кора чўл-саҳро. Бизда шундан ўзга ишонадиган тирговичнинг ўзи йўқ. Туркман ўз аймоғидан ҳам, инглиздан ҳам далда кута олмайди. Уларнинг ҳар бирининг ўз тавшиши, ўз фами бор. Уларга туркман керак эмас. Уларга туркманнинг олтини, ери билан кенг яйлови керак. Насриддиншоҳ ҳам қўл остидан кетган ерларини туркманнинг ҳисобидан қайтариб олмоқ нияти билан юртимизга бостириб келмоқда. Билаги ҳам биз тангри берган ёлғиз паноҳимиз — чўлга юз буришимиз шарт. Мен жуда қаттиқ ўйландим, элдошлар. Етти ўлчаб, етмиш ўйлаб ушбу қарорга келдим. Агар биз Марвда қолиб ёки Кораёпга бориб бошимизни битта қалъада жамласак, душман қора қозонни бошимизга ағдаради-қўяди. Ана унда товушимиз ҳам ташқарига чиқмай қолади. Саҳрога

кирсак, «ит уруши» қилишимиз, яъни душманнинг ёнида юриб уруш қилмоқ учун имконият туғилади. Ёвуз чўл ҳам биз билан бирга душманга қарши курашади. Мабодо енгилсак, энг бўлмаганда, тирик қолган бола-чақаларимиз така туркманларнинг авлодини сақлаб қоладилар...

— Ахалдаги қариндошлардан қандай хабар бор? — деб бири хоннинг сўзини охирига етказмай савол берди.

— Чопар юборганмиз,— деди хон паст овозда. — «Гадонинг ҳайбати — тилагида, деҳқоннинг ҳайбати — билагида», дейдилар, кутаяпмиз...

— Тўғри қилибсиз, хон оға!

Хон бу тасдиқомуз сўзларга эътибор бермай, сўзида давом этди.

— Душман учун барча қучни бир нуқтага йиғиш имкониятини яратсак, у бизни бутунлай тор-мор қиласи. Қоракум бўлса, бизга душман билан итмушук ўйинини олиб боришимизга кўмак беради. Шу гал менга «ҳа» деб розилик беринглар, юртдошларим. Чўл қудрати билан, Яратган эгам йўл бериб тирик қолсак, сўнг сизлар мени парча-парча қилсангиз ҳам «воеҳ» демасман. Оллоҳ билан чўл орқамиизда тиргак бўлиб турса, иншооллоҳ, биз фалаба қилажакмиз. Яна бир воқеани айтай. Қадим замонда Мозандарон ўрмонзорида иккита даҳшатли аждарҳо яшаган экан. Биттасининг қирқта боши, битта қуйруғи, иккинчисининг бир боши ва қирқта қуйруғи бор экан. Бир куни ўрмонга ўт тушибди. Бояги икки даҳшатли аждарҳо қоча бошлабди. Қирқ думли аждарҳо бошини баланд тутиб, ўт-оловдан осонлик билан ўтибди-да, думларининг ёрдами билан хавфдан қутулибди. Иккинчиси — қирқ каллали жони-ворнинг ўзича мустақил ҳар боши турли томонга торта бошлагач, ўт-оловдан чиқолмай, олаофизлик туфайли куйиб жон берган экан...

Бошини қуий солиб сўзлаган хон ривоятини айтиб бўлгач, бошини кўтарди.

— Сиз ҳам менга қирқ дум тақсангиз, тақинг.  
Бироқ ёвни даф этгунимизгача, ўзларингиз сайлаган  
якка бошнинг айтганини бажаринг. Маъқулми?

Яна шивир-шивир, фала-ғовур кўпайди. Бу галги  
жадал ва қизғин муҳокаманинг маъноси тушунарли  
эди.

— Маъқул!

— Сизнинг айтганингиздай бўлсин!

— Розимиз!

Шундай қилиб, улуғ хоннинг Марвдаги мас-  
лаҳатхонасида бўлиб ўтган кенгаш норозиликларсиз,  
улкан даъво-жанжалларсиз ниҳоясига етди. Бу  
йиғилиш ҳали-ҳануз Марвдан кетмаётган айрим  
ёшулли оқсоқоллар билан ўтказилган эди. Оқ-  
соқолларнинг кўпчилиги эса аллақачон Қораёпга  
бориб етгандилар.

Кўвшутхоннинг ҳузуридан яхши ният билан  
тарқалишган одамларнинг барчаси зудлик билан  
йўлга отланишлари лозим эди. Бола-чақаларини  
жўнатиб юборган такалар эса йиғилишдан чиқибоқ  
Қораёпга қараб йўлга тушдилар.

Марв душманга қолдириладиган бўлди. Кўвшутхоннинг хулосасига кўра, босиб келган кучли  
душман билан «ит уруши» деб ном олган қочиш-  
кувиш усули орқали жанг қилишдан бошقا йўл йўқ  
эди. Душманга «ит уруши» усулини қўллайдиган  
бўлсанг, уч томонинг, аввало, очиқ кенг майдон  
бўлиши лозим эди.

## 17

Хон ҳузурига йиғилган одамлар тарқалгач, уйга  
кириб эгри қиличини қўлига олган Кўвшутхон  
ичкарига яна бирров назар ташлади. Уйдан  
ташқарида яшаганда керак бўладиган нарсаларнинг  
барчаси олиб кетилган. Эгри қиличини белига  
таққан хон эшикка томон юрди. Яна тўхтади. Қанча  
замонлардан бери оиласининг қора қозонини қай-  
натиб берган ўчоққа қаради. «Қаерлардан қувилиб,

қаерларга улоқтирилмади бу туркман? Сен қачон тинч ётиб, bemalol турасан? Қачон сен эгардан тушиб, эл-юрт сонига қўшилар экансан, туркманим? Қачон сен саргардонликни қўйиб, қариндош билан қариндош ёки душман билан чин душман тарзида яшар экансан?.. Бу манзилга, ушбу ўчоқ бошига яна қайтмоқ бизга насиб қиласмикан?..»

Ташқарига чиққан хон чеккароқда уни кутиб турган тансоқчилар томон юрар экан, Чебшек ботир уйининг ёнбошида чўккан ҳолда кавш қайтариб турган туяга, унинг ёнида нима қилишини билмай турган икки нафар аёлга кўзи тушди. Бу ниманинг аломати бўлди экан-а?

Ўзига томон кела бошлаган аёлни кўриб хоннинг таажжуби ошди. Хон уни, ўзидан бирор нарсани сўраса керак, деб тахмин қилди.

Яқинлашиб келган аёл қайгули кўринса ҳам, тангри саломини, омон-эсонлик сўрашишни унумади.

— Тинчликми, қизим? — деб саломга алик олган Кўвшутхон аёлга савол берди. — Эл-юртнинг боши аллақачон Қораёпга етди. Сизлар нега Чебшек ботирнинг ҳовлисида тую чўқтириб ўтирибсизлар?!

Ёш жувон айтмоқчи бўлган хабаридан ўзи уялди, шекилли, юзини четга ўгириб, оғзини қўли билан бекитди.

— Бизлар ҳам Қораёпга кетаётгандик. Мана шу қишлоққа етганимизда тўхташга мажбур бўлдик. Келинимиз иккиқат эди. Шу жойга келганимизда уни... Энди нима қилишимизни билмай қолдик. Эркак ҳамроҳимиз анови турган йигитча! — деб аёл Чебшек ботир уйининг орқа томонида нималардир қилиб юргандай кўринган ўсмир тарафга имлади.

Йигитча озғин гавдали эди. Боши ҳам кичкина шекилли, кийган телпаги тикка таёққа илдирилганга менгзаб турарди. Унга томон қараган Кўвшутхон:

— Номи йигит бўлса бўлди! — деб аёлни тинчлантирди. — Бироқ, қизим, бу ерда узоқ қолиб

кетманглар. Юмушингизни битиргач, дархол йўлга тушинглар. Мана сизларга уй! — Хон ўз уйини кўрсатди. — Ичкаридан сизлар нима зарур деб топсангизлар, бемалол олиб ишлатаверинглар!

— Мен сизга шароитимизни айтдим-ку, оғам! — деб аёл хўрлиги келиб йифламсиради. — Биз дам олиш учун тўхтамадик. Ташаккур сизга, оғам, уйингиз учун.

Хон аёлнинг кўнглини кўтармоқчидаи хиёл илжайди.

— Сен шошилмай ишингни битир, қизим. Йўл устида ёки чорпояда дунёга келган чақалоқнинг жони қаттиқ бўлади, дейишади. Туркман аёли йўлда ёки чорпояда бола туғилишини бугун кўраётгани йўқ, ахир!

Жувон тўлғоқ тутиб турган дугонаси ёнига тезроқ етиб боришини истаб шошилинч жўнади.

## 18

... Бир минг саккиз юз олтмишинчи йилнинг  
19 июлида карнай-сурнай садолари  
остида биз Марвга кирдик.

### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

Карнай-сурнай садолари сарбозларга бироз кўтаринки руҳ бағишлиганини ҳисобга олмаганда, улкан кўшиннинг Марвга кириб келиши шу кунга қадар бўлган шивир-шивир гап-сўзли ҳаракатлардан ҳеч қандай тафовут қилмади. Ичиди бирор-бир тирик жон бўлмаган шаҳарни қаршиликсиз эгаллаш, соз асбобларни ҳар қанча қаттиқ чалган билан ҳам, ғалаба нағидасини бағишлий олмас экан. Қалъя ёки бош шаҳарнинг олиниши бу ҳали мамлакат эгалланди дегани эмас. Пойтахт босиб олингандан кейин ҳам давлатнинг мағлуб бўлмаганлиги тарихда кўп марта кузатилган. Фолиблик нуқтасини қўймоқ учун мағлуб томон енгилганлигини тан олиши, халқи эса тиз чўкиши лозим.

Бунга эътибор қилмаган шаҳзода Қора сартибнинг маслаҳати билан Төхронга чопар жўнатди. Чопар Марвнинг олиниши билан фақат битта така туркманларнинг эмас, балки барча туркманларнинг Эрон давлати кўли остига ўтганлигини шоҳ Насриддинга суюнчилаш учун жануб қараб от солди.

Жорж Блоквил Марви шоҳи жаҳон, Моргуш, Марфиани, Мерв, Марв каби номлар билан дунёга машҳур бўлган бу шаҳар тўғрисида кўп эшитган эди. Бу шаҳарда дунёда тенгсиз кутубхоналар бўлганлигини, номлари жаҳонга машҳур олиму фузало ва шоирларнинг ижод қилганлигини китоблардан ўқиган. Аммо у Эрон қўшинлари билан бирга бу чегарага қадам босар экан, Марвнинг ҳозирги аҳволи-ю, қожор қўшинлари ҳақида ўйлаганлари бир пулга қиммат хаёл бўлиб чиқди. Қани ўша баланд-баланд қўшк-айвонли, боғ кўчали, тенгсиз кутубхонали шаҳар? Қожорлар қанчадан-қанча заҳмат, қийинчиликлар чекиб, чўл-биёбонларни босиб келиб эгаллаган бу шаҳар, шаҳар ҳам эмас, ҳарбий нуқтаи назардан қараганда, ҳатто, қурилишлари ҳам ниҳоясига етмаган кичкинагина бир қалъача эди.

Қожор сарбозлари сингари мاشаққат тортиб, Машҳаддан Марвгача етиб келган Жорж Блоквил тарих ва асрлар силсиласини бошидан ўтказган, тош деворлар билан ўралган баланд, ҳамда ҳашаматли қалъанинг ўрнида теварак-атрофи хом фиштдан қурилган, сомон сувоқ қилинган, деворлари ярим хароба қўринишдаги қалъага дуч келди. «Эронликлар балонинг уяси деб ҳисоблаган шаҳар шуми? Искандар Мақдунийнинг қудратли қўшинини тўхтатган, Антиохус Никаторни гўзаллиги билан лол қолдирган, чиройига чирой қўшиб, сўнг ўзига нисбат бериб, «мана мен қурган шаҳар!» дея мақтаниш учун Антиохия номини олган шаҳар — шу бўлдими-а? Вакт ва ваҳшийлик баланд иморатларни ҳам кулга айлантирас экан! Одамлар вақтга баҳо беролмаганликлари каби, ўз ваҳшийликларининг ҳам

машъум күч әканлигини билолмай ўтиб кетадилар. Инсоннинг энг кечирилмайдиган гунохи ҳам шу әкан... Бу ерлардан Чингизхоннинг отлиқлари неча бора ўтганлар. Улар ҳам от чоптириб юрганларида, бир вақт келиб қора ерга кўмилишларини хаёлларига келтиришдимикан?...»

Блоквил ҳозир ўзини қадимий тарихнинг чанг-тўзонли саҳифалари узра саёҳат қилиб юргандай сезди. Кўзини юмганда эса оёғи тупроқда эмас, калла чаноқларию узун-калта одам суюкларини оралаб-босқила б юргандай бўлди. Аёллар ноласи, бола-чақанинг чириллаб йифлагани, қиличларнинг шарақлаб, учқун сочиб, ўт сачратиб жаранглаши, тўпларнинг ваҳшиёна гумбурлашлари қулоғида садо бергандай бўлди. «Тарих дейилган китобда фақат ур-йиқитларгина ёзилиши керакми-а? Уни нозанин қизлару баҳодир йигитларнинг ширин эсдаликларидай гўзал воқеалардан иборат қилиб ёзилса бўлмасмикан?...»

Қора сартибининг ёнидаги беш-олти нафар сарбози билан ёнига келиб туриши Блоквилни яна ўтмишдан ҳозирги замонга қайтарди. У кўзини юмганида тарихнинг талатўпли воқеалари кўз олдига келган бўлса, кўзини очганида шу куннинг таҳликали манзаралари намоён бўлди. Мана шу Қора сартиб ҳам тарих саҳифаларини қон билан ёзган ёвуз саркардаларнинг бири.

Марвни эгаллаганига хурсанд бўлган Қора сартиб фалабанинг ширин таъмидан маст бўлиб:

— Хўш, жаноб, нега бунча ўй-хаёлга чўмиб қолдинг? -- деди.

— Э, ўйга чўмдирадиган ҳеч нарса йўқ-ку, сартиб! Қадимий деб мақталган шаҳарни бир кезиб чиқсанмикан, деб турган эдим. Рухсат берасизми?

Французнинг бу сўзлари Қора сартибининг кўтаринки руҳини ошириб юборди. У илжайганича Блоквилнинг елкасига туртиб қўйди:

— Рухсат берганда қандоқ!...

Блоквил бошини силкиди.

Узокдан ҳамон карнай-сурнайнинг садолари келмоқда. Бу овоз садолари пешин вақтидан буён қулоқларни қоматга келтираётганлиги боис, Блоквил шовқин-сурондан қочиб чеккароқ жойга чиқди.

— Мен ўзим ҳам теварак-атрофни айланиб кўрай, деб бу тарафларга чиқсан эдим...

— Ундай бўлса жуда ҳам яхши, сартиб!

Мурғоб дарёси устига ташланган оёқкўприқдан ўтиб, қалъанинг ичкарисига киргандарида фишт қувиш учун лой тайёрлаётган бир гурӯҳ сарбозларга кўзи тушган Блоквил уларнинг машғулоти билан қизиқди.

— Бу менинг буйруғим! — деди Қора сартиб мақтанчоқлик билан. — Фишт учун лой тайёрлашмоқда. Қалъанинг иккита ташқарига чиқадиган дарвозасидан бошқа ҳамма кириш-чиқиш тешикларини фишт уриб бекитиб ташламоқчиман!

— Туркманлар қочиб кетган бўлсалар, ташқарига чиқадиган жойларни бекитишнинг эндиликда не хожати бор?

— Туркманларга ишониб бўлмайди. Тулки нима-ю, туркман нима — бу сўзларнинг маъносини бир хил деб тушунавер. Соғ томонингдан кетса, сўл тарафингдан етиб келганини билмай қоласан.

Блоквил жилмайди. Бу жилмайишда Қора сартибининг айтганларини тасдиқловчи маъно ҳам бор эди. Сабаби, туркманлар тулкидай айёрлик ишлатиб, устига тўп юкланган бир неча аравани ўқ-дорисию тўпчилари билан ўғирлаб кетганликларидан у аллақачон хабар топган эди...

## 19

Чеккасига кўз етмайдиган улкан қалъанинг ичидаги мингларча қора уй бор эди<sup>1</sup>. Кўчган пайтда олиб

<sup>1</sup> Жорж Блоквил Марв қалъасида ташлаб кетилган уйларнинг сонини кундалигида 30 мингтacha бўлса керак, деб тахмин қилган (муаллиф изохи).

кетилган керага, увуқ, чангароқларсиз қора уйларнинг ўрни думалоқ-думалоқ бўлиб кўриниб турарди. Шу пайт Блоквилнинг хаёлига «қора уйларнинг бирига кириб кўрсаммикан?» деган фикр келди. Қора сартиб ҳам унинг бу хоҳишини англайдигандай, қўллаб-қувватлайдигандай туюлди. Шундай бўлиб чиқди ҳам.

Улар бир қора уйнинг эшигидан кирдилар. Аслида ҳам ғарибина фуқаронинг уйи эканлигини билдириб турган уй ичида французнинг кўзини яшнатиб юборгудай асбоб-ускуна йўқ эди. Дарҳақиқат, зарур кийим-кечак ва асбоб-ускуналар, уй жиҳозлари сидирилиб олиб кетилган, уй бўм-бўш эди.

Блоквил уйнинг марказида турган ёғоч устундан бошлаб, унинг тўйнуги, тўйнууга томон қўйилган нозик хода-увуқлар, тўйнуқдан осилиб турган боскир (арқон)ларгача бирма-бир синчиклаб қараб чиқди. Уни ҳайрон қолдирган нарса — тўйнуқдан боғлаб туширилган ип учига осиғлиқ теридан тикилган қоп (мешкоб) бўлди.

У уйдан чиқиб келар экан, орқасига яна қайрилиб қопга тикилганда, чеккада ётган тегирмон тошига қоқилиб йиқилаёди. Блоквил ўзини зўрға ушлаб, йиқилишдан сақланиб қолди. У ўзини тутиб олган жойда эса чўмич, аллақандай тўрва осиғлиқ турарди. Тўрва ичидан ёғ сингиб кетган, ўргимчак исларини ёдга соловчи чўмич сопи чиқиб, кўриниб турарди.

Улкан майдонни эгаллаб ётган қалъанинг барча бурчакларини айланиб чиқишга имкон йўқ эди. Шу сабабли сартиб ва капрал қалъа ўртасидаги тепаликка чиқиб, теварак-атрофни яна бир-бир кўздан кечиришни маъқул топишиди.

Тепалик устидан қалъа ичи жуда яхши кўринарди. Блоквил сардорлар, жарчилар мана шу тепалик устидан қалъа аҳлига мурожаат қилган бўлсалар керак, деб тахмин қилди.

Вақт нешиндан ўтган эди. Шу сабабли қора уйларнинг соялари ҳам узайиб, бошқа уйлар

билан тўқнашиб, кенг майдонда ўзига хос ваҳимали манзарани пайдо қилган. Туйнуклари кигиз билан ёпилган туркман қора уйларининг сон-саноқсиз гумбазлардай кўриниши бу юрт билан нотаниш бўлган ажнабийни ҳам ҳайрон қолдирав, ҳам ваҳимага соларди. Қора сартиб эса ҳамон ўзини ғолиб саркардага хос тутмоқда. У қўлини бошқа тарафга силкиб деди:

— Жаноб капрал, шу маҳалда ана у одам нима қилянти?

Офтоб шуъласидан кўзини пана қилган французнинг назари ер ковлаётган одамга тушди.

— Чуқур қазиянти шекилли...

— Ўзи ҳам туркман бўлса керак! Бизнинг одамларимиз бу ерларга келиб чуқур қазимайдилар. Ҳеч бир сарбозга чуқур қаз деб буйруқ берилмаган!

Тепаликдан тушиб, ўша жойга борганларида қизиқ бир воқеага гувоҳ бўлдилар: ўттиз ёшлар атрофидаги узун бўйли, ориқ туркман йигити қора терга тушиб чуқур қазимоқда, чуқурнинг ёнида эса кўриниши кўркам, ажойиб бедов отнинг ўлиги ётарди.

Йигит уч-тўрт қадам яқинига келиб тўхтаган одамларни кўрмади ёки кўрса-да, эътибор бермади. У ўз иши билан машғул, келганлар қанча вақт тикилиб турмасин, йигит чуқур қазища давом этаверди. Ушбу воқеани ҳайрон қолиб кузатаётган Блоквил, чуқур қазиётган туркманнинг эси жойида бўлмаса керак, деб тахмин қилди. У ўлган отини кўмиш учун гўр қазиётгани тушунарли. Бироқ кимсасиз қалъада, жонли-жонсиз ҳамма нарсаларию ит-мушугигача олиб кетилган улкан қалъада, душман ихтиёрига топширилган хавфли бир қалъада унинг якка ўзи қолиб гўр қазиётгани қизиқ. Бундай хатти-ҳаракатни фақат жонидан кечган ёки эсидан айрилган тентаккина қилиши мумкин, холос!

Ёнига келганликларини билдириш ниятида Қора сартиб ясама йўталиб қўйди. Фақат шундан сўнггина

бошини чала күтартган туркман уларга салом бергандай бўлди. Бироқ белларига тўппонча осиб олган беш-олти нафар одамнинг устида дўқ-пўписа қилиб туришларига қарамай, чуқур ичидағи туркман йигити чиқиб қочишга ҳаракат қилмади, қилаётган ишини тўхтатмади ҳам.

Ёнидаги ҳамроҳлари ўрнига ҳам Қора сартибининг ўзи яна нималар деб овоз чиқарди.

Чуқур қазиётган туркман йигитининг ўзини тутиши Блоквилни қалъада кўрган барча қизик нарсалардан ҳам баттар ҳайрон қолдирди. У Қора сартиб ёнидаги таржимон аскарнинг туркманга тезроқ савол беришини кута бошлади. Бироқ Қора сартиб миқ этмагач, таржимон ҳам овозини чиқармади.

Ишини тугатгач, туркман белкурак сопига таяниб чуқурдан чиқди, иш қуролини ерга санчиб қўйди-да, пешонасидаги терларини артди. Чуқурдан икки-уч қадам нарида ётган чопонини қўлига олди, чанг-кумларни силкитиб тозалади. Кейин у ўлик отнинг ёнига келди. От боши ёнида чўкка тушиб, пичирлаб нималарнидир ўқиди. Отининг манглайнин силади. Чопонини отининг бошига ўради. Чопон сидирилиб кетмаслиги учун енгларини от бўйнидан ўтқазиб ўраб чиқди. Туркман йигити бу ҳаракатларини бемалол бажарар экан, атроф-теваракда турганларнинг юзига қарамади. Бироқ энг охирида уларга қараашга мажбур бўлди, отнинг жасадини чуқурга тортиб туширмоқчи бўлганида кучи етмади. У атрофдагилардан кўмак ўтингандай қаради. Бироқ, шунда ҳам овозини чиқармади.

Йигитнинг кўмак сўраган назарига тушунган Қора сартиб навкарларига имо қилди. Уч нафар сарбоз туркманга ёрдам бериб, отни чуқурга туширишди...

Чуқурдан чиқарилган тупроқ аралаш қумни от жасади устига ташлаб, унинг қабрини яхшилаб кўмгач, йигит яна пешона терини артди-да, турганлар томон маъюс назар ташлади.

— Эндиғи гап сизлардан!

Унинг нима деганига Жорж Блоквил тушунолмай қолди.

Қора сартиб савол бера бошлади.

— Сен нима сабабдан қалъани тарк этган такалар билан бирга қочиб кетмадинг, туркман? Ёки жонингдан тўйдингми? Бизнинг кимлигимизни сен биласанми? Бола-чақанг йўқми?

Боядан бери лом-мим демай турган туркман тез-тез жавоб қайтарди:

— Сизнинг кимлигингизни яхши биламан, жонимдан ҳам тўйган эмасман, бола-чақам ҳам бор! — Туркман отини кўмган чуқурга томон қўлини силкитди. — Шу сабабли кета олмадим. Жонивор касал эди. Мен ахир ҳайвон эмасман отига номардлик қиласидиган... «Ўз ҳолингча ўлиб қоларсан» деб ташлаб кетмоқчи эдим, ташлаб ҳам кетдим, аммо отим жонивор изимдан бир мунгли назар ташладики... — йигитнинг бўғзи хўрсиниқقا тўлиб, йифлаб юборди. У узоқ вақтгача сўзлай олмай, ютинди.

— Орқангга қайтдингми? — деб таржимон Қора сартибнинг саволини туркман тилида такрорлади.

— Шундай, хон оға, номардликнинг ярмидан қайтмоқ ҳам мардлик деб изимга қайтдим. Тўғрисини айтганда, олдинга юришга оёғим тортмади. Мен ўзимнинг номардлигимга ана шунда ишонч ҳосил қилдим. Мен йигирма олти яшар пайтимдан бўён мана шу Қораёл сабабли яшаб юрган эдим. Агар Қораёлим бўлмаганда, мен бундан беш йил олдин ўлиб кетган бўлардим. У мени ўлимдан олиб чиқди. Изимдан қувган ажалга еттирмай олиб қочди... Шундай бўлса ҳам, мен энди... унга нисбатан хоинлик қилдим. Ўлаётган отимга эътибор бермай кетмоқчи бўлдим. Афсус, афсус, баъзан инсон ҳайвончалик ҳам садоқатли бўла олмайди...

— Манглайидан отиб кетаверсанг бўлмасмиди?

Қораёлнинг эгаси бу гапни эшишиб олдин таржимонга, сўнг Қора сартибга ажаблангансимон кўз ташлади.

— Туркман, зарурият туфайли ўзини отиб мардлик кўрсатиши мумкин. Бироқ, отини отиб номардлик қилмайди!

Туркманинг айтган жавоби борасида ўйланди, шекилли, узоқ вақт гапирмай турган Қора сартиб фалати савол берди:

- Энди биз сени отиб ўлдирсак, нима бўлади?
- Қисматдан қочиб бўлмайди, хон оға.
- Яхши, сен ҳайвон туфайли шу ёшингда ўлишга рози экансан-да, унда?
- Қораёл ҳайвон эмасди. У ҳақиқий бедов от эди. Чин бедов отлар инсондан ҳам мард бўлади.
- Бола-чақаларингга ачинмайсанми?
- Ачинганим билан на фойда? Ўз эл-юртининг ичидаги уларниң ҳам ой-куни айланар-да.
- Биз сени ўлдирмай, такаларниң орасига қўйиб юборсак, нима дейсан?
- Қисматимдан рози бўлардим. Сиздан ҳам.
- Биз такалар билан тўқнашадиган бўлсак, сен ҳам қўлингга қилич оласанми ёки биз қилган яхшиликни унутмай эсда сақлайсанми?
- Қилингган яхшиликни унугиб бўлмайди. Лекин қўлимга қилич олмайман деб айтольмайман.
- Нима учун?
- Яхшиликни унутмоқ — номардлик бўлади, устингга душман бостириб келганда эса қиличга ёпишмаслик ҳам — мардлик эмас...

Офтоб ботиши билан Қора сартибининг кўзига дунё тор кўриниб, қалъа сас-садосиз мозористонга айлангандай бўлди. У туркман йигитни ҳам асир сифатида ўзи билан олиб, қурилаётган чодири томонга қайтишга буйруқ берди.

Тақдирга тан бериб, сарбозларниң олдига тушиб кетаётган йигит изига қайрилиб, оқшом қоронфилигида кўздан фойиб бўлаётган қум тепаликка энг охирги марта қаради. Уни кузатиб турган Жорж Блоквил бошини чайқади ва «ҳайвонни шу қадар яхши кўрган одамниң юраги норасида бола юраги сингари пок бўлса керак!» деб фикр қилди.

... Улуге Кўвшутхон!

### Генерал КОМАРОВ

Одамлар сони бир юз эллик минг<sup>1</sup> атрофида деб ҳисобланган Марв такалари азалий ўчоқларини тарк қилиб, Мурғоб дарёсининг оёқ тарафига — Қораён томонга чекиндилар.

Қочоқларнинг энг кўп қисми Жайронтепанинг теварагида тўхтаб, юкларини от ва туялардан туширишди. Бирданига кимнинг қаерга тушгани аниқ бўлмай, така оилалари орасида англашилмовчилик кучая бошлади. Жарчилар одамларни оралаб юриб кимнингдир моли йўқолганини, яна кимдир боласини қидираётганини айтиб қичқира бошладилар. Ушбу ҳолат қочоқликда қадимдан келаётган турмушга хос ўхаш ҳаракатларнинг ҳамон давом қилиб келаётганини кўрсатарди.

Жайронтепанинг ёнбошида кичик қабристон ҳам пайдо бўлди. Насибасига Жайронтепани кўриб жон топшириш буюрилган оғир касаллар бу ерга келгач, омонатларини топширидилар.

«Элчилик — кўпчилик билан» дейилганидай, таянинг устида дунёга келиб, таянинг устида ёруғ олам билан хайрлашадиганлар ҳам бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам турмуш, ҳаёт ўз ўзанида давом этаверади. Фарзанд кўрганлар севинадилар, қариндош-туғишганидан жудо бўлганлар мотам тутишади. Шундай қилиб, кетганларнинг умрини келганларга тилаб, яшашда давом этаверадилар. Шу тариқа, Оллоҳ томонидан яратилган ҳаёт занжири

<sup>1</sup> 1859 йилда Марвда Кўвшутхон бошчилигига бўлган бирлашган кенгашда такаларнинг 12 та уруғи борлиги, ҳар уруғда 1000 оқуили мавжудлиги ҳақида хабар айтилган. Ўша пайтда бутун Мурғобда ўттиз икки минг оқуили, яъни икки юз минг одам яшаган деб тахмин қилиш мумкин (муаллиф изоҳи).

узилмай сақланаверади. Ҳаёт деганлари — шу, бир маромда давом этадиган мунгли қўшиқ.

Авваллари чексиз-чегарасиз майдонларда, дашту далаларда ёйилиб-ёзилиб ўтирган мингларча оқуйлининг маълум бир жойга йифилмоғи гаройиб бир манзарани кўз олдига келтиради. Кўз назари етган кенглик оқ уйлар билан тўлгач, бутун олам гўё шундай кўринишдангина иборатдай таассурот қолдиради. Худди ер билан осмон ўртасида фақат шу туркман уйлари бордай. Ер билан кўк осмон орасида фақат шу уйларнинг борлигига ишонмасанг ҳам, дунёдаги бор машакқат, барча азобу уқубат ҳозир фақат мана шу такалар устига тушганлиги аниқ эди.

Аллақачон қурилишга тушган тандирлардан, қазилган ўчоқлардан кўтарилиб, тиниқ ёз осмонида солланиб турган тутун ҳам шунчаки тутун бўлмай, ёмонликнинг бир хабари, кулфат нишони каби кўринади. Қайсиdir бир дайдиб юрган ит беихтиёр вовулласа ҳам одамлар уни ёмонликка йўядилар, бемаҳал хўroz қичқирадиган бўлса, ундан ҳам ёмон хулоса чиқарадилар. Сабаби, ҳозирги шароитда ҳамманинг дикқат-эътибори ўшанга қаратилади. Уруш барча нарсага шундай қарашга мажбур қиласди. Чунки шу кунгача ҳали туркман уруғ-тоифаларининг ҳеч қайсисининг устига аскар сони йигирма мингдан ортиқ бўлган душман ҳужум қилиб келмаган эди. Қўвшутхон бу галги душман босқинини Хива хони Муҳаммад Амин Иноқнинг Сарахсга қилган ҳужуми билан қиёс этди. Қиёслади-ю, ваҳимага тушди. Муҳаммад Амин Сарахсга ҳужум қилганда, унинг бор-йўғи икки дона тўпи бор эди. Бу сафар эса душман қўлида ўттиз уч дона сариқ тўп уларга қарши ажал уругини сочишга тайёр турибди. Қўвшутхоннинг мазасини қочирган, куч-файратини бўшаштирган — ана шу тўплар эди. Сариқ тўплар гумбурлагандаги одамларнинг, айниқса, тўп товушини эшиитмаганларнинг туёғи зирқирайди-да. Шу са-

бабли ҳам улуғ хон ўз қавмининг даҳшатли хавф олдидан қандай дам олаётганини, қанақа шароитда кун кечираётганини билмоқ учун бу кунини эл-юрт орасида ўтказишга жазм қилди.

Офтоб тикка осмонга яқинлашар экан, ўзининг ҳаддан ташқари қаттиқ қиздиришини олдиндан билдиromoқчидай куйдира бошлади. Узоқдан қизғишиң күнғир қумликларнинг тепаси қизариб кўринаётган Коракумнинг ичида ловуллаб ёнаётган аждарҳога ўхшарди. У ҳар сафар нафас олиб, ҳавони ташқарига чиқарганида жаҳоннинг қизғин ҳарорати яна бир поғона кўтарилгандай бўлади.

Она ариқ чеккаси бўйлаб, отини бир маромда миниб бораётган Кўвшутхоннинг ёнидаги отлик Калхон капала<sup>1</sup> эди. Улардан беш-үн қадам орқароқда келаётганлар бўлса, улуғ хоннинг тансоқчилари. Кейинги пайтларда тансоқчилар сони кўпайган. Улуғ хон бирор жойга борадиган бўлса, улар ўнгу сўлда доимо ҳозири нозир эди.

Кўвшутхон қочоқларнинг ўртасидан ўтиб, болачақалардан олисрокда, чўлнинг энг ўртасида гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиникиш машқларини ўтказаётган йигитлар аҳволини кўриб қайтмоқчи эди.

Ҳар ким ўз ўй-хаёллари билан банд бўлгач, ҳеч кимнинг бошига бирор билан сўзлашишга майли ҳам, ҳоҳиши ҳам йўқ. Фақат отларнинг пишқириши, ўткир туёқлар остига тушган хас-хашакларнинг қисирлаб шитирлаши эшитилади, холос.

Тўсатдан тип-тиниқ осмон юзида бир бўлак оқ булат пайдо бўлди. Бироқ, ҳеч ким бу булатнинг ёфишига ишонмасди. Йилнинг бу вақтида осмондан ёмғир ёфишини эса ҳеч ким кутмаётганди.

Олд томондан етиб келган оқ булат, атайин излаб топгандай, отликлар устига келганда ёмғир ёғдира бошлади. Яна қандай ёмғир, денг? Бамисоли

<sup>1</sup> Капала — уруғ номи, лақаб сифатида ҳам ишлатилади (таржимон изоҳи).

мунчоқдай-мунчоқдай томчилар саҳронинг ўтсиз-чўпсиз ерида, ҳатто, енгилгина чанг-тўзонни ҳам пайдо қилмоқда эди.

Отларнинг оёғи остидаги тупроқ ранги қорайиб, дукурлаган түёқ овозлари пасайди. Қисқагина фурсат ичидаги одамлар бир оламдан бошқа оламга ўтгандай бўлдилар Ташвишдан тўлиб-тошган хон қалби бу кўринишдан ором топди, шекилли, у энди телпагини ҳам ечиб, қўлига олди. Жазирама ёз фаслида ташна қумга малҳам сепаётган бу жодули булутни шахсан ўзи кўрмоқчи бўлгандай, хон юзини юқорига бурди. Қоп-қора туунга ўхшаш булут ўзининг сон-саноқсиз томчилари билан хоннинг сочи тўкила бошлаган бошини, пешонасини «силай бошлади». Бироқ, бу ҳолат узокка чўзилмади. Кутимаган жойдан пайдо бўлгани сингари, ёмғир томчилари ҳам тушдаги лаззатга ўхшаб дарҳол тинди.

— Бошингизни ёмғирга тутиб, маза қилдингизми, хон оға? — деб Қўвшутхоннинг ички хавотирларидан бехабар Калхон капала ҳазиломуз оҳангда гап отди.

— Инсон доимо қўли билан тутолмайдиган нарсани кўнгли билан хоҳлайди, полвон. — Улуғ хон қулумсираб гапирди. — Ёз фаслида музни истайсан. Ёзда ёқкан ёмғир ҳам тепамизда бироз ўйнасин дедик-да...

Чиройли гуллаган янтоқзор одам кўзига ниҳоятда чиройли кўринарди. Ана шу янтоқзор орқасидаги тепаликдан тушганларида анча олис масофада одамлар тўдасини кўришди.

— Бу нима бўлди экан-а? — деб Калхон капала яна ҳаммадан аввал сўз бошлади. — От югуртиришяптими дейман. Тўй бўлаётганга ўхшайди.

— Оғзингдагини илоҳим худо эшитсин, Калхон! — деб одамлар билан тезроқ учрашиш ниятида отининг жиловини силкитди хон.

Калхон капаланинг таҳмини тўғри чиқди. Бироқ у ҳалқ устига душман бостириб келаётган бир пайтда,

от чоптириб тўй ўтказилишини улуг хоннинг қўллаб-кувватлаётганини тушуна олмади. Аввалига, хон тўй ўтказаётганларга халақит бермай, тўйхонани узоқдан айланиб ўтса керак, деб тахмин қилган эди. Бу пуч хаёл бўлиб чиқди. Кўвшутхон отнинг бошини тўйхона томонга бурди.

Тўй қочоқларнинг тўйига мутлақо ўхшамасди. Келин-қизлар ҳам сандиқларидан тўй либосларини олишибди. Қирмизи тўн, оқ телпакли йигитларнинг қадам ташлашлари ҳам чаққон-чаққон эди. Тўй қозонларидан кўтарилаётган хуштаъм ҳид ниҳоятда ёқимли!

Тўй тантанасининг кўтаринки ҳавосида шодиёна ҳаракат қилаётган одамларга от устида назар ташлаган Кўвшутхон:

— «Тўй билан аза бирга юради» дейилгани чин экан-ов! — деб пичирлади.

Отликлар тўй жойига яқинлашганларида соқоли калта қиртишланган, баланд бўйли бир одам йифилганлар ичидан ажралиб, уларга қараб юра бошлади.

Кўвшутхон уни тўй эгаси бўлса керак, деб тахмин қилди. Келаётган одамнинг ташқи кўриниши, қадам олиши, ўзини тутиб келишини кузатган хон унинг ҳаракатларидан қувонди. «Туркманлар ичida Оллоҳ назар қилган фариштасифат одамлар ҳам бор-да!» деган фикр унинг хаёлидан ўтди.

Дарҳақиқат, хон томонга келаётган кишининг истараси жуда иссиқ эди. Айниқса, буғдойранг юзи, чиройли йирик кўзлари, новча ҳисобланган одамлардан ҳам бир қарич баланд бўйи, ўзига ишонч билан шахдам қадам ташлашлари, атрофдаги одамларга нисбатан кийган кийими-ю, елкасига ташлаган енгил чопони ҳам, унинг ташқи қиёфаси ҳам ниҳоятда табиий, ёқимли эди.

Кўвшутхон бу одамни умрида биринчи бор кўриб туриши. Бироқ, у улуг хонни аввалдан яхши билишини биринчи сўзиданоқ маълум қилди.

— Ассалому алайкум, муҳтарам Кўвшутхон! — барча йигилганлар тўйга кимнинг келганлигини билсин деган маънода ҳайқириб салом берди. Унинг йўғон овози ҳам ўзига ярашиқли эди.

Кўвшутхон унинг саломига алик олар экан, «Гўрўғлисифат бу одам ким бўлди экан-а?» — дея ўзига-ўзи савол берди.

Гўрўғлисифат одам улуф хонга отдан тушишга ҳам йўл бермай, икки қўлини юқорига узатди.

Кўвшутхон ҳам паҳлавон келбатли, чайир, кучли бўлса-да, хушқомат инсоннинг ниҳоятда бақувват эканини отдан тушаётганда яққол сезди.

Гўрўғлисифат одам Калхон капалага ва унинг ёнидагиларга унча эътибор бермади. Унинг бутун фикри-эътибори улуф хонни отдан туширишда. Бу хил ҳаракатлар Кўвшутхонга ёқинқирамади. «Оллоҳ ҳар қанча сахийлик қилса-да, ҳамма нарсани тўла-тўқис қилиб яратмас экан-да!» деган фикр хоннинг хаёлига келди.

Калхон капала ўзи билан қўл олиб саломлашмаганлари учун тўй эгаларидан хафа бўлмади. Қийин бир паллада ўтказилаётган тўйга улуф хоннинг келиши атрофдагиларга қанчалар руҳ бағишлаганини ана шу лаҳзаларда аниқ сезди.

Нима бўлса-да, тўй эгаси деб тахмин қилинган кишининг ўзини тутиши одатдагидай эмас эди. У улуф хоннинг отининг жиловидан тутганида, ёнидагилар ҳурматли меҳмонни отдан тушириш учун шундай қиляпти, деб ўйлаган эди. Бироқ улар ўйлаган ҳодиса юз бермай, Кўвшутхоннинг шу пайтгача — қирқ бир ёшгача учратмаган ҳолат юз берди. Соқоли калта қиртишланган бу хушрўй киши хон отининг жиловини маҳкам тутгач, чиройли кўзларини юмдида, бирданига ёқимли овозини баландлатиб шеър ўқий бошлиди:

Сени тангрим севар, севар Ватаним,  
Сени севар Хизир исмли гўзалим!

Сен бўлмасанг боқий ердадир таним,  
Сенсан менинг ор-номусим, имоним!  
Йиғласанг мен йиғлаб, кулсанг куларман,  
Йўлингда жонимдан кечиб ўларман.  
Ишон, ватан, юракда сен, бошда сен,  
Кўзимнинг устида — худди қошда сен!  
Билинг, эл-юрт, тупроқни биз суяйлик,  
Шу тупроқقا қора бошни қўяйлик.  
Бугун шоир ўғлинг Ўра Ҳақназар,  
Сен ҳақингда яйраб ғазаллар тузар.

Қўвшутхон Ўра Ҳақназарнинг эни-бўйини кўзи  
чамаси билан ўлчамоқчи бўлгандай, уни бошдан-оёқ  
кузатиб чиқди.

— Қандай, хон оғам?! — дея айтилмаган баҳони  
тезроқ олишни истаган шоир ҳовлиқди.

— Жуда шовқин қилиб юбординг-ку, шоир  
оғам! Бироқ Ватан дейилган макон шовқин-тўполон  
билан, сўз билангина изоҳланадиган нарса эмас деган  
фикрдаман. У — «мен сенинг ошиғингман!» деб  
бақирганингда, дарҳол ишонадиган енгилтак аёл ҳам  
эмас...

Сардор сифатида ўзи мақталмай, фақат ватаннинг  
васф қилиниши Қўвшутхоннинг кўнглига маъқул  
бўлмабди деб ўйлаган шоир дарҳол қилган хатосини  
тузатмоқчи бўлди. Унинг овози олдингидан ҳам  
баланд оҳанга жаранглай бошлади:

Ассалому алайкум, хонларнинг хони!  
Доим умр сургил, турганда фоний.  
Сен туркманинг янги чиққан ойисан,  
Сен туркманинг Оллоҳ берган пойисан<sup>1</sup>.  
Баракатим, ҳимматим сен, ноним сен,  
Бошимизни кўшган Қўвшутхоним сен.  
Туркманинг бахтисан, орим, мадорим,  
Гўрўғли ёшини яша, сардорим!..

Қўвшутхоннинг сариқмағиз юзи шапалоқ тек-  
кандай қизарди. У маҳобатли, тантанавор сўзларга

<sup>1</sup> Пой — улуш, ҳисса, насиба.

чидаёлмай, нима қилишини билмай қолди. Теварак-атрофда турганлардан мадад кўзлагандай уларга қаради. Ёнида турганларнинг кўзи тушганда, қайтанга олдингидан ҳам бадтар уялди. Калхон капаланинг дудоқларини пирпиратиб, чала елкасини қисишидан бирор маъно чиқара олмади. Хоннинг фикрича, Калхоннинг ҳаракати бир қараганда фазал ўқиганнинг, яна бир қараганда фазалда мақталганинг устидан кулгандай эди.

Хушрўй одам фазал ўқишида давом этаверди. Бироқ энди қаҳр-ғазаби қўзғалган хон шоирнинг нима деганининг маъносини англай олмас, фақат овозинигина эшитарди.

Қўвшутхон отининг жиловини тортиб қўйиб юборди. Эгасининг кўнглини сезган жонивор бошини бирданига кўтарганда, соқоли калта қирқилган шоир турган жойида мувозанатини йўқотиб, ёнбошига йиқилаёзди. Бироқ, отнинг жиловини қўлидан чиқармади.

Қўвшутхон унга қараб турди-да:

— Сен кимсан ўзи? — деди ғазаб билан.

Ўқиган сўнгти фазалининг хонга маъқул келганлигига ишониб турган шоир дарҳол жавоб қайтарди:

— Менинг номим Ўра шоир, эй хонлар хони! Ўра Ҳақназар ҳам дейишади. Бироқ, эл мени Ўра шоир деб танийди. Сизнинг номингизни эшитганимда, ўзингизни кўрганимда илҳомим жўш уради, хонлар хони!

Қўвшутхон ҳамон дарғазаб эди:

— Исминг Ўра Ҳақназар бўлса-да, фазал ўқишинг Ҳақдан илҳом олган шоирникига ўхшамас экан!

— Нега бундай дейсиз, хонлар хони? — кутилмаган гапдан Ўра шоир шошиб қолди.

Улуғ хон шоирнинг саволини эшитмагандай сокин овозда, аммо дарғазаб оҳангда деди:

— Мадҳиягўйлигинг, ялинчоқлигинг учун елкангга қирқ қамчи урдириб, шеърингнинг ҳақини беришим керак сенинг. Бироқ бугун тўй экан, бу

ишни қила олмайман. Аммо, сен бир нарсани яхши билиб қўй! Ўзингни шоир деб ҳисоблаб юрган бўлсанг-да, сен Оллоҳ назари тушган шоир эмассан. Ҳақиқий шоир ҳеч қачон йўлбошчини унинг кўзига қараб мақтамайди...

- Хон оға, тўғрисўз ҳурмат-эҳтиром аломати-ку!
- Мақтов билан тўғрисўз бир йўлдан юрмайди!
- Ҳақиқатни айтишимиз мақтов эмас-ку, хон оға! — мадҳиягўй яна ён беришни истамади.
- Билиб қўй, тамагирлик мадҳиягўйликни юзага келтиради. Ҳақиқий шоир ҳеч қачон тамагир ҳам бўлмайди, мадҳиягўй ҳам. Сен уялмай мени ўзимга мақтаётган бўлсанг, бу сенинг қонингда ҳақиқий шоирликтан ному нишона йўқлигининг исботидир!

Ўра шоир сабр-тоқатли бўлишга қанчалик ҳаракат қилмасин, ўзини шу ҳолда узоқ вақт тута олмади. Чунки хондан олинган бугунги баҳоси унинг умр бўйи қилиб келган ҳунарининг обрўини пучга чиқарган эди.

— Сиз менга «шоир эмассан» демай, елкамга кирқ эмас, саксон қамчи урдирсангиз ҳам «воҳ» демасдим, хонлар хони. Ишонмасангиз, навкарларингизга буюринг. «Воҳ» десам отамнинг фарзанди эмасман!..

— Бояги fazалингдан сўнг уруғ-аждодларингнинг руҳини безовта қилмасанг яхши бўларди, шоир...

Хизр деб тургани хирс чиқиб, кўпчиликнинг олдида шарманда бўлган шоир қандай қилса-да, ўз обрўсини ҳимоя қилмоқчи эди. У энди эл олдидаги мартабасини пастга урмаслик учун юрт назарида улуғ хон билан юзма-юз баҳслашмоғи лозим. Йўқса, ёмон кулгига қолишини билади. Бунинг учун шоир энди хон билан сан-манга бориб, номига бўлсаям гап талашиши лозим. Факат, ана шундай шарта-килиқгина хон томонидан Ўра шоирнинг устига чапланган чангдан шоирни поклай олиши мумкин. Масалани шундай тушунган Ўра шоир бутун имкониятини ишга солиб, хон билан мунозара қилишга жазм этди.

— Хон оға, сиз ёлғиз кишисиз. Халқ деган қудрат эса мингларча одамлардан ташкил топади. Ана, улар мени қўллаб-қувватлашмоқда. Шундай экан, хон қанчалик улуғ бўлса-да, мен унинг ўзим ҳақидаги нотўғри фикрига ишонмайман. Минг-минг кишилардан иборат халқнинг мен ҳақимдаги яхши деган фикрига ишонаман...

— Куфр сўзлаётган бўлсам Оллоҳ гуноҳимни ўтсин, бироқ сен ёлғон гапирайпсан, ахир, шоир!

— Энг аввало, хон оға, мен ёлғон сўз айтмайман. Ундан ташқари, қанча ёлғон айтган бўлсам, халқ мени қўллаб-қувватлаб келган.

— Аччиқ ҳақиқатни яшириб, ширин ёлғонга эргаштиrmоқ ҳам халқни ҳурмат қилиш эмас, шоир.

— Мен сўзимнинг тўғрилигини такрорламоқ учун халқ ишончидан далил ҳам келтира оламан!

— Майли, бунга ишондим дейлик, — Кўвшутхон шоирни мазах қилгандай қулумсиради. — Ўзига нафи тегадиган бўлса, шайтон ҳам Куръони каримдан далил келтира олади...

Ўра шоирнинг сўzlари улуғ хон каломидан салмоқли бўлмаса-да, хон билан теппа-тенг туриб мунозарага киришгани, ўз фикридаги қатъийлиги кўпчиликнинг унга бўлган ҳурмат-эътиборини орттириди. Ким нима деса десин-у, аммо ўзаро баҳсу мунозараларда улуғ хон билан худди мана шундай тап тортмай дадил баҳслашадиганлар жудаям кўп эмас-да.

Кўвшутхон шоирга сўнгги сўзини айтди:

— Мен сенга билганимни айтдим, шоир. Кўнглингта олма, бироқ бир нарсани яхши бил — ҳамма одамга ҳам шоирлик фурури берилавермайди. Шоирлик қисмати Оллоҳ томондан баъзи инсонларгагина тухфа қилинадиган бекиёс санъат ҳисобланади. Ашрафий<sup>1</sup> танга сингари кўзга кўринмас ноёб истеъдодни чапга-ўнгга, бўлар-бўлмасга бекор

---

<sup>1</sup> Ашрафий — пул бирлиги, олтин танга.

сарфлайвермаслик лозим. Унинг қадр-қимматини билиб ишлатиш керак. Сен эса сарупойингни фақир инсонларга бағишиламай, хоннинг устига ёпмоқчи бўляпсан!.. Хон хон бўлгани учун мақтову мадҳияга муҳтоҷ деб ўйлайсан шекилли. Мен сенга айтсам, мақтов-мадҳияни унга муносиб бўлмаган одамлар хоҳлашади. Агар сен мени хонликка муносиб деб ҳисобласанг, илтимос, мени кўз олдимда мақтама! Мақтовга муносиб деб, одамнинг ўзига мақташ — аслида уни камситишидир...

— Ҳақиқий сардорни унинг ўзига мақташ ҳам айбми, хон оға?!

— Тўхта шу ерда! — деб Кўвшутхон унга қўлини силкиди. — Юзига қараб мақталган сардор — бахтсиздир! Шуни эsingда маҳкам тут!..

Улуғ хоннинг сўзлари шоирни бирдан ўйга толдирди. Фикр қилар экан, у хоннинг ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг қизил юзидағи қатъийлик йўқолди. Ҳа, бу мунозара унинг кутганидай чиқмади. Ваҳоланки Ўра шоир бу фурсатни кўпдан бери кутган эди. У улуғ хон билан бир марта бўлсада, юзма-юз туриш, fazалини унинг ўзига ўқиб бериш орзусида эди.

Кўпдан бўён кутилаётган омадли фурсатлар мана энди келган бўлса-да, натижаси бошқачароқ бўлди. Ҳўш, унда кўпчилик олдида улуғ хон уни бугунгидай камситиши керакмиди? Дарҳақиқат, бугун бўлган воқеа энди оғиздан-оғизга ўтиб, бутун така уруfiga тарқалиши ҳам очиқ-ойдин аён бўлди. Ўра шоир энди қандай қилиб эл-юрт кўзига кўринади? Улуғ хоннинг: «Юзига қараб мақталган сардор — бахтсиздир» деган сўзлари шоирнинг қулоғида такрор-такрор жаранглади. Қаттиқ уялди. Ахир Ўра шоир қочоқлардан бири бўлса-да, сўз маъносига тушунмайдиган омилардан эмасди.

Олдин берган танбеҳларини оз ҳисоблаганга ўхшайди, Кўвшутхон Ўра шоирга яна бир бор ўқрайиб қаради-да:

— Чегарадан ўтган бўлсам, гуноҳимни ўтарсан, бироқ сен, шоир, ҳозир туркманинг шаънига келишмаган ишни қилдинг, — деди. — Худди ўзингта менгзаган эркакни мақтаси ҳам эр кишига ярашмайди. Сен ҳозир менга яхшилик қиласман деб, душман ишини қилганингни эсингда тут!

— Ҳақ сўзимни ноўрин кўриб, мени душманларга қўшманг, хон оға!

— Эҳтимол, бу душманлик эмасдир, аммо тирикнинг юзига айтилган маҳобатли мадҳияомуз сўзлар ўлганингдан кейин қабрингга отиладиган тошга айланар экан, сенга шуни уқтироқчиман. Яна бир гап. Етакчи бўл, шоир бўл — мақтобоз, мадҳиягўйни ҳеч қачон халқ қўллаб-қувватламайди. Қўллаб-қувватлайди дейилган сўз ёлғондир. Эл-юрт номидан асосиз сўзлаб, унинг устига гуноҳ юклама! Шундоқ ҳам бечора халқнинг устига ташланган юк оз эмас, ахир!

Ўра шоирнинг баҳайбат гавдаси кичрайиб, от калласининг орқасига яширингандай ғойиб бўлди. Кўвшутхон унинг тўйга йифилган одамлар орасига кириб бораётганини кўрди-да: «Бечора, яна халққа суюниш учун кетдими-я?! — дея ўзига-ўзи сўзлади. — Тавба, халқ деб аталмиш саховатпеша аҳлнинг бағрикенглигини, кечиримлигини қаранг-а!» Улуғ хон халқ номидан асосиз сўзлаган шахсга яна ўша халқнинг тирговуч бўлиб турганига ҳайрон бўлиб бош чайқади.

Шундай қилиб, изза қилингандай шоир ўзига бошпана кўзлаб кенг саҳрога эмас, яна халқ ичига тиқилди. Дарҳақиқат, халқ ёмонни ҳам яширади, аччиқни ҳам ичига ютади. Халқ кечиримли ва бағрикенг. У ўзига фойдали юкни ҳам кўтаради, фойдасизни ҳам.

Ўра шоир йифилган одамлар ичига ўзини уриши билан бели белбоғли оқсоқол кичкина гавдасига мос келмаган йўғон, важоҳатли овози билан хонга мурожаат қилди:

— Эй улуг хон, бояги сўзларингиз билан сиз бизнинг кўнглимиздаги гапни ҳам айтдингиз. Энди бизнинг гуноҳимизни кечиринг!

— Кечирадиган қанақа гуноҳ қилдингиз? — деб бу сафар хоннинг жавобидан олдин Калхон капала савол берди.

Оқсоқол бир қадам олдин юрди-да, паҳлавоннинг юзига тикка қаради.

— Эл бошига ташвишли бир иш тушиб турган шароитда мен якка ўғлимнинг тўйини ўтказаяпман. Шунинг учун кечирим сўрадим. Чунки тўйнинг муддатини аввалроқ белгилаб қўйган эдик. Шу сабабли, эзгу орзу-тилакни орқага сурмасликни маъқул билдик. Бўлмаса, ҳозирги шароитда тўй кўнгилга сифарими? «Йиғлаётганинг ёнида кулувчи бўлма» деган нақл бор, ахир! Сахетгелдижон ҳам менинг ёлғиз фарзандим. Номи Сахетгелди бўлгач, тўйнинг ҳам сахет муддатини ўзгартирмаймиз деб ирим қилдик, хон оға... Одам қартайса иримчи бўлиб қолар экан, шекилли...

— Тўғри қилибсиз, оғам! — дея тўй эгаси Ўра шоир эмас, бошқа бир киши эканига чин юракдан қувонган Кўвшутхон хурсанд оҳангда яна гапира бошлади. — «Тўй билан аза бирга юради» деб халқ беҳудага айтган эмас. Тўйингиз муборак бўлсин!

— Айтганингиз келсин! Тангри ярлақасин, хон оға!

— «Сайр ҳам сайр, саргардонлик ҳам бир сайр» деганларидаи, мана, биз ҳам баҳона-сабаб билан тўй устига келдик, оғам. Илоҳим тўйингиз яхши ўтсин, келиннинг қадами қутлуғ бўлсин!

Улуг хоннинг хуш сўзларига кўнгли кўтарилиган тўй эгасининг юзида хурсандчиллик аломатлари пайдо бўлди.

— Кўнглим жойига тушди, хон оға... Энди отдан тушинглар! Азиз меҳмонимиз бўлинглар!

Кўвшутхон ясама йўталиб қўйди.

— Биз ҳам тўйни Хатаб қалъасида тўйлаб ўрганган туркманмиз-да, оғам. Отдан тушиб ўтиришга ҳозир шароит ҳам йўқ...

— Уни-ку, яхши биламиз, бироқ ўтириб тўйлашсак, яхши бўларди, хон оға!

— Биз сизнинг невара тўйингизни бирга тўйлашамиз, оғам. Ҳозирги шароитни ўзингиз биласиз. Айбга йўйманг!

— Ундей бўлса, хон оға, мана бу тўй улушингизни олиб қўйинг! — деди оқсоқол қадам ташлаётган отнинг ёнбошида илдамлар экан ва тўни ичидан боядан бери дўппайиб турган тугунчани олиб хонга узатди.

Кўвуштхон:

— Янаги тўйларга Оллоҳ етирсин! — деб тугунчани манглайига хурмат билан тегизиб, Калхон капалага узатди. — Ма, ол. Юзингга сурт, паҳлавон!

— Бундан бошқа тугунчамиз ҳам йўқ эди, — деб тўй эгаси ростини айта қолди. — Кочоқчиликда, нима қилишни билолмай қолар экан одам шошганидан.

Кўнгли очик оқсоқолнинг ўзини тутишига кувонган улуф хон жилмайди.

— Тўйдан тўпикча дейдилар, оғам. Мана шу тугунча ҳаммамизга етади. Тўйнинг баракаси шунинг ичидা.

Калхон капала ҳам хоннинг ҳаракатини қайталағач, тугунчани орқадаги отлиқларнинг бирисига узатди.

## 21

Тўйхонанинг нариги томони узун кетган тепалик эди. Иккинчи тепаликдан ошиб, чапга бурилган ерда йигитлар жанговар жисмоний машқ ўтказишаётган эди. Биринчи баланд тепанинг нишаб жойига етишганда, ўнг томондан шовқин эшитилди. Қулокқа узоқдан чалинаётган ушбу овозлар хотин-қизлар товуши эди.

Кўвшутхон Калхон капаланинг юзига қаради-да, кулумсиради.

— Узукжамол қўнғир тўполон қилаяптими, дейман?

— Худди шундай.

— Қани, ботирим, бир қараб кел-чи! — деб Кўвшутхон отлиқларнинг бошида турган йигитга имо қилди.

Топшириқ берилган йигит от бошини тепаликка томон бурди. У тепалик орқасида кўздан фойиб бўлди-ю, кўп ўтмай орқага қайтди.

— У жойга хотин-қизлар йифилишибди, хон оға. Орқа ўгириб турган эркакни танимадим.

Кўвшутхон сарбози олиб келган хабардан қаноат қилмадими ёки бошқа бирор нарса ҳақида ўйландими, отининг жиловини қўйиб юборди. Тансоқчилар ҳам, Калхон капала ҳам хоннинг изидан от суришди.

Олдинда бораётган Кувшутхон тепаликнинг чеккасидаги саксовулзорга етиб, от жиловини тортиди. Текисликда қиз-келинлар йифилишганди. Улар улуф хоннинг саксовулзорда биқиниб, ўзларини кузатаётганидан бутунлай бехабар эдилар.

Саксовулзордаги аёллар ичидан Кўвшутхон фақат Гулжамолнигина таниди, холос.

Келин-қизлар кўпчилигининг бели белбоғли, узун кўйлакларининг этаги ҳам юқорига шимарилган. Баъзиларнинг қўлида қўй жунини қирқадиган узун қайчи, баъзиларнинг қўлида эса пичоқ, ўткир темир боғланган узун таёқ бор эди. Тўрт-бештасининг қўлида қилич ҳам кўринади. Уларнинг барчаси олдинда, аёл-қизлардан ажралиб турган Ортиқ арсарининг кўрсатган жанговар ҳаракатларини қайтаришарди.

— Ортиқхон иш бошидами дейман?! — дея Кўвшутхон ёқимли жилмайди.

— Эркак бор — ўз хотинига айтганини қилдира олмайди, эркак бор — бир гуруҳ кишиларнинг хотинларига ҳукмини ўтказа олади! — деб Калхон капала шу ерда ҳам ҳазиллашмоқчи бўлди.

— Якка бошчиликка эргашишса яхши-да! — деб ҳазилни чин маънода тушунган Кўвшутхон отининг бошини орқага бурди. — Биз Ортиқхонга халақит бермайлик! У бор бўлса, барча иш яхши бажарилади!

Хоннинг «барча иш яхши бажарилади» дейишининг сабаби бор эди. Бундан бир ҳафта олдин Ортиқ арсари улуғ хоннинг ёнига бориб, келин-қизларни ҳам мудофаа курашига тайёрлаб бориш лозимлиги тўғрисида мулоҳаза билдирганди. Улуғ хон ўшанда унинг фикрини қўллаб-қувватлаганди. Бу тўғрида бошқа гап-сўз бўлмаган эди.

Яна анча юришгач, йигитлар жанговар машқ қилиб туришган жойга етиб бориши. Бу ерда йифилгандарнинг сони ниҳоятда кўп эди. Улар дўст-биродар, гуруҳ-гуруҳга бўлинишиб, ҳар жой-ҳар жойда тўда-тўда бўлиб жисмоний машқ ўтказаётганликлари учун отлиқ ва пиёда навкарлар бутун Қорақумни эгаллаганга ўхшарди. Йигитларнинг «Ё Оллоҳ!», «Баракалла!» деган қийқириқлари билан отларнинг кишинаши, қиличлар урилишидан пайдо бўлган қисқа, даҳшатли товушлар бир-бири билан қоришиб, одатдан ташқари шовқин тикка осмонга кўтарилади. Ушбу кўриниш шунчаки оддий жисмоний тайёргарликни эмас, балки жон олиб, жон бераётган жанговар тўқнашувни эслатарди. Баъзан «Ё Оллоҳ!» деган жўшқин товушлар изидан бурунга қайноқ инсон қонининг ҳиди ҳам урилгандай бўларди.

Жанговар жисмоний тайёргарлик ўтаётган жойга Кўвшутхон ҳамда хос навкарларнинг келганлиги аён бўлгач, машқ ўтказаётган йигитларнинг ўйини чинакам тус олди: чанг-тўзон осмонга кўтарилди, қийчув, шовқин-сурон овозлари кучайгандан-кучайди, икки томонга от билан машққа киришган қизиқкон йигитларнинг сони орта бошлади.

Улуг хоннинг келиши билан машқ майдонидан чиққан Чебшек ботир, Шолха ботир каби беш-олти

баҳодирларнинг қир тепага кўтарилиши билан жанговар тайёргарлик янгидан авж олди.

Кўпчилик йиғилган жойда ҳар хил кутилмаган воқеалар ҳам юз беради. Бошини қўйи солиб келаётган қизғиши-сариқ от ёшуллиларнинг тўғрисига етганда қасдан қилгандай йиқилиб, думаланиб кетди. Устидаги чавандоз эса чанг-тўзон тагида қолиб, ҳеч кимнинг кўзига ташланмай қолди. Қараб турганлар от туёфи йигитни ҳалок қилганмикан ёки у от тагида қолиб майиб-мажруҳ бўлиб қолгандир деган хаёлда эдилар. Бироқ чанг-тўзон ёйилгач, отнинг думаланиб кетган жойидан туриб, анча нарида тўхтаган бедовига томон югуриб бораётган йигитга кўзи тушган Кўвшутхон:

— Оллоҳ ботирни сақлади! — дея бошини чайқаб қўйди.

— Нони бутун экан! — деб Тожкўк сардор ҳам бўлган воқеадан афсус билдириди.

Улуғ хон машқ майдонига кечроқ келган эди. Орқа томондаги йигитларига уй-уйига бориб келмоққа ижозат берган сардорлар ҳам шу ерга келишди. Шунга қарамасдан Кўвшутхоннинг турган жойига яқин ердаги навкарлар жисмоний жанговар машқларини яна давом эттиришди.

Нишонга ўқ отиш навбати ўтказилгач, елкалари узун нил (ствол)ли қора милтиқ осган мерганлар бир чеккага ўтиб туришди. Улар навбатдаги жанговар машққа томошабин бўлишди. Янги борганлар эса нишонни милтиқ учидаги маҳсус асбоб устидан кўзлаб, шошилмай машқ ўтказишарди.

Жисмоний машқларнинг энг охиргиси от устида туриб душманга найза санчиш эди. Қатнашаётган йигитларнинг кўпчилигига оғиз тўлдириб «найза» деб айтиладиган бу яроғ ҳам йўқ эди. Аёл-қизлар қўлидаги сингари учига қўй жунини қирқадиган узун қайчи, ўткир темир маҳкамлаб боғланган хода, таёқ уларнинг қуроли эди. Бироқ узун қайчи, ўткир темир боғланган ходадан ташқари уни

ўткир қилиб йўнилган таёқ тутиб турғанларнинг кўриниши оддий бир муштдан кўра дурустроқ демасанг, ташқи томондан кулгили ҳолат эди. Шу сабабли, уларнинг олдида маҳсус темир тишли найза кўтарган навкарларни яхши қуролланган сарбоз, деса бўларди.

Пиёдалар ва отлиқлар бўлинмай, бир гурухда машқ олиб боришарди. Чунки жангда отлиқ билан отлиқ, пиёда билан пиёда алоҳида-алоҳида кураш олиб бормай, аралаш кўринишда жанг қилиш ҳолатлари ҳам учрарди. Шу сабабли, пиёда сарбозлар от туёқлари орасидан омон-эсон бош олиб чиқиши эплашлари лозим эди.

Чебшек ботир Кўвшутхонга мурожаат қилди.

— Хон оға, така уругида сомон қопга ўхашаш қоп қолдирмәдик, — деди. — Уларнинг барчасини машқ майдонида илма-тешик қилиб ташладик.

— Бунинг айби йўқ, ботирим! Тешишга бошқа нишонлар ҳам топилади. Лунгидан бошқа барча кийим-кечакни ўртага қўйишга ҳам биз рози. Фақат яхши тайёргарликни бўшаштирманглар, баҳодирларим!

Тили ўткир биттаси деди:

— Қожорларнинг лунги тақадиган жойларигача айриб, уларни шундай қарши оламиз, худо хоҳласа!

Бу жойда кулишга сабаб бўлмаса-да, кулишга баҳона кўзлаган одамлар ҳаҳолаб юборишиди.

Кулгидан сўнг, Кўвшутхон луқма ташланган тарафга қараб жилмайди:

— Сен сингари ботирлар душман кўрингач, лунги тақадиган жойи ҳўл бўлиб, қайтага ўзини озорга қўймасин тағин!

Бу жавобга ҳам қўпчиликнинг кулгиси қистамади. Фақат хонга яхши кўринишни истаганларнинг сунъий кулгиси эшитилди.

Улуғ хоннинг оти олдинга, найзачиларга томон юра бошлади.

Найза билан жисмоний машқ ўтказиладиган жойда йигитлар ўн-ўн беш нафардан бўлинишиб

турган экан. Ҳар бир гурухнинг қаршисида, тахминан ўттиз-қирқ қадам оралиқда устига юк ортилган эшак ёки түя бор эди. Устидаги қоп, юкнинг кўплигидан тагидаги молни билиб олиш жуда қийин. Фақат уни қулоғидангина билиб олса бўлади. Қоп юкланган юк кўп бўлса-да, унинг оғирлиги кам. Ҳар эшак устида буғдой, арпа сомонидан ёки майда ажриқ аралаш ўтлардан тўлдирилган қоп мавжуд. Айрим эшаклар устида атрофи ип билан қаттиқ боғланган яланғоч тулуплар бор.

Карши томондан отда чопиб келаётган йигит кўлидаги найзасини ҳайвон устидаги юкка санчиши ёки эгри қиличини ҳақиқий жангда ишлатганидай қилиб уриши лозим.

Кўвшутхон ва унинг ёнидаги лавозимли кишилар эндигина мўйлови сабза урган йигитларнинг, йигитликдан анча ёши ўтиб, ўрта яшар бўлса-да, ҳали чаққон-чаққон ҳаракатдан қолмаган така туркманларнинг худди ҳақиқий душманга отилгандай бўлиб, устига қоп юкланган молларга «хужум» қилишларини диққат билан кузатишди. Уларнинг ҳатти-ҳаракати, жўшқинлиги улуф хонга маъқул бўлди. Бироқ, кутилмаган жойда юзага келган нохуш ҳолат хоннинг кайфиятини туширди.

Нишонга найза санчган йигитлар гурухи жисмоний машқларни тамом қилаётганларида, отини тўғри елдириб, юкли ҳайвон томонга бораётган бир йигитнинг хоҳиш-истаги жойига тушмади. У «Ё Оллоҳ!» деб найзасини қопнинг ўртасига санчганида, найза учи қаттиқ бир нарсага тегди, яроғнинг иккинчи учи эса йигитнинг кўкрагига ботди. Йигит шу заҳотиёқ отдан ағдарилиб тушди. Усти эгасиз қолган от жиловини осилтириб, чеккага чопиб кетди.

Бир гуруҳ сарбозлар йигитнинг отдан йиқилган жойига томон югуришди.

Кўвшутхон билан Калхон капала ҳам у ерга етиб келишганида, аллақачон йигит жон бериб бўлган эди.

Югуриб келганлардан бирининг тиззаси устига бош кўйган йигитнинг кўзлари умрбод юмилди.

Юз берган ҳолатни от устида ўтириб фаҳмлаган Кўвшутхон фақат ўзи учун айтгандай шивирлади:

— Ёвнинг келиши ҳам, кетиши ҳам қонсиз бўлмайди...

## 22

Азиз инсонлар дунёдан ўтганда осмонни булат қопласа ёки шу куни бўрон бўлса, ушбу ҳолатни одатда одамлар табиатнинг ҳам айрилиққа нисбатан безовта бўлаётганлигига йўйишади. Бу, фақат ғамгин кўнгилга тасалли бермоқ учун ўйлаб топилган бир таскинdir, балки? Ҳақиқатда эса табиат ўз бағрида вояга етган фарзандларининг бошига қандай ва қанча жабр-жафо тушмасин, барига бефарқ қарайди. Бинобарин аччиқ билан ҳам, чучук билан ҳам унинг иши йўқ...

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кудрати қанчалик кучли бўлмасин, она табиат така туркманларнинг оғир шароитига, ҳатто, пинагиниям бузмади. Бугун эса эрта тонгдан бошига кўз кўриб, кулок эшифтмаган балолар тушиши мумкин бўлган халқ ҳолига табиатнинг ҳеч қаери оғримади, қоши ҳам қимиirlамади. Қайтанга, у юз бериши мумкин бўлган фожиали ҳолатни олдиндан сезиб хурсанд бўлгандай, ўз кечасини кундузга айлантирди — яна ой ботди, қуёш чиқди, қуёш ботди, ой чиқди. Гёё туркманлар чекаётган оҳу зорлар табиат учун барибирдай.

Бу сафар ҳам табиат одамларнинг шароитига кўра эмас, одамлар табиатнинг азмига кўра қўзалишиди. Марвдан Қораёпга қараб кўчган така туркманлар ҳозир аллақачон оstonадан кириб, тўрга ўтишга ҳозирлик кўраётган ёв билан курашадиган одамларга сира ўхшамасдилар. Кўчиб келган жойлари вақтинчалик бир масканлигини айтмасак, ҳамма ҳамма нарса тинчлик вақтидаги каби эди. Теварак-

атрофда нималар рўй бераётган бўлмасин, турмуш ўз оқимида бир текисда давом этмоқда.

Қораёпга безак бўлиб турган асосий қўрғон сариқ туркманларнинг алаша уруфи катхудоси Тангрибердибек томонидан 1852 йилда бунёд этилган эди. Така туркманларнинг кўчиб келган, қўним топган асосий макони мана шу қалъя. Бироқ элат бу ерга ҳали кўчиб келишга улгурмай туриб, Қўвшутхоннинг буйругига биноан қалъанинг шарқ ва фарб томонларидан иккита чиқадиган жой чиқалғи<sup>1</sup> учун ҳозирланганди. Бу усул шарқ томондан босиб келадиган душман кучи устун келгудай бўлса, қўрғондан чиқиб, саҳрода чекиниш учун қилинган усул эди. Қалъада янги қудуқлар қазилиб, озиқовкат келтирилди, икки ойлик захира йифиб қўйилди.

Қораёп қалъасидан тахминан икки минг одим нарида — шарқ тарафдаги баланд тепалик Жайронтепа деб аталади. Такаларнинг яна бир улкан бўлаги Жайронтепа атрофига ҳам қўнган эди. Душман яқинлашди дегунча, у ердан Тангрибердибек қалъасига кириб олиш қийин эмас.

Офтоб ботгач, ёнига уч нафар тансоқчисини олиб қалъадан отлиқ чиққан Қўвшутхон тўғри Жайронтепа томонга йўл олди. Унинг бу галги кечки сайрининг ўзига хос маъноси бор — у тун қоронфисида ўзининг кимлигини ҳеч кимга билдирамай, эл-юртнинг ҳолаҳволини сиртдан ўзи кўрмоқчи эди. Аммо унинг бу мақсадини така оқсоқоллари маъқулламадилар, юртда тинчлик-хотиржамлик маҳали кўп вақт кўзга ташланавермайдиган хоннинг атрофида шу кунларда одам ниҳоятда кўп эди. Бундан ташқари, Марвга бостириб кирган Эрон қўшини саркардалари хуфия қотиллар ёллаб, махфий йўл билан Қўвшутхоннинг жонига қасд қилиб, катта урушни қонсиз-талафотсиз тамомлаш ниятида эканлиги ҳам така катхудоларига маълум. Такалар орасига битта-иккита эмас, ўнларча

<sup>1</sup> Чиқалғи — чиқиш жойи.

жосуслар юборилибди, деган миш-мишлар ҳам келиб турибди. Шу сабабли, ҳушёрликни қўлдан бермайдиган такалар ҳозир ўзларини шайтондан ҳам устун қўйиб, сал нотанишроқ башарали кимсани кўришса бас, уни қожорларнинг жонсизи (жосуси) бўлмасин деб роса синчиклаб-суриштирадиган бўлиб қолишган.

Ҳаддан ташқари ҳушёр бўламан деб, кулгили ҳолатларга дучор бўлмасликка ҳам эътибор бериларди. Улуғ хон ҳам тун қоронфисида таниш-нотаниш кимсалар орасига ёлғиз бормаса яхши эди. Бироқ, начора, хон оқсоқолларнинг панд-насиҳатини қабул қилмади. Йўлга отланди.

Бу сафар у қирқ-эллик нафар қўриқчisi билан эмас, бор-йўғи уч нафар тансоқчи билан йўлга тушди. Тансоқчиларнинг икки нафари юз-кўзидан дарҳол таниладиган йигитлардан эмас. Яхшиям учинчи тансоқчи — ҳамма биладиган машхур бақироқ Калхон капала.

Бугунгидай оппоқ-ойдин кечада мол-ҳол билан шуғулланадиган туркманлар қишлоқ жойларида уйда димиқиб ўтирмаи, бирор иш билан машғул бўлишади — турли ўйинлар ўйналади, эртаклар айтилади, қулоққа ёқадиган хуш суҳбатлар қилинади. Қораёпга келганларидан буён теварак-атрофнинг шарт-шароити хавфли бўлиб қолгач, қийинчиликлар ҳақида ўйлашни истамаган кишиларнинг кўпчилиги ҳозир Жайронтепа устида йифиладиган бўлишган.

Жайронтепа деб аталган жой — устига от терлатиб чиқадиган тепалик жой эмас. У ернинг одамлар ёки табиат томонидан бунёд этилганлиги ҳам номаълум. Майдони анчагина кенг, кучли одам таёқ улоқтиурса ҳам, майдон охирига етмайди.

...Жайронтепа йўли яримлаб қолса-да, Кўвшутхон от устида ҳамон индамай ўтирибди, унинг сукутини бузишга ҳеч ким журъат эта олмасди. Қолаверса, ҳамроҳлари ҳам ўзларининг ички фалаёнлари билан банд. Аммо, Калхон капала бу жимжитликка чидамади.

— Хон оға, бу дейман, авшарлар ҳам душман томонни қўллаб турган бўлса, бир хили ғалатироқ туюлмаяптими, нима дедингиз?

Кўвшутхон одатдагидай от ҳаракатига монанд аргимчоқ сингари олдинга-орқага бориб-келиб ўтирган эди, бирдан ҳаракатини тўхтатиб, сергакланди.

— «Бойнинг божаси кўп, қулнинг хўжаси» деган нақл бор, Калхон ботир! Ҳаммаям кучли одамнинг ёнида бўлгиси келади. Авшарларнинг етакчиси Юсуфхон ҳам ўшаларнинг бири-да... «Дўсти кўпнинг – дўсти бўлмас» деган нақлни ҳам унумта. Балки...

Улуғ хон ўз фикрини охирига етказмади. Бу ҳолат унинг шерикларини яна олдинги ўй-хаёл дунёсига етаклаб кетди. Энди улар улуғ хоннинг «балки» деган сўзининг давомини ўша оламдан излай бошладилар: «Балки... у ёқдан-бу ёқдан йифилган дўст-ёрлардан қожорларга наф бўлмас? Балки... сарбозларнинг ундан-бундан йифилганлиги оғзиолаликка олиб келар? Балки...»

Ёнидаги икки йигит хон сўзини маъқуллашга тортинди, шекилли, миқ этмай йўлда давом эта-вердилар. Яна Калхон капала сўз бошлади:

— Мадад истаб борайлик десак, бизда ҳам қўни-қўшнилар йўқ эмас, бор! Нима дедингиз, хон оға?

— Аёлинг қози бўлса, додингни кимга айтасан?! Кўшним деганингнинг ўзи устингга тўп судраб келаяпти-ку! Ҳозир фақат ўзингга ишонадиган вақт, ботирим!

— Ахалдан қандай хабар бор?

— Ахалдан ҳам хабар йўқ. Шу кунга қадар фақат Ялқоп сардордангина чопар келди. У ҳам Бомининг йигитларини йиғибди.

— Шунча мақтайдиганимиз Ахалдан фақат Ялқоп сардор келаётган бўлса, унда билмадим, ҳолимиз энди нима кечади?

— Шунга ҳам шукур қиласлил, ботирим... Ҳайт демак тияга мадад.

... Кўвшутхон баландликнинг олдидағи янтоқзор текисликда икки навкар билан тўрт отни ташлаб, Калхон капала иккаласи Жайронтепага кўтарилиди.

Бу ерда уч юз-тўрт юз нафарга яқин одам йиғилганди. Улуг хон тепаликка чиққан жойда икки нафар кураш тутаётган паҳлавонга овоз бериб, бақир-чақир қилаётган одамларнинг ёнида тўхтаганда, ҳеч ким унга эътибор ҳам бермади. Кечки пайт, Жайронтепа устида эски тўнини жун белбоғ билан боғлаган, телпагини бостириб кийган улуг хон пайдо бўлишини хаёлига келтирмаган кишилар ўзаро шоғиғин-сурон билан овора әдилар. Шунда Кўвшутхон ўзининг оддий томошабин сифатида қабул қилинганидан, ҳеч кимнинг дикқатини тортмаганидан, ҳатто, мамнун ҳам бўлди.

Кураш давом этаётган жойда «Қайир!», «Қўтариб ур!» деган айюҳанносдан бошқа гап-сўз бўлмас-лигини билган улуг хон бу жойда узоқ турмади.

Кўвшутхон билан Калхон капаланинг кейинги тўхтаган жойида ҳам жуда кўп одам йиғилганди. Бу ерда кураш ҳам, бошқа бир ўйин ҳам ўйналаётгани йўқ. Оппоқ ойдинда атрофга ҳалқа бўлиб йиғилганларни гур-тур кулдираётган одам — қора қумfonдай кичкинагина гавдали бир ёшули экан.

Кўвшутхон ёшулининг номини эшитгач, шу пайтгача юзма-юз бўлмаса-да, уни сиртдан яхши билишини эслади. Ҳақиқий номини-ку, билмайди, аммо унинг «Ҳазил оға» деган лақабини эшитмаган одамнинг ўзи йўқ.

Дарҳакиқат, чўкки соқол, жуссаси кичик ёшули гап-сўзга жуда чечан әди. Бунинг устига, у одамларнинг ўзлари чарчагунча гапираверадиган, кулдираверадиган, ўзи чарчамайдиган бир инсон экан. Кишиларга ҳазил-хузуллари билан оромбахш кайфият бағишлагани учун ҳам, унга бежиз «Ҳазил оға» деган лақаб берилмаган экан-да.

Кулги овозлари босилгач, Ҳазил оға яна сўзида давом этди.

— Шу десангиз, эл-юрг подшоҳи ақлсиз бўлса, вазиру вузаролари ақлли-фаросатли бўлиши лозим. Шу иккidan бири. — Ҳазил оға чеккароқда ўтирганлар ҳам эшитсин дегандай овозига куч

берди. — Оллоҳ бир нарсани кам берса, бошқасини ортиқ қилиши лозим. Чунки унинг карами кенг. Шундай қилиб, бояги аҳмоқ подшоҳнинг Эсондавлат исмли доно, если-ҳушли вазири бор экан.

— Ўзинг аҳмоқ бўлсанг, вазирингнинг донолигидан нима фойда! — деб гапни қиздириш учунми ёки ҳикоянинг охирига тезроқ етишни хоҳладими, бир одам ёшуллининг сўзини бўлди. — Арзга борганлар ҳузурида ўтирганида подшонинг оғзига гап ташлаш мумкин эмас-ку, ахир!

— Энди шу ерда тўхта, чирофим! — Ҳазил оға кўрсаткич бармоғини ҳаракатлантирди. — Ахир, мен ўзим шу гапни айтмоқчи эдим-да.

— Шундай денг-а?

— Ҳов-во, сен шошилма-да, жиян! Бир пайт бояги аҳмоқ подшоҳнинг юртига чет эллик меҳмонлар келишибди. Мехмонлар унинг ҳузурига киргунча, вазири шоҳни тахтга ўтқазиб, чотига ҳеч ким кўрмайдиган қилиб ип боғлабди-да, унинг иккинчи учини ўз бармоғи орасига олибди.

— Ҳалиги жойидан ип боғлатадиган подшо қанақа подшо ўзи?! Ваҳ-ҳа-ҳа! — деб бири чин дилдан қаҳқаҳ уриб юборди.

— Шуни айтсанг-чи!

— Уни нима учун боғлатган экан-а?!

Хаҳолаб кулаётган одамларга қарши, Ҳазил оға кулмай, жиддийлик билан қараб чиқди.

— Бунинг маъносига тушунмадингизми?

— Унинг маъносини Оллоҳ билсин!

— Мен ҳам тушунмадим...

— Мен ҳам...

— Ундей бўлса, сизнинг ҳолатингиз ҳам аҳмоқ подшоникидан фарқ этмас экан! — деб бу гал энди Ҳазил оғанинг бир ўзи ғолибона хаҳолади.

Йифилганлар сўнгти гапга қўшилишиб роса яйраб кулдилар. Берилган жавоб маъносига тушунмаганлар ҳам барча қатори кулгига қўшилишди.

Ҳазил оға кулгини тўхтатди.

— Бу ҳаракат подшо бирданига ортиқча сўз бошлаганда, жиловидан тортиб қўйиш учун қилинган эди!

— Ип боғланадиган бўлса, қулок бор, бармоқ бор, соқол бор... Келиб-келиб, албатта, хотнинг орасидаги нарсага ип боғлайдиларми? Ваҳ-ҳа-ҳа, ваҳ-ҳа-ҳа...

— Ё тавба!

— Астағфирулло!

— Хўш, хўш. Кейин-чи?

— Кейин нима бўлибди, эшитайлик!

— Хотнинг ораси ҳам яширин, ҳам қулай-да. Элчилар олдида қулок ёки соқолда ип осилиб турса, нима деган одам бўласан, эй сўз уқмаган!

Давра тутиб турганлар бу гапни эшитгач, ичакузди кулгини бошлаб юбориши.

Кўвщутхоннинг ёнига яқин турган йигит бу хил ҳазил-ҳузуллардан эгилиб-букилиб кулар экан, ички жўшқинини кулги билан чиқарганини оз кўрди, шекилли, бир қўли билан улуф хоннинг елкасига қоқиб ҳам юборди.

Кўвщутхон ичиде пичирлади: «Эй Оллоҳ! Инсон деган жонли мавжудотнинг табиатига тушуниш қийин экан-а?! Озгина фурсат бўлса, кулгини ҳам эсдан чиқаришмайди-я! Қандай яхши бу ҳолат! Бўлмаса, минғир-минғир майда гап-сўз билан овора бўлиб, остона ҳатлаб ташқарига чиқмай, икков-учовлашиб бўлинниб олсалар, нима қиласардик?».

Шодиёна ғовур-ғувур кулгидан сўнг, яна Ҳазил оға сўз бошлади:

— Шундай қилиб, халойик, чет эллик меҳмонлар билан музокара бошланиби...

— Хўш, хўш. Кейин-чи?..

— Ҳазил оға, сен ҳам анойи эмассан! Ҳеч бўлмаганда вазирнинг ёнбошида тургандирсан-а? Шундай эмасмиди?

Ҳазил оға бу саволга эътибор бермади.

— Чет эллик одамлар билан олди-берди музокара бошланиби. Аҳмоқ подшо доно вазир имоси билан элчига бош қимирлатиби. Шу тарзда

айтилган гап-сўзларни маъқуллармиш. Маъқул бўлмаган гап-сўз чиқса, бошини орқага ташлаб, тескари қимиrlатар эмиш. Қолган пайтда эса у Эсондавлат вазирнинг навбатдаги имо-ишорасини кутиб, дамини чиқармай ўтирас экан.

— Бошдан-оёқ дамини чиқармай ўтиrsa, фалати бўлмайдими, Ҳазил оға?! У баччағар подачи эмас, подшо-ку, ахир!

— Подачидан фарқи йўқлиги учун ҳам дамини чиқармайди-да! Энг асосий гап ҳам мана шунда! — Бу гал Ҳазил оғанинг ўзи кишинаған тойчоқдай нозик овоз чиқариб қийқиллаб кулиб юборди. — Ақлли-если инсон, ўз фикри бор одам подшо этиб сайланса-да, у вазифада узок ўтиrolмайди. Фақат атрофидагиларнинг фикрига «ҳа» деб, ўз хоҳишистагини кўзлаган, вазир-вузаронинг айтганини бажарадиган подшонинг ҳам охири вой бўлади. Теварак-атрофидагиларга шоҳ эмас, бойлик керак. Ҳазинадаги бойликка эса, подшо фақат аҳмоқ бўлгандагина хотиржам қўл узатса бўлади.

— Хўш, хўш. Кейин-чи?

— Кейин, бояги аҳмоқ подшо гап-сўз орасида ҳар сафар имконият бўлганда, элчиларнинг бошлиғига тикилиб қарап эмиш-да: «Сизнинг юрtingизда ҳам...» дер эмиш. Шундоқ дер экан-да, давомини айтмас эмиш...

— Нима учун? Бу билан бир нарса демоқчи бўлганми?

— Ҳа-да! — деб ҳикоясининг маъносини олдиндан билмоқчи бўлган одамга юзини ўгирган Ҳазил оға бир неча марта бошини қимиrlатди. — Подшо ножоиз бирор сўз айтиб қўймасин деб, у оғзини очди дегунча, бош вазир бу ёқда туриб ҳеч кимга сездирмай ипнинг учини тортар экан. Олдиндан келишилган шартга кўра чот орасидаги ип тортилса, подшо айтадиган сўзини тўхтатиб, лом-мим демай қолар экан.

— Ана кўрдингми?!

— Ол-а!

— Шундай қилиб, меҳмонлар то музокарани тутатгунча, подшоҳ вақти-вақти билан: «Сизнинг юртингизда ҳам...» деган сўзни такрорлаб ўтираверибди. Унинг нима учун бундай деганига меҳмонлар ҳеч ҳам тушунолмабдилар. Фақат элчилар эмас, аҳмоқ подшонинг ақлли вазири Эсондавлатдан бошқа ҳеч ким унинг нима учун сўзини охиригача айта олмаслигининг сабабини билмаган.

— Охири нима бўлибди, шунда? — деб йигилганлар орасида ҳали ҳам бирон нарсага тушуна олмаганларнинг бири шошилди. — Нима бўлганини айт-да, бунча чўздинг!

Ҳазил оға ҳикоятига хулоса ясади:

— Чет эллик меҳмонларни кузатиб, изига қайтган доно Эсондавлат вазир яна подшоҳнинг ҳузурига келибди. «Меҳмонлар мендан хафа бўлмадиларми, эй вазир?» дебди подшо. «Шундай, подшоҳи олам. Сиз каби ақлли инсон билан сұхбатлашган элчилар ҳеч қачон норози бўлиб кетмас! Улар ўзларини жаҳонда энг бахтиёр инсон ҳисоблаб юртларига равона бўлдилар!» «Улар шундай деб ўз оғизлари билан айтдиларми?» «Худди шундай, подшоҳи олам. Улар бу гапни карвонлари йўлга тушгунча бир неча марта такрорладилар. Сиз бир нарсага эътибор беринг, подшоҳи олам, бахтсизлик деган воқеа яширилар, бироқ бахтиёрликни бекитиб бўлмас. Бу нарса дарров атрофга тарқалади. Чунки бу ҳолат одамзодга хос хусусият. Бу галги сизнинг сўз айтишингиздан вазиру вузаролар ҳам, менинг ўзим ҳам ниҳоятда мамнунман. Сиз орқали биз ҳам ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

Доно бош вазир шундай дея таърифу мақтоларни тутатгач, ҳукмроннинг ўзига савол беришга рухсат сўраб, шундай дебди:

— Подшоҳи олам! Мен сизнинг бош вазирингизман! Энг яқин сирдошингизман. Шунга кўра, шу саволимга жавоб беришингизни сўрайман.

— Сўрайвер! — дебди подшо такаббурлик билан.

— Сиз боя элчиларга қараб қайта-қайта: «Сизнинг юртингизда ҳам»... деган сўзни такрорладингиз. Бу билан нима демоқчи эдингиз? — дебди бош вазир. Шунда подшо жиддий кўринишга кириб:

— Мен улардан: «Сизнинг юртингизда ҳам подшоҳнинг чоти орасидаги нарсасидан ип боғлайдиларми?» деб сўрамоқчи эдим» деб жавоб берган экан...

Ҳазил оға яна бир неча сўзларни айтди. Бироқ, унинг энг охирги сўзлари аҳмоқ подшонинг айтган жавобидан сўнг пайдо бўлган кучли қаҳқаҳа остида қудуққа томган томчи сингари эшитилмай қолди.

Бу сафар ўзининг қаерга, нима мақсад билан келганини унугтган Кўвшутхон ҳам шунақангি астойдил кулдики, у кейинги вақтда қачон бугунгидай чин юракдан кулганлигини эслай олмасди.

Анча муддатгача улкан гавдасини кулгидан тўхтатолмаган Калхон капала ниҳоят ўзини тутиб олгач, «Бу жойдаги гурунг ҳам тугади. Кетайлик!» деган мазмунда улуғ хонга ишора қилди. Бироқ кулги тўлқини тинар-тинмас, одамлар орасида янграган сўзлар Кўвшутхон билан Калхон капалани яна қимиратмай қўйди.

— Ҳозирги вақтда ҳам Кўвшутхоннинг чоти орасидаги нарсага ип тақадиган така топилса, яхши бўларди!

Кулги ва шовқин яна Жайронтепани ларзага солди. Калхон капала улуғ хонга бошини пасайтириб шивирлади:

— Гап пойлаган ўз сўзини эшитар, деган гап бўлди-ку, хон оға, — деди.

Кўвшутхон чала кулумсиради.

— Ундей бўлса, яна бироз турайлик, полвон!

Кўвшутхон номига гап ташлаганинг луқмаси йиғилганлар орасига сингиб кетмади. Уни кулги билан маъқуллаганлар ҳам топилди, унга сўз билан қарши бўлганлар ҳам.

— Э, Кўвшутхоннинг нарсасига аллақачоноқ ип тақилган бўлса керак...

- Ваҳ-ҳа-ҳа, ваҳ-ҳа-ҳа!..
  - Ўша ипнинг иккинчи учи кимнинг қўлида экан?
  - Шуниям билмайсанми, аҳмоқ? Ипнинг бир учи ё Қора сартибнинг, ёки Ҳамза Мирзанинг қўлида бўлади-да!
  - Ваҳ-ҳа-ҳа, ваҳ-ҳа-ҳа!..
  - Бу гапинг «Туя қаерда, думи қаерда?» деган гапга ўхшар экан. Хонўтарда ўтирган Қора сартиб билан Ҳамза Мирза Қораёпга қочиб кетган Кўвшутхонни ип билан боғлай олармикан? Ораси жуда узоқ-ку.
  - Ҳамза Мирза ипини бўш-салқи қилса, Қораёпга келган Кўвшутхон ипни орқасига тортсалар, яна Хонўтарга қайтади-да!
- Оқ ойдинда баҳайбат кўринган улкан гавдали киши қўлларини силкитиб-силкитиб қичқирди.
- Кўвшутхон Ҳамза Мирза ипини салқи қилгани учун Қораёпга келган эмас, қариндош! У иккаламиз сингариларни, бола-чақаларимизни омон сақлаш учун, бутун така туркманларни ўлимдан сақлаш учун шундай қилди, билдингми?!
  - Таканинг ҳомийлигини бўйнига олган одам, эл-юртни қочоқ галасига айлантиrmай, Хонўтарда ўтираверганда бўлмасмиди?
  - Ношукур бўлмайлик, эй одамлар! — деб баҳайбат одам важоҳатли овозини баландлатди.
  - «Мард — Оллоҳдан кўради, номард — йўл дошидан» дегандай иш қилмайлик. Бошимизга оғир кун тушганда етакчимизга нолойиқ сўз айтган одам — инсон эмас...
  - Сенга эркаклигимни кўрсатсам, тавба қиласанми? -- дея аввал сўз бошлаган одам қизиша бошлади.
  - Гавдали одам ҳам ундан паст келмади.
  - Сен ёвнинг ёйдай елидан қочиб, Жайронтепада ётиб олиб, энди эркаклигингни бизга кўрсатасанми? Мард бўлсанг, эрлигингни устингга бостириб келган

дushmanга күрсат! Суваракдай Хонұтардан кетишиңе мажбур қылған қызилбошларга күрсат! Эркаклик бугунғи кунда кураш майдонида күрсатылади!

Гавдали одамнинг фикри маъқул бўлди, шекилли, икки нафар йигит унинг билан фикрдош эканлигини билдиришиб, ёнига ўтдилар. Улардан бири деди:

— Хонимизга тиргак бўлиш ўрнига, қийшиқ гапсўз айтишимиз, ношукурликдан нишона, оғайнилар! Бошимизга тушганини бирга ҳал қилмасак, хондан хон бўлмас, биз ҳам эркак бўла олмаймиз!

— Тўғри гапирдинг, йигит, баракалла сенга!

Ўзига навбат етди деб ҳисоблаган Ҳазил оға чордана қуриб ўтирган жойидан жаҳд билан турдида:

— Биз ҳам сени қўллаймиз, йигит! — деб қичқирди.

— Кўвшутхон така туркманинг бола-чақасини ажалга бермаслик учун Қораёпга чекинди. Сизлар шуни яхши тушунинглар! Кўвшутхон бизларнинг келин-қизларимизнинг номусини поймол бўлмасин деб Қораёпга чекинди. Ўзларини эркак ҳисоблаган йигитлар ор-номус остида қолмасин деб бизларни бу ерга бошлаб келди. Сизлар шуни англанг! Бугун барча така, бир бўлиб, Кўвшутхоннинг орқасида тоғдай бўлиб турсак...

Қаттиқ бақириб сўзлаган Ҳазил оға тупугига тиқилиб қолдими, гапира олмай қолди.

— Кўвшутхон орқасида турмасак нима бўлар эмиш? — деди кимдир.

— Кўвшутхон орқасида турмасак, — деб ўзини ўнглаб олган Ҳазил оға олдингидан ҳам қаттиқ бақириб гапирди. — Айтаверайми нима бўлишини?

— Айт!

— Айтинг!

— Тортинманг!

— Биз уни қўлламасак, Ҳамза Мирзанинг қўлидаги ип фақат Кўвшутхоннинг эмас, барчамизнинг кетимизга боғланиши турган гап! Эркакларнинг кетига ип тақилса, аёл-қизларимиз қандай кунга

қолишини ўзингиз тасавур қиласеринг! Мард бўлинглар! Эл-юрт билан келган тўйдир, байрамдир!

— Эл-юрт билан келса тўйдир, байрамдир! — гавдали одам Ҳазил оғанинг айтганини кўпчилик эшиитмаган бўлса керак, деб ўзининг йўғон овози билан такрорлади.

Ушбу сўзлар кетма-кет нозик-йўғон овозларда такрорланиб, атрофга, Жайронтепадан ҳам тушиб, теваракка тарқалиб кетгандай бўлди.

Бу гал Кўвшутхоннинг ўзи Калхон капаланинг қулоғига шипшиди:

— Кетайлик!

— Вой-бўй, нималар бўлди ўзи, хон оға! — деди Калхон капала қалбида пайдо бўлган енгилликни сўз билан ифода этар экан. Кўвшутхон тансоқчисининг гапига киноя билан жавоб берди:

— Гап тамом бўлмасдан турувчи бўлма, полвон! Жайронтепанинг устида кенг майдон бор экан. Шу сабабли ҳам, такада ҳали гап-сўз кўп бўлади. Чунки така туркманинг гапи тугамайди. Иккаламиз бу жойдан бошимизни отиб тушамиزمи, ёки чайқаб тушамиزمи? Буни ёлғиз Оллоҳ билади...

Калхон капала бу сўздан кейин бошини силкиб силкиб улуғ хоннинг изидан қадам ташлай бошлади.

## 23

Техронда тузилган шартномага кўра, Жорж Блоквил Эрон қўшинларининг туркман заминида олиб борадиган ҳарбий ҳаракатларининг ҳеч бирида қатнашмасликка ҳаққи бор эди. То уруш тамом бўлгунча, у ўзини ўқ етадиган масофадан узоқроқда тутмоғи керак эди. Бироқ, кунлардан бир куни Блоквилда қожорлар қўлига тушган тўрт нафар туркман асирини бориб кўриш истаги пайдо бўлди.

Европача қатъий ҳарбий тартиб-қоидаларга ҳамиша амал қилиб ўргангандан ва ҳар бир ташлаган қадамидан эҳтиёткор бўлган француздар туркман

асирларини кўриш учун Қора сартибдан рухсат олиш керак деган қарорга келди.

Блоквил сартиб чодири томон борар экан, Мирза Мұхаммад Қўвам ад-Давлага туркманлар нима сабабдан «Қора сартиб» деган лақаб берганликлари тўғрисида ўйланди. Туркманларнинг ўзига шундай лақаб таққанликларини ҳам илк бор сартибининг ўзи унга айтган эди. Бироқ азал-абад катта оғиз, ўзини доимо мақташларини хоҳловчи сартиб, бир гуруҳ сартиблар орасидан туркманларнинг фақат унга шундай баҳо беришларидан бошқача маъно чиқаргиси келарди. Нега, туркманлар уни «Қора қанжиқ», «Қора илон» деб ёки бошқа ножоиз ўхшатма билан атамасдан, «Қора сартиб» деб қўя қолишган экан? Мирза Мұхаммад Қўвам ад-Давланинг сартиблиги ҳам чин, қорамагиз кўринишдалиги ҳам ҳақиқат эди. Ажабо, шунинг ўзи Мирза Мұхаммаднинг бошқа сартиблардан афзаллик томонларини кўрсатадими? Йўқ, албатта. Ахир ҳеч бўлмаганда, душманинг-ку, сен учун муносиб рақиб бўлолмас экан, шундаям кишининг фашига тегадиган бошқача бир лақаб, одамни уялтириб ташлайдиган қандайдир бир ном ўйлаб топишлари керак эмасми, ахир?!

Бироқ Блоквилнинг тахминига кўра, бу ерда ҳақиқат Мирза Мұхаммаднинг айтганидан бошқачароқ бўлмоғи ҳам мумкин. Гап шундаки, ҳалқ лақаб таққанида ҳеч маҳал адашмайди. Буни Блоквил яхши билади. Ҳалқ томонидан берилган лақаб, кишининг ички ёки ташки дунёсига қатъий суратда мутаносиб бўлмоғи лозим. Ундаи бўлса, туркманлар ўз бола-чақасини қириш учун келаётган бош душманга унинг ўзига ёқадиган қилиб лақаб таққанларининг боиси нима экан?!

Эҳ-ҳе, кейинги уч-тўрт ой давомида Мирза Мұхаммад Қўвам ад-Давланинг ички дунёсини, тарихиyo яшаш тарзини бир қадар ўргана олган Блоквил сартибининг ўз юртида ҳамда ўз ҳамкаслари ўртасида қилган мунофиқликларига кўп марта

гувоҳ бўлди. Шу сабабли ҳам, туркманларнинг лақаб тақишада янгишмаганликлариға французнинг имони комил эди. «Қора» деган сўз кўп ҳолатларда эзгуликни англатавермайди, ахир.

Шундай ўйлар исканжасида Қора сартибнинг чодирига яқинлашиб қолган Блоквил тўхташга мажбур бўлди, ичкаридан эшитилган кулги аралаш шовқин сартибнинг сариқ чодирини гўё осмонга кўтармоқчида туюлди. Ичкаридагиларнинг қизғин сухбатини бўлишни хоҳламаган француз ташқарида туриб уларнинг сўзларини эшитиб туришни ўзига маъқул билмади. У ўзини ўзи зўрлаб чодирга кирди, чақирилмай киргани учун сартибдан узр сўради.

Французнинг истагини эшитган чодир эгаси ҳам, унинг ёнидаги уч нафар қожор ҳарбийси кирган одамни менсимай яна баланд овозда беҳаёларча ҳаҳолаб кула бошладилар.

Кўзларидан ёш оқизиб кулаётганларга кулумсираб қараган Блоквил энди уларнинг ҳолатига ҳайрон қолди.

— Жаноб капрал, кўнглингизга оғир олманг! — деди. Қора сартиб қулгисини босишга уринар экан, у бу билан меҳмонларнинг ҳам кўнглини овлашга ҳаракат қилаётган эди. — Сиз кирдингиз-у, кулгимиз узилиб қолди, шу сабабли, биз яна бошқатдан кула бошладик...

— Тушунмадим!

— Биз ҳам ўша сиз айтган тўрт нафар асир хақида сухбатлашаётгандик.

— Катта жангга кирмай туриб бундай кулиш... қанақа бўлар экан, жаноблар? — деда Блоквил ҳам чала илжайган бўлди. — Қаттиқ қулган кишининг куч-куввати қочар эмиш...

— Эй Оллоҳ! Худди ичакларим узилгандай бўлди ўзиям!

Қора сартиб шундай деди-ю, дарҳол ўзини тутиб олди. — Келинг, ўтиринг!.. Бу дейман, жаноб капрал, жуда иримчи одам экансиз-ку, а?

— Ирим-сиримга ҳам баъзан-баъзан ишониш керак. «Фолга ишонма, фолсиз ҳам юрма» деган гап бор. Ҳаётда ҳар хил кутилмаган воқеалар юз бериб туради.

— Биз ҳам турмушда бўлиши кутилган воқеаларни кўз олдимиизга келтириб куляпмиз.

Блоквил елкасини қисиб қўя қолди.

Бу гал Қора сартибнинг меҳмонларидан бири гапирди:

— Ёлғончи дунёда ҳар нима бўлиши мумкин. Мана, масалан, эрталаб уйидан чиқиб кетган эркак кишининг кечкурун хотини ёнига аёлга айланиб кириб борганини ҳеч эшитганмисиз?

Блоквил сўз маъносини англамагач, яна елкасини қисди.

— Тушунмадингизми?

— Тушуна олганим йўқ, — Блоквил тўгрисини айтди. — Бундай ҳодисага дуч келмаганман. Бу хил нарсани ҳам эшитмаганман. Эй, ҳа, жаноб, бу айтганларингиз, балки эртакларда учраши мумкиндир?..

— Йўқ, жаноб капрал. Фақат эртаклардагина эмас, мана, насиб этса, уни шу бугуннинг ўзида очиқ-оидин кўрасиз!

Қора сартиб француз учун жумбоқ бўлиб қолаётган бу ҳолатни яна чигаллаштириб, мужмал қилиб юборди.

— Айтгандай, асиrlарни кўргингиз келса, марҳамат, йўлингиз очиқ, жаноб капрал!..

Блоквил чодирдагилар билан хайрлашиб чиқиб кетди. У орқасига қайтар экан, бояги беҳаё жумбоқ кулги, ўзи тушуниб етолмаган бемаъни суҳбат туфайли Қора сартибнинг ғалати башарасини ёрқинроқ кўргандай бўлди. «Кишининг ҳаётда эгаллаган даражаси билан фаросати теппа-тенг бўлмаса, шунаقا бўлар экан. Катта тўқнашувга кириши керак бўлган қўшиннинг сардорлари эртанги кун ҳақида бош қотирмай, бўлар-бўлмас нар-

салар устида валақлашиб, ҳиқичоқ тутганча мазабемаза хахолашлари – бориб турган аҳмоқгарчилик! Ҳа, майли, ҳар юртда кулги билан оғуга сабаб бошқа бошқа нарсалар бўлар экан-да!..

Блоквил шуларни ўйлар экан, бу кулгибозларнинг рақиблари қанақа одамлар эканлигини билишга ҳаваси янада ортди.

## 24

Қўлга тушган туркманларни урмай-сўқмай қийнашга киришдилар. Қийнагандан кўра, уларни ўлдириб юборсалар яхши эди, аммо уларни ўлдиришга рухсат берилмаган. Ҳозир эса ўлимдан бошқа, қийноқнинг ҳар қандай усули бор бўлса, мана шу асиirlарнинг чекига тушди. Асиirlарнинг ҳозирча ўлдирилмай, сақлаб турилганлигининг сабаби бор – Марвга босиб кирилгандан бери ўғирлаб кетилган қоровуллар, бундан икки кун олдин рўй берган кичик тўқнашувда йўқолган аскарларни қўшиб ҳисобланса, туркманларнинг қўлида юзга яқин қожор асиirlари бўлиши керак. Охир-оқибатда эса икки томон асиirlарни алмаштиришлари ҳам мумкин эди.

Қўлга тушган тўрт нафар туркманнинг тирик-ўликлигини билиш ҳам қийин. Тўрталасининг бошини хўлламай сочини олишди. Кейин Мурғоб дарёси қирғонидаги баланд шўрҳок тепасига ўтиргизишиб, бир-бирларига қаттиқ боғлашди. Соч ҳўлланмай қирилганда, шафқатсиз сартарошнинг ўтмас покиси бошда қолдирган ораси тор қонли жароҳатларга офтобнинг қайнок нурлари тушиши натижасида пайдо бўлган азоб гўштдан ўтиб, суюккача етади. Бу – «Бекзодалар томошаси» деб аталмиш азоб усулининг бир кўриниши эди.

Блоквил шу пайтга қадар туркманларни шошилмай тинчгина, яқиндан кўрмаганди. Номуси поймол қилинган кекса чўпон оиласидаги баҳти

кулмаган Маммат ҳам, қўли кесилган Эломонжон ҳам французнинг бошқа-бошқа жойларда кўрган кишиларидан фарқ қилмаганди. Гўзал аёл деганда фақат Европанинг назокатли хонимларини тушунадиган Блоквил, унга биринчи дафъа дуч келган туркман келини Ўғилжайрондай бекаму кўст, нозанин аёлни Парижда ҳам, Техронда ҳам кўрмаганди. Ҳамза Мирзанинг қўшинига қўшилган кунидан буён бекваччаю сипоҳилардан тинглаган суҳбатларига қулоқ соладиган бўлса, туркманларнинг одамга ўхшашлигини шунчаки гапдир деб билмай, туркманларни жуда қўрқинчли тусда тасаввур қиласр эди. Эрон аёллари ҳам ухламаётган болаларини ухлатмоқчи бўлганларида: «Кўзингни юм тезроқ, бўлмаса, ана, туркман келиб олиб кетади» деб қўрқитишларидан Блоквилнинг ўзи ҳам хабардор эди.

Соқол-сочи хўлланмай чала-чулпа қиришилаб олинган тақир калла туркманларни бир-биридан фарқлаб бўлмасди. Агар синчиклаб қаралсагина, улардан бирининг кексалигини, икки нафари — ўттиз ёш атрофида эканлигини, тўртинчиси эса ўн олти-ўн етти яшар йигитча эканлигини билиш мумкин, холос.

Иссик қуёш нури раҳм-шафқатсиз куйдирмоқда. Яланғоч асиirlарнинг териси офтобда куйиб, тиришиб-тиришиб кетган аъзойи баданлари қўтири очганга ўхшаб қолганди. Ўткир қуёш нури остида ўтиришса-да, уларнинг ҳозир терламаганининг сабаби — баданларидаги намнинг қуёшда аллақачон меъёрдан озайганлиги, энди эса даҳшатли чанқов бошланганлигидан эди. Шунга қарамасдан, асиirlар оҳ-воҳ қилмас, фуурларини маҳкам сақлаган ҳолда ўзларини тетик тутишга уринишар, ўлимни хаёлларига ҳам келтирмасликка ҳаракат қилишарди.

Кекса асир боягина тугатган сўзларининг қанчалик ёдда қолганлигини билиш учунми, бироз сукут сақлади. Дурустроқ ўрнашиб олиш учун

қимирлаб кўрди. Унга орқама-орқа қапиштириб боғланган йигит норози оҳангда тўнфиллади:

— Кертик оға, тинчгина ўтирансангиз-чи, намунча типирчилайсиз?

— Типирчиласам сенга нима? Ёки Марвнинг тупроғини қизғаняпсанми?

— Тупроқниам қизғаниб, нима, мен илонманми сизга? Сиз ҳар қўзғалганда орқам худди яғир эшакнинг орқасига темир қозиқ тиқилгандай оғриб кетяпти, ахир!

— Оббо, энағарнинг боласи-ей, эшак бўлиб ҳам улгурдингми ҳали?! Яна орқаси яғир эшак, дегин!

— Эшак бўлмасак, шундай ҳолда ипга боғлаб қўймасдилар.

Иссик шунчаки кулгидан, ҳазил-ҳузулдан ҳам устун эди. Бошланган сухбат бу гал ҳам дарҳол ниҳоясига етди. Кулги йифиширилди, лаблар ўрни-ўрнига қайтди.

Ёшуллилардан уялиб, шу пайтгача ўзини йўқотмай ўтирган ёш йигит, ниҳоят, бу ҳолатдан нолиб юборди:

— Бу азоблар қачон тугар экан-а?

— Чидагин, иним, чида. Тамом бўлмайдиган сура ҳам Куръонда йўқ, — дея Кертик оға унга далда берган бўлди.

Ахволга чидаб бўлмасди. Қуёшнинг ўткир нури ялангоч бошга, очиқ баданга игнадай санчиларди, гўё. Унинг берган оғрифи кулги кучидан ортиқ эди. Вакт пешинга яқинлашиши билан фақат осмондаги офтоб эмас, қизиб ётган шўр ер ҳам ўз кучини кўрсата бошлади. Ердан кўтарилиган ачқимтил қуруқ шўр эпкин дард устига чиққан чипқондай бўлди. Асиirlарнинг нафас олиши баттар қийинлаша бошлади. Бўғиздан ўтиб-қайтиб турган ҳаво пиёзнинг аччиғи сингари томоқни кесиб қичитмоқда эди.

— Буларнинг иши «Ҳар жойнинг тулкисини ўз тозиси билан тут» деганларидай бўлди-ёв.

- Бу билан нима демоқчисиз?
- Эй, иним. Ўз еримиз иссиғи билан ўзимизни күйдирмоқчи бўляптилар...

Йигитларнинг ниҳоятда руҳи тушганлигини сезган Кертик оға нима биландир уларнинг диққатини бошқа нарсага чалғитмоқчи бўлиб, Довон шоирдан бошлаган олдинги галга тегишли яна бир воқеани айта бошлади.

— Шундай қилиб, Йўлўтандан қайтган Довон шоир Кўшкли қишлоғи ичидан ўтиб бораётганида елкасига сувқовоқни тўлдириб келаётган ёш бир келинга кўзи тушибди. Шоир ҳам, шу десанглар, узоқ йўлни пиёда босиб келаётгани учун қаттиқ чанқаган экан. Сув беришни илтимос қилибди. Келин бола ўзи йўлиқкан йўловчининг Довон шоир эканлигини билиб: «Мени таърифлаб шеър ўқисангиз сув бераман. Бўлмаса бир ютум сув ҳам йўқ сизга», деб кулибди. Довон шоир рози бўлибди...

— Шунақа денг!

— Ҳа. Шунда шоир келин болага тикилибди. Келин бола қорамағиз экан. Йўқ, қорачагинадан келган эмиш...

— Ҳиндилардай экан-да!

— Суханберди пирнинг кайвониси Ўғилсафар элти сингари қоп-қора,— деб қўя қолди Кертик оға.

— Худди устидан тушдинг. Нақ ўша Ўғилсафар элтидай қоп-қора нарса экан...

— Наҳотки?

— Шундай, кейин шеър айтадиган бўлибди. Сўраса, келин боланинг номи ҳам Морол эмиш. Шунда шоир дебди:

Ҳали яхши эндидан,  
Қайчи яхши синдидан<sup>1</sup>.  
Ҳабаш, қора хиндидан,  
Оқдир Моролим, Моролим!  
Ўзи яхшидир занжидан  
Кар яхшимиш мангқадан.

<sup>1</sup> Синди — гиламдўзликда ишлатиладиган пичоқча.

Ўчоқдаги қора тангқа<sup>1</sup>дан,  
Оқдир Моролим, Моролим!

Келин боланинг юзида норозилик пайдо бўлибиди-да: «Бунақа таъриф қилишингизда, томофингизни ҳўлламасдан кетаверасиз, шоир оға», дебди.

— Йўғ-эй?

— Ҳа-да!

Кейин Довон оға яна шеър айта бошлади:

Қовун яхши мозидан<sup>2</sup>,  
Мулла яхши қозидан,  
Кучукли қора тозидан,  
Оқдир Моролим, Моролим!

Телпак яхши соядан,  
Шарм яхши ҳаёдан.  
Қалам ҳамда сиёҳдан,  
Оқдир Моролим, Моролим!

Кертиқ оға оғиз очиб гапиришга қанчалик қийналмасин, иложи борича шу тариқа ёшларнинг кўнглини кўтариш учун ҳаракат қилмоқда эди.

Сирға яхши қўнжиқдан<sup>3</sup>,  
Ҳинжи<sup>4</sup> яхши мунжикдан<sup>5</sup>.  
Жуда қора қанжиқдан,  
Оқдир Моролим, Моролим!..

Шўр босган тепача ёнига келиб тўхтаган ғалати одам Кертиқ оғанинг эътиборини тортди.

Келган одам Блоквил эди.

Бу атрофларда шу кунгача ҳеч кимга ўхшамаган ўзига хос кўринишли, оқ рангли одамнинг пайдо бўлиши, бандиларда озгина бўлса-да, асирик ҳиссини эсидан чиқарди. Улар Блоквилнинг бошидан-оёғигача дикқат билан қарадилар.

Асириларнинг бири секин гап бошлади:

<sup>1</sup> Тангқа — ўчоқда чой қайнатадиган идиш.

<sup>2</sup> Мози — ҳандалакнинг бир тури.

<sup>3</sup> Қўнжиқ — аёллар зеб-зийнатининг бир тури.

<sup>4</sup> Ҳинжи — марварид, инжу.

<sup>5</sup> Мунжик — мунчоқ.

— Қожорларнинг ичидаги сувдай ичган бир фаранг бор дейишган эди, бу шу бўлса керак?!  
— Бўлмағур гапни қўйсанг-чи!  
— Нега бўлмағур гап дейсан?  
— Илмни сув қилиб ичган одам ҳам шу ҳолда, ёлғиздан-ёлғиз, қўриқчисиз бир ўзи кенг майдонда юрадими?

— Илмни сув қилиб ичган бўлса, у етмиш иккита тилни билиши керак, — деб Кертик оға тусмоллади.  
— Э, унинг туришини қаранг, кўп тилни биладиган одамга ўхшамаяпти-ку, — деди йигитларнинг бири унга ўз баҳосини берар экан.

Кертик оға ўзининг гапини маъқулламоқчи бўлди.

— Э, буни билмоқчи бўлсангиз, ундан бир нарсани сўраш керак. Етмиш икки тил билган бўлса, унга, албатта, тушунади.

— Кертик оға, сиз ҳам олдингиз-да, гапни. Ҳай, етмиш иккита ҳам тил бўларми? Қожор денг, қозоқ денг, ўзбек денг. Санаб кўрсангиз ўн-ён икки тилдан нарига ўтолмайсиз. Етмиш икки тилни қаердан олдингиз?

— Айтяпман-ку, сизлар унга бир нима деб кўринг. Илмни сув қилиб ичган бўлса, ҳамма тилни билади. У охун бўлиши керак.

— Нимани сўрасак экан-а, ундан?

— Нимани сўраганингда нима? Бир нарса деб сўра-да, қўй!

Шунда тутқунларнинг бири Блоквилга қараб:

— Эй, сариқ, сенинг отинг нима? — деди.

Ўзига бир нарса дейилганини сезган Блоквил жилмайди. Бироқ, дамини чиқармади.

— Мен сенинг исмингни сўраяпман.

Блоквил бунга ҳам жавоб бермади.

— Етмиш икки тугул, бир юз етмиш икки тил билган бўлсаем, бунингиз туркманчага тушунмаяпти-ку, Кертик оға.

— Нимаям дердим, битта-яримта сўзни эсидан чиқарган бўлиши мумкин, — деди тахминининг тўғри чиқмаганини ҳазм қдолмаган Кертик оға.

— Қани, форсча бир нарса деб сўрайлик-чи, нима қилар экан? Форсча биладиганинг борми ичингизда?

— Форс тилида сувга «об» дейилишини биламан.

— Ана, ана, шу сўзни сўра! — дея Кертик оға ёшуллилик қилди.

— Эй, сариқ одам! Об! Об!

Блоквил яна жилмайди-да, таниш сўз эшитгач, кўлини дарё томонга чўзиб кўрсатди:

— Об! Об!

Кертик оға бошини қимирлатди.

— Ана кўрдингизми? Форс экан. «Об» дейилган эди, дарров ҳаракатга тушди.

— Ҳаракатга тушса-да, бу одам қожорга ўхшамайди, Кертик оға.

Кертик оға яна ўзининг фикрини маъқулламоқчи бўлди.

— Э, буларнинг ҳам бизники каби сариқ, арсари, човдур дегандай ўз уруғлари бўлса керак. Туркман уруғларининг барчасиям бир-бирига ўхшаб тургани йўқ-ку, ахир?!

Сўнгги сўзга тутқунлар қулумсирашди.

— Ҳай, ановини қара, бизга бунча диққат билан тикиляпти?

— Таниб қўймоқчи бўлса керак-да!

Дарҳақиқат, Блоквилнинг асиirlарга яқинлашиб тикка қараб туриши ғалати эди. Туркманлар бу сариқ одам ўзларининг ташки кўринишини синчиклаб ўрганмоқчи эканлигидан бехабар эдилар. Узоқ вақт тутқунларга синчиклаб назар ташлаган Блоквил: «Антропологлар туркманларни монголоид ирқига мансубдирлар деб ёзишган. Бироқ, булар бунақага ўхшамайди-ку, — деб пи chirлади. — Бу тўрт туркманинг калла чаноғи тузилиши, юзларининг думалоқ әмаслиги билан улар европоид ирқига ўхшашияпти-я?!»

Жануб томондан икки нафар қожор оғир бир нарсани судраб тутқунлар томонга кела бошлади. Судраб келаётганлари икки-уч кун олдин ўлдирилган бир одамнинг жасади экан. Сарбозлар жасадни

тутқунларнинг юзига эпкин келиб турган томонга келтириб ташлади.

Жасаддан ниҳоятда ёқимсиз, оғир, сассиқ ҳид атрофга таралди. Бу ҳидга тирик зот тоқат қилолмасди. Бу ҳол олдинги қийинчилик олдида ўлганинг устига тепгандай бўлди. Даҳшатли ташналиқ ҳам эсдан чиқди. Қаттиқ иссиқ туфайли шишиб кетган жасаддан таралган ҳид тутқунларга тоза нафас олгудай шароит қолдирмади.

Шу пайтгача ўлик кўрмаган ёш йигитчанинг ночор овози эшишилди:

— Кертик оға, кўнглим озиб кетяпти. Ўзимни жуда ёмон ҳис қиляпман.

Жасадни кўриб кайфияти шундоқ ҳам тушиб кетган Кертик оғада ҳам кўнгли озиб кетган йигитчага далда бергудай тоқат қолмаган эди. Шунда ҳам у:

— Иним, сен эркак одамсан, чидагин! — деб йигитчани тинчлантирумоқчи бўлди.

Дим ҳавода ўт-чўпнинг боши қимиrlамаса-да, сарбозлар шамол келган томонни чамалаб жасадни яна бир қадар ғарбга тараф судрашди. Бу сафар жасад йигитчанинг тўғрисига келиб қолган эди. Бошқа тутқунлар ҳам мияда санчиқ пайдо қиласиган оғир, ёқимсиз ҳидни сезишиди. Ёш йигитча эса уни ҳам сезмай қолган эди. Унинг бутун тану баданини жунбишга келтирган қўрқув ҳисси ҳиддан ҳам кучли эди.

Жасадга тириклиқда жуда қаттиқ азоб берилгани шундоққина билиниб турарди. Унинг юзида чап қош териси деярли йўқ, сидириб олинган эди. Қон қотиб қолган юзига қараб бўлмас, жуда қўрқинчли. Ичи аллақачон қуриб қолган, оғизда талоққа ўхшаб қўкариб чиқиб турган ваҳимали тил осилиб қолган. Ичи-таши қон билан бўялган, шишиб қўриниши ўзгарган бурун жасад юзини даҳшатли нарсага айлантириб юборган эди.

Йигитча кўзларини юмди. Баданига гўё нам ютургандай туюлиб, пешонасида терга ўхшаш суюқлик пайдо бўлди, юраги бирданига тез-тез ура бошлади.

У кўзларини ҳолсиз очганда, яна ўша олдинги қўрқинчли манзарани кўриб, бақириб юборай деди. Кертик оғанинг: «Иним, сен эркак одамсан, чидагин», деган товуши қулоғида жаранглади. Икки нафар сарбознинг ҳалигача ёnlаридан кетмаганлигини ҳис қилиб, вужудида қандайдир бир куч пайдо бўла бошлади.

Қаердандир бадбўй ҳидга келган иккита катта яшил чивин жасаднинг манглайига қўнди. Улар жасаднинг манглайида жой талашиб, бир-бирларини итаришгандай учиб-кўниб, маза қилиб қон сўрар, навбатма-навбат учиб-кўтарилиб, яна жасаднинг устига қўнарди.

Жасадни олиб келганлар энди орқага қайтиб кетмоқчи бўлганларида, Блоквил ўз қўл остидаги дангаса аскарга дўқ урган зобит сингари овозини баландлатди:

— Тўхтанглар!

Навкарлар нима дейсан дегандай унга қараши.

— Жасадни бу ердан олиб кетинглар!

Сарбозларнинг бири буйруқ берган одамга эмас, балки жасад томонга қаради.

— Олиб кетишга ҳаққимиз йўқ.

— Нима учун ҳаққингиз йўқ экан? Сиз бу жасадни келтиришга ҳаққингиз бор-у, четроққа чиқариб ташлашга ҳаққингиз йўқми? Бу ўтирганлар ҳам сизлардай одам, ахир?!

— Биз буйруқни бажардик, жаноб капрал.

— Бундай буйруқни сизларга ким берди?

— Баланд мартабали мингбошимиз Хуршидхон.

Худди шундай қўйишимизни унинг ўзи буюрди.

Блоквил нафас ололмай қолди.

Иккинчи навкар ҳам шеригининг айтганини тасдиқлади.

— Баланд мартабали Хуршидхонга Қора сартиб жасадни шундай ҳолда қўйишини буюрган. Тушундингизми энди, жаноб капрал?

Мана, энди барчаси Блоквилга тушунарли бўлди.

Баланд мартабали Хуршидхоннинг бошлаган бу ўйини узоқ давом этмади. Асиirlарга бундан ҳам баттар бошқа бир ўйин тайёрланаётган эди.

Орқа томондан тўрт-беш нафар сарбоз пайдо бўлди. Бу жазирама офтоб тифи остида уларнинг ҳуда-бехуда бу ерга келмаганликларини ички бир туйғу билан сезган Кертик оға: «Йигитлар, бу ҳолимиздан ҳам баттар бўлмасак яхши эди, — дея шивирлади. — Ҳарна Оллоҳнинг ўзи паноҳида асрасин!»

Сарбозлар жасаднинг оғир, ёқимсиз ҳидидан нафас олишни исташмай, узоқроқقا тўхтадилар. Уларнинг бошлиғи — новча, қорни семиз сарбоз бурнини бир қўли билан тутиб турган ҳолда манқаланиб дўқ урди:

— Жасадни йўқ қилинг бу ердан!

Хуршидхоннинг кўрсатмасини бажарганлардан бири:

— Бизга жасадни шундай қўйишга буйруқ бердилар, бек оға, — деди.

Бек оғанинг овози шиддат билан даҳшатли оҳангда жаранглади:

— Ўзинг ҳам жасадга айланишни истамасанг, дарров бу ердан уни гум эт!

Даҳшатли оҳангда қичқирганинг буйруги жиддий эканлигини тушунган сарбоз дарҳол ён берди:

— Хўп бўлади, бек оға!

Сарбозлар жасадни судраб чеккароқقا олиб чиқдилар. Шундан кейингина сарбозлар бек оғаси Блоквилга дикқат-эътибор қаратди. Бироқ унинг кимлигини билмагач, нимадир дейиш учун:

— Жаноб, сиз ҳам томоша кўришга келдингизми? — деди.

Блоквил сарбознинг саволига жавоб бермади, аксинча, унинг ўзи сарбозга савол бериб, уларнинг бу ерга нима мақсадда келганликларини билгиси келди.

— Ҳозир шунақанги бир томоша кўрсатамиз!

Бек оға шундай деса-да, сарбозлар нима томоша кўрсатишлари Блоквилга яна тушунарсиз бўлиб қолди.

Олдинлари ҳам қожорларнинг кўп «томушлари»га шоҳид бўлган Блоквил воқеанинг давомини кута бошлади.

Корни катта, новча сарбоз ваҳимали қадам ташлаб, тутқунларга яқинлашиб, энг ёш асирининг иштонига ёпишди. У қўли билан қаттиқ тортганда, йигитчанинг кенг иштони тиззасигача тушди. Буни ҳам оз кўрган сарбоз иштонни тортиб чиқарди-да, қўли билан орқасига улоқтириди. Йигитча уят жойини бекитмоқчи бўлиб ҳаракат қилди. Бироқ икки қўли ҳам орқасига маҳкам боғлоғлиқ бўлганлиги учун буни уддалаётмади.

Бош сарбознинг шериклари ёрдам бериш учун яқинроқ келдилар.

Сарбоз белидаги пичогини қинидан чиқарди-да, бош бармоғи билан ўткирлигини текширди.

— Булар нима қилмоқчи бўлишяпти, Кертик оға? — деб тутқун ёш йигит хавотирли бақирди.

Кўпни кўрган Кертик оға ҳозир бу ерда қанақа томошанинг ўтказилишига аллақачон тушунган эди. Шунинг учун ҳам йигитчанинг саволини жавобсиз қолдириб, сарбозни инсофга чақиришга ҳаракат қилди.

— Сен мусулмон бандасан-ку, ахир, эй хон ўғил! Бу феълингдан қайт, ёш йигитга раҳм қил! Уни омон қолдир, мени нима қилсанг, қил, майли! Мен бу фонийда қўрадиганимни кўрдим, унга тегма!

Пичноқли сарбоз қария томон истеҳзоли тиржайиб қаради-да:

— Сенда кесиб ташлагудай нарса қолганмикан ўзи?! — деди. — Сенинг нарсанг қармоққа чувалчанг ҳам бўлмайди-ю...

— Нарсаси йўқнинг қора калласини ҳам кесса бўлади! — дея Кертик оға йигитчани омон қолдирмоқ учун ўз жонидан ҳам воз кечмоқчи эканлигини билдириди.

Воқеага энди тушуниб етган Блоквил жон холатда:

— Бундай буйруқни сизга ким берди? — деб чинкирди.

Бош сарбоз бу сафар французни ҳам аяб ўтиrmади:

— Томоша қилишни истамасангиз, жаноб, бизга халақит берманг! Бизга ақл ўргатишининг кераги йўқ. Биз ақл ўргатувчилардан жуда чарчадик!

— Унда, сиз бу ишни ўз истагингиз билан қилаётган экансиз-да? Шундайми?

— Мен ўз хоҳишим билан бундай жирканч ишларни бажармаган бўлар эдим, жаноб!

Истагининг амалга ошмаслигига кўзи етган бўлсада, Кертик оға ҳамон уларга ялинмоқда эди.

— Калламни олинг, бироқ бу ишни қилманглар, жон оғалар! — деб навкарларнинг мақсадига тушунган йигитча кўли пиҷоқли сарбозга умид билан додлаб тикилди.

— Каллангни олсак, сен дарров ўласан. Биз эса сенинг узоқ умр кўришингни истаймиз. Оллоҳ ажал бергунча маза қилиб яшаб юр. Биз умрингни сенга совға қилдик!

Қариянинг ёлворишидан ҳам, йигитчанинг ҳаракатларидан ҳам ҳеч қандай натижা бўлмади.

Икки нафар сарбоз йигитчанинг чотини қимирлатмай тутиб турди.

Қориндор сарбоз ўткир пиҷоғини ишга солди. Даҳшатли фарёд теварак-атрофни ларзага келтирди. Йигитчанинг тагидан кесиб олинган авратини қориндор сарбоз уч-тўрт қадам узоқликка отиб юборди.

Кертик оға оҳ тортиб юборди, ўзини йўқотган қария тuya сингари елкалари тинимсиз титраб-қақшади, ўқинчлари беҳисоб эди.

Қариянинг оҳ-фарёди яна икки марта қайталанди.

Навбат Кертик оғанинг ўзига келди. Қариянинг тақдирга тан берганлиги энди унинг ҳис-туйғусиз ўтиришидан ҳам кўриниб турарди.

Кўли қонга бўялган бош сарбоз яна истеҳзоли тиржайди.

— Сени эса, қария, туркманларга уруғлик тарқатсин деган мақсадда омон қолдирамиз...

## 25

*Туркманлар қанча қўрқмас, ботир бўлсалар-да,  
тулки айёргигини қилиб, кундуз куни  
кўзга кўринмасдилар. Қоронеи тушиши биланоқ,  
уйқусираган қоровулларнинг калласини олиб,  
қурол-яровини ўғирлаб кетардилар...*

**Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Жорж Блоквил ўтган кунлари-ю, келгусидаги толеининг қандай бўлиши ҳақида хаёл суриб, қанча кеч уйқуга ётган бўлса-да, бугун одатдагидан ҳам эрта уйғонди.

Чодир ичи у даражада иссиқ бўлмаса-да, дим ҳаво тепасидан босгандай туюлгани учун ташқарига чиқиши мャқул кўрди. Чодир эшиги ўрнига қўйилган гулсиз гиламчани кўтариб қўйгач, икки қадам ташлаб тўхтади. Ўз юрtingда эрта тонгда ташқарига қарасанг — назаринг баланд иморатларга тушарди. Бу ерда эса, бутунлай акси. Атрофга назар ташлаб, саҳрони таърифлаш ҳам унга ҳозир қийин туюлди. Унинг фикрича, эгалари осуда, тинч яшаб юрган вақтларда ҳам европаликлар назарида Яқин Шарқнинг ушбу заминида ҳозирги кўринишида одамнинг эътиборини, кўнглини кўтарадиган ҳеч нарса йўқ эди.

Кўҳна дунёни навқирон йигит қилиб кўрсата оладиган ёз тонги ҳам бу ерда табиатга таъсир этмас экан. Блоквил бу ёқдаги ҳар бир кўрган нарсасини Франциядаги шунга менгзаш нусха билан қиёслашга мойил эди. Айтайлик, ҳозирги турган жойи қиёслаб кўрилса, Франция билан бу ер осмон билан ердай тафовут қилган бўларди. Бешафқат табиатнинг оташнафас ҳавоси ушбу диёр дарахтларининг ям-

яшил бўлиши лозим бўлган япроқлари рангини ҳам ўзгартирган эди. Табиат бу япроқларга офтобда куйган тупроқнинг қулрангдаги муҳрини босибди.

Лекин, барибир, бу ерларда ҳам инсонлар истиқомат қиладилар. Бу ерда ҳам офтоб чиқади, офтоб ботади. Блоквил бугунги бошланаётган саҳарнинг сана ҳисоби 1860 йил 28 июль куни эканлиги тўғрисида ўйлади. Киндик қони тўкилган она юртини тарк этганига ҳам минг йиллар бўлгандай туюлди.

Форсларнинг туркман бош кенти Марвни битта милтиқ отмай босиб олдик деб ҳисоблаганларига ҳам бугун тўққиз кун бўлди. Ўтаётган кунларнинг ҳам сира қизифи йўқ. Эртанги куннинг эса бугундан ҳам маза-матрасиз бўлиши олдиндан маълум эди. Ушбу тўққиз куннинг уч куни фалаба тантаналарининг эпкини остида билинмай ўтиб кетган бўлса-да, қолган кунлар ниҳоятда зерикарли бошланиб, мана, эндиликда кун ҳам ҳеч ботмаётгандай, соатлар ҳам одатдагидан узоқ имиллаб юраётгандай. Фалаба тантаналари оддий кунлар билан бирикиб, ўтмишга айланди.

Туркманларнинг бурчак-бурчаклардан кечаси қиласидан ҳужумларидан сақланиш мақсадида мингдан зиёд от, түя, хачир, эшакларнинг шаҳар чегарасидан ташқарига чиқарилмаслиги, бошқа бир иши бўлмагач, топганини кеча-кундуз еб-ичиб ётган йигирма икки минг навкарлик қўшин ҳам дуч келган ерда ҳид чиқариб ётиши натижасидами, июль ойининг дим, жазирама иссиғида ердан кўтарилиган ёқимсиз бадбўй ис одамларнинг нафас олишини жуда қийинлаштириб юборган эди.

Қора сартибининг шахсан буйруғи билан, шамол йўналишидан келадиган сассиқ ҳидлардан бироз бўлса-да узоқлашиш мақсадида саркарда ва сардорларнинг чодирлари Марвнинг фарбига — Қора Ахмад қишлоғига борадиган йўл чеккасига кўчирилди. Блоквилнинг чодири ҳам уларнинг чодиридан таёқ отим узоқликда тикланди.

Анча-мунча узоклашган бўлишларига қарамасдан, шиптири ҳиди анқиб ётган шаҳар ҳавосининг таъсири бу ерларгача етиб келган эди. Бундай ҳолат Европанинг озодалигига ўрганган Блоквилга жуда ёмон таъсир қилди, уни зериктириб, қилган ишидан пушаймон этди. У кўзини юмса тош қўчали, боғбўстонли жонажон Париж кўз олдида жонланар, қовоғини очганда кўзининг олдида чанг-тўзонли кенг саҳро намоён бўлар, қожор қўшинларининг бўғизни ачитувчи ёқимсиз ҳидлари дархол бурнига уриларди.

Тонг билан ташқарига чиқиб, ёруғ оламни кўздан кечириб турган Блоквилни ҳозир бошқа бир нарса безовта қила бошлади. Маҳшаддан бу ерга келганларидан бери ҳар кун такрорланаётган тушунарсиз ҳолат бугун ҳам давом этмоқда. Эрон саркардаларининг ўзларини қандай тутишларига Блоквилнинг ҳеч ақли етмасди. Эронликларнинг Марв водийси тупроғига қадам босганларига ҳам бир ойча бўлиб қолганди. Бироқ улкан қўшин саркардлари ҳанузгача бўм-бўш шаҳарни эгаллаганлари билан мақтаниб, шунга қаноатланиб юришибди. Улар шаҳарни ташлаб орқага ҳам чекинмас, шаҳарни ташлаб кетганларнинг устига ҳужум қилиб ҳам бормасдилар. Қайтанга кун сайин ботирлашиб бораётган туркманларнинг ўзлари қожорлар устига кетма-кет ҳужум қилаётгандилар. Олдинги кун пешинда бўлиб ўтган тўқнашувни ҳам шаҳарга яширин ҳолда яқинлашган туркманлар бошладилар. Ўша жангда қожорлар йўқотган навкарларнинг сони ўттиздан ортиқ эди. Блоквилнинг баҳо беришига кўра, вақт туркманлар фойдасига ишламоқда. Иссиқ жазирама ҳаво ҳам, оёқ остидаги қайноқ тупроқ ҳам туркманларга ёрдам бермоқда. Бу ҳолат шундай давом этаверадиган бўлса, унинг натижаси эронликлар учун яхшилик билан тугамаслиги аниқ.

Июль ойи ҳам охирлаб борарди. Қожорлар рақибларини тез кунларда бўйсундирмасалар, қишда

бу ишларни амалга ошириш янада қийинлашади. Чунки қиши фаслининг бошланиши билан озиқ-овқат масаласи ҳам, мол-ҳолларни сақлаш масаласи ҳам ҳозиргисидан бешбаттар ёмонлашади. Француз капралининг фикрига кўра, такаларнинг Марвни ташлаб, Қораёпга чекинишлари эронликлар учун омад келтирмади. Бундай чекинишлардан сўнг, кўпинча курашда чекинганнинг ғолиб келганлигига тарихда мисоллар кўп. Бундан Блоквил етарли даражада хабардор эди. Айни чоқда у ўз юртдоши Наполеон Бонопартни эслади – ўшанда ўрус аскарлари Москвани урушиз ташлаб кетгандан сўнг французларнинг ҳолига маймунлар йифлаган эди. Бу воқеа бундан бор-йўғи эллик йил олдин бўлган эди-я!

Ким билади дейсиз? Балки Қора сартиб писанд қилмаган Кўвшутхон ҳам ўрусларнинг Кутузовдай саркардаси сингари бирон-бир мақр-ҳийла ўйлаб қўйгандир?! Балки у ҳам ўзининг ватани учун ана ўша Кутузовдай улуғ саркардадир?! Тарихда воқеалар ҳам, шахслар ҳам тарих учун тақрорланиб туради-ку, ахир.

Тонгги ўй-хаёллар билан айланиб юрган Блоквил теварак-атрофга назар ташлар экан, Эрон қўшинларининг ҳам уйфона бошлаганини кўрди. У ёқ-бу ёқдан пайдо бўлиб кўтарилаётган тутун эгри-буғри сўқмоқлар каби тонгнинг осуда ҳавосида кўкка ўрларди. Шундай бўлса-да, қўшиннинг асосий бўлаги ҳалиям уйқуда. Блоквилнинг назари етган масофадаги чодирлар атрофида хатти-ҳаракат кўринмади.

Эрон қўшинининг асосий қисми Марвнинг кўм-кўк осмони остида. Ҳаво иссиқ, дим бўлганлиги сабабли, сарбозларнинг кўпчилиги кўч-кўронини кўрпа-тўшакка ўраб, дуч келган жойда, очиқ майдонда ухлашга одатланганлар. Бу беташвиш навкарларнинг, бомдод намозини ҳам ўқимайдиган сарбозларнинг елкасини офтоб қиздиргачгина, улар уйқудан уйғонадилар. Такаларнинг бош шаҳрини эгаллаган сарбозу навкарлар мана ҳозир ҳам маст уйқуда.

Асосий вазифаси — Марв вилояти худудининг харитасини чизиш бўлган Жорж Блоквил аллақачон теварак-атрофни яхшилаб ўрганиб олганди. У ҳам шахсан бориб, ўз кўзи билан кўрмаган қишлоқларнинг қай бири қаерда жойлашганигидан ҳам хабардор бўлиб улгурди. Жанубдаги қишлоқни Султониз деб аташаркан. Самандикдан икки фарсах чамаси юрилгач, дарё қирғоғи бўйлаб ёйилиб ётган боғ бўстонга бой якка бир қишлоқ бор, унга «Қўжиқнинг боғи» дейишади. Уни баъзан «Чўғди» деган ном билан ҳам атайдилар. Бироқ, Чўғди шарқ томонга ҳам чўзилиб кетади. Кўжик боғидан жануброқ тарафда Хўжаёп, ундан шимолда Маржон қишлоқлари жойлашган. Шу атрофда Ёзи, Мулкбукри, Мулкбахти қишлоқлари... Марвдан гарбда Кўкча деган бир қишлоқнинг борлиги ҳам французга маълум. Бурказ қишлоғи билан Кўкча орасини Мурғоб дарёси кесиб ўтади. Блоквил у томонларга ҳозирча ўтолгани йўқ. Бироқ у қишлоқларни таржимонлардан, бу ҳудудни яхши билгандардан, тутқунга тушган туркманлардан суриштириб юрибди. Буни ўзи учун уят ҳисобламасди. Ҳатто, у саркарда ва сардорлар билмайдиган қишлоқ номларини суриштириб билиб олди. Унинг топган маълумотига кўра, Бурказ мулки билан Кўкча мулкининг ўртасидан оқиб ўтган Мурғоб дарёсининг ўнг қирғоғида такаларнинг машҳур саркардаси Кўвшутхон яшайдиган ҳовли ҳам бўлиши керак...

Бирдан тонг ҳавосининг тинчлиги бузилиб, Султониз қишлоғининг гарбida чанг-тўзон пайдо бўлди. Чанг-тўзонга сабаб тўрт нафар отлик эканлигини Блоквил дарров англади. Уйқудан уйғонмаган сарбозлар бу вақтда от чоптирмаслиги, ов-шикорга чиқмаслиги маълум. Ов-шикорга чиққан пайтларда ҳам, отларни бу даражада қаттиқ чоптиришнинг ҳожати йўқ эди. Хуллас, бу жуда сирли, ғалати чанг-тўзон эди.

Кўп ўтмай, тўғри узун йўналишни эгаллаб турган сарбозлар чодирларининг жануб томонида шовқин-

сурон кўтарилди. Чала-ярим уйқули қожорлар устига туркманлар ҳужум қилган эди. Ана шу шовқин-суронга сабабчи бўлган тўрт отлиқнинг бир қадар яқин келганидан маъно чиқарган Блоквил саҳарги меҳмонларнинг қора телпакларини бошига бостириб кийган туркманлар эканлигини англаш етди.

Отлиқлар яқинлашган сайин оҳ-воҳ овозлари, шовқин-суронлар Блоквилнинг қулогига аниқ эшитила бошлади. Ширин уйқуга кирган сарбозу саркардалар бу ақлга сифмас ботирликнинг қаршиисида сеҳрангандай ухлаб ётиши ҳақиқатан ҳам танг қоларлик ҳодиса эди.

Блоквил ҳам жодулангандай турган жойида қотиб, эндиликда янада яқинлашиб қолган тўрт отлиқнинг жасур ҳаракатларига томошабин бўлиб қараб қолганди. У кўзи олдидаги манзарага ишонмади — бу ишониб ҳам бўлмайдиган ҳолат эди: қўллари етганича гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга эгри қиличларини мўлжаллаб сермаб келаётган тўрт отлиқ саросимага тушиб қолган қўшин орасидан қаршилик кўрмай, истаган ишини қилиб отда чопиб келишарди. Сарбозларнинг айримлари қотиб турганларича бу хил ўйинни томоша қилишарди. Уларнинг бошларини қимирлатиб туришлари умри давомида биринчи бор Марв тупроғида дуч келган «жўхори» деб аталган оқ бошли ўсимликни Блоквилнинг эсига солди. Ҳақиқатан ҳам ўзига хос бош кийимлари жўхори бошига ўхшаш сарбозлар — бу пайтда қўлига яроғ тутган жонли одамга эмас, балки шамол қайси томонга эssa ўша тарафга қийшайдиган ўсимликка ўхшарди. Навкарлар кимни ўлдириб, кимни яралаб келаётган душманларга қаршилик кўрсатиш ўрнига, жоду-сехр таъсиридан энди чиққандай орқа-олдига қарамай қоча бошладилар. Сарбозлар рўй берәётган воқеани тушуниб, энди ўзларига келгандаридан, отлиқлар уларнинг ёнбошидан ўқдай ўтиб кетдилар. Шу зайлда қинидан чиққан қожор қиличлари бўш ҳавода тебраниб, тўғрисидан ўтиб кетганларга

шунчаки бир дўқ-пўписадай бўлди-қолди. Теварак-атрофни фақат қожорлар ўраб олганлиги сабабли, бундай вазиятда душман орқасидан ўқ ҳам отиб бўймасди.

Шундай қилиб, тўрт нафар отлик деярли қаршиликка учрамай, ўзларининг мақсадларига томон эгри қиличларини усталик билан сермаб йўлни тозалаб борарди. Сарбозлар эса уларнинг орқасидан шовқин-сурон қилганларича қараб қолишарди. Бу ҳол тўрт отлиқни руҳлантиргандан-руҳлантириди. Отлиқларнинг чангиде қолиб, энди қилич ёки тўппончага ёпишган сарбозлар оломон-тўполон бўлишиб, бир-бирларининг эркин ҳаракат қилишларига халақит беришарди. Кўкрак кериб, олдинга чиққанлар эса елдек чопиб келаётган отларнинг тагига тушиб қолишдан қўрқиб, ўз жонларини омон сақлаб қолиш учун икки томонга тирақайлаб қочишар, бу билан отлиқларнинг тўсиқсиз ўтиб кетишлинига имкон яратарди. Тўрт нафар отлиқнинг тўртта қилич билан бундай кўп сонли душман қўшини ичига кириб, бостириб келишининг оддий ҳол эмаслигини фикр қилган қожорлар, уларнинг изидан мингларча туркман сарбозлари бостириб келишяпти, деган ваҳимали ўйда эдилар. Хуллас, ўтиб кетган ҳақиқий хавф-хатар янги-янги хавотирларни юзага келтироқда эди.

Чодир ёнида туриб, ақл бовар қилмайдиган воқеани кузатаётган Блоквил афсусланиб бошини чайқади. Ёнига Қора сартиб қачон келганини ҳам сезмади.

— Ие, муҳтарам сартиб, сиз ҳам шу ерда экансиз?! Кунингиз хайрли бўлсин!

Кулоғи кар одамдай ҳанг-манг бўлиб турган Қора сартибдан ўз вақтида жавоб бўлмагач, Блоквил сўнгги уч сўзни яна такрорлади. Бу сафар саркарда нималарнидир минфириллади. Сўнг шундай деди:

— Жаноб, сиз пичинг қиляпсизми? Ёки...

— Кунингиз хайрли бўлсин дейиш, пичинг бўладими, жаноб сартиб?! Блоквил шароитни

хисобга олган бўлса-да, Қора сартибнинг жавобидан чини билан ҳайрон қолди. — Улуф парвардигор кунингизни хайрли қилсин! — деб такрорлади.

Қора сартиб олдинга — фалати воқеалар бўлиб ўтаётган томонга қараб турар экан, ўзи билан ўзи сўзлашгандай пичирлади:

— Улуф парвардигор кунимизни хайрли қила-диган бўлса, бошимиз устида бундай қилиб тўстўполон кўттарарми?! Томошани сиз ҳам кўриб турибсиз-ку, жаноб капрал.

Блоквил бу гал Қора сартибга қарамай деди:

— Сиз шуни томоша деб ҳисоблаяпсизми?

Қора сартиб тонг ҳавосини куч билан ичига тортиди.

— Томошадан ками йўқ! Мен, тўғриси, буни Оллоҳнинг икки қўли билан уриши деб ҳисоблайман.

— Оллоҳнинг бу воқеага нима дахли бор?

Қора сартиб бу гал капралга олайиб қаради.

— Сиз мусулмон эмассиз-да, жаноб капрал. Бўлмаса, Оллоҳнинг дахли йўқ бўлса, шунча улкан қўшин ичига тўрт нафар отлик қандай қилиб кириб келади, ўйланардингиз, ахир? Кутурган касалга чалиниб кирганда ҳам, минг қилич тўртта қилични чилпарчин қилиб майдаламайдими?

— Бу Қўвшутхоннинг уюштирган ҳийла-найранги, жаноб сартиб.

— Бунинг нимаси ҳийла эмиш? Ажалнинг устига ўз оёғи билан чиққан тўрт нафар тентакнинг улкан қўшин ичига юборилиши ҳам найранг бўладими? Итни ҳам бос-бос деб ҳовлиқтираверсанг, арслон устига сакрайди-да...

— Сакраса, яхши-ку!

Қора сартиб кўзи соққасидан чиққудай бўлиб, французнинг юзига назар солди.

— Тушунмадим?

— Нимасига тушунмайсиз? Ити ўзидан юз баробар кучли йиртқичнинг устига сакрашни

Эплайдиган хонли юртдан эҳтиёт бўлиш керак демоқчиман. Ёки мен хато гапиряпманми?

Қора сартиб эшитганлари тўғрисида ўйга чўмгандай жим бўлди. Шу пайт тўрт отлиқнинг орқароқда бораётгани бўйнига ип ташлангандай, отнинг сағриси устига қийшайди-ю, ерга афдарилиб тушди.

— Ана, кўрдингизми, итнинг аҳволини! — Қора сартиб қизиқ ўйинни томоша қилаётган боладай қувониб. — Ҳозир унинг тит-питини чиқариб ташлашади!

Айтмоқчи бўлган жавоби сартибга маъқул бўлмаслигини билса-да, Блоквил жим туришни истамади.

— Бироқ у тит-пит бўлмасдан олдин кўп қожорларнинг баданига оғиз уриб тишлаган бўлса керак?..

Қора сартиб бу ҳақиқатни тан олди.

— Гапингиз тўғри, жаноб капрал. Тўғри гапни тўғри деймиз-да.

Блоквил энди унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди:

— Ҳақиқий сартиб мана шундай бўлиши керак. Агар ҳақиқат ёқимсиз бўлса ҳам, яширмаслик керак, фалаба шунда келади, жаноб сартиб!

Бўлаётган воқеа тўғрисида Қора сартибининг бунаقا фикр юритиши, тўрт туркман отлифи улкан қўшин ичидаги катта бир ишни бажариб юргандай жумбоқли эди. Блоквил яна ҳайрон қолди.

— Ёвнинг қаҳрамонлигига муносиб баҳо бериш ҳам мардликдан бир нишона! — деди у.

Бу сўзлар паст овозда айтилган бўлса-да, Қора сартибининг қулоғига етиб борди. Бироқ, сартиб ўзини яна бу сўзларнинг маъносига диққат қилмагандек тутди.

Блоквил учун тушунарсиз савол жаранглади.

— Қанақа ёвнинг қаҳрамонлигини айтяпсиз?

Блоквил гапирмоқчи эмасди. Бироқ, қонидаги ўжарлик хусусияти унинг хоҳишидан устун келди.

— Бу тўрт отлиқ сизнинг дўстларингиз эмас-ку, ахир?!

Қора сартиб ўзини ўнглагандай ҳаракатланди, оёқларини у ёқ-бу ёқса ташлаб юрди. Тўсатдан бўғиқ овозда бақир-чақир қилиб шовқин кўтарди, чеккароқда турганларга бир нималар деди. Аммо унинг товуши қанчалик ҳайбатли чиққан бўлсада, тўрт нафар отлиқнинг бостириб келиши билан кўтарилиган қий-чув овозлари ичидаги йўқолиб кетди.

Шаҳзодага тансоқчиликка сайланган сарбозлардан беш-ўн нафарини ҳамон омон қолиб, қўшин орасига ваҳима солиб юрган уч отлиқнинг қарисига қўйишиди. Бироқ, улар ҳам ҳеч нарса қила олмадилар. Чунки уч отлиқ билан чодирлар орасида бир неча минг қизилбош бор эди. Бунинг устига, чодирлар ёнидаги кўч-кўронлар, катта-катта сув идишлари, тую, от, хачир, эшак ва бошқа майдаю қора моллар учун фамланган ўт-хашак, ўтин-чўплар орасидан ўтиб, душман олдига етиб бориш ўнгай иш эмасди. Танланган сарбозларнинг-да қўлидан ҳеч нарса келмай, улар ҳам шароитга қараб иш тутишдан бошқа иложлари қолмади. Уч отлиқ ҳам шуни билгандай, бош чодирга томон юрмай, чап тарафга от солишиди. Ана шу фурсатда Блоквил уларни ўз кўзи билан bemalol кузатиш имкониятига эга бўлди, у оғизларидан оқ кўпик сачратиб олға интилаётган чиройли отларга, бошлари оқ рўмол билан ихчам ўралган уч қаҳрамоннинг кўрсатаётган жанговар ҳаракатларига қойил қолди. Шу вақтнинг ўзида эса довдираб, нима қилишини билмай кучли зарба олдида ожиз қолган қожор қўшини сарбозларнинг дод-вой солиб кўтараётган бақир-чақир овозини, шовқин-суронини эшишиб улардан нафратланди. Сарбозларнинг уруш майдонида эмас, кир-чир майхоналар ичидаги мааст бўлиб, дуч келган жойда тартибсиз думалаб ётишларига рухсат бериб қўйган саркардаларни ичидаги бўралатиб сўқди. Сардору саркардаларнинг бундай шахсий гуноҳлари эвазига

навкарларнинг ҳуда-бехуда ҳалок бўлиши уларнинг уруш санъати сирларидан мутлақо хабарсиз эканлигидан далолат эди.

Ҳануз унчалик узоқлашмаган уч отлик туркман ёвга қилич солар экан, энди «Ё, Оллоҳ!» деган жанговар овозлари Блоквилнинг худди ёнгинасида эшитилгандай бўлди. Улардан қочиб, бири-бирининг устига йиқилаётган навкарларнинг ҳам «Ё, Оллоҳ!» деб фарёд чекишлари эса мутлақо маъносиз туюлди.

Туркманларнинг дадил ҳаракатларини кузатиб турган Кора сартиб тушкун илжайиб, француза қаради.

— Туркманларда «Қочган ҳам Оллоҳ дейди, қувган ҳам», деган мақол борлигини биласизми, жаноб капрал?

Блоквилнинг кулгиси қистади. Бироқ бу воқеадан жони ҳалқумига келган сартибнинг ҳузурида кулиб ёки жилмайиб туришнинг ҳозир ўринсиз эканлигини эсга олиб, дарҳол ўзини тутди.

— Биринчи марта эшитяпман. Яхши мақол экан!  
— Икки томон ҳам Оллоҳ дейди!  
— Икки томоннинг ҳам Оллоҳи бир, бироқ мен унинг ким томонига ён босаётганига тушунмадим.

Кора сартиб:

— Мен эса биламан, — деди-да, французнинг яна жаҳлини чиқарадиган гапини эшитмаслик учун икки қадам олға юрди.

Шу пайт Қора сартибнинг кўзи тонг ҳавосида чала ҳиллира бургани офтоб ва йўлбарс суратли Эрон қўшини байробига тушди. Бу байроқнинг Марв қалъаси тепасида ҳиллира буришига ишончи комил бўлган Насриддиншоҳнинг шахсан ўзи байроқни Ҳамза Мирзага топширган эди. Бу маҳал ушбу жанговар байроқ обрўсини қўриқлаши лозим бўлган улкан қўшин навкарлари тўрт нафар туркманга қарши чиқа олмай, ваҳимага тушиб қолганига сартибнинг ори келди. У бир зум ҳозирги манзарани унутиб, ғалаба онларини — Техронда бўладиган дабдабаю асъасани қўз олдига келтириб кўрди.

Хозирги воқеа-ҳодисалар хабарини эшитган шоҳ Насриддиннинг кинояли юзини кўргандай бўлди. Тўсатдан ўзига келган Қора сартиб:

— Байроқни йиғиштиринглар! — деб қичкирди.

Бу пайтга келиб уч отлиқ туркманинг яна бири отдан ағдарилди. Шундай бўлмаганда-да, бош чодир ёнидаги байроқ билан уларнинг иши йўқ эди. Олдига қўйилган мақсадларига етган ботирлар омон-эсон чиқиб кетишни мўлжал олишар, бунинг учун эса улар энди омон қолиб, Эрон қўшинлари қароргоҳидан соғ-саломат чиқиб олишлари керак эди. Қожорларнинг байробини юлиб олиш ҳозир уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

— Кўшин байроби ёв кўринганда йиғиштирилмайди! — деб Блоквил яна тагдор сўз қилди.

Унинг гапини фақат ўзининг қаҳр-ғазабини келтириш учун айтилаётган вайсақи деб ҳисобловчи Қора сартиб французы гап билан чақиб олиш мақсадида ўткирроқ жавоб ўйлади. Топган жавобини айтишга энди оғиз жуфтлаган пайтда, ўз чодиридан чиққан Ҳамза Мирзага кўзи тушиб, шу заҳоти барча нарсани эсидан чиқарди.

— Кунингиз хайрли бўлсин, марҳаматли шахзодам! Ассалому алайкум!

Кўшин ичидаги қандайдир кўнгилсизликнинг пайдо бўлганлигини сезган шаҳзода алик олди-да:

— Нима воқеалар бўляпти, сартиб? — дея тўнфиллади.

Шаҳзода томонидан савол берилган заҳоти тўғри ва қониқарли жавобни қайтариши лозим бўлган сартиб бир муддат гапиролмай фудраниб қолди.

Шоҳнинг хузуридан бошқа жойда бирон марта берган саволини икки марта такрорламайдиган Ҳамза Мирза овозини баландлатди:

— Бу қанақа гап деяпман? Бу қандай ҳол?

Қора сартиб ҳозир айтадиган жавобидан қўрқувга тушиб, кўлларини бир-бирига уқалади.

— Коровуллар гафлат уйқусида қолишибди... Уч-тўрт нафар туркман...

Кўп уруш-жанжалли воқеаларни кўрган Ҳамза Мирзани ҳозир ташвишга солган нарса ўн-ўн беш нафар навкарнинг ҳалок бўлиши-ю, ўн-ўн беш нафар сарбознинг ярадор бўлиб қолиши эмас. Гап – чақирилмаган меҳмонларнинг тўрға чиқиб, қон тўкиб кетишларида! Бу ҳолат улкан қўшин учун қанчалар шармандалик иш ҳисобланса, бош саркарда Ҳамза Мирза учун ҳам обрў-эътиборига рахна соладиган қабоҷат эди!

Қора сартиб шаҳзоданинг саволига жўяли жавоб қайтара олмай турганида, юзага келган шароит унга ёрдам берди. Йўл йўналиши бўйлаб кетишса, яна қисқа фурсатдан кейин Эрон қўшини ичидан эркинликка чиқиб оладиган икки нафар туркманинг яна бирини сарбозлар отдан ағдаришди. Унинг оти қоқилиб, ўзи икки марта ағдарилиб тушди. Омон қолган тўртинчи туркман қўшин ичидан чиқиб, кунботарга қараб от қўйди.

— Ана, туркман қочди! — деб бола сингари чапак чалган Қора сартиб Ҳамза Мирзанинг кўзи билан кўриб турган воқеани баён қилиб, уни жавоб тарзида ишлатмоқчи бўлди. — Қувинг изидан!

Ҳамза Мирзанинг шошилмай юқори кўтарган ўнг қўли Қора сартиб буйругининг кучи бекор қилинганидан дарак берди.

— Устингизга келганда босолмаганингиз балони энди қочгандан сўнг тутамиз деб ўйлаяпсизми? Бекорларни айтибсиз!

Ҳамза Мирза жуда зарур деб ҳисобламаса, бутун кўч-кўрони билан қалъа ичидан ташқарида бошбошдоқ бўлиб ётган қўшин бўлинмалари орасида ҳеч вақт пайдо бўлмасди. Бу гал эса у ёвнинг ақлга сифмас иш кўрсатиб кетганлиги сабабли, эрталабки нонуштани кейинга суриб, тепаликдан пастга тушди. Таклиф қилинмаса-да, Қора сартиб ҳам шаҳзода изидан қадам ташлади.

Шу пайтгача қожорларнинг барча ҳаракатини кўз узмай кузатиб турган Блоквил одатдан ташқари

воқеа рўй берганлиги учун бош саркарда бундай пайтда ўзини қандай тутишини кўргиси келиб қолди.

Отдан ағдарилган уч нафар туркманинг иккитаси аллақачон ўлдирилганлигини Ҳамза Мирзага етказиши. Тирик қолган туркман ҳам ўттиз-қирқ ёшлар ўртасидаги сариқдан келган бақувват йигит экан. У олд оёқларидан бири синиб йиқилган қора отининг ёнига ҳеч кимни яқинлаштирмаслик мақсадида қўлидаги эгри қиличини у ёқ-бу ёққа сермаб ўйнатиб турарди.

Ажал устига ўз оёғи билан келиб, кўрсатган жасоратининг охири бехайр тугамаслигини олдиндан билган йигитнинг ҳануз душман олдида қилич ўйнатиб туриши Блоквилни қойил қолдирди. Шу туришида ҳозир туркман йигити эртаклардаги паҳлавонни эслатарди.

Сарбозлар қўлга тушган туркманни бирпасда қушнинг қанотини юлгандай тинчтиб ташлашлари мумкин эди. Бироқ, саркардаларнинг бири уни тириклай қўлга олишни буюрди.

Бош саркарданинг шахсан ўзи ва унинг энг яқин сартиби шу ерда пайдо бўлиши туркманинг атрофини ўраб олган сарбозларга янги рух, қувват бағишилади. Улар яна ҳужумга ўтмоқчи эди, аммо туркман билан шахсан ўзи савол-жавоб қилишни хоҳлаган Ҳамза Мирза сарбозларга: «Тўхтанглар!» деб ишора қилди.

Қаттиқ чарчаган ва ҳансираф қисқа-қисқа нафас олаётган туркман эгри қиличининг учини ерга тираб, бир қўли билан манглайининг терини артди.

«Терлашга арзигулик иш қилдинг!» — деб пи-чиirlab қўйди Блоквил ўзича.

Туркманинг ўнг қулоғи орқасидан қип-қизил қон сизиб, бўйини аралаш кўкрагига оқиб тушмоқда эди.

Яраланган, қулоқсиз, бурунсиз қолган, ёки қилич зарби қалтисроқ тушиб озор чекаётган сарбозларнинг дод-войларини ҳисобга олмаганда, атроф жимжит бўлди. Сарбозлар, сардорлар, ҳатто, шаҳзоданинг

ўзи ҳам ўпкаси оғзидан чиққудек нафас олиб турган туркманни зўр қизиқиши билан кузатишарди.

Ҳамза Мирза билан қисқагина маслаҳатлашиб олгач, Қора сартиб тутқун туркмандан сўради.

- Отинг нима?
- Мен — Ортиқ арсариман!
- Шерикларинг кимлар эди?

— Шерикларимнинг иккаласи сизнинг йигитларингиз эрлигини кесиб ташлаган дўстларим эди. Улар ўзларининг туғилмай қолган фарзандларини деб ёв бошини кесмоқ учун отга чиқиб курашишди. Улар мақсадларига етдилар. Армонлари қолмади...

Туркман айтган гапларнинг маъносига тушунмаган Ҳамза Мирза ёнбошида турганларга саволомуз қаради.

Савол жавобини яхши англаған Қора сартиб шошилди.

- Ёруғ жаҳонда яшагинг келадими?
- Ёруғ жаҳонда яшагим келгани учун ёвга қарши от миндим.

Шу пайт чап қулоғининг ярми кесилган, устбошидаги қон томчилари қотиб қолган бир сарбоз кўпчилик орасидан ажралиб чиқди-да, қиличини суғуриб Ортиқ арсарига ҳамла қилди.

Бу ердан энди тирик чиқа олмаслигини билган туркман қилич йўналишидан ўзини олиб қочмади. Қилич сермашда адашган сарбознинг зарби Ортиқ арсарига тегмай, қилич навкар қўлидан отилиб чиқиб ён томонга тушди. «Асирни тириклай қўлга олинглар!» деган фармонни бажармоқчи бўлган сарбозлардан бири тушган қилични қўлига олган юртдошининг қўлидаги қуролини ўз қиличи билан уриб тағин ерга туширди.

Блоквил бошини чайқади: «Мен шу пайт Ҳамза Мирзанинг ўрнида бўлганимда, бу мард туркманга қолган умрини совфа қилган бўлардим. Инсон кўзи олдидан пашша учиб ўтса-да, хеч бўлмаганда киприклари билан кўзини юмиб олади, бироқ очик қўймайди. Туркман эса қилич зарб билан унга урилаётганда ҳам ўзини олиб қочмади...»

Ҳамза Мирза «хоҳлаганингизни қилинглар» дегандай, ҳеч қандай буйруқ бермасдан чодири томон юра бошлади. Тўсатдан унинг назари ярадор сарбозларга тушгач, орқасига қайрилди. Қора сартиб, шаҳзода туркманга қандай жазо бериш лозимлигини айтиш учун қайрилди, деб ўйлади. Бироқ Ҳамза Мирза кўпчиликнинг ичидаги обрўсини тўқмоқни истамагандай, Қора сартибга қаради-да, паст товуш билан шундай деди:

— Тўрт нафар туркманнинг шунча тўс-тўполон кўтариб, сарбозларни қийратишига имкон бериб қўйганинг учун сени отга судратиш ҳам камлик қилади!

Бош саркарданинг бу сўзларини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаган бўлса-да, Қора сартибининг туси ўзгариб кетди. Шу вақтнинг ўзида унинг миясига: «Туркманни отга судратиб ўлдириш лозим», деган фикр келди.

Саркардаларнинг бирига шу ҳақда буйруқ берди.

Эрон қўшини ичидаги сардорлар, мингбошилар ичидаги Ҳамза Мирзадан бошқа ҳеч ким Қора сартибининг буйруғини икки қилолмасди. Шу сабабли ҳам шаҳзодадан эшитган нохуш сўзларнинг аламини Ортиқ арсаридан тезроқ олиш мақсадида, Қора сартиб бош саркардани чодиригача кузатиб борди-да, сўнг дарҳол изига қайтди.

Икки ўрам ип билан бир жуфт от келтирилгач, янгидан ўтказилажак «Бекзодалар томошаси»ни олдиндан англаган Блоквил Эрон саркардаларининг ишларига қаршилик кўрсатишига ҳаққи бўлмаса-да, қалбининг тўрида пайдо бўлган умидли фикрни амалга оширишга интилди.

— Жаноб! — деб у Қора сартибга шоша-пиша мурожаат қиласкан. — Уруш шароитида душманингни афв қилиш йўли билан ўзингникиларни ҳам ўлимдан сақлаб қолишга йўл очилишини сиз яхши биласиз!

Қора сартиб ёнидаги навкарбошига топшириқ берәётган киши бўлиб вақтни ўтказа бошлади.

Бир томондан, французнинг шунчаки содда кўринган, бироқ сартиб шошиб тургани учун бош оғритишни истамаётган бу фикри маъқул кўринса-да, бунга сартиб бефарқ қаради. Унинг бу ҳаракатида «хоҳласам омон қолдирман, хоҳламасам жазо бераман» дегандай маъно бор эди. Чунки сартиб ўзини Блоквил билан аввал ҳам сухбатлашган вақтларида французнинг ҳаққоний фикрларини кўпинча эътиборга олмаётгандай тутарди. Сартиб бу гал ҳам ўзининг разилона қалбини яна бир марта очишни маъқул билди.

— Жаноб капрал, қани йўқолинг бу ердан! Гапни айлантириб туришнинг нима ҳожати бор?! — вишиллади у.

— Мен, мана шу асирни кечадан олдинги кундаги тўқнашувда туркманлар қўшинимиздан асирга олган эронликларнинг бири, балки икки нафари билан алмаштира оласиз, демоқчиман.

Қора сартиб тиржайдими, қовоқ уйдими француз тушунмади.

— Навкарларимиз ёвга арзимаган яра солишгаям улгурмай асир тушдилар. Бу туркманинг нималар қилганини сиз ўз кўзингиз билан кўрдингиз-ку, жаноб капрал!

Теварак-атрофга яна бир бор қараб қўйган Блоквил унинг фикрини тасдиқлаб бош қимирлатди:

— Бу сўзингиз, жаноб сартиб, жуда тўғри. Тўртта туркман бутун бир қўшинга бало келтирди, саросима солди. Лекин ўз одамларимизни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Қора сартиб Ортиқ арсарига нафратомуз тикилди.

— Уни бир асиrimиз билан алмаштириб, жонини сақлаб қолсак, дўзахга кирадиган одамни жаннатга юборгандай бўлмаймизми?

— Бироқ сиз ўз сарбозларингизнинг бирини ўлимдан қутқариб қолсангиз, бу — қўшинни бир навкар билан кўпайтирган бўласиз, шуни ҳам ёддан

чиқарманг! Ҳарбий ҳаракат вақтида бор бўлган барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқ даркор, сартибим.

Кора сартибга сўнгги сўз, айниқса, ёқиб тушди. Аммо у французнинг берган оқилона маслаҳатини бир тийинга олмаслигини кўрсатиб қўйиш учун «Бошланглар!» дегандай ишора қилди.

Кўли боғлиқ Ортиқ арсарининг ҳар иккала оёғига ҳам ип қаттиқ туғиб боғланди. Ипларнинг иккинчи учи эса иккита отнинг бўйнига илдирилди. Сўнгра отлар бир вақтнинг ўзида қаттиқ қамчиланди.

Хали Кораёпдан қожорлар томон кафанини белига ўраб келар экан, Ортиқ арсари ўзининг ўлими олдидан Қуръони каримдан сура ва оятлар ўқиб чиққани сабабли, ҳар қандай оғир жазони ҳам ҳеч иккиланмай кутиб олишга тайёр эди. Бироқ, у ҳозир ўзига-ўзи берган бардош ва мардлик ваъдаси устидан чиқа олмади. Начора. Бу ерда дунёнинг энг мард кишиси ҳам, агар ақл-онги ўзида бўлса, Ортиқ арсарини ожизликда айблашга ҳаққи йўқ эди.

Ниҳоятда оғир жазоланиш туйфуси ҳозир туркманинг эрк-ихтиёрини ўз измига олди. Ортиқ арсарининг инсонга хос бўлмаган даҳшатли қичқириғи Блоквилнинг вужуд-вужудини қаттиқ титратиб юборди. Бу товуш, ҳатто, Ортиқ арсарининг хотини айриб, оёқларини гавдасидан юлиб ташлаш учун сағрисига қаттиқ қамчи урилган отларни ҳам даҳшатга солганди. Отларнинг кишинаб чиқарган мудҳиш овозлари шундан далолат берарди.

Фарб томонга чопқирган тўриқ от Ортиқ арсарининг гавдасидан узилган бир оёғини ипга судраганча кўздан узоқлашиб кетди. Жазога тортилган туркманинг фарёди энди бошқа эшитилмади.

Тўриқ отнинг изидан ҳар томонга қон сачратиб, чанг-тўзонда судралиб бораётган якка оёққа кўзи тушган Блоквил бундай даҳшатли кўринишга чидай олмай, икки қўли билан бошини туттганича ўтириб қолди.

Ҳар куни ўтин, молларга ўт олиб келиш учуң саҳрого бориларди. Ҳар сафар ҳам ҳачир, от ёки одамлар ўзиранарди. Эндиликда ўқ-дорини ҳам эҳтиёткорлик билан сақлашнинг иложи бўлмай қолаётган эди.

### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг ўзини тутиши Мурғоб дарёси қирғофида кўч-кўронли улкан қўшин билан Марв вилоятини бўйсундириш учун юборилган бош саркардага ҳечам ўхшамас, шаҳзода дарё бўйига узоқ вақт дам олишга чиқсан одамга менгзарди.

Блоквилнинг эшлишига кўра, Ҳамза Мирза Насриддин шоҳнинг жияни эди. Шу сабабли француз унинг маъно-мақсадсиз ҳаракатларидан икки хил хулосага келди: биринчидан, йигирма минглик қўшинга минг-минглаб от, тую, ҳачирга қанчадан-қанча сармоя сарф қилиб, кунини бемақсад ўтказса-да, шаҳзода ўз тоғасидан қаттиқ гап эшитмаслигини билади. Иккинчидан эса, Ҳамза Мирза туркманларнинг кучини ожиз деб ўйлаб, уларга нописандлик билан қарайди. Ана шу иккинчи масалада Блоквил шаҳзоданинг фикрини, айниқса, нотўғри деб ҳисобларди. Блоквил улкан қўшинга қўмондонлик қилиб, ғалаба ва мағлубият, алам ва қувончларининг барчасини бошидан ўтказган кекса аскар эмасди. Нари борса, йигирма саккиз ёшли капрал душманнинг арзимас кучини нописандлик билан «шу ҳам кучми» деб қараб, буни урушга қуролсиз кириш билан баробар, деб ҳисобларди. Тўғриси, Блоквил така туркманларнинг қанчалик куч-қудратга эгалигидан ҳам бехабар. Бироқ ҳарбий ҳаракатларда ғалабани куч-қудрат эмас, балки ҳийла, жасорат ҳарбий фаросат таъминлайди.

Туркманларда ҳийла ҳам, жасорат ҳам бор экан — Блоквил мана шуни яхши билиб олди.

Буни бугунги тонгги ҳужум ҳам исботлади. Бу ҳужум Эрон қўшини гавдасига битмас яра сололма-

ган бўлса-да, ҳар ҳолда, туркманларнинг руҳига руҳ қўшиб, қожорларнинг кайфиятини туширгани аниқ.

Блоквилнинг бугунги тонг олдингилардан ҳам нокулай кечажагини, жиддий воқеа-ҳодисаларга бой бўлажагини тахмин қилди. Эндиликда навкарлар Қораёп томонга эмас, балки қўшиннинг асосий қисми жойлашган Пўрсиқалъа тарафга ўтин-чўп йифиш учун боришга ҳам қўрқиб қолгандилар. Марвдан ярим фарсах нарига чиқадиганлар ҳам ёки ем-хашак, ўтин йиғадиганлар ҳам ёнига фақат яроғли отлиқлар қўшиб қолмай, балки бир-иккита тўп ҳам қўшиб судрайдиган бўлдилар. Бу ҳам француз капралининг, Эрон қўшини руҳиятига рахна етди деган тахминининг тўғрилигини тасдиқларди.

Эрон қўшини қўмондони «Кўвшутхон биз билан уруш қилишга журъат этолмайди, у, албатта, бизга таслим бўлади» деб ўйларди. Блоквил эса буни ҳаётда тасдиқ бўлмайдиган гумон, ҳавои ҳаёл деб ҳисобларди. Ахир, қўл қовуштириб Эронга тебе бўлишга қўникадиган одам, яъни Кўвшутхон, йигирма олтинчи июлда Марв атрофда эронликлар билан дастлабки тўқнашувини ўтказармиди? Йигрма саккизинчи июль куни тонг саҳарда тўрт нафар фидойи туркман отлиғини уйқуда ётган эронликлар қўшини устига юборармиди? Улуг хоннинг бу хил саъй-ҳаракатлари душман кучини текшириш, руҳий жанговарлигини синаб кўриш учун қилинган ҳарбий хийлалардан эди. Кўвшутхон охирги ҳарбий ҳаракат натижаларининг ўзи учун оғир гуноҳ бўлиб қолмаслигини ҳеч қачон эсдан чиқармасликка ҳаракат қилаётган эди.

Жорж Блоквил така хони Кўвшутхоннинг ҳийласидан эронликларнинг тўғри хulosса чиқармайтганлигига ҳайрон эди. Ҳамза Мирза ҳам, Қора сартиб ҳам Марв босиб олингандан бери туркманларнинг тун қоронғисида амалга ошираётган қисқа ҳужумларидан хulosса чиқармаяпти! Кундуз куни шаҳардан озгина чиқилса бас, такалар овоз чиқармай келиб таппа босадилар, қарабсизки, шу тариқа йўқотилган навкарлар сони ҳам юздан

ошиб кетди! Такалар икки дона сариқ тўпни ўқ-дорилари билан олиб қочсалар-да, эронликлар яна тўғри хулоса чиқаришмади. Аксинча, беклар, сардорлар, сипоҳилар ўзларининг ёт тупроқда эканлигини буткул эсдан чиқариб, от чоптириб мусобақа уюштириб юришибди, ов қилишади, шикорга чиқишади, кайфу сафо қилиб юришади. Кунлар, ҳафталар, ойлар эса ўтиб бораради.

1860 йилнинг саккизинчи сентябрь куни эрта билан Ҳамза Мирза чодирининг теварагида ғимир-ғимир, ғала-ғовур кўпайиб, одамлар тўплана бошлиди. Нима гаплигидан хабари йўқ бош саркарда енгил кийим-либосларда баланд чодирдан ташқарига чиқди.

Кўшин бошлиқлари, беклар, мулла-муфтийлар, ошпазлар — барчалари олдинма-кетин эгилишиб, шаҳзодага таъзим қилдилар. Улардан сал узокроқда бир гуруҳ хизматкорлар тўдаси ҳам бор. Уларнинг ёнида узун қуйруқлари ерга тегиб турган, қоринлари ичига ботган, шалпангқулоқ този итлар бир-бирларига суйкалишиб турарди.

Тозиларга кўзи тушган Блоквил шаҳзоданинг яна Сайдносир қамишзорига ёки Пўпушқумнинг баланд қум барханларига қуён овлаш учун отла-наётганини тушунди.

Хизматкорлардан бири бедов отнинг жиловидан тутиб, бири от ёлига ёпишиб, яна бири шаҳзода оёғи остидаги узангига айланиб, Ҳамза Мирзани қўлларида кўтарғандай отга миндиришди. Бироқ ҳайбатли оқ бедов ҳали юриб улгурмасданоқ, туркманлардан элчи келганлиги тўғрисида хабар бўлди.

Ов сафари бошланмай туриб тўхтагани учун Ҳамза Мирза бу хабардан жаҳли чиқиб отини ҳайдаса керак, ёки туркман элчисининг бошқа бирор куни келишини айтиб кетса керак деб ўйлаганлар адашдилар. Тахмин бутунлай бошқача чиқди. Қайтанга ушбу хабарни эшишиб, Ҳамза Мирзанинг кайфияти кўтарилгандай бўлди. У дарҳол отдан тушди. Оёғи ерга тегар-тегмас:

— Охири тақдирга тан беришибди-да! — деб кўйди. Унинг овозида ҳам кайфичнолик сезилди. Атрофдагилар енгил нафас олдилар.

Шаҳзоданинг ёнида турган Қора сартиб ҳам кек билан тиржайиб:

— Кучларининг teng келолмаслигига ниҳоят ақллари етиб, тавбасига таянишибди-да, улар, — дея бош қўмондонга ялтоқиланди. У Ҳамза Мирзанинг қўлидаги қамчини таъзим билан олди-да, хизматкорларга тутқазди.

Блоквил Қора сартибининг жадал ҳаракатларини кузатар экан, хаёлига дарҳол: «Битта гавдада икки одам жойлашса жуда фалати бўлар экан», деган фикр келди.

Ҳақиқатан ҳам Ортиқ арсарига жазо берилган вақтдаги ҳукмфармо Қора сартиб билан ҳозирги Қора сартиб — бутунлай бошқа-бошқа кишилар эди. Ўша вақтда чаноғидан чиқай-чиқай деб турган ваҳший кўзлар ҳозир мўмин-мусулмоннинг кўзларига, ернинг юрагини ёраман деб ташланган ўша арслон ғазабли қадамлар бугун мушук одимига, ўшандаги тик қоматлар энди букри гавдага айланганди. Ҳатто, сартибининг ўтқир тиканакдай тиккайган қора мўйловлари ҳам энди шалпайиб қолгандай кўринарди.

Ҳамза Мирзанинг орқасидан чодир томон қадам ташлаган Қора сартиб Блоквилнинг ёнидан ўтаётиб ўзи билан ўзи сўзлашгандай шивирлади:

— Ҳамза Мирзанинг сиёсати ана шундай натижага олиб келди, жаноб капрал. Мен бу тўғрида сизга кўп марта айтгандим.

Кўп вақт ўтмай, овга бориш ниятлари амалга ошмагач, тўдалашиб турган сипоҳио беклар орқасидан ўрта бўйдан баланд, узун тўну белбоғли, бошига қора силкма телпак кийган туркман пайдо бўлди. Унинг ёнида ёши элликларга яқинлашган яна бир одам бор эди.

Ов-шикор кийимларини алмаштириб, чодиридан ташқарига чиқсан Ҳамза Мирза, элчини ичкарида қабул қилишга майли бўлса-да, меҳмонларнинг етиб

келганини күргач, ялтиллаб турган түнининг зар белбоғидан икки қўли билан тутганича гердайиб тураверди.

Туркман элчиси олдиндан танишдай тўғри Ҳамза Мирза томонга юрди. У бош саркардага икки қадамча қолганда тўхтади-да, бошини эгиб унинг ҳурматини жойига қўйди.

— Ассалому алайкум, улуғ ҳурматли шаҳзода!

Ҳамза Мирза саломга алик олди.

— Мен туркман хони Қўвшутхоннинг ҳузуридан маҳсус келган элчиман, муҳтарам шаҳзода!

— Биламан, — деб Ҳамза Мирза мулоийим жилмайди. -- Бундан бир ой олдин келармикансиз деб ўйлаган эдик. Албатта, зарур ташвишларингиз чиққан бўлса керак-да.

Бош саркарданинг киноя оҳангига ўзини тушуммаган одамдай тутган элчи бир-икки марта бош силкитиб қўйди.

— Тўғри айтдингиз, марҳаматли шаҳзода! Ростини гапирдингиз. Янги манзилга кўчдик. Уй-жой тикладик, ўрнашдик, мол-ҳол, кўй-эчки, от-туяларга қўралар қурилди, хуллас, ташвишимиз ўзимизга етарли бўлди.

Бу жавоб бош саркардага маъқул келмади, ёмон таъсир қилди, шу сабабли у овозига куч бериб:

— Ислам-шарифингни айт! — деди.

— Менинг исмим Тожкўқ сардор. Йўлдошимнинг исми мулла Эгамберди. Таржимонимиз бўлади. Иккаламиз ҳам Қўвшутхоннинг хос кишилариданмиз<sup>1</sup>.

— Қандай хабар келтирдинг? — Ҳамза Мирза бу саволни жим бўлиб турмаслик учун шунчаки айтди. Чунки унинг фаҳмлашича, туркман элчиси олиб келган хабар айтилмаса-да, тушунарли эди.

<sup>1</sup> Атоқли адаб Берди Кербобоевдан эшлишишмча, Ҳамза Мирзага Қўвшутхоннинг хатини элтган элчи — Туркманистон халқ комиссарлари советининг бошлифи Қайғисиз Отабоев (1877 – 1937)нинг отаси бўлган экан (муаллиф изохи).

Тожкўк сардор жавобга шайланди. У чап кўлтиғидан олган қофозни таъзим билан Ҳамза Мирзага узатди.

Ҳамза Мирзага қофозни олди-да, ёнбошида турган Қора сартибга узатди:

— Ўқи!

Думалоқланган сариқ қофозни дарҳол текислаган Қора сартиб, бош қўмондон томон бошини қийшайтириб хатни ўқий бошлади. Унда шундай ёзилган эди:

«Така хони Кўвшутхон ибн Аваздурди номидан маълум бўлсинким, эй Ҳамза Мирза! Эй Қора сартиб! Эй шаҳзода ва сипоҳилар! Сизлар Насриддиншоҳ қўшинига бош бўлиб, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб, бизнинг юртимизга келибсиз. Сизлар бизга хабар юбормай, неча ойлаб кўҳна харобалар ичидан има ишлар қилиб юрибсизлар? Агарда сизларда урушмоққа мойиллик бўлса, келинглар, курашайлик. Ёки сизлар кўҳна харобазордаги хачирларга мойиллик кўрсатиш учун келган бўлсангизлар, у вақтда бизнинг Марв юртимизнинг баракатини қочирманглар-да, келган томонингизга жўнанглар. Мақсадингиз хачирга мойиллик кўрсатиш бўлса, нима, сизнинг ўз юртингизда кўҳна харобалар йўқми?!»<sup>1</sup>.

Ҳамза Мирзанинг дами ичига тушиб кетди. Бундай хақоратомуз хатни баланд кўтаринки товуш билан ўқиган Қора сартибининг эса бутун вужуди титради. У олдин шаҳзодага, кейин эса Тожкўк сардорга тикилди. Унинг икки одамга қараши ҳам икки хил кўринишида эди: шаҳзоданинг юзига кечирим сўрагандай ҳолатда, бечораҳол кўринишида қараган бўлса, элчининг юзига фазаб ва нафрат билан қаради. Ичидан эса «бундай мазмунда хат олиб келтиргани учун шаҳзода ҳозир элчининг бошини

<sup>1</sup> Кўштироқ ичидан келтирилган хат Берди Кербобоевнинг «Қайғисиз Отабой» романидан олинди. Бу матн бизнинг халқ орасида юриб тўплаган материалларимиз билан сўзма-сўз тўғри келади (муаллиф изохи).

сапчадай юлиб ташлашга буйруқ беради. Ҳақоратомуз хатни бунчалик баланд овозда ўқиганим учун мени ҳам тинч қўймаса керак...» деб ўйлади. Бироқ, у ўзига қандай жазо берилишини олдиндан тахмин қилолмади.

Қора сартиб кутган ғазабдор ҳаракатлар рўй бермади. Ҳатто, Ҳамза Мирза бу мактубнинг қаҳрғазаб қўзғатганини ҳам ошкор қилмади. Қайтанга олдингидан ҳам мулоим оҳангда элчига савол берди:

— Кўвшутхон ўз ўлимини бўйнига олибдими, элчи?

Тожкўк сардор жўнгина жавоб қайтарди.

— Аҳли одамзоднинг жони омонатдир, муҳтарам шаҳзода.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Бу билан демоқчиманки, фақат туркман хони Кўвшутхонгина эмас, дунёга келган аҳли бандада жонининг омонатлигини бўйнига олмоғи керакдур, муҳтарам шаҳзода! Ажал деб аталган нарса — Оллоҳ яратган барча жонли жонивору одамзоднинг бошига тушадиган қисматдир.

Элчининг сўзларига жиддий дикқат қилмаган Ҳамза Мирза:

— Кўвшутхоннинг хатига мактуб билан ҳурмат билдирайликми ёки оғзаки жавоб берайликми? — деди.

— Бизлар учун бунинг фарқи йўқ, муҳтарам шаҳзода. Мактуб берсангиз — мактубни олиб кетамиз, оғзаки жавоб айтсангиз — сўзингизни топширамиз.

Ҳамза Мирза ғазабнок ички фикрини табассумга ўраб сиртига чиқарди. Бундай bemaza хат олиб келган элчининг қайта-қайта «муҳтарам»лаб туришига, мана шундай ўзига хос табассум билан баҳо беришни лозим топди.

Шундай бўлса-да, шаҳзода ўзини бир муддат ҳам осойиш тута олмади. Унинг лаблари титраб, яноқлари уча бошлади.

— Сен хатнинг мазмунини бу ерга келмасингдан олдин билармидинг, эй элчи?

— Билар эдим, — Тожкўк сардор тўғрисини айтди, — бу хат ёзилаётганда мен ҳам тепасида турганман. Хурматли Кўвшутхон хатнинг ҳар сўзини кенгашиб, маслаҳатлашиб ёздири.

Жавоб бош саркардага болға билан ургандай таъсир қилди. Демак, хатдаги бемаъни сўзлар биргина Кўвшутхоннинг ўз фикри бўлмай, балки бутун така туркманларининг Ҳамза Мирзага бўлган муносабатини англатар экан-да?!

— Бу хатни қўлтифингга солганингда хат ўрнига илон солаётирман деб ўйламадингми? Сен молбоқар ё подачи эмас, элчи бўлиб келдинг-ку, ахир?!

— Бизнинг элда «Элчига ўлим йўқ» деган ҳикматли сўз бор, муҳтарам шаҳзода. Шунинг учун ҳам...

— Маъқул! — деб Ҳамза Мирза Тожкўк сардорнинг сўзини бўлди. — Кўвшутхоннинг мактубига жавоб шундай бўлади: Хонингизга айтинг, эл-юртига, бола-чақасига раҳми келмаётган бўлса, мактубдаги сўзлардан сўнг курашга тайёрланиб, отига минаверсин!

— Туркман доимо от устида, муҳтарам шаҳзода!

— От устида бўлса, кимнинг қаерда хачирга мояйиллик кўрсатишини мен ўзим айтаман, иншооллоҳ.

— Биз ҳам Оллоҳ деймиз...

— Оллоҳ деган бўлсангиз, Кўвшутхон ўзининг тепасида отларимизнинг чанг-тўзонини, албатта, кўради, элчи!

Ҳамза Мирзанинг сўнгги гапига ҳам муносиб жавоб беришга тайёр турган Тожкўк сардор бу гал хотиржам деди.

— От тепкисини от кўтаради, шаҳзода!

Кора сартибнинг қўлида титраб-шитирлаб турган қофозни олган Ҳамза Мирза Тожкўк сардорнинг «Элчига ўлим йўқ» деган сўзини эсга олди, шекилли:

— Элчини омон-эсон кузатиб қўйинг! — дедида, шартта орқасига ўгирилди. Унинг гавдаси баланд чодир эшиги орқасида қўздан фойиб бўлди.

Кора сартиб бўшашганича:

— Худога минг бор шукур! — деб юборди.

*Сафар ойининг 25-сида полклар эшагу хачирларга озиқ-овқат юклаб, усти тўпли 24 та саванни ҳам судраб, Марвнинг чеккасида ҳарбий ҳолатга келтирилди. Эртасига Эрон қўшини тақалар қўргони томон ҳарбий юриш бошлади.*

### **Сайд Мұхаммад Али ал-ХУСАЙНИЙ**

*Туркманлар бир у ёғимиздан, бир бу ёғимиздан кетма-кет ҳужум қилиб тинчлик бермай қўйишиди. Улар бизнинг бир қанча науқарларимизни ўлдиришиб, 15 та туяга юклangan ўқ-доримизни ўлжа қилиб кетишиди.*

### **Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Кўвшутхоннинг Тожкўк сардор орқали юборган хати Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг қалбини ари уясига айлантириди, алғов-далғов қилиб юборди. Ҳаракатга келган заҳри кучли ариларнинг эндиликда ташқарига отилиб чиқишига шубҳасиз сабабчи эди. Уларнинг қачон, қаерга қараб учишлари ҳам маълум эди.

Туркман әлчиси орқасига қайтиши биланоқ, Ҳамза Мирза олдинги фикрини ўзгартириди. Шикор сафарини Қораён юриши билан алмаштириди. Тўпу милтиқлар назоратдан ўтказилди, карнай-сурнайларнинг чангি артилди, отлару хачирларга ем-хашак берилди, сугорилди.

Ҳамза Мирзанинг хулосасига кўра, Марвдан Қораён оралиғидаги уч фарсахча йўлни омон-эсон босиб ўтган қўшин, тақаларнинг қўрғонини узоди билан икки соат давомида йўқ қилишгач, шомда ёки эртасига орқаларига қайтишлари керак эди.

Ўзини саранжом-саришта биладиган Қора сартибининг кўрсатмасига мувофиқ, қўшин учун зарур бўлган кўп кунлик қурол-яроғ, озиқ-овқат ҳам қўшин билан бирга олиб кетиладиган бўлди.

1860 йил ўнинчи сентябрда қожорларнинг улкан қўшини Қораёпга юриш бошлади. Марвда қолдирилган кўч-кўрон, озиқ-овқат, ҳарбий анжомларни қўриқлаш учун сартиб Оға Ризохон Ажданбоши раҳбар қилиб қолдирилди. Унинг қарамогида иккита махсус полк ҳам бор эди. Қазвинликлардан иборат ёлланма сарбозлар ҳам ана шу иккита полкка ёрдамчи куч сифатида қолдирилди.

Оға Ризохон Ажданбошининг бурчи фақат қалъани қўриқлаш бўлмай, шомда ёки эрта-индин орқага қайтишлари кутилаётган сарбозларга иссиқ озиқ-овқат тайёрлаш, мол-ҳолга ем-хашак йиғишнинг ташвиши ҳам топширилган эди.

Кўшин ҳаракатга тушиб, Марвдан чиқди. Унинг боши ҳам, кети ҳам кўринмас эди. Кўп вақтдан буён осмондан тушган намни кўрмаган навкарларнинг, ҳайвонларнинг юз-кўзи тупроқдан кўтарилган оқиш чанг-тўзондан таниб бўлмайдиган даражага етди. Дараҳту буталарнинг ранги оқариб қолди. Йўл чеккаларида, ариқ бўйларида ўсиб ётган қовоқ ўсимлиги япроқлари устига тушган чанг-тўзонни кўтаролмай, шалпайиб қолди. Ҳатто, қушу мусичалар ҳам уяларига биқиниб олишга мажбур бўлдилар.

Қожор қўшинлари аравада олиб бораётган йигирма тўрт дона сариқ тўпнинг силжиб бориши, айниқса, ваҳимали эди. Эронийлар унинг қора кучидангина эмас, балки баданга кўрқинчли титроқ соладиган, хавф туғдирадиган чанг-тўзонидан ҳам фойдаланиб, туркманларнинг кўнглига ваҳима солмоқчи эдилар. Марв тупроғи кўп замонлардан бери, балки Чингизу мӯғуллар давридан сўнг бундай хайбатли воқеага шоҳид бўлмаган эди.

Икки юзтacha беквачча ва сипоҳилар тўдаси қўшиннинг асосий бўлагидан товуш етадиган ма-софада узоқлашди. Уларнинг айримлари оқ бедов отли Ҳамза Мирзанинг олдинда бораётганига қарамай, бачкана ҳаракатлар қилишарди. Эрон қўшини важоҳатидан кўркиб, бор нарсалари ҳам

тўла йигиширилмаган, шоша-пиша, чала-чулпа қилиб ташлаб кетилган қишлоқлар ичидан ўтаётганда ҳам сарбозлар шунчаки ўтмас, ҳеч бўлмаганда, деворга илиниб турган, теридан тикилган қоп ёки эсдан чиқарилган сузмахалталарни пичоқ ва ханжарлар билан тилка-поралаб ўтишар, пахса деворларни тепиб-йиқиб кетишарди. Гапнинг қисқаси, Марвни курашсиз эгаллаб, шуҳрат васвасаси ила гердайган сарбозлар жуда зерикканларидан ўзларини шу йўл билан совитишарди.

Марвга бостириб кирган куни Техронда ҳам, Ҳамза Мирзанинг туғилган жойи Хурсонда ҳам дабдабали тадбирлар ўtkазилганлигини сарбозлар эшиштан эди. Энди улар туркман тупроғида роса базм-байрам қилишиб, кайфу сафога берилдилар. Фалаба нашидаси, фалаба кайфияти ҳозир ҳам давом этаётганди. Гўё, олдиларида ўқ отиш, қилич сермаш билан машғул бўладиган рақиб учрамагач, сарбозлар ёнбошларидан энди мушук ўтса ҳам унга тиф теккизмасдан ўтмас эдилар.

Бироқ мусулмон давлатларининг барчасида ўчоқ, қозон, дастурхонга алоҳида ҳурмат-эътибор қаратилишини билган Блоквил Ҳамза Мирзанинг изидан илгарилаётган бир навкарнинг ўчоқ ёнида тўнтарилиб ётган қозонга милтиқдан ўқ отганини кўриб ҳайрон қолди.

— Қозонга ўқ узиш гуноҳ эмасми, эй сарбоз? — деди. Навкар саволни эшишмаганга олди. Капрал шунда: «Мусулмон мусулмоннинг қозонига эмас, нақ ўзига ўқ узмок учун тўп судраб боряпти, ахир!» деб ўз саволига ўзи жавоб бериш билан қаноатланди.

Кўшин ҳаракатини бошқариб бораётган Қора сартиб Блоквилни кўргач, от жиловини тортди. Қора сартиб кечадан бери кўришмагани учун француз билан яхши кайфиятда саломлашди, ҳол-аҳвол сўради. Унинг руҳи кўтаринки эканлигини ҳаракатларидан ҳам сезиш мумкин эди. Қора сартибнинг от устида ўзини тутиши ҳам ниҳоятда бошқача эди.

Эгригузар қишлоғида қимирлаган жон йүқ әди. Үлжадан маҳрум қолганини сезган сартиб, молхона ёнбошида бўйини олдинги оёқлари устига қўйиб ётган итни кўргач, эски қилифи бўйича:

- Анови ётган итни кўряпсизми, жаноб капрал? — деб сўради.
- Кўряпман, жаноб сартиб.
- Унда, сизга бир саволим бор.
- Айтинг, жаноб сартиб, билсан жавобини бераман.

Қора сартиб Блоквил учун мутлақо кутилмаган саволни топди.

— Ватан учун одам вафодорми, итми?  
«Бу қанақа гап бўлди?» дея Блоквил эшитган саволини фикран қайтариб қўйди.

— Саволингиз жўн кўринса-да, ниҳоятда мураккаб савол, жаноб сартиб. Итнинг ҳам бевафоси бўлади, бироқ одамлар орасида итга нисбатан бевафолари кўпроқ учрайди.

Қора сартиб берган оддий саволига европалик олифта жавоб беролмаганлигига жуда хурсанд бўлди. Шундан руҳланган сартиб яна сўзида давом этди:

— Кўряпсизми, такалар юртига бевафолик қилишиб, киндик қони тўкилган жойларини ташлаб қочишиди. Бироқ ит эса туғилган маконига вафодор қолиб, уларнинг орқасидан, ҳатто, эргашмабди ҳам. Қандай таъсирли воқеа, шундай эмасми?!

Блоквил бу ҳолатдан асосли маъно топмаган бўлса-да, ортиқча гапириб сартибга ижикилашни истамади, унга қарши фикр билдирамади.

— Э, ҳайвон ҳайвон-да, жаноб сартиб. Кетгиси келса кетади, бўлмаса ўрганган жойида ётаверади-да!

Жавобдан кўнгли тўлмаган бўлса ҳам, сартиб французга эътиroz билдирамади. Бунинг ўрнига яна бир кутилмаган гапни бошлаб қолди:

— Ўша итни бир ўқ билан овозини чиқармай тинчитса бўладими?

Энди Блоквил сартибнинг истагига қарши фикр билдиришни маъқул топди.

— Сиз ватанига вафодор деб мақтаган итга милтиқ ўқталишни мен ҳам нотўғри деб ҳисоблайман.

Қора сартиб катта кўзларини ўйнатиб айёrona тиржайди.

— Мана, кўрдингларми, — деди у атрофидаги-ларга, — европаликларнинг тушунчаси бизникидан бошқачароқ бўлади. Аникроқ қилиб айтганда, юзакироқ! — Сартиб французнинг ўзига қараб сўзида давом этди. — Душманнинг ватанпарварлиги биз учун энг катта хавфдир. Сиз буни эсингиздан чиқарманг, жаноб капрал!

— Э, ит ҳамма жойда ит, барибир, жаноб сартиб.

— Йўқ, жаноб капрал, мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман. Ёйининг ити ҳам — душман!

Блоквил ҳеч нима демади.

Қора сартиб кўшофиз фарангти тўппончасини белидан ечиб олди.

Шунчаки жўн бошланган гап маъносининг қонли фожиага айланётганини фаҳмлаган француз бегуноҳ итнинг ўлдирилишини истамай:

— Нима қиласиз уни отиб?! — деди. — Оллоҳ ўзига бахш этган умрини ҳайвон яшасин-да!

— Отгим келяпти!

Блоквилнинг кўзи олдида оппоқ сочли сартиб ўжар болага айланди-қолди.

Блоквил итни ўлимдан озод қилиш учун энг сўнгги илинжини ишлатди.

— У, ҳатто, ўзининг итлик бурчини бажариш учун биз томонга бир марта хуримади, отларимизни ҳам хуркитмади-ку!

Бу сўзлар Қора сартибга заррача таъсир қилмади.

— Ўзининг итлик бурчини бажармагани учун ҳам у ўлимга маҳкумдир!

Бундан бошқа ёлвориш — ортиқча эди. Блоквил ўжару қайсар сартиб билан даҳанаки баҳсини тўхтатди.

Ёнига келиб тўхтаган отлиқнинг важоҳати яхши эмаслигини сезгандай ит ўрнидан турди, бироқ ундан узоқлашгани билан ҳам омон қололмаслигини сезди, шекилли, қочмай, жойида қотиб қолди.

Қора сартиб тўппончасини ўқталди.

Бегуноҳ итнинг ўлишига жони ачиған Блоквил яна ўзини тутолмади.

— Олдинда катта жанг турибди, ит учун ўқ сарфламак...

— Ёйининг итини йўқ қилмоқ ҳам зафардир! — Ўз жавобидан кўнгли тўлган сартиб ваҳшиёна қилифини амалга оширди. Тўппонча варанглаб овоз чиқарди.

Манглайни мўлжалга олиб узилган ўқ итнинг думига бориб тегди. Ит оғзини юқорига қаратиб, оғриқдан қаттиқ вангиллади. Кейин ўзини қийнаганни таниб олмоқчи бўлгандай отлиқларга томон раҳм-шафқат истаб қаради.

Ҳайвоннинг назари билан кўзи тўқнашган Блоквилнинг гавдаси титраб кетди. Итнинг кўзлари гўё инсон тилида сўзлай бошлади: «Сиз одамлар ўзаро урушиб-талашасиз. Мен бегуноҳ итда нима қасдингиз бор? Мен сизлардан кўрқиб жойимда, ҳатто, ҳуримасдан ётдим. Нима сабабдан мени отдингиз? Ёки сизлар бегуноҳни зор-зор қақшатишни касб қилиб олганмисизлар? Сизлар қачон инсон бўлар экансизлар, эй одамлар?! Сизларга қачон ақл киради? Ҳозир сизлар менинг баданимдаги азобли оғриқдан озгина тотиб кўрсангиз эди...»

Шу билан биргаликда, итнинг азоб-уқубатлар акс этган кўзлари ўз душмани бўлган одамлардан ярасига малҳам истарди... «Эвоҳ, сен ишонувчан ҳайвон! Дардингга малҳам бўладиган инсон ичининг оловни тиқдими?» Итнинг кўзларига кўзи тушиб, унинг нигоҳидаги зорни ўқиган Блоквил: «Сени отган мен эмас. Сени яралаган Қора сартиб!» деб бақириб юборишига сал қолди. Бироқ, ярадор итнинг

яна бор овоз билан ангиллаши Блоквилнинг овозидан олдин чиқди.

Ит сўнгги дами-нафасини олиб, бутун кучини йиғиб ўз душманидан қасд олмоқчими? Ҳа, шунга ўхшайди. У қонларини оқизганича, Қора сартибининг отига қараб сакради. Кўрқиб кетган от бирданига орқага тисарилди-ю, сартиб эгардан учиб кетди. Бироқ у йиқилган жойида ётганича, итга қарат яна бир марта ўқ узди.

Итнинг овози дарҳол ўчди. Жонивор бандидан узилгандай, отнинг бўйнидан сирғалиб ерга ағнади.

Ит сўнгги нафасида ўзининг қасдини олишга улгурган экан. Қора сартибининг тўриқ оти ақлдан озган кишидай турган жойида тўхтамай айланади. Бор кучи билан сакраган итнинг ўткир тирноқлари отнинг икки кўзини ўйиб олган эди.

Одам иккита бегуноҳ жониворни ҳам бир-бирига душман қилишга улгурди. Кўзлари ёруғ дунёни кўришдан маҳрум бўлган от турган жойида айланар экан, ўз эгасини босиб кетишига озгина қолди. Бош кийими билан тўппончасини қўлига олган Қора сартиб отнинг кучли туёқлари остида майиб бўлишидан ўзини зўрға олиб қочди.

Тўппонча товушига югуриб келган тўрт-беш нафар сарбоз ўлиб ётган итни кўриб ҳайрон қолишиди. Улардан бири отдан сакраб тушди-да, Қора сартибининг бедовини ушламоқчи бўлди. Юз-кўзи қора қонга бўялган от нўхтасига қўл теккандан чўчиб бир томонга сапчиди. У яна эгасини босиб олишига сал қолди.

Бўлиб ўтган ҳодисаларга ўзи гуноҳкор бўлганига қарамай, сартиб сарбозга фазаб билан тикилиб уят сўзлар айтиб сўкинди. У чўзилиб ётган ит ўлигига олайиб кўз ташлади.

— Буларнинг итлари ҳам эгаларига ўхшаган экан-а!

Блоквил бу гапга нима деб жавоб айтишни билмади.

Қора сартибга бошқа от келтиришди. У француз билан ёнма-ён от ҳайдаб борар экан, яна олдингидек қайсарларча фикрини давом эттирди.

— Күрдингизми, жаноб капрал?! Бояги итнинг нима учун ўлдирилганига энди ақлингиз етгандир?..

Блоквил яна сукут сақлади.

## 28

Туркманларнинг қўргони дарёning ўнг томонида эди. Ундан берироқда кейин қурилганлиги аниқ қўриниб турган яна бир қўргон бор эди. Ўша баландликнинг устига 1855 йилда Сарахс жангиди Муҳаммад Аминхондан ўлжа олинган икки дона сариқ тўп чиқазилиб қўйилган эди. Асир тушган такалар ва қўргонга кириб олган тил<sup>1</sup>лар берган маълумотларга кўра, қожорлардан ўлжа олинган бошқа тўплар нариги асосий қўргоннинг олд томонида бўлиши керак эди. Такаларнинг нима учун бундай қилганликларининг сабабини эса қожорлар тушунмадилар.

Блоквил шундай тахмин қилди:— биринчи қўргондаги тўплар қўлга тушганда-да, иккинчи қўргондаги эронликлардан ўлжа олинган тўплардан отиб, ҳимояланиш мумкин. Туркманлар шуни ўйлабдилар-да...

Туркманларнинг қўргонига Мурғоб дарёсининг чап қирғоги томонидан қараб турган Қора сартибни Ҳамза Мирзанинг ҳузурига шошилинч чақиришиди. Сартиб бош саркардадан қилинажак ишлар борасида янги буйруқ олиб, дарҳол изига қайтиб келди.

Ҳамза Мирзанинг буйруғи қуйидагилардан иборат эди: август бошларида туркманлар Марв теварак-атрофига ўтин-чўп йиғишга борган сарбозлар қўлидан икки дона тўпни ўлжа олиб қолган, энди

<sup>1</sup> Тил — айғоқчи.

ўша тўпларни такалардан тортиб олиб орқага қайтариш керак, вассалом! Тўғри, уруш тамом бўлгач, бу тўпларни қурбонсизоқ қайтариб олса бўларди. Бироқ Ҳамза Мирзанинг фикрича, такалар қўрғони ўқقا тутилганда, бу тўпларга ҳам зарар етиши мумкин эмиш. Бундан ташқари, эронликлардан ўлжа олинган тўплар туркманларнинг қўрғонида уларнинг руҳига руҳ қўшиб турмаслиги шарт! Учинчидан эса, уруш бошланмай туриб икки дона тўп орқага қайтариб олинса, туркманлар кайфияти тушиб урушга кирмасликлари ҳам мумкин.

Бош саркарда туркман тупроғида аллақачонлар мангу мозордан жой олган уч юзга яқин навкарнинг, бўлажак жангда ҳали қанчасининг дунёдан ўтиши номаълум сарбозларнинг жони учун ҳисобот сўрамаса-да, сариқ тўплар учун Насриддиншоҳ олдида жавоб беришига тўғри келишини биларди. Шу сабабли, урушга кирмасдан олдин энг ботир ва қаҳрамон навкарлардан маҳсус гуруҳ тузиб, тўпларни дарёнинг нариги томонидан ўzlари тарафга олиб ўтиш ғамини емоқда эди.

Дарёнинг чап қирғоғида эронликларга қарши қанча куч оёққа турганидан, қўрғон ва сариқ тўплар кимлар томонидан, қандай қўриқланаётганидан ҳеч ким етарли хабардор эмасди. Сарбозлар йифилгунча, Қора сартиб офтоб ва йўлбарс қиёфаси акс этган байроқни ҳам ўз ёнида ола келишларини буюрди. Унинг нима мақсадда бундай қилганини ўзидан бўлак ҳеч ким билмасди.

Бироз ўтиб, Ҳамза Мирзанинг буйруғини амалга ошириш мақсадида ширин жонидан кечишига тайёр турган кўнгиллилар гурухи саф ростлади. Улар қирқ нафарга яқин сарбозлар эди. Қирқ нафар одам билан мингларча туркманнинг устига ёпирилиб бориш осон ишми? Агар туркманлар қўлида чўпон таёғидан бўлак яроқ бўлмаганда, у ёққа боргандарнинг омон-эсон орқага қайтишларига ишонч борми? Демак, ўйлади Блоквил, бу

кўнгиллилар бутун қўшиннинг руҳини кўтариш учунгина ўлимга юборилган бўлиши мумкин! Бош саркарданинг кўнгли ва сўзи учунгина кўнгиллилар қучоқ очиб турган ажал комига киришга кетаётган экан, дарёнинг ўнг қирғоғидаги улкан қўшин ҳам миқ этмай урушга киради. Фалаба эса ҳамиша руҳи баланд қўшин томондадир!

Аслида Қора сартиб офтоб ва йўлбарс қиёфаси акс этган байроқни кўнгиллилар руҳини кўтариш учун олиб келтирган экан. Олий буйруқни амалга ошириш учун кўнгилли сарбозлар мазкур байроққа сажда қилиб, йўлбарс сингари йиртқич, офтоб каби куйдирувчи бўлмоқни бўйинларига олиб ўлимга боришлари зарур эди.

Кўнгиллилар ҳақиқатан ҳам танланиб-сараланган жангчилардан иборат эди. Уларнинг биттасигина жисмонан ушоқ, бошқаларининг гавдалари баҳайбат, елкалари кенг-кенг кўринишдаги йигитлар эди. Ҳалиги биттагина деганимиз, уларнинг ичига кулдириш учун юборилгандай, жуда ориқ, ночор, бунинг устига, кичкинагина, паст бўйли, қорни эса катта, думалоқ кўринишда эди. Унинг япалоқ бурни тагидаги қалин, қоп-қора мўйлови озғин гавдасига важоҳат бафишлаш учун атай қўйилгандай эди. Аммо ниҳоятда фалати бу кўринишга мўйлов ҳам ҳайбат бафишлай олмаган эди. Тўғри, қаҳрамонлик фақат оғир гавдага хос иш эмас. Лекин кўнгилли навкарларнинг ўртача ёшидан ўн-ўн икки ёш катталиги шундоқ билиниб турган бу сарбознинг улар қаторига қандай қилиб қўшилиб қолганлигини фақат тахмин қилиш мумкин эди, холос. Мақсад-муродлар ҳосил бўлиб, агар бу кичкина бўйли навкар ҳам омон-эсон қайтиб келса, голиб сарбозларнинг шухрат тўнини улар билан бирга киймоғи сўзсиз, албатта. Зоро, бош раҳбарнинг олиймақом буйругини ерда қолдирмай ижро этган ботирлар ҳамма жойда ҳам улуғ шоншавкатга мушарраф бўлади. Эронда ҳам шундай эди, албатта.

Устига-устак, ўша қоп-қора мўйловли, пакана, озғин қожор гуруҳга етакчи қилиб юборилаётган баҳайбат гавдали сарбознинг ёнбошида, сафда иккинчи бўлиб турди. Ундан кейин турган навкар ҳам етакчи каби бақувват бўлганлиги сабабли, икки улкан гавдали сарбоз ўртасидаги ҳалиги қожор ниҳоятда ночор-нотавон кўринарди.

Қора сартиб урушдаги ҳарбийларга хос дадил қадам ташлаб, етакчи сарбознинг ияги тагигача борди-да, қўлидаги байроқни унинг юзига теккудай яқин келтирди.

— Муҳтарам Ҳамза Мирза Хишмат Давланинг олиймақом буйругини кўнгилли бўлиб бажаришга кетаётган сарбоз, сенинг исминг нима?

— Исмим Ҳасан, жаноби олийлари! — Бирданига етакчи бўлиб бораётган одам учун бу номнинг қисқароқ эшитилишини англаган сарбоз олдинги жавобини яна тўлдирди. — Ҳасанхон Маҳмуд Машҳадийман!

— Ҳасанхон Маҳмуд Машҳадий, мен бу байроқни нима учун сенинг олдингга олиб келдим?

— Муҳтарам сартиб! Сиз буюк байроқнинг обрўини тўкиш мумкин эмаслигини бизларга тарькидлаш учун олиб келдингиз!

Байроқ олдига келтирилмасидан бурунок, қорни думалоқ сарбоз гапира бошлади:

— Муҳтарам сардоримиз! Мен Нусратул Али Шаҳобилхон Хурросонийман. Буюк Эроннинг юксак байроби жаҳондаги ҳеч бир кучнинг, ҳеч бир қудратнинг амри билан ўз жойидан туширилмайди. Ҳеч ерда, ҳеч маҳал юртнинг юз-кўзига иснод келтирилмайди. Бу байроқ борган жойида доимо ғолиб бўладиган энг ботир сарбозларнинг руҳига руҳ, кучига куч қўшадиган бекиёс кароматли байроқдир! Бундай улуғ байроқ остида курашга кирган сарбоз унинг руҳий кучи билан метиндей қалъа, тоғдай баланд биноларни олишга...

«Иш қилишинг ҳам сўзлашинг каби бўлса, сендан ниҳоятда кўп яхши нарсаларни кутса бўлади!» — деб

пичирлади Қора сартиб. Байроқни унинг олдидан олиб, аллақачон учинчи навкарнинг қаршиисига боргандан кейин ҳам, қорни думалоқ пакана қожор ҳамон вайсашда давом этмоқда эди. Етакчи сарбоз «бўлди!» дея туртиб қўймаганда, у сайрашини ҳамон давом эттиравериши мумкин эди.

Воқеани четда томоша қилиб турган Блоквил ўзини қулгидан зўрға тийди.

Эрон давлатининг юксак байроғига ўзларининг вафодорликларини бир неча марта такрорлаган кўнгиллилар бош саркарданинг амалга оширилиши қийин топшириғини бажариш учун дарё томонга юриш бошладилар. Улкан ва новча сарбозлар ичидаги уларнинг бир қадамини икки одимлаб босиб бораётган кичкина қожор изидан тикилиб қолган Блоквил энди кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай қолди.

Навкарларни жўнатгандан сўнг ҳарбийча ҳаратдан эркин ҳолатга ўтган Қора сартиб бирдан шалпайиб қолди.

Блоквил унинг ёнига келди.

— Туркманлар Эрон тўпларини яшириб, навкарларимизга ўз тўплари билан хужум қилишмоқчими, жаноб сартиб?

Дарё томонга қараб турган сартиб кулумсиради.

— Мана шу жойга олиб келган йигирма тўрт дона тўпмизни текин берганимизда ҳам уларга тўпдан фойда йўқ, улар тўп отишни билмайди!

— Нега бундай деяпсиз?

— Бунинг сабаби шуки, туркманлар бизнинг тўп қаердан ўқланишини билмайдилар.

Блоквил ҳам дарё томон тикилар экан, деди:

— Улар иккала тўп оғзини биз томонга ўгириб қўйишларига қараганда, бу масалада ҳам саводлари борга ўхшайди. Агар билишмаса эди, ўйлашимча, тўпларнинг оғзини биз тарафга тўғрилаб қўймаган бўларди!

Қора сартиб яйраб кулди.

— Тўпнинг қаеридан ўқланишини билмасалар ҳам, ўқнинг қаердан чиқишини билишади-ку, ахир. Уларни ғирт саводсиз деб ўйлаш тўғри эмас, жаноб капрал.

— Тўплар отилмас экан, ташвиш чекишнинг нима ҳожати бор? Сиз танланган сарбозларингизни ажал комига шунчаки юбормаган бўлсангиз керак, жаноб сартиб?

Кора сартиб французга муғамбirona тикилди.

— Жаноб капрал, мен баъзан сизга қараб туриб, «билимлими ёки билимсиз кучлими, бу одам?» деб ўйланиб қоламан. Ахир, тўп судраб келишда қурол кучини кўрсатиш эмас, балки бунда сиёsat кучини кўрсатиш устунроқ. Зеро, бу майдонни кураш майдони деб қўйишибди.

Бу суҳбатдан икки соатча вақт ўтар-ўтмас, туркманлардан ўлжа олинган сариқ тўпларни қайтаришга кетган навкарлардан бири орқасига қайтиб келди. Бу ўша — қорни думалоқ пакана қожор эди. У ўтган икки соат мобайнида бутунлай ўзгариб қолганга ўхшарди. Қоп-қора соқоллари ҳам оқаргандай, ўзи эса олдингига нисбатан шалпайиб, қўзларининг ўти ҳам ўчгандай, кексайиб қолгандай эди.

Бироқ, у якка ўзи эмас экан. Икки дона сариқ тўп ўрнига, у қорачадан келган бир туркман йигитини асирга олиб келганди. Қўли орқасига боғланган, йигирма беш-йигирма олти ёшлар атрофидаги ориқ туркман думалоқ қоринли қожор ўнг томонга буюрса ўнгга, чап томонга буюрса – чапга бурилиб келарди. Қожорнинг уни қандай йўл билан қўлга олгинини худо билсин, бироқ қорача туркман сарбознинг барча буйругини сўзсиз бажаарди.

Кўнгилли сарбозлардан бирининг орқага қайтиб келганини эшитган Қора сартиб барча ишларини бир четга қўйиб, келаётганларнинг олдига ўзи пешвоз чиқди.

Кора сартиб келар-келмасдан:

— Тўплар қаерда? — деб сўради.

Жавоб ўрнига пакана сарбоз хўнграб йифлай бошлади. Унинг бу хотинчалиш йифиси кетган навкарларнинг орқага қайтиб келолмаслигидан, ўзининг ҳам ўлимдан зўрга қочиб қутулганидан хабар берарди. Пакана навкар шерикларининг орқасига қайта олмасликларига ичи ачиб, ўзининг эса ажал панжасидан зўрга қутулганига севиниб фалати-фалати йифламоқда эди. Хуллас, у тўплар борасида бирон-бир хабар бера олмади. Кетганларнинг биттасидан бошқа ҳеч ким орқага қайтмаганлиги эса сариқ тўплар қисмати қандай ечим топганлигига сўзсиз жавоб бўлди.

Қора сартиб ҳам бунга яхши тушунди, шекилли, тўп ҳақида бошқа савол бермади-да, асир туркманни сўроқ қилмоқчи бўлди.

Қора сартиб аввал паканадан шуларни сўраб олди:

— Тўп ўрнига олиб келганинг шуми?

Сарбоз бош қимиранлатди.

— Ўзинг тутдингми?

— Дарёдан ўтишимиз биланоқ, ҳаммамиз биргаликда тутдик.

— Молларга хашак йифиб юрган эдим, булар қўлга олишди, — деб гапиргиси келгандай атрофга назар ташлаган туркман ўзига берилмаган саволга жавоб қайтарди.

Туркманни ёнбошдан кузатиб турган Блоквил ўйланди: «Тўп судраган ёғий бостириб келганда моллари учун хашак йифиб юрган одам — қанақа одам экан ўзи? Душманнинг бир тарафи жанг олдидан ов-шикорга боради, иккинчи тарафи эса жанг олдидан моллари учун ўт-ем йигади. Тавба, ҳар юртнинг, ҳар бир касбнинг ўзига хос сирсиноати бор экан-да!»

— Исминг нима? — дея Қора сартиб асирга қаради.

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

Кора сартибнинг кулгиси қистади. «Исмингни айтганинг учун мен сенинг қонингни кечайми?»

— Айт!

— Исмим Жиянгелди. Мен туғилганимда Тажанда яшाइтган Отамурод жияннинг катта ўғли Юсуфберди жиян Тожжамол жиян билан бизникига меҳмонга келишган экан. Ўша вақтда улар қовун қоқи ейишга келишган экан. Шу сабабли менинг исмимни Жиянгелди деб қўйишган.

Асирининг ҳовлиқиб-ҳовлиқиб сўзлашига Кора сартиб ҳайрон қолди.

— Ўша вақтда жиянинг келмай, тоғанг келган бўлса, исмингни Тоғагелди қўйишармиди?

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

— Айт!

Кора сартиб бошини «ҳа» дея қимирлатгач, Жиянгелди яна сўзлай бошлади.

— Э, мен қаердан билай, жаноби олийлари? Шу ёшимгача туркманлар орасида Тоғагелди деган номни учратмаганман. Ҳа, айтганча, нима эди, ҳа... «Минсанг — от бор, уйлансанг — хотин» дейишган экан. Шу айтгандай, қўйсанг — ном бўлади-да! Туркманлар ичиди: «Эшак» деган ҳам, «Хўтиқ» деган ҳам ном бор. Мана, Қўвшутхоннинг қизи бор, исми «Дузув»<sup>1</sup>. У туғилаётганда тескари келган экан. Шу сабабли, уни масхаралаб «Дузув» деб аташган. Бояги Тажан деб айтган еримизда Отамурод жиянимиз қишлоғида Туршак деган мен тенги бир йигит бор. Сиз туршакнинг нималигини биласизми, жаноб? Қовуннинг ўзига хос бир қўриниши. Қовуннинг ўйинчоги десангиз ҳам бўлади. Шу десангиз, Тажанда қовунни кўп экишади. Туршак ҳам шуларнинг орасида кўкаради. Башим, Олти деган номларнинг маъносига тушунсам-да, Ўтуз оғага нима учун «ўттиз» деганларидан ҳеч маъно тополмадим.

<sup>1</sup> Исмнинг ўзбекча таржимаси «Тўғри» деган маънони билдиради (таржимонлар изоҳи).

Олдин бир оиланинг ўттизинчи боласи бўлиб дунёга келмаган бўлса керак, ахир? Нима дедингиз?..

Халқ орасидаги «Аҳмоқни урма-сўкма, уни гапиртириш» деган нақл қанчалик тўғри-я?» — деб ичидан кулди Қора сартиб асирга ўз баҳосини берар экан. — Агар буни эшитиб ўтираверсанг, ичидан қанча тезак борлигигача айтмоқчи. Аммо асири Кўвшутхон номини тилга олиши янги саволларга йўл очди.

— Кўвшутхоннинг ҳол-аҳволи қалай?

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

Охири гапнинг тез-тез такрорланиб туриши Қора сартибининг жаҳлини чиқарди. Бирок, «Тентакнинг минг сўзидан бири керак» деган нақлга итоат қилиб уни тинглади. Жиянгелдининг маза-матрасиз гаплари ичидан бир муҳим маълумот чиқиши мумкин эди.

— Қонингни кечдим, сўзлайвер!

— Шу десангиз, жаноб, мен Кўвшутхон деган одамни яқиндан кўрган эмасман. Лекин олдинги кун эдими, ёки ундан ҳам олдинми, унинг ёнига ахаллик қариндошлардан чопар келди, дейишганди...

Сартиб хушёр тортди.

— У қанақа чопар экан?

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

— Ҳой, кечдим дедим-ку!

— Кечган бўлсангиз, гап шу, жаноб. Ахаллик қариндошларимиздан чопар келди. Йўқ, адашдим. Ахаллик қариндошларимиздан чопар келгани йўқ. Кўвшутхоннинг Ахалга юборган ўз чопари қайтиб келди. Чопар — чопар бўлади-да, жаноб. Отлик борилади. Йўлнинг эса, ўзингиз биласиз, боши-охири кўринмайди...

Жиянгелди вайсаганича суҳбат йўналишини бошқа томонга буриб юбориши аниқ бўлгач, Қора сартиб уни дарҳол тўғри йўлга бурди.

— Чопар қандай хабар олиб келибди?

— Чопарми? — бу гал Жиянгелди бир қошиқ қонининг кечиришини сўрамасдан жавоб

қайтарди. — Чопарнинг исми Мұҳаммадомон. Мұҳаммад дегани Мұҳаммад пайғамбар бўлади. Омон эса омон бўлсин дейилгани. Туркманларнинг исми ана шундай, бошдан-оёқ жуфт-жуфт, қўша-қўша бўлади.

— Менга унинг номи керак эмас, қариндош! — Фигони чиққан Қора сартиб дарров Жиянгелди билан қариндошликка ҳам киришиб олди. — Нурбердихондан қанақа хабарлар бор?

— Нурбердихондан хабар йўқ. Лекин Ялқоб сардорнинг икки юз отлиқ навкари билан Тажан дарёсидан биз томонга ўтганини биламан...

— Ялқоб сардор деганинг ким у?

— Ялқоб сардори дейилган Боми такаларининг бош ботири...

— Тушунарли. Яна нима гаплар бор?

— Бошқа гап-сўз йўқ деса ҳам бўлади. Ҳа, айтганча, Нафас шоир одамларга ғазал ўқиб беряпти.

Керакли маълумотларни олдим деб ўйлаган Қора сартиб асирнинг орқасига боғланган қўлларини бўшатишга буйруқ берди.

— Ҳозир энди сенинг қандай хоҳишинг бор, Жиянгелди?

— Ҳозирми? — деб асир терисига ип қаттиқ ботган қўлларини уқалар экан. — Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтаман.

Қора сартибининг қошлари уюлди.

— Кечдим.

— Йиғиб қўйган ўтларимни молларимга элтишни истайман.

— Уруш бўлаётган шароитда мол, хашак тўғрисида ўйлаш шартмикин?

Жиянгелди юзларини буриштириди.

— Дарёning нариги томонида битта аҳмоқ хон, бу томонида битта аҳмоқ хон урушса-ю, шуларни деб менинг молларим оч қолсинми? Улар урушсалар урушаверсинлар. Бир-бирларининг кўзларини чў-қийверсинлар. Менга нима?

— Сен нима учун нариги хон ҳам, бу хон ҳам аҳмок деб ўйлайсан, Жиянгелди? «Бир қошиқ қонимдан кечинг» деявермасдан гапир энди!

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтганингизни бажараман, жаноб. Дарёning орқасидаги хоннинг ақли бор бўлса, дарёning бу ёғидаги хоннинг ҳам ақли бор бўлса, уруш бўлмасди, ахир. Ақлли, эсли, хушли инсонлар урушмайдилар. Мана мен, ҳеч қачон, ҳеч ким билан урушмайман. Чунки аҳмок эмасман! Мен сиз билан ҳам урушмайман!

Юз-кўзи ғалати бу туркманнинг гап-сўзлари тузсиз, маъносиз бўлганлиги учунми, Қора сартиб теварак-атрофдагиларнинг ҳеч бири ўйламаган қарорини эълон қилди:

— Асири озод қилинглар, кетаверсин!

Шундай деб Қора сартиб туркманни масхаралаб тиржайди.

— Жиянгелдининг моллари оч қолибди. Уни қўйворинглар!

Кўли ечилиб, ўзи озод бўлса-да, асири ҳаяжонланмади. Аксинча, у чин қўнгилдан Қора сартибнинг юзига тик қаради-да, охирги илтимосини айтди:

— Менинг ўроғимни энди қай биринг тўлашни бўйнингизга оласизлар?

— Қанақа ўроқ экан?! — бу сафар асири ушлаб келган қорни думалоқ пакана қожор гапга кирди. — Биз сени тутганимизда қўлингда ўроқ йўқ эди-ку, ахир. Туҳмат балосидан Оллоҳим ўзинг сақлагайсан!

— Хашак, ўт йифиб юрганимда ўроғимни қўлимдан олмадингми? Нега ёлғон сўзлаяпсан?

Қаерда турганини эсидан чиқарган ёки шароитга фаҳми ҳамон етмаётган Жиянгелди қорни думалоқ қожорга қараб дўқ-пўписа қилди.

— Нима, сенингча, ўроқ дегани ҳар қадамда топиладиган нарсами? Оллоҳинг бандаси қўлидаги ўроғини зўрлаб олиб сувга ташлаган одам, уни тўлаши керак! Бу дунёда қайтармасанг, у дунёда

қайтарасан, эй пакана! Дўзах бор, пулсиrot дегани бор, ахир.

Асири кузатиб, унинг сўзларини тинглаган Блоквил, «нима бўлганда-да, Жиянгелди ўзини овсарликка солиб, барчанинг устидан куляяпти», деган хулосага келди.

Асирининг гап-сўзи жонига теккан Кора сартиб бундан ортиғига чидай олмаслигини билдириб, қўлини силкиди.

— Тулкининг ови ҳам керак эмас, ҳиди ҳам!..  
Тезроқ йўқол!

Блоквил Кора сартиб айтган мақолнинг маъносига ета олмади.

Бу орада Жиянгелдини дарё томонга кузатиб қўйишиди.

## 29

*Александр Невский, Кўвшутхон сингари энг улкан иккита урушда ғолиб чиққан саркардалар тарихда сийракдир...*

**Қурбон ВАҲИМИЙ**

1860 йилда Кўвшутхон ибн Ўроздурди сардор<sup>1</sup> қирқ бир ёшга қадам қўйган эди<sup>2</sup>. Унинг кекса падари бузруквори доимо: «Ишонмагин молингга, маймун бордир йўлингда», деган гапни қайтарар экан. Шу сабабли Кўвшутхон маймун йилидан хавфсираб яшаган. Ўша йил келганда юртда ёки шахсий

<sup>1</sup> Кўвшутхоннинг ушбу тўлиқ номи унинг муҳрига ҳам ёзилган эди.

<sup>2</sup> Кўвшутхоннинг туғилган ва вафот этган вақти аниқ эмас. Оқсоқол туркман ёзувчиларидан Б. Кербобоев, Х. Деряев, Б. Султонниёзов, Д. Холдурдиларнинг муаллифга берган маълумотига кўра, у 1819 йилда туғилиб, 1878 йилда дунёдан ўтган. Таникли турк тарихчиси, доктор Мехмет Саройнинг илмий изланишлари бўйича Кўвшутхон 1819 йилда туғилиб, 1877 йил июль ойининг охирги кунларида дунёдан ўтган (муаллиф изохи).

ҳаётида қандайдир бир нохушлик бўлса керак, деб иккиланаар экан. Бироқ шу пайтгача маймун йили бошқа йиллардан фарқ қилмаган, омон-эсон ўрнини бошқа йилга бўшатиб берган.

Кирқ ёш инсон учун навқирон ёш бўлиб, бу вақтда унинг ақли тўлишган, ҳар қадамини ўйлаб босадиган даври ҳисобланади. Бироқ, сон бўйича ўзиникидан бир неча баробар ортиқ бўлган ёғий кучини енгмоқ учун фақат ақл-фаросатнинг ўзигина етарли эмас. Ёғийнинг қора кучи ақл-фаросатдан эмас, ўзига бас келадиган кўп сонли кучдангина орқага чекиниши мумкин. Бундан ташқари, ғалабадан умидвор бўлиш учун душманнинг ўз ичидан ҳам тарафдор топиш керак эди.

Қўвшутхон бундан беш йил олдин бўлиб ўтган Сарахс тўқнашувида ҳам жуда хавотир олган эди. Бироқ, у вақтда Муҳаммад Амин қўшини сафида саккиз минг нафар ёвмут туркманларига бош бўлган саркарда Омонниёз сардор бор эди. Омонниёз сардор Қўвшутхон маслаҳати билан ўз йигитларини гўё енгилди ҳисоблаб, жанг майдонидан қочган, бу билан Муҳаммад Амин қўшинининг жанговар руҳини тушириб, асосий кучнинг белини синдирган эди. Бироқ бугун қожор қўшинлари ичida Омонниёз ёвмутнинг тадбиркорлигини такрорлайдиган, бу ишга бош қўшадиган бирорта ҳарбий раҳбар йўқ.

Қўвшутхонга етиб келган маълумотларга қўра, Марвга ҳужум қилаётган ёғий қўшини ичидা, ҳатто, ҳозир хурросонлик туркман қабилалари – ҳазратлар, туморларнинг ҳам ҳеч бири қатнашмаётганди. Улар Марв юришида иштирок қилишдан мутлақо воз кечишган. Шунинг учун бу сафар Қўвшутхоннинг олдида фақат бир йўл қолган – бу ҳам бўлса, оз куч билан улкан кучни енгиш! Бундай ғалабани орзу қилиш осон-у, аммо амалга ошириш мушкул. Ғалаба орзусининг хаёлий лаззати-ю, ҳақиқий аҳволнинг жабр-ситамлари орасида қаттиқ сиқилган Қўвшутхон энди бўлажак ҳаракатларини ҳисоб-китоб қилиб

кўрди. Унинг кўз ўнгига туғилган юрти Ахал, болалик йиллари ўтган Этрек қалъаси, киндик қони томган қишлоғи, навқирон йигитлиги ўтган Сарахс шаҳри бирин-кетин жонлана бошлади. Яхши кунлари эсга тушганда чиройи очилди, ёмон кунларни эслаганда эса қошлари уюлди.

Бир пайт у: «Астагфируллоҳ!» — деди-ю, ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. «Инсон деган бандай мўмин ўлимидан олдин болалигини эсга олар эмиш, ўтмишини кўз ўнгига келтирас эмиш дейишар эди, балки бугун мен ҳам...»

Дарҳақиқат, бу кунлар Кўвшутхон умрининг охирги муддати бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Зеро, шароит ҳам шунга томон етакламоқда. «...Сен дунёдан ўтганинг билан туркман қавми дунёдан изсиз йўқолмайди. Бегуноҳ бола-чақалар умри узоқ бўлади, иншооллоҳ...»

Шу кунларда қожорларнинг туркман тупроғига энг даҳшатли хужуми юз беришини Кўвшутхон ички бир туйғу билан сезмокда. Бугун хоннинг ҳам, бутун така уруфининг ҳам орзу-истаклари ушалиб ғалабага умид уйғониши ёки қисмати номаъқул рўй бериб, фам-ҳасрат оламига тушиб қолишлари мумкин. Чунки туркманларни шу ҳолатга туширадиган ёғийнинг йигирма тўрт дона сариқ тўпи Мурғоб дарёсининг чап қирғоғидан ўнг қирғоққа олиб ўтилажак, ҳозир улар такалар устига ажал уруфини сочиш учун буйруқ кутмокда эди.

Кўвшутхоннинг асосий мақсади — ёғий билан оралиқдаги бош чегара бўлган Мурғоб дарёсининг ўнг қирғоғини эронликларга бермаслик. У тўп ўқларининг ушбу чегарани бузмаслигига чора тополмасада, Эрон сарбозларининг дарёдан ўтишларига қарши куч топа оламан деб ўйларди. Шу мақсад асосида уч катта гуруҳга бўлинган така кучларининг улкан қисми дарё қирғоғига яқин ерда жойлаштирилганди.

Улуғ хон кенгашчилари ва тансоқчилари билан сарбозларнинг жанговар ҳолатини кўриб чиқди.

Хива хонидан ўлжа олинган икки дона сариқ тўп турган жойгача боришиди. Кўвшутхон бу тўпларни ҳар куни бир марта шахсан ўз кўзи билан кўриб текширмаса, кўнгли жойига тушмасди.

Хива хонидан қолган бир жуфт тўп Кўвшутхоннинг маҳсус кўрсатмаси билан бунёд этилган узун қум тепаликнинг устига ўрнатилган эди. Ушбу сунъий тепаликнинг баландлиги беш-олти қулочга тенг эди.

Икки тўпнинг ҳам сақланишига боши билан жавоб берадиган масъул – бу Чебшек ботир Курбонменгли ўғли. Унинг ёнида тўп отиш усулини маҳсус ўрганган зеҳни ўткир йигитлардан ўттизга яқини бор. Қожорлардан эса фақат икки тўп эмас, харвор-харвор<sup>1</sup> дори, тўп ўқлари ҳам ўлжа тушди. Бу тўплар ва ўқ-дорилар бебаҳо ахалтака отлари сингари кўз қарочифидай қўриқланмоқда эди.

Кўвшутхон сариқ тўплар турган тепаликка ҳали етиб улгурмаёқ, шоша-пиша, тез-тез юриб келаётган йигит тансоқчилардан ўта олмаслигига кўзи етгач, уларга яқин жойда тўхтади-да, баланд овоз билан:

— Хон оға, тўққиз нафар қожорни қўлга туширдик! — деб қичқирди.

Бу хабарни эшигтан улуғ хон тансоқчиларга қараб қўлини силкиди:

— Йигитни ўтказиб юборинглар!

Хон ёнига боришига рухсат берилган бўлса-да, хабар келтирган йигит беш-олти қадам оралиқда тўхтади. Қўлга тушганлар «Қожор тўпларини орқага қайтариб келинглар!» деган буйруқни бажариш учун келган сарбозларнинг бир қисми эканлиги, улар ўзларининг қандай мақсад билан келганини бўйнига олганлигини йигит улуғ хонга билдириди.

— Қўлга тушган эронликларнинг етакчисини ўзимиз билан бу ёқса келтирдик! — деди йигит орқа томонга ишора қиларкан. Хон ўша томонга қараб:

<sup>1</sup> Харвор – бир эшак кўтара оладиган юк, тахминан 300–350 кг (муаллиф изохи).

— Асирадан сўра-чи, ораларида тўпчи бор эканми?

Кўвшутхоннинг саволи форсчалаб сарбозга, унинг жавоби туркманчалаб улуф хонга етказилди.

Қўлга олингандарнинг орасида уч нафар тўпчи бор экан.

Қаноатланган Кўвшутхон:

— Жуда яхши! — деди. — Худойим деганга худонинг ўзи етказар экан!.. Чебшек ботирни бу ерга чақиринглар!

Чебшек ботир етиб келди.

— Аҳволинг қалай, ботир?

— Ҳаммаси кеча кўрганингиздай, хон оға, тайин!  
Зарур деб топган фурсат келса гумбурлатаверамиз!

Хоннинг юзи жиддийлашди.

— Чебшек ботир! Менга ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат керак. Кўнгилга шунчаки таскин берадиган гапларни чеккага улоқтири... Йигитлар сенга ёрдамчи олиб келишибди. Сени шунинг учун бу ерга чақирдим.

— У қанақа ёрдамчи экан, хон оға?

— Ҳув анави бақувват қожорни кўряпсанми?  
Ўша сарбоз тўпчи экан. Яна унинг иккита шериги ҳам тўпчи эмиш. Сен уларнинг сир-асрорларини текшириб кўр-да, яна бир бор ўз тайёргарлигингни ҳам кўздан кечириб кўй. Иш марра-маррага келганда «воҳ» деб тиззангга уриб турма.

— Фаҳмладим, хон оға!

Чебшек ботир асири олингандар эронликлар томон жўнади.

Қожор тўпларининг Хива хони тўпларидан тафовути йўқ эди. Шунга қарамай ҳушёрликни кўлдан беришни истамаган Кўвшутхон уларни қожор тўпчилари қўллари билан ҳам текшириб кўрмоқчи эди...

Қораёпга қочқин бўлиб келган Марв халқининг барчаси қалъанинг ичидаги эмасди. Чунки қалъада уларнинг ҳаммасига жой ҳам етмасди. Жой бўлган тақдирда ҳам одамларнинг асосий қисмини қалъада

йигиш фикрига бутунлай қарши бўлган Кўвшутхон бунга асло йўл бермасди. Зотан, улуф хон кўрсатмасига мувофиқ қариялар, бола-чақа, жангда ёрдами тегмайдиган хотин-қизлар Қораёпдан узоққа, душман оёғи етмайдиган Қорақумнинг етти барханидан нарига жўнатилган эди. Уларни қўриқлаш, ичимлик суви билан таъминлаш учун маҳсус кишилар тайинланган эди.

Шу тариқа ичкарида ҳам, ташқарида ҳам ёғийга қарши кураша оладиган такалар қолган Тангрибердибек қалъаси бутунлай ҳарбий қўргонга айлантирилди.

Барча жанговар чиниқишилар, ҳамма тайёргарликни оз ҳисоблаган Кўвшутхоннинг буйруғи билан ҳали қожорлар Қораёпга келмасиданоқ қалъанинг атрофига ҳовуз қазилди. Мингларча одамнинг кечакундуз қўлда белкурак билан ишлиши натижасида қазилган ҳовузнинг чукурлиги одам бўйича, эни эса ўн қадамдан иборат эди. Қум ва тупроғи қалъа девори томон чиқарилган ҳовуз икки кун олдин сув билан тўлдирилди.

Душман ўз ҳужумини шу кун ичида амалга оширса керак, деб тахмин қилинди. Шу сабабли эрта тонгдан оёққа қалқиган такалар бир неча юз метр узунликдаги ҳовуз сувига сомон сепишни бошлаган эдилар.

... Тўпчи йигитлар ёнида Омонсахат сардор ҳам бор экан. Айланиб келиш сардорга маҳсус топширик қилиб топширилмаган бўлмаса-да, унинг бу ерда эканлигини кўрган Кўвшутхон ниҳоятда хурсанд бўлди.

Ҳол-аҳвол сўрашилгандан кейин, шундай қилгани учун кучи янада ортадигандай, улуф хон сарик тўпларнинг зирхини кафти билан сийпалаб чиқди. Оғир хаёлга чўмди. Унинг бир нуқтага тикилганча жим бўлиб қолганидан ташвишланган Омонсахат сардор:

— Хаёл отига миниб қолдингизми, хон оға? — деди.

Хон жавобга шошилмади. Узок фикр қилгач:

— Түғри айтдингиз, сардор! — деди бошини қимирлатиб. — Оч товук тушида ҳам дон кўриб чиқар эмиш...

— Бу билан нима демоқчисиз? — деб хоннинг кўнглида нима хаёл борлигини билишни истаган сардор унга савол назари билан қаради. — У дондан биз ҳам татийлик!

— Э, бу тушга кирса-да, оғзингизга кирадиган дон эмас, сардор. Ўтмишни бир эсга олдим-да...

— Масалан? — Омонсахат сардор кўлларини бир-бирига ишқалади.

— Ҳали Нодиршоҳ тахтга чиқмасдан олдин Марвда иккита тўпхона бўлган экан, сардор. Тўп ясадиганлар писта ёғочини, дараҳтининг шоҳларини ёқиб, мис эритишган. Тўпга ўхшаш ва туюнинг хўвудига<sup>1</sup> боғлаб отиладиган ўзига хос яроғни эскилар ясашган. Номини ҳам «сопбўзан» деб аташган. Кичкина тўп бўлган-да...

— Ҳозирги ҳам ўша сопбўзандан бўлса эди, деб фикр қиляпсизми?

Улуғ хоннинг юзи қизариб кетди.

— Тўғрисини айтсан, ҳозир ўша қуролдан ҳам ўн дона бўлса эди деб орзу қилгандим, сардор.

— Афсусланманг, хон оға! Оллоҳ бизни кўлласа, боримиз билан бозор қиласкерамиз!..

Тўпларнинг ёнидан қайтган Кўвшутхоннинг ўйли қальянинг жанубий қаноти томонида ишлаб юрган «сомончи»ларнинг ёнидан ўтди. Қоп-қоп келтирилиб турган сомонни паншаха билан сув устига сепиб юрган ёшулли қария қўлидаги қуролини ерга санчди-да, хон билан саломлашди.

— Таканинг молини бу йил қиши фамидан маҳрум қилдинг-ку, хон ўғлим, — деб қария қулумсиради.

Кўвшутхон ҳам унга жилмайиб жавоб берди.

<sup>1</sup> Хўвуд — тўп юклаш учун ясалган филдиракли мослама.

— Таканинг жони омон бўлса, моли учун қишки ем-хашагини, албатта, топади, оғам! Туркманинг чўли кенгдир. Оллоҳ ўзимизни омон қўйса, молимиз ҳам омон қолади.

— «Фарқ бўлаётган хашакка ёпишар» қилар экансан-да, бизни унда? — деб қария ёшулли синик овозда гапирди.

Унинг бу сўзи хонга ёқмади. Улуф хоннинг юзи дарҳол жиддийлашди.

— Йўқ, оғам, туркман хашакка ёпишмайди. Ишни сомон тагидан сув юборгандай қилади.

— Бу гапинг рост сўз бўлди, хон ўғлим, — деб ёшулли бошини қимирлатди. — Сомон тагидан сув юборилса, ками қолмайди...

Шу пайт кутилмаганда юз берган бир воқеа одамларнинг диққатини ўзига тортди. Дунё ташвишини, одамларнинг гап-сўзларини сезишдан маҳрум бир ҳанги эшак ўзининг ҳаром нафсини қондириш мақсадида дарё тарафдан олдига урғочи эшакни солиб қалъя томонга қувлаб кела бошлади.

Қочиб келаётган эшак худди Кўвшутхонлар турган жойга, ҳовуз чеккасига етди-да, ё олдида юзи сомонли, таги сувли ҳовузнинг борлигини сезмади, ё сезса-да, ўзини ёнбошга ололмай, хуллас, сомонли сувга ағдарилиб кетди. Уни қувалаб келган эшак эса ўзининг ҳаракатини тўхтата олди. У ёнбошга ўтди-да, тумшуғини осмонга қаратганча, кенг майдонга чопқиласб кетди.

— Ҳай, тушмагур! — деб Кўвшутхоннинг ёнида турган қария бошини қимирлатди. — Эплай олмадинг-ов!

— Ўзингиз ўшанинг ўрнида бўлсангиз, нима қилардингиз? — деб Кўвшутхон қарияга бу вақт мутлақо кутилмаган саволни берди. — Изингизга қайтармидингиз ёки: «Ё сув, ё сомон!», деб сакрармидингиз?

— Эй, хон ўғлим, ўзим ҳам ўша ҳанги эшакдайман-да! — деб тўғрисини айтган ёшулли астойдил

хахолаб қулиб юборди. Сувга йиқилган эшак гоҳ чўмиб, гоҳ чиқиб, ҳовузнинг бу қирғоғига етди. Бироқ, тикка қирғоққа тирмаша олмади. Қанча ўжарона ҳаракат қиласин, натижа чиқара олмай сувга қайта думалайверди.

Қулоқлари, бўйни, боши нам сомонга булғаниб, қаттиқ эзилган сичқонга ўхшаб қолган эшак уруш ташвишлари билан қошлари уйилган, қовоқлари солинган одамларнинг бирваракай қаҳқаҳасига сабабчи бўлди. Жўшқинли йигитлар текин ҳангомага томошабин бўлиб, шовқин-сурон солиб кула бошлишди. Нихоят эшак бўйнига ҳалқасимон ип илдирдилар ва уни биргалашиб сувдан қирғоққа чиқаришди. Бутун тани-бадани сомон ва суюқ лой илашган ҳамда сув сирқиб турган эшак бирмунча вақт томошабол маймундай жим турди.

Халқ қаторида кулгига қўшилган Кўвшутхон гапирмай тура олмади.

— Сомон тагидан юборилган сув қанақа бўлишини кўрдингизлар-а?! Маза қилдингизларми?

Хоннинг ёнидаги ёшулли соқолини сийпалади.

— Балки, қожорларга ҳам шундай маза берар?! —

— Илоҳим, фаришталар омин десин! — деб хон ўз йўлига юрмоқчи бўлганди, ёшулли унга деди:

— Бояги ҳайвондан кўрдикки, ниятимиз ҳосил бўладиганга ўхшайди. Одамдан амал-тадбир қочиб қутулмайди, дейишарди, рост чиқди-ёв, хон ўғлим.

Кўвшутхон:

— Оллоҳнинг иши ҳам шайтонсиз битмаган, оғам, — деди.

Узоқлаша бошлаган хон кўрмаса-да, ёшулли унинг фикрини маъқуллаб бошини қимирлатиб қолди.

— Ҳа, шундай. Шайтонни унинг макр-ҳийласидан фойдаланиш учун яратишган. Бошқа нимага ҳам яратиш мумкин...

Калъа ичига кирган Кўвшутхон бир нарсаларни болғалагандай тарақа-туруқ овоз чиқкан томонга юра бошлади. Яқин борган хон бир гуруҳ қўли

болғали одамларнинг ўз ишлари билан қаттиқ банд эканлигига гувоҳ бўлди. Эркакларнинг ёнида аёллар ҳам бор. Аҳвол мушкуллиги маълум эди. Усталар, қўли болғали темирчилар қуролсизларни яроғлантирмоқда. Улар ясадиган қуролнинг нималардан иборатлиги хонга олдиндан маълум — қўй жунини оладиган маҳсус қайчи, гиламдўзликда ишлатиладиган пичоқ, учи ўткир темир паншаха. Хуллас, қаттиқ урганда қон чиқадиган қуроллар.

Бир устанинг ёнидан ўтаётганда Кўвшутхон тўхташга мажбур бўлди. Уста турмушга чиқмаган ёш қизларга атаб ясалган дўпписимон кўринишили кумуш бош кийимдан наиза тайёрлаётган эди. Унинг олдида юз-кўзи жиддий, қовоғи солиқ ёш келин турарди. Кўвшутхон кумушсимон бош кийимни шу келинчак олиб келган бўлса керак, деб ўйлади. Яна бир неча дақиқалардан кейин бош кийимнинг нимага айланишини кўз олдига келтирган хоннинг юраги орзиқиб кетди. Учи ўткир кумуш оддий таёқقا ўрнатилгандан сўнг наизасимон яроққа айланарди.

Буни кўрган Кўвшутхоннинг: «Тўхтанг, уста!» деб юборишига сал қолди. Аммо, юрак амрини ақл тўхтатди. Ҳа, олдин қора соч устида турган қизжувонлар тақинчоғи — бугун ўша чиройли қора сочли бошларни ўлимдан олиб қолишда қурол бўлиб душман кўксига санчилажак!

Шуларни ўйлаган Кўвшутхон тақинчоқни қуролга айлантираётган устанинг ҳам, тақинчоғига қараб юраги оғринаётган келиннинг ҳам ёнидан нафасини чиқармай ўтиб кетди. Қадам ташлар экан, улуғ хон ўзининг ёшлигини кўз олдига келтирди. Тақинчоғини уруш қуролига айлантирган ёш келин ҳозир уни тақиб юрган баҳтли кунларини ўйлаётган бўлса ҳам, ажаб эмас...

Олдинда яна бир гуруҳ аёллар ва ўн уч-ён тўрт яшар ўсмиirlар тўдаси кўринди. Уларнинг барчалари қўлида юпқа дока ушлаб олишган эди.

Улар, Калхон капала тили билан айтганда, «чанг-тўзончилар» деб аталарди. «Чанг-тўзончилар» юпқа дока билан юз-кўзларини ўраб, душман хужум қилгандা уларнинг олдида чанг-тўзон турғизишлири керак эди. Бу – Қўвшутхоннинг олдин бўлиб ўтган жангларда синалган ҳийласи: жадал чопиб келаётган отлар чанг-тўзонга киргач, оёқларини қаерга, қандай босишларини билмай, карахт бўлиб, бир-бирларини уриб-босиб кетишилари учун...

Ўша ерда Қўвшутхон Панжибой билан тўқнаш келди. Ёй улуф хоннинг саломини жавобсиз қолдирмади. Бироқ, саломга олдингидай алик олмаганлиги бойнинг товушидан сезилди. У ёшининг анча улуғлигига қарамай ҳол-аҳвол сўрашишни насия қилиб, ўз йўлига юрмоқчи бўлганида хоннинг ўзи ундан яна аҳвол сўради.

— Бой оға, қаттиқ чарчаган кўринасиз? Тинчликми ўзи?..

Панжибой тўхташга тўхтади-ю, хоннинг юзига қарамай сўз бошлади:

— Шу маҳалда тинч ётган такани топиб бўларканми?!

Қўвшутхон саволининг ўринсиз бўлганини тушунса-да, кулай фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

— Ўнгдан-чапдан келган гап-сўзнинг ҳийласига алданиб, ўша куни сизни сал ранжитгандай бўлдим, бой оға?

— Шуни тан олганингиз ҳам мардлик, улуф хон. «Ҳечдан кўра кеч яхши» деган нақл бор.

— Мен-ку, гуноҳимни бўйнимга олдим, энди сиз ҳам ўша гуноҳни кечсангиз бўларди, бой оға?

Панжибайдан кўп вақт садо чикмади. Ниҳоят, суҳбатдошининг юзига қарашни яна хоҳламагандай ёнбошга қараб гапирди.

— Юрт бошлиғи бўлган одам ўнгдан-чапдан келган гап-сўзни эсиб ўтаётган шамол деб қабул қилиши керак эмасми, улуф хон?

— У гал бир шундай бўлди, — деб Қўвшутхон айтмоқчи бўлган фикрини тополмаётгандай чайналди. — Ҳа демасдан ҳам отга чиқиш мумкин, бой оға. Бу ҳам бир қисмат... Энди сиздан хафа бўлиб кетсан, ёки сиз мендан рози бўлмасангиз, яхши бўлмайди-да, бой оға.

Шу пайтгача бир қанча баҳс-мунозараларда қатнашиб келган Панжибойни хоннинг сўнгги сўзлари ўйга толдирди. Отга минганда соғ миниб, орқасига қайтариб келтирилган йигитлар унинг кўз олдида жонланди. Ана шу ҳам бойнинг юраги бўшашмоғига сабаб бўлди.

— Бир гуноҳдан эр киши ўлмас, улуф хон! Ишларингизда ривож бўлсин! Ҳарна Оллоҳ барчамизни, хусусан, такага бош хон бўлган сизни паноҳида асрасин!

Қўвшутхоннинг руҳида енгиллик пайдо бўлди.

Қалъанинг ўртасидаги тепаликнинг устида турган ўн-ўн икки нафар ёшулли такалар атрофига мингларча одам жамланганди. Муллалар, ботирлар, оқсоқоллар навбат-навбат тепаликка чиқиб, дилида борини тўкиб солишар, Оллоҳга ҳамду санолар айтишар, йигитларни ота Ватан, она юрт тупроғини қўриқлашга чорлашарди.

Қўвшутхон тепаликка яқинлашганда, кимдир шеър ўқимоқда эди:

... Қожорбекдек, Дурди хондек полвонлар,  
Сизларга зўр достон ёзгандир кўнглим!

Бу сатрларни ўқиётган ёқимли овоз шоир Мулланафасга тегишли эди.

Қўвшутхон тепаликка чиқмоқчи бўлганида, унинг ёнида Чебшек ботир пайдо бўлди.

— Хон оға, буюрганингизни бажардик, — деб у хонга ахборот бера бошлади. — Қожор тўпларининг маҳфий сири йўқ экан. Ўша ўзимиз билгандай оддий тўп экан. Аммо, тўпчи асиirlарнинг айтишига кўра,

бугун пешиндан сўнг ёки эрта тонг билан эронликлар ҳужумга ўтишар эмиш...

Кўвшутхон:

— Менинг тахминим ҳам шундай эди, — деганича тепаликка чиқа бошлади.

Тепаликдагилар бош хон келиши билан унга ҳурмат сақлаб, бир томонга сурилдилар. Кўвшутхон олдин Тожкўк сардор, кейин Абдулла эшон билан алланималар тўғрисида пичирлашиб олишди. Шундан кейни бошдан-оёқ оппоқ кийинган Эсон охуннинг ёнига борди.

Хоннинг кейинги ҳаракати Абдулла эшонга ёқмади, шекилли, унинг юзларида ўзгариш пайдо бўлди.

Сайдмуҳаммад эшон дунёдан ўтгач, мулламуфтийлар ичиди Кўвшутхонга энг яқини Абдулла эшон бўлиб қолганди. Катта йигилишларда, оқсоқолларнинг долзарб масалаларни ечадиган маслаҳатларида Абдулла эшон ҳамиша бош хоннинг ёнбошида ўтиради. Бироқ Муҳаммад Амин билан бўлиб ўтган урушдан кейин Эсон охуннинг Хива туркманлари орасидан қайтиб, такалар ичиди ўрнашиб қолганлиги Абдулла эшонга маъқул келмади. Икки нафар диний ва дунёвий билимлар бўйича моҳир устоз бўлган бу одамлар орасида кўзга кўриниб тургудай зиддият бўлмаса-да, Эсон охун пайдо бўлган жойда Абдулла эшоннинг юзкўзи ўзгариб кетаверарди.

Бундай ҳолатнинг аниқ сабаби номаълум бўлсада, охуннинг тарафдорлари бунинг сирини Эсон охуннинг билим даражаси Абдулла эшоннидан бироз баланд бўлганлигига, деб билардилар.

Абдулла эшон тарафдорлари эса, бу зиддиятни Эсон охун Муҳаммад Аминхон қарамоғида яшаганида, унга ёрдам берганлиги билан боғлашарди. Айrim тили ботирлар: «Эсон охун Хиванинг Марвга маҳсус жўнатилган хабарчиси», деган маълумотни ҳам тарқатишган.

Нима бўлганда ҳам, Қўвшутхон Эсон охун ва Абдулла эшон иккаласига ҳам баб-баравар муносабатда эди. Ҳар иккаласининг хурматини эл-юрт олдида баланд тутарди. Шундай бўлса-да, Абдулла эшоннинг нафаси билим даражаси юқори бўлган Эсон охундан пастроқ эканлигини хон назарга олганга ўхшарди. Чунки хон Қуръон тиловатида илк навбатни Эсон охунга берарди.

Эсон охун ва Абдулла эшон Қўвшутхонга жамоа олдида сўзлашга ижозат берганликларини имо-ишора билан билдиришди. Қўвшутхон фақат шундан кейин турган жойидан сал олдинга силжиди. Хон олдинга силжигани билан сўз бошлишга улгурмади. Пастда одамларга белбоғлик тарқатиб юрган уста Бозирганнинг тепаликка яқинлашганини кўрган Қўвшутхон:

— Уста Бозирган, бизнинг ҳам сарупо улуши мизни бермайсизми? — деб юқоридан ҳайқирди.

Оқимтири рангли ипак рўмол тўла тугунни қўлтиқлаган уста Бозирган тепалик устида ҳозир бўлди.

— Белбоғдан юз ўгирган борми? — дея Қўвшутхон унга яна савол берди.

— Юз-кўзи, қўл-ёёғи соғ одамлар ичида ҳозиргача рўмoldан юз ўгирганга дуч келмадик!

Биринчи навбатда, урушга кирадиган такалар белларига ўша белбоғни боғлашлари керак эди. Улашилган белбоғларнинг барчаси бир хил рангда. Бу усул душман билан жангда аралаш-куралаш бўлиб кетганда ёки юзма-юз қиличбозликка киришганда ўзингниkilарни душмандан фарқ қилиш учун ишлатиларди.

Уста Бозирган ипак белбоғларнинг бирини хоннинг қўлига тутқазди.

— Қиличингиз кескир бўлсин, эй улуғ хон!

Уста Бозирган тепалик устида турган одамларнинг бир нечасига белбоғ улашди. Қўвшутхондан сўнг белбоғ Мулланафасга ҳам етди. Энг охирги белбоғни уста Бозирган ўз белига боғлади.

Чап қўлида белбоғ тутган Қўвшутхон қўйи эгилди-да, ўнг қўли билан ердан бир сиқим тупроқ олди. У тупроқ тутган қўлини баланд кўтариб жамоага қаради.

— Ҳурматли жамоа! Азиз эл-юртим одамлари! Насриддиншоҳ навкарлари мана шу она тупроғимизни қўлимиздан тортиб олмоқ учун бизнинг устимизга тўп судраб келди. Кимда-ким шу тупроқни қўлимиздан чиқишини истамаса, қиличга ёпишсин! Кимда-ким ота юртини етим қўйишини истамаса, қиличга ёпишсин! Ватан деб аталган туйғу — инсоннинг ўзидир, оёғи тагидаги тупроқдир, инсоннинг ору номусидир! Кимда-ким ўзини, тупроғини, ору номусини, онасини, синглисини, хотинқизини қўриқлашни истаса, қиличга ёпишсин! Сиз мени душмандан халос қилманг, Ватанни ёғийдан халос этинг! Кимда-ким мендан гина-кудуратли бўлса, ҳисоб-китобини эртага қўйсин. Ҳеч ким Ватандан гина қилишга ҳаққи йўқ. Ватанга гина сақловчи — номард кишидир!

Эй, азиз одамлар! Биз бироннинг тупроғини босқилаш учун отга чиқмаяпмиз. Биз инсон боласининг бошини олиш учун қиличга ёпишмаяпмиз. Биз она тупроғимизни душманга бермаслик учун отга миняпмиз. Биз бола-чақамизнинг бошини омон қолдириш учун қиличга ёпишяпмиз. Така туркманларига хон қилиб сайлаганингиз мен — Қўвшутхон ибн Ўроздурди сардор, шу тупроқ учун қора бошимни фидо қиласман деб сизларни ишонтираман. Шу азиз тупроқ учун бошини жон фидо қилишга барча така баҳодирларининг ҳам тайёр эканлигига мен ишонаман! Марднинг жойи — жаннат, номардники — дўзах бўлсин! Номард кишини эл-юрт лаънатлайди, бола-чақа лаънатлайди. Номардни она юрт тупроғининг оху фарёди жазолайди! Мард бўлинг, ботирларим, мардона бўлинг, сарбозларим!

Хоннинг жўшқинли сўзидан кейин кўп минг кишилик жамоа ҳам ҳаракатга келди. Қўнғир рангли белбоғлар одамларнинг белига ўралди.

Эсон охун Абдулла эшонга қараб, боши билан имо қилди. Абдулла эшон ҳам, ўз навбатида, оғир курашда туркман ботирларига Яратгандан куч-қувват тилаб, дуо қилиб, қўли билан «Омин» ишорасини қилди.

Эзгу тилакка қўшилган мингларча қўллар Абдулла эшоннинг ҳаракатини такрорлади.

## 30

*Бугун форслар 1500 марта, туркманлар эса 200 марта тўй отдишлар. Мен умрим давомида бундай ҳаёт-мамот жангини кўрмаган эдим. Икки томондан, ҳатто, қўли яроғсиз одамларнинг ҳам муштлашувга кирган фурсатлари бўлди. Аёвсиз кураш қуёш ботгунча давом этди.*

**Сайд Муҳаммад Али ал-ҲУСАЙНИЙ  
«Марв жанги» асаридан**

Форсларнинг туркманлар орасидаги жосусининг хабари тўғри бўлиб чиқди. Ўн бешинчи сентябрь куни такалардан элчи келди. Элчилар гуруҳига Сафаракхон раҳбарлик қиласарди. Сафаракхон ёнида олдин қожорларда асирикда бўлган бир неча оқсоқол ҳам бор эди. Муҳаммад Ҳасанхон ҳамда Новвот Ҳасан ал-Султонлар билан илгаридан яхши муносабатларда бўлиб келган оқсоқоллар улардан раҳм-шафқат умид қилиб келишган эди. Бироқ, бошланган урушнинг шафқатсиз олови раҳм-шафқат дарахтини томир-томиригача қўйдириб ташлаган эди.

Эрон томонининг Сафаракхонга берган жавоби қисқа бўлди. Элчиларни қабул қилган Ҳасанхон туркманларнинг ваъдаларига асло ишонмаслигини билдириди. У, агарда такалар Эроннинг асосий шартига тўла рози бўлмасалар, Мурғоб дарёсини юқори қисмдан бўғиб, сувини саҳрого оқизишига киришишини уқтириди.

Агар бу иш амалга ошса, чучук сувдан маҳрум бўлган такалар мол-ҳоллари билан ҳалокатга

гирифтор бўлардилар. Шу сабабли улар ёки шартга рози бўлишлари, бўлмаса Хива хонлиги томонга кўчишга маҳкум бўлардилар. Сўнгти шарт ҳам такаларни қаноатлантирумасди. Охир-оқибатда, шу нарса маълум бўлдики, даъвонинг чўзилишини бир йўл — уруш йўли билангина ҳал қилиш мумкин эди.

1860 йилнинг 16 сентябрь куни тонгги соат тўртларда Эроннинг улкан қўшини олға қараб кўзғалди. Қожорлар дарё қирғонини ёқалаб такалар кўргонига яқинлашиб келдилар. Кўшиннинг олдинги сафи тўхташи лозим бўлган чегарага етиб келди. Бу жой Жайронтепанинг ёнгинаси эди.

Қожорлар Жайронтепага ўрнашиб, кўргонни тўп ўқига тутишлари керак эди. Шу билан уруш ҳам ниҳоясига етиши кутилаётганди.

Эрон қўшинларининг сариқ тўпларининг қудрати туркманларни ер билан яксон этиш керак эди. Ёки бўлмаса, осмондан ёғдирилган, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган даҳшатли тўп ўқларининг портлашларидан сўнг, агар тирик қолса, Кўвшутхоннинг шахсан ўзи така оқсоқоллари билан Эрон давлати қўйган барча шартларга кўниб, таъзим билан келиши шарт эди.

Учинчи йўл йўқ эди.

Сариқ тўплар гоҳ кетма-кет, гоҳ ҳаммаси бирданига наъра торта бошлади. Теварак-атроф тоғ дарасига айланиб, ўша дарадаги ҳамма йўлбарслар ўкираётгандай овоз оламни босиб кетди. Тўпларнинг оғзидан чиқиб, осмонга кўтарилиган қора тутун тоғ қояларигача қоплаб олди. Йўлбарслар ўкирифи қояларга урилиб, қўрқинчли акс садо бера бошлади. Ёруғ оламдаги тирик жонзотларнинг ҳаммаси оч йўлбарсларнинг ўткир тишлари остида парчаланаётганга ўхшарди. Тўп оғзидан чиққан қора тутундан кўзи ачишган тўпчиларнинг қорачиғи ёшга тўлди, кулёклари том битиб, ҳеч нарса эшитмайдиган ҳолга келди. Тўп даҳшати икки соатча давом этди. Дарёнинг нариги томонидан тўхтовсиз чанг-тўзон кўтарилилар, буйруқ, даъват ва бақириқ-чақириқ

саслари чанг-түйондан ҳам, түп овозларидан ҳам баланд эди.

Кўзини аччиқ тутундан, қулоғини, миясини қақшатқич қалдироқдан, бу товушлар ичида янграган «Ё, Али!» деган ингичка-йўғон овозлардан ўзини сақлашга ҳаракат қилган Блоквил қовоқларини бир амаллаб очди. Очди-ю, олдинда тоғдай тутун босган қоронфиликни, қоронфилик ичида Машҳаддан Марвгача ўтган қирқ беш кунлик йўл давомида ҳар куни кутган хавфли жангга шу бугун, худди ҳозирнинг ўзида дуч келганлигини англади. Ҳозир хаёлида, тушларига кириб чиқсан қип-ялангоч жинлар, ажиналар сариқ тўплар гумбурлаши тўхтагач, қора тутунлар ичидан чиқиб келадигандай эди. У шу даражада гангиб, ҳолдан тойган эдики, Марв жангни қофозда жонлантириб тасвирилаш учун Франциядан кўтариб келган асбоб-анжомларию қофоз-дафтарини боши тагига қўйиши билан, шу лаҳзада пинакка кетди...

Артиллерия саркардаси Наввоб Жаҳонсўзнинг берган ҳисоботи бўйича икки соат давомида харвор-харвор ўқ-дори ишлатилган, атрофни ларзага солиб бир минг беш юз марта сариқ тўплардан ўқ отилган. Бироқ бу ўқлар, пахтавон ўқлар сингари нишонга бориб етмаган. Дарҳакиқат, кузатувчиларнинг айтишича, тўп ўқи тезлигини синаган мутахассисларнинг олдинги тахминлари ҳаётга татбиқ қилинмаган, яъни тўплар фақат ваҳимали овоз чиқарган, холос, шундан бошқа нарсани амалга ошира олмаган. Бир минг беш юз марта отилган тўп ўқларининг биттаси ҳам такалар қўргонига бориб етмаганлиги офтоб чиққанидан сўнг аён бўлди.

Эрон тўпларининг қуруқ ҳайбатидан сўнг, нариги қирғоқда такаларнинг жанговар кўтаринкилиги сезила бошлади. Кўргон олдидағи баландликка қўйилган бир жуфт тўп атрофида такалар фимир-фимири кучайгандан-кучая бошлади.

*Түркманлар сафга туришни билмасалар да,  
бир бирларини тез ва аниқ тушунишарди.  
Улар таваккалчиллик қилишмас, яқын масофада  
туриб жаңг қилишдан қочишарди.  
Така түркманларининг уруш ҳийлаларига қарши  
эронликлар ҳеч қандай чора тополмасдилар.*

**Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Эрон саркардалари туркман тўпларига нописандлик билан қарасалар-да, дастлабки улкан омадсизликдан сўнг эҳтиёткорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилишарди. Асосий умидлари бўлган сариқ тўпларнинг самарасиз ҳаракати қўшинга, албатта, салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Офтоб чиқар-чикмас қўшинга эътибор қилган Ҳамза Мирза фақат сарбозларнинггина эмас, балки катта-кичик бошлиқларнинг ҳам жанговар руҳи паст эканлигини пайқади. У сирдош бўлган саркардаларга ўзлари учун, шунингдек, навкарларга атаб ҳам тўп ўқидан панагоҳ (граншея, ертўла, окоп) қазиш кераклигини буюрди.

Бугун ҳам ҳаво эрталабдан қизий бошлади. Офтоб шуъласи остида ер ковлаган қўллари белкуракли мингларча сарбозларга ёнбошдан назар солган Блоквилга далада дехқончилик қилиб юрган дехқонларни эслади.

Қўшиндаги бўлим командирлари ўзлари учун ер ковлашмасди. Улар учун ҳам чуқур қазиган сарбозлар ертўлаларнинг фарб томонидан уйча қолдиришарди. Блоквил қум-тупроқ аралаш уйларнинг энини йигирма сантиметрдан қалин бўлмаса керак деб тахмин қилди. Болалар ўйнайдиган уйларга ўхшаш уйчалар унинг кулгисини келтирди.

У навкарлар қилган ишларни кузатиб юрганида авшарлар уруғининг катхудоси Юсуфхонга рўбарў келиб қолди. Блоквил Юсуфхонни олдиндан яхши

биларди. Баъзи сұхбатларда Юсуфхон ўзининг шажараси қожорлардан кўра туркманларга яқин эканлигини эсга олганди.

— Жаноб Юсуфхон, бундай уйчалар тўп ўқидан бизни сақлай оладими, нима дейсиз?

— Худо ёрдам берса сақлайди, бўлмаса йўқ, — дея Юсуфхон Яратганга ишонмагандай кулиб юборди.

Блоквил хоннинг кулгисидан, қазилган чуқурларни мазах қиляпти деган маъно чиқарди. Аммо, Юсуфхон сўзини давом эттирганда бундай эмаслиги маълум бўлди.

— Бундай ўқпаноҳларнинг бизга асло кераги йўқ, жаноб капрал. Такалар устимизга ёпирилиб келишса, қиличбозлик бошланади. Шу чуқурларнинг ичидагуриб қилич ўйнатамиз деб ўйлајapsizmi? Албатта, бундай эмас. Бироқ буйруқ муҳокама қилинмайди, чунки у — буйруқ!

— Бу чуқурлар тўп ўқидан сақланиш учун қазилмоқда-ку, ахир?!

Юсуфхон яна қулумсиради. Бу сафарги қулгининг мазахомуз эканлиги ошкора билинди. Унинг сўзлари ҳам шуни тасдиқлади.

— Эй, жаноб капрал, яхшиси сиз мени гапиртирманг! Шаҳзоданинг буйруғи қанақа эканлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, ахир...

Кутилмаган вазият Юсуфхоннинг сўзини бўлиб қўйди. Туркманларнинг тўплари гумбурлай бошлади.

Бирин-кетин вақт оралатиб бир жуфт туркман тўпларининг ўқлари Ҳамза Мирзанинг баланд чодири тикилган жойга етиб бормаса-да, эронликлар қўшини ичидаги гумбурлаб ёрилди. Яқин атрофдан оҳ-воҳлар эшитила бошлади.

Блоквил Юсуфхоннинг юзига қаради. Унинг назаридан ҳайрон қолганлик алматини уқсан Юсуфхон ҳам бошқа сўз топа олмай:

— Бу қанақаси бўлди? — деб қўйди.

— Сизлар отилмайди деган тўплар ҳам гумбурлай бошлади! — дея сұхбатдоши кинояли

гапни хөхламаса-да, Блоквил түғрисини айтиб күя қолди.

— Уни биздан туркманларга асир тушганлар отишмоқда, — деб Юсуфхон такаларнинг тўп отолмаслигини исботламоқчи бўлди. Бироқ унинг топган жавоби тўп ўқидан ҳимояланмоқ учун бир қарич қалинликда қурилган деворли ертўлалар сингари кулгили эди.

— Туркманлар бизларнинг асиirlаримизни тўпнинг ёнбошига ҳам яқинлаштиrmайди, жаноб Юсуфхон, — деб Блоквил ўзини ҳам уларга яқин тутиб ва Юсуфхоннинг ўзига-да ёқадиган жавоб берди.

Юсуфхон бу сафар мардларча жавоб қайтарди.

— Бу сўзингиз ҳам тўғри.

— Бу ерда энг кулгили нарса — бизлар отган тўплар ўқининг туркманлар қўрғонига етмаслиги-ю, туркманлар отган тўп ўқининг эса бизларнинг устимизга келиб тушаётганилиги!

— Мен эса ҳозир бошқа нарса тўғрисида ўйлай бошладим.

— Қани, айтинг-чи!

— Сизларнинг ўқ-дориларингиз билан ўзларингизни отишмоқда. Ана шуниси кулгили. Машҳаддан Марвгача ўз елкангизда ўқ-дори келтирдингиз. Унинг ҳам ўз тўпингиз билан ўзингизга қарши ишлатилиши, ҳақиқатан ҳам кулгили.

Юсуфхон тўғри айтилган сўзларнинг ҳақиқатлигини бу гал ҳам тасдиқлашга мажбур бўлди.

— Ҳа, тўғри гапирдингиз, бу ерда бир каромат борга ўхшайди!

Тўп ўқлари янада яқинроққа келиб ёрила бошлади.

Юсуфхон ўқпана ахтаргандай теварак-атрофга аланглади. Ўқпана деб қурилган уйчалар кишини тўп ўқидан қўриқлай олмаслигига кўзи етгач, бегона бир кимсанинг олдида ўзини мард кўрсатишга ҳаракат килган хон турган жойидан қўзғалмади.

Шу вақт осмондан оғат бўлиб ёғилаётган тўп ўқларининг бири Юсуфхон билан Блоквилнинг ёнидан етти-саккиз қадам нарироқда турган семиз хачирнинг устига тушди ва уни ағдариб ташлади. Хачир оёқлари дир-дир титраганча бирпасда жон берди.

Хачирга томон хавотир ила назар ташлаган француз суратга муҳрлайдиган асбоб-ускуналарини қўлига олди.

— Бу ердан тезда узоқлашмасак, кейинги нишон иккаламиз бўламиз, жаноб Юсуфхон!

Тили дудуқланиб турган французнинг тахмини шу онда ҳақиқатга айланди. Агар Блоквил кескин, чаққон ҳаракат қилмаганида, семиз хачирнинг куни Юсуфхоннинг ҳам бошига тушиши аниқ эди.

Даҳшатли овозда қичқириб юборган француз Юсуфхонни елкаси билан уриб юборди-ю, зарб кучидан Юсуфхон уч-тўрт қадам нарига йикилди. Блоквилнинг ўзи ҳам нақ унинг оёғи тагига умбалоқ ошиб тушди.

Бош кийимини ердан олиб, ўрнидан турган Юсуфхон орқасига қаради. Кумлоқ ерни анчагина ўйиб, ўпириб ташлаган тўп ўқи Юсуфхоннинг олдин турган жойида қорайиб ётарди. Омон қолганига энди фаҳми етган Юсуфхон қувонганиданми, ўлимдан кутулганигами юзи ўзгариб кетди. Бироздан сўнг ўзига келиб, ўнг елкасини чап қўли билан силар экан, бошини қуи эгганча:

— Жаноб капрал, сизнинг кучингиз тўпдан чиқкан қора ўқницидан кам эмас экан, — деб жилмайди. У яна бир гал тўп ўқига қаради. — Сиз мени тўғри келган ажалдан кутқардингиз. Мен сиздан умрбод қарздорман. Уни қандай узаман? — деди.

— Жанг майдонида олиш-бериш ҳисоб қилинмайди, жаноб Юсуфхон...

Тўп овозлари босилгач, туркманлар қўрғонидан тўрт юз-беш юз атрофидаги одам дарё томонга юришди. Улар икки гуруҳга бўлиндилар-да, ўз ишларини бажаришга астойдил киришдилар.

Блоквил туркманларнинг ўзларини тутишларини ҳайрон қолиб кузатди. Улар дарё томонга улкан түнкаларни, узун-калта ёғочларни келтириб ташлашарди. Орқасига қора милтиқ осиб олган, қўли ўроқли такалар дарё қирғоғидаги қамишзордан даста-даста қамиш ўриб боғлашарди. Блоквил аввалига уларнинг нима мақсад билан ушбу ишни қилаётгандарига тушунмади. Бироқ ҳозирги ҳаракат — асир тушган Жиянгелдиники каби молга ўт йифиш ташвиши эмаслиги маълум. Воқеани кузатиб турғандардан бири: «Туркманлар дарёга кўприк қурмоқчи бўлишяпти», деб тушунтириди.

Шундан кейин Блоквилнинг ҳайрати янада ортди. Биринчидан, уруш давом этаётган экан, ҳеч нарсадан ҳайиқмай туркманларнинг кўприк қуришини бошлашлари ҳам хаёлга сифмайдиган жасорат эди. Иккинчидан, агар кўприк қурилишининг қожорлар устига ҳужум қилиш мақсади билан қурилаётганидан бошқа маъноси бўлмаса, эронликларнинг туркманлар ҳаракатига бефарқ қараб туришлари — ақлга сифмас иш эди.

Худди аксига олгандек, қўшиннинг бир қисми вафот бўлганлар, ярадорларнинг ташвиши билан банд бўлса, қолган асосий қисми тушлик овқатнинг ташвиши билан ўралаша бошлади.

Блоквил Техронга келган кунидан бошлаб Шарқ одамларининг беҳафсала, беташвиш хусусиятларга эгалиги, бугунги ишни эртага қўйишга баҳона қидиришга мойиллиги ҳақида кўп ўйланарди. Бугун ҳам улар ажал билан юзма-юз келишларига қарамай, биринчи даражали ишни иккинчи даражага ўтказишларини кўриб, ҳайратга тушди. Унинг сабаби нимадалигини ҳеч тополмасди. Саркардалар сарик тўпларнинг икки соат мобайнида бетўхтов ишлаб, фақат ўзларигагина ҳисобсиз зарар келтирсанлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдилар. Ушбу хато ва янглишувларни қандай тўғрилаш борасида эса улар ўйлаб ҳам ўтиришмади. Аксинча, Блоквилга маълум

бўлишича, айрим саркардалар шаҳзодага ҳозирча хужумни тўхтатиб, орқага чекиниш, янги куч тўплаб, ундан кейингина Қораёпга яна бошқатдан ҳужум уюшириш маслаҳатини берган эмиш.

Агар қожорлар биринчи натижасиз ҳужум билан чекланиб, ўзларини ростлаб олиш учун Марвга чекинсалар, бу бутун юриш улар учун самарасиз тугаганлигини англатарди. Бу уруш тактикасидан, сирларидан бехабар одамга ҳам тушунарли эди.

Бироқ Эрон кўшини раҳбарлари орасида ўзлари учун бегона бўлган Блоквилдан ўзга ҳеч ким бу ҳакда фикр юритаётганга ўхшамасди. Улкан қўшиннинг Ҳамза Мирза Хишмат Давла каби бош саркардасидан тортиб, оддий сарбозигача фақат ўз жонини сақлашнинг ташвишини қиласди.

Блоквил сўнгги тахминининг ҳақиқатга унчалик ҳам тўғри келавермаслигини фаҳмлади. Чунки ўз жонини қутқаришни истаган одам ўз жонига хавф солган душманни енгиш фикри билан яшashi, курашиши керак эмасми, ахир?!

Ўн олтинчи сентябрь куни тушдан кейин соат учларда янги қурилган кўприкдан ўқдай отилиб ўтган мингга яқин туркман қожорларнинг устига ёпирилиб келди. Ҳужум билан биргаликда, отлиқлар келаётган томондан шунақсанги чанг-тўзон кўтарилиди, Блоквил бунинг фақат от туёғи остидан кўтарилиган чанг-тўзон эмаслигини фаҳмлади. Чанг-тўзон бутун режани, кўринишни ўзгартириб юборди, чанг бир отлиқни юз отлиқ, бир қилични юзта қилич қилиб кўрсатди. Чанг-тўзон ичидан отилиб чиқаётган отлиқларнинг изи тугамайдигандай эди. Бу ҳол ҳам етиб келаётган хавф-хатарнинг ҳайбатини орттириб юборди.

Кўприк қурила бошланганиданоқ шундай ҳолат юз беришини олдиндан сезган Блоквил ҳужум сўнгининг қандай тамом бўлиши борасида ҳали маълум бир қарорга кела олмаган эди. Чунки унинг бу тўғрида узоқ фикр юритишига имконияти

ҳам бўлмади. У ўзининг янги юртларни кўриш, ўзга халқларни билиш мақсадини амалга ошириш ниятида розилик берган ушбу сафарининг эндиликда қонли саёҳатга айланаётганилиги ҳақида ўйлашга мажбур бўлганди. Бугунги кун — Блоквил учун ёш умрининг энг сўнгги куни бўлиши ҳам мумкин эди. Узокдан кўринган ва ўткир қуёш нурлари билан тўқнашганда оловдай ялтираган мингларча эгри қиличларнинг бири унинг умр томирини чўрт узид ташлаши мумкин эди.

Хужум қилиб келаётган отлиқлар орани қисқартирган сайин барча нарса: уларнинг кийимлари, юз-кўзлари, жанговар ҳаракатлари ошкора кўрина бошлади. Ёғийнинг кучини қирқиши учун кетма-кет гумбурлаган тўплар ҳайбати кутилган натижани бермади. Тўп ўқлари ҳужум қилиб келаётган отлиқлар устидан ошиб, дарё қирғоғидаги қамишзорга бориб тушарди. Тўплар овози туркман отлиқларининг «урҳо-ур» ларига қўшилиб, етиб келаётган такаларнинг ваҳимасини янада кучайтиromoқда эди.

Сариқ тўплардан яна натижа бўлмагач, саркардалар навкарларни қиличбозлик жангига ўтиш учун тайёрлай бошладилар. Сиртига офтоб ва йўлбарс шакли туширилган байроқ юқорига кўтарилиди, қиличлар қинидан чиқарилди. Рўй берадиган хавфни сезган отларнинг бурунлари пириллаб, пишқира бошладилар. Икки томондан кўтарилган жанговар ҳайқириқ, шовқин-сурон атрофни ларзага солди.

Тўппончасини филофидан суурган Блоквил уни қачон отишни ҳам билолмай қолди. Чунки у довдираб, ўзини йўқотиб қўйган эди. Бостириб келганлар орасида эронликлар билан юзма-юз курашаёттан хотин-қизлар ҳам бор эди. «Ана, ўшалар арвоҳлар, урғочи шайтонлар бўлса керак! Ҳа, худди ўшалар! — дея Блоквил ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. — Улар ахири мени топиб, олдимдан чиқди!»

Туркманлар ичида ҳар жой-ҳар жойда қилич солишаётган аёллар кўзга ташланарди. Улар

отга мингандарда халақит бермаслиги учун узун кўйлакларини белларигача шимариб, бир томонини маҳкам боғлаган эдилар. Уларнинг белларига боғлаб олган оқимтири белбоғлари французнинг кўзига оқ бут бўлиб кўрина бошлади.

Блоквилнинг хаёлига тўсатдан шундай фикр келди: «Мен қисмат қонунига бўйсунишим керак. Мен уларга қарши ўқ отмаслигим лозим. Яратган эгамнинг ўзи бу қонли саёҳатни менинг толеимга битган. Йўқ, шу пайтгача францууз капралининг аёл қўлидан ўлгани тарихда бўлганми? Тарихдаги дастлабки бундай шармандалик менинг манглайимга ёзилган экан. Барибир, қисматдан қочиб бўлмайди...»

Яраланган отларнинг жон ҳолатда кишинашлари, отдан афдарилаётган сарбозу навкарларнинг фарёду нола-фигонлари ҳам урғочи шайтонларнинг овозига айлангандай, теварак-атрофни босиб кетди.

Бирок, Блоквил қархисидан келаётган урғочи арвоҳнинг ўз бўйнига қилич солганини кўролмади. Ҳа, у урғочи арвоҳ қиличидан эмас, бошқа бир отнинг устида кўринган туркмандан ўзини чеккага олиш учун ўрнидан турганда, отларнинг жон ҳолатдаги кишинashi ҳам, ярадорларнинг оҳу ногалари ҳам, арвоҳларнинг юракни ларзага соладиган чинқириклари бирданига эшитилмай қолди.

Блоквил учун қураш ҳам, саёҳат ҳам тамом бўлди. Унинг қалбидаги қўрқув ҳисси бирдан йўқолди. Блоквил ором дунёсига шўнфиди. Кейинги ярим йилда унинг ҳозиргидай роҳатланиб-лаззатланиб ётган вақти бўлмаган эди...

Чуқурнинг ичида қум-тупроққа беланиб ётган Блоквил кўзини очганда, атроф осуда, чанг-тўзон йўқ, арвоҳларнинг қичқириклари эшитилмасди. У бошини зўрга кўтарди-да, тўғри дарё томонга назар ташлади. Дарёнинг ўнг қирғофидаги туркманлар қўрғон атрофида хотиржам айланиб юришарди.

Блоквил юзини, манглайнини, бош-юзларини сийпалаб кўрди. Танасида қон оқиб турган ёки яра-

чақа бўлган, ҳатто, оғриётган жой ҳам йўқ. «Бояги бало-офатлардан қутулган бўлсам, энди менинг пешонамда ўлим хавфи йўқ!» — дея чин юракдан қувонди Блоквил. Шу лаҳзада онасининг Парижда кўрган тушини эсга олди-ю, яна капалаги учди.

— Шошма, Жорж! — деди у ўзига-ўзи. — Сен ҳозиргина бир ўлимдан қолдинг-ку! Туркман элчисининг айтишига қараганда, инсон ҳар қадам ташлаганда бир ўлимнинг ёнбошидан ўтар экан. Қайси қадамингда унинг устидан босишинг сенга маълум эмас...

Блоквил ўзининг думаланиб-эзилиб ётишидан уялди. Ўрнидан туриб, кийим-бошларини тозалади, икки ўқидан биттаси ҳам отилмаган тўппончасини топиб, филофига солди.

У чуқурдан чиққанда туркманларнинг бугунги ҳужумида ҳалок бўлган қожор навкарларининг жасадлари ҳали ҳам йифиб олинмаган эди. Жасадлар турли ҳолатда — юзтубан, чалқанча, буқчайганича қотиб қолган бўлиб, уларнинг орасида туркмалар ҳам бор эди. Блоквил уларни кийимидан таниди. Лекин ҳалок бўлган туркманлар орасида ярим-яланғоч урғочи арвоҳлар кўринмади. «Худога шукур! Мен арвоҳларнинг жасадидан ҳам жирканаман... Ёки уларнинг ичида бирортасининг ҳам паймонаси тўлгани йўқмикан? Ҳа, айтганча, урғочи арвоҳларга ажал ҳам тегмайди-ку!».

Блоквил ўзи истамаган ҳолда бош саркарданинг баланд чодири томон юрди. Чодир эски жойида эди. Демак, туркманлар ҳужумга ўтганларида қўшин ўртасига киришга ҳаракат қилишган, бироқ бош чодир жойлашган ерга ета олмай орқаларига чекинган экан-да.

Блоквил йиқилиб ҳушини йўқотган жойидан эллик қадам чамаси юрганида, ғалати воқеанинг устида чиқди: ўн беш-үн олти ёшлардаги қорача-орик ўсмир ўқпана учун қазилган чуқурнинг чеккасидаги кум устида чўкка тушиб ўтиради.

Эрон қўшини ичида навкарларга берилган пулни олиш учун олтмиш ёшдан ошиб хизмат қилаётган мўйсафидлар ҳам, ўз ихтиёри билан келган ёки кимдир ўрнига хизматга юборилган ўн тўрт-ўн беш яшар ўсмиirlар борлигидан Блоквил хабардор эди. Улар билан кўп марта юзма-юз учрашган ҳам. Бироқ чўкка тушиб ўтирган нозик йигитча анча ёш кўринар, шу ўтиришида у бир нарсалар билан банд эди.

Блоквил от туёқларининг янги излари тўлиб кетган майдон ёнида бу йигитча нима билан машғул бўлаётгани билан қизиқди. Йигитча кийган шимнинг олд томони жиқقا хўл эди. У пешобини тута олмайдиган бемормикин? Йигитча пешобидан лой қилиб, узун чундукли тўпга ўхшатиб нимадир ясадби. Энди эса ортиб қолган лойдан тўп ўқи ясашга киришган экан.

Блоквил унинг ишини томоша қиларкан, ёнига келган одамга мутлақо бефарқлигини пайқади... Бечора йигитча тўпларнинг қаттиқ гумбурлаган овозидан, шовқин-сурондан, туркману эронликларнинг бир-бирларига аёвсиз қилич солаётгандаридан кўрқиб, эси оғиб қолган эди.

— Исминг нима, сарбоз? — деди у аста йигитчага.

Сарбоз йигитчадан садо чиқмади. У французнинг юзига гўдакларча бир қаради-ю, Блоквил йигитчанинг ўз номини ҳам эсидан чиқарганини англади. Сарбоз кутилмаганда Блоквилга қараб гапира бошлади:

— Мен тўп ясадим, жаноб! Энди унга ўқ ясамоқчиман, жаноб. Лекин ясаган тўпимнинг ранги сарик бўлиб чиқмади, қора бўлди. Қаранг-а, бу — Исфаҳон тўпи. Туркманлар билан уруш бўлса, мен шу тўпимни майдонга олиб чиқаман. Эҳ, аттанг, кўп ўқ ясаш учун пешобим камлик қилди. Мен яна ўқ ясашим учун сиз пешобингиз билан бу лойни хўлланг, жаноб! — Йигитча ҳали яхши лойга айланиб улгурмаган бир ҳовуч нам тупроқни Блоквилга узатди.

Йигитчанинг ҳолига ичи ачиган Блоквил, унинг ёнидан нари кетди. «Ха, сизларнинг мисдан қуюлган тўпларингиз нима каромат кўрсатди-ю, энди лойдан ясамоқчи бўлган тўпинг ҳоли не кечади?»

Ҳамза Мирзанинг баланд чодирига яқинлашган Блоквил туркманларнинг сўнгги ҳужуми қожор қўшинига бекиёс талафот етказганлигини билди. Чодирнинг атрофида бир неча жасад қатор ағанаб ётарди. Француз баланд чодир атрофига фақат саркардалар жасади тизилганини фаҳмлагач, бирор таниш бормикан деб уларнинг юзига қараб чиқди. Ҳалок бўлганлар орасида у яқиндан таниганлардан ҳеч ким йўқ. Шундай бўлса-да, чеккароқда ётқизилган тўртинчи жасадга яна бир бор қаради. Юзи оқариб кетган жасаднинг пора-пора қилинган кўйлаги этагидан қонга бўялган ичаклар кўриниб турарди. Кўзга кўриниб турган ваҳшийлик оқибатининг устини бекитиб, ёпиб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди.

Блоквил теварак-атрофга қаради. Баланд чодирнинг атрофидаги бош саркардага энг яқин ҳисобланган мулозимларнинг юzlари ерга қараган. Француз чодирнинг ичидаги чукур хаёлга ботиб ўтирган Ҳамза Мирзани кўз олдига келтирди. Шаҳзоданинг ҳозир нима ҳақда фикр қилаётганлигини билса бўладими? Бироқ, бундан нима фойда? Ҳозир бош саркарда эмас, ёнидагилар ҳам Блоквилнинг саволига жўяли жавоб беролмайди. Бунга ақли етган Блоквил яна орқасига — ўзининг қум-тупроқ босиб қолган чодири томон шалпайиб қайтиб келди.

*Жайронтепада икки томон ўртасида қонли түқнашув юз берди. Авшар полки билан Фараҳон полки навкарлари  
«Ё, Али!» деб олға отилишди.*

*Пистирмада турган туркманлар уларни ўқ  
ёмеири билан кутуб олдилар. Етмии нафар  
навкар ўлдирилди... Улар лойга ботған Ҳасанхоннинг  
ҳам бошини кесишди...*

### **Санд Мұхаммад Али ал-ХУСАЙНИЙ**

*Бизнинг оёғимизга маҳкам ёпишган туркманлар  
орқамиздан ўқларни ёмеирдай ёғдиришарди.*

*Мен бир кенг чуқурликдан ўтаётганимда  
отим билан ағдарилиб тушдим...*

### **Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Қожорлар қўшинидаги энг обрўли саркарда ҳисобланган Ҳасанхоннинг ўлдирилиши ва артиллериянинг таниқли сартиб (генерал)ларидан бирининг туркманлар қўлига асир тушиши сарбозларнинг чўккан руҳини баттар тушириб юборди. Қожорлар томонидан уюстирилган хужумларнинг туркманлар томонидан осонгина бартараф қилиниши ва бунинг устига, такалар тарафидан асирга олишлар, катта ўлжаларнинг қўлга киритилиши Ҳамза Мирзадан шароитга бошқача муносабатда бўлишни талаб қиласади. У маслаҳатчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб, кетма-кет юз берган мағлубиятлардан сўнг Марвга чекиниб, жиддий ҳарбий тайёргарлик кўргандан кейингина Қораёпга бошқатдан ҳужум қилиш керак, деган холосага келди.

Шундай қилиб, 1860 йил иккинчи октябрдан учинчи октябрга ўтар кечаси «қожорларнинг Қораёпдаги барча қўшин турлари ҳарбий қўч-кўрони билан Марвга чекинсин» деган буйруқ пайдо бўлди.

Блоквил саркарда Ҳамза Мирза раҳбарлик қилган қўшиннинг орқа томони хавфсизлигини таъминловчи иккинчи гуруҳ ичидა эди.

Бир неча минг навкар, сон-саноқсиз от, туя, ҳачир ва эшаклар ҳаракатини тун қоронғисида ҳам кўздан яшириб бўлмасди. Бетартилик илингизни кўча бошлаган қўшиннинг шовқин-сурони тик кўкка кўтарилади. Қожорлар эндигина бир фарсах чамаси йўл юрганларида қутилмаган воқеа рўй берди. Ёғийнинг орқага чекинганидан хабар топган туркманлар қўшин бораётган йўлнинг икки томонидаги пистирмалардан чиқиб «Ё, Оллоҳ!» деб ҳужумни бошлаб юборишли. Такалар чала уйкули ва ҷарчаган қўшиннинг икки чеккасидан яшин тезлигида кучли зарба беришарди-да, дарҳол орқага чекиниб, кўздан ғойиб бўлишарди.

Бундай ҳолат кети узилмай такрорланиб, ҳар сафар бир неча навкарлар от-ҳачирлардан ажралиб ўқ, қилич зарбидан ағдарилса-да, улкан қўшин чекинишда давом этарди. Қўшин кетма-кет таёқ зарбини сезмаган қари фил сингари аста-секин силжиб борарди. Қўшиннинг олд қисмида бўлаётган воқеалардан орқа қисми, орқа қисмда бўлаётган воқеалардан олд қисми бехабар эди. Хабардор бўлганлар ҳам чекиниш ҳақидаги буйруққа итоат қилиб, фақат бор кучи билан орқага интиларди.

Икки томондан қовоғари талагандай таланса ҳам, қўшин асл макони томон қадам босарди. Қўшин турган жойдан Марвгача бақирса овоз етгудай масофа қолди. Бироқ ўша масофани ўтиш қожор қўшини навкарларига юз фарсах йўл ўтгандан ҳам қийин бўлди. Уларга Марвда қолган сартиб Оға Ризохон Ажданбоши қўшинига етиб қўшилмоқ насиб этмади.

Туркманлар Қораёпдан қайтган асосий қўшиннинг Марвда қолган қисм билан бирлашмаслиги учун ўзларида бор бўлган бутун имкониятни қўллашган эди. Дарё томондан худди уясидан отилиб чиққандай қўққисдан пайдо бўлган отликлар бу гал қўшиннинг

олдинги қисмига зарба берди. Блоквилнинг тахмин қилишига кўра, охирги ҳужумда қатнашган туркманларнинг сони 1500 дан оз эмасди. Икки орада қиличбозлик уруши бошланиб кетди. Худди шу вақт дарё тарафдан етиб келган бошқа отлиқ туркманлар қожор қўшинининг иккинчи бўлаги устига ёпирилди.

Блоквил туркман қиличи етадиган жойдан узоқда эди. У Эрон саркардалари гуруҳига яқинроқ бўлганлиги учун ўзининг қўриқланишини яхши биларди. Саркардаларга тансоқчилик вазифасини бажараётган, махсус тайёргарликдан ўтган сайланма сарбозлар такаларни яқин масофага келтирмайдиган жанговар ҳолда эдилар. Шу сабабли, Блоквил учун туркманларнинг уруш сирларини ўз кўзи билан кузатиш имконияти пайдо бўлди. Унинг кузатишича, туркманларнинг қожорлардан асосий фарқи – уларнинг ҳаддан ташқари тез ҳаракат қилишларида эди. Туркманларнинг отлари ҳам бардошли, чопафон эди. Улар ўқдай отилиб келишар, орқага қайтганларида ҳам худди шундай тез югуради.

Блоквил туркман отлиқларининг Эрон қўшини ичига аралашмай, фақат чап томондан ҳужум қилишларининг маъносини ўзича тушунди. Туркманларнинг асосий мақсади уларни қириб ташлаш эмас, балки ҳаракат йўналишини ўзгартириш эди.

Ҳужум қилган туркманлар орасидан ажралган қора телпакли бир йигит қаттиқ чопаётган отини бошқара олмай қолди, шекилли, қожорларнинг ёнбошидан ҳужум қилиб, шартта орқасига қайтиш ўрнига, куч билан урилиб қўшин ичига кириб кетди.

Туркманнинг қўлидаги қуроли – бир ярим қулоч узунликдаги маҳкам ходанинг учига қаттиқ уриб ўрнатилган уни ўткир аёллар тақинчоги эди. Офтоб шуъласи остида ялтираган уни ўткир кумуш тақинчоқ Шарқни унча яхши билмаган европалик кўзига нотаниш гаройиб бир яроғ бўлиб кўринди.

Фаройиб қуролли туркман йигитининг оти қожор қўшини қаторларини кўндалангига кесиб ўтолмади. Тўрт томондан ҳаракатга тушган қожор навкарларининг қиличи отнинг ўнг оёғини қаттиқ яралади. От мункиб кетди-ю, унинг устидан думалаб тушган туркманнинг телпаги бошидан ерга учиб тушди. Шунда бу ботирнинг аёл эканлиги маълум бўлди. Қора телпак ичига яхшилаб йифилган ўрим қора соч қумга ёйилди.

Шу томонга қараб, оғзи очилиб қолган Блоквил: «Кўп сонли улкан қўшиннинг оз сонли қўшиндан чекинишининг сабаби энди маълум бўлди, заифа аёллар шундай урушиб билса-я?» — деб пичирлаб қўйди... Француз капрали уруш деб аталмиш қора тошюрак кучнинг яна бир қилган ваҳшийлигига шунда гувоҳ бўлди. Уруш бегуноҳ гўдакнинг ипакдай соchlарини силайдиган фаришта қўлларига кескир яроғ бериб, бу қўлларнинг эгаларини тошюрак, бераҳм бир кучга айлантирган эди.

Бешафқат қожор сарбозининг ўткир қиличи ҳали ўрнидан туришга улгуролмаган заифанинг бошига зарб билан урилди. Қоп-қора зулфлар билан ўралашган гўзал бош қумга думалаб тушди. Ёш аёлдан ҳеч бир овоз эшитилмади. Уруш деб ном олган ваҳшатнинг қора кучи аёл гўзаллиги, хотин-қизлар заифалиги олдида ҳам юмшамаган эди.

... Туркманлар Кўвшутхон ўйлаб топган ҳарбий ҳийлани амалга ошира билдилар. Қўшиннинг олдинги қисми қархисидан така отлиқларининг пайдо бўлиши билан Марв томонга йўли тўсилган қожор қўшинлари туркман отлиқлари йўқ тарафга — жануби-шарқ томонга қараб йўналишини ўзгартирди.

Туркманларнинг қон тўкиб, жон бериб нима сабабдан ўз душманларини бораётган йўлдан бошқа томонга ўзгартира олганликлари туб сабабини Блоквил кейинчалик билди.

Марвга борилмасдан, шаҳарнинг жанубидан шарққа юришга мажбур қилинган қўшин яна бир

фарсах чамаси йўл юргандан кейин Сайдносир деб аталмиш манзилга бориб етди. Блоквил бу атрофларни яхши биларди. Саркардалар ов овлаш учун шикорга чиққанларида француз уларга қўшилиб бу жойларга келган, теварак-атрофни кўп марта айланиб чиққан эди.

Сайдносирдан юқорида Пўпушкум, кейин Са-мандиқ деган манзиллар бор эди. Ундан юқорироқда қожор қўшинларининг асосий қисми қолдирилган Пўрсиқалъя жойлашган. Марвдан қайтишга мажбур бўлган саркардаларнинг эндиги мақсади — ўзларини ўша жойга әлтиш ва жонларини сақлаш эди.

Сайдносир ёнидан бироз ўтилгач, сув бостирилган йўлларни, узоқда кенг майдонни эгаллаган пастликдаги қалин қамишзорни кўрган Блоквил эронликлар учун қутимаган нохуш воқеа энди юз беришини сезди. Чунки уч ой олдин ўтганларида бу жойдаги ерлар сувсизликдан қовжираб ётарди. Куз фасли бошланиши билан сув янада камайиб, сувга муҳтожлик ниҳоятда кучайган эди. Осмондан бутун ёз фасли давомида бир томчи ҳам ёмғир ёғмаганига Блоквилнинг ўзи гувоҳ. Сув қаҳат бўлиб турганда, бўм-бўш пастлик майдонга нима сабабдан қўллатиб сув юборилган? Блоквил бу ҳийлани кейин билиб олди.

Узоқдан янги қазилган ариқлардан чиқазилган тупроқ-күм уюмлари тўда-тўда ҳолда кўзга ташланарди. Булар шунчаки қазилганга ўхшамасди. Чаппарастасига тортилган марзаларнинг сон-саноғи йўқ. Бошга иш тушганда зудлик билан чоратадбирлар топишга уста бўлган Кўвшутхоннинг маккорона тузоқ қурганлиги Блоквилга ошкора кўриниб турарди. Чунки бундай кўз илғамас кенг майдонни ботқоқзорга айлантириш, от-ара ва ўта олмайдиган жаҳаннам қилиш учун улкан, катта куч ва вақт лозим бўлади-да. Бундай оғир меҳнат талаб қиласидиган иш бемақсад, айниқса, уруш бўлиб турган вақтда, шунчаки кўнгилхушлик учунгина амалга оширилмайди.

Йўлнинг икки томони куз фаслининг тилла рангига бўяган қамишзор эди. Қўшин ўтиб бораётган йўлнинг сувга бостирилган бўлаги тезда тамом бўлар, деган умид билан бораётган эронликлар анча йўл босишиди. Тўсатдан икки томондаги қамишзорнинг орқасидан бадани жунжиктириб юборадиган шовқин-сурон кўтарили. Блоквилнинг тахминига кўра, икки томондан отилиб чиқсан туркман отликлари сони уч мингдан оз эмас эди. Улар қийчувлашиб, «урҳо-ур» деб шовқин-сурон кўтариб, эронликлар устига ёпирилишиди. Қожорлар нима бўлганини тушунар-тушунмас, такаларнинг эгри қиличлари ёғийни қийрата бошлади. Уларнинг бир бўлаги устига тўп юкланган оғир араваларни итариб келаётган тўпчиларнинг атрофини қуршаб олди. Бу ерда тўқнашув ҳам юз бермади. Блоквил тўп юкланган араваларнинг аллақачон орқага ўгирилганини, сарбозлар хачирларни қамчила, ортга юра бошлаганини кўрди.

Мингбошилар ўз навкарларини тинчлантириш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилишарди. Бир гуруҳ сарбозларнинг орқага қоча бошлаганини кўрган асосий бўлимнинг навкарлари ҳам шунда қочишига мойиллик кўрсата бошлади.

Таниқли мингбоши отини олдинга чоптириб қочаётган бир навкарнинг изидан қувиб етди. Куч билан унга қилич солди. Эгаси эгардан ағдарилиган от узоққа бормай орқага қайтиб келди.

— Қочоқнинг жазоси шундай бўлади! — деди ҳайқириб мингбоши.

Таниқли мингбошининг бу сиёсати ҳақиқатан ҳам сарбозларга туздай таъсир қилди.

... Қиличбозлик ярим соатдан узоқ давом этмади. Ўз ҳийлаларини амалга оширган туркманлар учун қилич билан урушмоқ ниҳоятда омадли бўлди. Чунки бир томони сув босган шўрликка тиralган қожорлар учун қочиш-қувиш имконияти йўқ эди. Туркманлар эса фақат олдинга ҳаракат қилиб, ёғийни ўша сув босган шўрликка томон сиқиб боришиди.

Ҳамза Мирзанинг атрофини қўриқлаган сарбозлар туркманларни унга яқинлаштираслик учун қаҳрамонларча жанг қилдилар. Шаҳзоданинг теварагида отдан ағдарилган туркман йигитларининг сони кўпайгандан-кўпайиб бораради. Ботқоқзорда қолганига қарамай, шаҳзоданинг атрофини ўраб олган сарбозлар туркманлар қиличига қилич билан жавоб беришнинг уддасидан чиқишиди. Ҳар бир қадами ўлимга баробар бўлган машақкатли йўлни қийинчилик билан ўтган сарбозлар йўналишни аввалги ўзанга солиб, Марв томон силжидилар...

Ёйига қарши ўқ отмоқдан воз кечган Блоквил отига устма-уст қамчи урарди. Бироқ тўпиқдан пасти ёпишқоқ шўр лойга ботган от ҳар қанча ҳаракат қилмасин, босаётган йўли баракасиз эди.

Бирданига ботқоқлик қамишзор тугаб, қочиб қутулишга озгина умид пайдо бўлганда, шароит яна ёмонлашди. Блоквилнинг оти баланд марзага чиққанида, олдда ичи сувга тўлган чуқурлик пайдо бўлди. Сув тўла чуқурлик марзанинг шундоққина тагидан бошланарди. Нима қилишини билмай қолган Блоквил атрофга аланглади. Теварак-атрофни тўс-тўполон, қий-чув босган эди. Эронлик сарбозлар «турган тутилади» деган ваҳимада турли томонларга қочишарди. Уларнинг қаршилик кўрсатмай қочишларидан руҳланган туркманлар энди қочоқларни қувлашга киришдилар.

Блоквил гарб томонга қараб, Эрон тўпларининг ҳаммаси кўлга олинганини фаҳмлади. Тўпларни кўз қорачигидай қўриқлаётган туркманлар сони беш юздан кам эмасди. «Кўшин руҳига мадад бўладиган тўплар туркманларнинг кўлига тушган бўлса, масала узил-кесил ҳал бўлди, ҳисоб», деб билган Блоквил ўша қийин фурсатда ҳам шароитга ўзича баҳо берган бўлди.

Орқадан кўлига қиличини маҳкам ушлаб икки туркман кела бошлади. Олдинда — ичи сувга тўла чуқурлик. Олд томонда ҳам ажал бор, орқадан

келган ажал эса ундан ҳам қўрқинчли эди. Орқадан келаётган ажалдан қочишга ҳеч қандай умид йўқ. Олдиндаги ажалдан эса, ҳар ҳолда, омон қолиш имконияти бордай туюлди. Блоквил шу умидли йўлни танлади — отини марзадан сувга сакрашга мажбуrlади. От ичи ёпишқоқ лойга тўла сувнинг ўртасига бориб тўхтаб қолди. У қанча уринмасин, нариги иккинчи қирғоқقا чиқа олмади.

Тепада қўлида эгри қиличли туркманлар пайдо бўлди. Энди икки ажал бирлашган эди. Улардан қочиб қутулишга чора қолмади. Блоквил тўппончасига ёпишди. Бироқ, бу — эркак кишининг ўзини ожиз кўрсатмаслик умидида қилган ҳавоий ҳаракати эди. Лойқа сувга ботган тўппончанинг бу маҳал отилмаслигини француз жуда яхши биларди.

Юқоридан узатилган қора панжа Блоквилнинг ёқасидан маҳкам тутди. Бир ўлим уни бошқа бир ўлимдан халос қилди. Блоквил бошқа қаршилик кўрсатишга ожизлик қилди.

Иккинчи туркман французнинг қўлга олинишини иш деб ҳам ҳисобламади, шекилли, бошқа томонга қўлини силкиди-да:

— Тўплар қўлга тушди! — деб жилмайди. Бундай дейиш билан у барча тўплар<sup>1</sup> қўлга олингани ҳамда такаларнинг ўз мақсадларига етганини шеригига хабар берганди. Чунки тўпларнинг қўлга олингани — уруш жиловининг туркманлар қўлига ўтганини билдиради...

---

<sup>1</sup> 1860 йилдаги урушда қожорлардан ўлжа туширилган 23 дона сариқ тўп Кўвшутхон буйруғи билан Марв шаҳарида Мурғоб дарёси қирғофидаги махсус жойда қозонилган ғалабанинг натижаси, деб эл-юртга кўргазма сифатида қўйилган. Еу тўплар XX асрнинг 30-йилларигача шу жойда сақланган. Туркманларнинг қаҳрамонона ҳаракатига намуна сифатида сақланган ушбу тўпларнинг кейин қаерга ғойиб бўлганлиги маълум эмас (муаллиф изоҳи).

*Туркманлар бундай улкан қонли ов тутамиз деб  
кутишмаган экан. Чунки асирларни боғлаш  
учун занжир, кунда ва бошқа асбоблар  
етишмас эди. Тунлари эса бизларни бир тўда  
товорукларнинг оёгини жамлаб боғлашгандай иккита,  
учталаб қўл-оёқларимизни тангив ташладилар.*

**Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Блоквил олдида фақат тақдирга тан бериш йўли қолган эди. Уни уришмади ҳам, тепкилаб эзишмади ҳам. Фақат бир туркман отининг орқасига кўтариб қўйгандай мингизиши. От юрганида Блоквилнинг бурни эгар устида маҳкам ўтирган боши рўмол билан танғилган туркманнинг бўйни орқасига тегиб-тегиб кетарди. Туркманнинг бўйнидан анқиб турган аччик тер ҳиди французнинг кўнглини айнита бошлади. У қўли орқасига маҳкам боғланганлиги сабабли, юзини тез-тез ўнгдан чапга ўгирад, тўқнашувнинг қувди-қочдиларида қатнашган отнинг сағриси, қорни, бутун вужудидан тараалаётган оғир ҳид ҳам кўнглини баттар айнитаётган эди.

Блоквилнинг бутун уст-боши лойга беланганди. Этик қўнжидан кириб, товонигача бориб етиб оёқларини ҳўллаган лойқа сув сабабли у ўзини ҳали ҳам шўр ботқоқ ичида тургандай сезарди. У ўз бошига тушган бу кулфатларни гўё тушида кўраётгандай, атрофида бўлаётган воқеалар ҳам тушида рўй бераётгандай эди.

Кўзи олдида ҳамон бояги қочиш-қувлаш ҳаракатлари давом этарди. Ботқоқа ботган отларини ташлаб чиққан шалаббо сарбозлар қаёқса қочаётгандарини ҳам фаҳмлашмасди. Ҳар ким ўз қора бошини ажалдан қутқариш ташвиши билан банд. Блоквил қожорларнинг бошига тушган бу кунни худо берган жазо деб ҳисоблади. Сон ва куч жиҳатдан бир неча ҳисса ортиқ ҳисобланган

кожорлар кўшини туркманларга деярли қаршилик кўрсатишга ҳам ҳоллари қолмаган эди.

Сариқ тўпларни судраб кетган туркманлар эса аллақачон кўздан ғойиб бўлгандилар. Француз тўпларни қўлдан олдирган қўшинни шу пайтда негадир бели чопилган илон билан қиёслади. Энди бу илоннинг заҳари қанчалик кучли бўлмасин, чўпон таёфи билан ҳам янчса бўлаверади. Илон энди қочиб ҳам қутулолмасди, оғзига ўзингни тутмасанг чақаолмасди ҳам. Тулки маккорлигини яхши эгаллаган туркманлар эса ўлик илоннинг оғиз томонига бормаслигини Блоквил яхши биларди. Бундан ташқари, асосий таянчлари бўлмиш сариқ тўпларнинг барчаси душманга ўлжа бўлганини кўриб, узил-кесил жанговар руҳдан ажралган Эрон саркардалари ҳам урушишни эмас, балки қочиш, жон асраш ҳаракатига тушган эдилар.

Блоквил ботқоқликдан омон чиқсан ўн-ўн беш нафар сарбозлар орасида Қора сартибининг борлигини кўриб қолди. Уларнинг барчаси отларининг сафрисига қамчи туширишарди. Душман билан олишишга майли йўқ бу гуруҳ ҳам Марв томон от югуртириб қоча бошлади. «Саркардаларнинг ўзлари ҳам қочишни бошлашган бўлса, демак уруш тамом бўлибди-да!» — деб ўйлади Блоквил шароитга узил-кесил баҳо бераркан.

Сувга бостирилган майдон, қамишзор ботқоқликдан чиқишигандан кейин вужудга келган аҳвол французнинг ўйлаганидан ҳам беш баттар аянчли эканлиги тезда маълум бўлди. Асир тушган сарбозларнинг олтмиш-етмиш нафарини алоҳида бир гуруҳ қилиб ҳайдаб боришарди. Улар худди ўша қисматга олдиндан тайёр бўлган тутқунлардай, ҳеч қанака қаршилик кўрсатишмас, ўзларини қамишзорга уриб қочишига ҳам ҳаракат қилишмасди. Уларнинг ҳолатини тушунса бўларди. Улкан кўшиннинг асосий таянчи бўлган сариқ тўпларнинг қўлдан кетиши, саркардалар бошини ўлимдан ҳалос

қилишга рози бўлиб, қўшинни ўз ҳолича ташлаб қочишлари ҳаддан ошиқ дабдаба билан бошланган улуф Марв юришининг қожорлар учун шармандали тарзда тугаганидан далолат бермоқда эди.

Мана ўша Сайдносир – шикоргоҳ маскан. Сал нарида Маржон қишлоғи, ундан кейин Султониз мулки бор. Булар бари французга таниш қишлоқлар, таниш номлар. Блоквилнинг кўз тахминлари билан чамалаб ер ўлчагани-ю, олдин нотаниш сўзларни билгандардан сўраб-суринтириб, харитага ўтказган азобларининг барчаси бир тийин бўлди. У доимо ўзи билан кўтариб юрган ишига оид асбоб-ускуналари нинг қайси марзада, қайси чуқурликда бўйнидан тушириб қолдирганини эслай олмади. Унинг кўз олдида қолгани, хотирасидан ўрин олган манзаралар, бу – ҳозирги бораётган таниш йўллар эди, холос. Бироқ, у аввал бу ерлардан Марвга томон ўтиб бораётганида озод, эркин инсон эди. Энди эса асир сифатида олиб кетиляпти.

Блоквил «асир» деган сўз тўғрисида ўйланди. Унинг ўйлашиба, асирик – ўлимдан ҳам жирканч бир ҳолат. Асирикнинг ҳар бир куни энди Яратган эгамнинг сенга атаб қўйган улушкигина боғлиқ. Тақдирингга ёмон кунлар битилган бўлса, асирик инсонни номуссизликка, итдан баттар ожизликка етаклаб бориши мумкин. «Йў-ўқ, қисматимда қандай қабоҳатлар бўлса-да, номардликка йўл қўймаслигим керак. Ўлим инсонни фақат ёруғ оламдангина жудо қилмайди. Балки, ўлим инсонни эртага қилиши мумкин бўлган ҳаракатларидан ҳам маҳрум қиласди. Эртага рўй бериши мумкин бўлган номардликни бугун ўлим билан алмаштириш ҳам тақдирнинг сенга бера оладиган обрўли насибасидир». Бироқ ҳозирги ҳолатида Блоквил ўлмоқчи бўлса-да, ўломасди. Сабаби – ҳозир у тутқун, қўли ҳам орқасига боғланган. Бу аҳвол унинг ўзини ўзи ўлдириш ниятини чиппакка чиқаради. Французнинг фақат нафас олишигина ўз ихтиёрида, холос. Шундан

бошқа қиласынан ҳаракатларининг барчаси бошқа бир одамнинг қўлида. Қаранг-а, Блоквилнинг ўзигина эмас, ҳатто, унинг ўлими ҳам ҳозир асир эди. Унинг тириклиги, ҳаёти туркманларнинг қўлида.

Ёнбошдан отини тасир-тусур ҳайдаб келган қора мўйловли, кўриниши ёвуз туркман от жиловини тортиб-тортмай, Блоквилни орқасида эргаштириб бораётган туркманга нималардир деб асирга тикилиб-тикилиб қаради. Француз савол-жавобнинг ўзи ҳақида бораётганини фаҳмлади. Тўсатдан кўриниши ёвуз туркман форс тилида:

— Сен эронийларнинг ичидаги келаётган франгмисан? — деб сўради.

Ҳақиқатни ишонтириб айта олсанг, яъни туркманларга душманчилик қилмаган ҳолингга ёйи ҳисобланган асирнинг гуноҳи енгиллаштирилар, деган ўй-фикрга қаттиқ ишонган Блоквил бу саволга бир неча марта бошини қимирилатиб: «Ҳа, ҳа», деб жавоб қайтарди.

Шунда важоҳати ёқимсиз туркман чала кулумсиради-да, яна уни эргаштирган такага бир нималар деди. Ўзи эса отдан тушди.

Туркманнинг кулумсирашини шафқат белгиси деб фаҳмлаган француз, қаттиқ боғлангани учун увишиб қолган қўлларимнинг ипини ҳозир ечишса керак деб умидланди.

Уловидан тушган туркман отининг бўйнига боғланган ингичка ипдан бир қулоч чамаси узунликда кесиб олди-да, асирга яқинлашди. Икки туркман яна бир нарсалар тўғрисида сўзлашишди. Блоквил суҳбатнинг маъносига тушунмаса-да, қилинадиган ҳаракатдан энди ёмонлик кутмади. Чунки ёвуз туркманнинг кулумсирашидан сўнг унинг юзидағи дарғазаблик тарқалиб кетганди. Аммо Блоквилнинг истаги тез орада насиб этавермади. Ҳали ҳам кулумсираб турган туркман қўлидаги ипнинг бир учини французнинг чап оёғида турган балчиқли этигига боғлагач, ҳаммаси аниқ бўлди. Асирнинг

қўллари боғлиқ эканлигини оз деб билган туркман унинг оёқларини ҳам отнинг қорни тагидаги ипга қаттиқ боғлади. Шундан кейин қавмдошига кўп нарсалар айтиб тушунтиргач, отига миниб жўнади.

Блоквилнинг ўрига ўрва тўкилгандай бўлди. Олдин эркин ҳолда қимирлатиб келган оёқлари энди қаттиқ боғлаб ташланганди. Ўтириши ҳам, қимирлаши ҳам қийинлашди. «Буларнинг хушёrlигини қара-я! Кўл-оёғимни боғлашмаганида ҳам қаерга қочар эдим? Ёки булар мени ноёб бир мутахассис ёки саркарда деб ўйлашаётганмикан?» Ўзининг аҳволини ўйлаган сайин Блоквилнинг кулгиси қистади. Агар Ҳамза Мирза, Қора сартиб, бошқа ҳарбий бошлиқлар туркманлар қўлига тушмай, қочиб қутулган бўлсалар, унда ўта ҳушёrlик билан қўриқланаётган битта одам Блоквил эканлиги аниқ.

Блоквилнинг назари тушган жойлардаги асирларнинг биттаси ҳам отга миндирилмаган, лойли оёқларини судраб пиёда боришарди. Қаршилик кўрсатган ёки қаршилик кўрсатмоққа мойиллиги сезилган асир эронийларнинг қўллари боғлаб ташланган эди.

Кожорларни Марв томонга ҳайдаб бораётган туркманлар бошларини тик тутиб, теварак-атрофга мағрур қараб боришарди. Ҳатто, уларнинг осларидағи отлар ҳам ғалаба элкинидан сармаст бўлгандай енгил қадам ташлаб борарди.

Блоквил уни қўлга олган туркманинг оти устида жуфт киши ўтирганлиги учун бошқа отлардай енгил ҳаракатлана олмаса-да, йўргалашлари биланоқ кайфияти чоғлигини билдири: учиға супурги боғлагандай узун думи дам-бадам французнинг этиги қўнжини ёки думғазасини супуриб бормоқда.

Блоквил қўлга тушган тутқунларнинг биринчиси эмас экан. Ҳали Марвгача етмай турибоқ, буғдойи ўрилмай қолган, от туёқлари тепкилаб сомонли лойга айланган кенг майдон бирпасда асирлар билан тўлди. Дастлаб Блоквилни ҳам ўша ерга олиб бориб

ташлашди. Бироқ уни асиrlар оломонига қўшмай, чеккароқда қурилган қаровсиз хароба уйнинг ёнида отдан туширишди. Хароба олдидағи улкан якка дарахтга ип билан боғлашди. Блоквил шундан сўнггина бошқа тутқунларга эътибор билан қарай бошлади.

Туркманлар нима учундир, асиrlарнинг барчасини битта жойга тўплашмоқда эди. Уларнинг бошини жамлаб, бир жойда узоқ сақламаслик учун оқсоқоллар, отлик йигитлар тутқунларни ўн беш-йигирма нафардан гуруҳларга бўлиб, турли қишлоқларга қараб ҳайдай бошлашди. Шу тарзда туркман ёшууллилари асиrlарнинг энди хавф түғдиришининг олдини олишмоқда эди.

Блоквилнинг ўзи аллақачон томоша марказига айланиб улгурди. Ҳозирги вақтда ташвишлари қанча кўп бўлмасин, ўтиб бораётган туркман отликми, пиёдами — барчаси фаранг йигитига қарамасдан ўтмасди.

Қаердандир пайдо бўлган қўли ҳассали букири ёшуулли ҳам Блоквилнинг ёнида тўхтаб, унга чақалоқ-қа қарагандай узоқ тикилди. «Вой-бўй, шу йигит эканда ўша етмиш иккита тил биладиган фаранглик, деб букири ўзича шивирлади. — Етмиш иккита тил билса ҳам ташқи кўринишидан оддий одамлардан унчалик фарқ қилмас экан-ку. Тавба, Яратган эгамнинг назари тушса, одамни нималар билан сийламайди?!»

Букири ёшууллининг назари бирдан бошқа томонга бурилди. У дикқат қилган ҳолат етмиш икки тилни биладиган асиrdан ҳам гаройиб бўлиб кўринди. Пакана ҳамда думалоқ бир туркман ўзидан уч-тўрт қарич баланд, бақувват бир сарбозни олдига солиб келмоқда эди.

Кулги шодлик ҳозир кўнглига сифмаётганига қарамай, бақувват гавдали асиr билан уни олдига солиб келган кичкина туркманга кўзи тушган Блоквил ҳам беихтиёр кулиб юборди. Асиr сарбознинг девдай қадам ташлаб, бошини мағрур

тутиб келишини қўрган Блоквил уни сипоҳи ёки бекзодалардан бири бўлса керак деб тахмин қилди. Қўли орқасига боғланган дейилмаса, ўзи асирга ҳам мутлақо ўхшамайди. Худди сайрга чиққан, орқасига хурмат билан қоровул қўйилган, юқори мартабали бир раҳбар дейсиз.

Ўзига ярашиб турган бағбақаси, қимматбаҳо мовутдан гавдасига мослаб тикилган кийим-кечаги унинг зодагон оиласга мансублигидан дарак бериб туради.

Сийрак соқоли ерга теккудай титраб-титраб кулган букри ёшулли унга масхараомуз гап отди.

— Эй, хон ўғил, сен бу сарбозни якка ўзинг тутдингми ёки аҳли қавм-қариндошларинг билан биргалашиб тутдингларми? Кичкинагина гавданг билан бундай улкан сарбозни ушлашга нечук жазм этдинг, ахир?

Кариянинг бу гапи пакана туркманнинг жаҳлини чиқарди, шекилли, у димофини шишириб қеккайди:

— Гап одамнинг гавдасида эмас, ёшулли! Гап менинг қаҳрамонлигимда. Мен бу навкардан бошқа яна беш-олти нафар қожорнинг калласини ҳам сапчадай узиб ташлаганман!

Букри қария баттар эгилиб-эгилиб кулди.

— Эй, хон ўғил, бу сўзингга менга ўхшаган бели буқчайиб қолган бандаси ишонар-у, Яратган эгамнинг ўзи, барибир, ишонмайди-да!

Тутқунни олдига солиб келган туркман ўзининг айтганлари тўғри эканига чолни ишонтириш учун тутқун қожорнинг орқасига тепиб юборди.

— Тезроқ юр деяпман, сенга!

Тутқун сарбоз буйруқни бажариб, қадамини тезлатди.

Буйруғи ижро этилганидан мамнун бўлган пакана туркман олдинги ҳолатидан ҳам бурнини баландга кўтарди-да, қилган ҳаракатини яна бир бор такрорлади.

— Тезроқ юр!

Тутқун сарбоз бу гал тез юриш ўрнига тўхтаб қолди.

— Нега тўхтадинг?! — деб пакана туркман важоҳатли чийиллади.

Тутқун тўсатдан орқасига айланди-да, ғазаб билан катта кўзларини пакана туркманга тикди.

Пакана туркманинг ингичка товуши сунъий дағдағага эврилди.

— Калтак емоқни истамасанг тез қадам ташла, қожор! Топдинг, сенинг ўжарлигингга кўнадиган одамингни! Менинг сўзимга қулоқ солмай, сен ўзинг ким бўлибсан?! Ҳе, сенинг...

Кўзиқориндай пакана одамнинг маза-бемаза дағдағаларини эшитиш тутқуннинг ҳам жонига теккан эди. Айниқса, унинг охирги гапи қожорнинг ғазабини қайнатди. Ҳақорат эшитган қожор қип-қизил бўлиб, бир чиранган эди, қўлларига боғланган эшилма ип икки бўлак ҳолда узилиб ерга тушди.

Қожор юз кўриниши кескин ўзгарганидан туркман ҳайиқди, қочмоқقا ҳозирланди. Аммо рўй берган воқеага дикқат билан эътибор қаратиб турган бели букчайган қариянинг ўткир назари унда яна музafferлик туйфусини уйғотди.

— Нима қиляпсан, энди ажалингга тезроқ етиш учун шошиляпсанми? — деди туркман яна дағдаға билан.

Тутқун қожор, ор-номусим куйгунча имоним куйсин дедими, ўнг қўлини куч билан бир силкитган эди, пакана туркман ерга ағанаб тушди. Асири қожор бошқа ҳеч қанақа ҳаракат қилмади.

— Ҳа, насибангни олдингми?! — дея букчайган ёшулли темирни қизифида босгандай сўзида давом этди. — Бундай бақувват қожорни якка ўзинг қўлга ололмаганингни кўнглим сезганди!

Пакана туркман икки оловнинг ўртасида қолди. Номусга теккан сўзга яна жавоб берайин деса, иккинчи бор бошига тушадиган улкан муштдан қўрқади. Ҳеч қандай ҳаракат қилмайин деса, яна изидан иззат-нафсига тегадиган сўзлар айтилажак.

Пакана туркман шоша-пиша ўрнидан турди, тутқун қожорга яқынлаша олмади-ю, бироқ тилига эрк берди.

— Барибир, бу эронликни якка ўзим асирга туширдим!

Тутқун бу гал мушт билан әмас, сўз билан дўппослади:

— Мени сен асирга олганинг йўқ, эй аҳмоқ! Сенингдай олтовлон туркман ҳам мени қўлга ололмайди. Мени бу ҳолатга туширган сизларнинг бола-чақаларингиз кўз ёши бўлди...

Шу гапни айтгач, тутқун қожор асиrlар тўпланаётган томонга ҳеч қандай буйруқ кутмай, ўз ихтиёри билан юриб кетди.

Сийрак соқоллари силкиниб турган букри қария анча вақтгача бу воқеани эслаб кулиб турди. Бироқ, фала-ғовур ичидা пакана туркманнинг қай томонга фойиб бўлганини чол кўрмай қолди.

## 34

*Ёнимдаги эронийлар бўлмаганида эди,  
мен ўзимнинг тутқунликдан озод бўлиш  
йўлимни топардим. Бироқ улар тақаларга  
яхши кўриниш мақсадида мени  
туркманларга сотдила...*

### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

«Фалабанинг ҳам ўзига хос ташвиши бўлади» деб ҳали уруш тугамасдан олдин айтилганда, туркманларнинг каттадан-кичигигача ҳеч ким бунга ишонмасди. Бироқ, орзу қилинган улуғ фалаба ҳақиқатга айлангандан сўнг туркманлар яна бир фам-ташвишга йўлиқишиди.

Ҳали аниқ ҳисоб-китоб қилинмас-да, мағлубиятдан кейин ҳам қочишга улгурган қожорлардан ташқари қўлга олинганларнинг сони ўн саккиз минг нафарга яқин бўлса керак, деб тахмин қилинарди. Тутқунликка тушган ёғийнинг ўзи асир бўлгани

билан, аммо унинг қалби асир бўлмас экан. Кўллари яроғсиз бўлсалар-да, улардан эҳтиёт бўлиш лозим эди. Албатта, ҳеч қаерда тутқунларга кўрпа-тўшак, пар ёстиқлар берилмади. Ейдиган нарсалари ҳам арзимас ушоқ, ёки ювинди бўларди. Шунча тутқуннинг қорнини тўйдириш учун фақат ноннинг ўзи ҳам етарли эмасди. Ўзлари учун ҳам озиқ-овқат, дон-дун илгаридан мўл-кўл бўлмаган такалар Ҳамза Мирзанинг қўшин суриб келганлиги туфайли бу йилги фаллани тўла йиғишга ҳам улгурга олмаган эдилар. Шу сабабли уларнинг барча озиқа захиралари ҳисоб-китобли эди. Ўн саккиз минг нафар оғиздан тезроқ қутулиш — улар учун жуда муҳим эди.

Така оқсоқолларининг аксарияти асирларни Хива, Бухородан келган савдогарларга сотиш билан машғул эдилар. Кулларни сотиш ишидан хабардор бўлган кишиларнинг тахминига кўра, ўн саккиз минг асирни сотиш орқали улар сонини кескин камайтириш учун энг камида икки ҳафта вақт керак бўлади.

Асиrlарнинг тутқунлик шарт-шароитига кўз-кулоқ бўлиш, уларни вақтинча қишлоқларга тақсим қилиш ишларига Тожкўк сардор билан Омонсаҳат сардор бошлилик қилишарди. Қишлоқ етакчилари, уруғ оқсоқоллари бир ҳафта-ўн кун ичида қанча асир сақлай олишлари ҳақида бу иккала раҳбарнинг ходимларига маълумот беришиб, ажратиб берилган тутқунларни олдиларига солиб, қишлоқларига ҳайдаб қайтишади.

Кўвшутхоннинг шахсан кўрсатмасига биноан қаерга қанча тутқун юборилганлиги борасида қатъий-аниқ ҳисоб юритилди. Ҳаётда ҳисобсиз нарсанинг ўзи йўқ. Фалаба қозондик деб орқа-олдига қарамай ҳаракат қилиш мумкин эмас. Хуросон вилоятининг ҳокими Ҳамза Хишмат Давланинг байроғи сингани билан дунёда орқаси қудратли байроқларнинг барчасини синди деб бўлмайди, албатта. Эронда

Хуросондан бошқа ҳам вилоятлар кўп. Қолаверса, Ҳамза Мирзадан бошқа Насридиншоҳ ҳам бор ҳали. Унинг ҳам туркманларга муносабати аввалдан маълум, Қарриқальъанинг Мунчоқли тепасида қолган, забун бўлган оҳу армонини, қасдини Насридиншоҳ Марвда олмоқчи эди, аммо бу мақсади амалга ошмади. Эндиликда Насридиншоҳ туркманларнинг юртига янги босқин уюштириш фикридан бутунлай воз кечиши ёки белини қаттиқ боғлаб машъум ниятини амалга оширишга яна бошдан қатъий киришмоғи ҳам мумкин.

Ўзини икки тараф учун дўст ҳам, душман ҳам деб ҳисобламаган Блоквили туркманлар ҳам душман деб билишмади. Ҳозир ҳамма гап мана шунда. Унинг бугун-эрта тутқунликдан озод бўлиши мумкинлиги ҳақида тутқун қожорлар орасида мишмиш гап юрарди. Айримлар бу гапнинг ilk бора кимдан чиққанлигигача аниқ айтишади. Бироқ мишмиш гап — ўз номи ила миш-миш. Шуларни ўйлаб, мулоҳаза қилиб чиққан Блоквил ўзининг асирикдан бўшатилишини илтимос қилиб, шахсан Кўвшутхонга мурожаатнома ёзди. Аммо унинг мактуби Кўвшутхон у ёқда турсин, асиirlарни тақсимловчи катхудоларга зўрга икки кундан сўнг бориб етди.

... Қўли орқасига боғлиқ французни Омонсахат сардорнинг ҳузурига элтдилар. Номини эшитса ҳам, шу чоққача бирортаям фаранг одамни ўз кўзи билан кўрмаган Тожкўк сардор французни учратиш орзусида дарё ёқасида ўрнатилган оқ уйга келган эди.

Бу уй маълум бир одамнинг хонадони бўлмай, балки тутқунлардан халос бўлгунча юзага келиши эҳтимоли бўлган муаммоларни ечиш учун вақтинча қурилган қароргоҳ (штаб) эди. Шу сабабли, ушбу уй ичи туркман оиласига мўлжаллангандай гилам ва бошқа уй жиҳозлари билан безатилмаган. Фақат пойгакдан деразагача бўлган ерларга гилам, кигизлар тўшалган. Шунинг учун бўлса керак, оддий уй анча кенг-мўл кўринарди.

Блоквил ўзини шароитни пухта баҳолайдиган европалик сингари тутишга ҳаракат қилди. У ўзи билан туркман тилини яхши биладиган эронликни ҳамроҳ қилган, ундан ташқари, яна бир эронликни гувоҳ сифатида ёнига олган эди. Французни катхудолар ёнига әлтиб қўядиган туркманлар эса унинг кимни ҳамроҳ қилиб олгани билан, ҳатто, қизиқишимади.

Блоквил ўзига таржимон қилиб олган эронликни такалар билан бўлган жуда кўп музокараларда иштирок қилганлиги учун ҳамма танирди. Ёнидаги иккинчи эронликни французнинг ўзи ҳам яхши билмасди.

Туркманлар французнинг таржимон билан келганидан хабардор бўлса-да, ўзларининг маҳсус таржимонини ҳам олдирган эди.

Кенг-мўл хона ичидаги икки нафар сардор ва таржимондан ўзга одам йўқ. Тутқунлар салом бериб ичкарига кирган заҳотиёқ, Омонсахат сардор ёнбошида тилмочлик қилиш учун ўтирган йигитга:

— Одамчасига сўзлашадиган бўлсанак, буларнинг қўлларини ечинг! — деди.

Сардорнинг айтганини бажарган йигит яна ўз жойига бориб ўтиреди. Омонсахат сардор бу уйда ўзининг мавқеи баландлигини сездиргиси келиб:

— Биз сенинг шикоятингни эшитишга тайёрмиз, худонинг бандаси! — деди. Бу билан гўё у ўзини Жорж Блоквилга олдиндан таниш одамдай кўрсатиб, асирияни юзига тикилди. — Асирик дардисари натижасида арз-шикоят қилиш учун ҳаммадаям баҳона топилади, — деб сўзида давом этди сўнг. — Арз-шикоят қилмоқ учун бизларда ҳам асос кўп. Бироқ сен эронликлардан бошқа бир миллатнинг одами бўлганинг учун арз-додингни эшитишга рози бўлдик, бўлмас...

Омонсахат сардор айтилиши керак бўлган сўзининг охирини ичига ютган бўлса-да, француз у айтган гапларнинг маъносини англади. Сардор тўғри

гапираётганди. Бошқа миллат одами эканлигига алоҳида эътибор беришибди. Шунгаям шукур. Аслида-ку, французнинг додини эшитишга кўп вақт ҳам талаб қилинмайди. Қолаверса, ҳозир туркман оқсоқолларининг вақтлари ўта зиқ эди. Уларнинг, ҳатто, bemalol ухлаш учун ҳам имкон йўқлиги юзларидан кўриниб туради.

Шундай бўлса-да, ўзининг бандиликдан озод этилишига тўла ишониб келган француз туркман сардорининг бундай сўз оҳангига бироз ажабланди.

— Мен эронликларнинг асири эмасман, муҳтарам сардор. Мен француз армиясининг капрали Жорж Анри Гулибеф де Блоквилман!

Омонсахат сардор нима учундир, тилмочнинг юзига қараб гапирди, сўзлаётганда лаби кулумсиради.

— Сен кимнинг вакили бўлсанг ҳам, бизнинг эшигимииздан худо меҳмони сифатида кирган одам ҳисобланмайсан. Энг аввало, сен ана шуни тушунишинг керак.

— Мен сизнинг юрtingизга душман сифатида келмаганман, жаноб сардор! — Блоквил ҳам ўз навбатида юзини таржимонга буриб гапирди.

— Душман бўлмаслигинг мумкин. Бироқ душман билан бирга келган одам ё душман бўлади, ё бизнинг ёғий ичидаги маълумотчимиз бўлади. Сен туркманинг дўсти эканлигингга ишончимиз бўлмаса-да, туркманинг душман ичидаги ўз одами эмаслигингга ишончимиз бор.

Блоквил яна нималардир деди. Бироқ тилмоч туркман тилига таржима қилишга улгурмасдан, Омонсахат сардор сўзида давом этди.

— Биз бу ерда тортишиб ўтирумайлик, тангри бандаси. Биз сенинг арз-додингни эшитайлик.

Блоквил ҳам шу таклифни кутиб тургандай, ўз вазифасини адo этаётган таржимонга қараб шартта шартта гапира бошлади:

— Мен сизнинг тупроғингизни босиб олиш учун келмаганман! Сизлар учун душман ҳам эмасман. Мен

бу воқеа-ҳодисалар ичига тасодифан тушиб қолдим. Мен сизларнинг юртингизга келиб қилган ишим форслар топшириғи бўлса-да, у юмуш аслида сизлар учун ҳам керакли иш...

Блоквилнинг айтмоқчи бўлган фикрлари наф бермади.

Омонсахат сардор чап қўлини юқорига кўтариб: «Тўхта!» деган ишорани қилди.

— Энг аввало, сен қанақа фойдали иш бажарган бўлсанг ҳам, у — бизнинг душманимиз буюрган юмушдир. Демак, у бизнинг душманларимизга фойдали иш бўлган. Душманимизга фойдали иш қилган одамнинг эса бизга дўст бўлмаслигини ўзинг ҳам яхши билиб турибсан, тангри бандаси. Иккинчидан, туркманларга ҳам фойдали деган ишингни халқимиз сендан илтимос қилган эмас.

Ишлатмоқчи бўлган ҳийла қиличи фаросат тошига тегиб синган Блоквилнинг умид или ҳали узилмаган бўлса-да, узилиш даражасига етиб келди. Шу сабабли ҳам унинг айтган кейинги дағдағали сўзлари асоссиз ва ўринсиз чиқди.

— Мени тутқун сифатида тутиб туришга сизнинг ҳаққингиз йўқ!

Омонсахат сардор кулумсираб ўтирди-да, мутлақо кутилмаган савол берди.

— Сенинг ўзинг асли неча ёшга киргансан, тангри бандаси?

— Мен йигирма саккиз ёшдаман. — Сардор берган саволнинг маъноси тўғрисида фикр юрита бошлаган французнинг овози энди ишончсизроқ чиқди. «Сардор нима сабабдан менинг ёшим билан қизиқаяпти? Ёки менинг гапимга ишонишмаяптими? Нега? Нима, мен озодликка чиқиш учун ташвиш чекмаслигим керакми?» У овозини кўтариброк сўзлай бошлади.

— Мени зудлик билан бандиликдан бўшатинг! Менинг хоҳишим ана шундан иборат, жаноб сардор!

Блоквилнинг талаб оҳангидағи ушбу сўзлари Тожкўқ сардор билан Омонсаҳат сардорни энди ҳайрон қолдирди.

— Мен буюк Франция давлатининг вакили эканлигимни унутмаслигингиз керак, жаноб сардорлар!

Бу сўзлар ҳам туркманларга тез таъсир этди. «Шоҳ бўлсанг ҳам, гадо бўлсанг ҳам улуғ давлатнинг шоҳи, гадоси бўлган яхши экан-ов! — деди Омонсаҳат сардор ичидা. — Ўзи бандиликда ўтирган одам-ку, дағдаға қилиб гапиришини қаранг бунинг! «Суянчи бор ит бўри тутар» деганлари рост шекилли?»

Блоквилнинг ўзи ҳам гапириш оҳангининг юқори пардаларга чиқиб кетганини тушунди-да:

— Ҳозирги оғир аҳволим мени шундай сўзлашга мажбур қилди, — деб сўзини якунлади.

Блоквилнинг кейинги айтган сўзлари бир жумладан кўп бўлмаса-да, тилмоч уни узоқ вақт тушунтириди. Бу гал сухбатга тилмоч билан гувоҳ сифатида таклиф қилинган қожор ҳам қўшилди. У икки-учта туркманча сўзга форсча сўзларни қўшиб гапирди. Блоквил бундан «таржимон сизларга ҳақиқатни айтди», деган маъно уқди. Таржимон изоҳларидан сўнг Омонсаҳат сардорнинг ҳам, Тожкўқ сардорнинг ҳам, улар ёнидаги йигитнинг ҳам Блоквилга қарашлари бошқачароқ тус олгандай бўлди. Уларнинг эндиғи назарида янги бир қизиқиш аломатлари пайдо бўлди. Буни Блоквил кейинроқ тушунди.

Таржимоннинг изоҳидан, «французлар жуда бой одамлар. Мамлакат — бой мамлакат. Агар туркманлар бу асири қаттиқ ушлаб, савдолашмоқни эплаёлсалар, Франциядаги ҳомийлари унинг учун бўйи баравар олтин бера оладиган бой-бақувват кишилардир» деган маъно келиб чиқди. Блоквил бу гапни эртаси куни форс тутқунларининг биридан билиб қолди.

— Агарда сиз, жаноб сардорлар, менинг хоҳишимни ўзларингиз қаноатлантира олмасангизлар, ҳозирнинг ўзида мени муҳтарам Кўвшутхоннинг ҳузурига олиб боринглар.

Тутқунликдан озод қилинмоғи учун қанча пул сўралса, шунча олтин пул тўлашга қурби етадиган, уст-боши лойга булғанган французга ҳали ҳам ҳайрон қолиб қараб ўтирган Омонсахат сардор:

— Худди бугун деган гапинг амалга ошмаса керак, — деб юмшоқлик билан жавоб берди. — Бизнинг бош хонимиз бугун-эрта сени ўз ҳузурига чақира олмайди. У ҳозир жуда катта ташвишлар билан банд, беш-ўн кунда озод бўлолмаса керак.

Жавоб жуда тушунарли эди. Лекин Блоквил ҳам бўш келмади. Энди унга, барибир, йўқотадиган нарсаси йўқ.

— Мен талаб қиласман! Буюк Франция давлатининг вакили сифатида талаб қиласман!

Кейинги сўзлар унча-бунча гапга эътибор бермайдиган Омонсахат сардорнинг ҳам жаҳлини чиқара бошлади. Унинг овози кўтарилимаган бўлса-да, оҳангиди қатъият сезилди.

— Сен бироз адашаётганга ўхшайсан, тангри бандаси. Биз сенинг давлатингнинг буюклигига шубҳа қилмаймиз. Бироқ, биз ўша буюк давлат вакилини чопар юбориб чақирмаганмиз. Ундан ташқари, сен улуф давлатнинг вакили бўлсанг ҳам, ҳозирча бизнинг асиримизсан. Шу сабабли, сен биз билан улуф давлат тилида сўзлашмай, ҳозирги шароитингдан келиб чиқиб гаплашсанг, яхши бўларди. Туркман ҳам ўз устидан ҳеч ким ҳукм юргизмасин деб жуда кўп қон тўкди. Сен бизнинг кўлимизда тутқун экансан, бизнинг кўрпамизга қараб оёқ узатасан. Кўрпамиз сенга калтароқ келса, оёғингни бироз йиғиброқ ётасан.

Блоквил Омонсахат сардорнинг тагдор сўзларини эшишиб, унга ҳам шунга яраша савол берди.

— Унда қачон менга оёғим чиқиб турмасдай узунроқ кўрпа насиб қиласан?

— Уни, худо буюрса, буюк юртингга борганингдан сўнг ёпинарсан. Ҳозирча эса бечораҳол чорвадор сенга шафқат қилиб нима ёпган бўлса, шу билан қаноат қиласан.

Омонсахат сардорнинг барча айтганларини мушоҳада қилиб кўрган Блоквил ўзича «туркманларни Бонито-Бенито<sup>1</sup> каби гапга тушунмайдиган халқ» дейишарди, бу тўғри эмас шекилли» дея шивирлади.

### 35

*Катхудолар фаросатли ва одил одамлар орасидан  
сайланади. Ана шундай катхудоларнинг бири  
бўлган Қўвшутхон айёргалиги, сиёсий усусларни  
қўллашга усталиги, бошга ташвии тушса  
ўзгалардан тезроқ тўғри йўл топишга уқувлилиги  
билин ажralиб турарди.*

#### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

*Марвда тутқунлар сони ва қўлга тушган  
қурол-яроллар жуда кўп бўлганлиги сабабли,  
бир қулнинг баҳоси беш юз тилладан беш тиллагача тушди.*

М. АЛИХОНОВ

**«Марв воҳаси ва унга әлтадиган йўллар» китобидан.**

*Ўн саккиз минг эронлик қўлга олинган эди,  
шундан кейин бир қулни уч-тўрт тиллага  
сотиб олиш мумкин бўлиб қолди.*

Х.А. ВАМБЕРИ  
**«Ўрта Осиёга саёҳат» асаридан**

Жорж Блоквил ўзини келгинди хисоблаганлиги сабабли, Техронга насибаси қўшилганидан бери ҳеч ким билан баҳс-мунозарарага киришмаган, ҳеч кимнинг кўнглини оғритмаганди. «Бегона итнинг думи чоти орасида» деганларидаи, даъво-жанжалга аралашиши

<sup>1</sup> Бонито-Бенито (Александр Грахам) – йўлтўсарлиги билан XIX асрда Европада машҳур бўлган денгиз қароқчиси.

мумкин бўлган дамларда ҳам у орқага чекинарди. Фикр юрита-юрита, эронликлар ўзини нима сабабдан туркманларга сотганининг маъно-мақсадини тушуна олмади. Ахир, у тутқунликда қолиб кетгани билан эронликлар бундан ҳеч нима ютмайди-ку!

Блоквил ўзини туркманларга душман деб ҳисобламасди. Демак, асир ҳам эмас. У асло ўзининг тутқунлигига ишонмас, аксинча, туркманларнинг бош хони Кўвшутхон ҳузурига боришга, ундан ўзини тутқунликдан озод этишларини сўрашга қатъий бел боғлади.

Лекин Омонсаҳат сардор билан учрашгандан кейин Блоквилнинг шароити енгиллашиш ўрнига оғирлаша бошлади. Асиrlарнинг қўлини боғлаш учун, ҳатто, ип топилмай турган бир вақтда, Блоквилнинг қўлига занжир ҳам тушди. Шу зайлда, ўзига яхшилик умид қилган француз ёмонликка дуч келди. Шундай бўлса-да, у ҳозир тақдиридан афсус қилмасди. Англаб етгани шу бўлдики, агар ўзи учун ўзи ҳаракат қилмаса, бошқа одамдан мадад бўлмаслигига кўзи етди. Бундан ташқари, зарур вақтда қўллашса керак деб умид боғлаган эронликлардан нафчиқмаслигига амин бўлди. У яна бир нарсани, ўзига икки қулнинг баҳоси қўйилганини — нархи 464 франкка кесилганини билиб олди.

Блоквилнинг ўзида бунча микдордаги пул йўқ. Унинг бсй-бақувват деб тахмин қилган танишларидан қарз сўраш хоҳиши ҳам амалга ошмади. Туркманларга асир тушган Абдул Алихондан французнинг умиди катта эди. Бироқ оддий тутқун сарбозлардан алоҳида сақланаётган ва улардан яхшироқ парвариш қилинаётган сартиб тиланчи французнинг қорнини бир марта тўйғазганини ҳисобга олмаганда, асосий масалада ёрдами тегмади. Блоквил Ҳамза Мирза билан Кора сартибнинг ўз яқинларини ҳам олиб, туркманларнинг қўлига тушмай, Машҳадга қочиб кетганларини асир сартибдан билиб олди.

Тутқун сартиб Абдул Алихон билан учрашган кунининг эртаси – Блоквилнинг ҳам қул сифатида сотилмоғи ёки қамоқда тутқун тарзидан сақланишга юбориладиган куни эди. Ўша тун у ўз қисмати ҳақида узоқ ўйлади. Тузукроқ ухлаёлмади. У Хива, Бухородаги қул бозорига юбориладиган асиrlар қаторига қўшилиб қолмаслигини Яратгандан ёлвориб сўради. Унинг учун энг хавфлиси – қул сотиб олиш учун бу ерга Марвдан аллақачон етиб келган Хива қулфурушлари қўлига тушиб қолиш. Туркманлардан арzon баҳога сотиб олиб, Хивага жўнатишса, унда французнинг орқага қайтиши сўзсиз қийинлашади. Аммо ҳар ёмонликнинг ҳам бир яхши тарафи бўлиши мумкин. Агар бу ёмонликнинг ҳам яхши томони жамол қўрсатиб қолса, яъни эронликларнинг Блоквилни бой-бадавлат деб туркманларга гуллаганлиги – унинг Хивага кетмаслигига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Чунки Блоквил туфайли мўмай пул ундиришни истаган такалар уни Хива, Бухорога арzon баҳоларга сотиб юбормаса керак?!

Демак, умид қилди Блоквил, Хива, Бухородан кутулиб қолсан, туркманлар бошқа тутқунлардан ҳам халос бўлиб олгач, ташвишлардан қўли бўшаган Кўвшутхон билан ҳам учрашиш учун имкон туғилиб қолар? Агар бош хон қабул қилмаса, Блоквил унга хат орқали мурожаат қилади. Қачон ёзилиши номаълум, ёзилиш-ёзилмаслиги ҳам номаълум бўлган ушбу хатнинг мазмуни унинг миясида пишиб-етилиб юрибди: «Мұхтарам Кўвшутхон! Кўп ҳурматли жаноб Кўвшутхон...»

... Олдиндан хабар берилган қишлоқлардан Марвнинг Хонўтган бозори деган масканга жуда кўп одам йиғила бошлади. Ўзларининг хавфсизлиги тўғрисидаги ташвишни эсидан ҳеч қачон чиқармайдиган оқсоқоллар кенгashi қарорига кўра, туркманларга тутқунликка тушган асиrlарнинг барчасини бир кунга йиғишмади. Уларни сонига

кўра бир неча гурухларга бўлиб, Хонўтганга чақира бошлади.тар.

Бандиларнинг бойроқлари, ўзларига қўйилган баҳони тўлай оладиганлари, шунингдек, тутқун саркардалардан халос бўлиш масаласи бироз кейинги муддатга қолдирилди. Чунки бандиликдан қутулишга умиди борлар яхши кунларни сабртоқат билан кутишга қарор берадилар. Бироқ яхши кунларнинг қачон келиши номаълум, қўлидаги ип ё занжирдан бошқа йўқотадиган нарсалари йўқ нотавон ва фариб асиirlарни узоқ тутиб туриш туркманлар учун ҳам хавфли эди. Камбағал бандилар ўзларини қутқармоқ учун қора кучларини ишга солишлари эҳтимоли бор. Ана шундай асиirlардан зудлик билан қутулмоқ, керак эди.

Блоквил учун бандилик қисматининг қаерга тушишининг белгиланиш муддати тақсимотнинг иккинчи куни ҳал бўлди. Уни ҳам ўттиз-қирқ тутқунга қўшиб Хонўтганга олиб бориши. У олдиндан таниш эронийларнинг бирортасини учратарман деб юзларча асиirlинг барчасини кўздан кечириб чиқди. Лекин таниш чехра учрамади. Асиirlарнинг ҳоли ниҳоятда танглигига кўзи етди. Уруш тугагандан кейин ўтган бир ҳафта давомида уларнинг ночор ҳолда яшаганликлари билиниб турарди. Бундан ташқари, асиirlарнинг руҳлари тушиб кетган, шу сабабли уларнинг кўриниши ниҳоятда абор, юрганларида ҳам оёқларини зўрға судраб босишади.

Кўллари орқасига боғлиқ юзлаб асиirlару уларни кўриқлаётган ўнларча туркман орасида бирданига авшарлар катхудоси Юсуфхонга Блоквилнинг назари тушиб қолди. Шу пайт, одамлар орасидан ўтиб, кимдир бирининг ёнига етмоқ қийин бўлса-да, Блоквил унга яқинлашиб келди, бироқ сўзлашишнинг имкони бўлмади. Бош қимирлатиб саломлашганидан кейин, Юсуфхоннинг ўзи:

— Мен сизнинг қилган яхшилигинизни унутмайман, жаноб капрал! — деди.

«Кўли орқасига боғлиқ қулга «жаноб» дейишса қизиқ кўринаркан-а?!» — дея ичида кулиб қўйган француз зўрға савол берди:

— Қисмат сизни қаерга ташлади, хон?

— Мен топазларга қарашли ердаман. Олашаёп қирғоғига яқин. Мен тез кунларда озод бўлишим мумкин. Хурросондаги ёр-дўстлар ташвишимни қилиб ётишибди... Озод бўлсам... Сизнинг яхшилигингизни эсимдан чиқармайман...

Одамлар орасига сингиб кетган Юсуфхон шундай дея кўздан фойиб бўлди.

Сал ўтмай Блоквилнинг кўз қорачиғлари яна чараклаб кетди. У худди ёшлигида бирга ўйнаб-ўсган тенг-тушига дуч келгандай қувонди. Асиrlар орасида уруш вақтида лойдан тўп ясад ўтирган ўсмирга кўзи тушди. У ҳам французга қараб қўйгандай туюлди. Блоквил ўсмирнинг таниш нигоҳига табассум билан жавоб қайтарди. Чеккадан назар ташланса, ўсмирнинг ташқи кўриниш ҳолати бошқа асиrlарга қараганда тузукроққа ўхшарди. Юриш-туриши, атрофга қарашлари дадил ва қатъий, қадам ташлашлари эпчил, нигоҳи соғ одамники каби маъноли эди. Кийим-кечаги ҳам кеча ёки ўтган куни ювилганга ўхшайди.

Блоквил унинг руҳияти яхшиланганига севинди. «Балки у сўнгги кунларини раҳмдил инсоннинг қўлида ўтказган бўлса керак. Бўлмаса, эси оғган, касалманд, нимжон ўсмирнинг бирданига бунчалик ўзгариб кетиши мумкин эмас-ку. Балки...» Ўсмирни кўриб ўз шароитини унугаётган француз яна ўзининг эски ташвишларига ўралди. Негадир Хива йўлини, узоқдаги хонликни ўйлади. «Балки бу ўсмирнинг насибаси ҳам ўша томонларга сочилгандир? Бунингдай ёш йигитчани ҳар қандай одам қора ишда фойдаланиш учун харид қилиши мумкин. Савдогарларга маъқул бўлмайдигани — ёши ўтган кексалар-у, ўзини тутолмайдиган асиrlар...»

Асир ўсмирни изига эргаштириб келган одам — қалин соchlарини баланд лачаги остига яшириб бостирган аёл эди. Аёлнинг икки дона олд тишлари бошқалардан фарқланиб, олдинга чиқиб кетган, бу эса уни жилмайиб тургандай қилиб кўрсатарди. Ҳақиқатда эса кўзлари фам-ғуссали. У кўп кулфат ва мاشақатларни бошидан ўтказгани сабабли соchlари ҳам барвакт оқарган эди.

Асиrlар орасига тарқалган ва Блоквилинг ҳам қулогига етган хабарга кўра, туркман аёли бу ўсмирни ўзига ўғил қилиб олиш учун Хонўтганга келган эмиш. Айтишларича, агар бу ўсмиr сарбоз рози бўлса, онахон уни уйига олиб кетмоқчи. Бунга сабаб — асир йигитча аёлнинг бундан беш-олти йил бурун тўсатдан йўқолиб қолган ўғлига ўхшашлиги.

Дастлаб кўрганда ўйлаган тахмини тўғри чиқсан Блоквил асир ўсмирнинг кейинги қисмати билан ҳам қизиқа бошлади.

Онахон ўсмиr сарбознинг қўлидан тутгандай тутқунларни тақсим қилаётган оқсоқоллардан бирининг ёнига келди. Ташвишлари бошидан ошиб ётган тақсимловчиларнинг ҳеч бири унга эътибор бермади, ҳолини ҳам сўрамади.

— Омон-эсонмисизлар? Соғ-саломат юрибсизларми? — деб аёлнинг ўзи берилмаган саломга алик олди. Унинг анча масофадан жаранглаб эшитилган овози, кампирнинг қулоги ҳам оғир эканлигидан дарак берарди.

— Соҳид полвон ким бўлади? — дея онахон яна қаттиқ овсизда сўради.

— Мен бўламан! — деб тақсимловчилардан бири жавоб берди. — Менга нима хизматингиз бор, онахон?

— Сенинг тагинг чeltакларга бориб тақалади. Шуни биласанми, болам?

— Келиб чиқишимни билмасам ҳам такалигимни биламан. Бизга нима хизмат бор?

— Мен ҳам чeltаклардан.

— Чeltак бўлсангиз жуда яхши. Бу ерга уруғқабила суриштиришга келдингизми?

— Мен ҳам чөлтакларданман деяпман сенга. Шунинг учун ҳам менга сени қидириб топ дедилар. Мана шу асири менга беринглар. Сен чөлтак бўлсанг, ўз чөлтакликларингга нафинг тегсин.

Соҳид полвон жуни узун силкма телпагини чиройли селкиллатиб кулди.

— Оббо онахон-эй, сиз энди чөлтаклар сонини кам кўриб, уни асиrlар ҳисобига кўпайтирмоқчи бўляпсизми?

Кекса аёл Соҳид полвон айтган сўзларни яхши эшитмади.

— Шу ўсмирни менга беринглар.

— Қанча тангангиз бор?

Кекса онахон ўзига маъносиз қараб тургани учун тақсимловчи қаттиқ бақирди:

— Қанча тангангиз бор деяпман сизга!

— Нималар деяпсан? Менда танга нима қилсин?

Мен шу ёшимгача танга деган нарсани ушлаб ҳам кўрмадим. Бироқ, сиртдан кўрганман.

— Ўша сиртидан кўрганингиздан қанча танга бор?

Танга тўламасангиз асири берилмайди, ахир!

— Шунақами? — деди-да, кампир тўсатдан йиғлаб юборди. Ёш тўла кўзларини асири қожорга тикди. — Бу норасида Авазгелдижонга ўхшаб турибди. Худди бир олманинг икки юзидай...

— Ўғил қилиб олмоқчимисиз? — дея кампирнинг кўз ёшлигини кўриб кўнгли юмшаган Соҳид полвон паст овозда сўради.

Саволни эшитмаган онахон сўзида давом этди.

— Авазгелдижонга ўхшаяпти. У ҳам бунга ўхшаб қорача эди. Нозик-ниҳоллигини айт. Мен бунинг тилига ҳам тушуна олмайман... Менга унинг тили ҳам керак эмас. Неча кун насибаси бор бўлса, унга қараб бир тўяй. Агар ўғил бўлиб уйда қолса, худонинг менга раҳми келгани шу бўлади. Қолмаса, баҳти очиқ бўлсин. Бошқа нима ҳам дея оламан...

Соҳид полвоннинг ёнида турганлардан бири унинг қулогига нималардир деб пичирлади.

— Яхши! — деб полвон унга бош қимирлатди, кейин аёлга қаради. — Ўғлонни олинг-у, кетинг. Сизнинг тангангиз ҳам керак эмас.

— Тангам йўқ деяпман-ку, сенга.

— Мен ҳам шуни айтапман-да! — деб Соҳид полвон қўлини силкитди. — Ўғлонни олинг-у, уйингизга кетаверинг!

Бу ерда қандай гап-сўзлар бўлганига тушуна олмаган содда қожор қандай келган бўлса, шундай ҳолда яна кекса аёлнинг изига тушиб кетди.

Эроний ўсмир асирикдан чиқиб, асирикка кетган бўлса-да, Блоквил унинг изидан хурсанд бўлиб қараб қолди.

Бугун мол-ҳол сотиладиган Хонўтганда қул савдоси авжига чиқди. Бозор худди ўтган бозорлардай шовқин-суронли, қизғин савдо овозларига бой. Жарчиларнинг овози, савдолашаётганларнинг нашидаси бугун ҳам баланд. Олдинлари йўқотилган ёки топилган мол-ҳоллар тўғрисида овозларини барака қўйиб гапирадиган жарчилар энди, «Фалон оқсоқолда фалонча ҳунарли қул бор! — деб хабар беришарди, — уларнинг баҳолари бунча танга!» — дейишарди. Олувчиларнинг кўпчилиги хивалик ёки бухоролик қул савдогарлари эди.

Қул савдогарларининг кўпчилиги туркманларнинг асиirlардан қанча тезроқ қутула олсалар ундан ўшанча шод-хуррам бўлишларидан хабар топгандари сабабли тутқунларга Хива, Бухоро бозорларидаги юриб турган нархдан юз хисса паст баҳо қўйишарди. Туркманлар ҳам узоқ тортишиб турмай, нархни айтилган жойидан кесишарди. Одам жаллоблари Хонўтганинг қўй-эчкилар боғланадиган узун ходаларига сотиб олинган бандиларни иккита-учтадан бир-бирларига маҳкам боғлаб, учларини ходага ўрашар, атрофига қорувуллар қўйишиб, янги қуллар сотиб олиш учун орқаларига зудлик билан қайтишарди. Улар инсон тақдирини арзимаган пулга сотиб олиб, уни қиммат

баҳога сотиш билан машғул эдилар. Ҳозир улар учун инсоф ҳам, одамгарчилик ҳам йўқ ҳисоби. Улар фақат қул ҳақида фикр юртишар, қул ҳам бўлмаганларнинг охирати ўлим билан ниҳоя топиши тўғрисида ўйлаб кўришмасди. Қул жаллобларининг онги, ёди фақат пул, олтин, кумуш сўзлари билан банд, бу нарсалар уларнинг инсофдиёнати, одамгарчилиги эди, гёё. Улар азроилни ҳам пул билан сотиб олиш мумкин деб билишарди. Шу сабабли, бир қулни — икки, икки қулни — уч нафарга кўпайтириш улар учун байрам эди. Шу тариқа одам жаллоблари мол бозорининг инсон қисмати бозорига айланганига ниҳоятда хурсанд эдилар.

Сотиб олинган банди-қуллар ҳам харид қилинган ҳайвон сингари тилсиз-забонсиз буюмга айланишади. Харид қилинган ҳайвон учун бир қўлдан иккинчи қўлга ўтганининг фарқи бўлмайди. Сувсираса — сув берилса, очиқса — ўт-ем берилса, ҳайвонга бошқа нарса керак бўлмайди. Жонивор учун қайси юрт, қайси жой, қайси элда яшашнинг тафовути йўқ. Чунки уларда юрт соғинчи деган туйгулар йўқ. Марвдаги мол бозоридаги бу галги олди-сотди пайтида, мол ўрнида сотилган қулларда барча инсоний туйгулар мавжуд эди. Худонинг инсон аталмиш бандаси қорни тўйган бой-бадавлат жойни Ватан деб ҳисоблайвермайди. У оч-яланғоч бўлса-да, киндик қони тўкилган она тупроғини Ватан деб билади.

Тўсатдан Хонўтган бозори тарихида биринчи бор ўтказилаётган улкан қул савдоси шовқини кескин пасайди. Блоквиленинг назари етган масофадаги жойда туркманлар ва бошқа турли манзиллардан келган қул жаллоблари сотиб олинган ва сотилаётган бандиларни бир томонга суро бошладилар. Улкан Хонўтган бозорида икки чеккаси одамлар билан лиқ тўла йўлак ҳосил бўлди.

Бозордаги барча хатти-ҳаракатларни биринчи бор ҳайратда лол қолиб кузатиб турган француз

бунинг қандайдир шон-шавкатли, юқори мартабали кишининг бозорга келиши билан боғлиқ эканлигини фаҳмлади.

Кўп ўтмай йўлакда озода кийим-бошли беш-олти нафар отлиқ пайдо бўлди. Бу отлиқларга қараб, тўши кенг, бақувват – учқур оқ от устида эгарга елимлангандай маҳкам ўтирган важоҳатли кишига кўзи тушганлардан бири:

– Кўвшутхон келяпти! – дея баланд овозда бақири.

Кўвшутхон деган номни уруш бошланмасдан олдин қожорлар саркардасидан тортиб, оддий сарбозгача ҳеч ким эшитмаган эди. Урушдан салгина аввал эса, бу ном ўша пайтдаги оддий бир сардорнинг исм-шариғи сифатида баралла айтила бошлади. Дастлаб ушбу ном қўлидан мол боқишдан бошқа ҳеч нарса келмайдиган соддадил чорва халқининг оддий етакчисини англатарди. Хозир эса Кўвшутхон деган ном қожор тутқунларига ҳам, туркманларга ҳам ўта кучли таъсир кўрсатадиган номга айланди. Мана хозир ҳам Хонўтган бозоридаги қимиirlаган жоннинг нигоҳи кўзга айланиб, Кўвшутхон томонга тикилганди. Кўвшутхонни кўрган тутқунлар хаёлида туркманларнинг барчаси тиз чўкиб, сардор олдида бош эгиб, таъзим қилишса керак деган фикр пайдо бўлганди. Улар ҳам туркман хони олдида тиз чўкишга ҳозирландилар. Аммо бундай бўлмади. Отлиқларга ўтиб кетиш учун йўл берилди. Кўп минг кишилик одамлар орасида бош хоннинг – шу пайтгача кутилмаган галаба қозонишида беҳад улкан улуши бор хоннинг олдида таъзим қилган, қўл қовуштирган бирорта туркман топилмади. Кўп вақтини Шарқ халқлари орасида ўтказган, кун давомида бир неча марта олий мақомли мансабдорларга таъзим қилганларига гувоҳ бўлган французни эндиликда бу ҳол лол қолдирди.

Кўвшутхон ва уни қўриқлаб келган тансоқчилар Блоквил турган ердан ўн беш-йигирма қадам чамаси узоқликда отларни тўхтатдилар. Хозир французнинг Кўвшутхонга ҳаваси келди, сабаби – биринчидан,

қожорлар билан ўзига хос уруш усулини қўллаб, ақл бовар қилмайдиган ғалабани қўлга киритган саркардани яқиндан қўриш имкониятига эга бўлди. Иккинчидан эса, Кўвшутхоннинг пайдо бўлиши билан қалбida уйғонган умид учқуни французни хонга яқинлашмоққа, хоннинг диққат-эътиборига тушишга ундарди. Блоквилинг фикрига кўра, бошқа тутқунларга ўхшамайдиган европаликка бош хоннинг назари, албатта, тушиши мумкин. Хонўтгандаги мингларча асиrlар орасида якка-ёлғиз французнинг ҳам борлиги ҳаммага маълум, ахир. Балки бу тўғрида бош хон ҳам эшитгандир? Балки... «Соқол қўйишга рухсат берилмаган ўлкага соқол қўйиб борган бошқа бир юрт вакилининг соқолини қирғанлари сабабли икки давлат ўртасида пайдо бўлган даъво-жанжалдан уруш бошланиб, минглаб одамларнинг қирилиб кетганлигига тарих гувоҳ. Балки Кўвшутхоннинг бир эътибори сабаб бўлиб, мен ҳам асирикдан озод бўларман?! Туғилмоқнинг ҳам, ўлмоқнинг ҳам асл сабаблари бўлади. Балки бош хоннинг қул бозорига келиши — менинг озод бўлишимга сабабчи бўлиш учундир?...» Истагини амалга ошириш учун одамлар орасидан қадам-бақадам илгарилаб, Кўвшутхон турган жойга минг мاشаққатлар билан яқинлаша бошлади.

Кўвшутхон Хонўтгандаги бошқа бурчакларига нима мақсад билан борганлиги, айланиб юрганлиги номаълумлигича қолган бўлса-да, бу ерга — манаман деган така оқсоқолларининг әнг кўп тўпланган жойига нима мақсадда келганлиги дарров аён бўлди.

Юз берган ҳолатга кўра орқага чекинган одамлар хоннинг тўхтаган жойида айланада ҳосил қилиб, уни ўраб олдилар. Ўша жойга икки нафар бақувват туркман қўли орқасига боғланган кишини олиб келишди. Қўли орқасига боғланган туркман Қора-мурут эди.

— Бу киши Сайдносир қабристонининг ёнида қўлга олинди, — деб Қорамуртни олиб келганларнинг орқасида пайдо бўлган, истараси иссиқ ёшулли Соҳид полвонга ахборот берди.

— Қилмиши нима? — савол берди Соҳид полвон.

— Бир туяга юкланган ўлжани олиб қочиб бораётган экан...

Бош хон ҳам воқеага диққат билан қараб тургач, ҳақиқатга шубҳа қолдиришини истамаган Соҳид полвон яна савол берди.

— Туядаги юк нима экан?

Бундай саволга олдиндан тайёр бўлган ёшули айтаётган нарсаларни осиб қўйилган қофоздан ўқиётгандай бошини осмонга тик тутиб, шарта-шарта айта бошлади.

— Бир тўп мовут мато, икки дона ипак кўрпа, икки дона сопи қумушли ханжар, бир дона милтиқ...

Марв жангига қожорлардан туркманларга қолган ўлжа сон-саноқсиз эди. Ҳозирча барча ўлжани бир жойга йигишмаса-да, унинг учдан бир бўлаги ҳам такаларнинг қора бошларини хавфга қўйиб йиллар давомида қилган оломончиликларидан<sup>1</sup> тўплаган ўлжадан кўп эди. Шу бугунгача йифилган ўлжа ичida юзларча сопи фил суюгидан ишланган ўткир ханжарлар, минглаб найзалар, чақмоқли, мисли милтиқлар, юзлаб қўшофиз фаранг тўппончалари, совутлар, пилтали узун милтиқлар, ўттиз уч дона сариқ тўп, бир неча кичик тўпчалар бор эди. Ҳарбий нарсалардан ташқари, олтин югуртирилиб, зарҳалдан муқоваланган Қуръони карим китоби, зарҳал билан тикилган ва кашталанган кийим-кечаклар, атлас ва ипак матолар, ипакдан тикилган кўрпатўшак, ёстиқлар, мовутдан тикилган ҳарбий кийим-кечакларнинг сон-саноғи йўқ. Атласу ипақдан тикилган чодирлар, от, туя, эшак, хачирлар сон-саноқсиз.

Кўвшутхоннинг маҳсус фармонига кўра, бандилардан қутулиб, Марвда осойишталик қарор топгунча кўлга тушган ўлжаларнинг бирортаси

<sup>1</sup> Оломончилик — хонликлар замонида ўлжага эга бўлиш мақсадида бошка хонликларга, давлатларга қилинадиган босқинчилик (таржимонлар изохи).

ҳам йўқолмаслиги зарур эди. Ўлжаларга билиб туриб қасдан қўл урганлар ўлимга ҳукм қилинади, дейилганди. Уруш вақти қўлига ўлжа тушган барча навкарлар уни махсус тайинланган ёшуллиларга келтириб беришлари шарт. Ўлжалар барча тақаларга теппа-тенг тақсим қилиниши лозим эди. Унинг асосий бўллаги курашда ҳалок бўлганларнинг оиласларига, камбағал-ғарибларга, бева-бечораларга, урушда танига жароҳат етганларга берилиши керак эди. Ўлжани ҳалол тақсимлаш учун уруғ-қабила катхудоларидан маслаҳатчилар, тақсимловчилар гурӯҳи тузилаётганди.

Лекин Қорамурт қисталоқ Қўвшутхоннинг фармонини эшитмаган киши бўлди. Панжибойнинг сурув-сурув молларини ҳам уруш тамом бўлган заҳоти ташлаб, бир тую ўлжа билан эл-юрт назаридан фойиб бўлишни истади. Тўғри, эл орасида ўлжа яширган ёки бошқа жойга олиб кетган фақат биргина Қорамурт эмасди. Бироқ, у ўғирлик вақтида қўлга тушган эди. Энди эса, мана Хонўтганинг ўртасида, мингларча одамларнинг кўз ўнгидаги чора кўрилиши зарур. Унга қандай чора кўрилсада, бу ҳаракат қўли эгриликка мойиллар учун сабоқ бўлиши лозим эди...

— Ҳозир айтилганлар ростми? — деб Соҳид полвон Қорамуртга қаради. — Муҳаммад уммати бўлсанг, худо ҳақи, ростингни айт!

— Рост, — деб Қорамурт ерга қараб жавоб берди. — Бир феъли бузуқлик қилдим, оқсоқол. Шу сафар гуноҳимни кечиринг. Атрофда сочилиб ётган нарса мўл-кўл бўлгач... Шайтоннинг алдовига бир тушдим-да...

Соҳид полвоннинг сўзини оғзидан олган Қўвшутхон от устида қамчисини ўйната туриб, оҳиста деди:

— Сочилиб ётган нарса деганинг нотўғри, ботирим. — У «ботирим» деган сўзни масҳараомуз оҳангда, алоҳида урғу билан айтди. — Бебаҳо ўлжа

сочилиб ётмайди. У нарсаларга туркманнинг манаман деган эр йигитларининг қони билан баҳо тўланди. У нарсаларга туркманнинг сен каби эркагидан мардроқ аёлларининг қони билан, бола-чақасининг кўз ёши билан ҳақ тўланди! Сен бўлсанг...

Кўвшутхоннинг айтмай ютиб турган сўзининг давомини жамоа ичидан бири айтиб юборди:

— Сен бўлсанг, хотин-қизларча бўлмадинг, юзсиз!.. Сенинг Панжибойга нима учун беш кунга чўпон бўлиб ўтганингни биз ҳам тушундик. Ҳайф, сенинг эркак бўлганингга!

Соҳид полвон ёнидаги мўйсафида ёшулига қаради.

— Хўш, оқсоқол, бунга қанақа жазо бериш керак?

Бу оқсоқол кўнгли юмшоқ одам экан шекилли, қўлларини бир-бирига уқалаб, узук-юлиқ гапира бошлади.

— Буни... қилган гуноҳи учун... саҳрога чиқариб, элдан қувиб юборайлик. Юртдан ҳайдалган бу баднафснинг жасадини қурт-қумурсқалар есин! Бошқа нимаям дердим?

Бу масалада жуда қаттиққўллик ила сиёsat юритиш кераклигини таъкидлаган Кўвшутхоннинг овози бу гал кескин чиқди:

— Бошқа нима қилиш кераклигини билмаяпсизми, оқсоқол?

— Эй, хон оға... — икки ўт орасида қолган оқсоқол сўз тополмай довдиради. — Мен ҳам унга раҳм-шафқат қилинглар деяётганим йўқ, ахир... Жасади қурт-қумурсқаларга ем бўлсин дедим-ку...

— Туркман элим учун, юртим учун қон тўкиб юрганида, қилич қўтариб душманга қарши чиқиш ўрнига тайёр халқ ўлжасини ўғирламоқчи бўлган нокаснинг жасади ҳам ҳаромдир! Биз ўз қўлимиз билан ифлос жасад юбориб, Хизр кўрган чўлимизни ифлослантирсак, ўзимиз ҳам ўғрига шерик бўлиб қоламиз-ку!

— Унда нима қилишимиз керак, хон оға? — дадиллашди оқсоқол бирданига.

Ниҳоят қаҳр-ғазабдан тўйинган хон ёрилди:

— Ўзи ўғирлаган ханжар билан эл-юрг олдида чорасини кўринглар, бунинг! Шу билан бу ўзини душман яроғидан шаҳид ўлдим деб ҳисоблаб, у дунёга кетсин! Бунга шундан бошқа жазо бериш ҳам ҳайф! Шундай қилсак, тўғри бўладими, оқсоқол?!

Оқсоқол қўлларини силкитди.

— Тўғри бўлади, хон оға, тўғри!

Йифилган мингларча одам бирдан нафас олмай қўйди. Ўртага совуқ сукунат тушди. Чеккароқда турган бир бесабр киши қичқирди:

— Хон оға, балки унинг елкасига қирқ қамчи уриб жазосини берармиз?! Шундай қилишга рухсат берсангиз, бу номард қилмишидан уялиб, одам бўлиб қолар?!

Кўвшутхоннинг жавоби қатъий бўлди.

— Пиёзни Маккага обориб келсангиз ҳам чучук бўлиб қолмайди... Жазони шу ерда — кўпчиликнинг кўз олдида бажаринглар!

Аҳвол атрофдан қараб турган барча тутқунларга ҳам, шу жумладан, Жорж Блоквилга ҳам тушунарли эди. Блоквил энди хон турган жойга томон силжишдан тўхтади — унинг назарига тушиш мақсадидан бутунлай воз кечди.

Шундан кейин бўлган воқеани фаранг асир ўз кўзи билан кўролмай қолди. Шовқин-сурон кучайиб, давра торайди. Хонўтган осмонида қатл қилинаётган одамнинг кўркув аралаш ваҳимали фарёди эшитилди. Блоквил Кўвшутхоннинг айтгани айтгандай ижро этилганини фаҳмлади.

Йифилган жамоа устидан узок-узоқларга бориб етган жарчининг шанғи овозини француз Шарқнинг ўзига хос томошаларидан бири деб билди, гарчи сўзларига тушунмаса-да, у жарчи айтиётган гапларининг маъносини тахминан тушунди: «Халойик! Хон фармонига қарши бориб, қўлини эгриликка бурган одамнинг жазоси — ўлимдир! Шуни яхши билиб қўйинг!..»

«Тўғри қилди, — Блоквил туркман хонининг қарорини маъқуллади. — Минг марта: «Ўғрилик қилманг!» — деганингдан кўра, бир гал шундай қилганинг ўзи яхши натижа беради. Инсонни тарбия қилганда қўркув ҳиссидан кучлироқ, қудратлироқ восита йўқ!»

... Навбат Блоквилга етиб келди. У, таржимон тарқатган маълумотдан сўнг, атрофим харидорга тўлиб кетса керак, деб тахмин қилган эди. Бироқ, унинг бундай тахмини тўғри бўлиб чиқмади. Устбоши лойдан кир-чир бўлиб кетган французга маҳаллий туркманлар ҳам эмас, ҳатто, маҳсус қул-фуруш савдогарлардан ҳам ҳеч ким харидор бўлмади.

Асири тақсим қилаётганлардан бири тутқуннинг юзига ҳам қарамай:

— Мамматаваз! — деб бақирди баланд овозда.

Жамоа ичидан бири қайта сўради:

— Қайси Мамматаваз?

— Кўнғирли Мамматаваз керак. Мамматаваз полвон!

Ўрта бўйли, тўладан келган қирқ ёшлар атрофидаги бир одам йифилганлар орасидан чиқиб келди.

— Мамматаваз полвон йўқ. Мен борман, ёшули!

— Сенинг исминг нима?

— Мени Эгамурод қўнғир дейишади. Мен Мамматаваз полвоннинг инисиман.

Қисмати савдога қўйилган Блоквил гап ўзи ҳақида бораётганини англаб, Эгамурод қўнғирнинг бошидан-оёғигача кузатиб чиқди, ўзича унинг кимлигини тахмин қилди. Унинг тахминича, Эгамурод қўнғирнинг хамиртуруши юмшоқ жойдан олинмаган. Бу одам Блоквилнинг кўзига тўнг, раҳм-шафқатсиз, айтгани айтган, дегани деган, тутган жойини кесмагунча тинчимайдиган ўжар туркманга менгзади.

— Мамматаваз полвоннинг иниси бўлсанг, жуда яхши! Анови юз-кўзи қожорларга ўхшамаган қул сенга тегишли.

Эгамурод қўнғир ҳам, ўз навбатида, Блоквилни диққат билан кузатиб чиқди-да:

— Нима, энди бизга келганда бошқаларникига ўхшаган қул ҳам топилмай қолдими, ёшулли? — деди.

— Ҳақинг қуймайди, қўнғир. Аталганини ол-да, кетавер. Кейин менга раҳмат ҳам айтасан. Полвон оғангга «Соҳид чалтак шундай деди» десанг, ўзи тушунади.

— Ҳозир қул берганингиз учун раҳмат эшитадиган вақт эмас-ов, оқсоқол! Ҳонўтганда ҳозир эшак тезаги ҳам қулдан қиммат бўлиб турибди. Шу... бир қул бердим деб миннат қилмасангиз ҳам бўларди.

— Айтилган гапни бажаравер, иним... Шуни ҳам айтиб қўяйки, бу қулни олганингга ҳали ўзинг ҳам қувонасан!

— Бу қулингиз тилла тухум туғиб берармиди, ёшулли? Жуда мақтаб, арши аълога чиқариб юбордингиз-ку!

— Фаранг асир деганлари мана шу, қўнғир! Айтишича, ўзи ҳам илмда алломаи замон эмиш!

Эгамурод қўнғирга ўн нафар билимдон қулдан, бир нафаргина деҳқон қул зарур эди. Илмли қулга эга бўлиб, нима, у боласини ўқитмоқчими? Унга ер ағдарадиган, марза-чел тортадиган, жўяклардаги экин-тикинни чопиқ қиласидиган қул керак, ахир!

Эгамурод ўзига тавсия қилинган асирга яна бир бор менсимай қаради-ю, бу қулнинг мутлақо тўғри келмаслигига ишончи янада ортди. Тўғри, Блоквилнинг қадди-қомати дурустку-я, бироқ унинг қўли белкурак дастасини ушлаган қўлга ҳеч ҳам ўхшамасди. Нозик бармоқлари ҳам қиз болаларники сингари узун-узун, дуторни тутишга мослашгандайми-еий...

— Билимли мулла жанозага ярашади, ёшулли! — деди у Соҳид полвонга. — Бунинг ўрнига бизга икки нафар кўрсавод қожор берсангиз яхши бўларди.

— Ҳозир мулла-муфтий деб ажратиб-сайлаб туришга вақт йўқ, иним, — деди Соҳид полвон ўз

ишига берилар экан. — Нима бўлганда ҳам, иним, биз булардан тинчиб, уларни биритирмаслигимиз керак. Шунинг учун уни тез олиб кет! Бошқа томонларини кейин гаплашаверамиз...

Эгамурод қўнғир энди ноилож қолди...

## 36

*Бу чорвадор тақалар душманга раҳм-шафқатни билмайди. Шу билан бирга, улардай оқкўнгил, бир-бирларини тез тушунадиган ҳалқ ҳеч қаерда бўлмаса ҳам керак. Уларда оддий чўпон билан урув бошлиги ўртасида ҳам тафовут сезилмайди...*

### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

Қачонки Хонўтган бозоридан чиқсалар, олдларига мол-ҳол, қўй-эчки солиб қайтадиган одамлар энди бу гал қулларни ҳайдаб қайтмоқда эди. Бугун асиrlарни тақсимлаган оқсоқоллар қанча елиб-югурmasin, қул сотиб олишини истамаганлар билан дўқ-пўписа, дағдаға оҳангидага гаплашиб, ўз айтганларини ўтказган бўлсалар-да, улар асосий мақсадга ета олмадилар. Яъни, бандилар сони улар кутганчалик озаймади. Зоро, ўн саккиз минг деган сон озмунча миқдор эмас экан. Ўша улкан сондан уч минг нафаригина камайганди, холос.

Қишилоқларга тарқатилмай қолган, Хива, Бухоро қул жаллобларининг ўткир назарларига тушмаган тутқунлар яна Марв қальасига қамалди. Қисмати ҳал бўлиши кейинги шанба бозорига қолдирилган асиrlар эндиликда ҳар бир куннинг қандай ўтишини ҳам аниқ-равшан билишарди. Ўша ит ётиш, мирза туриш, яхшигина совуқ аралашган куз кечаси, маза-матрасиз овқат... Қул савдогарлари қўлига тушган асиrlар олдида баланд-паст, охири кўринмайдиган қум устидан, номаълум оғир йўлдан ўтиш машаққати турарди. Мана, насибаси Марв теварак-атрофига тушган бандилар бошларига қанақа тақдир тушиши ҳам шу кун охиригача аниқ бўлиб қолишини кутмоқдалар.

Блоквил ҳам ўзининг толеига нима ёзилган бўлса, барига тан берди. Ҳа, уни Марвдан бир фарсах чамаси узоқликдаги Қўнғир қишлоғига олиб кетишиди. Оёғи билан қисмат томон пиёда юриш фақатгина французнинг насибаси эмас экан. Бу йўлдан кетаётган асиirlар сони икки юз нафардан кам эмасди. Уларнинг бари қўли орқасига боғлиқ ҳолда пиёдалаб йўлга тушдилар.

Блоквилнинг ҳам қўллари орқасига маҳкам боғланган эди. Бироқ у пиёда эмасди, Эгамурод қўнғир отининг орқасига мингаштириб олганди.

Албатта, икки қўли орқага боғланган ҳолда от устида ўтириш жуда қийин. Айниқса, ўзинг банди бўлсанг-у, хўжайиннинг тилига тушунмасанг — бундан баттари бўлмаса керак. У нима деб имо қилса — шуни бажаришга мажбурсан. Тушунмай қолсанг, тажанг одамдан ҳар нимани кутиш мумкин. Баъзан француз ўзини тушунмаганга солиб, юзи ўта жиддий Эгамуроднинг жаҳлини чиқаришни ҳам ўйлаб қоларди. Кейин эса оғир йўлдан пиёда юришни кўз олдига келтириб, яна нафасини ичига ютди.

Кейинги пайтларда вақти хушликдан тишини кўрсатиб кулган одамни француз кўрмаган эди. Асиirlар тушган қожорларнинг қулишга ҳоли ҳам йўқ, кайфияти ҳам. Тангрининг уларга ато қилган куни ғам-ҳасрат билан бошланиб, ғам-ҳасрат билан адо бўларди. Тўйиб овқат емаган одамнинг, устигаустак, она юритидан, қариндош-уруғларидан кун сайин узоқлашаётган одамнинг юзига табассум ҳам йўламас экан.

Уруш туркманлар учун ғалаба билан тамом бўлган эса-да, қулиш-жилмайишдан улар ҳам холи эдилар. Бунинг ҳам сабаби маълум. Азоб-уқубатлар эвазига келган ғалаба ҳам уларга қувонч баҳш этмаганди.

Ҳа, Блоквилнинг атрофини фақат қайғу-ғам, ғолиблар ва мағлуб бўлган одамларнинг ҳасрат тўла ташвишлари ўраб олган. Ўз навбатида, француз ҳам ушбу қайғу-ғам ҳавосидан нафас олишга мажбур.

Шундай қилиб, Кўнғир қишлоғига кетиш йўлида фаранг асиринг кўрганлари, эшитганлари ғам-ҳасрат билан қоришиб кетди. Марвдан чикқач, анча йўл юрганларидан сўнг, йўл чеккасида унинг назари кийимлари абгор бир кекса аёлга тушди. Кампир ерга ағанаган, уст-боши чанг, тупроққа қоришган эди. У узун ва ориқ қўлларини осмонга кўтарар, кейин қўлларини бирлаштириб, қўш муштлаб, қора ерни кетма-кет уради. Кампир шу йўсинда ушоққина гавдасидаги ғам-ҳасрат туфёнини ўз вужудида бўлаётган қайғуларга бефарқ қараб турган қора тупроққа сингдираётгандай эди. Бир пайт у ерни муштлашдан илкис тўхтади-да, гўё кўз, бурунсиз бўлиб кўринган, ажин бутунлай қоплаган кафтдеккина юзини кўкка қаратиб, бошини сараклатганча нолакор оҳангда қўшиқ бошлади:

Шу йўлдан кетган менинг норларим келмасмикан-эй!  
Икковидан бирини худо менга бермасмикан-эй!

Қожорлар билан урушда ҳалок бўлган икки нафар ўғлининг ҳасрати кампирни эзиб ташлагани шундоққина кўриниб турарди. У болаларининг бу йўлдан эндиликда қайтиб келмаслигини билса-да, ғамгин овозда алланималарни айтиб, саннашда давом этар, йўлдан тўда-тўда бўлиб ўтаётган асириларга, уларни ҳайдаб бораётган отлиқларга ҳам беэътибор эди. Кампир йўлнинг устида ерни муштлаб, ўз кулбасида ором тополмаган кўнглини гўё шу ҳолда бўшшатар, ўзига-ўзи таскин бермоқда эди.

Кўз ёшларини тўка-тўка қуриган новдадай бўлиб қолган кампир Блоквилга ўз онасини эслатди. Елисей майдони деб ном олган кенг кўчанинг Париждан чиқсан жойи унинг кўз олдига келди. Ўша йўл чеккасида қайғу-ғамдан куйиб қоқ суюк бўлиб қолган онаси ҳам муштлари билан ерни уриб, ўғлининг қачон қайтиб келишини кутаётган бўлса керак. Худди Марвдан Кўнғирга кетадиган йўлда ўтирган туркман кампири сингари кекса француз

аёли ҳам ўғлини соғиниб, Яратганга нола қилаётгандир? Икки онанинг интизор кўзларидаги соғинч ўхшаш бўлса-да, оналарни йўлга қарашга мажбур этган сабаблар бир-бирига менгзамайди. Туркман кампирнинг ўғлонлари устларига бостириб келган қора кучдан ўзларини, оналарини, юрт тупроғини қўриқлайман деб жангда ҳалок бўлдилар. Француз кампирнинг ўғли эса ўз ихтиёри ила юртидан чиқиб кетди, ўз ихтиёри ила онаизор кўзларини фарзанди келадиган йўлга интизор қилиб қўйди.

Блоквил фарзандлари ҳалок бўлган туркман оналари қолган умрларининг ҳар бир кунини факат фарзанд доғида, ғам-ҳасрат билан кечиришларига сабаб бўлган уруш ваҳималарига дастлабки кунларда қизиқиш билан, хурсандчилик билан қараган эди. Энди эса, ер бағирлаб ўтирган бу бечора кампирнинг баҳти қаро бўлганлигига ўзини гуноҳкор деб ҳис қилиб эзила бошлади.

Хунигирён бўлиб йиғлаётган кампирнинг инсон юрагини тилка-пора қилиб юборувчи ноласидан тезроқ узоқлашиш мақсадида Эгамурод кўнғир отига қамчи урди. Лекин унинг от сағрисига мўлжаллаган қамчисининг зарби Блоквилнинг ўнг думғазасига тегиб, жонини ачитиб юборди. Мол терисидан маҳсус эшилиб ишланган аччиқ қамчининг танасига етказган оғриғидан француз кўзини қаттиқ юмиб, тишини тишига босиб чидади. От сағрисига мўлжалланган қамчи зарбининг асир думғазасига тегиши қасдан қилинган ҳаракат эмасди. Бироқ Блоквил буни туркман оналарининг оҳу зорларига сабабчи бўлганларнинг бирига — яъни, ўзига урилган жазоchorаси деб қабул қилди.

Яна бирмунча вақт йўл юрганларидан кейин улкан майдонни эгаллаб ётган қабристон ёнидан ўтишди. Йўл чеккасида кеча, олдинги кунларда пайдо бўлган, ҳалигача тупроғининг намлиги сақланиб турган қабрлар сон-саноқсиз эди. Бу ерда янги

қабрларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳам французга тушунарли. Булар ҳам Блоквил қисматига ёзилган қонли саёҳатнинг натижалари эди.

Худди шу пайт қабристонга тобут кўтариб келаётганларга кўзи тушди. Блоквил, мусулмон одам дунёдан ўтганда жанозага қатнашувчилар сони кўп бўлишини, савоб ортироқ ниятида танишу нотаниш одамлар бари келиб, мархумни сўнгги йўлга кузатишда ўз ихтиёрлари или қатнашишларини эшитган, кўрган эди.

Бироқ ҳозир, бу сафар қабристонга олиб келинган тобут теварагидаги одамлар сони ўн-ўн икки нафардан кўп эмасди. Блоквил унинг ҳам сабабини тахминлаб, фаҳмлади. Урушда танисига теккан ўткир жароҳат туфайли ҳали-ҳалигача бирин-кетин дунёдан ўтаётганлар анча эди. Уларнинг барини иззат-хурмат билан охирги манзилга кузатишга эса одамларда имконият етмаётган эди.

Бу сафар ўзи учун янги бўлган яна бир манзарага кўзи тушди: тобутни кўтариб келаётганларни кўрган Эгамурод қўнғир отининг жиловини торғди-да, сакраб ерга тушди ва югуриб бориб тобут кўтарганларга қўшилиб кетди, тобутнинг бир чеккасига елка тиради. Шу тарзда, мархумни кузатиб бораётганлар билан ўн-ўн беш қадам ташлаб, яна орқасига қайтиб келди.

Қўнғирли отига минаётганда французнинг кўзига тикилди. Шунда яна Блоквил унинг назаридан: «Ана, сизлар қилган ишларнинг натижаси! Кўр-япсанми?!» деган маънони ўқиди. Фаранг асир ўзининг янги хўжайини кўзларидаги маънони англади-ю, индамади.

Кўнғир қишлоғи. Кўп вақтдан буён қаровсиз-сувсиз боғ-бўйстонларга куз кечаларининг қировли совуқ ҳавоси аралашған. Олдинги кўм-кўк, гўзал кўринишини қишлоқ ҳозир бутунлай йўқотган эди.

Теварак-атроф шипшийдам, очиқ бўлганлиги учун қишлоқ кафтдек ерда шўппайиб турарди. «Бу

чангіб ётган қишлоқда менинг ҳар соатим бир кунга, ҳар куним эса бир ойга татиб ўтса керак, — дея ўқинди Блоквил. — Бунинг устига, гаплашмоққа ҳам, дардлашмоққа ҳам ҳеч ким йўқ. Бўлгандаям, ким сенинг тилингга тушунади, ким сенинг дардингга шерик бўлади? Булар француз тилини эмас, француз деган миллатнинг борлигини ҳам билишмайди-ку»...

Ношукур банда иссиққа ҳам чидамайди, совуққа ҳам дейишади. Тақдир уни Хива, Бухоро томонларга отиб юборса, нима бўларди? Шу гап эсига тушган фаранг йигити энди мана шу чангіб ётган туркман қишлоғига келиб қолганига шукур қила бошлади. Ё бўлмаса, беш юз сўмлик асири беш сўмга харид қилган олибсотарларнинг панжасига тушса, нима қиласиди? Савдогар қўлига тушган вақтдан бошлаб, тутқуннинг пешонасига «қул» деган муҳр босилади. Асиринг баҳосига бир танга тўланса-да, у шу дақиқадан бошлаб асирикдан узоқлашади ва қўл ташлашиб қонунлаштирилган қулга айланади. Шундай бўлгандами, Блоквилнинг ташвиши янада оғирлашган бўларди. Шундай бўлган тақдирда Блоквил ҳам қулликдан, ҳам асирикдан қутулиш фамини ейишга тўғри келарди.

... Эгамурод қўнғир кулбасининг орқа томони — кенг жўхоризор дала экан. Дони пишиб, йиғишириладиган вақти аллақачон етган бўлсада, уруш ташвиши билан ҳосил йиғилмай қолган, бошини қуи эгиб мунғайиб қолган одамларга ўхшаб турарди. Жўхорининг бундай туришини яқиндан кўрган Блоквил бу ўсимлик ҳақида олдин ҳам эшитган бир хабарни эслади. Бундан бешолти йил муқаддам рус газеталарига асосланиб, Париждаги бир вақтли матбуот нашри Ўрта Осиё вилоятларининг бирида бир бош мевасида мингдан ошиқ дони бўлган «жўхори» номли гаройиб ўсимлик ҳақидаги хабарни босган эди.

Кулбанинг ёнбошига келиб, отдан сакраган Эгамурод қўнғир асирга:

— Қани, отдан туш! — деб бақирди.

Блоквил буйруқ маъносига тушунди. Қўли орқасига боғлиқ бўлгани учун, отдан тушаётганда мункиб кетиб, ёнбошига йиқилишига сал қолди. Гандираклаганини кўрса-да, Эгамурод қўнғир унга ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмади.

Шу вақт иккинчи қора уйдан чиройли чакмонини елкасига ташлаган баланд бўйли, кенг пешонали ёшулли чиқди.

Унга кўзи тушган Эгамурод юз қиёфасидаги жиддийлик пардасини йўқотиб:

— Маммат оға, ассалому алайкум! — дея мулойим овозда саломлашди.

Саломга алик олган Муҳаммадаваз оға<sup>1</sup> олға юриб келди-да, Эгамурод билан кўришди.

— Шу кетганингча вақтида қайтавермадинг, от туёғи овози эшигилса, сен келганмикансан деб ташқарига чиқаман, сендан дарак йўқ. Тинчликми, иним?

Тўсатдан ёшуллининг кўзи Блоквилга тушди.

— Ёнингда меҳмонинг борми? Меҳмон келар эшиқдан, ризқи келар тешикдан!

— Меҳмон олиб келдим, бироқ унинг ризқли-давлатли эканлигини билмайман, — деб оғаси билан омонлашган Эгамурод норозилигини очик билдириди. — Белкуракнинг дастасидан тутиб кўрган одам эмас бу. Бизнинг улушимиизга тушгани мана шу оддий қул бўлди. Ўзи ҳам Фарангистон деган юртдан эмиш. Биз бунинг тилига тушунмаймиз, бу бизнинг тилимизга тушунмайди. Соҳид полвон деган ёшулли шуни олиб кетасан деб туриб олди. Ўзи ҳам сизга кўп-кўп саломлар айтди... Бу қул бир нонхўр сифатида бизга бош оғриғи бўлади, шекилли.

---

<sup>1</sup> Асирик даврининг кўп қисмини Марв вилоятининг Кўнғир қишлоғида ўтказган Жорж Блоквил ўзининг эсадликларида Муҳаммадаваз полвонни оқ кўнгил, фаросатли, одамохун инсон сифатида тасвирилаган (муаллиф изохи).

— Соҳид полвон бизга ёмонликни раво кўрмайди, — Муҳаммадаваз полвон ишонч билан сўзлади. Сўнг инисининг олиб келган қулини бошқатдан кўздан кечира бошлади. — Э-ҳа, кожорлар ичида бир фаранг бор, дейишарди, бу — ўша бўлиши керак. Агар бу форслар билан келган бўлса, гунглол бўлиб юрмагандир, гапиргандир. Ҳар ҳолда, зўрга бўлса-да, нималарнидир айтгандир.

— Мен қаердан билай, Маммат ofa? Бу одам, менимча, форс тилини ҳам билмаса керак-ов...

Асирга ҳали ҳам тикилиб турган Муҳаммадаваз полвон:

— Аҳволи шўмо хуб аст, бандай худойи? — деб сўради<sup>1</sup>.

— Назз! Назз!<sup>2</sup> — деб бир сўзини икки марта тақрорлади асири, маъюс жилмаяр экан.

— Форс тилини билар эканку-я, аммо биз у тилни ҳам яхши билмаймиз, — дея ёшулли инисига қаради. — Узоқ йўлдан келган бандага бирор егулик бер!

Ёнига келган ўсмирнинг қўлига отнинг жиловини тутқазган Эгамурод:

— Асиrlарнинг сони озайгунча буларнинг қўл-оёқларини бўшатмаслигимиз керак эмиш. Қўвуштхон шундай деб айтганмиш, — деди.

— Қўлини ечмасанг, овқатни қандай ейди? Ёки оғзига ўз қўлинг билан солиб турмоқчимисан?

— Бўлмаса, овқатланиб олгунча қўлини бўшатиб қўяман-да.

Муҳаммадаваз полвон орқасига қайрилиб, қора ўтовга кириб кетди. Иззат-хурматли ёшуллининг бу ердан нари кетиши дараҳтлар тагидан, жўхоризор ичидан овозлари чиқиб турган бола-чақалар учун шовқин қилишга рухсат бергандай гап эди. Эгамурод қўнғир олиб келган сариқ сочли фаройиб қулни яқиндан кўриш орзуидаги одамлар, бола-чақа

<sup>1</sup> Аҳволинг яхшими, худонинг бандаси?

<sup>2</sup> Яхши, яхши.

дарров Блоквилнинг атрофини ҳалқа шаклида ўраб олишиди.

Бола-чақа орасида икки нафар кекса аёл ҳам бор эди. Улар шу пайтгача бундай одамни биринчи бор кўриб турганлари учун ҳайрон қолиб турганди. Уларнинг бири иккинчисига:

— Мана шу одам бошқа бир тилда сўзлашармиш, эшитдингизми? — деб ўзи учун жуда фалати бўлган янгиликни айтди.

— Бошқа тилда ҳам сўзлашиб бўлармикан?! — деб сўради иккинчи аёл ундан баттар ҳайрон қолиб.

Блоквилнинг тевараги томошаталаб одамларга тўлди-қолди. Болалар асирнинг ҳарбий кийимидағи тугмаларига ҳайрон қолиб қарашар, унинг нима учун кераклигини чуғур-чуғурлаб сўрашарди. Ҳалигача бофичдан бошқа ёқа бекитадиган нарса қўрмаган болалар учун фарангнинг чанг-лойга булғанганд ҳарбий кийимидағи тугмалар жуда гаройиб нарса бўлиб кўринди.

Болалар орасидан ботирроқ бири тугмалардан икки донасини қаттиқ тортиб-тортиб узиб олди-да, олди-орқасига қарамай шаталоқ отиб қочди. Бошқа болалар ҳам ўша ботир ўсмирнинг ҳаракатини такрорлай бошладилар, сал ўтмай французнинг кийимида бир дона ҳам тугма қолмади.

Учинчи қора ўтовдан чиқиб келган ўттиз ёшлардаги жувон ҳам йигилганлар ёнига келгач, Блоквилга дикқат билан қаради. Блоквил бу жувон яқинлашаётганида, унинг чиройли юриб келишини кўриб, гўё унинг назарида бу аёл қадам ташламас, балки ернинг устида сузуб келаётганмикан деб хаёл қилди. Юз тузилиши ўзига ярашган, сариқмағиз бу жувоннинг гавда тузилиши ҳам дикқатни ўзига жалб қиладиган даражада сулув бўлиб, унинг навниҳол қомати кийган кўйлагининг остидан ҳам билиниб тургандай эди. Жувон етиб келган заҳоти Блоквил унинг юз қиёфасига разм солди. Унинг тиниқ чеҳрасида қайгу-фам акс этиб турарди. Блоквил

кўзлари ғамгин бу гўзал жувоннинг ҳам ёстиқдоши урушда ҳалок бўлгандир, деб тахмин қилди.

Блоквил бу ёш аёл тўғрисидаги тахминлари асосли эмаслигини кейин билди. Бу жувон ўттиз ёшларга етган бўлса-да, шу пайтгача турмушга чиқмаган экан. Оқморол (ҳалиги ёш аёл) нинг чехрасига қараган Блоквил, унинг ғамгин кўзларида тенгдошлари сингари турмушдан лаззат олишга ҳавас, интилиш туйғусининг йўқлигини сезди. Тутқун эътиборини энди бола-чақаларга қаратди. Асиринг теварак-атрофи думалоғу қисиқ кўзли катта-кичик одамлардан иборат девор билан ўралган эди. Блоквилнинг уларга қараб туриб кулгиси қистади. Бу кўзлар фаранг асирга ҳайрон қолиб тикилишса, фаранг ҳам, ўз навбатида, туркманларнинг кийган турли-туман кийим-кечакларига, уларнинг ўзларини тутишларига анқайиб қараб ўтиради. У ҳозир ўзини темир катакка қўйилган маймунга, туркманларни эса шу пайтгача маймун кўрмаган томошибинларга қиёс қилди. Ҳақиқатан ҳам, неча кунлардан бери ювинибтаранмаган, соқол-мўйловини қиртишламаган, сочи ўсиб патила-патила бўлиб кетган, уст-боши кирчир тутқуннинг ҳозирги кўриниши катак ичидаги шўрлик маймундан фарқ қилмасди.

Блоквилнинг нигоҳи яна Оқморолда тўхтади. Оқморол ҳамма нарсага лоқайд қараб турарди. У асирга томон қараганда ҳам, тутқунни кўрмай, унинг ўрнига бошқа бир нарсани кўраётгандай. Бир пайт бу гўзал ожизанинг чиройли шаҳло кўзларидан бир-икки томчи ёш думалаб, тиниқ ва мафтункор ёноғига тушди. Бу кўз ёшлари шунчаки, ўз-ўзидан пайдо бўлиб, оқиб тушмаган бўлса керак?! Блоквил бунинг сабабини билишга қизиқди. «Сенга тикилиб туриб, сен ҳақингда ўйлагач, кўзида ёш томчиси пайдо бўлган бўлса, демак, бу одам сенга нисбатан бефарқ эмас?! Бироқ, одам оёғи етмас сахродаги бу гўзал ожиза қалбida парижлик тутқунга ачингудай, нима воқеа кечди экан?!» Блоквил бу саволга жавоб бера

олмасди. Барибир, бу қизнинг кўзларида пайдо бўлган ёшларни ўзига нисбатан ҳомийлик туйгуларининг нишонаси деб билди.

Йўл томондан хода от миниб, югуриб-ирғишлаб келаётган оқ соқолли, боши яланг, ориқ қариянинг пайдо бўлиши ҳамманинг диққатини бўлди. Бу қария — қўнғирликларга маълум Чоқон тентак деган киши эди. Оёқяланг почасининг бир томони тиззасигача кўтарилиган, от юзли тентакнинг фаройиб ташқи кўринишига Блоквил анқайиб қараб қолди.

Чоқон тентак бола-чақани кўркитиб юрадиган бошқа жиннилардан кескин фарқ қилиб, доимо ўзи билан ўзи овора бўлиб юради. Бироқ бу гал уни кўрганлар томоша марказидаги асирни ҳам эсларидан чиқариб, тўрт томонга ура қочиб қолишиди. Чунки Чоқон тентакнинг бўйнида бир қулоч чамаси, узун қора илон осилиб турарди.

Атрофдагилар (Оқморолдан бошқа ҳамма) турли томонга тирқираб кетгани боис, ёлғиз қолган Оқморол ҳеч нарсадан чўчимай, турган жойида Чоқон тентакнинг ҳаракатларини кузата бошлади.

Чоқон тентак фаранг тутқуннинг нақ ияги тагига келиб, хода отининг жиловини тортди. У бегона кишининг ўзига аввал диққат билан қаради, кейин оғзи қулоғига етиб илжайди. Бироқ, бу илжайиш тутқун кўнглини хотиржам қилмади. Блоквил ўзини тутишга қанча ҳаракат қилмасин, у ҳозир ўтакаси ёрилиб кетаёди.

Илоннинг ялтираб турган дум томони тентакнинг тўшида ўралиб турар, бош томони эса ҳужум қилиш учун пайт пойлаётгандай икки томонга бориб-келарди. Илон кўзлаган қулай нуқта фаранг асирнинг ўзи эканлиги аниқ. Мана, Чоқон тентак ҳам шуни билгандай аста-секин Блоквилга яқинлашмоқда. Энди орқага қочса, бу тентак баттар ўзининг орқасидан қолмаслигини ўйлаган фаранг йигит унга сир билдиргиси келмай, аста-секин орқага тисарила

бошлади. Шундай бўлса-да, тутқун билан илон кўтариб олган тентакнинг оралари борган сари қисқармоқда эди.

Блоквил Оқморол тарафга мўлтираб қаради. Ожиза тутқуннинг назарида такаббурлик аломатларини эмас, кўмак сўровчи илтижони ҳис қилди. Оқморол шу пайтда Чоқон тентакка бир нарсаларни айта бошлади, афтидан, у Чоқон тентакни бўлмағур хатти-ҳаракатлардан қайтармоқда эди. Чоқон тентак унинг сўзларини эшилди-ю, турган жойида қотиб қолди. Оқморол яна бир неча оғиз гапларни айтиб, унга мулоим жилмайди. Сулув ожизанинг чиройли табассуми, ҳатто, тентакка ҳам оловдай таъсир қилди. Жоду кўзлардаги нур ёқимли, жозибали эди. Чоқон тентак қизнинг табассумига чидай олмай, у ҳам ўзига хос илжайиш билан жавоб қайтарди. Оқморол оппоқ қўлларини қўтариб, қора ўтовнинг орқасидан ўтган йўл томон ишора қилди. Тентак бошини тасдиқ оҳангода қимирлатди. «Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан мусулмон динидан чиқар» деганлари дай, мулоим сўз тентакни тўғри йўлга солди. Чоқон тентак қора илонни бўйнида осилтирганича ожиза кўрсатган томонга — йўлга қараб кетди.

Тентак кетгач, Блоквил бошини қуи эгиб кулемсираган ҳолда Оқморолга миннатдорчилик билдирган бўлди.

### 37

Асир тушган навкарлар сони кўп бўлгач, ҳар бир таканинг уйида тутқун бор эди. Ўсиб кетган соч-соқоллари, ювилмаган кийимларини ҳисобга олмаганда, уларни маҳаллий аҳолидан фарқ қилиш ҳам қийин. Шу сабабли одамлар оғилхона, сомонхоналарга қамаб қўйилган ёки ташқарида қўллари боғлиқ ёки қўллари бўш қулларга эндиликда ҳайрон қолмайдилар. Қайтанга бола-чақа, ёш-яланглар мулоим, ёқимтой асирлар билан чала-

чулпа форсча-туркманча аралаштириб сўзлашишга ҳаракат қилишарди.

Блоквилнинг иши эса бутунлай аксинча бўлди. Франция деб аталган жойдан келиб асир тушган фалати тутқунни кўриш истагидаги ўғилу қиз, болачақанинг сон-саноғи йўқ эди. Бундан ташқари, ёши улуғлар ҳам бирор нарсани баҳона қилиб Эгамурод уйига келишарди-да, тутқун ётган чайлага диққат билан қарашади. Чайла билан уйнинг ўртаси ўнён беш қадамча. Фаранглик тутқун сақланаётган чайланинг эшиги ҳам йўқ. Эшик ўрнига сийрак юлғун дарахти шохлари панжара шаклида бир-бирига қаттиқ боғланган эди.

Бу юлғун панжара ҳам французга шаҳар қамоқхонасиининг темир панжарасини эслатади. Фаранг йигит ҳақиқатан ҳам қамоққа олинган тутқунларга ўхшайди, қўллари орқасига боғланган, ўтирган жойи эски чайла, холи жойга борадиган бўлса ҳам назардан қочолмайди. Орқасига қайтиб келгунча ҳамма унга қараб туради. Ёзилиб келган заҳоти яна қўлини орқага боғлашиб, кулбага киритишади ва эшикни занжирлашади. Унинг ўзи ҳам ҳеч қандай иш билан машгул эмас. Фарангнинг Кўнғир қишлоғига келиб яшаган беш куни ана шундай афтода бир зайлда ўтди.

Кундуз кунлари илиқ бўлса-да, француз кечалари азобланиб чиқади. Куз фаслининг аёзи тонготар пайтда ниҳоятда кучайиб, йигит бечора қаттиқ соёқотади. Тагига тўшаш учун эски қоп, устига ёпинишга титилиб кетган кўрпа беришганди, аммо у, барибир, совқотиб чиқади. У кечанинг кўп вақтини ухломасдан ўтказади. Кечқурун маҳкам боғлаб қўйишигани камдай, хўжайини Эгамурод улкан оир тўнкани юлғун эшикка тираб қўяди.

Кеча кечқурун аҳли қишлоқ уйқуга ётгач, янги чиққан ой узоқ вақт Блоквилнинг юлғун панжарали эшигидан кетолмай турди. Бу ҳам унинг узоқ вақт ухлай олмаслигига сабаб бўлди. Кулба ҳам, унинг

ўзига хос эшиги ҳам, теварак-атроф ҳам тутқунга нотаниш бўлса-да, мана шу тўлин ой унга таниш. Ой худди Париж осмонини тарк қилиб, гўё бугун бу ёққа келгандай. Ой ичидаги доғлар ҳам – олдиндан таниш нишонлар. Ой чиққан пайтларда Парижнинг гўзал нозанинлари билан Сена дарёси бўйига ишқ сайлига чиққан Жорж ўшанда ҳаво салқин бўлса-да, совқотмасди, аксинча, товони тагидан олов чиққандай бўларди, соҳибжамол санамларнинг нозли қарашлари унинг баданини қиздиради.

Бу ерда эса ҳамма нарса аксинча. Ойда ҳам, ҳавода ҳам, теварак-атрофда ҳам маза-матра, жозиба йўқ эди, жаҳоннинг раҳм-шафқати кўринмайди-билинмайди. Лекин шунга қарамай, француз ойни ўтириб кузатиб чарчамасди. Гўё ойдан бўлак унинг таниши ҳам йўқ, севгилиси ҳам.

Бир вақтлар ой шуъласи остида ишқ-муҳаббат бўсаларига тўйиб, чарчаб уйига қайтган бу йигитга покиза ёруғ хона, топ-тоза кўрпа-тўшак, егиси келса ширин-шакар турли хил таомлар мунтазир эди. Ҳозир эса, мана, Франциянинг дворян қатламига мансуб муҳитда эркин яшаган, қийинчилик, муҳтоҷлик кўрмай ўсган йигит, Европага нотаниш, маданияти ҳаминқадар ўлканинг қайсиdir бир ташландик кулбасида ёлғиз ўзи сўппайиб ўтириби.

Қисмат деб аталмиш тақдир кўрсатган ҳазилга бир назар солинг – Париждаги бой-бадавлат уйнинг тўрида яшаган аслзода йигит бугун бир туркманнинг гариб уйида ўзига ўрин топа олмай, ичи эски ашқол-дашқолдан тўла сомонхонада ётишга мажбур! Хотиржам ётиш мумкин бўлса ҳам майли экан, йўқ, уйқуга кетган вақting салгина қимирлассанг, оёғингдаги кунданинг озори сени қайтиб ухломайдиган ҳолатга солади...

Асирикнинг олтинчи куни Блоквил учун мутлақо кутилмаган воқеа юз берди. Пешин вақти Эгамуродникига бир отлиқ келди. У келган заҳотиёқ уй эгаси кулбанинг юлғун панжарали эшигини очди-

да, французга «ташқарига чиқ» деган маънода имо қилди. Блоквил ташқарига чиққач, Эгамурод унинг кўлини бўшатди.

Келган одам французга синчиклаб, қайта-қайта тикилди. Блоквил уни танимади. Мехмоннинг оти-эгари ёнбошига осиғлиқ кичкина қопча бор. У одам қопчани очди-да, ичида гиларни ерга силкиди. Қопчадан нарсалар тўкилди — қофоз-қалам дейсизми, махсус чизғичларни, михга ўхшаш силлиқ темирчалар, хуллас, уй эгаси олдин ҳеч қачон учратмаган нарсалар. Олиб келинган нарсаларга кўзи тушган Блоквилнинг юраги жиғ этиб кетди. Бу — французнинг Сайдносир билан Пўпушкул оралиғидаги ботқоқликда асирга тушган вақтида йўқотган асбоб-ускуналарининг бир қисми эди.

Келтирилган нарсалар ичida фотоаппарат, дурбин, харита чизишда ишлатиладиган энг зарур асбоблар йўқ эди, холос. Бу нарсаларидан бутунлай умидини узган француз олиб келинган анжомларини кўриб жуда севинди. Бироқ ботқоқликда колган асбоб-ускуналарининг ўз эгасини топиб, шу жойгacha келмоғи уни ниҳоятда ҳайрон қолдирди.

Агарда Эгамурод кўнғир бу нарсаларни эгасига тухфа қилса, қофоз-қалам ва китобсиз яшай олмайдиган европалик учун бу нарсалар катта воқеалик бўлади!

Келган одам бирданига белбоғига қистирилган тўппончани олди ва уни французга узатди. Бироқ тўппонча Блоквилга етмаёқ, Эгамурод уни шартта кўлига слди.

— Тўппончани бунга бериб бўлмайди, биродар. Бунинг устига қўшофиз экан. Қофоз-поғозларини нима қилса қилсин, бироқ унга ярок берилса яхши бўлмас-ов...

— Ўқи йўқ-ку! — кулди меҳмон. — Бу уники, шунинг учун, ўз нарсаси бўлгани учун беряпмиз.

— Милтиқ дейилган асбоб ўқсиз бўлса-да, йилда бир марта олов чикаради, биродар. Кўй, хуллас, яроғи менда турсин.

Блоквил ўзининг тўппончасини таниди.

— Тутқуннинг бизнида эканлигини қандай қилиб билдингизлар? — дея Эгамурод қўнғир французни ҳам қизиқтирган саволни берди.

— Сен, қўнғир, хазинанинг устида ўтирган экансан! — деб келган одам Эгамуродга айёrona назар ташлади. — Бунингни бутун така туркман билар экан. Асиринг аслида Фарангистон деган юртнинг энг бой одами эмиш. Нархига инсоф билан айтган баҳойинг бериладиганга ўхшади-ёв, ўзиям. Шундай дейишяпти. Орқаси бақувват одамнинг ўғли эмиш.

Сочилиб ётган қофоз-қаламларга яна бир қур қараган Эгамурод:

— Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйлаб юрардим, — деди. — Аслида, бу бошқа қулларга ҳеч ўхшамаганига, ҳайрон қолардим!

— Шу сабабли ҳам бунга қаттиқ ёпиш! Кам бўлмайсан, — межмон французнинг боғлиқ қўлларига эътиборини қаратди. — Бунинг асбоб-ускуналарини оқсоқоллар махсус олиб бориб бер, дегандилар.

Келган одам хайрлашди-да, отига минди. У жўнаётгандан Блоквилга ҳам бошини қимирлатиб, хайрлашиш ишоратини қилди.

Эгамурод қўнғир чопарнинг сўнгги айтган сўzlари тўғрисида ўйланди. У нима учун ўз қулига енгиллик бериши керак экан? Балки қўнглини оғритмай сақласа, асиринг баҳоси кўтариilar? Нима сабабдан унинг қофозларини махсус чопар келтириб ташлади экан-а? Бу шунчаки бир гап бўлмаса керак-ов? Қишлоқларга тақсимланган қожорларнинг қайсиси қаерда, кимнинг қўлида эканлигини билиш қийин бўлган бир пайтда, фарангликнинг орқасидан махсус чопар келиб тургани кўп нарсадан дарак бермаяптимикан? Ана шуларни эътиборга олиб, Эгамурод қўнғир шу кундан бошлаб асири кўздан йироқлаштирмасликка қарор қилди.

Блоквил хўжайиннинг юзига қараб бир нималар деди. Форс тилини билмаган Эгамурод олдида турган асирининг овозини эшитса-да, айтганига тушунмади.

— Эй, мен сенинг форсий сўзингга кошки тушунсан экан?! — деб ўзи билан ўзи гаплашдида, кейин уй томонга ўгирилиб: — Аннабиби! — деб қичқирди.

Ташқарига чиққан аёли эрининг юзига тикилди.

— Бу бир нарсалар деб ётибди, тилига тушунмаяпман.

— Сиз тушунмаган тилга, мен қаердан тушунай?

— Оқморолни чақир унда!

— Шунақа денг-да!

Оқморолнинг ўзлари томон келаётганини кўрган Блоквил унинг чақирилганлигини билса-да, нима учун келаётгандигининг маъносини англай олмади. Бироқ, Эгамурод билан бир-икки оғиз сўзлашган Оқморол:

— Чэро михоҳид, бегуид?<sup>1</sup> — деб форсча гапирганида Блоквил бу ҳолатдан анқайиб қолди. Неча кунлардан бери ўзи тушунадиган тилларнинг бирида инсонлар билан сўзлашишни орзу қилиб юрган асир худди энг яқин ҳомийсига дуч келгандай ҳаяжонланиб кетди. У Эгамурод сўрамоқчи бўлган илтимослардан олдин:

— Форси аз кўжо мидонид?<sup>2</sup> — деди. — Форсча билар экансиз, нима учун шу пайтгача жим бўлиб юрдингиз?

У яна нималарнидир айтмоқчи эди, Оқморолга қараган Эгамурод унинг сўзини бўлди.

— Бу нималар деб вайсаяпти?

Оқморол асирга ўзининг хоҳишини айтиши лозимлигини тушунтириди.

— Истагим шундан иборат, — деб Блоквил сўзида давом этди. — Мен учун керакли маблаф тўланиб, озод бўлгунимча сизнинг асирингизман. Шу сабабли, сиз менга бошқача муносабатда бўлишингиз керак. Мен қочмоқчи бўлганимда ҳам, бу сахродаги йўл-

<sup>1</sup> Нимани хоҳлайсиз, гапиринг.

<sup>2</sup> Форсчани сиз қаердан биласиз?

сүқмоқларни билмайман. Қочадиган жойимнинг ўзи йўқ. Мени ҳозиргидай қамаб сақлашдан сизга ҳам, менга ҳам наф йўқ. Яххиси, менинг масалам ҳал бўлгунча, бирор иш билан овора бўлиб юрай. Менинг оғабекдан илтимосим шу.

Французнинг айтганларини Оқморол тушунтиргач, Эгамурод бироз ўйланиб турди. Кейин:

— Қани, ҳозирча қофоз-поғозларини йифиштирсин-чи! — деди ва асирининг кўлинини бўшатди. Сўнг қора уйга қараб кетди.

Оқморол эса қаерга юришини билмай, ўртада туриб қолди.

Зўр иштиёқ билан қофоз-қаламларини йифишираётган Блоквил:

— Сизнинг форс тилини билишингиз мени ҳайратга солди! — деб жилмайди.

Шу вақт эшикдан бўйинини чиқарган Эгамуроднинг қаҳрли овози эшитилди:

— Сен энди унинг ёнида қаққайиб турма-да, ўз ишларинг билан қуйман! Бунинг тилига тушундим деб, урф-одатларимизни ёдингдан чиқарма! Шусиз ҳам оиласиз ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб кетган.

Унинг сўзларини эшитган Оқморол аста-секин уй томонга юра бошлади. Эгамурод яна қизга деди:

— Бунинг Фарангистонданлигини-ку, биламиз. Энди номини ҳам сўраб бер!

— Жорж Анри Гулибеф де Блоквил, — деб тутқун ўзининг номини тўла айтганида, Эгамурод қўнғир жилмайшини ҳам, жаҳлланишини ҳам билмай қолди.

— Бир одамнинг эшакка юк бўладиган шунча номи бўладими? Бизнинг тилимиз ҳам айланмайди, уни айтишга. Ота-бобо, авлод-аждодлари номини айтмасдан, фақат ўзиникини айтсин-да! Узун номни калта айтса бўлмас эканми, шуни сўра-чи!

Асири ўзига Жорж деб айтилса ҳам бўлишини тушунтириди.

— Э, бор экансан-ку! — деб Эгамурод кулиб юборди. — Жорж деб айтиш осон, чақириш ҳам қийин әмас.

Рұхіда аллақандай енгиллик ҳис қылган Блоквил Оқморолни хурсанд бўлиб кузатиб қўйди.

Блоквил қайтарилиган барча қофоз ва асбобларни кулбасига олиб келди-да, қофозларини, иккита қалин дафтарини тартибга келтириб қўйди. Кейин уларга мамнун қараб ўтирди. Сўнг «бу юртда буларга ўхшаш нарсалар ҳам йўқ. Кўлимдан тортиб олиб, йўқотиб ташламасалар яхши эди! — деб хавотирланди, кейин ўзига-ўзи таскин берди. — Оладиган бўлсалар, уни менга беришмасди-ку...»

У дафтарларидан бирини шартта олди-да, муқовасини очиб, юқоридан катта ҳарфлар билан: «ТУРКМАН ЭЛИДАГИ ТУТҚУНЛИК. 1860 ЙИЛ» деб ёзди. Кейин ўзи «оғабек» деб мурожаат қила-диган хўжайнини Эгамурод қўнғирнинг кулбага келаётганини кўриб, дафтарини жойига қўйди.

Кулбанинг эшиги олдида кўли ўроқли Эгамурод унга: «Ташқарига чиқ!» деб имо қилди. Ўзига иш буюрилишини сезган Блоквил истагининг эътиборга олингандигига яна бир бор севинди.

Тутқунни орқасига эргаштирган Эгамурод жўхори тарафга юрди.

Вақти ўтиб, япроқларигача қуриб қолган жўхори поялари Эгамурод бир чеккасидан кирган заҳотиёқ шағирлаб овоз чиқарди. Бу овоздан чўчиган бир тўда чумчук пир этиб осмонга кўтарилди.

— Чумчук, мусичаларга текин томоқ бўлди-да! — деб Эгамурод ўзича минғирлаб қўйди.

Оғабекнинг ёнига бориб тўхтаган француз буйруқ кута бошлиди. Сўнг, ўз-ўзидан бошига тушган бу кўргиликларни ўйлаб, хўрлиги келди. Жаҳоннинг энг маданиятли давлатида, олий мақомли масканларда юриб билим олган, тўрт-бешта чет тилларини пухта эгаллаган такаббур европалик келиб-келиб, кимларга боқиманда бўлиб ўтирибди-я?! Яна, қанақа

кишиларнинг буйругини бажариши керак! Берилган буйруқни қаранг! Эски ўроқ билан жўхори бошини поясидан кесиб олиши керак. Яна, жўхори экилган экин майдонига француз биринчи бор кираётган бўлса, ўроқ деб аталмиш асбобнинг сопидан мутлақо тутиб ҳам кўрмаган бўлса...

Тутқуннинг хўжайини: «Қара, ўрган!» деган маънода имо қилиб, уч-тўрт жўхори бошини поясидан кесиб кўрсатди. Кейин ўроқни асирияниң қўлига тутқазди-да, «Кутиб тур!» деган имони қилди. Тез-тез қадам ташлаб, уй томонга кетди, дарров орқасига қайтиб келди. Қўлидаги тахтадан ясалган нарсани Блоквилнинг ёнига қўйди.

— Бу нарсага замбил дейишади, — деб Эгамурод олиб келган асбобини қўли билан кўрсатди. — Замбил. Бунинг билан тупроқ, гўнг ташиса ҳам бўлади. Сен ҳозир бунга жўхорининг бошини соласан. Демак, бунга замбил дейилади, замбил.

— Замбил! — деди Блоквил ҳам оғабекнинг орқасидан бу сўзни маъюс такрорлаб.

Тутқуннинг сўзга тушунишини ўз ишининг меваси деб ўйлаган Эгамурод бундан хурсанд бўлиб жилмайди.

— Интилганга толе ёр деганларидаи, ўргатсак, туркманча ҳам гапириб кетасан шекилли.

Эгамурод олдинги йифган жўхори бошларини замбилга сола бошлади. Яна уч-тўрт бош йифиб нима қилиш лозимлигини кўрсатди.

Блоквил замбил олиб келинган заҳоти нима иш қилиш кераклигини фаҳмлаганди. У ўз оғабеги тахмин қилгандай бефаросат эмасди.

Тутқун жўхори бошларидаги бирорта донни ерга туширмаслик учун ҳаракат қилиб иш бошлаганини кўргач, Эгамурод хотиржам бўлиб уйига қайтди.

Пешин вақтидаги иссиқ ҳавода ҳаракат қилган асирини дим жўхоризор дарров терлата бошлади. Бунга эътибор бермай, у буюрилган ишни зўр иштиёқ билан бажаришга киришди. Жун ва тери

ҳидлари анқиб турган кулбада оёғи кундали ёки қўли боғлиқ ҳолда ўзи билан ўзи сўзлашиб ўтириш — жўхори бошларини йифишдан юз маротаба оғир-да.

Жўхори япроқларининг шағир-шагир тўқилиши асир дам олишга ўтирган пайтдагина тинди. Шу пайт унинг қулоғига:

— Эй, Оллоҳнинг бандаси! — деган ўша сеҳрли овоз эшитилди.

Блоквил овоз келган томонга қаради. Жўхоризорнинг ичида Оқморол унга қараб турарди. Фарангнинг тахминича, соҳибжамол қиз бу ерга бегона кўзлардан яшириниб келганга ўхшарди. Чунки у жўхоризорнинг поялари қалин жойда, кўзга зўрға кўринадиган жойда турарди.

Блоквил европаликларга хос тавозе ила:

— Сизни кўрганимга мен яна жуда хурсандман! — деди. — Сиз форс тилини қандай ўргандингиз? Ўзингиз туркман бўлсангиз...

Шу ёшгача бўлган умрида биринчи бор «сиз» деган сўзни эшитган Оқморолнинг қулоқларига асирнинг бу сўзлари майдай ёқди. Қиз дикқат билан қулоқ солар экан, фаранг йигит форс тилида сўзлашганда айрим сўзларни ҳақиқий форслар талафузидан ҳам фарқли тарзда ишлатишини сезди. Бироқ Оқморол бандининг форс тилида қандай гапиришини аниқлаш учун келмаганди, уни бошқа бир мақсад бу ерга олиб келганди.

— Мен сизнинг номингиз Оқморол эканлигини ҳам биламан.

Французнинг болаларча айтган ширин хабари Оқморолнинг ҳам кулгисини келтириб, ҳам юрак-юрагини тўлқинлантириб юборди.

— Мен ҳам сизнинг отингизни тўла ёдламаган бўлсам-да, Жорж эканлигинизни биламан...

Оқморолнинг бу жавоби ҳам фаранг йигитнинг сўзига ўхшаб ширин чиқди.

— Жорж десангиз бўлди...

Фаранг йигит шундай деганича, қизга тикилиб қарап экан, тўсатдан Оқморолнинг оқиши юзидан кўз узолмай қолди. Кейин қизни ҳангу манг қилиб:

— Сизнинг аҳволингиз... юзингиз нега бунаقا?

Бирор жойингиз оғрийдими? — деб сўради.

— Сиз нима, табибмисиз?

— Табиб эмасман, бироқ умрим давомида кўп китобларни ўқидим. Шифо тўғрисидаги асаллар билан ҳам танишман.

— Табибга бориб кўрганим йўқ, — деди қиз маъюсланиб, — аммо, жигарим оғриётганга ўхшайди.

Блоквил қўлини қизнинг ўнг тарафидаги қовурғасининг пастига қўйди.

— Ана шу жойингиз тикилиб, гоҳида оғир тош осилиб тургандай бўладими?

Баданидаги ҳолат тўғри топиб айтилгач, йигитнинг ҳаракатидан ҳайратланиб турган Оқморол хурсанд бўлиб кетди.

— Вақти-вақти билан шундай ҳам бўлади. Буни қандай билдингиз?

— Тушунарли. Давосини кейин айтаман! — деб француз унга бошини эгиб таъзим қилди.

Жўхоризор ичидаги яшириниб, тутқун билан сухбатлашиб туриш Оқморол учун ҳам ярашмаган ва хавфли бир иш эди. У енгига яшириб келтирган бир парча нонни Блоквилга узатаркан:

— Мен сизга нон олиб келдим... — деди.

— Мен оч эмасман. Раҳмат сизга!

Аммо, Блоквилнинг нонга очкўзларча қараганидан кўп нарсани англаш мумкин эди.

— Эрталабдан буён сизга ейиш учун нималар берилганидан мен хабардорман. Асиirlарнинг ҳаёти менга жуда таниш...

Буни эшитиб Блоқвилнинг кўзларида ҳайрат акс этди.

— Нима, сиз ҳам асирикда бўлганмисиз? — деб юборганини билмай қолди.

Жавоб ўрнига нонни замбил ичидаги жўхори бошларининг устига қўйган Оқморол уй томонга юрмай, бошқа томонга йўналди. Блоквил қизнинг ўзи билан сухбатлашиш истаги борлигини сезиб, унинг бу ҳаракатининг маъносига тушунди.

Оқморол билан бундай ёлғиз учрашув кейинчалик ҳам давом этавермаслигига кўзи етган фаранг йигит, ушбу фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

— Оқморол, менинг бир илтимосимни бажариб бера оласизми?

Тутқуннинг Оқморол ўрнига Оҳморол деб мурожаат қилганини эшитган соҳибжамол кулумсираб тўхтади.

Қизнинг тўхтаганидан кўнгли кўтарилган фаранг йигит юрагидагиларни тўкиб сола бошлади.

— Марвдан нарида, Топазлар деган қишлоқда менинг бир танишим бандиликда юрган бўлиши керак. Унинг исми Юсуфхон. Ўшанга хат олиб бориш керак... Бу ерда сиздан бошқаси менинг тилимга тушунмайдиям, раҳми ҳам келмайди. Юсуфхон. Алашаёп бўйидаги Топазлар қишлоғида.

Оқморол унинг сўзини эшитиб, «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демай, йўлига юриб кетди.

Блоквил унинг орқасидан умид билан қараб қолди. «Сукут аломати ризо» дейишади. Барча халқлар ичидаги шафқатларни ҳам, бешафқатларни ҳам, яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам учраркан.

Замбилнинг ёнбошига чўккалаган Блоквил Оқморол қўйиб кетган нонга қўл узатди. Нонни қўлига олган заҳоти яна қайтариб жойига қўйди. Ўзининг қўлларига қаради. Жўхорининг чанг-тўзони сингган ёриқ бармоқларига кўзи тушган фаранг, ўз ўтмишини эслай бошлади...

Ҳар гал овқатланишдан олдин илиқ сувда хушбўй ҳидли совун билан қўл юварди. Оппоқ сочиқларга қўл артарди. Ҳозир шуларни эслаб, қорайиб кетган мана шу бармоқлар ўзиники эканлигига ишонмай қолди...

Кўнғирга келганидан бўён маҳаллий аҳоли қиласиган хатти-ҳаракатларни синчилаб қараб, кузатиб юрган тутқун, бу ерда совуннинг нима эканлигини билишмаса керак, деган холосага келди. Улар эрталаб ўринларидан туриб «қумғон» дейилган идишдан қўлларига чала-чулпа сув қуишиб, юзини ҳўлладилар ва шу билан ўзларини ювинган деб ҳисоблашади. Кеча оғабекнинг аёли Аннабиби кир ювди. Блоквил кулбада ўтирганича унинг ишини диққат билан кузатди. Катта қозонга ташланган қизғиш ўсимлик уни ҳайратлантириди. Ўша ўт совун ўрнига ишлатилса керак. Балки у совундан ҳам яхши бўлиши мумкин. Аслида чорвачилик билан машғул бўлган одамларнинг билмаган ҳунари кам деса бўлади.

Айниска фарангни лол қолдирган нарса – қизғиш, ёввойи ҳолда ўсган ўтнинг кир кийимларни бинойидек тозалагани бўлди.

Қўлларини бир-бирига уриб, бармоқлари орасини пулфаб тозалаган Блоквил ўзича мийифида кулиб қўйди.

– Мана, қўлингни ҳам яхшилаб ювдинг, жаноб капрал! Энди сенга аслзода одамлар учун маҳсус тайёрланган овқатларни беришади! Марҳамат қилсинлар, жаноб!

У ўз устидан кулар экан, бирданига Оқморол эсига тушди. Яна фақат у ҳақида хаёл сура бошлади... У сенинг оч эканлигиндан ҳам хабардор экан-а?! Агар имконияти топилса, у сенга шириндан-ширин овқатлар келтиришдан ҳам қайтмасди. Аммо, уларнинг ўзлари ейдиган таомлари ҳам...

Дарҳақиқат, олдинлари ҳам озиқ-овқатлари мўл-кўл бўлмаган туркманларнинг устига душман хужум қилиши билан уларнинг аҳволлари янада оғирлашган бўлиши аниқ. Бу ерда ейилган-ичилган нарсаларни европаликлар тушунчасидагидай озиқ-овқат деб ҳам бўлмасди. Барча егуликлар, ҳатто, куруқ қотган манави нон ҳам қаҳат. Фаранг йигит бу

аҳволдан хабардор. Ўзлари шу зайлда яшашар экан, бирорвга бир парча нон топиб бериш ҳам улкан иззат-хурмат ҳисобланади! «Балки Оқморол бу нонни ўзи емай, менга олиб келгандир?!» Ана шундай хаёллар билан бошқатдан қўлга олинган нон бўлаги энди таңқис таом бўлиб кўрина бошлади. Оппоқ буғдойдан тандирда пиширилган ноннинг хушбўй ҳиди оғизнинг сувини келтириб, иштаҳани уйғотиб юборар экан. Нонни ҳузур қилиб еган йигит, яна «мени деб Оқморол оч қолгандир?» деб хаёл қилди. Ҳам ўша хаёллар сабаб бўлиб, ҳам чанг-тўзонли жўхоризор ичидан нон еб ўтиришидан ўзи жуда ҳам уялиб кетди. У ҳозир ўзини етим боланинг рисқини ўғирлаб еб ўтирган одамга қиёс қилди.

Фаранглик охирги бўлак нонни оғзига соганида, осмондан тушгандай кутилмагандан Эгамурод пайдо бўлди. У гарчи ўт-чўплар устидан юриб келган бўлса, тутқун ўзининг устига Эгамурод оёқ товушини эшиттирмай қандай келиб қолганига ақли етмай қолди.

Эгамурод бандининг ёнида кўп турмай, орқасига қайтди. У то уйига етгунча оёқ товуши Блоквилга эшитилиб турди. «Келганида эшитилмаган оёқ товуши, кетганида нима учун эшитилди экан-а?..»

Кўп вақт ўтмай қора уй томондан аллакимларнинг гаплашгани, савол-жавоб овозлари эшитила бошлади. Эгамуроднинг аёли ташқарига чиқди. Эгамурод унга бир нималар деди. Жўхоризорга қараб гапирган хотини эрига қаттиқ-қаттиқ жавоб берди. Бир жойдан Оқморол пайдо бўлди. Эгамурод унга ҳам бир нарсаларни айтди. Оқморолнинг овози пастроқ чиқди. Эгамурод унга бармогини ўқталди. Кейин жўхоризор томонга қўлини силтади. Сўнгра яна Оқморолга қаради.

Блоквил қора уй олдидаги уч одам ўртасида бўлиб ўтган бу хил тушунарсиз сўзлашувдан ўзича маъно чиқарди. Тутқуннинг нон еганини фаҳмлаган Эгамурод уйга боргач, «Сен асирга нон

олиб бордингми?» деб сўраган хотинидан. Аннабиби бундай иш қилмаганини айтган. «Унда ким унга нон берган?» дегач, савол-жавобларнинг йўналиши Оқморол томонга кўчган. Бўлиб ўтган воқеанинг шу жойигача қилган тахминининг ҳақиқатга мос келишини фаранг банди фаҳмлади. Лекин Оқморолнинг нима деб жавоб берганини тахмин қилолмади. Соҳибжамол қиз: «Асирга нонни мен элтдим», деб изига қайтдими ёки қилган ишини бўйнига олмай Эгамурод билан тортишдимикан?

Оқморол қандай жавоб қайтарган бўлмасин, кафтдай нон туфайли аёлларнинг таъна эшишила-рига сабабчи бўлгани учун Блоквил ўзини гуноҳкор деб ҳис қилди. У бошини кўйлаги ичига яширмоқчи бўлиб, букчайиб ўтирар экан, ўзининг айби булар назарида қанчалик катта эканлигини ҳисоблаб кўрди, қилган ишидан уялди. Эҳ, аттанг, ўзи сабабчи бўлган ишнинг бунчалик кескин тус олишини билганида, очдан ўлса ўлардики, нонга ҳеч қачон қўлини узатмасди.

Блоквил яна ишга ёпиши. Бир парча нон учун ёки асири ҳақиқий тутқун хукмида тутиш мақсадида юзага келган воқеа тўғрисида ўйлана-ўйлана, бундан буён қандай ҳаракат қилмоғи кераклигини ҳам ўйлаб чиқди. Ҳатто, у салгина бўлса-да, ўроқ қўлини кесганини, чап қўли бармоқлари орасига қон сизиб чиққандан кейингина фаҳмлади. Қон оқса-да, оғриғи сезилмади. Уят, ўй-фикр, ташвиш тана жароҳатидан устун келганди. Унинг фикру зикри – иш тугагач, кулбасига боргандан сўнг рўй берадиган воқеалар ҳақида эди. Блоквил уйга боради. Қора уйдан чиққан оғабек хотини ва Оқморолни чақириб, банди билан юзлаштиради. Эркак томонидан қийин-қистовга олинган Оқморол қилган хатосини бўйнига олади. Эгамурод унинг устига бостириб бориб дўқ ура бошлайди. Демак оғабек, ҳатто, уят сўкишларни айтиши ҳам муқаррар. Оқморол асирга сирли қарайди. Блоквил ўзи туфайли гуноҳкор бўлган

соҳибжамолнинг шаҳло кўзларидағи илтижоларни кўради. Уят, пушаймон гирдоби тагида қолган Блоквил шу дамда, ҳатто, ўлимга ҳам рози...

Аммо шомда асири эшик олдида кутиб олган Эгамурод осойишта кўринди. Унинг юз-кўзида ҳам дарғазаблик ёки айблов пайдо бўлмади. У хотинини ҳам, соҳибжамол қизни ҳам банди билан юзлаштиришга чақирмади. Бироқ эски муносабат яна қайтарилиди — асири кулбага кирганда, оёғига яна кунда солинди, қамоқхона деразасига менгзаш кўндаланг юлғун хода боғланган эшик орқасига оғир тўйнка тираб қўйилди. Кулбанинг бир бурчагини тўлдириб турган оқиши-сарғиши ошқовоқлар яна фаранг асирининг ҳамхоналарига айланди.

Блоквил шунга ҳам шукур қилди. У ўзи туфайли бошқа одамлар, айниқса, аёл киши хафа қилинишини мутглақо истамасди...

## 38

Кулбанинг заҳ ҳиди келиб турган димиқ ҳавосидан ойлар давомида бир зайлда нафас олиб келган банди бечора ўзининг соғ ҳавога чиқарилишини бебаҳо баҳт санайди, албатта. Бугунги воқеа оқибатининг жанжалсиз хотиматопиши ҳам Блоквилнинг кўнглига тасалли берди. Хонадаги эски сомоннинг ачимтири ҳиди кулбадаги ҳавога аралашиб бехузур қилса-да, кунда оёғини сиқиб оғриқ берса-да, фаранг буларнинг барини эсидан чиқариб, тунда мириқиб ухлади. Эрта ётиб қолган эди, эрта уйғонди. Қизиқ, авваллари уйғонган заҳоти дарров асирилиги эсига тушиб ўқинарди. Бу сафар нима учундир бундай бўлмади. Қайтанга кўзини очганидан ўз юртини эсга солиб турадиган иш асбобларига назари тушди. Узоқ ўлкалар оша олиб келган дафтарлари, суратхарита чизадиган асбоб-ускуналари унинг кўзига бугун ниҳоятда иссиқ кўринди. Тутқун Париждаги чиройли мушугининг орқасини меҳр билан силаган каби, дафтар-қофозларини силаб қўйди.

Ҳали офтоб чиқмасдан туриб, Эгамуроднинг хотини қудуқдан сув торта бошлади. Блоквил Қўнғир қишлоғига кириб келган заҳоти, илк бор кўзи ана шу қудуқقا тушган эди. Худди кулбасига ёнма-ён қилиб қазилган қудуқнинг бир қулоч чамаси баландликдаги чеккалари юлғун ходаларидан усталик билан бир-бирига тегизиб чиройли тарзда четанланган, бу ишни қўли гул бир уста бажаргани шундан ҳам сезилиб турарди.

Блоквил Эронга келганидан бери Хурросон йўллари атрофида, туркман тупроғида кўп қудуқларни кўрган. Ҳатто, у бу қудуқларни диққат билан кўздан кечирган, бир нечтасининг суратини ҳам чизганди. Чуқурлиги қирқ қулоч узунликдаги серсув қудуқларни ҳам текшириб чиқкан эди.

Блоквил сурат чизишни тугатиб, қалам-қофозини бир ёнбошга қўйганида, қора уйдан чиқкан Эгамурод қўнғир кулба томонга кела бошлади. Бошида силкма телпак, яп-янги тўнининг устидан белбоғ боғлаган оғабек ҳозир кечагидан кўра жуда хушбичим кўринарди. У эшикни тираб турган тўнкани бир чеккага олиб, ичкарилади. Фаранг асири уни кўриши билан:

- Ассалому алайкум, оғабек! — деди.
- Ваалайкум ассалом! — Эгамурод жилмайди. — Тез орада туркманча ҳам гапирадиганга ўхшайсан!

Блоквил унинг «Ваалайкум ассалом»идан бошқа айтганларига тушунмади. Бироқ, Хонўтгандан келгандаридан бери хўжайинининг астойдил жилмайганига мана бугун гувоҳ бўлди.

Эгамурод айланиб кулбанинг орқа томонига ўтди. Кўп ўтмай Блоквил унинг отга миниб қаёққадир кетаётганига кўзи тушди.

Жорж Блоквил, қисматнинг пешонага ёзганига тан бериб, қўл қовуштириб ўтираслик керак деб ўйлади. Агар ҳаракат қилмаса, асирилик даврининг муддати Қўнғир қишлоғида ўта чўзилиб кетиши мумкин. У ҳеч бўлмаганда ўзининг тутқунликдали-

гини ва қаерда эканлиги тўғрисидаги хабарни дўст-ёларига, қариндош-туқсанларига етказишнинг иложини қилиши керак! Бўлмаса, асирик ҳадсиз узайиб, шу сахро ичидаги умрбод қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Қожорларнинг ҳам фақат ўз ғамларини ейишдан бошқа ташвиши йўқлиги аён бўлиб қолди. Албатта, у Хуросон ҳокимлиги ва Насриддиншоҳ девонининг дабдабали мухри босилган ваъдали қофозига ҳам ишонарди. Бироқ воқеаларнинг олга босмаётганлиги уни қийнар, ташвишга соларди. Мабодо ўзининг асири тушганлиги ҳақидаги хабар Парижга етказилса, зудлик билан Наполеонга<sup>1</sup> маълум қилинишини ҳам биларди.

Ҳар ҳолда, дворян оиласига мансублиги сабабли, императорнинг ўзи уни қутқариш борасида ҳаракат қилишига ишончи комил эди. Шу фикр қувват бўлди-ю, фаранг асири яна қофоз-қаламга ёпишиди.

«Мұхтарам Юсуфхон! Ушбу мактубни ўқиб, Сиз ҳайрён қолишингиз ҳам мумкин. Аммо ҳозирги ҳолатим мени бу тупроқда ўзимга энг яқин ва умид қилган, ишонган одамим сифатида Сизга мурожаат қилишга мажбур этмоқда. Шароитнинг қандайлигини эса Сизга айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ўзингиз ҳам бугунги кунда жаннат тўрида яшамаётганингиз маълум. Техронда тузилган шартномага мувофиқ, мен туркманлар қўлига асири тушиб қолганим тақдирда, Франция давлатининг фуқароси бўлганим учун Эрон ҳукумати менинг озод қилинишим ташвишини бўйнига олиши лозим. Аммо, бугунги кунгача менинг ҳолимдан ҳеч кимса хабар олмаяпти. Агар, Сиз муҳтарам Юсуфхон, ўз юрtingизга соғ-омон қайтиб борсангиз (шундай бўлишини Яратгандан ўтиниб сўрайман), тузилган шартнома ҳақида, менинг Марв вилояти, Кўнгир қишлоғидаги Эгамурод оғабек ҳовлисида асириклида

<sup>1</sup> Наполеон III, Луи Наполеон Бонапарт (1808–1873), 1852–1870 йилларда Франция императори. Наполеон Бонапартнинг яқин қариндоши (муаллиф изохи).

тутиб турилганимни Эрон ҳукумати масъулларига хабар беришингизни ёки шу хат мазмуни билан Франциянинг Техрондаги элчисига шахсан ўзингиз хабар беришингизни Сиздан ўтиниб сўрайман. Ушбу хат сабаб бўлиб, менинг эркинликка чиқишим тўғрисидаги хабар тезроқ етиб келса, камина Сиздан бир умр миннатдор бўлардим. Менда ушбу хатдан бўлак нарсага умид боғлашга ҳеч қандай асос йўқлигини тушунишингизни сўрайман.

Франция армияси капрали Жорж Анри Гулибеф де Блоквил. Марв вилояти, Кўнғир қишлоғи. 1860 йил».

Блоквил хатни тўрт буқлаб, эшик ёнида думалаб ётган қовоқлар орасига яшириб қўйди.

Кулба билан қора уй ораси ўн беш-йигирма қадамдан узоқ эмас. Шу икки уй оралиғи Блоквил учун кузатиб вақт ўтказадиган майдонча эди, гёё. Болалар бу қора уйдан югуриб чиқиб бошқасига кирсалар ҳам, майдончада бир-бирларини қувлаб ўйнасалар ҳам, фаранг тутқун майдончадаги барча ҳаракатларни диққат билан кузатиб ўтиради. Бошқа илож ҳам йўқ.

Туркман болаларининг ўзаро гап отишлари, ўйинқароқлиги ҳам француз болалариникига менгзар экан. Биргина тафовут — ёш-ялангнинг Париждаги тенгдошлиридай озода кийинмаганлигига. Уларнинг ўйнаб, кетма-кет сакрашлари, қий-чув кўтариб баҳслашишлари ҳам Блоквилга ўз юртини эслатди.

Ана, қўшни уйдан Муҳаммад полvon ташқарига чиқди. Унинг кўриниши, ўзини тутиши олдингидай вазмин. Бонида уни ниҳоятда басавлат кўрсатадиган катта силкма телпак, елкада тўн. Блоквил девқомат бу кишининг қора уйдан чиқсан заҳоти йўталиб қўйишининг сабабини ҳам фаҳмлайди. Оқсоқол йўталгандা, қўшни уйлардаги аёлларнинг ҳам ўзаро фийбатлари ниҳоя топгандай шартта тўхтайди. Бироқ, фаранг тутқун бу аёлларнинг оғизларини рўмол билан бекитиб ёки рўмол учини тишлаб юриш-

ларининг маъносига тушунолмади. Яна, шу атрофда кўринган ёки қудуқقا сув учун келган аёлларнинг барчаси оғзи рўмолли бўлса-да, аммо Оқморол бундан мустасно эди. У оғзига рўмол ўрамасди. Бунинг сабаби ҳам фарангга номаълум. Муҳаммадаваз полвон ташқарига чиқса, Оқморолдан ўзга ҳамма аёллар дарров рўмолчанинг учини тишлашар экан. Оқморол эса бу оқсоқол билан ҳам bemalol туриб суҳбатлашаверади. Блоквил бу тартиб-коидаларнинг сирини билишни истайди.

Муҳаммадаваз полвон Эгамуроднинг эшиги ёнида туриб яна сунъий йўталиб олди-да, ичкарига қараб алланималар деди.

Кейин изига қайтиб, уйига кириб кетди.

Уйдан Аннабиби чиқди. Унинг қўлида ёғоч кося бор эди.

Аёл ўзи ўтирган кулбага томон келаётганини кўрган фаранг асир оқсоқол ёшуллининг айтган гаплари маъносини сал фаҳмлагандай бўлди. Оғабек тутқуннинг томоғидан егулик нарса ўтиб туришини эсидан чиқарган бўлса-да, бу ёшулли ёдидан чиқармабди, шунисига ҳам шукур.

Эгамуроднинг аёли келтирган косасини кулбанинг ичкарисига, асирга яқин жойга қўйди. Унинг ичида уч-тўртта қайнатилган қовоқ билан бир бурда нон бор эди. Бу — асирга аталган нонушта.

Аннабиби изига айланганида, Блоквил:

— Опа! — деди оҳиста. Бу сўз фарангнинг аёлларга мурожаат қилганида ишлатадиган калимаси эди.

Эгамуроднинг хотини тўхтади. Блоквил унга туркманчалаб айтишга сўз тополмай, қўлларини уқалади, сёғига ишора этди. У шу билан: «Оёғимни бўшатинг! Кўлимни ювишга сув беринг!» — деган маънони тушунтироқчи бўлди.

Бироқ Аннабиби унинг нима демоқчи эканини фаҳмламади, қўлларини икки томонга кериб, «тушунмадим» деган бўлди-да, уй томонга юрди. Кўп ўтмай, Аннабиби Оқморолни эргаштириб келди.

Блоквил қизга бошини эгиб салом берди-да:

— Агар қўлимни ювиш, оғзимни чайқашга сув бермасалар, оёғимдаги кундани ечмасалар, олиб келган овқатини емайман, — деди.

Шундан сўнг яна таъсирироқ бўлсин деган умидда, эшик олдида турган иккита туркман заифасининг нозик туйғуларини чертиб кўриш мақсадида:

— Мен таомдан юз ўгириб, оч-наҳор ўтирсам, Яратган эгамнинг ҳузурида сизлар гуноҳкор бўласиз! — деди.

Оқморол асирнинг айтганларини Аннабиига тушунтириди. Аннаби бошини чайқаб:

— Эгамурод оғанг уйда йўқ экан, мен унинг оёғидаги кундага яқинлаша олмайман, сингилжон, — деди хавотирда.

Блоквил эса иккита заифа маслаҳатлашгунча ўзининг норози эканлигини намоён қилиб, бошини куйи солди-да, миқ этмай ўтираверди.

Аннаби Муҳаммадаваз полvonнинг уйига қараб кетди. У сал узоқлашган заҳоти қулай фурсатдан фойдаланмоқчи бўлган Блоквил тез-тез гапира бошлади:

— Менинг кечаги илтимосим эсингиздами, Оҳморол? Мен, мана, ўша мактубни ёздим. Кўрқмасангиз ҳам бўлади, хатда ҳеч қандай хавфли хабар йўқ. Мен факат ўзимнинг тутқунликдан озод бўлишим учун ёрдам кўрсатилишини сўрадим. Сиз ушбу хатнинг Топазлар қишлоғидаги Юсуфхонга етказилишига ёрдам берсангиз, Оллоҳнинг омадсиз бандасига катта ёрдам берган бўлардингиз. Сизни худо паноҳида асрасин, илоҳим!

Оқморол орқасига ўгирилди. Янгаси Муҳаммадаваз полvonнинг ўтовига етай деб қолган эди. Соҳибжамол қизнинг ниятини англаган Блоквил ўтирган жойидан тез кўтарилди. Хатни яшириб кўйган жойидан олди ва қизга узатди.

Хатни кўйлагининг узун енги ичига яширган Оқморол:

— Билиб қолишиша, менинг бошимга қанақа балолар ёғилишини фаҳмлайсизми? — деб сўради.

— Тушунаман, Оҳморол, тушунаман. Бироқ шуни билингки, менинг сиздан бошқа суяничим йўқ. Тутқунга раҳм-шафқат қилсангиз, сизни Яратган эгам ўз паноҳида асрайди...

Кулбанинг оғзида Муҳаммадаваз полвон пайдо бўлди. Аннабиби эса уйидан сув тўла қумғон ва кунданинг калитини олиб келди.

Қилган ҳаракатнинг натижа берганига ишонч ҳосил қилган Блоквил ёшулига салом берди-да:

— Сизлар ёқимсиз ҳидга тўла бу кулбада кимни тутиб турганларингизни биласизларми, оғабек? — деди. — Бунақа чайлада мен ўзимнинг този итимни ҳам сақламаган бўлардим. Бундай жойда инсонни тутиб турганларингиз учун Оллоҳ олдида жавоб берасиз ҳали, оғабек! — деб таъналарини ёғдирди.

Асиринг сўzlари ваҳимали жаранлаган бўлсада, Муҳаммадаваз полвонга бу чивин чаққанчалик таъсир этмади. Бир дона туки ҳам қимирламаган ёшули Оқморолга деди:

— Мен бунинг айтган сўzlарига чала-чулпа тушундим. Нима демоқчи бўлганини фаҳмладим. Бироқ, сен унга аниқ тушунарли қилиб айт. Кўнглига олмасин. Насриддиннинг тўп судраб келган навкарларидан қўрқмаган така оёғи кундалангандан тутқундан мутлақо чўчимайди, дегин. Ўз юртида шаҳзода бўлган экан, биз унга ишонамиз. Лекин у ҳозир бизнинг юртимизда тутқун эканлигига ҳам ишонсин. Яна бир нарсани айт! Бугунги кунда биз яшаётган шароит ҳам тутқунларнидан унча катта фарқ қилмайди.

Муҳаммадаваз полвоннинг сўzlари тутқунга тушунирилди. Айтилган гапларнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилган Блоквил «рост» дегандай жилмайиб қўйди.

Бу табассум энди иккала томонга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Асири то Эгамурод қайтиб

келмагунча кулбадан чиқмасликка кўндиришди. Унинг учун кенг дунёни яна тор кулбадан кузатишдан бошқа юмуш қолмаган эди. Кулба эшигидан кўрингани — учта қора ўтов, қудук, ўчоқ ва ичига сузма солинган тери осиғлиқ дарахт шохлари, холос...

Қора уйлар орасида аёллар у уйдан чиқиб унисига, бунисидан чиқиб бошқасига кириб кетишар, ғам-ташвишдан бегона кичкинтойлар у ёқдан-бу ёққа ёғоч от чоптиришиб ўйнардилар.

Фаранг асир куннинг анча қисмини назари тушадиган жойларга қараб ўтказди. Пешинга яқин асирнинг кўз ўнгидаги ўзгармас манзарага янгилик киргандай бўлди. Ўттиз ёшлар чамаси бир аёл беш-олти ёшлардаги ўғил боланинг, етти-саккиз ёшлардаги қизалоқнинг қўлидан тутиб, Эгамурод қўнфириларниг ҳовлисига келди.

Блоквилнинг диққатини ўзига жалб қилган нарса қизалоқнинг безакли дўпписи устидаги товуқ ёки қушнинг патлари бўлди. Оппоқ қуш патлари нозик-ниҳол қизалоқнинг бўйини жуда узун қилиб кўрсатмоқда эди. Тутқун патларни товуқ қанотидан юлиб олинган бўлса керак, деб тахмин қилди. Асир кейин болачага эътибор берди. Ўфилча шу атрофдаги болаларга нисбатан чиройли, озода кийинганди. Блоквилнинг қизиқишини уйғотган нарса болачанинг кийган орқаси безакли нимчаси бўлди. Унинг кийган бош кийими ҳам ўзига лойик қилиб тикилган эди.

Аннабиби уйидан чиқди-да, меҳмон аёл билан елкаларига қўл тегизиб омонлашди, болакайнинг орқасини сийпалаб қўйди. Кейин Оқморол пайдо бўлди. У ҳам Эгамуроднинг аёли қилган ҳаракатларни такрорлади.

Келган аёл қўлидаги тугунчани Аннабибига тутқазди. Шундан кейин аёллар уйга кириб кетишиди. Қизалоқ билан болача ташқарида қолди. Ўйнаб юрган болалар дарҳол уларнинг атрофини ўраб олишиди.

Шу тарзда Блоквил кузатиб ўтирган зерикарли олам шовқин-суронга тўлди.

Кўп вақт ўтмай уй бекаси идиш-товоқларни кўтариб, ўчоқ бошига келди. Тутқун, энди унинг меҳмон учун таом тайёrlаши кераклигини тушунди. Меҳмон аёл билан Оқморол ҳам, Аннабибини ёлғиз қолдирмаслик мақсадида бўлса керак, ўчоқ бошига келишиди. Уч нафар аёл уч томондан овқат пишириш учун қуймаланиб, ўзаро сухбат бошладилар. Улар лаблари лабларига тегмай, навбатма-навбат, баъзан бир-биридан олдинроқ сўзлашга ҳаракат қилиб сухбатлашарди. Эгамуроднинг хотини ўз сўзларининг залворлилигини тушунтириш учунми, ёкқа пишиб, қорайиб кетган ёғоч чўмични силкитиб-силкитиб ҳам кўярди.

Блоквил аёлларнинг ҳаракатига ҳавас билан тикилди. Кулбанинг ичида ўтириб ўзларини диққат билан кузатаётган бегона бир эркак ҳам бор, деган ўй-хаёлга бормаган аёлларнинг оғизлари бир зум тинмасди. Улар теварак-атрофга буткул бефарқ эди. Уларнинг бу хил хатти-ҳаракатлари тутқуннинг кулгисини келтирди. «Фийбатга киришган вақтда барча миллат аёллари бир-бирларига ўхшар эканларда! — деб бошини чайқаб қўйди фаранг. — Фақат тиллари бошқа-бошқа демасанг, қилган ҳаракатлари ҳам, бир-бирларига навбат бермай тез-тез сўзлашишлари ҳам бир хил...»

Эгамуроднинг ҳовлисидағи қудуқнинг юлғун дарахтидан ясалган тепа қисми фақат фаранг тутқуннингина қизиқтирган экан. Меҳмонга келган болакай ҳам унга эътибор берди. У тўрт-беш нафар бўлиб, ўзларича ўйнаб ўтирган болалардан ажralиб чиқди-да, қудуқнинг бошига келди. Блоквил болакайнинима қизиқтириб қўйганини билди — бола қудуқнинг ичига қарамоқчи.

Болакай нимчасидаги тумор, туморга майда занжирлар билан боғланган тангачалар осилиб

турганлиги Блоквилга аниқ кўринди. Бола ҳар бир қимирлаганида тангачалар жиринг-жиринг овоз чиқаради.

Болакай аввалига юлғун дарахти ходаларидан чиройли қилиб ясалган қудук бошини қўли билан силади. Атрофини айланди, кейин бўйини чўзиб қудук ичига қарамоқчи бўлди. Болаларга хос қизиқувчанлик унда қудуқнинг тагигача қарашга ҳавас уйғотган эди. У энди юлғун асоснинг устига чиқишига ҳаракат қиласди.

Шунда Блоквилни хавотир чулғаб олди. Ҳозир кутилмаган бир воқеа юз берадигандай эди. Болакайнинг ҳар бир қилаётган ҳаракатлари гўё ана шу хавф-хатарнинг яқинлашаётганлигидан дарак берарди...

Юлғун дарахти ходаларидан қилинган қудук бошига чиқсан болакай қудуқнинг тубига қарамоқчи бўлди. Ана... Шу пайт тутқун хавфсираётган ҳодиса рўй берди – боланинг қўркув аралаш чинқириғига ўчоқ бошидаги аёлларнинг уввос солган қичқириқлари қўшилиб кетди...

Аёллар ҳам, ўйнаб юрган болалар ҳам жон ҳолатда қудук бошига қараб югуришди. Бироқ, қудуққа йиқилиб тушган болага ёрдам бериш учун уларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмасди. Улар фақат шовқин-сурон кўтаришарди, холос.

Кулбадан отилиб чиқсан Блоквил ҳам бир зумда қудуқнинг бошида пайдо бўлди. У олдида турганларни қўли билан бир чеккага суриб-итариб, қудуқнинг сув тортадиган ипига қўл узатди. Атрофдагиларнинг бакир-чақири, шовқин-сурони кучайгандан-кучайганди. Юзи оппоқ оқариб кетган меҳмон аёл Оқморолга суюниб беҳуш йиқилиб қолганди. Муҳаммадаваз полвон ҳам уйдан отилиб чиқди. Унинг одатдаги йўталини ҳозир ҳеч ким эшитмади. Аёлларнинг шовқин-сурони эса босилай демасди. Гап нимадалигини энди фаҳмлаган қария ҳам қудук бошига қараб югорди.

Барча воқеа-ҳодиса қандай бошланган бўлса, шундай тезлиқда тугади. Кекса бўлса ҳам Муҳаммадаваз полвоннинг кучли қўллари аёлларнинг ёрдами билан қудук ичидан Блоквилини тортиб олди. Блоквил болани қўлтиғига маҳкам қисиб олган эди.

Уст-боши шалаббо бўлган тутқун қудуқдан чиққандан кейин ҳам ўзини йўқотмади. У боланинг икки оёғидан тепага кўтарди. Гўдакнинг оғзи-бурнидан сув шариллаб тўкилди.

Боланинг қудуқдан омон чиққанини кўрган аёл унга томон интилди. Бироқ, Блоквил онани бола ёнига яқинлаштиrmади. У ўз тилида нималарни дир айтиб аёлга бақирди. Кейин болакайни ерга ётқизиб, кўкрагини қўллари билан боса бошлади. Атрофдагилар унинг нима учун бундай қилаётганининг маъносига тушуниб-тушунмай турардилар. Кўзларини илкис очган болакай қўрққанидан қаттиқ йиғлаб юборди. Блоквил шундан кейингина жилмайиб ўрнидан турди.

Меҳмон аёл боласини шартта кўтариб бағрига босди.

— Худойим сени менга яна қайтариб берди! Ўзингга шукур! — деб меҳмон аёл хўрлиги келиб ростакамига ҳиқиллаб йиғлай бошлади.

Муҳаммадаваз полвон эса аллақачон кулбаси томон етиб борган тутқуннинг орқасидан қараб қичқирди:

— Сен катта иш бажардинг, ота ўғил! Агар сен бўлмаганингда, бошимизга ёмон мусибат тушарди...

Елкасидаги тўни йўқлигини энди сезган ёшулли, фаранг тутқуннинг жасурлигидан мамнун ҳолда қора уйига кириб кетди. Яна қайтиб чиқди. У қўлидаги қимматбаҳо зарҳал тўнни авайлаб кўтарганича, тутқуннинг устига ёпиш учун у кириб кетган кулба томон интилди.

Асиrlар тақсим қилинганида Эгамурод қўнғирнинг омади келганини бутун қишлоқ аҳли гапиргани, у энди фаранг асирга эга бўлгани бутун қишлоқда дув-дув гап бўлди. Бу сўз-суҳбатлар катталашиб, шиширилиб, фаранг асиrnинг орқасида катта бойлик борлиги, тутқуннинг баҳосини кўтаришни эплай олса, Эгамуроднинг ҳаддан ташқари бойиб кетиши мумкинлиги тўғрисида комил ишонч билан гапирадиганлар ҳам пайдо бўлди. Блоквилнинг меҳмонга келган болани ажалнинг оғзидан олиб қолиши эса олдинги шов-шувли сўзларга ишонмаганларни ҳам инонишга мажбур этди.

Бундан ташқари, Фарангистондан Марвга келган, Эгамурод қўнғирнинг улушига айланган бандини кўришга ҳаваси борлар сони ҳам кундан-кунга кўпаймоқда эди. Аҳвол шу даражага етдики, нархи қанча баланд бўлмасин, ҳомийлари чиқадими-чиқмайдими, эндиликда фаранг асиrnи Эгамуроддан ўғирлаб, бошқаларга сотишни мўлжаллаётган одамларнинг борлиги ҳақида ҳам мишмишлар тарқалди. Бу миш-мишлар Эгамуроднинг ҳам қулоғига етди. Шу сабабли ҳам Блоквилнинг оёғи яна кундаланди. Тарқалаётган таъриф ва мақтovлар тутқун бечоранинг аҳволини баттар қийинлаштиrmоқда эди.

Энди кундуз кунлари ҳам Блоквил ёруғ оlamни деярли кўрмайдиган бўлди, ҳисоб. Унинг энг узоқ юрадиган йўли ҳожатхонагача қилиб белгиланган эди. У вақтда ҳам гоҳ Эгамуроднинг ўзи, гоҳ хотини, бола-чақаларидан биттаси тутқуннинг кулбасига қайтиб келгунча сергаклик билан пойлоқчилик қиласди. Кейинги пайтларда туннинг бир маҳалида Эгамурод уйидан чиқиб, асиr ётган қулба атрофини эҳтиётлик билан текшириб кетишини ҳам Блоквил пайқаб қолди.

Бир куни пешин маҳали Эгамуроднинг ўзи уйда йўқ вақтида уларникига яна меҳмон келди. Отини боғлаб уйга кирган, қирқ ёшлар атрофидаги силкма телпакли бу одамнинг қўлтиғида каттагина тугунча ҳам бор эди.

Меҳмон ичкарида кўп бўлмай, Эгамуроднинг хотини билан ташқарига чиқди. Улар тўғри кулба томон кела бошлишди. Меҳмоннинг белбоғига тўппонча осиғлиқ эди. Уруш тамом бўлганидан кўп вақт ўтганига қарамай, эҳтиёткорликни эсдан чиқармаган туркманларнинг кўпчилиги ҳанузгача қурол билан юришарди. Блоквил бундан хабардор бўлса-да, тўппончали одамнинг ўзи томон келаётганига кўзи тушгач, кўнглига бироз саросима оралади.

Бироқ, келган туркман кулба эшигига етгунча, Блоквил унинг ёмон ниятли киши эмаслигига кўзи етди.

Келган киши ёқимли жилмайиш билан асирга қаради-да:

— Ассалому алайкум, эй тангри бандаси! — деди.

Ташвиш юқидан халос бўлган тутқун ҳам:

— Ваалайкум ассалом, оғабек! — деди-да, келган кишининг табассумига кулумсираш билан жавоб қайтарди.

Тўппончали туркман гўё унинг айтганларига асири кам-кўстсиз тушунади деб ўйладими, жиддий қўринишга кириб сўзлай бошлади.

— Яратган эгам, «Бандам бандамга сабабчи бўлади» деган экан, эй тангри бандаси. Сен қилган яхшиликни биз охиратгача эсимиздан чиқармаймиз. Агар мен элнинг хони бўлганимда эди, сени тутқунликдан озод ҳам қиласдим. Агар мен қудратли бой бўлсан эди, сенинг ҳақингни тўлаб, юрtingга жўнатардим. Минг афсуски, мен ҳам сенингдай оддий бир фуқароман. Сендан ортиқча жойим — менинг тутқун эмаслигим, холос. Яхшилигинг учун сен бизнинг чин юракдан атаган совфамизни қабул қиласин. Оз бўлса ҳам кўп ўрнида қўргин, эй тангри бандаси.

Блоквил унинг мулойим сўзларига бош эгиб миннатдорчилик билдириди.

Тўппончали одам гапириб бўлгач, қўлтифидаги тугунни очди. Тугунчадан силкма телпак, қўлда чиройли қилиб тикилган тўн ва бир жуфт бежирим идиш чиқди. Бу нарсаларнинг барчаси олдига қўйилгач, Блоквил уларнинг совға эканлигига тушуни. У яна бошини эгиб, жилмайганча миннатдорчилик билдириди-да:

— Ташаккур, оғабек, соғ бўлинг! — деди.

Жавобдан кўнгли хуш бўлган у одам:

— Илойим ёмонлик юзини қўрмагин! — деб орқасига қайтди, қудуқнинг ёнига борди. Эгамуроднинг хотинига бир нарсалар деди. Кейин бошини эгиб, қудуқнинг тубига қаради, афсус қилиб, бошини чайқади. Сўнгра кулба томон яна бир бор табассум билан қаради. Бу туркманнинг ўзига нисбатан меҳрли назарини туйган фаранг асир уни қудуқа йиқилган боланинг отаси ёки яқин қариндоши бўлса керак, деган холосага келди...

Эгамурод кўнғир ҳовлисидағидай чучук сувли қудуқ қишлоқда деярли йўқ эди. Бу қудуқдан кўп оиласлар сув олиб кетишарди. Кулбанинг ичида ташқарига қараб ўтирган Блоквил бошқа ташвиши бўлмагач, сувга келганларнинг барчасини кўздан ўтказар, уларнинг ҳар бирига ўзича баҳо берарди. Келганлар ичиди турли хил одам: қаҳрли, содда, айёр инсонлар ҳам учради. Айниқса, аёллар ичиди бўш-баёв, индамаслари кўп. Уларнинг айримлари қудуқдан тортган сувини тўкиб-сошиб, узун кўйлагининг этагини шалаббо қилиб кетишарди. Айрим шаддодлари эса пишиқ-пухта ҳаракат қилишади, қудуқдан сув олганда ҳам, сувни ўз идишига куйганда ҳам бир томчисини зое қилишмайди. Бундай хотин-қизларнинг қадам босишлари ҳам чиройли, эътиборни ўзига тортади. Ёшгина келинларнинг бошидаги лачаклар фаранг асирни ҳайрон қолдиради. Тақинчоқлар билан, турли-туман

рангли ғўмollар билан ўралган узун лачакларни кўтариб юриш осон бўлмаса керак, деб фикр қиларди асир. Лачакларнинг ичи қанақа енгил матодан қилинган бўлмасин, ташқари томони тақинчоқлар билан безалган бу бош кийимнинг оғирлиги ҳам ўзига яраша бўлса керак, деб ўйларди у.

Асири ҳайрон қилган яна бир нарса бор. Бу ёш аёллар соchlari учига тақадиган тақинчоқ эди. Мана, ҳозиргина бир келин қудукдан сув тортиб олди. У сувни олиб кетаётгандан Блоквилнинг оғзи очилганича кузатиб қолди. Соч учидаги тақинчоқ келиннинг қадам ҳаракатларига монанд нозик овоз чиқарар, шу билан бирга, тақинчоқлар заифа қоматига гўзаллик ҳам қўшаётгандай эди, гўё. Фаранг тутқун ҳар гал туркман миллий тақинчоқларининг ушбу сеҳрли овозларини эшишиб ҳаяжонга тушар ва қойил қолиб бошини чайқаганини ўзи ҳам сезмай қоларди.

Кечак қудук бошига жами ўн икки нафар одам келиб кетди. Бугун, мана, пешин бўлиб қолган бўлса-да, одам келиши сийрак эди. Бояги тақинчоқли келин — бандининг ҳисоб-китобига кўра, еттинчи одам эди. Тутқуннинг диққат қилишича, қудукка фақат келин-қизлар, гоҳ-гоҳ ўн-ўн икки яшар болалар келишади. Эркаклар сув олишга келишмасди. «Албатта, бу туркманлар учун одат бўлса керак...» деб фикр қилди у.

Бироқ тақинчоқли келиндан сўнг қудукка келган одамни кўриб, Блоквилнинг фикри ўзгарди. Бу келган одам — узун бўйли, кўп вақтлардан буён соқолига устара тегмаган ориқ киши эди. Блоквил унинг туркман эмаслигини фаҳмлади. Фарангнинг билишича, Марв вилоятида туркманлардан ташқари, пирсиёнлар ҳам яшайди. Бу фикр хато ҳам эмасди. Чучук сувзли қудукка келганинг туркман эмаслигини унинг ҳаракатлари ҳам тасдиқларди. У урушда асир тушган қожорлардан эди.

Қудукдан сув тортиб бўлган қожор кимнингдир ўзига форс тилида сўз айтганини эшишиб, сергак

тортди. У ёнбошга қараганида, эски кулбанинг ичкарисида ўтирган одамга кўзи тушди ва унга салом берди.

— Мен сизни танийман, оғабек! — деса ҳам, қожор кулба томон юришга жазм қилолмади. Теварак-атрофга қараб олди. Уйдан чиқкан аёл икки асирнинг бир-бирига қараб туришини кўрган бўлса ҳам, кейинги эшикка жимгина кириб кетди. Буни кўрган қожор тинчланди.

— Сизни ҳамма билади. Сиз бу ёқда яширинган экансиз-да, — деди асир қожор.

— Нима, туркманлар мени ўзларига хон қилиб сайлашмоқчими? — деб сўзлашишни хоҳлаб турган Блоквил кулиб юборди. — Мен ҳам ҳозир сенингдай асирман. Аслида сенингдай ҳам эмасман.

— Нега менингдай эмас экансиз? Сизни ҳамма одам билади. Мен яшаётган уйдаги оғабекларнинг барчаси ҳар куни сиз ҳақингизда сухбатлашади.

— Шундай бўлса-да, менинг ҳолатим сеникидан оғир, қариндош. Сен, мана, ўзинг қоровулсиз сувга кела оласан. Мен эса, ҳатто, ҳожатхонага ҳам бемалол бора олмайман. Тунда ҳам оёғимдан кунда ечилмайди.

— Кунда ечилмаса, демак, сиз обрўли одамсиз. Қочиб кетмасин деб шундай қилишади-да. Мана, мен ҳеч кимга керак эмасман! Саводсиз бир хизматкорман. Кетавер десалар ҳам, қаёққа боришимни билмайман.

— Нима десанг-да, эркин тутқун билан боғлиқ бандининг ўртасида фарқ катта, сарбоз! Шерикларингдан қандай хабарлар бор?

— Нима хабар бўлсин, оғабек! — деб қожор чуқур хўрсиниб қўйди. — Орқасидан тўлов пули келганлар озод бўлиб кетишиди. Менга ўхшаган бечораҳоллар Оллоҳнинг яхши куни келармикан, деб кутиб юрибмиз.

— Саркардалар қаерда?

— Бошқалар тўғрисида эшитмадим. Бош сартиб билан Ҳамза Мирза соғ-саломат Эронга борганини эшитдим...

Кожорнинг «Бош сартиб» дегани Қора сартиб эди.

— Ҳай, Сиз ҳам ўз әлингизга бир куни қайтарсизда! — деб асир қожор руҳсиз гапирди. — Сизнинг ташвишиңгизни қилаётганлар кўп эмиш. Иш пишган дейишмоқда...

— Барчамиз ҳам юртимизга борамиз! — деб Блоквил кўнгли қаттиқ чўккан қожорнинг руҳини кўтармоқчи бўлди. — Туркманлар ҳам тезроқ бизлардан қутулишни исташмоқда.

— Илоҳим, айтганиңгизга фаришталар «омин» десин!

Блоквил сув олиб кетаётган қожорга раҳми келиб, унинг изидан қараб қолди.

## 40

*Тагимда от бўлса, тақалар ҳудудидан чиқиб,  
Жайҳун дарёсига етиб олардим. Омадим келса,  
дарёнинг чап қирғоги бўйлаб, Афғонистонга  
ўтмоқчи эдим.*

### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

Орадан анча вақт ўтганига қарамай, Оқморол бир маротаба ҳам шунчаки гап ташлашга қулай фурсат топмаганлиги, ҳар куни бир неча бор дучлашганларига қарамай, ҳеч қанақа имо-ишора қилмаётганлиги Блоквилнинг умидини пучга чиқармоқда эди. Бу ҳолатни у Эгамуроднинг ҳушёrlигига йўйди, ўзи-ча. Бироқ Эгамурод ўз яқини бўлган Оқморолга тутқуннинг ёнига боришни тақиқлаган бўлса-да, асирга яхшилик қилишини истаган одам бир-икки оғиз сўз айтишга имкон топиши керак-ку, ахир?!

Блоквил бесамара ўтган ҳар кунининг эртасига катта умид боғласа-да, кунлар ҳеч қандай ўзгаришсиз ўтмоқда эди. Ўз иш-ташвишлари билан кириб-чиқиб юрган Оқморол эса кулба томонга кўз қирини ҳам ташламас, эски хароба ичидаги тутқуннинг

ўзидан умидвор бўлиб кутиб ўтирганини сезмаганга ўхшарди.

Мана, бугун эрта билан Эгамурод қўнғир тўриқ отининг йўрғасига қувониб, кайфияти чоғ ҳолда қайгадир кетди. Ўша пайтда ташқарига чиқиб, оғаси билан саломлашган Оқморол унинг кетганини кўрса-да, кулба ичкарисида ўзига диққат-эътиборини қаратиб ўтирган фарангга кўзи тушса-да, ҳеч қанақа ишора қилмади.

Оқморол қудук бошига келганида гаплашиб имконияти туғилди, аммо Блоквил сўз дейишга ҳам, салом беришга ҳам тортинди. Тутқун ўз жонидан хавфсирамасди, салом берганини кимдир-биров эшитишидан, шу зайлда Оқморолга яна гап тегиб қолишидан чўчирди.

Оқморол индамай уйга кириб кетгач, Блоквил Юсуфхонга юборган хати тўғрисида аниқ хulosага келди: демак, хат Топаз қишлоғига юборилмаган! Бунинг акси ҳам бўлган бўлиши мумкин: яъни, хат Топаз қишлоғидаги Юсуфхонга эмас, балки Эгамуроднинг ўзига берилган бўлса-чи?! Туркман заифаси ҳеч қачон ўзининг қондош тувишганларига қарши бормаслиги, умрида биринчи бор кўриб турган бегона бир шахсга ёрдам бермаслиги мумкинку, ахир. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, айтайлик, хат бошқа бировнинг қўли билан Эгамуродга бориб етса, хатнинг қандай қилиб ва кимнинг ёрдамида пайдо бўлганлигининг сири очилса, Оқморолнинг хатти-ҳаракатини сотқинлик ҳисоблаган қариндошруғлари қизни соғ қўйишармикан?! Блоквилнинг фикр қилишича, шундай хавф-хатар ҳам борлигини ўйламаслик – Оқморолдай эси бутун қизга тўғри келмайди. У ўз жонидан қўрқмаса-да, қариндошруғлари олдида беобрў бўлишдан қўрқиши табий. Демак, қиз Юсуфхонга ёзилган хатни Эгамуродга кўрсатмагандир-у, аммо балонинг олдини олиш учун мактубни ўз қўли билан йўқ қилиб юборгани аниқ. Шу сабабли ҳам, ўзи берган ваъдасининг устидан

чиқолмаган қиз бечора тутқуннинг кўзига кўринишга, у билан сўзлашмоққа уялиб юрган бўлса керак-да?!

Блоквил бу тахминларининг қайси бири тўғри чиқишига ақли етмаса-да, ёзган хатининг Юсуфхонга топширилмаганига, энди ҳам ҳеч қачон унга етиб бормаслигига қатъий ишонди. Шундай бўлса, унинг тутқунликдан озод бўлишига умид қиласидиган биттагина йўл қолган эди. Бу йўл — қочиш. Қочиш масаласи эса деярли амалга ошмайдиган йўл эди. Биринчидан, унинг оёғи кундаланган. Иккинчидан, от топиб, унга миниб қочишининг умуман иложи йўқ. От топилишига одамнинг кўзи етмайди. Қочишга фурсат туғилганда ҳам, бу ишни факат тун қоронфилигидагина амалга ошириш мумкин. Бироқ ҳушёрликни қўлдан бермайдиган Эгамурод кўнфир офтоб бстар-ботмас отини ертўлага қамаб, эшигини занжир билан уч-тўрт марта ўраб, кейин қулфлайди.

Шундай бўлса-да, Блоквил қочиш тўғрисидаги умидидан бутунлай воз кечмади. Хаёлида у неча марта Эгамуроднинг олмакўз бедовининг устига чиқди, шарқ томонга от суреб Жайҳунга етди, дарёнинг чап қирғоғи бўйлаб Афғонистонга ўтиб олди... Жайҳун ва Афғонистоннинг қаердалигини, у томонларга қандай қилиб бориш мумкинлигини Блоквил яхши билади, у умрининг анча-мунча қисмини жаҳон давлатлари хариталарини ўрганиш билан ўтказган эди.

Қочиш орзузи энди тутқуннинг бутунлай эс-хушини эгаллаб олди, бу мақсадини қанча тезроқ амалга олирса — шунча яхши бўлишини ҳис қиласиди. Зоро, қочиб кетишига ўзининг ҳам ишонгиси келарди. Нима қилсин, соҳибжамол, юраги тоза Оқморолдан кутган умид саробга айлангач, энди унга озод бўлишининг қочишдан бошқа йўли кўринмаётганди.

«От топилса бўлди, ҳатто, оёғим кундали бўлсада, мақсадимни амалга ошираман», деб ўйларди Блоквил. «Зинданда ўз ажалингни кутиб, курашсиз ўлиб кетгандан кўра, ватанга олиб борадиган

йўлнинг дастлабки қадамларида ўлиб кетиш ҳам қаҳрамонликдир» деган фикрга келди у.

Эгамурод қўнғир шу кетганича, офтоб бота бошлаган пайтда қайтиб келди. Кетганида кайфи чоғ оғабек, энди руҳсиз келганлигини Блоквил бир қарашда сезди... Балки чарчаган ва руҳсиз қайтган оғабек отини ертўлага киритганидан сўнг, эшикни қулфлаш эсидан чиқар? Одам кайфияти йўқ пайтларда нималарни ўйламайди?!

Шундай қилиб, Эгамуроднинг кайфиятсиз келгани фарангда яна умид учқунларини уйғотди. У бугун тунда отхона эшигини бир текшириб кўришга қарор қилди. Уни жаннатмакон жойдан келтириб, дўзахдай саҳрого ташлаган толе, балки бугун унга баҳт эшикларини очар?!

Кундузи Эгамуродникига келиб-кетганларни санаб, вақтни ўтказган Блоквил кечалари вақт ўтказолмай жуда қийналар эди. Офтоб ботиши билан қоп-қора либосини кийган қишлоқ шунақанги ваҳима конига айланардики, бу – ҳеч ким билан гаплашмай-сўзлашмай, эски кулбанинг ичидаги ёлғиз сўппайиб ўтирган асирга ўлим билан тенг эди. Энг ёмон жойи – кунлари бир-бирига ўхшаш дамларнинг, қоронги узун кечаларнинг яна қанча давом қилиши ҳам номаълум эди. Умидларига болта ураётган ана шу номаълумлик Блоквилни баъзан тушкунлик чоҳига қараб судраб қоларди. У ҳозирги ҳолатини яхши ёки ёмон томонга ўзгартириш учун ҳам ҳеч нарсадан қайтмасди.

Коронги тунларнинг узун дақиқаларини қисқартиришга ёрдам этган эски хотиралар ҳам такрорланавериб жонга тегди. Тарихга айланган ўтмиш бугунги ҳақиқат билан қиёсланиб, қайтанга асирининг ҳасрат юкини кўпайтирмоқда эди.

Тун ярмидан ошганда Блоквил кундуз куни тайёрлаб қўйган эски-туски латтани қўлига олди. Латта кундани ўраш учун керак. Кечаси ҳожатхонага бориш баҳонасида ташқарига чиқсан асири

қадам ташлаганида кунда шақиллаб, қора уйда ётганларни уйғотмаслиги керак. Кунда сал овоз чиқарса, Эгамурод дархол ташқарига югуриб чиққанига асир бир неча бор гувоҳ бўлган.

Эски латтани кунданинг сиртига ўраб олган фаранг кундузи берилган нондан қолган бир парчани қўлига олди. У, бу нон парчаси билан Эгамуроднинг отини ўзига ўргатиб олишни ният қилди.

Тун шу даражада тим қоронфи эдики, ҳатто, чироқсиз юрган одамга кулба билан ташқарининг фарқи билинмасди. Қоронфи кенг оламда Блоквилдан бошқа тирик жон йўқдай. Негадир бу кеча итлар ҳам ҳурмади, эшаклар ҳам ҳанграмади.

Ана шу жимжитликни ўзи учун яхшиликка йўйган тутқун аста-секин оёғини судраб, кулбанинг ён томонига ўтди. У ўзини ҳар қанча журъатли ҳисоблаб барча йўналишларни ҳисоб-китоб этганман деб ўйласа-да, мақсадини амалга ошириш хавф-хатар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ҳаяжонлана бошлади. Отхонагача бўлган йўлни босиб ўтган сайин хавф ҳам шунча ошиб борди. Дарҳақиқат, отхона эшиги ҳозир кулфланмай қолган бўлса-я... Шундай бўлса... от уни энди қандай қаршилайди? Туркманинг ақлли оти келган одам ўз эгаси эмаслигини сезиб, қулоқларини ўйнатиб, кишинаб юборса – нима бўлади? Фаранг эгар-жабдуқсиз бедов устига чиқа олса-ку, яхши, ҳеч ким уни тутолмайди. Сезиб қолишса ҳам, қайта қўлга тушмаслигинингchorасини кўради. Эгамуроднинг учқур оти уни тун қоронфиси бўйлаб йироқ-йироқларга олиб кетади. Қишлоқдагилар оёққа туриб уни излай бошлагунича. Блоквил анча узоқларга бориб қолади. Шундай умидлар билан отхонагача тўрт-беш қадам қолганда, асир ҳар эҳтимолга қарши, орқасига бир қараб олди. Орқа томонда ҳам олд тарафдаги каби қуюқ қоронфиликдан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Қоронфиликдан салқин шабада уфуриб кела бошлади. Блоквилнинг ташвиш ва кўркув ҳислари билан

йўғрилган бадани салқин шамолни гоҳ сезар, гоҳ эса сезмасди.

Атрофда ҳеч кимнинг йўқлигига ишонса-да, отхона эшигига яқинлашган сайин тутқуннинг юраги тез-тез ура бошлади. У қулфга томон узатган бармоқларининг қалтираётганини сезди. Эшикнинг қулфлоғлиқ ёки очиқлиги аён бўлгунича, гоҳ умид, гоҳ умидсизлик дунёсига минг бор кириб, минг бор чиқсан асирининг пешонасида майда-майда терлар пайдо бўлди. У эшик очилганда Эгамуроднинг учқур бедовига айтадиган ёқимли сўзларигача ўйлаб кўйган эди. Отнинг одам сингари ақлли ҳайвон эканлиги тўғрисидаги эшитган ривоятларни эсга олди. Агар ҳақиқий бедов от инсондай ақлли бўлса, бир зумда устига чиқсан бегонанинг оғирлигини юк ҳисобламай, чопиб кетиши керак. От устига минган инсон бегона бўлса-да, шу пайт у ожиз ва яхшиликка ўта муҳтождир. Ҳақиқий бедов отлар доимо муҳтоҷ инсон шошаётганда ёрдамга келишган. Бундай отлар кўп вақтлар одамни ўлимдан ҳам қутқарган. Асирининг ҳозирги тушган ҳолати ҳам ўлим билан ёнма-ён эди. Шу сабабли ҳам учқур бедов от ҳозир унга ёрдам бериши керак, ёрдам бериши керак...

Блоквилнинг неча кунлардан бўён қилган ширина орзуларига, кутган чексиз-чегарасиз умидларига муштдай қора қулф қисқа, аниқ ва лўнда жавоб берди. Қизғин бармоқлар муздай темирга текканида асири баданида пайдо бўлган жунжикиш унинг юрагигача бориб етди. Ана шу жунжикиш унинг қизғин умид-орзуларини музлатиб юборди. Бу музнинг эндиликда неча кунларда, неча ой ва неча йиллар ичида эримоги маълум эмас...

Эшик олдига бегона одамнинг келганини сезган бедов от пишқириб юборди. Бу товуш асири қулоғига «Орқангга қайтавер!» дегандай жирканч жавоб бўлиб эшитилди.

Блоквил шундан сўнггина ҳавонинг совуфини ҳам, ёқимсиз шамол эпкинини ҳам, оёғидаги кунданинг

оғирлигини ҳам, вужудининг оғритаётганини ҳам бирданига сезди. Орқасига қайтганида эса эҳтиёткорлик билан қадам ташлашни ҳам ёдидан чиқарди. У яssi марзанинг устидан қийинчилик билан қадам ташлаб кулбасига етай деганида, қора уй эшиги олдида қоп-қора бўлиб кимнингдир турганини кўрди. Бу, албатта, Эгамурод қўнғир эди. Оғабек қора уйининг эшигини авайлаб очди-да, овоз чиқармай ичкарига кириб кетди.

## 41

Урушнинг оғир юкини елкасида кўтариб, қочқинликдан ўз уйларига қайтган такалар қилган ҳисоб-китобга кўра, бу йилга мўлжалланган озиқовқат маҳсулотларининг «чўфи жуда паст» эди. Ҳосилни ўз вақтида йифиб олишга улгурмадилар. Уруш зарбалари остида пайҳон бўлиб, тупроққа қоришиб кетган фалланинг ўрнини бошқа бир нарсалар билан бўлса-да, тўлғазиш керак эди. Лекин, нима билан? Тўлдириш учун ҳеч нарса йўқ эди. Асир тушган қожорларнинг қорнини тўйғизолмаяптилар, фақат ўлиб қолмасликлари учунгина бирор егулик бераяптилар. Бу ҳам бандиларни сақлаб турган хонадонлар учун оғир юк эди. Шу сабабли, асирлар тутқунликдан ҳалос бўлишга қанчалик шошилса, эгалари ҳам улардан тезроқ қутулишга шунчалик ҳаракат қиласди. Бироқ эвазига ҳеч нарса олмасдан, текин озодликка чиқариб юбо-риши ҳеч ким хоҳламасди. Ҳеч бўлмагандан, улар учун қилинган сарф-харажатларни қоплагудай товон пули талаб қилишарди. Тутқунларнинг кўпчилиги хўжайинларига бирор манфаат келтириш учун кетмону белкуракка ёпищдилар. Блоквилга ҳамон бундай имконият берилмаган эди. У бирор-бир иш билан шуғулланиш бахтидан ҳам маҳрум. Икки-уч кун жўхори бошини қайиришда қатнашганлигини ҳисобга олмаганда, у ишсиз-эрмаксиз шунчаки

қараб ўтиришга маҳкум қилинган тутқун эди. Бошқа бандиларга ўхшаб унга қишлоқ ичида бемалол сайр қилишга ҳам рухсат берилмади. Унинг «кезадиган кенг майдони» — Эгамуроднинг бир таноб ерининг бир чеккаси холос.

Фаранг тутқун Оқморолдан кутган ёрдамини ололмагач, энди ҳеч кимга ишонмайдиган бўлди. Ҳатто, у ҳеч ким билан сўзлашиш-гаплашишга майл кўрсатмайдиган бўлиб қолди. Йўқса, Оқморолга сўз айтиш учун кўпдан-кўп қулай фурсатлар ҳам бўлиб турибди. Қизнинг ўзи индамай юргач, тутқун унга гап отишни ўзига раво кўрмади.

Бир сафар эшикма-эшик кезиб юрган аттор-савдогар Эгамуроднинг хонадонига кириб келди. Узун бўйли, қиришиланган соқол-мўйловли, орқасида қоп орқалаган бу савдогар келган вақтда атрофда ҳеч ким йўқ эди. Аттор тутқуннинг қаерда ўтирганини олдиндан билгандай кулбага бир қараб олди-да:

— Ипак мол бор! Мовут мол бор! Хотин-қизлар учун нарсалар бор! — деб қичқирди.

Атторнинг эътиборига тушганини сезган Блоквилнинг кайфияти яна бузилди. «Энди дуч келган майда савдогар ҳам сени томоша қиласидиган бўлди. Бундан кўра тезроқ ўлсан яхшироқ эмасмиди, дея таркидунё қилган асир ғазабланиб ўзидан жирканди. Кейин ўзининг аҳволига қараб фикр қила бошлади. — Албатта, мард бўлсанг ўлиш қийин эмас. Мард бўлсанг, яшаш қийин. Жорж, сен яшашинг керак. Ўлсанг, орзу-умидинг ҳам сен билан ерга кўмилади...»

Савдогарнинг овозини эшитган Аннабиби билан Оқморол ташқарига чиқдилар. Қўшни уйлардан ҳам уч-тўрт нафар хотин-қизлар етиб келиши билан атторнинг атрофида бозор қайнади. Қопдан чиқарган ранг-баранг матолари, безаклар қўлдан-қўлга ўтиб, яна эгасига қайтиб келди. Бундай чиройли молларни зўр қизиқиши билан томоша қиласидиган бўлсалар-да, аёл-қизларнинг ҳеч бири харид қилолмади. Чунки

бирор нарса сотиб олиш учун хотин-қизларда пул ҳам, алмаштириш учун бирор дурустроқ нарса ҳам йўқ эди. Улар яхши матоларни ва безакларни шунчаки бир кўриш учун атторнинг ёнига келган эдилар, жолос.

Бу жойда ҳам савдоси ривож топмаган аттор нарсалар солинган қопининг оғзини боғласа-да, йўлида давом этмай, ёнидаги аёллардан алланималарни сўрай бошлади. Унинг айтганларини барча хотин-қизлар эшитган бўлсалар-да, жавобни биргина Оқморол қайтарди. Оқморол кулба томонга кўлинни чўзиб, яна бир нималар деди.

Қопини аёлларнинг ёнига қўйган аттор кулба томон кела бошлади.

Блоквил унинг келаётганини кўриб, ўзини мажбуrlаб жилмайди. «Аёллар билан савдоси жойига тушмаган аттор кулбадаги асирга ўзининг молларини тавсия қилмоқчи, шекилли!»

Савдогар Блоквилга салом берди-да, икки қўли билан омонлашиб кўришди. У форс тилида гапира бошлади.

— Мен сизнинг ёнингизга оғабек Юсуфхоннинг илтимоси билан келдим. Сиз юборган хат унга бориб етди!

Бу ҳабарни эшитган Блоквил аёллар орасида турган Оқморолга ялт этиб қаради. Гарчи қиз ўзига томон қарамаган бўлса-да, тутқун уялиб кетди. «Инсон доимо бирор нарсанинг охиригача чидашга сабри етмай, шюшиб-пишиб хулоса қилишга мойил-да!».

Савдогар келтирган ҳабарга кўра авшарлар сардори Юсуфхон Блоквил ёзган хат мазмунини Бухордан Машҳадга сафар қилиб кетаётган таниш тижоратчига айтибди ҳамда фарангнинг истагини кимларга етказиш йўлларини ҳам ўргатибди.

Зеро, келтирилган ҳабар Блоквилнинг тутқунлик қисматини ҳал қилмаса-да, эртанги кунга қайсиdir бир маънода умид билан қарашга асос пайдо қилган эди. Ниҳоят, орзу-умидлари чил-парчин бўлган тутқун учун бу ҳабар улкан мужда бўлди.

Шуларни айтиб, аттор Блоквил билан хайрлашида-да, қопи ёнига бориб, ҳануз уй-уйига кетмай турган аёллар ёнида дадил-дадил гапира бошлади. Ўзининг тижорат ишлари бўйича Бухоро, Хива, ҳатто, Машҳад каби катта шаҳарларгача борганини, савдо-сотиқ йўналишида тажрибали тижоратчи эканини баландпарвоз оҳангда мақтаниб сўзлаб берди. Кейин у атрофида турган аёлларнинг эътиборини ўзига янада қаратиш учун Эрон саркардаларининг бар-часини яхши билган авшарлик Юсуфхон билан гўё ҳамтовоқ эканлигини ҳам билдириб ўтди. Гап орасида Эгамурод қўнғирникида тутқун бўлиб турган асир ҳақида ҳам тўхталди. Юсуфхоннинг айтганларига асосланиб, унинг кимлигини, тез кунлар ичидагитилган баҳода сотиб олиниши тўғрисида ҳам ҳабар берди. Ўзи эса, Қўнғир қишлоғига шахсан Юсуфхоннинг истаги билан келганлигини гап орасида қистириб ўтди.

... Юсуфхоннинг бу таниши келиб кетиши билан, Блоквилнинг яшаш шароитида қандайдир ўзгаришлар пайдо бўлди. Пешиндан кейин уйига қайтиб келган Эгамурод Юсуфхон билан боғлиқ хабарни эшитгач, Оқморолни изига эргаштириб, асир яшаётган кулбага келди. Уни қизиқтирган асосий масала Блоквил учун тўланадиган ҳақ эди. У ушбу тўловнинг қачон юборилишини билишни истади.

Бундай саволга ҳозир аниқ жавоб берадиган олмаслигини айтган фаранг тутқун:

— Сиз менинг тўловим учун қанча танга олмоқчисиз? — деб сўради.

Эгамурод бандининг нарх-навоси тўғрисида анча вақтлардан бери ўйланиб, бир баҳога келганлиги учун тез жавоб берди.

— Икки минг туман пул тўланишини истайман.

Оқморол жавобни форс тилига таржима қилганда, Блоквил ўзини кулгидан зўрға тўхтатди. Пулни француз франкига айлантирганида — тўқсон минг

франкка яқин бўлишини аниқлади. Тез орада тўлов пули келиб қолиши ҳақидаги хабар қулоғига етгач, сал инсоғ кира бошлаган Эгамуроднинг жаҳлини чиқариш — ўзи учун зарар эканлигини англаса-да, тутқин ўзини гапдан тия олмади:

— Бу нарх жуда баланд-ку, оғабек!

— Ҳечам баланд эмас, — деб фаранг ҳисоб-китобда ҳеч нарсани билмаса керак, дея ўйлаган Эгамурод ишонч билан дадил гапирди. — Биз ҳам кул нархининг қанча эканлигини билганимиздан сўнг шу баҳони айтяпмиз.

— Бундай эмас, оғабек. Сиз қўйган нархга уч нафар қул сотиб олса бўлади!

Фаранг асирининг жавоблари тўғри эканлигини билса-да, ён беришни хоҳламаган Эгамурод айёрликка ўтди:

— Бизнинг айтган нарх-навомиз тўланмаса, сенинг ҳам юртингга кетиш муддатинг узайиши мумкин, мулла фаранг!

Блокеилнинг оғабек билан айтишувлари шу ерда тўхтади. Ҳали келган пул йўқ, сармоя йўқ жойда даъволашмасдан, пайдо бўлган қулай фурсатни ўз фойдасига ўзгартиришни истаган Блоквил гап йўналишини бошқа томонга бурди.

— Олдин пул келсин, нарх тўғрисида кейин гаплашармиз, оғабек. Лекин менинг сиздан илтимосим бор. Гап шуки, ҳозир мени озод қилсангиз ҳам борадиган жойим йўқ. Қочиб кетади деган фикрни миянгиздан чиқариб ташланг-да, менга бироз эркинлик беринг...

— Тутқун одамга қанақа эркинлик керак экан? — деб Эгамурод қўнғир ҳоҳиш қилган қолиб, таржимонлик этиб турган синглисига ўқрайиб қаради.

— Ҳеч бўлмаса оёғимдаги кундани ечиб, теварак-атрофдагилар билан учрашиш, сўзлашишга рухсат беринг. Вақтимни зерикарли ўтказмаслик учун бирор иш беринг. Сиз ҳам мусулмонсиз-ку, ахир?! Агар мени шундай ҳолда сақлаб турсангиз, ўз-ўзимдан касал топиб, ўлиб кетишим ҳам ҳеч гап эмас!

Блоквилнинг сўнгги сўзлари Эгамуродга таъсир қилди. Таъсир этмаслиги ҳам мумкин эмасди. Фаранг ноҳушланиб вафот этса, ана унда томошани кўринг — асир эгаси умид билан кутаётган пулдан қуруқ қолиши табиий! Ўлган одам учун ҳеч ким ҳақ тўламайди, ахир. Аксинча, хонадонига берилган асирнинг вафот этиши уй эгасининг оқсоқоллардан гап эшитишига сабабчи бўлиши мумкин. Бундан ташқари, жон учун қон-хун талаб қилинса, уни қандай тўлаш мумкин?

Шу сабабли бўлса керак, Эгамурод қўнғир асирнинг истагини қаноатлантириш ҳақида бироз ўйлаб, ахiri ўзининг розилигини билдириди.

## 41

Блоквилнинг айтганига фаришталар «омин» дейишган экан. Дарҳақиқат, у бўлиши мумкин бўлган касаллик билан ўлимни эслатиб, ўз оғабегидан бироз озодлик олган кундан кўп ўтмай, хасталанди, иккала кўзини қорасув боса бошлади. Вакт ўтган сайн унинг ёруғ олами торайиб, кўз олдидаги қора парда қуюқлаша борди. У ўзининг ҳозирги муҳтоҷона ҳолатини, тутқунликда ўтказган қора кунларини эсидан чиқаришга мажбур бўлди. Келгусида бошидан ўтказадиган қийинчиликларни кўз олдига келтирди. Унинг дарди-ҳаёли, ўй-фикри — кўзи эди. Кўриш баҳтидан маҳрум бўлгач, тутқун энди ватанга қайтишни озодликка чиқдим деб ҳам ҳисоб этолмасди. Шунча азоб-уқубатлардан кейин онасининг кулар юзини, ёр-дўстларининг сиймоларини, гўзал Парижни, таниш чеҳраларни кўролмайдиган бўлса, соҳибжамол қиз-жуvonлар кўркидан лаззат ололмайдиган бўлса, унга бунаقا озодликнинг нима кераги бор?!

Блоквил «озодлик» деган сўзнинг маъносини — жаҳонга эркин қараш, оламнинг инсон учун яратган гўзалликларидан баҳраманд бўлиш, дея тушунарди.

Энди у нима қила олади? Унинг аниқ хулосасига кўра, ўроқ ва белкурак ишлатиш, от чоптириш, тuya ва эшакка юк юклашдан бошқа нарсани билмайдиган бу чорвадорлар юртида кўз сингари нозик инсон аъзосини даволайдиган дўхтири анқонинг уруғидай эди. У ўз бошидан ўтказаётган бу хил мاشаққатлардан қутула олмаса-да, кўз масаласида қўлидан келадиган ишнинг барчасига ёпишиш лозимлигини маъқул йўл деб ҳисоблади.

Блоквил шу пайтгача ташқарида ўйнаб юрган болалар қўл ҳаракатини чалароқ кўриб турган бўлса, энди шароит яна ҳам ёмонлашди. Бугун у беш-олти қадам оралиқдаги қудук оғзидағи юлғун ходаларидан чиройли қилиб ясалган асосни зўрга кўрарди. Қудукдан сал наридаги улкан нарса — Эгамуроднинг катта қора уйи ҳам унинг кўзига кичкина ўт фарамидай бўлиб кўринарди. «Ҳозир мен шундай катта уйни чала-чулпа сезаётган бўлсам, эртага ёруғ дунёни кўришдан бутунлай маҳрум бўлиб қолишим мумкин...»

Вужудини ваҳима босиб олган Блоквил кулбадан отилиб чиқди. У Эгамуроднинг уйига қараб юра бошлади.

Кулба билан қора уй оралиғидаги йигирма одим чамаси йўлни қандай босиб ўтганини билмаган фаранг туркман оқсоқоллари қиласидиган ҳаракатни эсига олди. Эшикнинг олдида туриб, бир-икки марта сунъий йўталиб қўйди.

Ичкарида минғир-минғир овоз пайдо бўлди. Аммо ҳеч ким ташқарига чиқмади. Блоквил Кўнғир қишлоғига келгандан бери ўтган ойлар ичида биринчи марта оғабекнинг қора уйи эшигини очди.

— Ассалому алайкум, оғабек!

Кутилмаган ҳолатга ҳайрон қолган Эгамурод сал бўлмаса қўлидаги пиёласини тушириб юборай деди.

— Ваалайкум ассалом, мулла фаранг! — У тонг билан эшикдан кириб келган одамга халқ ичида ишлатиладиган сўзни топди. — Нима бало, туш

кўрдингми бизларни? Пайғамбарлар мададкор бўлсин!

Сўнг у эшикка яқин ўтирган хотинига қаради.

— Яхшиликка бўлса-ку, бу тонг билан устимизга келмасди, Аннабиби. Сен Оқморолни чақириб кел!

Аннабиби Оқморолни чақириб келиш учун кетгач, Эгамурод қўнғир Блоквилни кўрпача устига таклиф қилди.

Оёқларини ўта эҳтиёткорлик билан босган асир эшик билан ўчоқ орасидаги икки-уч қадам масофани тўрт-беш одимда ўтди. Унинг чўккалаб ўтириши ҳам ғалатироқ эди. Оловнинг чўққа айланган жойидан кўтарилган илиқ ҳаво тутқуннинг узатган қўлларига жуда хуш ёқди.

Фарангнинг олдинги кунларга нисбатан бечораҳол кўринишини кўздан кечирган Эгамуроднинг қалбида ачиниш туйғуси уйфонди.

— Ма, бир пиёла чой ич!

— Йўқ, оғабек, ичиш йўқ.

Унинг кўнглини кўтаришни хоҳлаган Эгамурод:

— Сен энди туркманча гапиришни ҳам ўрганяпсан! — деб мулойим жилмайди. — Чой туркманинг овқатдан олдин меҳмонга кўрсатадиган хурмат-эътибори бўлади.

— Мен bemorman, оғабек.

— Мен касалман деяпсанми?

Блоквил бармоги билан кўзларига имо қилди.

— Чашми ман хаста, оғабек! Чашмам бад аст<sup>1</sup>.

Шу пайт:

— Эгамурод оға, ассалом! — дея Оқморол ичкарига кирди.

— Ассалом, — дея Блоквил уй эгасидан олдин алик олди.

Асирнинг саломлашганидан маза қилиб қулган Эгамурод:

<sup>1</sup> Менинг кўзим касал, оғабек. Кўзларим ёмон кўраяпти.

— Сен «ассалом» дема, у «ассалом» дейди,— дея қўлини силкитиб олдин асирга, кейин Оқморолга имо қилди.

Гапга яхши тушуна олмаган Блоквил ҳам «у ассалом» деган сўзини такрорлади-да, кулгиси келмаса ҳам, илжайиб тишларини кўрсатди.

— Оқморол, бу бир ташвиш билан келганга ўхшайди. Кўзим оғрияпти деганга ўхшаш сўзларни гапирди...

Оқморолнинг ўзига саволомуз қараганини фаҳмлаган Блоквил тез-тез гапира бошлади. У сўзлаганда зўр эҳтирос ва жўшқин оҳангда гапирдики, буни эшитган Эгамуроднинг оғзи очилиб қолди.

— Бугун жуда бошқача гапиряпти. Нима деяпти?

— Кўзимга қорасув йифиляпти, деди, Эгамурод оға.

Айтилганларга ишончсизлик билдирган Эгамурод ҳайрон қолган ҳолда бошини чайқади.

— Қорасув йифилганини қандай билиди. Нима, бу табибми?.. Қорасув йифилса, мен нима қилишим керак?

Блоквил Оқморолнинг таржима қилишини ҳам кутмай:

— Табиб! Табиб керак! — деди.

Эгамурод бу сўзларга таржимонсиз ҳам тушунди.

— Қорасув йифилган бўлса, табибнинг ҳам фойдаси тегиши номаълум. Анови Яхшимурод бурказнинг ҳам кўзига қорасув йифилган эди. Бечоранинг бормаган эшиги, кўрсатмаган табиби қолмаган. Ахири тақдирига тан берди, кўзи ожиз бўлиб қолди. Қорасув йифилаётгани рост бўлса, бунинг ҳам қисматига шу ёзилган экан-да. Энди мен нима қилишим керак?

Оқморол асирининг жавобини қариндошига тушунтирди.

— Кон олдиришим керак, деяпти. Шарқ табиблари қон олишга уста бўлишади, деяпти.

Эгамурод яна бошини чайқади.

— Субҳоноллоҳ! Ўзи бир бегона миллат вакили бўлса-да, билмаган нарсаси йўқ бунинг. Қон олдириш кераклигини қаердан билган экан-а, бу?! Қон олдиргандан кейин... Қош кўяман деб кўз чиқариб қўйсак, нима бўлади? Қонини оламиз деб жонини олиб қўйсак, ким жавоб беради? Кейин, бунинг жони учун биз бергидор бўлиб қолмаймизми? Бунинг хуни учун қайтадан тўп судраб келишмайдими? Бунга ким айбдор ҳисобланади? Албатта, мен айбдор бўламан. Ёки Муҳаммадаваз оғамми?

Эгамуроднинг сўзлари тутқуннинг жаҳлини чиқаргани унинг юзидан билиниб турарди.

— Форслар, «Эчкига жон қайфи, қассобга мой қайфи» дейишади...

— Бу нақл туркманларда ҳам бор. Шундай бўлса ҳам мен нима қилай? — деб Эгамурод ҳам асирининг сўзини ёқтиргмаганини билдириди. — Оқморол, сен унга айт, фаранглик эчки эмас, Эгамурод қўнфир ҳам қассоб эмас, дегин.

Блоквил Эгамуроднинг афтига тикилиб, ўтирган ҳолида дадил-дадил бир нарсалар деди.

— Бу нима деб сапчияпти? — Эгамурод шошиб сўради.

— Агар табиб топиб қонимни олдирмасанглар, мен ўзимнинг қон томиримни кесаман деяпти. Табибни вақтида олиб келмасангиз кеч бўлади. Кўр бўлиб қолганимдан ўлганим яхши деяпти.

— Ана, кўрдингми? Мен боя нима дегандим? — дея Эгамурод анча ўйланиб ўтириди. — Беш-ўн танга пул ишлаб оламан деб, биз бошимизга балони сотиб олмасак яхши эди-я, Оқморол!

— Шунга ўхшаяпти, — деб асирининг ёнини олишга тортинган, қариндошига ҳам қарши гапиришни истамаган Оқморол иккиланиб қолди. — Мен ҳам нима қилишимни билолмаяпман, Эгамурод оға. Лекин қон олдирган билан одам ўлмайди-ку. Бўлмаса, кўр бўлиб қолганидан кейин бизларни

айбдор ҳисоблаб юрмаслиги учун унинг айтганини бажарайлик.

Оқморолнинг айтганлари Эгамуродни дадиллантириди.

— Кон олдириб, бундан ҳам ёмонроқ бирор нарсага учраса, бизларни гуноҳкор ҳисобламайдими? Шуни сўра ундан!

Блоквил қатъий жавоб қайтарди.

— Барча нарсанинг кафиллигини бўйнимга оламан. Олдиндан тилхат ҳам ёзиб бераман, керак бўлса.

— Ундаи бўлса, мен рози, — деб Эгамурод бошини қимирлатди. — Кўжук қишлоғида Бибижамол табиб бор. Бориб шуни олиб келаман. Пешингача етиб келсам керак...

## 43

Уруш аллақачон тамом бўлган, қишиш бошланиши билан эски жойларига қайтиш ташвишини баҳорга қолдирган қўнғирларнинг барчаси ҳали-ҳануз орқаларига қайтишмаганди. Одаму ҳайвон нафаси тегмаган оғзи қулфлоғлик кулбаю қора уйлар, оғилхонаю отхоналарнинг эшикларини ўргимчак уялари босиб кетган эди. Эгасиз, қаровсиз жойларнинг қуриган дараҳтдай жонсиз қўриниши олдин ҳам обод бўлмаган қишлоқни кўзга янада хароба ҳолда кўрсатарди. Шу сабабли ҳам қишлоққа қоп кўтарган тижоратчими, ёки бўйнига тўрва осган гадой келиши ҳам қўнғирликларга, хусусан, бола-чақа учун катта бир воқеага, вақтларини шодон ўтказишга сабаб бўларди. Оёғи енгил болакайлар гадонинг орқасидан эргашиб, ўзлари ҳам гўё гадо бўлиб, эшикма-эшик юришдан эринишмайди. Гадо ёки тижоратчи кўча бошида қўриниши билан, бундан кўча охиридаги туркман ҳам дарров хабар топади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Эгамурод қўнғир Кўжук қишлоғидан қайтиб келмаса-да, фаранг тутқун

учун табиб олиб келиши ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарқалиб улгурди. Шу сабабли, Эгамурод уйининг пойлоқчилари қўпайди.

Қиши фаслининг ўртаси бўлишига қарамай, эрталаб исий бошлаган ҳаво пешинга яқин янада исиб кетди. Юрт хурмат қилган табибни эски кулбада кутиб олишни хоҳламаган уй эгалари ташқарига кигиз, гилам тўшаб, устига кўрпачалар тўшашибди. Табиб энди ана шу ерда хастани кўриши керак.

Блоквил шу пайтгача эслаб қолган туркманча сўзларнинг барчасини дафтарга битиб, уларнинг маъноларини форс, француз, араб тилларидаги сўзлар билан қиёслаб ёзиб юрган эди. У француз тили билан туркман тили ўртасида маъноси ва айтилиши мос келадиган ўхшаш сўзларни учратмади. Лекин унинг келган хulosасига кўра, туркман тилида форс, араб тилларидаги сўзлар билан ўхшаш, маъноси яқин сўзлар кўп. Блоквил дафтарига «чаршак» (чоршоҳ), «аташтир» (оташтир) каби туркманча сўзларининг форсча «тўрт шоҳ», «олов (ўт) тутмоқ» деган маъноларни англатишини белгилаб қўйган эди. Туркман ва форс тилларидаги ишлатилган умуммуштарак сўзларнинг кўплиги, шунингдек, Блоквил хотирасининг кучлилиги, тил билишга мойиллиги унинг сўзлай билмаса-да, туркман тилидаги сухбат нима ҳақида бораётганини дарҳол фаҳмлай олишига катта ёрдам берарди. Шу сабабли, Эгамурод ҳовлисига келиб тўрт-беш одамнинг худди олдиндан маслаҳатлашиб олгандай «Қани, табиб келдими?» ёки «Асирни текширириш учун бугун табиб олиб келасизми?» деган сўзларнинг маъносига тушунди. «Табиб ҳозирча келгани йўқ» деган жавобни олган бу хил такалар қандай келган бўлсалар, ўшандай тезлик билан орқаларига қайтишарди.

Бироқ улкан гавдаси ва қалин терили юзига мос тушмаган, думалоқ доғдай, кичкина ошиққа монанд

бурунга эга бўлган бир киши табибнинг ҳали келмаганини эшитса-да, тезда орқасига қайтишга шошилмади. У ёмон назар билан теварак-атрофни кўздан кечирди. Унинг диққат-эътиборини кўпроқ тортган жой – Блоквил яшаган кулба бўлди.

Блоквил офтобрў жойга тўшалган кигиз устига бориб ўтиргандан кейин, бу суллоҳ киши кулбанинг ичкарисини алоҳида текшириб чиқди, орқа томонга чўзилиб кетган марзага эътибор билан назарини қаратди. Ҳар нарсага қараганини гўё билдирмасликка ҳаракат қилиб, тутқуннинг бўй-бастига ҳам ажабтовур кўз ташлаб олди...

«Кўжуқнинг боғи» деб ном олган жойдан от миниб келган табиб аёл кексайган бўлишига қарамай, истараси иссиқ, оёғига маҳси кийиб олган, қўли енгил эмчи экан. Блоквил табиб аёлнинг санчган наштарининг оғригини сезмади ҳам. Тутқуннинг: «Чорвадор юрт табиби эски дард устига янгисини ҳам қўшиши мумкин», деган хавотири нотўғри бўлиб чиқди. Бибижамол табиб хастанинг чап қўлидаги наштар санчадиган жойини қандайдир бир гиёҳнинг ҳиди келиб турган суюқлик билан яхшилаб артди. Топ-тоза, оппоқ матога ўраб келган наштарининг учини ҳам ўша суюқлик билан бир неча бор тозалади. Хуллас, у ўз билганича эҳтиёткорлик чораларининг барчасини бажарди. Тутқундан қон олиниб, наштар санчилган жой яхшилаб ўралди.

Кўжуқлик табиб орқасига қайтмоқчи бўлганида ҳам хаста ва унинг хўжайинлари кайфиятини кўтарадиган бирор сўз айтмади. Унинг фикрига кўра, қон олиш тутқуннинг кўзи оғриfiga жуда самарали даво бермаслиги ҳам мумкин экан. Шу сабабли, икки кун ўтгач, беморнинг ўзини Кўжуқ қишлоғига олиб боришини, ёки ўзи Кўнғир қишлоғига яна келиб кетиши зарурлигини билдиради.

Бибижамол табиб кетиш учун ўрнидан турганда, Блоквил унга:

— Менинг сизга «минг бора ташаккур» дейишдан бошқа берадиган хизмат пулим йўқ. Сизни Яратганинг ўзи паноҳида сақласин, опажон! — деди.

Оқморол айтилганларни туркманчага таржима қиласар экан, табиб «опажон» деган сўзни эшишиб жилмайди.

— Менга ана шу олқишдан зиёд бойлик керак эмас, эй тангри бандаси. Сени ҳам, бизни ҳам Оллоҳ ўз паноҳида асрасин!

... Эртасига уйқудан туриб, кўзлари очилган тутқун кўзларининг кўриши олдингидан тузукроқ эканини сезди. У гўё бандиликдан озод бўлгандай қувонди. Аммо, қувончи узоқча чўзилмади. Осмонда офтоб чараклаб турса-да, пешинга яқин кўк юзини булат қоплагандай, яна ёруғ жаҳон қорая бошлади. Күёш порлаб турар, осмонда ҳеч қандай булат кўринмас, ёруғ жаҳонни қоронги қопламай турган пайтда, бу нима гап? Хуллас, тутқуннинг кўз кўриши ёмонлашгани аниқ бўлди.

Блоквил яна кулбадан чиқишга мажбур бўлди. Ёруғ олам ичига ўзини қанча урмасин, теварак-атроф аввалгисидан тиникроқ бўлмади. Кўзлари кўриши ёмонлашганига шунда у бутунлай ишонди.

Юсуфхон номидан уни қидириб келган тижоратчи пайдо бўлгандан буён Блоквил уй әгаларининг, хусусан, Эгамурод қўнғирнинг муносабати ўзига нисбатан яхшиланганлигини сезди. Теварак-атрофдаги аёллар, бола-чақа унга меҳр кўзи билан қарашар, имконлари бўлди дегунча, унга мулојим сўз ташлаб ўтишарди. Эгамуроднинг доимо қовоғи солинган турқ-автори ҳам очилгандай эди. Шу сабабли, ташқарида нималар биландир овора бўлиб юрган Аннабибини пайқаган Блоквил:

— Опа, Оҳморол борми? — деб сўради тортинарди.

Асири соғ-саломат юрганида Аннабиби ҳар қандай сўроқча жавоб беришга эридан тортинарди. Бироқ

ҳозир сўроқни эшигдан заҳоти Оқморол турган уй эшиги олдида ҳозир бўлди.

— Оқморол, ташқарига чиқ! Сени тутинган эркак қариндошинг чақиряпти.

Оқморол ташқарига чиқиши билан, бугун ҳеч каерга иш билан кетмаган Эгамурод қўнғир ҳам сиртда пайдо бўлди.

Блоквил ўз ташвишлари билан уй эгаларини безовта қилганлиги учун оғабегидан кечирим сўради. Кейин ўзи йўлиқкан хасталикнинг кўз оғриғидан бошқа касал бўлганида уларни мутлақо безовта қилмаган бўлишини айтиб, ҳозирги аҳволини Эгамуродга баён қилди.

— Агар оғабек табибни бу ерга олиб келтиришни қийин кўрса, мени у яшаётган қишлоққа олиб борсинлар. Мен от орқасидан пиёда юриб боришига ҳам розиман. Мен ўз аҳволимни биламан. Кўзимнинг кўриши ёмон, тезроқ чораси кўрилмаса, кейин кеч бўлади...

Эгамурод бугун ҳам отга миниб Кўжук боғига боришига ҳаваси йўқ эди. Кўнғирдан Кўжукқача икки фарсах чамаси йўл юриш, орқага қайтиш, кейин яна табибни уйига элтиб қўйиш лозим. Бироқ Эгамуроднинг одамийлик туйфуси, такаббурлик туйфусидан устун келди. У бир оғиз сўз демай, отхона томонга юриб кетди.

Блоквил Оқморолга миннатдорчилик билдириди.

#### 44

*.. Туркманлар менга кишиши, қант, шифобахш  
сув аралашибтирилиб ишланган  
дорини кўзимга босишни маслаҳат беришди.*

**Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Эгамурод пешин вақтидан анча ўтиб Кўжук боғидан қайтиб келди. У кетганида ёлғиз от билан кетган бўлса, орқага икки отлик бўлиб қайтди. Эгамурод минган отнинг ортида ўн-ўн икки яшар

ўғил бола ҳам мингашиб олганди. У табибнинг набираси эди.

Отдан тушган табиб вақт кетказишни истамай, ўз ишига киришди. У, аввало, Эгамуроднинг аёлига ўчоқقا ўт ёқиб, қозон ичини сувга тўлдириб қайнатишни буюрди. Аннаби дарҳол ўт ёқди. Оқморол эса ўз уйидан кичикроқ қозон олиб келди. Бибижамол табиб хуржундан турли-туман матолардан тикилган ва ичига малҳамлар солинган халтачаларни чиқара бошлади.

Шу пайт антиқа томошага шошилгандай, теварак-атрофда тўрт-бешта аёл пайдо бўлди. Уларнинг орқасидан аёллардан ҳам ўта қизиқувчан бир гуруҳ болалар осмондан тушгандай чуғур-чуғурлашиб келишди.

Кечаги офтобрў жойга тўшалган кигиз устида қовушмаган ҳолда чала чордана қуриб ўтирган Блок-вил текин томошибинларнинг атрофда уймалашиб-ўралашиб юрганини хоҳламаётгандай бўлса-да, бироқ уларга қарши бирор нарса дея олмади.

Тутқиннинг хаёлидагини уққандай, Оқморол:

— Нима бало, одам кўрмаганмисизлар? Боринглар, ўз уйларингиз олдида ўйнанглар! — деб болаларни хаста ўтирган жойдан узоқлаштириди.

Аслида болаларга айтилган бу танбех, катталарга ҳам мўлжалланганди. Бола-чақалар орқага қайтишса-да, полиздаги қўриқчидаи узун лачакли аёллар ушбу сўзни эшитмагандай жойларидан қимирлашмади. Улар хастанинг нак ёнбошидаги кигизда ўтирасалар-да, икки қадам нарироққа бориб ўтиришди.

Ўзининг табиблик ишлари билан банд бўлган кампир аёлларнинг саломига алик олса-да, уларнинг бемақсад ўтирганларини истамагандай, соғлиқомонлик сўрашмасдан ишга киришиб кетди.

Табибнинг бу сафарги қиласидаган давосини олдиндан билишни хоҳлаган тутқуннинг сабр-тоқати тугаб борарди. У фирт саводсиз табибларнинг кўлидан зўр иш келишига ҳеч вақт ишонмасди.

Уларнинг чиққан жойни ўз ўрнига солиши, синган-янчилган жойларни усталик билан даволаганини фаранг тутқун эшитган, бироқ кўз сингари нозик бир аъзони даволай олишларига иккиланиб ўтиради. Оғабеги Эгамурод айтгандай: «Қош қўямиз деб, кўзни кўр қилмайлик!» деган нарса юз берса-я?! У вақтда, атрофни чала-чулпа бўлса-да, кўриб турган кўзларидан ажралиши — ўлим дегани-ку!

Ўчоқ бошида ўзларига топширилган ишларни қойилмақом бажарган Аннабиби билан Оқморол ҳам яқин келиб, табибнинг навбатдаги кўрсатмасини кутиб туришди. Табиб кампир:

— Бу бечорага кечаги қон олганимиздан кейин новвот суви берилдимикан? — дея Аннабибига қаради.

— Ҳозирги қаҳатчиликда новвотни қаердан оламиз, опажон! — Аннабиби кинояномуз жилмайди. — Новвот топсак, ўзимиз ҳам жон-жон деб ер эдик шу паллада.

Жавоб табибга маъқул бўлмади. У Аннабибига хўмрайиб қия қаради.

— Топилса-ку, ўзимиз ҳам еймиз, бироқ хаста билан согнинг тафовути кўп-да, бой келин! Ўзимиз новвотни қаҳатчилик ўтгандан кейин есак ҳам бўлаверади. Лекин хастага ўз вақтида бериш керак.

— Табиб опа нима қилмоқчи бўляпти? — Блоквил Оқморолдан ялинчоқ оҳангда сўради. — Агар сир бўлмаса, олдиндан айтиб, мени хотиржам қилсалар яхши бўларди.

Бибижамол табибнинг чехрасида табассум зохир бўлди ва фаранг тутқуннинг олдида турган очиқ халтачаларга қўлини узатиб деди:

— Ана, барча малҳам тайёрлайдиган дориларим шу ерда турибди. Очиқ турган нарсада сир бўлмайди, тойчоқ! Оллоҳга шукур, кўзларинг ҳали ок-корани пайқаяпти. Иншоолоҳ, яхши ҳам бўлиб кетади!

Кейин яна Блоквилга қаради-да:

— Бу — кишиш, булар эса — қант билан тоф суви. Манави эса озгина қорадори. Кўрқма, Бибижамол

табибда ёмон нарса бўлмайди. Манов кишмиш илиқ сувда ювилиб, тоза жойга ёйилгач, устига оппоқ дока ташлаб қуритилган. Унинг устига пашша, чивин, ари каби ҳашаротлар қўнгандай эмас. Бу кишмиш — Кўжук отамиз боғининг юртга машҳур узумининг қуритилгани. Бундай кишмиш ҳеч қаерда йўқ. Ҳозир шуларнинг ҳаммасини қайнатамиз. Олов деган нарса барча заарли кушандаларга қирон келтиради. Сен, Оқморол қизим, шундай деб бунга тушунтириш, хўпми? Ҳеч безовта бўлмасин. Унга кўз керак бўлса, Бибижамол табибга обрў керак!.. Менинг қўлларим эмас, Биби Фотима онамизнинг қўллари, қани, бошладик! Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!..

Кейин табиб халталардаги нарсалардан керагича олиб-олиб, оппоқ матонинг устида аралаштириди. Энди улар қуюқ ҳолга келгунча қайнатилиши лозим эди.

Табиб кутган қуюқ малҳам тайёр бўлгунча анча вакт ўтди. Ўзаро келишиб олингандай, ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу ҳолат ўта қизиқувчан Блоквилни сўзлашга мажбур қилди:

— Сизнинг ушбу малҳамингиз билан шу пайтгача менга ўхшаш нософ тузалганми, опа?

— Оллоҳ шифо беради, мен Яратган эгамнинг кароматини олдиндан сезадиган авлиё эмасман, хон ўғил! — деб халтачаларни тартибга келтираётган табиб тутқуннинг юзига қарамай гапирди. — Бироқ ана шу малҳамлар Оллоҳ бандаларига фойдаси тегмаганида эди, табиблар бу нарсаларни олтин-кумушдай авайлаб, ўзлари билан кўтариб юрмасдилар.

Табибининг жавобидан қониқиш ҳосил қилган бўлса-да, Блоквилнинг юрагидаги ташвиш ҳовури пасаймади. Аксинча, даволаш вақти яқинлашган сайин беҳузур бўла бошлади. Ҳозир у теварагидаги одамларни чала-чулпа бўлса-да, кўриб турибди. Табиб аёлнинг ўз ишини пишиқ-пухта билиши ҳаракатларидан билиниб турар ҳамда уни барча кўриб турарди. Атрофда ит-мушуклар ҳам айланиб

юрибди. Яқин келтирилмай, орқага қайтарилган болалар қўшни уй ёнбошида у ер-бу ерда тўдаланиб, табибга томон қараб туришибди. Ана, қишининг хабарчиси ола ҳакка ўтирганлар устидан учиб ўтди. У, ҳатто, табибининг ҳозир халтачасидан чиқарган оппоқ матосини ҳам кўряпти... Ёруғ жаҳон билан бундай мuloқот энг сўнгги марта рўй бериб турган бўлса-чи? Қорадори, қант, тоғнинг шифобахш суви, кишмишдан тайёрланган қуюқ малҳам эртанги тонгда чиқадиган офтоб юзини абадий тўсиб қўймайдими?

Қайнатилган малҳамни табибининг олдига келтиришди. Малҳам бироз совигач, Бибижамол табиб уни икки дона думалоқ кўринишли шаклга келтирди. Кейин аёлларнинг бирини ёрдамга чақирди. Кўмакка Оқморол келди.

Оқморолнинг қўли яланғоч бўйнига текканда, Блоквил унинг бармоқлари қалтираётганини сезди. Эркак кишининг танасига-танаси теккан ёш соҳибжамолнинг ҳам баданида титроқ пайдо бўлди. У ўзини йўқотиб қўйди. Қўлини асирнинг бўйнига олиб борар, яна тезда орқага оларди.

— Маҳкамроқ тутсанг-чи, она қизим! — дея табиб кампир Оқморолнинг қўлини ўз қўли билан қаттиқ босди. — Нима бўлди сенга, бўшашиб қолдинг? Қаттиқроқ ушла унинг бошини!

Ёш заифанинг кафтидаги ҳарорат тутқунга ҳам ажиб таъсир этди. Бир зум хушини йўқотгандай ҳам бўлди. Бироқ Блоквил ҳеч нарсани сездирмай, дарҳол ўзини қўлга олди. Нозик, мулоийим кафтдан ўз танасига ўтган ёқимли ҳароратни у узоқ вақтларгача унутмай эсда сақлаб қолди.

Табиб тутқунга иккала қўзини катта очиши буюрди. Истаги амалга ошгач, унинг товуши мулоийим жаранглади:

— Бисмиллахир роҳманир роҳим! Одам одамнинг тафтини олади! Инсон инсонга сабаб бўлади! Бу — Бибижамол элти Дурди Худойназар келинининг қўли эмас, илоҳи Ҳазрати Луқмони ҳакимнинг қўли! Ё Оллоҳ, ўзинг мададкор бўлғайсан! Ё Ҳазрати Луқмон! Биби Фотима!

Тутқуннинг катта-катта очилган кўз гавҳарлари устига малҳамлар илиқина бўлиб ёпишди. Малҳам устидан пахта қўйилиб, оппоқ дока билан боғланди. Доканинг устидан иссик рўмол ўралди.

— Ўрнига олиб бориб ётқизинглар!

Шу дамда, чақириқни кутиб тургандай Эгамурод пайдо бўлди. У асирнинг қўлларидан маҳкам ушлаб, фарангни ўрнидан турғазди.

Бибижамол элти Дурди Худойназар келини сўнгги маслаҳатини берди.

— Кўзлари бироз оғрийди. Оғрифига чидасин. Кўзларидан шовуллаб ёш оқади. Қанча оқсада, боғланган рўмолларни белгиланган вақтгача ечмасин!..

Барча кўрсатмалар табибнинг айтганидай бўлди. Кулбасига етиб боргач, Блоквилнинг қовоқлари ачиша бошлади, бирмунча вақт ўтгандан кейин кўзидан шовуллаб ёш кела бошлади. У барча оғриқларга сабр-тоқат билан чидади.

Блоквил узун қоронфи кечани тикка туриб ўтказди. У вақтнинг кундузлигини ҳам, қора тунлигини ҳам пайқамасди. Унинг учун вақтнинг барча кундузлари қоронфи тунга айланган эди. У фақатгина тахмин қиласди. Шунинг учун ҳам кулбанинг ичидагимнинг пайдо бўлганини сезганда, ҳали ҳам тонг отмаган бўлса керак деб ўйлади.

— Жорж, уйғондингизми? — деди таниш овоз.

— Ухлай олмадим.

Келган Оқморол экан. Унинг қўлида катта коса бор эди.

— Мен сизга новвот суви олиб келдим, Жорж.

— Менга ҳеч нима керак эмас, Оҳморол, — деди Блоквил одоб билан. — Мен тутқунликка ҳам, қийинчиликка ҳам чидайман. Фақат кўзим яхши бўлиб кетса бўлгани. Ҳамма орзу-умидим шунда.

— Кўзингиз очилиши учун ҳам новвотли сув ичишингиз керак. Табиб хола шуни қатъий тайинлаб кетди, ахир.

Ўзига томон узатилган катта косани пайпаслаб топганида, фарангнинг бармоқлари Оқморолнинг билагига тегди. Бу ҳолат кўз очиб-юмгунча вақт ичидан рўй берган бўлса-да, асиринг совқотган бармоқлари бир зумда исиб кетгандай бўлди.

— Ёмон қунларнинг ичидан ҳам баҳтли фурсатлар бўлар экан-да!

Тутқун бу сўзларни новвотли сув ҳақида айтдими ёки ўзи ҳақидами, аниқ фаҳмлай олмаган Оқморол пичирлади:

— Тезроқ ичинг. Мен косани олиб, орқага тез қайтишим керак, Жорж!

Катта коса лиммо-лим қилиб тўлдирилган новвотли сув Блоквилнинг баданига ёқимли, ҳузурбахш ҳисларни ёйиб юборди.

## 45

Қўжуқли табибининг белгилаб қўйган вақти келганда, Блоквилнинг кўзидағи рўмол ва докаларни ечиб олишди. Улар олинган вақтда асирининг кўриш ҳолати жуда ҳам мақтарли эмасди. Бироқ, аста-секинлик билан ёруғ олам кўзлари олдида равшанлаша бошлади. Пешинга яқин тутқуннинг кўриши аввалгидай бўлмаса-да, анча яхшиланди.

Бундан қувонган фаранг йигит ўзини янгидан туғилгандай ҳис қила бошлади. У ёруғ оламни қайта кўраётганига суюниб, бандилигини ҳам, ўтиб кетган қора қунларини ҳам эсидан чиқарди. Албатта, бу ҳолат ўткинчи лаҳзалар эди.

Бир ҳафтача вақт ўтгач, Блоквил бутун умри давомида Кўжуқ боғидан келган Бибижамол табибни әслаб юрадиган даражага етди, кўзи мутлақо оғриқлардан холи бўлиб, кўриши ҳам аввалги ҳолатига қайтди. Кўзи билан боғлиқ хавф орқага чекингач, эски дарди — озодликка чиқиш истаги янгидан куч ола бошлади.

Бир куни пешинга яқин Эгамуроднинг ҳовлисида иккита аёл пайдо бўлди. Уларнинг иккаласи ҳам ўрта ёшлар атрофида эди. Ташқи қўринишидан, белларига маҳкам боғланган белбоғларидан, уларнинг жуда узоқлардан келганлиги аён бўлди. Блоквил бу аёлларнинг ўзини излаб келганлигини мутлақо хаёлига кўлтирган эди. Аксинча, у уруш ташвишларидан халос бўлган хотин-қизлар эндиликда қариндош-туққанларнига меҳмондорчиликка бора бошлабди-да, деб ўйлади. Шунингдек, баҳор ташвишлари ҳам олдинда бўлгач, ҳозирги иш кам вақтда такаларнинг қишлоқма-қишлоқ меҳмон бўлиб юришларига имконият туфилган эди.

Аннабиби ташқарига чиқиб, улар билан омонлашгач, қўшни уйдан Оқморолни ҳам чакирди. Оқморолни доимо фаранг билан гаплашмоқчи бўлганда тилмочликка чакирар эдилар.

Бир пайт Оқморолнинг орқасидан эргашиб икки аёл ҳам кулба томон кела бошлишди. Ана шундан кейингина Блоквил бу аёллар ўзи билан боғлиқ бир ташвиш билан келганини тахмин қилди. Аммо, бу аёлларга ўзининг нима учун керак бўлиб қолганлигини тушунолмади. Устига-устак, аёлларнинг орқасидан қараб қолган Аннабиби нима учундир маънодор кулемсираб турди. Унинг сирли жилмайгани ҳам тутқун учун тушунарсиз эди. Кулба эшигига яқинлашиб келган Оқморол ҳам жилмайишга мойил кўринди. Хуллас, ҳаракатларнинг барчаси Блоквил учун ҳам кулгили, ҳам сирли бўлиб қолаверди.

Келган аёллар асирга салом беришди-да, кулбанинг ташқари тарафида ўтиришди.

Оқморол меҳмонларнинг нима мақсадда келганини баён қилди. Хабарни эшитган Блоквил Эгамуроднинг аёли нима учун жилмайганининг маъносига энди тушунди. Гапнинг тагига етгач, тутқуннинг ўзи ҳам ҳаҳолаб кулиб юборганини сезмай қолди.

Аёллар Блоквилни азайимхон, жоду билан дуо қилувчи мулла деб билиб, ундан кўмак истаб келишган экан.

Тушунмовчиликлар бироз сусайгач, Блоквил деди:

— Менинг дуо-жодуга ҳеч ҳам боғлиқ эмаслигим ҳақида опаларга тушунтириинг, Оқморол. Мен бу нарсалар билан ҳеч қачон машғул бўлмаганман ва бунга ишонмайман ҳам.

Оқморол тутқуннинг сўзини тушунтирганида, келган аёлларнинг бири:

— Қўли ва тилидан келадиган ёрдамни тангри бандаларига бахш этса, савоб бўлишини сен ҳам унга тушунтиргин, асал қиз! — дея худди Оқморолдан гина қилгандай бир четга қараб гапирди.

Оқморол ҳали айтилганларни таржима қилиб ултурмасдан, иккинчи аёл ҳам:

— Сен, асал қиз, унга айт. Ўзининг азайимхонлигини яширмай қўя қолсин, — деди. — Биз унинг дуохон, жодугўй эканлигини аниқ билиб келдик. Бу фаранг мулланинг ҳақиқий азайимхонлигини Хонўтган бозорида ҳозир ҳамма гапираётиби. Одамлар билади, бўлмаса у оғизга, тилга тушмасди.

Блоквил яна кулиб юборди.

— Мен, ҳатто, мусулмон ҳам эмасман-ку, опалар. Католикман. Шунга яхши тушунинглар, ахир!

Аёлларнинг иккаласи ҳам норози оҳангда бошларини чайқашди. Ҳатто, уларнинг бири ўзининг жуда билағонлигини ҳам яширмай, яна гапира бошлади:

— Азайимхон фақат бизларда эмас, шиаларда ҳам учрайди, асал қиз. Биз буни ҳам биламиз.

— Шиалар ҳам сизга ўхшаб мусулмон, опа! — Блоквил тушунтироқчи бўлди. — Шиалар ҳам сизлардай. Лекин шиалар Ҳазрати Алининг йўлини маъқуллашади. Туркманлар эса сунний Муҳаммадни ўзларининг пайғамбари билиб, уни улуғлайдилар.

— Ана, кўрдингми?! — деб иккинчи аёл фаранг мулланинг нафаси кучли эканлигига гўё тушуниб етгандай шеригига қаради. — Айтдим-ку, мен, бу ҳамма нарсани биладиган азайимхон деб.

Иккинчи аёл ҳам ўз фикрини маъқуллашга киришиди.

— Бизлар бунинг мусулмон эмаслигини ўзи айтмаса ҳам биламиз. Бу азайимхон бизларнинг жуда узоқ жойдан яёв келганимизни билсин-да, асал қиз. Шуни айт.

Тўсатдан бу аёлнинг дийдаси тўлиб, йиғламсираб сўзида давом этди:

— Аннамуроджоним неча ойлардан бери тиниқиб ухлай олмаяпти! Уйқуси қуш уйқусидай. Озгина ухлайди-да, уйғонаверади. Уйғонади, озгина ухлайди. Бормаган табибимиз, таъзим қилмаган мулламиз қолмади, асал қизим. Шу сабабли, фаранг азайимхоннинг бизга раҳми келсин! Шуни сен унга яхшилаб тушунтиргин, қизим, хўпми.

Охири гаплар тушунтирилганда «фаранг азайимхон» ибораси қулогига чалинган Блоквил яна кулиб юборай деди-ю, лекин олдида бошидаги рўмоли билан кўз ёшини артаётган аёлнинг кўринишидан унинг ёрдамга, далдага муҳтоҷлигини англаб, ўзини кулгидан тийди.

Йиғлаб бироз ўзини тутиб олган аёл яна Оқморолга қараб деди:

— Жон сингилжон, сен унга айт, ахир. Бизнинг зоримиз бор, зўримиз йўқ. Бизлар ҳамма воқеадан хабардормиз. Яширишга ҳаракат қилманлар. Бир бола дарёга фарқ бўлгач, уни ярим кундан сўнг сувдан топишибди. Деярли ўлган болани мана шу фаранг азайимхон ўзига келтирибди. Шуни ҳам эшитдик йўлда. Бўлганми шундай воқеа, бўлган экан, ана... Келаётганимизда фаранг мулла ҳақида сўрасак, «У ўзининг сўқир бўлаёзган кўзларини дуолаб, фол очиб тузатди», деб айтганлар ҳам бўлди. Ҳар бир нарсанинг бўлиши, аввало, Оллоҳдан.

Бироқ, фарангнинг ҳам бизга раҳми келсин! Шуни яхшилаб тушунтири, жон сингилжон! Илоҳим сени ёмон кўзлардан сақласин, ҳеч қачон дард кўрмагин! Бизнинг бахтимизга бунинг тилини тушунадиган сен бор экансан. Бирорта сўзимизни қолдирмасдан унга айт, қизим...

Оқморол уларнинг истакларини бажарди, бирорта сўзни ўзгартирмасдан тутқунга етказгач, ҳамма фарангнинг жавобини кута бошлади.

— Мен энди нима қилишим керак? — дея, ўз навбатида, Блоквил тилмочлик қилиб турган қизга савол берди.

Оқморол жим турди. Бу жимлиқдан ўзича маъно чиқарган аёл шошилди.

— Нима деяпти, қизим?

Аёлларнинг умидини пучга чиқаришни хоҳламаган Оқморол ёлғон сўз ишлатди.

— Ўйлаб кўришим керак, деяпти.

Ҳалигина йиғлаб турган аёлнинг юзи ёришиб кетди.

— Ана, кўрдингми? Ўйлансиң, асал қизим, яхшилаб ўйлансиң. Эртагача ўйланса ҳам биз ташқарида унинг жавобини кутиб туришга розимиз. Аннамуроджоним ухлолмаяпти, ахир!

Блоквил меҳмон аёлларнинг ўзларига маъқул жавоб олишларга қатъий бел боғлаганларига кўзи етгач, узоқ вақт ўйга толди. У мусулмон дуохонлари, муллаларининг беморларга, ўзларига ишонган одамларга қилган таъсирлари тўғрисида кўп китоб ўқиган, кўп нарсаларни эшитган ҳам эди. Бундан ташқари, Эрон ҳудудига кириши биланоқ ўша дуохон-азайимхонларни ўз кўзи билан кўрганди, носоғларнинг уларга ишонишларига ҳам шоҳид бўлганди. Қожор қўшинларининг ичидаги дуо ёзиб берадиган куф-суф қилиб дам соладиган саводхон сипоҳилар ҳам жуда кўп эди. Улар бир неча бор нақ Блоквилнинг кўз ўнгидаги туз, сув, ейдигани чадиган нарсаларга, нонга дам солишарди. Улар

томонидан дам солинган нарсалардан кўпчилик сарбозлар наф кўришарди. Ўша пайтда Блоквил бу хил қуф-суфларга ишончсизлик билан қараганди. Бироқ у рўй берган бир неча воқеага гувоҳ бўлгач, ишонч ва ихлос кўрсатган натижани кўриб янада ҳайрон қолганди.

Бир гал француз капрали сурнайчилар гурухининг диний маслаҳатчиси билан гаплашиб турганида, ўрта яшар сарбоз унинг ёнига келиб дардини айта бошлади. Сарбоз деярли ҳар соатда ҳожатхонага боришга мажбур бўлаётганини, натижада уйқудан қолганлиги учун мазаси қочиб бораётганини айтиб, ундан ёрдам беришни илтимос қилди. Азайимхон-дуохон энг олдин сарбознинг икки кўзи ўртасига кўрсаткич бармоғини босди. Сўнгра унинг кўз қорачигига ўзининг ўткир назарини қаратиб, сарбоз учун тушунарсиз бўлган араб тилида бир нарсалар деб дуо ўқиди. Жодугўй азайимхоннинг айримлари тўғри, баъзилари нотўғри айтган сўзлари арабча эди. Блоквил араб тилини яхши биларди. Азайимхон олдида турган сарбозга фақат яхши тилаклар айтарди. Сўнгра дуохон араб тилидан форсчага ўтди-да: «Шу бугундан бошлаб ҳар куни бир марта, тонг отаётганда ҳожатга борадиган бўласан», – деди. Унга миннатдорчилик билдирган сарбоз ўз иши билан кетди. Ўшанда унинг орқасидан қараб қолган Блоквил ичида: «Сени мазах қилишиди-ёв!» – деб пицирлаб қўйганди. Сўнгра, «Сизнинг қуф-суфингиздан бунга бирор наф тегармикан?» – деб сўраганди. Азайимхон қатъий ишонч билан: «Эртага бориб, ўзидан сўраб кўр. Нақ менинг айтганимдай бўлади», – деди. Блоквил ўшанда ўзича дуохоннинг устидан ҳам кулганди.

Мазкур воқеа сал бўлмаса Блоквилнинг ёдидан чиқай деган экан, ҳозирги ҳолат ўша воқеани яна ёдига солди... Ўшанда, орадан уч-тўрт кун ўтгач, Блоквил яна тасодифан дуч келиб қолган ўша азайимхон билан дунё ташвишлари ҳақида сўзлашиб

турганида, ичи бузилиб, ҳожатга тез-тез борган сарбознинг ўзларига қараб келаётганини кўрди-да:

— Жаноб, сизнинг bemorингиз яна келаётганга ўхшайди, дейман... — дея мазахомуз жилмайди. — Ичи тўхтамаган бўлса керак!

Азайимхон суҳбатдошининг мазах оҳангидаги сўзи ва қулишини гўё тушунмагандай:

— У ҳозир бошқа ташвишлар билан келяпти, — деди.

— Эрта тонгдан қоронғи кечагача ичқуридан қўлини олмаган сарбознинг ҳожатхонага боришдан бошқа қанақа ташвиши бўлсин, жаноб?

— Уни ҳозир ўзинг эшитасан!

Етиб келган сарбоз азайимхоннинг олдида таъзим қилиб салом берди.

— Илтимосим бор эди...

— Айтавер! — деган дуохон сарбоздан олдин ўзи савол берди. — Ичинг тўхтадими?

— Ичим яхши бўлди, аммо...

Блокиил азайимхоннинг юзига қойил қолиб қаради. Ишидан мамнун азайимхон мафур кўри-нишда французга қарамаган ҳолда гердайиб қўйди.

Сарбоз ўз аҳволини айта бошлади.

— Ичим кетиши дарҳол тўхтади, лекин яна ёрдамингиз керак бўлиб қолди...

— Сенга энди нима керак бўлиб қолди?

— Сиз менга тонг отаётган пайтда ҳожатхонага борадиган бўласан дегандингиз. Бироз қийинроқ бўляпти менга, уйқунинг ширин вақти уйғониш оғир бўляпти...

Азайимхон илтимоснинг маъносини дарҳол ту-шунди.

— Офтоб чиққан вақтни белгиласам бўладими?

— Жуда яхши бўларди.

Азайимхон-дуохон бундан уч-тўрт кун олдин қилган ҳаракатларини, арабча сўзларни такрорлади-да, сарбозга фотиҳа берди.

Ҳожати жойига тушган сарбоз хуш кайфиятда орқасига қайтиб кетди.

Ўша фурсатда ўз тахминининг нотўғри бўлиб чиққанини тан олган Блоквил: «Қадимги Хитой табиблари bemорни ширин сўз, тўғри маслаҳат, руҳий қўллаб-куватлаш билан даволаганларининг асоси бор экан-да», деган хуносага келганди.

... Мана, қаршисида ўтирган икки нафар аёлнинг ёрдамга муҳтож назару қарашларини кўриб турган француз ўша сарбоз воқеасини яна эсига олди. Шу аснода у азайимхон, куф-суфчи дуохонлар қилган хатти-ҳаракатларнинг борадиган бошқа жойлари бўлмаган оддий халқ вакилларига керак эканлигини, ҳатто, зарурлигини ҳам фаҳмлади.

Блоквил Оқморол орқали хастанинг неча яшарлигини, нима иш билан шуғулланишини, орик-семизлигини сўраб-сuriштириди.

Ухлай олмайдиган bemор — ўн олти яшар ўсмири, ўз тенг-тушларига қараганда ниҳоятда семиз, оғир гавдали, еб-ичишдан бошқани билмайдиган, ярим уйқули, ярим уйғоқ ётишни жуда ёқтирадиган йигитча бўлиб чиқди.

Блоквилнинг ўзига диққат билан қараганини сезган аёл, у биз олиб келган совфага қарайапти деб ўйлаб, қўлида ушлаб турган тугунчани узатди.

— Бўш қўл билан бормайлик деб шуни олиб келгандик. Фаранг мулланинг зора нафи тегса деб...

Блоквил тугунчани очди. Унинг ичидан ҳар бир донаси худди товуқ тухумидай келадиган қуритилган пайванди ўрик чиқди. У ўрикдан икки ҳовучини тўлдириб олди-да, ҳидлаб кўрди. Сўнгра уларни бир бўлак оқ қофоз устига қўйиб, тикилиб қарай бошлади.

Фаранг мулланинг ҳар бир ҳаракатини эътибор билан кузатиб ўтирган икки аёл — тўрт умидвор кўзга айланди.

— Сизлар қайси қишлоқдан бўласизлар?

— Султониз қишлоғидан, мулла оға.

Кўзларини юмиб гўё ўйга толган Блоквил Марвга бостириб киргач, чизган ҳаритасини эслади. Султониз қишлоғи Марвнинг жануби-шарқий

томонига жойлашган улкан ўба<sup>1</sup> эди. Султониздан Самандиққача икки фарсах йўл бор эди. Орқага қайтсанг ҳам шу масофа.

Йўлларни фикран ҳисоблаб-ўлчаб олган Блоквил меҳмонларга топшириқ бера бошлади.

— Эрталабки намоз вақтидан сўнг бир отлиқнинг изига тушган беморингиз Самандиқнинг орқа томонидаги тепаликнинг атрофини уч марта пиёда айлансин. Бироз дам олгач, яна пиёдалаб орқасига қайтсин. Чарчаса ҳам отга минмасин. Қорни очиқса нон есин, чанқаса сув ичсин. Чой ичмасин. Уйқуси келса, ухламасин.

Ҳар иккала аёлнинг кўзи ўнгида ҳақиқий азайимхонга айланган фаранг, олган икки ҳовуч ўрикни уларнинг ўзларига қайтарди.

— Кеч оқшом кўрпага киришдан олдин ана шу ўрикдан бир донасини есин. Еган пайтида ўша ўрикнинг ўзини ухлата олишига ишонсин. Бу ўрик уни аниқ ухлатади. Бошини ёстиққа қўйганда ухламаса, азайимхон мулла ҳақида ўйласин. Мен шу ердан туриб уни ухлашга мажбур қиласман.

Аёлларнинг бири:

— Шуларни бажарса, ухлайдими? — деб шоша-пиша сўради.

— Азайимхон айтгандан кейин, албатта, ухлайди! — деб иккинчи аёл унинг тирсагига туртди. — Сен ҳозир кимнинг олдида ўтирганингни эсингдан чиқардингми?

Аллақачон кўнгли жойига тушган аёл ўрикларни иккала кафтида ушлаб турганича:

— Бир дуо ҳам ёзиб берсин, асал қиз! — дея Оқморолнинг юзига мулойим чехра билан қаради. — Сен, қизим, ишингни яхши бажардинг. Агар сен бўлмасанг, фаранг мулла бизнинг ҳолимиздан хабар ҳам олмас эди.

Блоквил бошлаб қўйган муллалик касбини охиригача қойилмақом қилиб бажарди. У бир парча

---

<sup>1</sup> Ўба — қишлоқ, овул.

ок қороз олди-да, ручкасини ўйнатиб узоқ ўйлаб ўтиргач, француз тилида «Суа коп аккомпли тут ле интенслон дэ бон жан!»<sup>1</sup> деган сўзларни ёзди.

— Буни нима қилиш керак?

— Уни кеч оқшомда хастанинг ёстифи тагига қўйинг!

Блоквил ушбу ҳаракатларининг барчасини оддий, содда одамларнинг кўнглини қолдирмаслик учун ўринли бажарди. У «дам» солган ўригидан, берган «дуо»сидан фойда чиқмаслигини сезарди. Бироқ Султониздан Самандикқача пиёда келиб қаттиқ чарчаган ҳар қандай одамнинг кечаси, ҳатто, туш кўрмай ухлашига ҳам ишончи комил эди.

Аёллар фаранг муллага, Оқморол ва Аннабиига ташаккур билдира-билдира, орқаларига қайтиб кетишиди.

Хотин-қизлар тилига тушган Блоквилнинг бундан буён фаранг азайимхон мулла сифатида обрў-эътибори бутун туркман диёрига тарқалиши эндиликда шак-шубҳасиз.

Блоквил шу дамда «гебанг» деб аталган ҳинд пальмасининг ўз умри давомида бир марта, унда ҳам умри тугайдиган йилида, куриб қолишидан сал олдинроқ гуллашини эслаб қолди. Унинг ўзи ҳам бу йил муллалик, дуохон-азайимхонлик қилиб, умрининг энг сўнгги қунларини ўтказмаётганмикан?

Блоквил ёдига тушган бу хил қиёсдан беихтиёр жилмайганини билмай қолди.

Аёллар жўнаб кетишгач, кўп вақт ўтмай, қудукдан сув олишга келадиган асир қожор кўринди. Сувга келган одамнинг қўлида қўза ёки сувқовоқ бўларди. Асир қожор эса узун қўлларини силкитганча, идишсиз келганди.

Қожор кулбанинг эшиги олдига келиб тўхтади-да, салом-аликни ҳам эсидан чиқариб, Блоквилга:

<sup>1</sup> «Яхши инсонларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқсин!»

— Оғабек! — деди ҳовлиқиб. — Мен ўз қулогим билан әшитган бир хабаримни сенга айтиш учун келдим. Шу кеча сени ўғирлашмоқчи, әшитдингми? Эҳтиёт бўл, оғабек!

Бу хабар нохуш бўлса-да, унинг моҳияти миясига яхши етмагани учун Блоквилга чивин чаққанчалик ҳам таъсир этмади.

— Ўғирлашмоқчи дедингми?! Ўғирлаб, нима, мен катта бир олтин ёмбисимиидим?

— Ҳа, ўғирлашмоқчи. Менга буни Кўкча қишлоғидан бизнинг хўжайин уйидан сомон олиб кетишга келган ҳамشاҳарим айтди.

— Мен ҳам сенинг каби оддий тутқунман. Биз кимга ҳам керак эканмиз? Агар бизни ўғирлашса, озод қилиш учун ўғирлашмайди, албатта. Тутқунликдан-тутқунликка ўтгандан кейин ҳам аҳволинг ўзгармай қолаверади.

— Унга баҳо бериш менинг ишим эмас, оғабек. Менинг бурчим шу хабарни сенга айтиш эди. Бирор фойдаси бўлмаса, тутқунни ўғирлаб, уни бекорга олиб қочишимаса керак? Сени сотиб олиш учун Эрон подшоси ваъда берганини барча бандилар билади. Уни туркманлар ҳам билишади. Менинг вазифам шуни айтиш эди!

Ана шу хабарларни айта-сола, эроний асир хайрлашмасдан орқасига қайтди. У Оқморол яшаётган уйнинг орқасидан ўтиб кўздан ғойиб бўлгач, Блоквил сал ўзига келди. Тутқун олиб келган хабар, айниқса, шоҳ Насриддин берган ваъда ҳақидаги сўзлар унинг умидини янгидан жунбишга келтирди.

Блоквил ҳаяжонлана бошлади, ўзи тўғрисида эл-юрт орасида тарқалган асоссиз гап-сўзлар ҳақида ўйланди. Эгамурод уч-тўрт кун олдин ўз тутқуни учун олдин белгилаган баҳо устига яна бир неча минг туман пул қўшадиган бўлибди, деган хабарнинг моҳияти ҳам ҳозиргина унинг онгига бориб етди. Бир тутқуннинг кўл-оёғини боғлаб, бошқа қишлоққа олиб

кочиб, тўрт минг туман баҳо қўядиган туркманда қандай инсоф бўлсин?!

Блоквилнинг бошида яна қулфурушлар яшайдиган Бухоро, Хива деган шаҳарларнинг ҳам номи айлана бошлади. Катта пул ишлаш мақсадлари амалга ошмаса, ўғрилар оёқ изларини йўқотиш учун тутқунни баланд янтоқ фарами устига ташлаб, тагидан ўт ёқиб кетишдан ҳам қайтмайди.

Ана шундай хавфлар ҳакида ўйланган Блоквил сапчиб ўрнидан турди-да, тўғри Оқморолнинг қора уйига қараб юрди. У қанчалик тез юрган бўлмасин, уй остонасига етганда секинлашиб тўхтади ва Муҳаммадаваз полвонга овоз берди. Йўтал овози эшитиладиган уйдан жавоб бўлмади. Сўнгра фаранг Оқморолнинг номини айтиб чақира бошлади:

— Оҳморол! Ман Жорж ҳастам. Хоҳеш микўнам, аз хона бирун бийойид, баройэ шўмо хабари дорам<sup>1</sup>!

Эшик орқасидан совуқ ўтмаслик учун осиб қўйилган гиламчанинг сурилган овози эшитилди. Сўнгра эшик очилиб, қизнинг оппоқ юзи кўринди.

— Чэ хабар? Гуш микўнам. Бегуид<sup>2</sup>!

Блоквил эшитганларини айтганида ҳанг-манг бўлган Оқморол, гёй айтилган хавф худди ҳозирнинг ўзида рўй берадигандай ёқасини тутди.

— Буни сизга ким айтди?

— Таниш қожор маҳсус келиб айтиб кетди.

— Буни дарҳол Эгамурод оғамга айтишимиз керак!

— Сиз бўлмасангиз мен яхши тушунтира олмайман деб, бу ёқقا бостириб келавердим. Кечириңг мени!

Синглисининг асири орқасига эргаштириб, уй олдида пайдо бўлиши оғанинг жаҳлини чиқарди. Иккаласининг бирга юришини ёқтирмади. Эгамуроднинг овози бошқачароқ чиқди.

<sup>1</sup> Оқморол, мен Жоржман. Илтимос, ташқарига чиқинг. Сизга айтадиган хабарим бор! (форсча)

<sup>2</sup> Қанака хабар? Гапириңг, қулоғим сизда! (Форсча)

— Бу қанаңа юриш?! Бир-бириңизнинг изингизга тиркашиб келишиңизни қандай тушуниш мүмкін?

— Бугун тунда Жоржни ўғирлашар эмиш, Эгамурод оға!

Хабар ҳайратланарлы бўлса-да, Эгамурод ўзини йўқотмади.

— Уни сенга ким айтди?

Оқморол жавоб бериш ўрнига тутқунга қаради.

Агар тўғрисини айтса, хабар келтирган асириңинг калтакланиши мумкинлигини тахмин қилган Блоквил ҳақиқатни айтишни истамади.

— Кимдан эшитганим муҳим эмас, хабар муҳим, оғабек!

— Бу гапинг ҳам тўғри, фаранг мулла! Ҳа-а, шу гап олдин ҳам менинг қулоғимга чалинганди, демак, бу чинга айланибди-да! — дея Эгамурод бўйининг орқасини қашиди. — Шунчаки, гап-сўз деб ўйлагандим...

Эгамурод уйига кириб кетди. Кўп вақт ўтмай қўлида тўппонча билан қайтиб чиқди.

Кўшогиз фарангни тўппончанинг ўзиники эканлигини билган Блоквилнинг кўзлари чақнаб кетди.

Эгамурод яроғни асирига узатди.

— Бу сенда турсин!

Ўзининг тўппончасини зўр қизиқиш билан синчиклаб текшириб чиққан асириңинг оғзига, дастасига қаради. Тепкисини орқасига қайтариб кўрди. Кейин:

— Ўқсиз тўппончадан яхши калтак фойдали, оғабек! — деди.

— Шунақа деб ўйлайсанми? — Эгамурод илжайди. — Ўғри халқининг қўрқадиган нарсаси яроғ билан кўздир. Ўзинг биласан, кўзнинг ҳам ўқи йўқ. Таёқдан хайвон қўрқади. Эндиликда, худога шукур, иккала кўзинг ҳам соғ.

Оғабекнинг кўзни тилга олиши билан қилган яхшилигини эслатяпти шекилли, деб ўйлаган тутқун:

— Кўзим учун мен сиздан кўп миннатдорман, оғабек! — деди. — Агар сизнинг ёрдамингиз бўлмаса, бу вақтгача мен, балки, кўр бўлиб қолардим.

Миннатдорчиликни эшитиб хурсанд бўлган Эгамурод Оқморолга топшириқ берди.

— Сен унга айт, тўппонча ўқсиз бўлса-да, ёнида турсин. Туркманларда «Ўғрининг тоши бўш», деган гап бор. «Одам ботир бўлса-да, у ўғирликка чиқса, қўрқоқроқ бўлади», дегин. «Қўрқоққа ҳамма нарса кўша кўринади», деб тушунтири.

— Ўғрилар келса, мен уларга нима дейишим керак? Ўқсиз тўппонча билан нима деб ўзимни ҳимоя қиласман?

— Тўппончани ўғрига тўғрилайсан-да, «ҳозир отаман!» деб қичқираверасан. Ўғрининг яна қўрқадиган нарсаси — шовқин-сурондир.

Блоквил кулбасига етгунча, «ҳозир отаман!» деган сўзни такрорлаб борди. Кейин уни дафтарига ёзил, французча таржимасини ёнига қўшиб қўйди...

Кудуққа тушиб кетган болакайнинг отасидан совфа сифатида олган силкма телпакни бошига кийиб, эски кўрпага ўраниб олган тутқун миясидаги алғовдалғов фикрлар жунбишидан сира ухлай олмади. Бу шароитда у эрталабгача ҳам ухлай олмаслиги тайин.

Ташқари жимжит эди.

Кечалари нон-чойдан сўнг туркманлар одатга кўра бир-бирларининг уйига йиғилсалар, уйларига бориш учун ўринларидан турганда, «уйқуга ётиш пайти бўлди», дейишади. Фарангнинг тахминича, ўғри-пўғрилар, нияти ёмон одамлар фақат ана шу вақтдан кейингина мақсадларини амалга оширишга киришадилар. Ана шу фурсат яқинлашгани сайин Блоквилнинг ҳам ташвиши орта бошлади.

Блоквил ўз хўжайини Эгамурод қўнғирнинг асирини қўлидан чиқармаслик учун ҳаракат қи-

лишини тушунади. Бирок, бошқа бир нарсани фикрига сиғдира олмасди. Агар Эгамурод «Туткуни ўғирлатибди», деган ёмон номга қолмасликни истамаса, ёки у фаранг асири сотиб, мұлжалидаги маблағдан ажралишни хоҳламаса, у пайтда нима учун Блоквилни оғзи очық кулбада ёлғиз қолдиряпти? Нега у ёмон ниятли одамларнинг мақсадларини билса-да, асирини ўзи ётган қора уйига олиб ўтмаяпти? Агар у шундай қилса, ўз бола-чақасининг жони хавф остида қолади деб ўйлаяптымikan? Ёки у асир ўғирланса ўғирлансан, ўз бошим омон қолса бўлди, деб фикр юритяптымikan?

Тўсатдан кулба томон келаётган қора кўланка кўринди. Бу қоранинг нималиги аниқ бўлмагач, қоронги туннинг ичида кўланка ниҳоятда хавфли туюла бошлади. Келаётган қора кўланкани сезган асир хавфни муносиб кутишга ҳозирлик кўра бошлади. Бирок:

— Сен ҳали ҳам ухламадингми, фаранг мулла? — деган таниш овоз унинг кўнглига бироз таскин берди.

Эгамуроднинг улкан қора кўланкадай бўлиб келишининг сабаби бор экан. Унинг елкасида кигизга ўралган кўрпа-тўшак бор эди.

Ичи кўрпа-тўшакли кигиз ёнбошига гупиллаб тушгач, Эгамуроднинг мақсадига тушунган Блоквил:

— Сиз келди, оғабек? — деди.

— Ҳа, биз келди! — деб асирнинг чала сўзлашига мос оҳангда Эгамурод кулбанинг бир чеккасига кигизни ёйиб, унинг устига тўшагини, кейин ёстиқ-кўрпасини ташлади.

Эгамурод қўнғирнинг бу ҳаракатини ўзига кўрсатилган ҳурмат деб қабул қилган фаранг унга ёқадиган бир гап айтгиси келди. Бирок сўз бойлиги фариб бўлгач, истагини қисқача кўринишда ифодалаб қўя қолди:

— Яхши, оғабек, яхши!

— Албатта, яхши. Худога шукур, яхши! — қоронгида юз-кўзи кўринмаган Эгамуроднинг йўғон

овози тун зулматини ёриб юборгандай бўлди. — Бирдан икки яхши бўлади. «Ёлғизлик худога ярашади», деб ўшуллилар беҳудага айтишмаган.

Жавоб эшитилмагач, яна Эгамуроднинг ўзи гапира бошлади.

— Сен ҳам бизни деб ташвишга қолдинг, фаранг мулла. Биз ҳам сени деб кўп озор тортдик. Шунча тортган ташвишларимиз ҳарна ўз муносиб рафбатини олса экан.

Тилига яхши тушунмаса-да, ёнида ҳомийнинг пайдо бўлиши асирнинг руҳини кўтарди. Бундан ташқари, ҳам уй эгаси, ҳам қул хўжайинининг ўғриларга қарши туриш мақсадида иссиқ ўрнидан туриб, совуқ тунни қоронги кулбада кечиришга бел боғлаганлиги Блоквилнинг унга нисбатан меҳрини оширди. Зеро, тилига тушунмаса-да, камгап бўлса-да, энди Блоквил кулбада ёлғиз эмасди. Агар Эгамурод ухлаб қолса, зарурият туғилганда уни уйғотмоқ учун тутқун қоронги кечани типпа-тик ўтказишга ҳам рози эди.

Тўсатдан:

— Аҳволлар қандай, фаранг мулла? — деган овоз сукунатни бузди.

Эгамуроднинг ҳали ҳам ухламаганини билган тутқун дарҳол:

— Аҳвол нағз! — деди.

Бирор билан эмас, қоронги кулба билан сўзлашганида ҳам фаранг жуда хурсанд бўларди.

— Сен уйланганмисан, фаранг мулла?

Блоквил гап бошидаги ва охиридаги икки сўзнинг маъносини билса-да, ўртадаги асосий сўзнинг маъносига тушунмади. Эгамурод яна такрорлади:

— Уйланганмисан деялман мен сенга?

— Оғабек, мен тушунмади.

— Нима десам экан-а, сенга? Кайвонанг борми, кайвонанг?

Блоквил форс тилидаги кадбону деган сўзга яқин айтилган гапнинг маъносини фаҳмлади.

- Кадбону нест. Кайвона йўқ.
- Онанг борми?
- Онанг вор.
- Отанг борми?

Блоквил бу сўзга тушунмагани учун жавоб бермади.

- Падар борми? — дея Эгамурод унга ёрдамлашди.
- Падар нест.
- Нестинг нимани билдиради?
- Йўқ, йўқ, — деб Блоквил сўзини тўғрилади.
- Шундай десанг-чи! Нест дединг, паст дединг, топдинг мен тушунмаган сўзларни. Сен вор дема, бор дегин. Бо-ор! Тушундингми?
- Бо-ор.

Муаллимчилиги самара бераётганига суюнган Эгамурод «шогирди»ни қоронгидаги кўрмаган бўлсада, жилмайди.

- Ўзи, сен бўладиган йигитсан. Жорж, сенинг дининг қандай? Сен мусулмон эмассан-ку, а?
- Меники дин мусулмон эмас.
- Мусулмон эмаслигинигни айтмасанг ҳам биламан.
- Мен католикман.
- Бу гапингга тушунмадим. Э, бўлди, тушундим деб ҳисоблайвер.
- Ман аз Париж, оғабек.
- «Ман» деганинг мен. Кейинги сўзларинг туркманча эмас. Сен мусулмон бўлишни истамайсанми, мулла фаранг?
- Йўқ.
- Йўқ дема. Биз сени суннат қиласиз. Озгина оғрийди, бироқ мусулмон бўласан. Биз ҳам савоб иш қилган бўласиз. Бир кофирни мусулмон қилиш ҳажга бориб келиш билан тенг бўлар эмиш. Биз сени мусулмон қиласиз.

- Йўқ, оғабек. Мен мусулмон йўқ, — деб Блоквил барча айтилганларга тушунмаса-да, маъносини

фаҳмлагач қаршилик кўрсатди. — Мен мусулмон эмасман.

— Уни аллақачон айтдинг... Э, оғайни, иккамизнинг сўзлашибимиз гўё қоронги уй томон қўл силкитганга ўхшайди. Кел, яхиси ухлайлик.

Шу билан икки томонни ҳам қийнаб қўйган савол-жавоб тамом бўлди. Бироқ, туннинг ҳали тамом бўлишига анча вақт бор эди. Шу сабабли бўлса керак, кутилмаганда қоронги кулбада хиргойи эшитила бошлади:

Марви шоҳи жаҳон асли маконим-ей,  
Жон олиб, жон бердим-ов сенинг устингда.  
Хонўтганда бордир-ей, бозор-дўконим-ей,  
Хўб савдо кўргандим сенинг устингда...

Эгамуроднинг ёқимли хиргойиси фаранг тутқунга маъқул бўлди. У оғабекдан мамнун ҳолда деди:

— Марви шоҳи жаҳон, браво!

— Бу зангарга бир нарсанинг сал учини кўрсатсанг дарҳол давомини фаҳмлайди-я?! — дея  
Эгамурод ўз-ўзи билан гаплашди. — Марви шоҳи жаҳон дейишини кўр бу кофирнинг.

Ўртага яна жимжитлик чўқди. Блоквил ўз фикрини туркман тилида яхши тушунтира олмагани учун жим бўлиб ўтиришга мажбур эди.

Суҳбатни давом эттиришни Эгамурод ўз ихтиёрига олди.

— Жорж, сен неча ёшдасан? — Блоквил жим бўлгач, ўзи билан ўзи савол-жавоб бошлади. — Мана, мен қирқ ёшман, қирқ. Сен нечага кирдинг?

Фаранг тутқун бу гапга тушунди. Тушунса-да, ўзининг йигирма саккиз ёшда эканлигини туркманча айта олмади.

— Мен ўн, ўн саккиз...

— Ўн саккиз деяпсанми? — қоронгиликни кулги овози бузди. — Кўйсанг-чи, сенинг ёшинг анчага бориб қолган бўлиши керак, биродар...

\* \* \*

Оlam ёруғлангач, уйқудан уйғонган Эгамурод ўрнидан турди-да:

— Бай-бай, худо буюргач ухлабмиз-да, маза қилиб, — деди. — Сен ҳам ёнингда ҳамроҳинг бўлгандан кейин роҳат қилиб ётдингми, мулла фаранг?

— Роҳат! Роҳат! — деб Блоквил унинг устидан мазах қилгандай кулди. — Эртангиз хайрли бўлсин, оғабек!

— Хайрли бўлсин! — деб Эгамурод кўрпа-ёстигини кигизга ўрай бошлади. — Энди ҳеч ким келмайди!

Блоквил ҳозир унинг кўрпа-тўшакларини олиб, кулбадан тезроқ кетишини жуда-жуда хоҳларди. Чунки у энди — Эгамурод хуррак отмаётган бир пайтда салгина мизғиб олмоқчи эди. Э, бу туркман оғабек хуррак тортавериб, туни билан уйқу бермади. Энди ўғри келадими, қароқчи келадими — ким келса келсин. Унгача, Блоквил озгина мизғиб олмаса, уйқусизликдан ўлиб бўлди...

## 46

Бугун жума куни эди. Кўчанинг кунботар томонидаги бир хонадонда дунёдан ўтганларни хотирлаб худойи ўтказилаётганди.

Пешинга яқин уйғонган Блоквил ҳожатхона томонга бориб келганида теварак-атрофда ҳеч кимни кўрмади. Катта-кичикнинг барчаси худойи ўтказилаётган жойга кетишган. Бундай жимжитлик қочиши ўйлаб юрган асир учун жуда қулай фурсат. Аммо ўтган кундаги воқеадан кейин бошқа одамлар томонидан ўғирлаб кетиш хавфи туғилгач, Блоквил қочиши ҳақида ўйламай қўйди.

Фаранг ўзининг кулбасига кирган заҳоти Оқморол яшайдиган уйнинг ёнбошида икки нафар отлиқ пайдо бўлди. Улардан бири табиб келган куни тутқун яшайдиган кулбани синчиклаб кўздан

кечирган улкан гавдали, пучук бурунли одам эди. Уни кўрган Блоквилнинг кўнгли алағда бўлди.

Отлиқлар ёмон ният билан келган одамга эмас, балки таклиф билан келган обрў-эътиборли меҳмонга ўхшарди. Эгар устида ўтиришлари бемалол. Улар хотиржам отдан тушдилар. Улардан бирининг кўлидаги арқонга кўзи тушгандан сўнггина Блоквилнинг юрагида хавотир пайдо бўлди.

Икки нафар пиёда одамнинг кулба томон юра бошлигани фарангни яна сергаклантирди. У энди нима биландир атрофдагиларни бу хавфли хатти-ҳаракатларидан огоҳлантириш лозимлигини сезди, зеро улар кулбага кириб, кўл-оёғини боғлаганларидан кейин кеч бўлади, унда асирнинг кўлидан ҳеч нарса келмаслиги аниқ эди. «Кўлингдан нима келадиган бўлса, оёқ-кўлинг боғланмасдан олдин бажар!»

Яқинлашиб келганлардан бири шеригига:

— Кулбадан чиқмасидан олдин боғлайлик! — деди.

Блоквил ички бир туйғу билан бу сўзларнинг маъносини илкис англаб қолди, бу сўзлар фарангни дарҳол кулбадан ташқарига чиқишга ундали.

Кулбадан чиққач, у жим турмади.

— Ёрдам! Ёрдам! — деб кучининг борича қич-кирди.

Келганлар асирнинг ёрдам сўраб бақиришларидан тортиниб турмадилар, қадам босишлигини ҳам секинлатишмади. Аммо фарангнинг сўнгги ҳаракати уларни тўхташга мажбур қилди: тутқун уларга қўшофиз тўппонча ўқталиб туради. Шунда қароқчиларнинг оёқларига титроқ кирди.

— Ия, бу қанақаси бўлди?! — деди улардан бири зўрга гапириб.

— Ме-мен ҳам ҳайронман, — деди пучук бурунли бақувват одам соқовланиб. — Унинг кўлида тўппонча бор-ку!

— Отаман! Ҳозир отаман! — деган хавфли товуш келганларни янада довдиратди.

Улар асир томонга келолмас, орқага қочишининг ҳам иложини қилолмасдилар. Қочолмасдилар ҳамки, уларга қаратилган тўппонча бечора босқинчиларни ниҳоятда қўрқитиб юборган эди.

— Ҳозир отаман!

Шу пайт ўртадаги уй эшигига осилиб турган гиламчанинг бир чети кўтарилиб, уй олдида Муҳаммадаваз полвон пайдо бўлди.

— Тўхта, фаранг мулла! Отма! — деб ҳайқирди у.

«Отма!» деган сўзни эшитган қароқчилардан бири ўлимдан қутулганига ишониб, отига қараб югарди.

Блоквил унинг шамолдай югуриб бориши билан енгил қуш сингари эгар устига осонгина учеб минганини кўриб ҳайрон қолди.

Фаранг тутқуннинг тўппончасидан кўзини ололмай колган пучук буруннинг қочишига ҳам кучи етмади.

Унинг йўлида кўндаланг турган Муҳаммадаваз полвон қўлидаги қўшотар милтиқнинг қўндоғини ерга қўйди.

— Хўш, баҳодир, бу қанақа қилиқ бўлди?

Пучук буруннинг овози қалтираб чиқди.

— Ассалому алайкум, оғам!

— Тангри саломини олмасам, Яратган эгамга ношукурлик қилган бўламан. Ваалайкум ассалом. Лекин мен сен сингариларга оға эмасман...

Тўппончанинг оғзи пастга тушганини, қўшотар милтиқ қўндоғининг ерга тиralганини кўриб қароқчи бироз ўзига келди.

— Оғам, бемаъни бузоқнинг гўштини бир ебмиз, кечиринг...

— Шу бўйингга, гавдангга уялмай-нетмай бундай қабоҳат ишга бош қўшиб, яна менга «оға» дейсанми? Сен сингариларнинг менга оға деб айтишга ҳақи йўқ, билдингми, эй!..

Бадниятли одам баҳайбат гавдасига ярашмаган ҳаракат қилиб, елкаларини қисганича ерга қаради.

— Гуноҳимни ўтинг, ёшулли! Қайтиб мен сизнинг кўчангизга келсам, отамнинг боласи бўлмай!

— Ёмон ният билан келиб ҳам кўр-чи!

— Хай, бир ўйин қилибмиз, ёшулли, кечиринг энди, — деган пучук буруннинг сўзи кулгили чиқди.

— Кари йўлбарс ўққа ўзини тутмайди! Сенинг бу гапинг ҳам айбингни бекитолмайди. Ўйин қилган бўлсанг, сен ҳам энди менинг ўйинимни томоша қил!

Оқсоқол бир нарсани излагандай теварак-атрофига қарай бошлади. Ниҳоят, унинг кўзи ўчоқ ёнбошида уюлиб турган кул устидаги тўнтарилиб ётган синик чинни чойнакка тушди. Чойнакнинг жўмраги синиб, яроқсиз ҳолга келгани учун ташқарига чиқариб ташланганди.

Муҳаммадаваз полвон пучукқа буйруқ берди:

— Анови кулда ётган чойнакни бу ёққа олиб кел!

Ёмон иш устида қўлга тушган баҳайбат одам кул устида ётган синик чойнакни олиб келишни ўзи учун айб иш деб ҳисобламади.

Оқсоқол ўғрини кулбанинг ёнбошида тўхтатди-да, синик чойнакни телпагининг устига қўйишни буюрди. Энди нима бўлишини билишга қизиқсан ўғри айтилган гапни бажарди. Телпакнинг устида тўнтариб қўйилган қопқоқсиз чойнак унинг бошига яхши ўрнашди.

— Сен менга қараб турма, қўрқасан. Яххиси, орқангга айлана қолгин! — деди полвон.

Пучук бурун киши бу айтилганни ҳам бажарди.

Милтигини қўлига олган оқсоқол, оралиқ ма-софани ўлчаш учун қадамини катта-катта ташлаб, пучук бурундан ўн қадамча узоклашди. Сўнг орқасига айланди-да, милтиқнинг қўндоғини елкасига тиради.

— Фо па тирэ<sup>1</sup>! — деб Блоквил шошганидан француз тилида бақириб юборди. — Отиш йўқ, оғабек!

— Отаман, чирофим! — дея ёшулли милтигини нишонга қаратганича гапирди. — Кимнинг остонасига қадам босганини билиб қўйсин. Бундан кейин бу хил ёмон ишларга аралашмаслиги учун сабоқ бўлади...

Бошида чойнак тўнтарилган одам изига айланмоқчи бўлган эди. «Қимирлама!» деган ҳайбатли овоз янгради.

Милтиқ гумбурлаб отилди. Телпак тепасида турган синиқ чойнак парча-парча бўлиб, сочилиб кетди. Унинг майда-майда бўлаклари пучук буруннинг телпаги устидан ерга тўкилди. Ўқ овозидан пайдо бўлган қучли шовқиндан бошлар оғриди. Шу билан ёшуллининг «ўйини» ҳам тугади.

Бу ўйин нима билан тугашини билмай кўзларини очиб-юмиб турган Блоквил:

— Оғабек, ажойиб! — дея қичқирганини билмай қолди.

Милтиқнинг қўндоғини ерга тираган ёшулли пучук бурунга деди:

— Хўш, сен энди менинг саволларимга жавоб бер-чи!

— Ме-е... ҳо-ҳозир... — деб ўғри соқовланди. — Нима сўрасангиз, мен та-тайёр, ёш-ёшулли!

— Сенинг исминг нима?

— Раҳимкули, ёшулли.

— Исмингни унутмабсан, ёмон эмас! — деб оқсоқол жилмайди. — Кимлардан бўласан?

— Холсаҳат қассоблардан.

— Бундан чиқди, сен насл-насабли одамларга тегишли экансан-да! — деб Муҳаммадаваз полвон афсусланиб бошини чайқади.

— Сиз Холсаҳат қассобни танийсизми, ёшулли? — қўрқувдан титраб турган ўғри шошиб сўради.

---

<sup>1</sup> Фо па тирэ! — Отма! (французча).

— Шанбанинг бозорида бегона одам йўқ! Холсахат қассобни мен жуда яхши танийман. Агар сен ростдан ҳам ўшалардан бўлсанг, бу ердан соғомон кетгин-да, қилган қилмишингни унга айтиб бор: «Муҳаммадаваз полвон мени сиз туфайли соғ-саломат қўйиб юборди», дегин. Йўлинг бехатар бўлсин! Ўзинг ҳам иштонинг ҳўлланмай туриб, бу турмушда машаққатсиз ҳеч нарсага эришиш мумкин эмаслигини фаҳмлаб кетгин!

Бу савол-жавобдан сўнг ўзини ўлим чангалидан қайтган ҳисоблаган пучук қора уйнинг чеккасида эгасини кутиб турган оти тарафга қараб юра бошлади. У уст-бошидаги синган чойнак қолдиқларини қоқаётганида, ёшулли уни йўлдан тўхтатди.

— Сен, хон ўғил, отнинг ёнига борма! Уни биз ўз отхонамизга боғлаймиз. Озорга қолиб юрма энди!

— От менга керак-ку, ёшулли! — деб Раҳимқули ёлворган оҳангда сўради.

— От керак бўлса, уни Холсахат қассобнинг ўзи келиб олиб кетсин. Қассобга «Кўнфирилик Муҳаммадаваз полвон дуойи салом айтиб юборди», дегин.

Пучук бурун одам ёшуллининг истагига қарши боролмай, пиёдалаб йўлга тушди.

## 47

*Эрон ҳукумати мен учун юқори тўлов тули бергандан кўра аҳду паймондан воз кечишни маъқул кўрди.*

### Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан

Қанчалик қийин бўлмасин, кун ўтиб турар, машаққатли бўлса-да, ой айланиб турарди. Блоквилнинг фикрича, ўтган кунларнинг, айланган ойларнинг кўтариб турган юки йўқ. Балки барча ғамташвиш тутқуннинг ўз елкасига тушиб, эзиз ётибди. Бир томони асирик, бир томони етар-етмаслик, очлик-қаҳатчилик қуршаб олган франгнинг аввалги

гавдасидан ҳозир ярми ҳам қолмаган. Уни тирик тутиб турган, қаро қисматига шуъла ташлаб ёритиб турган нарса – эртанги кунга бўлган умиди. Келажак кунлардан бирида унинг қисмати ярақлаб очилиб кетадигандай эди, унинг назарида... Шу тарзда кунлар, ойларнинг олиб келиши кутилаётган баҳтдан бенасиб қолаётган капрал эндиликда фасларга умид кўзи билан қарай бошлади. Бироқ, баҳор фаслининг дастлабки кунлари унга хушхабар ўрнига шум хабар олиб келди.

Ўзини авшарлик Юсуфхоннинг вакили Абдалбек деб таништирган, Машҳаддан Марвга хабар юборган одамнинг айтишига кўра, Эрон ҳукумати француз қўшинининг капрали Жорж Анри Гулибеф де Блоквил билан шартнома тузган бўлса-да, икки минг туман тўлов пули бериб уни асирикдан озод қилишни истамаслигини билдирибди. Бу совуқ хабар фарангнинг ёруғ оламини торайтириб юборди! Блоквилнинг жаҳли чиқди: «Икки минг туман пулга кучи етмаган шоҳ қанақа ҳукмдор бўлди? Агар унинг ўрнида бўлсам, подшоликни ташлаб гадолик қилган бўлардим!»

Бу сўзлар Техрондан минглаб масофа узоқликда чангид ётган Кўнғир қишлоғида айтилмоқда эди. Бу сўзлар айтилса-айтилмаса, шоҳ, барибир, шоҳлигини ташламайди. Икки минг туман пулга кучи етмаган шоҳ эса аллақачондан бери сарик ва оқ қофозлар устида мук тушиб имзо чекишида давом этар, мамлакатини чапдастлик ила бошқарар эди-ю, аммо ҳашаматли кўшк ичида, мўл-кўлчиликда яшаётган шоҳ Насриддин Кўнғир қишлоғида ярим оч, ярим-яланғоч юрган капрални ҳеч эсига олай демасди. Ташибини қиласай деса, унинг ўз юртида ҳам Блоквилга ўхшаган муҳтоjlар оз эмасди.

Катта давлатнинг катта ташвишлари орасида ўзининг ташвиши қудуққа қичқиргандай беиз кетишини яхши тушуниб етган бечора капрал тутқунлиқдан кутқариши мумкин бўлган яна икки йўлни топиб, шулардан умид қила бошлади.

Биринчиси — ўзининг аҳволи тўғрисида Парижга — Франциянинг ҳукумат даражасидаги расмий шахсларига хабар етказиш, иккинчиси — туркман сардори Кўвшутхон билан юзма-юз учрашиш йўли эди. Шу икки йўлни бир-бири билан бирлаштира олса янада яхши. «Парижга хабар етказиш ташвишини қилганидан кўра, буни Кўвшутхон номи билан амалга оширса, тез ва муваффақиятли бўлиши мумкин», деб ўйларди капрал.

Абдалбекдан шум хабар келган кундан буён ўтган бир ҳафта давомида Блоквил Эгамурод оғабекнинг қулоғига ўз фикрини қайта-қайта уқтириди. Ниҳоят, Муҳаммадаваз полвоннинг ҳаҳалаб берган ёрдами билан Кўвшутхоннинг ҳузурига боришга Эгамуродни кўндирилдилар. Буларга қўшилиб Муҳаммадаваз полвоннинг ўзи ҳам хон қабулхонасига борадиган бўлди.

Шундай қилиб, кунларнинг бирида Муҳаммадаваз полвон эрталабки намозини ўқигандан кейин — учовлон нонуштани пухталагач, Кўнғирдан чиқсан уч отлиқ Хонётган томонга қараб йўлга тушди. Қартая бошлаган оғасини ёлғиз юборишга кўзи қиймаган Эгамурод улар билан бирга йўлга чиқсанига кейинчалик ўзи ҳам қувонди.

Йўловчилар отга мингунларигача шундай бир воқеа юз берди. Муҳаммадаваз полвон ҳалиям уйдан чиқиб улгурмаганди. Эгамурод эса отхона томонда эди. Кийиниб ташқарига чиқсан Блоквил хўжайнларининг топшириғига қараб, кулбасининг ёнида теварак-атрофни кузатиб турганди. Шу пайт сув олиш баҳонасида қудуққа бораётган Оқморол фақат тутқунга эшитиладиган паст овозда шипшиди:

— Жорж, бугун мен ҳам тоғамларнинг молларини соғишимоқ учун яйловга кетяпман. Уч-тўрт ҳафта вакт ўша жойда қоламан. Агар кўришолмасак, ўз юрtingизга омон-эсон бориш насиб этсин. Кўнглингизни оғритган бўлсак, биздан рози бўлинг. Оллоҳ сизнинг йўлингизни бехатар қилсин!

Блоквил вақт зиқлигидан зўрға:

— Мен тирик эканман, сизни эсимдан чиқармайман. Яратган эгам сизнинг ҳам бахтингизни бутун қилсин. Сиз менга тувишган синглимдан афзалроқ яхшилик қилдингиз! — дейишга улгурди.

Муҳаммадаваз полвон йўталиб ташқарига чиқди. Отхона томондан отларни олиб келаётган Эгамурод ҳам кўринди.

Қудуқдан сув олаётган Оқморол Жоржга охирги марта назар ташлади. Блоквил унинг гўзал ва чиройли ғамгин кўзлари ёшланганлигини пайқади. Ёш қалқиган бу кўзлар шунда олдингидан ҳам чиройли кўриниб кетди. Фаранг тутқун ичдан отилиб келган ҳаяжонини ютинар экан: «Бу қора кўзларни мен ҳамиша хотирамда сақлайман!..» деб шивирлади.

Қишлоқнинг кунчикар томонида, кенг майдоннинг чеккасидағи қамишзор олдида кишилар ариқ қазишарди. Ёқилган хас-ҳашакдан кўтарилилган енгил тутун, ердан тарқалаётган нам ҳаво билан аралashiб, бурунга баҳор нафасини келтиради.

Фасллар ичida шу фасл Блоквилнинг энг яхши кўргани эди. Агар ҳозир у ўз юртида бўлганида, дўсту ёрлари билан биргаликда овга чиқсан бўларди. Кечқурун улар билан янги ов гўштидан маза қилиб еб ўтирган бўларди.

Мана, унинг энг яхши кўрган фасли. Ҳозир ҳам у от устида. Ҳозир ҳам унинг ёнида шериклари бор. Бироқ бу гал капрал овга чиқаётгани йўқ, ўз қисматининг тиланчиси бўлиб отга минди. Унинг ёнидагилари ҳам Париждаги дўст-биродарлари эмас...

Кечқурун орқа томонга қанақа хабар билан қайтишлари ҳали номаълум. Бироқ кечқурун Париждагидай ҳашаматли қаср ўрнига — эски кулбага, ов гўшти ўрнига — омади келса сувга қайнатилган ёрмача, бу ҳам бўлмаса, чой билан қуруқ нонга етишиши маълум. Шу сабабли, айни пайтда

уни баҳор ҳам, баҳор ҳавоси ҳам севинтираётгани йўқ.

Блоквил ярим йилдан ошиқ муддат давомида туркманлар орасида яшаётган бўлса-да, ҳозиргача уларнинг орасида эзма-сергап одамга дуч келмади. Тутқун бу ҳолатни ўзига хос айёрилик деб тушунтиришни-да, ёки эса кун ўтказиш, оила боқишининг қийинлиги билан боғлашнида билолмади. Ниҳоят, у бундай камгапликни давр қўйган тамға деган хулосага келди. Чунки қожорлар билан бўлган охирги урушда ҳам жуда кўп туркманлар ҳалок бўлганди. Бу хонадондан одам ҳалок бўлмаган бўлса, ёнидаги қўшнисиникида вафот этганлар бор. Бундан ташқари, кам сонли туркманлар бир-бирлари билан ёки қариндош, ёки уруғдош бўлиб чиқарди. Туркманларда урушда ҳалок бўлганларнинг хотираси ниҳоятда ҳурмат қилинарди. Балки, улар кураш майдонида вафот этганларнинг руҳларини қадрлаб кам гапиришса керак. Балки, доимо улар ҳақида ўйланиб, ичидан марҳумлар билан сўзлашиб юришар.

Куннинг кўп вақтини эски кулбасида ўтказиб, одамлар билан сийрак мулоқотда бўлганлиги сабабли Блоквил ҳам унча сергап әмасди. Ундан ташқари, тутқуннинг ўзи ҳам сергапликка хуши йўқлиги туфайли туркманлар қўлига асир тушгач, доимо жим юришнинг ҳам яхши хусусият эканлигига кўзи етди.

Бу гал ҳам то Марв қалъасининг деворлари кўрингунча йўл юрилса-да, уч отлиқнинг ўртасида ҳеч қандай сўз-суҳбат бўлмади, ҳисоб. Фақат Марв томондан от-эшакли, орқаси юкли йўловчи келаётган бўлса, улар Муҳаммадаваз полвонга салом бериб ўтишади. Ёшулу ularнинг саломига алик олиб, яна жим бўлади. Яъни, саломдан бошланган мулоқот алик билан тугайди, холос.

Блоквилга бу эл-юрт одамларининг танишнотаниш инсонлар билан ўзаро саломлашиш одати

маъқул тушди. Мана, қаранг, оқсоқол бўлганлиги сабабли ҳамма таниш-нотаниш унга салом беряпти. Тўғри, ёшулли бўлганлиги учун ҳам кўпчилик балки уни танир. Бироқ ёшуллининг ўзи уларнинг ҳаммасини танийдими — буниси номаълум. Камгаплик яхши одат-у, аммо оғзига толқон солгандай жим кетишни Блоквил хоҳламайди. Жим юришдан кўра Эгамуроднинг хиргойисига ўхшатиб ашула айтишса ҳам яхши эди. Ҳа, истасанг-истамасанг бир юртдан бошқа бир элга, бунинг устига, асир бўлиб келганингдан кейин шу юртнинг одатларига риоя қилиб яшайсан-да! Кўлингдан бошқа нима ҳам келарди?

Марвнинг чеккасидаги шўр босган кенг майдонда жуда кўп одамларнинг бир жойга йиғилишиб турганини кўришди. Отлиқлар уларга яқинлашганларида итларнинг вовуллаши, акиллаши эшитила бошлади. Кўп итларнинг баравар вовуллаши одамларнинг шовқинини босса, бирданига одамларнинг ҳис-ҳаяжон аралаш бақиришлари итлар овозини босиб кетарди.

Бу жойда нима бўлаётганини Блоквил ёнидагилардан сўрамасданоқ фаҳмлади. Одамлар ит уриштириб, итлар жангини томоша қилишаётганди. Шарқ халқларининг урф-одатларига фаранг баъзан қойил қолса, баъзиларини ёқтирумасди. Айниқса, унга маъқул бўлмаганлари орасида энг жирканчлиси — одамларнинг ит уриштириши. У бундай воқеаларни Техрон марказида, Машҳад чеккасида, Хурросоннинг кенг майдонларида ҳам кўрган. Тутқун ит уриштириб одамларнинг лаззат ола билишларини ҳеч фаҳмига сифдира олмасди. «Иккита ит уришди нима-ю, мана шу одамларнинг ўз болалари уришди нима — барибир, эмасми?»

Ҳаёт қизик, кўп ҳолатларда бир нарсани кўришни хоҳламасанг, шу нарса қайта-қайта сенга дуч келаверади. Блоквил ҳам ўзи истамаган ҳолда кўп жирканч воқеа-ходисаларнинг мажбурий то-

мошабини бўлиб қолди. Мана, унинг хўжайинлари ҳам отларини ит уриширилаётган майдонга буришди.

Кўнғирликлар от устида ўтирганлари сабаб, ўртада содир бўлаётган воқеани одамлар устидан ҳам bemalol кўришарди. Ана иккита бир-бирига ўхшаш, каллалари кичкина қозондай, оёқлари йўғон-йўғон баҳайбат итни олдинга етаклаб, ўртага чиқаришди. Кейин уларни бир-бирларига олкишлаб ипларини ечиб юборишли. Икки оёқли эгасининг кўнглини овлашни истаган тўрт оёқли жониворлар бир-бирига ташланди. Суяк кемириб эговланган ўткир тишлар бир-бирларининг танасини тишлаб уза бошлади. Иккита итнинг ҳам иягидан қирмизи қонлар ерга томчилай бошлади. Итларнинг бириси босиб, бириси туриб, узоқ вақт бир-бирларини тишлашди. Ахири, итларнинг бири енгилганини тан олди. Бироқ, униси тишашиб тўхтатмай ҳамон мағлубни эзиз тилкаламоқда.

Ҳайвонлар уришидан эътиборини одамларга қаратган Блоквил энди йифилганларни кўздан кечира бошлади. Катта-кичик барча одамлар иккита тўрт оёқли ҳайвоннинг бир-бирини ваҳшийларча тишилашидан, азоб беришидан лаззатланишарди.

Енгилганини сездирган итнинг эгаси энди мукофот ололмаслигини билиб, ўз итининг ҳам янчилиб, тилкаланиб ётишини истамай, мағлубиятини тан олиб, итларни ажратишни сўради.

Ит уришига ҳакамлик қилаётган одам икки қўлини юқорига кўтариб, бор овози билан бақирди:

— Одамлар! Авазкелди букининг<sup>1</sup> ити ғолиб бўлди, ҳой, эшилдиларингми?

Ҳакам учун Авазкелдинингми ёки яна бир бошқасинингми ити ғолиб чиққанлигининг сира фарқи йўқ эди. Унга икки ҳайвон уришиб, бир-бирини ғажиса, титкилаб ташласа, қон тўйса — бўлгани.

<sup>1</sup> Букири — бу ерда уруф номи.

Авазкелди букри деб ном олган кишига бир кийимлик мато мукофот сифатида берилди. Шундан кейин Мұхаммадаваз полвон отининг жиловини силкди. Ит уриши томошабинлари орқада қолди. Бироқ улар билан йўловчилар ораси қанча узоқлашса-да, одамларнинг шовқини, бақир-чақир итларнинг овози узоқ вақтларгача қулоққа чалиниб турди.

Жимгина келаётган Мұхаммадаваз полвоннинг сўз бошлишига ит уриши сабаб бўлди.

— Кўрдингми, фаранг мулла? Инсон иккита итни уриштириди. У жониворларнинг бири қон тўксада, мукофот ололмади. Бошқасига мукофот берилди. Шу ит жониворга ўша матодан бирор нарса тикилади деб ўйлайсанми?

Полвон оға ўз саволига ўзи жавоб қайтарди.

— Асло, тикилмайди! У матони итни уришга етаклаб, унинг қони тўкилишига сабабчи бўлган одамнинг хотини кийим қилиб кияди. Ана сенга бу ҳаётнинг телба-тескарилиги. Булар-ку, ит экан. Турмушда-чи, одамларни урушга ундаган, йўналтирган одамлар ҳам кўйлак кийишади, мукофотлар олишади! Ҳалок бўлган одамларнинг териси унинг учун матога айланади. Ана сенга, бу дунёning бевафолиги!

Оқсоқолнинг айтганлари ҳақ. Бироқ, бу сўзларнинг ўзига қандай даҳлдорлигини Блоквил тушунолмай турди. «Ёки ёшули ҳам мени мана шундай тўёна кийганлардан бири деб ҳисоблаётганикан? Балки шундайдир. Эҳ, оқсоқол, оқсоқол! Ана шу уруш туфайли менинг кийган тўёна кийимларим вужудимга ўт билан олов бўлиб тегаётганини, сиз билишингиз лозим-ку, ахир?! Сиз ақлли ва хушёrsиз-ку!»

Блоквилнинг тахминига қўра, Мұхаммадаваз полвон хон ҳузурига борадиган йўлни жуда яхши билади. Чунки у ҳеч кимдан боришлари керак бўлган манзилни сўрамай, тўғри қалъанинг кун-

ботар томони охирига боргач, ўнг томонга қайрилди. Ҳар жой-ҳар жойда ўткир қуёш нури остида ранги сўлган қўзиқориндай кўриниб турган қора уйлар ёнидан юриб, Мурғоб дарёси қирғоғига чиқишиди.

Дарёга етишгач, Ҳамза Мирзанинг топшириғига кўра чизган хариталарини кўз олдига келтирган капрал ҳозир қаерда турганликларини дархол аниқлади.

Дарёнинг чап қирғоғида Бурказ қишлоғи, ўнг қирғоқда эса Кўкча қишлоғи жойлашган эди. Эрон кўшинлари дарёнинг чап қирғофини ёқалаб, шу ердан Қораёп томонга ўтгани ҳам эсида. Муҳаммадаваз полвон эса ўнг қирғоқ ёқалаб, кунботар томонга юрди. Бироқ у Блоквил тахмин қилган қишлоққа етмай, дарёдан унча узоқ бўлмаган жойда кичкина қишлоқ ичига қараб отини никтади.

Мана шу қишлоқ Кўвшутхон ва унинг қориндоштуғишганлари яшайдиган маскан эди.

Қаторлашиб турган уйлар чеккасидан юриб қишлоққа киришгач, Блоквил улуғ хон уйининг қайси эканлигини тахмин қила бошлади. Ўргароқда, бошқа уйлардан ўзининг дабдабаси билан ажralиб турган оқ уй олдида бошқа хонадонлардан тафовут қиласидиган фиштлик айвон бор эди. Фаранг ўша уйни хоннинг уйи деб тахмин қилди. Дарҳақиқат, у адашмаганди.

Айвонли жойдан ўттиз-қирқ қадам узоқликда отлар, эшак ва хачирлар боғланадиган маҳсус қурилмада беш-олти от боғлиқ турарди. Булар ҳам ўша уйнинг хон хонадони эканлигидан гувоҳлик берарди. Отларнинг барчаси эгарланган ҳолда. Ушбу ҳолат — улуғ хон ёнига иш-ташвиш билан келган одамларнинг бу ерга узоқ ўтириш учун келмаганлигидан далолат берарди. Фарангнинг бу тахмини ҳам рост чиқди. Шу дамда улуғ хон узоқ қишлоқлардан келган ёшуллилар билан сұхбатлашиб ўтирганди.

Кўнғирдан келган одамларнинг олдидан чиқсан ёш йигит улар билан саломлашди-да, отларни қаерга

боғлаш мумкин бўлган жойни кўрсатди. Кейин у меҳмонларни оқ уйга таклиф қилди.

— Ҳозир улуф хон оғамиз банд. Мен унга кимларнинг келганини айтайин? — деди ёш йигит келганларнинг саволларига жавоб бераркан.

— Сен иним, хонга Қўнғирдан Муҳаммадаваз полвон келди дегин. Ёнида икки нафар ҳамроҳи ҳам бор деб айт.

Ёш йигит чиқиб кетгач, Блоквил силкма телпаги остидан уй ичини кўздан кечирди. Ичкарида одамни ҳайратга соладиган ўзига хос ҳеч нарса йўқ. Унинг илк назари устунда осиглиқ турган эгри қиличга тушди. Қилич қуни ўймакор безаклар билан безалганди. «Кўвшутхон ана шу қилич билан отга минармикан-а?» деган фикр тутқуннинг хаёлидан ўтди.

Ёш йигит қайтиб келганида, унинг қўлида чинни катта чойнак бор эди. У чойнакни саксовул ўти ловуллаб ёниб турган ўчоқнинг чеккасига қўйди-да, ёнбошда турган тужунидан тўқилган дастурхонни ўртага ёйди.

— Оғалар, қўлларингизни юvasизларми?

— Албатта ювамиз, — деб Муҳаммадаваз полвон уч одам ўрнига ёлғиз ўзи жавоб қайтарди.

Ёш йигит ўчоқ бошида турган човгумни олди ва эшикка яқин турган мис идишни кўтариб, меҳмонларнинг қўлларига бирма-бир сув қўйиб чиқди...

Уч одам дастурхон атрофида ўтирди. Блоквил тужунидан тўқилган дастурхонни Эгамуроднинг уйига кирган пайтида кўрган эди. Бироқ, нақшлар билан тўқилган бунака чиройли дастурхонни у биринчи бор кўриб туриши. Шу сабабли ўз хатти-ҳаракатини туркманлар қандай қабул қилишлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай, дастурхонни эҳтиёткорлик билан силаб кўрди.

Унинг ҳаракатларига кўз ташлаб ўтирган ўшулли:

— Бунинг отини «дастурхон» дейишади, мулла фаранг, — деди. — Баъзан сочоқ ҳам деб аташади.

Яхши ўраб қўйилса, унинг ичига чумолига ўхшаш ҳашаротлар киролмайди. Ўзи ҳам тую жунидан тўқилади.

— Нима учун фақат тую жунидан? Бошқа ҳайвонларнинг жунидан тўқилса бўлмайдими?

Ёшулли жилмайди.

— Тўқиса бўлаверади. Бироқ, туюга Хизр назари тушган мол дейишади. Муҳаммад пайғамбаримиз ҳам уни жуда маъқул кўрганлар. Кейин унинг ўзи ҳам энг ҳалол мол саналади.

Жавобдан кўнгли тўлган Блоквил бошини қимирлатиб қўйди.

Тую жунидан қилинган сочоқ очилган заҳоти иссиқ ноннинг ёқимли ҳиди бурнига урилган фарангнинг иштаҳаси юришиб, оғзида беихтиёр сўлак пайдо бўлди.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим! — деб думалоқ нондан икки тўғрам синдириб олган ёшулли Блоквилга ҳам узатди. Фаранглик шу жойда ёшуллининг ҳаракатини такрорлаши, нондан икки тўғрам синдириб, уни Эгамуродга ўтказиш кераклигини биларди. Бироқ ҳозир у одатни тушунмаган киши бўлиб, нондан катта бўлакни синдириб олди. Эгамурод оғасининг юзига қаради.

Блоквил ҳозир кимдир ўзига бирор танбех сўз айтса керак деб ўйлаган эди. Лекин ҳеч ким индамади. Ёшулли ҳам ҳеч нарсани кўрмагандай жим ўтираверди.

Оқ буғдойдан мазали қилиб ёпилган нон тутқуннинг оғзига жуда ёқиб кетди.

— Мулла фаранг, чойдан ҳам ичиб ўтири.

Блоквил оқсоқолнинг кўнгли учун пиёлага қўлини узатди. Бўлмаса бу вақтда унинг иштаҳаси чойни эмас, оқ нондан яна бир катта бўлакни хоҳлаётганди. Бироқ, у ўзининг олдинги ҳаракатини такрорламаслик учун вужудида куч топа олди.

Чиройли нақшлар билан тўқилган дастурхон мазали оқ нонни ўз қанотлари остига бекитди.

— Қани, мулла фаранг, ўтганларнинг хотира-  
сини эслаб, Куръон тиловат қиласайлик энди!

... Ўчоқ бошида чўкка тушиб, келгандаридан  
бўён фарангга кўз қири билан назар солиб ўтирган  
ёш йигит тиловат ўқиб бўлингач, дилидагини тилига  
чиқарди.

— Мулла фаранг деганингиз, оғам, қожорлар  
 билан келган азайимхон эмасми, ўзи?

— Азайимхонми, азайимхон эмасми, унисини  
 билмадим. Бироқ, унинг ўзи ўша қожорлар билан  
 келган фаранг эканлиги аниқ.

— Ундан бўлса, бу фаранг худди ўша  
 азайимхоннинг ўзи! — деб ёш йигит асирнинг эга-  
 ларидан ҳам кўп нарсани биладигандай ишонч билан  
 гапирди.

— Азайимхон бўлмаса, уч ойлаб ухлай олмаган  
 хастани ухлата олмас эди, ахир! Султониздан бир  
 йигит ана шу азайимхоннинг дуосидан соғайди.  
 Ҳозир у хотиржам ухляяпти. Ўзи у йигит бизларнинг  
 узоқроқ жиянимиз эди. Шу сабабли мен уни яхши  
 биламан. Бўлмаса, раҳматли уста Бозирган ҳам ўзи  
 билган кучли табибга уни олиб борган экан. Бироқ,  
 нафи тегмаган. Фаранг азайимхоннинг дуоси унинг  
 дардига шифо бўлди.

— Уста Бозирган вафот этдиларми? — деб сўради  
 ёшулли.

— Ҳа, — деб ёш йигит ерга қаради. — У факир  
 Қораён курашида дунёдан ўтди.

Муҳаммадаваз полвон бир нима демоқчи бўлди.  
 Бироқ, эшикдан келган хабарчи салом бергач:

— Улуғ хон сизларни кутяпти! — деди.

Кўнғирликлар олди айвонли уйга ўтишди.

Кўвшутхон меҳмонлар билан омонлашгач, Му-  
 ҳаммадаваз полвонга қаради.

— Полвон оға, сизни ҳам қўриш насибамиизда  
 бор экан! Сўранг!

— Навбат хондандир!

— Хон бўлсак ҳам, навбат сиздан бўлади, полвон оға!

Блоквил туркманларнинг бир-бирлари билан учрашганларида соғлик-омонлик сўрашиб такрор ишлатиладиган анъанавий гап-сўзларига яна бир бор шоҳид бўлди.

Муҳаммадаваз полвон нима мақсад билан келишганини хонга атрофлича баён қилиб берди.

Уларни диққат билан эшитган Кўвшутхон, «Сен нима дейсан?» — деган маънода Блоквилнинг юзига савол назари билан қаради.

Хон назарининг маъносига тушунган Блоквил деди:

— Муҳтарам Кўвшутхон жаноблари! Бошингизда эл-юрт ташвиши, сизга қарашли жойларда мингларча тутқун борлигига қарамай, мени ҳузурингизда қабул қилганлигингиз учун сизга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдиришга ижозат бергайсиз. Мен буни ўзимнинг сизга қарши бўлмаган давлат фуқароси бўлганим билан изоҳлайман. Менинг буюк давлатимга эътибор бериб, арз-ҳолимни эшитаётганингиз учун сизга саломатлик тилайман...

Фаранг ўзининг умр баёнини узундан-узоқ сўзлар билан баён этмоқчи деб тахмин қилган Кўвшутхон, унинг ўз сўзида бироз тин олганлигидан фойдаланиб:

— Мен сизнинг тўғрингизда эшитдим, — деди. — Абдалбек деган кишининг Машҳаддан олиб келган жавобидан ҳам хабардорман. Албатта, бундай иккиюзламачилик шоҳ Насриддиннинг дастлабки бебурдлиги бўлса эди, биз ундан ҳайрон қолардик. Шоҳ Насриддиннинг мўътабар ҳисобланган муҳри ҳам худди ўз қалби сингари ваъдасига вафосиздир. Биз унинг шундай эканлигини олдин ҳам билардик. Айниқса, Эронга таклиф қилинган саксон нафар туркман оқсоқолларининг соқоллари оқ эканлигига ҳам эътибор қилмай, виждонсизларча иш қилганидан буён эса...

Улуф хоннинг Абдалбеккача барча нарсалардан воқиғлигига кўзи етган Блоквил энди ўзининг кимлигини баён этишининг ҳожати ҳам йўқлигига амин бўлди. У сўзни қисқа қилиб, ўзининг охирги мақсадини баён этиши лозим эди.

— Муҳтарам Кўвшутхон! — деб у жуда дадил гапирди. — Шоҳ муҳрининг иккюзламалигини билган хон шоҳ бўлмаган одамнинг сўзига ишона оладими?

— Бизнинг унча катта бўлмаган элимиз белининг куч-қудрати — шоҳдан фарқ қилган содда, ватанпарвар фуқароларимизнинг аҳдида қатъийлиги ва бизнинг ҳам унга ишонмоғимиздадир.

— Унда марҳаматли хон, ана шундай шоҳдан тафовутланганлардан бири бўлган менга, яъни Франция давлатининг вакилига сизнинг ёрдам беришингизни сўрайман.

Кўвшутхоннинг саволомуз назари Блоквилдан изоҳ талаб қилди.

— Сиз менинг қуруқ сўзимга, албатта, ишонмайсиз. Аммо сизнинг ишонишингизга умид қиласман, мен туркман халқига ёки туркман хонига хиёнат қиласдан одам эмасман. Бу юрт тупроғига қадам қўйишим менинг қисматимда бор экан. Мен Франция ҳукумати номига Марв вилояти Улуф хони номидан аҳволни тўла баён қилиб нома ёзилишини маъқул билардим. Ўша нома менинг сиз бош бўлган юртдаги асирик муҳлатимни қисқартирас ва тўланиши лозим бўлган маблағнинг тезроқ келиш вақтини тезлаторди.

Кўвшутхон жимгина ўйланиб ўтирди. Бу сукунатнинг ҳар сонияси Блоквилда асирикдаги ўтган ҳар бир кунига баробар келадиган туйғу уйғотди. Нихоят, така туркманлар хони фаранг асирининг руҳини чўқтирмайдиган сўзлар билан гапира бошлади.

— Аввало, иккюзламачилик қилинмай ёки сўраб олинмаган фуқаро учун улуф давлатга бизнинг

хат ёзишимиз асоссизроқ бўлиши мумкин. Ундан ташқари, улуғ давлатнинг фуқароси Марв хони билан эмас, Эрон шоҳи билан кафолатнома тузган. Шунга асосланадиган бўлсак, улуғ давлатга хатни биз эмас, балки кафолатнома берган шоҳ ёзса мақсадга мувофиқ бўлади. Охирги сўзим – биз сени ўздиёrimизга меҳмондорчиликка таклиф қилмаганимиз. Биз сенинг уйингга «Ётган устига турган келмасин» қилиб бостириб, қўлингни боғлаб бу ерга олиб келган эмасмиз...

Қўвшутхон шундан бошқа гап айтса ёки айтмаса ҳам хулосасининг энг сўнгги нуқтасини қўйгани барчага тушунарли бўлди. Ана шу нуқта ҳам Блоквилнинг ойлар давомида кутиб келган танҳо орзусининг устига ўзининг қора қанотини ёпди. Бу қанотни шу теварак-атрофда олиб биладиган якка одам – Қўвшутхон бор эди. Унинг юзига ҳам энди умид билан қараб бўлмасди. Чунки асир орзусини йўқ қилган ҳам унинг ўзи.

Ажабо, кутилмаган жавобни олган Блоквил фақат шунинг учун келганиди? У ўзининг орқасида Эрон, Афғонистон каби давлат эмас, балки улардан жуда баланд ҳамда құдратли бўлган улкан империя турганлигини таъкидлаб, туркман хонининг ўзига нисбатан муносабатини ўзгартирмоқчи бўлди.

— Марҳаматли хон, сиз Франциянинг қандай давлат эканлигини эшитгандирсиз. Менинг ўзим ҳам, туркманча айтсан, шоҳ кўшкига тааллуқли хонадон фарзандиман.

Блоквилнинг қурмоқчи бўлган сиёсатига аллақачон тушуниб етган Қўвшутхон гапга яраша жавоб айтишни маъқул топди.

— Биз одамларга кўшкка яқин-узоқлигига қараб нарх қўймаймиз. Биз қўлимизга тушган душманнинг барчасига асир деб қараймиз.

Блоквил улуғ хондан бундай қатъий жавоб олишини кутмаганди.

— Шундай бўлса-да, ўзингизга душман бўлмаган давлат фуқаросидан душман ясаш керак эмас, марҳаматли хон!

— Биз йўқ жойдан ўзимиз учун душман ясаш ниятида эмасмиз. Туркман учун минг дўст оз, бир ёйи кўпдир.

Блоквил бу хон билан даҳанаки курашда тенг бўлолмаслигига кўзи етди. Аммо берилган жавобни олиб кетавергани билан шароитининг яхши бўлмаслигини ҳам у биларди. Шу сабабли нима қилиб бўлса-да, хонга ўз таъсирини ўтказиши керак эди. Унинг таъсир деб тутиргани ҳам ўз давлатининг буюклиги эди. Асир билан хон ўртасидаги тушунмовчилик ҳам ҳар иккаласининг ўша бир нарсага ўзларича турли баҳо беришларидан иборат эди. Блоквил Эрон давлатининг фуқароси эмаслиги сабабли ўзини туркманларга душман ҳисобламасди. Туркманлар эса уни бошқа давлатнинг фуқароси эканлигига қарамай, ўз душманлари орасида уларга ёрдамчи бўлиб келганлиги сабабли душман санаашмоқда. Мана шу нозик, аммо ўта аҳамиятли фарқни француз капрали туркман хонига тушунтиrolмай ҳалак.

Эшикда пайдо бўлган ёш йигит:

— Хон оға, Ахалдан меҳмонлар келишди! — дея турган жайидан хабар айтди.

Улуғ хон йигитнинг сўзига қарамай:

— Қариндошларнинг отини боғланг-да, нончойига хизматда бўлинг! — деди. Ёш йигит чиқиб кетгач, у яна Блоквилга қаради. — Биз сени ўзимиз учун душман ҳисобламаймиз. Туркманларга қарши қилич яланғочламаганингга ҳам ишонамиз. Аммо душманимизга дўст бўлиб, устимизга келган одамни ўзимизга дўст деб билсак, биз қанақа одам бўламиз? Ўзинг ўйлаб кўр. Бундан ташқари, мен хон бўлсан-да, эшигимда асир сақламайман. Мен хон ҳисоблансанда, уйида тутқун сақлаган одамларга уларни озод қилинг деб ҳам айта олмайман. Душман асирга

айлангани билан, у дўст бўлиб қолмайди. Душманни енгинг деб эл-юртга ёлворган хон, қон тўкиб ғалаба қозонган юртдошларига душманингизни бўшатинг деб айта олмайди. Бу энди эл-юртнинг ўз ишидир.

Кўвшутхон сўнгги сўзим шу, дегандай гапини тугатди. Бунга тушунган фаранглик асир яна эски ҳайбатли оҳангига қайтди.

— Мен сизнинг атрофингизга сиёsat тўрини ёймоқчи эмасман, марҳаматли хон. Лекин сиз менинг буюк Франция давлатининг фарзанди эканлигимни асло эсдан чиқарманг.

Блоквилнинг дағдағали оҳангига Кўвшутхоннинг юрагини тирнади. Шундай бўлса-да, улуғ хон Блоквилга қараб:

— Шу сўзингни мен учинчи марта эшитяпман, — деди. — Биламан, сен ўз буюк давлатинг фарзандисан. Унга ҳам мен ишонаман. Аммо сен ҳам бизнинг кичкина юртимизнинг тоғ эканлигига ишон. Қанча кучли бўлмагин, тоғни шох билан сузиб ағдариб бўлмайди демоқчиман сенга...

Ўз сиёсий хужумининг ҳам ҳеч қандай натижа бермаганига ҳар томонлама кўзи етган Блоквил Кўвшутхоннинг сўнгги сўзлари қаршисида яна ноилож қолди.

## 48

*Шариат қонунларини сўзсиз бажарганликларига  
қарамай, мен бўлган ва кўрган бошқа  
Шарқ ҳалқлари билан таққослагандা  
туркманларда диний фанатизм билан  
мақтаниш мавжуд...*

**Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

Баҳор кириши билан кечалар қисқариб, кундуз кунлари узайган бўлса, Блоквил учун аксинча бўлди. Офтоб ботиши билан изи кўринмаган узун

кечаларни ўтказиш унга ниҳоятда қийин эди. Кундуз кунлари нима бўлса-да, ҳарна бирор юмуш топилади. Фарангнинг илтимоси билан Эгамурод қўнғир унинг қўлига белқурак топиб берди. Баҳор ҳавосида орқа елкаларини терлатиб ишлаган тутқуннинг ҳаракатлари анча енгиллашди. Олдин деҳқончилик нима эканлигини билмаган капрал белқурак билан ер ағдаришни, эгат тортишни ўрганди. У икки ҳафтанинг ичидаги бир таноб ерни ағдариб чиқди. Шундай бўлса-да, кечқурунлари яна ички зерикиш давом этарди.

Кейинги пайтларда тунлари тўрт-беш соатдан кўп ухлай олмайдиган Блоквил ўз соғлиғидан хавотирлана бошлади. Пайдо бўлган бош оғрифи ўз вақтида кетмаганлиги сабабли, миясига зарар етдимикан деб кўрқа бошлади. Ташвиш, ўй-хаёл, орзу — уйқуннинг кўп қисмини ўз томонига ағдариб, ўтказиб олганди. Орзу-умиддан яққол кўриниб турган натижа чиқмаса-да, фарангни омон сақлаб турган нарса — ана шу орзу-умид. Бир қилган орзуси амалга ошмаса, кейингисига белини боғлайди. У ўзи бошлаган ишнинг ниҳояга этишини, манаман деган ҳуқмдорларнинг ҳам вафот этишини, баҳайбат кўшк ва саройларнинг ҳаробага айланиб, қум-тупроқ тагида қолиб кетишини эсига туширади. Шу тарзда жабр-жафоли ҳақиқат билан ширин-шакар орзулар ўртасидаги худо берган умрини чўзишга ҳаракат қиласди.

Бугун уни хўжайинларининг қариндошларидан бири илтимос қилиб олиб кетди. У Эгамуродларницидан уч хўжалик узоқликда, кунчикар томонда яшайди. Фаранг тутқун қорамағиз кишининг орқасидан эргашиб борар экан, бошидан кечириб турган воқеалар ҳақида ўйланиб, маъюс жилмайди. Қандайдир бир ярим чорвадор, ярим деҳқон одам француз армиясининг капралини, улуғ давлатнинг ҳарбий мутахассисини илтимос қилиб келган қариндошига ёрдам бериш мақсадида жўнатиб

юборди. Яна дeng, мeҳmonдорчиликка эмас, ҳайвон қаторида ишлатиш учун юборди. Ундан ташқари, у ўша ишга кўниш-кўнмаслигини мағур капралдан ақалли сўраб ҳам ўтирумади. Блоквилнинг эндиликда ўз сўзи, ўз фикри бўлиши ҳам шарт эмас, хўжайинлари нима деса у шуни бажариши керак, вассалом. Бошқа йўл, ўзга нажот йўқ. Ана, қисмат билан, енгилтаклик билан ўйнашсанг, шунақа ахволга тушасан! Мехрибон онангнинг ёлворишлирига қулоқ солмасанг, кўз ёшига раҳм қилмасанг, юрагидан сизилиб чиққан сўзларини тингламасанг – толеинг шундай бўлади! Мана шу жойдан ўлмай қутулсанг, то сўнгги даминггача онангни бошингга тож қилиб юрсанг ҳам оздир, муҳтарам жаноб Жорж Блоквил!

Эгамуроднинг қариндоши фарангни ертўла қаздирмоқ учун сўраб келтирган экан. У асирининг кўлига белкурак бергандан кейин, хўжайинларча овозини баландлатиб буйруқ берди. Унинг ишга киришганини кўргач, ўз уйига кириб кетди.

Блоквил уй эгаси қайтиб келгунча, унга янги топшириқ берилгунга қадар ишлаб туриши керак эди. Ҳаёт, турмуш деб ном олган ёлғончи дунё инсон фарзандини ҳамма нарсага кўнишишга мажбур қиласан. Блоквил, мана молхона ёнида, гўнг-тезаклар ҳиди анқиб турган сассиқ ҳаводан нафас олиб ишлашга мажбур бўлмоқда. Ҳозир унинг бажариб турган ишини ҳарбий ҳамкасларидан бири кўриб қолса, кўзига ишонмаган бўларди.

Кўп ўтмай, теварак-атрофни ёриб чиққандай етиб келган ёш-яланглар фаранг тутқуннинг ишлаётган жойини қуршаб олишди. Улар ёнбошда ётган узун йўғон теракнинг устида тизилиб ўтириб, асирига тикилиб қарай бошлашди. Болаларнинг деярли барчаси қорамагиз, уст-боши жулдур эди. Уларнинг ўтиришлирига кўзи тушган Блоквил беихтиёр жилмайди. Йўғон ёғоч устида ўтирган бу болакайлар

унга уясининг чеккасида тизилиб ўтирган қалдирғоч болаларини эслатди.

Ертўлани қазишнинг ярмига етар-етмас, бироз нафасини ростлаб олмок учун тутқун чуқурдан чиқди.

— Сеники исминг нима?

— Ўғилжаҳон, — деб ўрилган калта соchlари диккайиб турган етти ёшлар атрофидаги қизалоқ жавоб берди.

— Сен ўғил эмас, сен қиз.

— Менинг исмим Ўғилжаҳон. Ўзим қизман. Вой, анови одамни! Ҳа-ҳа-ҳа...

— Вой, унга ўғил бола дедими-ей?! — деб кўзлари чақнаб турган болача шовқин-сурон билан сўзлади.

— Ўғил бола билан қизни танимас экан-да, бу одам.

Блоквил болаларга диққат билан тикилди. Улар бир-бирларига мутлақо ўхшамасди, ҳар бири ўзига хос бир олам эди. Юз кўринишлари ҳам диққат билан қарасанг, ниҳоятда ўзига хос қиёфага эга. Тутқунда уларнинг суратини чизиш ҳаваси пайдо бўлди. У беш-ён қадам узокликда турган тандирга қараб олди ва битта болага буюрди.

— Бор, кўмир олиб кел менга!

Фаранг ғалати оҳанг билан гапирса-да, болалар тушунишиди.

— Кўмир олиб кел деяпти!

— Кўмирни нима қиласди бу?

Юмуш буюрилган бола ўрнидан дик этиб сакраб турди-да, югуриб бориб тандирнинг ёнида ётган ёғоч косовни олиб келди.

Блоквил белкуракнинг уч томони билан косовнинг бош тарафини ингичкалади. Сал ўтмай пўстлоғи маҳсус шилиб олинган йўғон теракнинг юзида ўрилган соchlари улоқчанинг шохидай диккайиб турган қизалоқнинг шакли пайдо бўлди. Расм қизчага жуда ўхшайди, қизалоқ ва болалар унга ҳайрон бўлиб,

жуда хурсанд бўлишди ҳамда қўлларини бир-бирига уриб чапак чалиб юборишиди.

Блоквил болакайлардан биттасининг кафтини очиб, косовнинг учи билан уч-тўрт марта у ёқ-бу ёққа чизган эди, бирданига унинг ёнбошга қараб турган сурати пайдо бўлди. Олдинга чиқиб турган бурун, лаб, оғиз, шалпангқулоқлар қуийб қўйгандай боланинг ўзига ўхшарди. Бу расм ҳам болаларнинг шовқин кўтаришларига сабаб бўлди.

Ёш-ялангнинг қий-чувини эшитиб уй эгаси ташқарига чиқди.

Йўғон теракка чизилган шаклни кўриб, Эгамуроднинг қариндоши ҳам жилмайди. У олдин суратга, кейин қизалоққа бир неча бор қаради. Охир оқибат жилмайишни жиддийликка айлантириб:

— Сен, фаранг мулла, инсоннинг суратини чизиш ман қилинганилигини билмасмидинг? — деди. Блоквилнинг юзига сўроқ оҳангига қараб яна сўзида давом этди. — Бу дунёда одам суратини чизсанг, у дунёда жонингдан жон берасан унга. Сен мусулмончилик қонун-қоидаларини билмас экансан.

Блоквил мусулмон бўлмаса ҳам мусулмончиликнинг айрим қонун-қоидаларидан хабардор эди. Бундан ташқари, янги хўжайндан паст келишни истамай:

— Мен у дунёга борганимдан кейин жонимдан жон беришга тайёрман, хўжайн! — деди.

Тутқуннинг сўзи Эгамуроднинг қариндошига маъқул бўлмади. Унинг жаҳли чиқди.

— Жонингдан бу қадар безор бўлсанг, суратни ўз юрtingга борганингда чизавер. Бизнинг элимизда бундай гуноҳ иш қилма. Сен кабиларнинг гуноҳларини кўтариб юргудай ўзимиз ҳам оққуш эмасмиз.

— Сурат чизиш гуноҳ эмас, хўжайн. Куръон китобида ҳам «Сурат чизиш ман қилинади» деган ёзув йўқ...

Охирги сўз туркманинг ниҳоятда жаҳлини чиқарди. У қовоғини уйиб, беписанд оҳангда дўқ аралаш гапирди.

— Сен Қуръони каримга асосланиб, гуноҳсизман деб ўйлама! Сен бу ерга сурат чизиб, одамларни кулдиришга келмагансан. Сўзингни калта қилда, белкуракка ёпиш! Тушундингми? Бизга ақл ўргатмоқчи бўлганига қара, бу баччағарнинг...

Ўзинг асир бўлгач, айтилганини қилишга мажбур экансан. Жавоби қанча маъноли бўлмасин, нафи тегмаслиги аниқ бўлгач, тутқун яна чуқурга тушди.

Туркмандан қўрққан болакайлар ҳам тўрт томонга қочиб кетишиди...

## 49

Олиб қочишга келганларнинг қўлига тушмай, бир балодан қутулдим деган Блоквилнинг бошига энди бошқа ташвиш тушиб қолди. Бу бало — ёнингда хуррак тортиб ётганлари билан ҳам, қўлингга ўқсиз тўппонча берганлари билан ҳам даф бўладиган офат эмасди. «Оқморол ҳомиладор эмиш» деган ёқимсиз хабар бутун қишлоққа ёйилганди. Бу воқеанинг сабабчиси деб, ҳамма фаранг тутқунни ўйлашарди.

Оқморолларнинг ҳовлисида бегона эркак кўринмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳомиладорлигининг сабаби ҳам дарҳақиқат бир нуқтага бориб тақаларди — бу нуқта ҳам Оқморол билан доимо кўришиб, гаплашиб юрадиган Блоквил.

Кўжуқнинг боғидан табиб олиб келганларида бир гуруҳ аёлнинг кўзи олдида асирнинг бошини меҳр билан ушлаб турган аёлнинг эл ухлаб, ит ётгандан сўнг нималар билан машфул бўлиши Яратган эгамнинг бир ўзига аён. Бандаси эса фақат ўз кўзи билан қўрганига ишонади. Бандаларнинг ҳам кўрган-эшитгани Оқморолнинг катталаша бошлаган гавдаси билан қишлоққа ёйилган турли миш-мишлар эди.

Кудуқдан сув олиб кетган новча қожор яна Эгамуроднинг ҳовлисида пайдо бўлди. Унга кўзи тушган Блоквил янгилик эшитиш учун кулбасидан ташқарига чиқди.

Қишлоқнинг ичидаги бемалол юриб, кишилар билан юзма-юз сўзлашиб юрганидан туркман тилини ҳам яхшигина ўрганган қожор эл орасидаги барча мишишлардан хабардор эди. У сув олиш учун келган пайтида эшитган хабарларини, Қўнғирдаги бандиларнинг аҳволини, қачон қанчасининг ўз юртига кетганигача Блоквилга айтиб берарди.

Бу гал Блоквил қожордан ҳол-аҳвол сўрашга мажбур бўлди.

— Фуломбек, бугун нега юзингда хафачилик аломати бор? Ёки хўжайининг билан муносабатиниг бузилдими?

Фуломнинг овози ташвишли ва қўрқув аралаш эди.

— Юртимдан узоқда эканлигимни айтмасам, менда тавшиш йўқ, оғабек. Мени хафа қилган нарса сенинг ташвишинг.

— Иккаламизнинг ҳам дардимиз бир бўлса, нима сабабдан менинг аҳволим сени озорга қўяяпти?

— Йўқ, бундай эмас, оғабек. Сенинг аҳволинг оғирлашмоқда...

Фуломбек қишлоққа тарқалган мишиш ҳақида айтганида, Блоквилнинг боши айланиб кетди. У беихтиёр Оқморолнинг уйи томон қаради. Бу мишишлар асосида Оқморол устидан ёғиладиган тавқилаънатлар ҳақида ўйга толди. Хуллас, Фуломбекнинг сўнгги айтган сўзлари яхшилик хабари эмас эди.

Фуломбек гапиришни хоҳламаётгандай, яна, бунинг устига, одоб билан ўзини тутган ҳолда сўзлай бошлади.

— Мен сенга ўз қулоғим билан туркманлардан эшитганларимни айтяпман, оғабек. Бунинг устига, бирор сўз ҳам қўшмадим. Ўтган кеча менинг

хўжайиним ўз иниси билан шу ҳақда сўзлашди. Қилингандар сұхбатнинг якуни эса...

Асириң қожорнинг жим бўлиши Блоквилни баттар хавотирга солди.

— Нима дейишлоқда? — сўради у ҳовлиқиб.

— Ўша аёлни ҳам, фарангни ҳам бўлак-бўлак қилиб, қутурган итнинг олдига ташлашади энди дейишлоқда. Бу уларнинг одати эмиш. Аёл сабабли эркакни, эркак сабабли аёлни ҳам ўлдиришар эмиш. Мен сени қўрқитиши учун келмадим, оғабек. Сени бу воқеалардан хабардор этиш учун келдим. Шариат қонунлари жуда қаттиқдир, оғабек. Шуларни сенга билдириш ниятида келдим. Бунинг учун мендан хафа бўлма, оғабек...

Блоквил Фуломбекнинг шундан кейинги айтганларини эшитмади. У қандай ўрнидан турганини, оёғи билан қандай қадам ташлаганини сезмай, кулбасига кириб кетди. Эски кигизнинг устига ўтиргандан сўнг кўрган туши эсига тушди. Техронда кўрган туши, ярим йилдан сўнг Кўнғир қишлоғида амалга ошармикан-а? Тушида кўрганида Блоквил қоп-қора, яланғоч аёл-ажиналар қўлида ўлган эди. Энди-чи, чиройли бир қиз сабабли қизнинг қариндошлари қўлида ҳалок бўладими-а?

Блоквил бир соат чамаси ташқарига тикилиб ўтириди. Ўйидан чиқса, Оқморолни кузатмоқчи эди. Ёнбошдаги уйлардан хотин-халаж, бола-чақа кириб-чиқиб турибди. Лекин Оқморол кўзга ташланмади. Балки у, қишлоққа тарқалган бу ёмон хабардан кейин ташқарига чиқишга уяляптимикан? Мусулмон оламида шариат қонун-қоидаларига маҳкам риоя қилинса, унда Оқморолнинг бошига бу хил савдо – шармандалик қандай қилиб тушди экан-а? Ўлимдан кўрқмаганмикан?

Фаранг тутқуннинг барча тахминлари тахминлигича, барча саволлари эса саволлигича қолмоқда.

Кейинги пайтларда қудуқдан сув олишга келган қишлоқ аёллари сонининг кўпаймоғи, ҳеч қачон келмаган хотинлар ҳам шу атрофда пайдо бўла

бошлаганининг сабаби ҳам мана энди Блоквилга тушунарли бўлди.

Ана, қудук ёнида яна икки нафар аёл пайдо бўлди. Қирқ ёшлар атрофидаги бу хотинларни ҳам Блоквил бугун биринчи марта кўриб турибди. Улар қудукқа томон келишар экан, эҳтиётлик билан Оқморол турадиган уй томонга қараб-қараб олишарди. Аслида уларга сув керак эмас. Аёлларга хос қизикувчанлик уларни бу ерга олиб келган. Эркаклар ҳам фаришта эмас-у, аммо миш-мишларни, ёқимсиз хабарларни тарқатишида аёлларнинг олдига ҳеч ким туша олмайди. Улар барча юртларда бир-бирларига ўхшар экан. Ҳатто, Париждаги олий табақа, аслзодалар даврасидаги аёллар ҳам атрофдаги хотинларнинг аслида кимлигини, қаерда қанча ўйнаши борлиги-ю, ўша ўйнашининг давлати қанчалигини билиш учун жонини фидо қиласалар. Шуларни билмасалар, аниқлаб тагига етмасалар, уйларида роҳатланиб дам ололмайдилар. Еганлари ичга тушмайди. Бундан ташқари, Парижда аҳвол бутунлай бошқача. Ўйнашинг учун, никоҳсиз бола туққанинг учун сенга ёғочдан дор тиклашмайди, албатта. Аммо, хотин-халажнинг фийбатлари-чи! Бундан ёмон жазо бўлмаса керак. Фийбатдан, миш-мишлардан қўрқмайсанми — унда маза қилиб яшайвер!

Сувга келган икки нафар аёл Блоквилнинг тахминларини ўзларининг ҳаракатлари билан тасдиқлашди. Улар қудуқдан сув олсалар ҳам, идишларига қўйсалар ҳам ҳеч шошилмасди. Уларнинг иккала кўзи Оқмороллар уйи томонга қадалган эди. Сув олиб бўлдилар ҳам, аммо улар ўзаро сухбатлашиб, уйларида ҳеч қандай юмушлари йўқдай, кетишга шошилмасди. Икковлон алланималар ҳақида минғир-минғир гурунглашишди, кийим-кечакларини тузатишган бўлишди.

Улардан бири фаранг тутқун кулбаси томон назар ташлагач, ёнидагига имлаб, бир нарсалар

деди. Асир бу имонинг маъносига тушунди. Имо «гуноҳкор ана шу кулбада яшайди» деса, иккинчи имо «албатта, шу ерда. Бу қизнинг қилиб юрган ишларини кўр! Мусулмон аёл етти ёт кофирнинг қўйнига кирибди-я? Шарманда!» — деяётгандай...

Сувга келган бу икки бекорчи аёл фийбатни ҳар қанча чўзмасинлар, Оқморолнинг эшиги очилмади. Бироқ бу хил аёллар мақсадларига етгунча, биридан сўнг иккинчиси қудуққа келаверади...

Эҳ-ха, бу иккала аёл озгина сабр қилишганида мақсадларига етган бўлишарди. Улар қора уйнинг орқасига ўтган заҳот, эшик очилиб Оқморол уйдан чиқди.

Бутун вужуди билан кўрап кўзга айланган Блоквил Оқморолни биринчи қадам ташлашидан кузата бошлади. Унинг юриши, қарашида безовталик йўқдай. Бироқ у қўлидаги эски латтани ўчокнинг бошига ташлаш учун яқинроқ келганида, айтилган фийбат гаплар... рост бўлса керак, деб ўйлади тутқун. Ҳаво илиқ бўлса-да, Оқморол устига иссиқ тўн кийиб олган, тўн ичидаги гавдаси анча тўлишиб кўринарди. «Ҳаво илиқлигига нима учун у тўн кийиб чиқди? Эгамуроднинг хотини ташқари-ичкари кириб-чиқиб турганида тўн киймайди-ку. Балки Оқморол ўзининг ҳозирги ҳолатини яшириш учун тўнга ўралмаганмикан? Ҳозир-ку, майли, тўн билан ёпасан, яна икки уч ойдан сўнг нима қиласан, шўрликкина?» Фаранг тутқун Оқморолни шу кунгача кўп маротаба кўрган бўлса ҳам, нима учун унга дикқат билан қарамаган экан-а?!

Оқморол орқасига айланганда тутқун эшитганларининг бари ҳақиқатга яқин келишини аниқ сезди — Оқморол аввалгидай енгил қадам ташламас, оёқ олиши оғирлашган эди.

Нима учун Оқморол кулбага боқмай, орқасига айланди? Балки у ҳам қишлокда тарқалган ха-барларни эшитгандир? Хабардор бўлса, ҳеч бўлмаганда, гуноҳкор деб гумон қилинаётган одам

билан аҳволни маслаҳатлашиб олиши керак эди-ку, ахир?! Гаплашмоққа унда имконият бор. У бундан уч кун олдин атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, фарангга пиширган уношисидан бир шокосада овқат келтириб берганди. Оқморолнинг унга раҳми келса керак, ахир?

Саволлар Блоквилни жинни қиласай деди. Бордикелдилар тўхтаб, одамлар ухлашга ётгунича жавобсиз саволлар сони ортиб бораверди. Ниҳоят, жавоб топадиган фурсат ҳам келди. Блоквил бундай қулай фурсатнинг келишини кутмаганди, бунга ишончи ҳам йўқ эди.

Ой ботиб, тун алламаҳал бўлса-да, ухлай олмай ўтирган Блоквил уйдан чиқиб, тўсатдан уй олдида турган Оқморолни кўриб қолди. У ташқарида ўзидан бошқа ҳеч кимнинг йўқлигига амин бўлгач, кулба томонга кела бошлади. «Бундай бўлиши мумкин эмас. Ўтиб бораётган бўлса керак. Энди у кулбанинг эшигидан қарашга ҳам қўрқади».

Асир адашганди. Оқморол ўтиб кетмади, кулбанинг эшигидан қарашга ҳам қўрқмади. Қайтанга у қадамини тўхтатмай, кулбанинг тўрида пайдо бўлди. Икки инсон қоронғилик ичида пи chirlab гаплаша бошладилар.

— Сиз менинг ёнимга келишдан қўрқмадингизми, Оҳморол?

- Мен энди ҳеч нарсадан қўрқмайман, Жорж.
- Бунга сабаб нима?
- Энг қийин нарсани ўлим дейишади. Ўлимдан ҳамма нарсаси бор одамларгина қўрқади.

Блоквил Оқморолнинг нима учун бундай деганини унинг ҳозирги аҳволи билан боғлади.

— Бу гапингиз тўғри. Оғир кундан ўлим ҳам енгил. Бироқ, сиз ҳали жуда ёшсиз. Умрни ўтказиш, ҳаётдан лаззат олишингиз керак. Эркин одам турмушдан лаззат ола билмаса — унинг ўзи гуноҳкор.

Фарангнинг нақ қаршисида, сомоннинг устида ўтирган Оқморолнинг чукур хўрсиниб нафас олгани эшитилди.

Ожизанинг бу ҳаракати Блоквилнинг айтган сўнгги сўзларига билдириган жавоби эди.

— Турмушда лаззат йўқ, азоб-уқубат бор.

Ўртага яна жимлик чўқди. Оқморолнинг ҳозирги ҳолати, оғзидан чиққан ҳасратли сўзлар тушунарли бўлгани учун ҳам тутқун сукутга чўқди. Шу сабабли, шароит билан боғлиқ бўлмаган:

— Оҳморол, сиз неча ёшдасиз? — деган саволи ўринсиздай бўлди. — Бизнинг элда аёлларнинг ёшини сўрашмайди. Бироқ ҳозир...

— Ҳар элнинг ўзига хос урф-одати бўлади. Бўлмаса, ёшни сўраш айб эмас-ку? Мен йигирма тўққиз ёшдаман. Сиз неча ёшдасиз?

— Мен минг саккиз юз ўттиз учинчи йилда Нормандияда туғилганман.

— Демак, сиз мендан тўрт ёш катта экансизда? — деган савол Оқморолнинг жавобни тўғри тушунмаганини билдириди.

Блоквил кулди.

— Мен ўттиз уч ёшда эмасман, Оҳморол. Мен ўттиз учинчи йилда туғилдим. Ҳозир бир минг саккиз юз олтмиш биринчи йил. Мен йигирма саккиз ёшга кирганман.

— Ие, сен мендан кичик экансан-да! Сўзингга олдин тушунмабман.

Шу пайт Оқморолнинг чехрасида қандай ўзгаришнинг пайдо бўлгани кўринмаса-да, тутқун уни кулумсиради, деб ўйлади.

Ёшларини билиб олишгач, улар ўртасидаги гап-сўз ҳам тўхтади. Барibir, ухлай олмаслигига кўзи етгач, Блоквил қизни безовта қилмади, унинг ўз ёнидан кетишини ҳам истамади. Қайтанга, у кулба эшигидан осмонда нур сочиб турган юлдузларга каради-да, сўзлаш учун баҳона топганига хурсанд бўлди.

— Юлдузларни кўряпсизми, Оҳморол? Осмонда ҳар кимнинг ўз юлдузи бўлар эмиш, шуни биласизми? — деди.

Блоквилнинг кўнгил кўтариш учун топган бу ибораси сухбатга қўр бўлолмади.

— Менинг юлдузим йўқ! — деган кескин гап сұхбатга сув қўйгандай бўлди.

— Албатта бор, Оҳморол. Сизники бўлмаслиги мумкин эмас.

— Менини йўқ. Ерда баҳтсиз бўлган одамнинг, осмонда юлдузи бўладими?

«Бу нима учун асосий гапга ўтмаяпти? Ёки Фуломбек келтирган хабар фийбатдан лаззат оладиган аёллар томонидан ўйлаб топилган чўпчакмикан? Шундай бўлганда ҳам Оҳморол ҳозир менинг ёнимга худа-беҳудага келган бўлмаса керак?»

Нима бўлса-да, Блоквил ёқимсиз сўзни бошлашдан ўзини тийди. У қоронғида жим ўтирмаслик учун сўзлашишга баҳона изларди. Гаплашишга баҳона ҳам зарур пайтда топилмас экан. Шу сабабли фарангнинг:

— Оҳморол, сиз эрга тегдингизми? — деган саволи бирмунча фалатироқ эшитилди.

— Сен менинг ҳақимда билгинг келяптими? — деганда Оқморол гўё жилмайгандай бўлди.

— Инсон ўзи ҳурмат қилган энг азиз кишисининг кимлигини билгиси келади-да.

Оқморолдан анча пайтгача садо чиқмади. Тутқун ҳам ўзининг кимлигини билдиришни хоҳламаган аёлни қистамади. У яна қанақа савол топсан бўлар экан деб ўйлаётганда, Оқморол сўзлай бошлади.

— Мен ўн икки яшар вақтимда эронийлар босқини бўлди ва мен қожорлар қўлига асирилкка тушдим. Ўн икки ёшимда қиз бола ҳолимда мени олиб кетишиди, ўн беш ёшга етганимда Эрондан қиз ҳолимда орқага қайтиш насиб этди менга, Жорж...

Ана шу фурсатларда Ҳамза Мирза бошчилигига сарбозларнинг Сарахс яйловида туркман келини билан ўтказган «Бекзодалар томошаси» фаранг тутқуннинг эсига тушди:

— Улар сизга кўл тегизмай, орқангизга қайтардиларми? — деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Бунинг шундай бўлганлиги бир худога ва бир менинг ўзимга аён. Бунга бошқа ҳеч ким ишонмайди.

Шу сабабли мен баҳтсиз бўлиб қолдим... Бир гал улар мени биттаси билан никоҳламоқчи бўлишди. Рози бўлмадим. Илк бор мен рози бўлмаганим учун шариат қонунини бузишмади. Мардлик қилишди. Кейин Аббосали сабабли менинг кўнглимга қарайдиган бўлишди.

— Аббосали дегани ким?

— Аббосали Хурсонда мен бандиликда бўлган жойнинг катхудоси экан. Уни туркманларнинг бурказ уруғи одамлари асир қилишган экан. Мени ўша Аббосали билан алмашлашни кўзлашган экан. Кейин алмашлаши.

— Кейин-чи?

— Мен сенинг кутиб турган нарсангни биляпман, Жорж. Уни ҳам айтаман. Уч йил чўрилика, бегона юртда асирикда бўлиб келган заифа кимга керак? Туркманлар номи қора бўлган заифага уйланмайдилар.

— Эронликлар мардлик қилишди, дедингизми?

— Ҳа, шундай бўлган. Ўзинг ёмон бўлгандан кўра, номинг ёмон бўлгани чатоқ. Ота-онам йўқ. Ўзинг билган туғишган оғаларим бор. Яна энг яқин қариндошим бор. У мени яйловга олиб борган тоғам бўлади. Ана шу қариндошларим ҳимоясида юрибман.

Оқморол сўзини тугатгач, Блоквил:

— Бизнинг юртимизда сизга ўхшаган заифаларни... «қари қиз» дейишади, — деди.

— Бу сўз туркманларда ҳам бор. Пешонангга нима ёзилса, ўшани кўриш буюрилар экан.

— Пешона, пешона деб, сиз энди қари қиз бўлиб яшайвермоқчимисиз?

Оқморол яна чуқур хўрсинди.

— Менинг яшаш-яшамаслигим маълум эмас. Бироқ бең ой бўлди, энди мен қари қиз эмасман.

— Унда кимсиз?

— Ҳеч ким.

— Буни қандай тушуниш мумкин?

— Омадсиз бир заифаман. — Бирданига Оқморол ўзининг чегарадан чиқаётганини сезиб

қолди ва дарҳол сергакланди. — Мен нималар деб вайсаяпман-а?! Ҳа, мен ҳам инсонман. Кимгадир юрагимни очишим керак, ахир. Бўлмаса юрагим ёриладиганга ўхшайди. Бераҳм яқиндан раҳмли ёт яхши...

Оқморолнинг сўнгги сўзлари Блоквиленинг эркини қўлидан олди. У ўзининг қаердалигини эсидан чиқариб, бироз олдинга сурилди. Оқморолнинг қўлларидан ушлади. Қиз қўлларини дарҳол тортиб олди.

— Раҳмли ёт бераҳм яқинга айланмоқчи бўл-яптими?

Қизнинг бу сўзлари фарангни хижолатга қўйди. Блоквил ўзининг қизариб кетган юзини қоронфиликда Оқморолнинг сезмаганига қувонди.

— Мени кечиринг, Оҳморол! Кечирасизми?

— Ўзим ёруғ жаҳон билан хайрлашмасам, қариндошларим... Ухлай олмагач, дардларимни бир тўкай деб келгандим ёнингга.

— Мен ҳеч нарсага тушуна олмаяпман, Оҳморол.

— Тушунмаганинг ҳам яхши. Қўли билан қилган, елкаси билан тортар экан. Буларнинг бари қисматимда бор экан. Мен қисматга ишонаман, Жорж.

Эгамуроднинг эшиги тарақлаб очилди.

Оқморол турган жойида қотиб қолди.

— Янгам ташқарига чиқди, — деди у.

Кўп вақт ўтмай, Эгамуроднинг эшиги яна овоз берди.

Оқморол ўзига келди.

— Янгам ичкарига қайтиб кирди.

Ана шу хабар Блоквиленинг Оқморол оғзидан эшигтан энг охирги сўзи бўлди. Асирининг кулбаси яна бўм-бўш бўлиб қолди.

## 50

Муҳаммадаваз полвоннинг эрталабки намоз вақтида айтадиган «Оллоҳу акбар»идан сўнг атрофдаги уйларнинг бола-чақасидан бошқа барча

одам ўрнидан турарди. Намоз ўқисин-ўқимасин ёши катта туркман бу дамда ўрнида ётса — бориб турган одобсизлик саналарди. Блоквил ҳам кейинги пайтларда ана шу қоидага амал қиласынан бўлиб қолди. У ҳам доимо азон товушидан уйғонади...

Бугун ҳам шундай бўлди. Намоз тугагач, тутқун ташқарини айланиб келди. Шу вақт Мұхаммадаваз полвон кулба томонга кела бошлади. У Блоквилнинг ёнига камдан-кам келарди. Шу сабабдан ҳам ҳозир фаранг йигит хаёлига келган ёмон фикрдан қўрқиб кетди. «Сен бизни эл-юртга шарманда қилдинг!» деса, унга нима деб жавоб беради? «Мен бегуноҳман» деганига булар, барибир, ишонмайди. Кеча тунда... Оҳморол нима сабабдан бошига келиши мумкин бўлган хавф ҳақида индамади экан? Ёки булар аллақачон аниқ бир қарорга келишганмикан?»

Мұхаммадаваз полвоннинг кулба томон келаётган йўли қисқарган сайин, фаранг тутқуннинг қўрқуви шунча орта бошлади. У ўзини ҳар қанча қўлга олишга ҳаракат қиласын, ўзини шу лаҳзаларда ҳар қанча хотиржамдай тутмасин, ҳозир қалтирай бошлади.

— Ассалому алайкум, оғабек! Эртангиз хайрли бўлсин!

— Ваалайкум ассалом, фаранг мулла. Омон-эсон турдингми?

Оқсоқолнинг юзига кўзи билан, овозига қулоғи билан баҳо берган Блоквилнинг қўнгли жойига тушгандай бўлди. Чунки ёшуллининг юзида қаҳр, овозида ғазаб оҳанги йўқ эди. Аксинча, полвон олдингилардан ҳам мулойим саломлашди. Блоквил бунга ҳайратланди.

Уч-тўрт ой бундан олдин экинзорда ишлаб юрганида, унинг ишини кузатган ёшулли гап-сўз орасида: «Фаранг мулла, биз сени уйлантирсан нима дейсан? — деганди. Агар сен ўз динингдан чиқиб, мусулмон динини қабул қиласанг, биз сени уйлантира оламиз». Ўшанда Блоквил: «Агар сизга ўз динингиздан қайтиб католик динига

киринг десам, уни қандай қабул қиласынгиз?» дейиши билан ёшулли мот бўлганди. Ваҳоланки, Муҳаммадаваз полвон ҳазил қилмаган, астайдил, чин юракдан гапирганди. Умуман, ўшанда фаранг йигит ёшуллининг ҳазиллашмаганини, юрагида йўқ нарсани тилга ҳеч қачон олмаслигини тушунганди... Аммо, ҳозир Муҳаммадаваз полвон: «Мулла фаранг, гуноҳ иш қилдингми, энди мардона бўл. Сен Оқморолга уйланишга мажбурсан!» деса, унга қандай жавоб бериш керак? Агар у Оқморолга уйланишга рози бўлса, ўз динидан ҳам чиқиши шарт-ку. Мусулмон динига кирмаса, уни Оқморол билан никоҳдан ўтказишмайди. Никоҳлашмаса, Оқморолни ўлдиришади. «Булар пулни олгунларича мени ўлдирмасликлари мумкин. Бироқ, Оқморолни ўлдиришлари аниқ. Мени эса... Жорж Блоквилни эса изидан пул келиб, товон пули олингач ҳам ўлдираверадилар. Барибир, булар жонга жон олмасдан қўйишмайди. Озодликка чиқиб, ўз юргига хотиржам кетаётган капралнинг орқасидан икки нафар отлиқни жўнатиш қийин эмас-ку...»

Блоквилнинг ичини таталаб, миясини еб ётган бу хавфли тахминлар бу сафар ҳам хато бўлиб чиқди. Муҳаммадаваз полвон ўз уйи томон қўлини силкиб:

— Мулла фаранг, иш-пишинг бўлмаса, ана у кигизнинг устида битта от нўхтаси турибди. Унинг сўқилган жойларини яхшилаб тикиб бер! Ўзимнинг қўлимдан ҳам тикиш келади-ю, бироқ ҳайф, кўз энди яхши кўрмай қоляпти! — деди.

Буни эшитиб кўрсатилган томонга қушдай учиб бориб келган фаранг ёшуллини қучоқлаб олай деди.

— Оғабек, сиз мени алдаётганга ўхшайсиз! Телпакнинг бир дона жунини қимирлатмай, унинг устидаги чойнакни нишонга олган қўзингиз, нўхтани тикиш лозим бўлганда кўрмай қолдими?

Мақтовни эшитган ёшулли эриб кетай деди, чин дилдан хахолаб кулди.

— Шошиб қолганда карнинг қулоғи очилади, кўрнинг қўзи... Кигизнинг устида ип, бигиз, мум бор...

Асосий ташвишни орқага ташладим деб ўйлаган фаранг тутқун, уйнинг соя томонидаги кигиз тарафга енгил қадам ташлаб кетди.

Блоквилнинг сурат, харита чизиб ўрганган қўллари, бармоқлари игна-жуволдиз ушлашга ҳам уста эди. Бундан бир ҳафта олдин фаранглик Эгамурод кун бўйи уриниб, эплай олмаган эгарни озгира вақтнинг ичидагулдай қилиб қўлдан чиқарганди. У анчадан буён қўни-қўшниларнинг тешилган қумғонию чойнакларининг жўмрагини чегалашми-ямашми, нима олиб келишса, шуни тузатиб ўрганиб қолган, бундай ишларни у ҳавас билан, қойилмақом ўринлатарди. Чунки унга вақтни ўтказиш учун бунақа ишлар ҳаводай зарур эди.

Блоквил мумланган ипни жуволдиз тешигидан ўтказиб ишни бошлайман деб турганида, кунчиқар тарафдан келаётган тўриқ отлиққа кўзи тушди. Бу ёшули уй ичидагилар ҳам эшитсин дедими, қора уйнинг соясида нўхта тикиб ўтирганнинг саломига ҳайқириб алик олди.

Меҳмоннинг юзи қаҳр-ғазабдан бўзариб кетган эди. Унинг жуда ҳурматли одам эканлигини уйдан чиққан Эгамуроднинг қўл қовуштириб салом беришидан билса бўларди.

Блоквил отдан тушган одам ўзи билан ҳам қўл олишиб кўришса керак деб ўйлаб, қўлидаги абзалларни кигиз устига қўйди-да, қўл узатишга тайёрланди. Аммо бу баджаҳл одам Эгамуроднинг: «Ёшули бу уйда», деган хабаридан сўнг сояда турганга эътибор ҳам бермай, Муҳаммадаваз полвоннинг уйига бурилди.

Ўртадаги эшик устига кигизсимон ёпинчиқ ташланган бўлса-да, уй ичидаги сухбат ташқарига bemalol эшитилиб турарди. Ичкаридагилар одатдагидай салом-алик қилишгач, узоқ вақт жим қолишиди.

— Урушнинг кенгаши бўлмайди, полвон ofa! — сўз бошлади сўнг меҳмон. — Бу ерда тушунарсиз ҳеч нарса йўқ. Сир деб сақламоқчи бўлганимиз

кўпчиликка маълум бўлгач, сирлигини йўқотади.  
Бу хабар биз томонларга ҳам етиб борди.

— Ҳа, шундай. Эл-юртга шарманда бўлдик,  
Яйлимхон! — деб Муҳаммадаваз полвон бўғик  
овозда гапирди.

«Меҳмоннинг номи Яйлимхон экан, — деб  
Блоквил ичиди пичирлади. — Номининг кейинига  
«хон» қўшилган экан, у ҳеч бўлмаганда ўз уруғининг  
катхудоси бўлса керак».

— Гуноҳкорни топиш лозим! — бу Эгамуроднинг  
овози эди.

— У гуноҳкор ким экан? — меҳмоннинг сўзи  
кескин чиқди. — Қариндош мен учун ҳам, сиз  
учун ҳам теппа-тeng қариндош. У менинг жияним  
бўлса, сизларнинг синглингиз! Шу сабабли очик  
гаплашайлик. «Қанжиқ думини ўйнатмаса, ит унинг  
изига эргашмайди...»

«Қанжиқ» дейилгани тушунарли, демак гап  
Оқморол тўғрисида кетаяпти. «Меҳмон — қизнинг  
тоғаси экан-да». Блоквилнинг кўзи бигиз билан  
жуволдизнинг учида бўлса ҳам, қулоғи уй ичига  
қаратилган эди. У ичкарида бошланаётган бўрон-  
нинг шамолигача қўлдан чиқармай, барчасини  
билгиси-эшитгиси келарди. Албатта, юз берган воқеа  
жуда кўнгилсиз эди. Аммо европалик капралнинг  
воқеага баҳо беришига кўра, одам бунчалик ўзини  
ўтга-чўқقا ураверишга ҳеч қандай асос йўқ. «Инсон  
фақат ўз юраги буюрганини қилиши керак. Булар  
эл-юрт кўзидан уялар эмишлар! Эл-юртга нима,  
гап-сўз йўқ жойдан гап-сўз топади. Умуман,  
фарангга қолса, эл-юрт дейилган тўдага мутлақо  
кулоқ солмаслик лозим. Эл-юрт деб аталган тўда уч  
бўлакдан иборат бўлади. Унинг асоси — қўлидан,  
тилидан ҳеч нима келмайдиган кўпчилик. Иккинчи  
бўлак — иши кўплигидан ҳеч нимага эътибор  
бермайдиган озчилик. Учинчи бўлак — ўша икки  
бўлак номидан гапириб, бундан унга, ундан бунга  
гап ташиб, ўз манфаати йўлида фойда кўзлайдиган  
муттаҳамлар. Шунинг учун ҳам инсон фақат ўз

қалбига қулок солиши шарт...» Аммо начора, фаранглик тутқун нималар ҳақида хаёл сурмасин, нималарни ўйламасин, ҳар бир элнинг ўз қонун-коидаси, ўз урф-одати бор экан...

Эгамурод уйдаги эркакларнинг ичидаги ёши энг кичиги бўлса-да, ўз айтганини ўтказишга ҳаракат қиласди. У меҳмон билан баҳсга киришганида ҳам овози жуда дағал чиқди.

— Куйруқ кўрганда куйруқ эгаларини ҳурмат қилмаган итнинг бошини энг олдин кесишимиз шарт!

— Ким экан, у кўпрак?

Муҳаммадаваз полвон шундай савол берган эканми, демак, Фуломбекнинг фарангга олиб келган хабари нотўғри бўлса керак-ов...

— Ўзидан сўраб кўрмадингизми?

— Сўрамоқчи эмасмиз, — деб Эгамурод Яйлимхонга жавоб берди. — Бошимизгача шармандалик лойига ботганимиздан сўнг, сўроқ-текширув қилишдан фойда йўқ. Сиз ҳам келган экансиз, Яйлим оға, ишни узоққа чўзиб юришнинг кераги йўқ. Агар сизда раҳм-шафқатлилик устун бўлса, бу ишни амалга оширишни менга буюинглар!

— Бу воқеа аниқ бўлгунча, Кўнғирдан бошқа жойга жўнатиб юборсак қандай бўлади? — Муҳаммадаваз полвон энди юмшоқ оҳангда гапира бошлади.

Қизиқкон Эгамурод Яйлимхондан ҳам олдин қичқирди:

— Нима деяпсиз, оға?! Ўзини Кўнғирдан чиқариб юборганимиз билан, шармандалигимизни нима қиласмиш!?

— Тўғри айтяпсан! Шарманда бўлганимизни қопга тиқиб олиб кетиб бўлмайди, полвон оға...

«Меҳмон ҳам Эгамуродни қўллаб-қувватляяпти. Ёшуллининг ҳолига ҳеч ким эътибор бермаяпти...»

— Мен бошқа бир нарсани тахмин қиляпман. — Гапираётган Эгамурод эди. — Агар тухмат қилаётган бўлсам, гуноҳимни худо кечирсинг... Ўтган ҳафтада фаранг ҳаво олиш учун кулбасидан ташқарига чиқиб

кетганида, унинг ётадиган жойига кирдим. Сомоннинг орасидан ичиди овқат юқи бор бир идиш чиқди. Идишни у ерга ким олиб борган? Унинг кундуз кунлари кулбага мутлақо эътибор бермаслигини биламиз. Демак, тунда яшириниб борган... Феъли тўғри бўлса, идишни нима учун бекитяпти? Гуноҳкор, менимча, ўша тутқуннинг ўзи бўлиши керак...

Блоквилнинг қўлидаги бигиз нўхтага эмас, фарангликнинг чап қўлидаги ўрта бармоққа санчилди. У бирданига оғриқни сезмади. Бигизни орқага тортиб олганидан сўнг бигиз орқасидан тошиб чиққан қип-қизил қон тутқуннинг кафтига оқиб туша бошлади.

— Сув кўрмай, иштонимизни ечсак, у олдинги шармандалигимизнинг устига қўшилган чипқон бўлиши мумкин! Менга бир ҳафта, ярим ҳафта вақт беринг. Мен ўзим у билан бир оға сифатида сўзлашиб кўрай. Айб қилган бўлса, айбига яраша жазосини олар. Бўлмаса, ноҳақ тўкилган қоннинг гуноҳига ботиб қоламиз. Бундай қоннинг гуноҳи азим бўлади.

Худди шу бугун ниҳоясига етадиган умри яна бир ҳафтага узайганини англаган Блоквил, Муҳаммадаваз полвоннинг сўзларидан сўнг бармоғидаги оғриқни сеза бошлади. У қонли бармоғини оғзига солди.

— Гапни чўзмайлик, полвон оға! Ҳафталаб, ойлаб вақтни узайтирсак, ўзингиз киндик она бўлиб қолманг тағин. Кейин, одамлар орасида қандай юрасиз, ахир? Шу сабабли сизга бир ҳафта эмас, бир кун фурсат берайлик. Мен эртага кеч оқшом этиб келаман. Ўшангача масалани ечмасангиз, уни тун қоронғилигига саронжомлаб қўя қоламиз. Обрўйингизни ўйлайлик, полвон оға. Яйлимхон ҳам қолган умрини ор-номус тагида ўтказишни истамайди. Имонсиз мен бўлиб қолай. Ор-номусим куйгандан кўра, имоним куйсин... Агар эшигингизда сақлаб юрган қулингиз қизнинг номусига теккан бўлса, сизнинг гуноҳингизни ҳам мен бўйнимга оламан. Сизга яна бир кун фурсат унда...

Яшайдиган умрининг бир куни қолган Блоквилни ичкаридагиларнинг бошқа гап-сўзлари энди қизиқтирмай қўйди. У нима қилишини билолмай, тикаётган нўхтани бўйнига осди-да, кулбаси томон жилди. Юриб борар экан, бўйнидан осилган нўхта бўғзидан бўғиб, нафас олдирмаётгандай туюла бошлади...

## 51

Кайфи ошиб қолгандай чайқалаётган Блоквилнинг нимадир қилишгаям ақли етмай қолди. Унинг боши гувиллаб, қулоқларига бир нарса тиқилгандай эди. Анчадан бери давом этиб келаётган бош оғрифидан сўнг соchlарининг таги совқотгандай бўлди. У иссиқ кулбада бошининг совқотганини ёмон хосият деб ҳисоблади, кон босимим ўзгарган бўлса керак, деб сочини кафти билан таради. Сочларининг ҳам ярми оқариб кетгандир?

Унинг кечадан бери тортган азобларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди...

Фаранг тутқун шу ҳолатида ҳам ташқаридан кўзини узмасди. У Мұҳаммадаваз полвоннинг кулбага келишини ёки ўзининг чақирилишини кутиб ўтиради. Бироқ ёшулли пешингача бир неча бор ташқарida кўринган бўлса-да, тутқун томонга эътибор қилмади. «Ёшулли нима сабабдан суҳбатни бошламай, орқага ташламоқда? Бу билан қаерда нимани ютмоқчи? Ёки ўзим унинг ёнига борсаммикан? Йўғ-э, бу фикринг нотўғри, Жорж!..»

Блоквил шундан сўнг туркманлар ўзлари сўз очмагунларича, ҳеч нарсани билмагандай юраверишга аҳд қилди.

Фаранг тутқун шу лаҳзаларда атрофида Мұҳаммадаваз полвон сингари турмушнинг кутилмаган ўйинларини писанд қилмай, барига совуққонлик билан, хотиржам назар ташлайдиган оқсоқолнинг борлигига минг бор шукур қилди. «Ана шу ҳам худонинг менга раҳми келгани бўлса

керак! Бўлмаса қизиққон туркманлар, аллақачонок йўлбарснинг оёқ санашига ўхшаган ўйин қилишлари мумкин!»

У Париждаги бир ҳазилкаш дўстининг давраларда кўп такрорлайдиган латифасини ҳозир, шу дамда яна эсга олди. Латифада айтиладики, бир қуён ўрмонзорда қочиб бораётган экан, олдидан иккинчи бир қуён чиқиб, қочишининг сабабини сўрабди. «Орқамдан йўлбарс қувлаб келяпти! У кимнинг оёғи бешта бўлса, ўшанинг бошини емоқчи!» деб жавоб берибди қочиб бораётган қуён. «Ундей бўлса, сен нимага қочасан? Сенинг оёғинг бешта эмас-ку, ахир?!» деб иккинчи қуён ҳайрон қолибди. Шунда қочиб кетаётган қуён: «Эй қариндош, йўлбарс олдин оёқларингни гавдангдан ажратиб олиб, ундан кейин санай бошлайди-да», деб яна қочишда давом этган экан...

Блоквил ҳам қизиққон туркманларни ўша оёқ санайдиган йўлбарс билан қиёслади. Улар ҳам, аввало, боингни кесиб, ундан кейин гуноҳкор ёки гуноҳкор эмаслигингни текширсалар керак...

Ёз фаслининг офтоби тикка келиб куйдира бошлади. Ёз чилласи кирган пайт. Шундай иссиқдан сўнггина фарангнинг бош оғрифи камайиб, қон томирларининг зарби сал мўътадиллашди. У яна қофоз-қаламларини қўлига олди. Катта дафтарини очган эди, Оқморолнинг жилмайиб турган сурати чиқди. Тутқун бир пайтлар ирим қилиб, унинг кулиб турган суратини чизган эди. Дур-марвариддай бўлиб қаторлашиб турган оппоқ тишлар Оқморолнинг гўзал чехрасига янада кўрк қўшиб юборган. Блоквил суратга қараб турганича: «Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман, Оҳморол! — деди инграф. — Сиз нима учун ўзингизни ўзингиз қийнаяпсиз? Сиз нима учун мени ҳам қийнаяпсиз? Сиз нима учун бу ишда мен билан биргалашиб чора изламаяпсиз?» Сурат, албатта, жим эди. У жим турган ҳолида ҳам гўзал. Нафис қилиб чизилган расм гуноҳкор бўлмаса-да, фаранг йигит расмни

майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Кулбадан Оқморол олиб келган идишни қидириб топган Эгамурод дафтардаги соҳибжамол қиз суратини ҳам топиб олиши сўзсиз...

Чанқатадиган овқат емаган бўлса-да, фаранг тутқин ҳозир негадир сув ичгиси келди. У кулбадан уялиб-қўрқиб чиқди-да, қудуққа томон юрди. Худди гаплашилгандай, шу пайт Муҳаммадаваз полвон ҳам уйидан ташқарига чиқди. У гўё тутқун билан сўзлашиб олмоқчидай эди. Бироқ, қудуққа томон икки-уч қадам ташлаган қария бирдан тўхтади.

Кўча йўли томонидан сийрак соқолли, сариқдан келган ёшгулли одам, қирқ ёшлар атрофидаги узун бўйли, от юзли бир киши пайдо бўлди. Улар тўғри юриб Муҳаммадаваз полвоннинг ёнига келишди. Иккала оқсоқол омонлашиб, соқолларини сийпалашди, соғлик-омонлик сўрашишди.

Улар бир-бирларини танимай турганликлари аниқ эди. Шунга қарамай, уй ичидағилар, мол-ҳол, қўни-қўшниларнинг саломатлиги сўралишини қудук бошида турган Блоквил биларди.

Туркманларнинг урф-одатига кўра, келган одамлар нотаниш бўлса-да, Муҳаммадаваз полвон уларни уйга таклиф қилди. Бироқ, сийрак соқолли оқсоқол таклифни қабул қилиш ўрнига:

— Сизнинг давлатли ўчоғингиз остонасидан ҳатламоққа бизнинг ҳам ҳақимиз йўқ, полвон, — деб кутилмаган жавобни қайтарди.

— Бу нима деганингиз, биродар? — Муҳаммадаваз полвон ҳайрон қолиб, яна мақол ишлатди. — «Уйга кирган жайроннинг икки шохидан бошқа гуноҳи бўлмайди», соқолдош!

— Бизларнинг бегуноҳ жайронлигимиз ҳозирча аниқ эмас. Тўғрисини айтсан, бизлар бошидан товонигача гуноҳга ботган одамлармиз. Шу сабабли, ташқарида туриб суҳбатлашаверайлик...

— Фаройиб меҳмон экансиз-да, ўзингиз?! — полвон оға жилмайишга уринди. — Гуноҳи бор

кишилар, айбдор одамлар бугунгидай жазирама иссиқда меҳмондорчиликка келадими?

Келган ёшулли айтмоқчи бўлган гапларини олдиндан тасдиқлагандай, бошини қимирлатди:

— Биз гуноҳимиз бўлгани учун келдик, соқолдош!

Фалати меҳмонларнинг гуноҳкорона хабарини эшлишига чоғланган полвон энди сергакланиб:

— Ундаи бўлса, шу ерда айтаверинглар! — деди. — Сизларга рухсат!

Шу пайт отхона томондан келган Эгамурод меҳмонлар билан кўришиб, соғлик-омонлик сўрашди.

— Бу менинг укам бўлади! — дея ёшулли Эгамуродга томон имо қилди, — исми Эгамурод.

— Бизлар кимнинг Эгамуродлигини, кимнинг Муҳаммадаваз полвон эканлигини аллақачон сураштирганмиз! — дея келган ёшулли барча нарсадан хабардорлигини олдиндан билдириди.

Меҳмонлар нигоҳлари ўзига томон тушганини сезган Блоквил яна бошини эгиб улар билан саломлашди, бироқ уларнинг ёнига бориб қўл олишмади. Иш билан банд одамдай, қудуқнинг бошидан кетмай тураверди.

— Хабарингизни айтаверинг, меҳмон. Менинг укамдан яширин гапим йўқ.

— Бизларнинг айтмоқчи бўлганимиз инингизга ҳам тааллуқли бўлгани учун қайтанга бунинг ҳам келгани яхши бўлди... Бу ҳам менинг укам! — Ёшулли меҳмон келганидан буён овозини чиқармай, юзини ерга қаратиб турган шеригига назарини бурди. — Исми Жўракули. Ана оғалар, инилар, баҳор пайтида Жўракули бизнинг юзимизни ерга қаратди. Ундан ҳам ёмони — сизларни ор-номус тагида қолдирди. Энди, бўлар иш бўлиб ўтди. Бизлар бошимизни этагимизга солиб келдик. Менинг бундан бошқа айтишга-сўзлашга тилим бормаяпти. Аҳвол сизларга ҳам, бизларга ҳам маълум.

— Бундан келиб чиқдик, — деб соқолини сиқимлаган Муҳаммадаваз полвон Эгамуродга қаради. — Хизр деганимиз хирс (айиқ) чиқибида!

Эгамурод овозини чиқармай ўз уйига кириб кетди.

— Аҳвол мана шунаقا, соқолдош, — дея меҳмон полвонга қаради. — Энди бизлар сизларнинг жавобингизни кутамиз.

Мұхаммадаваз полвон бир нима демоқчи бўлган вақтда, Эгамурод уйидан чиқди. Унинг уйга нима учун кириб чиққанига оғаси эътибор бермаган бўлса-да, ёшулли меҳмон диққат қилган экан! У Эгамуроднинг белидаги тўппончага қаради-да:

— Сен, иним, тўппонча олиб келдинг, шекилли, — деди. — Туркманда «Қари ҳўқиз қассобдан қўрқмайди» деган нақл бор. Агар бизлар тўппончадан, пичоқдан қўрқадиган бўлсак, ажалнинг устига ўз оёғимиз билан юриб келмасдик. Бизларни бу хонадонга қилмишимиз олиб келди. Қочиб ҳам юришимиз мумкин эди, яшириниб ҳам. Аммо бир номардлик устига яна бошқа бир номардликни қўшмайлик, деб келдик. Қолаверса, икки томон ҳам туркман бўлгач...

Эгамурод аниқ жавобни олган бўлса-да, жим тура олмади.

— Муддаони айтинг, бўладиган гапни, оқсоқол!

— Дарҳақиқат, кўп гапдан аниқ гап яхши. Ке-чириб билсангизлар, кечирим сўраб келдик. Қабул қилмаймиз десангизлар, мана, гуноҳкорнинг ўзини олиб келдик. Қайсинисини қабул қилсангизлар, ихтиёр сизларда. Нимани раво кўрсангизлар, бизлар рози. «Қўли билан қилган, елкаси билан тортар», деган нақл бор.

Бир қўлини белига тираб турган Эгамурод кинояли луқма ташлади.

— Сиз, оғам, «Ҳам ўғриман, ҳам фолибман» деган нақлга риоя қилишни энди бу ерда эсингиздан чиқаринг! Сиз ҳам бизнинг номусимизни поймол қилдингиз, ҳам устимизга келиб ўз шартингизни қўймоқчи бўляпсиз. Бизга энди обрў керак эмас. Ор-номус керак. Обрў тўкилиб бўлди. «Даъвогаринг қўнғир бўлмасин», деган гапни эшитмаганмисиз?

Эгамуроднинг дағдағали сўзларига ёшулли парво қилмади.

— Энг олдин шуни билиб ол, иним, бу иш даъвожанжалдан каттароқ иш...

— Уни биз сиздан яхши тушуниб турибмиз.

— Эгамурод, жим бўл! — деб полвон оға қаҳразаб билан кесиб гапирди. — Обрўнинг бари тўкилгандан ярми тўкилгани яхши!

Келган ёшулли ҳам кўпни кўрган оксоқол экан. У ҳар бир эшитган сўзини ақл тарозусига қўйиб, ҳамманинг кўнглини топиб сўзлашга ҳаракат қиласарди:

— Қалби қаҳр-ғазабга тўлган кишининг ҳолатини биз ҳам тушунамиз... Бироқ, соқолдош яхши гап айтди: «Зарарнинг ярмидан қайтмоқ ҳам фойда». Кечиrimимизни қабул қилсангизлар, қизингизга эгалик қилиб, бизлар ҳам ёмон гап-сўзлардан кутулардик. Ундан ташқари, бу қисматдир, оғалар, инилар. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Шундай ишлар бўлади, деб биз ётсак-турсак ҳам миямизга келган эмас. Тақдир бўлмаса, Яратган эгам учраштиrmаса, бу ҳам, у ҳам бир пайтда бир жойга яйловга чиқармидилар? Келинглар, худонинг хоҳиши билан рози бўлайлик!..

«Келган ёшуллининг «бу ҳам» дегани — ўз ииниси, «у ҳам» дегани — Оҳморол бўлса керак», деб ўйлади Блоквил. Бу гапдан хулоса чиқариладиган бўлса, Оқморол билан Жўрақули бир-бирлари билан саҳрода яйловга боргандা учрашган, бўладиган нарса ўша ерда юз берган...

— Сизларнинг аҳволларингиз қандай? — деб Муҳаммадаваз полвон шу гап билан кечирганини билдиromoқни маъқул топди.

— Бизни, соқолдош, кўриб турибсиз. Жўрақули уч мучални тўлдирди. Келинимиз фақирнинг умри қисқа экан, беш яшар қизини бизларга қолдириб, боқий дунёга кўчди. Ўзимиз чорвадормиз. Тирикчилигимиз мол-ҳолнинг орқасидан ўтиб туради. Жуда

бой ҳам эмасмиз, ўтакетган камбағал ҳам эмасмиз, худога шукур. Қозонимиз ҳар куни қайнайди. Биз ҳам сизлар сингари одамлар билан қариндош бўлсак, Яратган эгамдан миннатдор бўлардик. Кон хиди келиб турган иш хайрли тамом бўлса — тўй қилиб бермоқчиман. Сизлар ҳам...

Меҳмоннинг тугатмаган гапидан: «сиз ҳам бизни қўллаб-қувватланг!» деган маънони уқиши мумкин эди. Келган ёшулиниң ҳар бир яхши сўзи, ўзини тутиши Муҳаммадаваз полвоннинг кекса қалбидаги фазаб истеҳкомини йиқитди.

— Ўзингиз қайси уруғдан бўласиз? — деганида, Муҳаммадаваз полвоннинг овози ниҳоятда мулојимлашди.

— Бизлар, соқолдош, арсарининг улутепа уруғиданмиз. Бўлаётган жойимиз Қўжуқнинг боғида. Такаларнинг вакил қабиласининг юсуф уруғи билан қариндошмиз. Қиз олиб, қиз беришяпмиз.

Муҳаммадаваз полвон ўз уйини кўрсатиб:

— Қани, соқолдош, уйга кирайлик энди! — деди.

Ёшули меҳмон енгил қадам ташлаб, полвон оға таклиф қилган уйга томон юрди. Бироқ Жўрақули ёшулиларнинг орқасидан уйга кирмай, қора уйнинг соя томонига ўтиб турди...

Шу куни офтоб ботаётган маҳали сийрак соқолли оқсоқол орқасига икки нафар аёлни эргаштириб, яна Муҳаммадаваз полвоннинг хона-донида пайдо бўлди. Кўп вақт ўтмай уч нафар бўлиб келган меҳмон ёшули тўрт нафар бўлиб қоронфилик ичida кўздан ғойиб бўлди.

Жорж Блоквил ана шундан кейин қайтиб Оқморолга дуч келмади. У бутун Кўнғир қишлоғида якка-ёлғиз бўлиб қолди.

*Мурғоб дарёсининг чап қирғозидаги топазлар урувигача ўзимни жўнатадиган Абдал сардорнинг отлиқлари билан йўлга тушдим.*

*Теварак атрофдаги уйлардан ишвилган кўплаб кишилар мени анча йўлгача кузатиб боришди...*

**Жорж БЛОКВИЛ хотираларидан**

1861 йил ноябрь ойининг сўнгги кунларидан бири. Қовоғи қоп-қорайиб, ҳурпайиб турган қора булат осмон билан ерни бирлаштиromoқчи бўлгандай заминга энгашди. Тепадан худди улкан қозон тўнтариб қўйилгандай эди. Дунё ниҳоятда зерикарли кўринади. Аммо ўша зерикарли, кишида фамгин кайфият уйғотадиган бўғиқ кун Блоквилнинг асирикда ўтказган ўн тўрт ойи давомидаги ҳар кун, ҳар соат, ҳар сония кутган хушхабарни олиб келди...

Оқморолнинг анчадан буён эшиги очилмаган қора уйининг кунчиқар тарафида пайдо бўлган Абдал сардор кулба оғзида турган Блоквилга назари тушиб жилмайди.

— Жаноб, мен сизга хушхабар келтирдим!

Хушхабарнинг маъноси тушунарли эди. Чунки Блоквил неча вақтлардан бери ўша хушхабарни кутмоқда! Шу сабабли ҳам Абдал сардор ҳозир унга қоп-қора булатни ёриб чиқсан офтобга ўхшаб кўринди. Ўша офтобдан ажралиб чиқиб, қалбига ўрнашган порлоқ мулойим шуъла фарангнинг неча ойлардан буён муз сингари жунжиктириб турган ички дунёсига ҳарорат бағишилади. Осмондаги қуюқ қора булат сурилиб, олам чараклаб кетгандай бўлди. У отдан тушиб, ўзига томон келаётган Абдал сардорни қучоқлашга тайёрлана бошлади.

Абдал сардор отининг жиловини шеригининг қўлига берди-да, уйдан чиқсан Эгамурод билан саломлашиб, унга бир нималар деди. Кейин иккаласи Мухаммадаваз полvonнинг уйига кириб кетишиди.

Блоквил ўзининг Машҳадда яшаётган европалик дўст-биродарлари юборган тўлов пули келгунча Юсуфхоннинг акаси, Абдал сардорнинг иниси ва яна бир одамнинг Сарахсга келтирилиб, гаровга қўйилганлигидан ҳали бехабар эди. Абдал сардорнинг манов оти, ўзини ватанига олиб кетадиган жонивор эканини қалбан сезиб туради. Шу сабабли оёқлари калтадан келган, ола-чипор, кулранг ёлли от унинг кўзларига ҳозир дунёдаги энг ажойиб бедов бўлиб кўринди.

Абдал сардор олиб келган хатини, хушхабарини Муҳаммадаваз полвонга топширишга улгурдими-йўқми, воқеаллардан аллақачон хабар топган теварак-атрофдаги ёш-қари, эркак-аёл – барча одамлар шу жойга йифила бошлади. Улар ичида ҳасса тутган кексалар ҳам, болаларини қучоқлаган, оғизлари яшмоқли аёллар ҳам, дуч келган нарсани оёқ кийими ўрнида кийиб олган яримялангоч болалар ҳам бор. Фаранг тутқун ертўла қазиганда атрофида йифилган болаларнинг барчаси ҳам шу ерда. Блоквил уларнинг ҳаммасини кўзидан, юзидан танирди, қадр-донлашиб кетган эди.

Йифилганлар орасида Кўнғирга биринчи келган куниёқ бўйнига илон осиб олиб қаттиқ чўчитган Чақон тентак ҳам бор. «Бугунги воқеадан у ҳам хабардор бўлса, демак, энди бутун Марв мени билган бўлса керак!»

Анови қизча – улкан оқ терак устига кўмир билан сурати чизилган Ўғилжаҳон номли қизалоқ. Унинг бошидаги қизил рўмоли остидан кўриниб турган соchlари ҳозир ҳам диккайиб турибди. Кўзларидан ёшлари тўкилай-тўкилай дейди. «Нашотки, бу болалар менга шунчалик ўрганиб қолишган бўлса?!»

Блоквил кўзлари тўрт бўлиб эшик очилишини кутарди, ниҳоят, эшик очилди. У ердан Абдал сардор билан Эгамурод чиқишиди. Эгамурод ўз уйига кириб кетди. Абдал сардор эса кулба ёнига келди.

Икки нафар эркак кишининг қучоқлашишларига, бир-бирларининг юзу ёноқларидан бир неча бор ўпич олишларига қўнғирликлар ҳайрон бўлиб қарашди.

Атрофдагиларга тушунарсиз тилда Абдал сардор билан қилинган қисқа гап-сўздан сўнг кулбасига кириб кетган Блоквил у ерда узоқ турмай дархол ташқарига чиқди. Унинг учун зиндонга айланган кулбадаги майда-чуйда нарсалар ичидан қўлига олиб чиққани — муқовасига «Туркман диёридаги ўн тўрт ойлик асирилик» деб ёзилган қалин дафтар эди.

Кайфияти чоғ Эгамурод уйидан чиқди-да, енгил қадам ташлаб оғасининг уйига ўтди. Астарсиз чакмонини ҳар доимгидек елкасига ташлаб олган Муҳаммадаваз полвон укаси билан биргалашив фарангнинг ёнига келди.

Эгамурод қўнғир қўлидаги қўшофиз тўппончани унга узатди.

— Яроғингни олиб кет, мулла фаранг. Бу сеники эди...

Тўппончани қўлига олиб, бироз ўйланиб турган Блоквил уни Муҳаммадаваз полвонга узатди.

— Бу яроғ мендан сизга эсадалик бўлсин, оғабек! Сизга ҳамиша хурматим баланд, оғабек...

Фарангдан қўшофиз тўппончани<sup>1</sup> қабул қилиб олган Муҳаммадаваз полвон ўнгайсиз ҳолга тушиб жилмайди. У яроғни қўлига олар экан, ярим туркманча, ярим форсча гапира бошлади.

— Сен бу ерда азоб чекканинг айни ҳақиқат, мулла фаранг! Асири тутиб туриш учун маҳсус буйруқ олганимиз ҳақида ўзинг ҳам билардинг. Аҳволимиз, кун-кечиришимиз ҳамин қадар бўлгач, сен ҳам биз билан баравар яшаб, жафо тортдинг, меҳмон... Энди буларнинг барчасини эсингдан

<sup>1</sup> Жорж Анри Гулибеф де Блоквилнинг қўшофизли тўппончаси Муҳаммадаваз полвоннинг ҳозир Мари тумани «Ҳақиқат» жамoa хўжалигида яшаётган набираларидан бири — Қақагелди Жуммиевнинг хонадонида оилавий мулк, эсадалик сифатида сақланмокда (муаллиф изохи).

чиқаргин-да, ўз юртингга омон-эсон бориб ет! Оллоҳу акбар<sup>1</sup>!

Кекса полвон шундай деб икки кафти билан юзини силади.

— Йўлинг бехатар бўлсин! Яратган эгам сени паноҳида асрасин...

Блоквилнинг бошидан кечирган кунлари ҳеч қачон эсидан чиқмайдиган воқеа бўлса-да, Муҳаммадаваз полвоннинг чин кўнгилдан айтган сўзлари ҳозир уни титратиб юборди, кекса полвоннинг ҳали ҳам бақувват қўлларини қўшкафти билан маҳкам қисди-да, атрофдагиларга қаради. Ўзига тикилиб турган юзларча кўзлар ичиди у шу маҳалда ўзи учун ниҳоятда азиз бўлиб қолган ўша соҳибжамол қизни — Оқморолни, унинг қора кўзларини излади. Минг ағсуски, у шундай соҳибжамол, кўнгли гўдакнидай мусаффо, покиза туркман гўзали билан инсонларга хос видолаша олмади. Бунга Оқморол ҳам, Блоквил ҳам айбдор эмасди. Капрал буни тушунди. Қаерда бўлмасин, бундан буён оқ юзли Оқморолнинг чехрасини мутлақо кўра олмаслигини ҳис қилган капрал армон билан чукур хўрсинди... Бахти бўлсин, ишқилиб, Оҳморол!

Тақдирига қонли саёҳат ёзилиб, ваҳшийдан-ваҳший, жирканчдан-жирканч фожиаларни бошидан кечирган, илк бор туркман тупроғида француз товонининг изини қолдирган Жорж Блоквил яна Ардарбант сахросига бир назар ташлагиси келиб қолди. У инсон назари етмайдиган масофада ястаниб ётган Хурросон пасттекисликлари узра кунботар (фарб)га томон от югуртиришга шайланади. Чунки у томонларда раҳм-шафқатсиз турмуш ма-шаққатларидан хўп таъзирини еган капрални икки йилдан буён гўзал Париж шаҳри кутиб турарди...

*Mari – Москва – Париж – Ашхобод.  
1993 – 1995 йиллар*

---

<sup>1</sup> Муҳаммадаваз полвоннинг ушбу сўзлари Ж.А. Блоквилнинг «Туркман диёридаги ўн тўрт ойлик асирилик» номли кундалигидан сўзма-сўз олинди (муаллиф изохи).